

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

---

**Муассислар:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
“МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ”  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

---

**Бош муҳаррир:**

Озод ШАРАФИДДИНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Неъмат АМИНОВ  
Муҳаммадали АХМЕДОВ  
Шароф БОШБЕКОВ  
Жамолиддин БЎРОНОВ  
Эркин ВОХИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Неъматулла ИБРОХИМОВ  
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ  
Миргўлат МИРЗО  
(Бош муҳаррир муовини)  
Абдулла ОРИПОВ  
Файбулла САЛОМОВ  
Жавлон УМАРБЕКОВ  
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ  
Рустам ШОҒУЛОМОВ  
Файзи ШОХИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Сайдбек ҲАСАНОВ

*Август '98*

# МУНДАРИЖА

## НАСР

ЭФРАИМ СЕВЕЛА. Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан. <i>Қисса</i> .....	3
РЕМАРК. Уч оғайни. <i>Роман</i> .....	53

## ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ГЁТЕ. Фарбу шарқ девони. Давоми .....	42
БАЙРАМ ЙИЛМАЗ. Гёте ва Шарқ .....	48
Қорақалпоқ шеъриятидан. Тошкентни соғинаман .....	125

## МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ. Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз.....	131
УМАР ҲАЙЁМ. Рубоийлар .....	133

## 1998 — ОИЛА ЙИЛИ

Қадимги манбалар оила ҳақида .....	136
------------------------------------	-----

## МОЗИЙДАН САДОЛАР

ЗИЁ БУНИЁДОВ. Хоразмшоҳлар давлати .....	152
МИРАЗИЗ АЪЗАМОВ. Бу оламдан Зиё Буниёдов ўтди .....	164

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСИКА

Қилни қирқ ёриб. <i>Қисса</i> . Қадимги хитой детективи .....	169
---	-----

## СОЛНОМА

Саудия Арабистонида маданий ҳаёт .....	207
--	-----

© Жаҳон адабиёти, 1998 й.

Эфраим СЕВЕЛА

Соҳибжамол, йигирма уч ёшда, қулоғи оғирроқ, жиндай-жиндай рус тилида, гуржи тилида, ивритда сўзлаша оладиган жувон. Ўзига мос, қулоғи оғирроқ ёки кар ва соқов йигит билан турмуш қуриш мақсадида танишмоқ истайди.

*Исройлда рус тилида чиқадиган "Бизнинг мамлакат" газетасидаги эълонлардан.*

## Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан!

*Нью-Йоркдаги Ж.Ф.Кеннеди номидаги ҳалқаро аэропорт. "Аэрофлот" авиакомпаниясининг ТУ-144 самолёти ичида. Ташқарида ҳаво ҳарорати +20°C.*

— **С**алом, хунаса Янги йил!  
Э-э, худо ҳақи, минг бора узр! Бу гапни бирор эшигадиган қилиб айтмоқчи эмасдим. Бу гап хаёлимдан ўтди, холос. Киночилар айтмоқчи, ички овоз.

Лекин сўз чумчук эмаски, оғиздан пир этиб чиқиб кетгандан кейин тутиб ололсанг. Шунинг учун яна бир бор узр, жаҳлингиз чиқмасин, асабларимизни бузмай кўя қолайлик. Нима иложим бор — ёнимга анавиmallasoch жувон эмас, сиз ўтириб қолдингиз. Мен бу жойни ўша соҳибжамолга мўлжаллаб кўйгандим, келиб ўтирас, деб ўйловдим. Сиз ўтирдингиз... Демакки, сиз билан биз қўшни бўлдик. Бинобарин, ўзимизда ишлаб чиқарилган бу ажойиб самолётда Нью-Йорк шаҳридан ватанимиз пойтахти Москвагача ўн тўрт соат бирга учамиш. Шунинг учун бошидан ғижиллашмай кўяқолайлик-да, ширин-ширин суҳбатлар қурайлик. Шундай қиласак, вақт ўтганини билмай қоламиз. Омадимиз келиб қолса, янги гаплардан эшиксак ҳам, ажаб эмас. Москвадаги бир театр қошида ўт ўчирувчи бўлиб ишлаган Сема Кац шунақа дерди.

Русчадан  
Озод  
**ШАРАФИДДИНОВ**  
таржимаси.

Эфраим Севела — 1928 йили Белоруссияда туғилган. Университетда ўқиб, журналист бўлиб ишлади. Кинематография соҳасида ҳам ўзини синаб кўрди. Унинг сценарийлари бўйича саккизта фильм суратга олинган. 1971 йили собиқ ССРНи тарк этди. Исройл ва АҚШда яшади. Унинг аччиқ ҳақиқат билан йўғрилган асарлари дунёning кўпгина мамлакатларида севиб ўқилади. Адиднинг "Мажруҳ кўча афсонаси", "Мона Цацкес — байроқдор", "Рус ҳаммомида эркакчасига суҳбат", "Нега ер юзида жаннат йўқ?", "Ўз онангни сот", "Идиш тилида гапи-рувчи тўтиқуш", "Ақл тиши" асарлари шулар сирасига киради. Эфраим Севеланинг "Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан!" киссаси ўзбек тилида илк бор эълон қилинаётир.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Бу воқеани билмайсизми? Менга қаранг, кўп нарса йўқотибсиз-ку! Бу воқеа жуда қадимий — мен тарихий ватанимда яшайман деб, орқа-олдимга қарамай Москвани тарк этган чоримдаёқ бу воқеа юз ийллик тарихга эга эди.

Тарихий ватан нима эканини билмайсизми? Кўриниб турипти, яхудий эмассиз. Истаган шўро жуҳуди — сионистми ё аксилисионистми, коммунистми ё партиясизми, хаёлпарастми ё чайқовчими, қип-қизил аҳмоқми ё салкам доҳийми — ҳеч балони билмаса ҳам, тарихий ватан нималигини яхши билади. Уни уйкудан уйғотиб сўрасангиз ҳам дарров айтиб беради.

Аммо сиз ўрисиз, биринчи қаращаёқ кўриниб турипти, тарихий ватанинг нима экани тўғрисида бошингизни қотириб нима қиласиз. Сизнинг ватанингиз бўлган, бор ва бўлади. Бу тушунарли ва ҳозир сиз билан биз нафас олиб турганимиздай табиий. Аммо яхудийларда бу масалада андак чигаллик бор, шунинг учун уларга ҳам тарихий ватан нималигини тушунтириб ўтиришнинг нега ҳожати йўқлиги ўз-ўзидан маълум.

Хай, энди, чалғимайлик. Ҳамма нарсанинг фурсати бор. Ўт ўчирувчи Сема Кацимизга қайтайлик. Москва театридаги Сема Кацга. Тарихий ватан масаласида эса ҳали фикр алмашишга улгуромиз. Ҳали йўлимиз олис, вақтимиз сероб. Кўриб турибисизки, мен гап сотишни яхши кўраман, кўриб турибманки, сиз ҳам гап тинглашни ёқтирадар экансиз. Хўб топишибмиз-да! Кўнгилдагидек улфатчилик қиласиз.

Бас! Гап сотиш етар, ишга ўтайлик. Сиз билан биз биламизки, яхудийлар мөъёри билмайдиган халқ. Уларга олтин ўрталиқ бегона. Агар яхудий заковатли бўлса, у Альберт Эйнштейн ёки жилла бўлмаса, Карл Маркс бўлади. Агар худо ақл улашаётганда яхудий кечроқ қолган бўлса, унда бунақа бетамиз каллаварамни бошқа биронта халқдан қидириб тополмайсиз. У билан таққослаганда тентак Иванушкани Михайло Ломоносов десандиз ҳам бўлаверади.

Худо берган куни кечқурун театрда спектакл бўлган кезларда мабодо ёнгин рўй бериб қолса одамлар ваҳимага тушиб, у ер-бу ерини куйдириб олмасин деган мақсадда саҳнадаги пардалар ортида навбатчилик қиласидан Сема Кац яхудийларнинг иккинчи тоифасига мансуб эди. Яъни дунёга Альберт Эйнштейнни ва илмий коммунизм асосчисини бермаган тоифадан чиққанди. Лекин иккала қизи яхши жойга тушганди. Сема Кац аллақачон бобо бўлган бўлса-да, утчига чиққан нодон эди. Унинг гўлигини кўриб лол қолмаган одам бўлмасди. У факат ўзининг касбини биларди. Лекин театрни жон-дилидан яхши кўрарди. Шу даражада яхши кўрардиди, битта пьесани юз марта кўрса ҳам сира зерикмасди. Аммо парда ёпилиши биланоқ кўрганинг ҳаммаси паққос калласидан чиқиб кетарди. Эртасига яна пардалар орқасида тик турганича ўша матнинг ўзини жон-дили билан, хузурланиб, оғзини очганича эшитаверарди.

Шундай қилиб, десандиз, ана шу Сема Кац Москвадаги жамики театр ишқивозларини лол қолдирди. Артистлар ўт ўчирувчи Кацнинг театрга садоқатини билганларидан метрога етиб олгуналарича унинг ҳамроҳ бўлиб боришига ижозат беришарди. Кац мазза қилиб, уларнинг жаворашларига қулоқ тутиб ёнларида бораверарди. Сема Кац бор-йўғи бир мартағина уларнинг сұхбатига аралашиб қолди. Аммо шунинг ўзи унинг довруғини бутун Москвага ёшишга кифоя қилди. Москвагагина эмас, унинг теварак-атрофига ҳам.

Ўт ўчирувчи ҳамроҳлигига метро томон кетиб бораётиб, актёрлар нима тўғрисидир тортишиб қолишиди. Уларнинг қай бири ўзининг ҳақлигини кўрсатмоқчи бўлиб, дебди:

— Ернинг юмалоқлиги қанчалик тўғри бўлса, бу гап ҳам шунча тўғри...

— Ер думалоқми? — деб гапга аралашибити ўт ўчирувчи Кац ва жуда зўр ҳазилни эшитгандай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборипти.

Йигирманчи асрнинг қоқ ўртасида фазога Ер йўлдошларини учираётган давлатнинг пойтахтида бунақа нодон одамни кўрамиз деб хаёлларига ҳам келтирмаган артистлар оммабоп бир тарзда унга ҳар бир мактаб боласи биладиган гапни тушунтириб беришди. Сема Кац бу гапларни сеҳрли эртакдай тинглади ва метронинг эшиги олдида артистлар билан хайр-маъзур қилатуриб, қаттиқ мутаассир бўлган ҳолда деди:

— Шунинг учун сизлар билан сайр қилишини яхши кўраман-да, сизлардан ҳамма вақт янги гаплардан эшитасан одам...

Жуда соз-да! Сизни кулдира олганимдан ғоятда мамнунман. Демак, орамиздаги хижиллик кўтарилиди. Энди яқинроқдан танишиб олсак бўлади.

Ижозатингиз билан ўзимни таниширий. Рубинчик, Аркадий Соломонович. Таъбир жоиз бўлса, ўз ота-онамнинг фарзандиман. Каасбим, борини айтаман-да, сартарошлиқ. Нафақат эркаклар, аёллар сартароши ҳамман. Менга бунаقا қараманг. Ҳа, ҳа. Сартарошман. Агар сизга бошқа бирорвайт кўринган бўлсан, айтиб қўйяй, биринчи алдашаётган сиз эмассиз. Мен — олий тоифали сартарошман. Москвадаги "Интурист" меҳмонхонасини биласизми? Каминаи камтаринингиз ўша жойда ишлаганман. Фақат олий табақчанинг хизматини қилганман. Дипломатлар, туристлар, энг муҳими эса — Москвадаги санъат аҳли. Санъат дунёсининг жамики каллаларига мен ишлов берганман. Ҳа, энди, албатта, ўша каллалардан у-бу нарса бизнинг каллага ҳам жиндай ўтган-да... Чакки эмас-а?

Менинг доимий мижозларим бўлмиш ҳар бир ёзувчи сочини тараашлагани ё соқол олдиргани келганида, албатта, янги чиқсан китобига дастхат ёзид менга тортиқ қилишини ўзининг бурчи деб ҳисобларди. Кейин эса ўқиганим, маъқул бўлган-бўлмаганини суринтиришини ҳам фарз биларди. Унинг суринтиришига чап бериб қолмаслигим учун китоб мазмунини бобма-боб сўрарди.

Хоҳласам-ҳоҳламасам бу бемаза китобларнинг ҳаммасини ўқилигина эмас, эсада олиб қолишимиға ҳам тўғри келарди. Бўлмаса, доимий мижозлардан ажralиб қолишим аниқ эди. Улар эса инсон руҳининг инженерлари сифатида билишар эдикни, уста ҳам одам, унга ҳам чойчақа чўзиб туриш керак, бўлмаса суроби тўғри бўлиб қолади. Унда доимий мижозларимнинг тилла бошларига зеб берадиган одам қолмайди. Мен бу истеъододли каллаларга мафкуравий зеб беришни айтиётганим йўқ. Буни бошқа жойда қилишарди.

Мен ўқиган китоблар-у санъат арбобларининг суҳбатларидан эшитганларимнинг ҳаммаси (кулогингга пахта тиқиб қўя олмайсан-ку!) калламга ўрнашиб қолади. Кейин оғзимни очиб гап бошласам, кўплар адашиб мени ёзувчи деб ўйлашади. Ўртача ёзувчи деб-да... Худо сақласин-е... Менинг ўзимнинг ҳунарим бор... Ҳозирча шу ҳунарим сабаб, бир куним ўтиб турилти. Сирасини айтганда, одамнинг ҳусни амал эмас, балки, аксинча, одам ҳар қандай жойнинг ҳуснидир. Шунинг учун мен баъзи бирорлардан фарқ қилиб, ҳеч қаҷон ким эканимни яшираб ўтирумайман.

Сартарошман! Бунинг устига, учига чиқсан аҳмоқман! Негаки, мен қилиб қўйган ишни, ножоиз жойга каллаварамлик билан калламни суққанимни энг бетамиз одамгина қилиши мумкин.

Рост, менга битта нарса таскин беради. Менга ўҳшаган бетамизлар битта эмас. Юз минглаб шўро жуҳудлари шундай қилишиди. Сизга очиғини айтсам, бу йўлда анча муваффақиятга ҳам эришишиди. Эндиликда улар тақир бошларини қашлаб юришипти. Чунки қылғиликни қилиб қўйиб, кейин роса бошларидаги соchlарини юлишган.

Майли, бу тўғрида кейин гаплашайлик. Ҳали бир қоп вақтимиз бор.

Марҳамат қилиб, уч қатор олдиндаги анави малласочга қаранг. Сиз билан бизга алланглаётгани йўқми? Ҳа. Соҳи зўр экан. Ростиини айтадиган бўлсан, ҳар бир арзийдиган аёлга, аввало, каасбимнинг қўзи билан қарайман. Соchlарига, пардоз-андозига қўз юргутираман. Арзийдиган аёлда бу ишлар ҳамиша жойида.

Хуллас, бу малласоч аёлга унинг ажойиб соchlари туфайли Кеннеди аэропортидаёқ эътибор бергандим. Кейин қарасам, қалди-қоматдан ҳам қисмаган экан. Бурни ҳам жойида. Кўзида ҳам оқи йўқ. Эркакка яна нима керак?

Шунда қўзимни лўқ қилиб, унга тикилиб қарай бошладим — бу одатим ёшликтан — Мелитопол шаҳарида яшаган пайтимдан қолган. Шундай қараб, унга foibona бир фикрни сингдира бошладим:

"Сен самолётда менинг ёнимга ўтирасан... менинг ёнимга ўтирасан... Ёнимга ўтиранг, бу сенинг баҳтинг. Баҳтингни қўлдан чиқарма..."

Енгил юкларимизни топшираётган пайтда мен қўзим билан бўйинни тешиб юборай дедим. Узун туннел бўйлаб самолётга кетаётганимизда ҳам, самолётнинг ичида ҳам ундан қўз узмадим. Мен узлуксиз равишида тилагимни такрорлайвердим, такрорлайвердим. Ниҳоят, ниҳоят ёнимга шалоп этиб сиз ўтирдингиз. Шунда мен:

— Салом, хунаса Янги йил! — деган гапни айтдим. Ичимда айтдим, ҳамма эшигадиган бўлиб чиқди. Бу гап сизга қаратилган эмас эди. У менинг ўзимга қаратилган эди.

Лекин әндилікда ёнимга сиз ўтириб қолганингизга ағасуланаётганим йўқ. Мабодо, бу аёл ёнимга ўтириб қолганида ўн түрт соат давомида нима қилардим? Шунча вакт мобайнида унга күл теккизиб бўлмас! Хунобгарчилиқдан бошқа нарса эмас. Сиз бўлсангиз, мана, жуда яхши сұхбатдош экансиз. Бинойиdex гапни тинглаб ўтирап экансиз. Тўла-тўкис баҳтиёр бўлмоқ учун яхдий одамга бундан ортиқ нима керак?

Керак бўлса, фақат бир нарса керак: Илоҳим, самолётимиз океанга ийқилмасин. Шундай бўлса сиз билан биз муздек сувда роса азоб чекардик, акулалар раҳми келиб, бизни еб қўймагунича роса қийналардик. Бироқ ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, юзта учишдан биттасидагина шунаقا бўларкан. Сиз билан биз Москвага эсон-омон қўнишда тўқсон тўққиз имкониятга эгамиз.

Келинг, ундан кўра тузукроқ гаплардан гаплашайлик. Анави стюардесса қиз қўғирчоқдеккина экан. Бирам ёқимтой. Ўрис башара. Овқат тарқатялти. Бизга етиб келгунча, сизга бир воқеани айтиб берай. Бу воқеа ҳам самолётда бўлган эди. Ўшанда нигоҳим билан аёлни авраш усулим ўнгидан келган эди.

Бу воқеа бир йил аввал Америкада рўй берди. Мен ҳали унда Америкага бутунлай ўрганиб кеттаним йўқ, анча фур эдим. Туар жойимнинг ҳам тайини йўқ эди. Яқиндагина Истроидан келиб, бу мамлакатга ўрнашиб олишнинг чорасини излаб юргандим.

Нью-Йоркда тўғри келадиган дурустроқ иш тополмадим. Одамшаванда маҳаллий яхдийлардан бири менга Шимолий Каролина штатидаги Вилмингтон шаҳрига бориб келишни маслаҳат берди. У ерга унинг ошнаси гўзлалик салони очган экан. Ошнаси ашаддий яхдийпараст экан. Шундок бўлгандан кейин сенга ўхшаган устага унинг салонидан жой топилади-да, — деди танишим. У Вилмингтондаги ошнасига қўнгироқ қилди. У бўлса ҳатто менга самолётга билет ҳам жўнатди. Тўғри, билет фақат боришга эди. Қайтишга билетни ўзим сотиб олдим, чунки Вилмингтонлик яхдийпараст менин жуда гўл деб ўйлади, шекилли — менга негрларга тўлайдиган маошининг учдан бирини таклиф қилди. Шу ахволда қўзларидан ёш тўқайтўқай деб, бутун қалби билан рус яхдийлари томонида эканини, биз унинг билан ака-ука эканимизни айтди. Мен унга “хе, ўша сенга ўхшаганларнинг акалигидан ўргилдим” дедим ва бир амаллаб ёнимда бор пулнинг ҳаммасига қайтишга билет олдим-да, Нью-Йоркка — улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький сариқ иблис шаҳри деб атаган шаҳри азимга равона бўлдим.

Лекин ҳозир гап бу тўғрида эмас. Шимолий Каролина штатидаги Вилмингтон шаҳрига бекордан-бекорга келганинг сира ачинмайман. Бундан ташқари, бу сафарим ўнгидан келдими, ё беҳуда бўлдими — бу унга қай томондан қарапашга боғлиқ. Сизга ростини айтадиган бўлсан, сафарим ҳар ҳолда жуда ўнгидан келди. Ҳар ҳолда, қайтиш учун билетта сарфлаган пулимни беҳуда сарфлар рўйхатига тиркай олмайман.

Мен бу аёлни Нью-Йоркдаёқ Ла Гардия аэропортида пайқаб эдим. Тўғрироғи, унинг сочларини. Қорамойдай қоп-қора. Кўқимтири товланади. Елкаси оша орқасига тўлқин-тўлқин бўлиб тушган. Чөхрасини айтмайсизми? Ажиб бир шарқона хусни бор экан. Кўзлари қийик. Қошлиари қалдирғоч қанотидай. Лаблари ғунча. Териси мармар. Бурун парраклари зотдор аргумоқницидай очилиб-ёшлиб турипти.

Шунча хусну малоҳатнинг устига қадди-қомати жуда келишган. Бўйи бўйимга мос. Кийиниши ҳам бежирим. Дабдаба-ю такаббурлиқдан нишон ҳам йўқ.

Бир сўз билан айтганда, ақлим шошиб қолди. Тўриси, бу ҳам ҳолва...

Кўзимни лўқ қилиб унга тикилдим-у, унга гойибона таъсир кўрсата бошладим. Лекин очиғини айтадиган бўлсан, бирор иш чиқишидан умидим йўқ эди. Жуда ҳам зўр эди-да — менга йўл бўлсин.

Самолётда йўловчилар кам эди, бўш жойлар кўп. Хоҳлаган жойингга ўтираверасан.

Мен дераза олдига ўтиридим. Ёнимдаги жой бўш эди. Жувон қўлида бежиримгина чемоданчасини кўтариб, самолётнинг ичига ўтиб борар экан, мен унга тикилиб туравердим. Тикиламан-у, таъсир қилишга уринаман. Фикран. “Келиб менинг ёнимга ўтириб берадиган гапим кўп...”

Нима, мени мақтаняпти деб ўйлајпизми? Қасамлар бўлсинким, гапим чин.

У менинг олдимда тўхтади, қошлари чимирилди, мен унга бош иргадим, дарров кўлидан чемоданчасини олиб, юқ қўядиган жойга ўрнаштирилигга ёрдам бердим.

У пальтосини ечди, ўтириди, ёнидан бир журнални олиб, берилиб ўқий бошлади. Мен борманми, йўқманми — парвойи фалак эди. Қарасам, иш пачава. Бор-йўғи бир ярим соат учамиз. Журнални ўқиб тутгатишга ҳам етмайди. Бир бало қилиш керак. Сеҳр-жодуум уни ёнимга ўтказишга етди. Аммо мени яхши кўрдиришга кучим етмади.

Шунда менга газета қўл келиб қолди. Истроилда бўлган кезларимда, ҳали бутун дунё ахлининг ва, айниқса, америкаликларнинг “мард шўро яхудийлари”га қизиқиши сўнмаган маҳалларда бир муҳбир менинг сувратимни олганди. Шу суврат Америка газетасида босилиб чиққанди. Мен чиндан ҳам қаҳрамон бўлганим учун эмас, балки уларга Черновицдан чиққан эмас, москвалик яхудий керак бўлиб қолганди. Черновицлик ва Кишиневлик яхудийлар ичидаги эса москвалиги ёлғиз мен эдим.

Суврат жуда зўр чиққан эди. Унинг тагидаги ёзуви эса шунаقا сермақтов эдик, бирорвга кўрсатишга истиҳола қиласарди, киши. Миллий қаҳрамон... Раҳнамо... Атоқли... Америкаликлар сизни мақтамоқчи бўлса, қўяверасиз, нуқта нималигини унтиб қўйишишади. Раҳнамо ҳам сиз, атоқли ҳам сиз... Хуллас, энг, энг... Уларда тартиб шунаقا экан. Мен буни кейин билиб олдим...

Ўша газетанинг бир нусхасини олиб қўйғанман, керак жойларда ўзимни овсарликка соламан-да, уни секин кўрсатаман. Газета неча мартараб жонимга ора кирди-ю...

Бу гал ҳам ҳар доимдагидек газета ёнимда эди. Мен уни портфелимдан олдимда, сувратимни қўшни жувонга яқинроқ қилиб, саҳифаларини очдим. Ҳатто газетанинг бир бурчагини жувон ўқиётган журналнинг устига чиқариб ҳам қўйдим. Менинг бунаقا беадаблигимдан жувоннинг энсаси қотди, у қошларини чимириди ва беҳосдан кўзи сувратимга тушди. Кейин у кўзини олиб менга, сўнг яна сувратга қаради. Илинди!

Шунда мен бу соҳибжамолнинг бекиёс чехрасида менга қизиқиш уйғониб келаётганини кўрдим. У одоб билан газетани сўради — кўриб берсан майлими? — деб. Мен ҳам одоб билан, ҳовлиқмасдан газетани узатдим. У газетага ёпишиб қолди, мен бўлсам газетада ўзим тўғримда нималар ёзилганини билганимдан, натижа нима бўлишини кутиб дамимни чиқармай ўтиридим. Кўп кутишга тўғри келмади. У яна кўзини олди — унинг нигоҳидан қойил қолгани сезилиб турарди. Бўлмаса-чи! У шўро яхудийларини Истроилга чиқариш учун кураш қаҳрамони билан ёнма-ён ўтирип эди-да!

Мен инглизчани биламан-у, лекин унча гаплашолмайман десам ҳам бўлаверади. Жувоннинг ҳам инглизча билиши менинидан аъло эмас экан. У ҳам Америкага яқинда келган кўринади. Муҳожир жувон экан-да... У ёқ-бу ёқдан гап сотиша бошладик. Мени-ку қўяверасиз, кўзимдан ўт чақнаб, унинг бошини айлантираман. Унинг эса қилгани “оҳ-воҳ”, ҳеч ўзини босиб ололмайди, “қандоқ одам билан танишдим-а!” дегани деган. Сезиб турибман, ишлар яхши кетяпти. Фақат эҳтиёт бўлиши керак, бирор арзимас сабаб билан тойиб кетмасам бўлди. Лекин мен бир нарсадан бесаранжом эдим. Аҳён-аҳёнда менга қараб қўйганида унинг шаҳдо кўзларида маккорона бир учқун чақнагандай бўларди. Худди мени лақиплатмоқчидай...

Ниҳоят, “оҳ-воҳлар”га тўйди, шекилли, менга қараб, кўзини сузиб деди:

— Истроилнинг қаҳрамони билан танишганимдан фоятда мамнунман, лекин имоним комилки, менинг ким эканимни билсангиз, унча хурсанд бўлмайсиз. Қани, топинг-чи!

Мен алланечук найрангни ҳис қилдим, инглизча билгандарим ҳам бир зумда ҳавога учгандай фойиб бўлди. Маънилирок бирон жавоб ўрнига миямга нукул инглиз тилини дарслигидан “мистер ва миссис Клариж нарса ҳарид қилгани магазинга боришиди” деганга ўҳашаш бўлмасур жумлалар келарди.

— Ўзингизни қийнамай қўяқолинг, — деб жилмайди у, — барибири топа олмайсиз. Мен — арабман. Сиз ҳозир Москвадан қаҳрамонларча кўчиб борган жойингизда туғилганиман. Сиз билан икковимиз ҳамюртлармиз. Лекин мени у ердан чиқариб юборишиди, сизни эса — аксинча...

Шундай деб жамики ўттиз икки тишини ялтиратиб кулади, денг. Мен бўлсам — бутун вужудим жимиirlаб зўрга ўтирибман. Шимим елимдай ёпишиб қолса ҳам ажаб эмас. Буни қаранг, роса илиндим-ку! Фойибона таъсир усули билан ўзимга кимни яқинлаштирибман? Араб террорчисиними? Эҳтимол, мен кўмаклашиб жой-

лаштиришворган чомоданчанинг ичида соат механизми билан ишлайдиган мина бордир?.. Мен ҳатто соатнинг чиқиллашини эшигмоқчи бўлиб, қулогимни динг қилдим.

Фикрларимни сезгандай жозибадор террорчи жувон мени калака қилишда давом этди:

— Иккита акам “Фаластиинни озод қилиш Халқ фронти”нинг жангчилари. Мен ҳам бу романтикага берилиб кетишинг сал қолди. Ҳатто Истроил самолётини босиб олмоқчи ҳам бўлдим. Лекин...

— Нима “лекин”?

— Лекин, — деб кулиб юборди у, — бу Фикримдан қайтдим. Аёл эканим эсимга тушди. Ёшлик бир зумда ўтади-кетади. Акаларим билганини қилсин, дедим-да, Ливандан кетиб бу ерга келишга қарор бердим. Ҳозир менда Америка паспорти бор.

Сал ўзимга келгандай бўлдим.

— Лекин, ростикин айтганда, икковимизнинг танишганимиз хўб фалати иш бўлди! — деб давом этди у. — Агар ўргамиизда бирон ишқий можаро бўлиб ўтса, биз бир-бираига душман иккى хонадондан — Монтекки ва Капулетти хонадонидан чиққан замонавий Ромео ва Жульєтта бўлар эдик.

— Ҳўш, шундай қилишга нима ҳалақит беради? — деб сўрадим мен иложи борича ўзимни бегарсангиб. — Ишқий можаромизга бирон монелик борми?

— Агар сиз эътиroz билдиримасангиз, — деб жавоб берди у, — мен бажонидил...

Гапимга ишонинг — шу воқеадан кейин мен арабларга қарашимни бутунлай ўзgartирдим. Тўғрироғи, араб аёлларига қарашимни.

Энди бу ёғи қандоқ бўлганини эшигининг.

Биз Вилмингтонга ярим тундан ошганда қўндик, кейин биргаликда “Хилтон” меҳмонхонасига йўл олдик. Америкада ҳар бир шаҳарда шу номда меҳмонхона бор. Меҳмонхонага келдик. Шеригим икковимизга бир хона олди, меҳмонлар тўлдириб бериши керак бўлган қоғозга “биз эру хотинмиз, фамилиямиз Палестайн” деб ёзib қўйди. Русчасига “Фаластиин” дегани-да. Вой шумтака-е! Мени ҳиқиҷоқ тутишига сал қолди.

Тўшакда нима бўлганини на қалам билан тасвиirlаб бўлади, на тил билан ифодалаб... Минг бир кечада! Шахризода!

Бор-йўғи икки соат ўтар-ўтмас бўм-бўш бўшаб қолдим. Тепса жаранглар эдим. Мени пуфакка ўхшаб пулфлаб шиширса бўладиган бўлиб қолувдим. Бир урса, учиб кетишим аниқ эди, чунки ҳаводан ҳам енгил бўлиб қолгандим.

Кейин мен унга дедим:

— Бунақа жазава билан кўз очиб юмгунча Истроилнинг кулини кўкка совурасиз-ку!

Унинг жавоби жамики яхудий ҳалқининг шаънига айтилган мақтovдай жаранглади:

— Агар ҳамма яхудийлар сенга ўхшаган яхудий бўлса, Истроилни яшашига ҳаққи бор деб тан олтаним бўлсин!

У бу гапни менга — тарихий ватанини шармандаларча тарк этиб, Америкага қочиб келган бир одамга айтиб ўтирипти. Аммо у менинг қочганимдан бехабар эди-да. Мен ҳам, албатта, унинг маъсумаликдан хийла узок бўлган туриш-турмушининг кўп жиҳатларидан бехабар эдим.

Ўлиқдай қотиб ухлаб қолибман, совуқ терга ботиб уйғондим.

Мен тунаган хонанинг бир томондаги девори ўрнига дераза қилинган экан. Кўзимни очиб қарасам, худди кинодагидек, “Аврора” крейсери турипти. Тарихий “Аврора” крейсери — инқилоб бешиги бўлмиш Ленинград шаҳрида Нева дарёсида туради. “Демак, мен СССРда эканман-да, — деган ўй келди кўнглимга. Бу ўйдан бутун вужудим музлаб кетди. — Демак, мени ухлатиб кўйишган-у, яширинча Ленинградга олиб келишган”. (Нега энди Москвага эмас-у, Ленинградга? — Бу тўғрида мен ҳатто ўйлаб ҳам улгурмадим). “Бундан чиқди, соҳибжамол араб жувони террорчи эмас, КГБнинг одами экан-да? Ҳозир сўроқлар бошланади, қийнашади... Ҳаммасига сабаб Америка газетасида менинг иприски сувратим босилгани-ю, мен тўғримда айтилган сердаромад гаплар...”

Мен совуқ терга ботганимча қимир этишга журъат қилмай, бўғма илоннинг сехрига чалинган қуёндай дераза ортидаги “Аврора”дан кўзимни узолмай ётардим.

Лекин бир нарсага ҳайрон эдим — тагимда турманинг темир кровати эмас, юмшоқ, пар ёстиқли, пар тўшакли кроват. Нима учундир деразада темир панжара йўқ. Бунинг устига, дераза олдида узун оёқли қимматбаҳо чироқ билан юмшоқ ўриндиқ.

Кенг-мўл кроватда бир ўзим ётибман. Лекин иккинчи ёстиқ эзилган. Ёстиқнинг устида бир тола узун соч. Аёлники. Ўша соҳибжамол террорчи жувоннинг сочи.

Мен Ленинградда эмас. Америкада эдим. Шимолий Каролина штатида, Вилмингтон шаҳрида. Дераза ортидаги крейсер дарёда турарди. Лекин бу дарё Нева эмас эди. Бу ҳам тарихий крейсер эди, аммо Америка тарихидан. Кема бизнинг “Аврора”га жуда-жуда ўхшарди. Бу кемадан ҳам музей ўрнида фойдаланишар эканлар.

Сизга очиғини айтаман, ўшанда пуштим куйиб кетмаганининг ўзи бир мўъжиза. Лекин анча вақтгача дудукланиб юрдим. Тўғри, теварак-атрофимдагилар бу нуқсоними инглиз тилини чала билишимга йўйишиди.

Айтганча, эътибор беринг-а — мalla соч биз томонга қараб қўйяпти. Демак, менинг фойибона таъсири изисиз кетмапти, у бир нарсани ҳис қиляпти. Ким билсин, менинг ёнимга сиз эмас, у ўтириб қолганда нималар бўлардийкин?

*Ньюфаундленд оролига яқин жойлар устидаги  
Баландлик — 27000 фут.*

Бизга кечки овқатни олиб келишяпти, шекилли. Ана буниисига қойил! Жуда шоҳона-ку! Бунақа неъматни кўриб туриб, бутун дунёга “Аэрофлот” самолётларида учинглар<sup>13</sup> деб ҳайқирмаслик мумкинми? Увулдирик! Ҳам қора, ҳам қизил! Қаерда, яна қайси самолётда сизни шунақа лаззатли таом билан сийлашади?

Мен оз учган эмасман. Ҳар хил авиакомпанияларда. “Эл-Алда” ҳам, “Пан-Американ”да ҳам, “Эр-Франс”да ҳам, “Люфтганза”да ҳам... “Юнайтед Артисте”да ҳам... Э, йўғ-е, нима деяпман! Афв этгайсиз. “Юнайтед Артисте” — авиакомпания эмас, кинокомпания, фильмлар сувратга олади. Гапларим айнаб қоляптими, нима бало? Рус пазандалигининг таъсири сезилипти, шекилли-да!

Хеч қаерда Аэрофлотчалик овқатни мўл-кўл беришмайди, у ерларда ҳаммаси дориҳонадагидек миллиграммларда ўлчанган, ҳаммаси ҳисоблик. Бундан ташқари мазаси ҳам бемазадан-бемаза. Худди резинка чайнаётгандай бўласан.

Бизда-чи? Биринчи тоифадагилар овқатланаётганда, ҳидига иккинчи тоифадагилар маст бўлиб ўтиради. Боршчини айтмайсизми? Ҳидининг хушбўйлиги-чи? Буғланиб туради. Буғлари буралиб-буралиб кўтарилади.

Қизлар-чи? Стюардесса қизлар! Қоматларини айтмайсизми? Нигоҳи-чи! Товуснинг ўзи! Ҳа, ҳа, баайни товус! Кўшиқ ҳам бор-ку — “бир қарашда кўнглим олган дилбарим...”

Рус аёлидан яхшироқ яна нима бор дунёда? Хорижий стюардессалар ҳам унчалик чакки эмас. Ўзларини жуда қадрлашади. Аммо бизниклилар билан қиёслаб бўлмайди. У ерда стюардессаларнинг ҳаммаси битта инкубатордан чиққанга ўхтайди. Табассумлари ҳам ўзлариники эмас. Хизмат юзасидан кулиб туришлари керак-да. Шунинг учун тишларининг оқини кўрсатишади. Туйгусиз, руҳсиз. Худди дўкондаги маникенга ўхтайди.

Бизники-чи? Жилмайиш деган гап йўқ. Аксинча, сухсур қошлиарини чимириб олишади. Тегманозик. Ўзининг баҳосини билади. Лекин жилмайиб қолса, фақат сенга жилмаяди, бошқа ҳеч кимга эмас. Чин кўнгилдан!

Ё парвардиғор! Ё худойим-е! Юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти. Ахир, мен темирдан эмасман-ку! Ана, ана, юришини қаранг. Оёқ қўйишини бир кўринг! Сонлари қандоқ ўйнаяпти-я! Чали... ўнги... Вой, кошки кўзларим кўрмай қўяқолса эди... Юрак ёрилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Гавдаси... солланиши... ҳаммаси турма-я! Бунга ўргатиб бўлмайди. Асли шундоқ туғилиши керак... Бунақаси фақат Россияядаги бўлиши мумкин.

Э, худога шукур-е, кетди-я! Яна овқат олиб келгани кетди. Хайрият, энди жиндай совиб оламан, нафасимни ростлайман. Биласизми, бунақа аёл ўликни ҳам тирилтириб юборади.

Уф-уф-уф. Совияпмиз, янгидан куч йигяпмиз. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, лекин бир маҳаллар менда худди шунақаси бор эди. Энди, бир эркакчасига отамла-

шиб қолдик, шундоқ бұлғандан кейин, борини яширмай айтаверамиз-да. Албатта, на исми, на фамилияси тилга олинмайды. Гаплашамиз-у, гап шу ерда қолади. Ҳеч кимнинг иззат-обрұсига тегилмайды. Шундоқ бұлса ҳам, баъзи бир фойдалы гаплар мияга ўнашиб қолади. Қувноқ гаплар ҳам.

Шундоқ қилиб, десангиз, битта стюардессам бўлар эди. Бизнинг самолётимиздаги каби оддий эмас, ҳукумат отрядидан. Шўро давлатининг раҳбарларини хорижга олиб борадиганларидан. Жамоа бўлиб раҳбарлик қилишарди. Муқаддас учлик. Ҳа-ҳа... Ахир, Кремлда тартиб қанақа эди? Биттаси учеб кетса, иккитаси ҳокимиятни тортиб олиб қўйишмасин деб уйда ўтириб туришарди.

Ҳалиги дўндиқ шунақа самолётда стюардесса эди. Гоҳ бир доҳий билан,гоҳ иккинчиси,гоҳ учинчиси билан. У ерда танлов жуда қаттиқ. Энг чиройлиларини, сиёсий саводи ўткир, хулқи синовдан ўтганларни олишарди. Энг зарур шарти — қизлиги кетмаган, бокира бўлмоғи керак эди. Ҳар галги учишдан кейин текширувдан ўтади. Уларнинг бошлиғи полковник унвонидаги аёл. У қизларни биттадан кроватга ётқизиб, оёғини баландроқ кўтариб, кериб, бармоғи билан пайпаслаб, қизлиги кетган-кетмаганини текшириб кўрарди.

Жамоа бўлиб раҳбарлик қиладиганлар ҳам ўзаро келишиб олишган — учовларидан биронталари ҳам шўхлик қила олмасди, ҳокимиятларини суиистеъмол қилишлари мумкин эмасди. Шунинг учун ҳамма стюардессалар бокира қизлар эди. Олмадаккина кўкракларида комсомол нишони билан.

Кўзингиздан кўриб турибман, шу ерда менинг гапимдан илинтиromoқчи бўляпсиз. Муҳтарам ўртоқ Рубинчик, бу ёғи қандоқ бўлди? Ёлғон ҳам эви билан-да! Сиз стюардессангизнинг кўнглини овлаб юрар эмишсиз-да, бокирадигини йўқотгани учун уни ишдан ҳайдаб юборишмас эмиш. Гапингизнинг боши охирига тўғри келмаяпти-ку?

Гапингиз мутлақо тўғри, азизим. Аммо менинг гапим ҳам нотўғри эмас. Гап шундаки, мен унга теккан бўлсан, эрга тегиши муносабати билан отряддан бўшатиб юборилгандан кейин текканман. Эрга текканларни отрядда тутиб туришмайди. Мен бу гапларнинг ҳаммасини орқаваротдан эшишиб билдим.

Бу ишларнинг тафсилоти жуда қизиқ-да, мен сизга айтсам. Лекин бу гаплар ўртамиизда қолсин-а! Собиқ ҳукумат стюардессаси билан бир тўшакда ётиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайды. Шу баҳтга мусассар бўлган одам билан ёнма-ён ўтириб учиш ҳам ҳаммага насиб бўлавермайды. Шунинг учун бу гапларни эшиштишга ўзингиз-у, у ёғига гулдур-гум, оғзингни юм!

Менинг соҳибжамолим бутун сайёра бўйлаб учган. Ўзи ёш, бадани тирсиллаган, кўлингнинг учи тегса, сачраб кетаман дейди. Жамоа бўлиб раҳбарлик қиладиганлар — шўро халқининг уч доҳийсидан ҳар бири ёши қайтиб қолган бўлса ҳам, барибир, бронзадан эмас, тирик одам-да, бу қизни ҳам, унинг дугоналарини ҳам кўзлари билан еб қўяй дейдилар. Аммо... партиявий интизом деган нарса бор. Энг муҳими — келишилган битим. Кимки битимни бузса, дарров маълум бўлади. Албатта, турмага-ку тушмайди, лекин шерикларининг ишончини йўқотади. Бунақа ишдаки лафзи йўқ экан, дәмак, бошка жиддийроқ сиёсий ишларда ҳам панд бериб қўйиши ҳеч гап эмас.

Парвоз вақтида доҳийлар уларга сүқданиб қарашади, роса тамшанишади. Бирон нарсага муҳтожлигинг йўқми, бирон ёрдам керак эмасми? — деб оталарча суриштиришишади. Аммо на илож — айғирлар тушовланган, кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ.

Биттаси жуда топқир экан. Йўқ, отини айтмайман. Ҳатто қийноқ остида ҳам айтмайман. Ўзимизнинг жонажон ҳукуматимизни шарманда қилмоқнинг нима ҳожати бор? Ҳеч қанақа зарурат йўқ. Номларини атамай қўя қоламиз. Мабодо ўзингиз билиб олсангиз виждонингизга ҳавола.

Хуллас, улардан бири биронта президент ёхуд қироличанинг ҳузурига расмий ташриф билан борадиган бўлиб қолса, ўзига ажратилган ҳукумат самолётининг ичидаги тўққиз минг метр баландликда салонга маслаҳатчиларини йигиб кенгаш ўтқазади: нима дейсизлар — фалон мамлакатнинг тақдирини қай йўсингда ҳал қиласиз? Кенгаш вақтида стюардессани ёнида олиб туради. Уни ҳамиша ўзининг ўринидиги ёнида туришга ўргатиб олган. Баҳс қизигандан қизийди, ҳамма ёқ тўс-тўполон; совуқ уруш дейсизми, десант, қурол юбориш, норозилик нотаси билан таҳдид қилиш, яна алланиям балолар — у бўлса ҳамманинг кўз ўнгидаги қўлини стюардессанинг сони узра тутиб тураверади.

Раҳбари тушимагур, шунақа ўйинқароқроқ. Битимга ҳам риоя қиласди, ўзининг лаззатидан ҳам қуруқ қолмайди. Қиз бўлса индамай тураверади — ким ҳам жойдан маҳрум бўлишни истарди?

Аҳволи шунақа эди. Ўзини сипороқ тутадиганлари билан ҳам учарди, манависи билан ҳам учишига тўғри келарди. Манависи қиз шўрликни қўзитиб ёмон жунбушга келтириб қўярди. Унинг раҳнамолик қилувчи қўли қизни қаттиқ бош оғриқ касалига учратди. Нихоят, қиз чидаёлмади, ишдан кетиб, эрга тегиб олди.

Эрга тегиши билан, занжирдан бўшалгандай ўзини бемалол қўйиб юборди. Шунча йил ўзини жиловда тутганининг ҳиссасини чиқарди. Эрининг боши узра шоҳлари гуж-гуж бўлиб кетди. Шоҳ эмас, бутун бир гулдаста. Одам эмас, буғилар подаси! Шу эри туфайли мен ҳам унинг тўшагидан баҳраманд бўлиб қолдим ва оралиқдаги танаффус чоғида унинг ҳукумат авиаотрядида қандай ишлагани, раҳбарларимиз билан ҳар хил мамлакатларга қандай учгани тўғрисидаги ҳикояларини эшилдидим.

Қиз — олий нав эди. Унинг таърифиға гап йўқ. Бизга хизмат қилаётган стюардесса нимаси биландир унга ўҳшаб кетади. Баъзан шундай бўлардики, унинг уйига бориб ҳашаматли ётоғида сочини турмаклардим. Эри сафарда. У қип-яланғоч, сочларини тушириб, кўзгу олдида ўтиради. Унинг мармар елкаларига кўзим тушиб, ипакдек сочларига қўлим тегиши биланоқ, қарабисизки, тайёрман-да. Яна бошқатдан ечиниб, тўпакка киришга тўғри келади. Сочини турмаклаб бўлганча ярим куннинг баҳридан ўтасан. Кейин зўрға каловлани метрога етиб оласан.

У бир ҳайвон одамга хотинликка тушиб қолган эди. Унга шода-шода шоҳлар ато қилган бўлса, хўб қилган, ажаб қилган. Бу эрининг ҳам номини айтмай кўя қолай. Ўзи ёзувчилардан, чекистларнинг қаҳрамонлиги тўғрисида детектив романлар ёzáди. Коцлаб пул топади. Хўппа семиз, қорни мешдай, ўзининг асбобини кўзгусиз кўролмайди.

Бир уйда турадиган қўшниларидан ҳеч ким, биронта ёзувчи унга қўл бериб кўришмайди. Ҳукуматнинг чақимчиси. Ёзувчилар хорижга борадиган бўлиб қолса, уни ҳам гурухга қўшиб қўйишади — у ҳамманинг ҳулқи-атворини кузатиб юриб, қайтиб келгандан кейин тегишли жойга ёзib бериши керак.

Менга ҳам ҳайвонлардек муомала қиласди. Ёзувчи дегани, ҳатто салкам классиги ҳам қўл бериб кўришади, сочини олиб қўйганингдан кейин, бирга тушликка таклиф қиласди, бирор ишича хорижий вискини бирга баҳам кўради. Ҳақ тўлашга қолганда-ку, сира ҳам нархномага қараб ўтиромайди, албатта, уч-тўрт сўм ортиқ чойчақа беради. Бу ҳам бошқа ёзувчилардан ортда қолмаслик учун мени телефон орқали уйига чақира бошлади. Лом-мим деб оғзини очмайди, уккидай ўриндиқча хурпайиб ўтириб олади, кўзини қисиб ёмон назар билан қўзгуга қарайди. Хуллас, бизнинг тоифа одамларини ёқтиромайди, ҳақ тўлашга келганда эса квитанция сўрайди ва қайтимини бир тийинигача қоқишириб олади.

Ихтиёр менда бўлганда, башарасига туфлар эдим. Нариги дунёда сочини алвастилар тарашламайдими! Лекин хотинини кўрдим-у... Шундан кейин роса аламими ни олдим. Тўйиб хумордан чиқдим. Хотинининг хизматини, албатта, эри йўғида қиламан. Сизга айтмоғим керакки, ҳақ тўлашга келганда хотини эридан ўн чандон ўтиб тўлайди. Ўзи учун ҳам, эри учун ҳам, яна жиндай ортириб ҳам. Эрининг пулинин аяб ўтиромайди, устани сира хафа қилмасди.

Мен кекчи одам эмасман. Тез совийман. Бирорнинг ёмонлиги дарров кўнглимдан чиқиб кетади. Аммо бу тўнғизнинг роса таъзирини бердим-да. Жуда ўринлатдим, шекилли. Мен, айниқса, унинг чўчқаникига ўҳшаш бит қўзларидаги яхудийларга бўлган нафратни кечира олмайман. Мен унинг бу нигоҳини Америкада ҳам эсладим. Бир куни Нью-Йоркда сайр қилиб юриб, китоб дўконининг пештахасида унинг аллақайси китобини кўриб қолдим. Инглизчага таржима қилингти. Вой абллаҳ-еӣ, — дедим ичимда, — кун турса ҳам сенга, ой турса ҳам сенга экан-да... Шошмай тур, сени бир бопламасамми? Ўзингнинг куролингни ишлатаман. Шундай қиласки, адабиётдаги ризқинг қўрқилсин. Қандай қилиш мумкин буни? Уни сиёсий ишончдан маҳрум қилмоқ керак.

Нима бўлса, бўлар. Гуноҳни бўйнимга олдим. Почтага бориб, лотин ҳарфлари билан русча сўзларни ёзив, Москвага, унинг адресига қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатдим: “ГЛАДИОЛУСЛАР КЕЧИКИБ ГУЛЛАЙДИГАН БЎЛДИ”.

Тагида имзо: Стефан. Нега Стефан? Бу ном унча ўрисча эмас-да, кўпроқ шубҳа туғдиради.

Хориждан СССРга келадиган почтани тегишли жойда ўқиб чиқишиади. Бу нима дегани? Тагида қандай маъно бор? Шифровка-ку бу? Телеграммани оладиган одамни ҳисобга олиб қўйиш керак. Орқасидан кузатиб юриш керак.

Тасаввур қиласман, унинг ўзи икки букилганча пармандасини чиқарадиган телеграммани тишининг кавагида авайлаб, бошлиғига элтиб беради, кейин тушунтириш хатлари ёзишга киришиади. Лекин унга ишонишмайди. Сени қамашга қама-маймиз-у, лекин сен ишончимизни йўқотдинг.

Шундан кейин уни биронта ҳам ёзувчилар делегациясига тиркамай қўйишиди, ҳеч қәёққа чиқмай Москвада ўтириб қолди. Бўридай увлашга тушди. Ёлғиз қолди. Стюардесса хотинчалиси жуфтакни ростлади.

Бу гапларни менга бир ёзувчи айтиб берувди. У Америкага турист бўлиб келган экан. Тасодифан учрашиб қолдик. Яхши одам. Менинг собиқ мижозларимдан. Мен унга юз долларча пул бердим — шўро туристи маълум, хотинига совфага у-бу олай деса, ёнида ҳемири йўқ. Москвага борсам, у мени эсдан чиқармайди. Анави детектив ёзадиган тўнғизнинг уйига-ку бир кириб чиқишим тайин. Эҳтимол хотини қаёққа кетганини билар, адресини айтиб берар. Бундан ташқари қилган ишменинг натижасини кўрсам, бир хумордан чиқардим. Уста унинг каллаварам бошига ишлов бераётганида кўзгуга ёмон нигоҳ билан иккинчи қарамайдиган бўлади бу чақимчи...

Нима? Сигаретми? Чекмайман. Худо ҳақи. О-о! "Тройка"-ку! Жуда яхши сигарет-да! Ўзимизники. Тутунми? Ҳеч бокиси йўқ. Ҳалақит бермайди. Аксинча. Шо-иримиз нима деганди бу тўғрида? "Ватан дуди қалбимизга ширин бир малҳам!"

*Атлантик океани устидаги  
Баландлик — 28500 фут.*

Менга қаранг. Мен сизни қаердадир кўргандайман-а? Бошингиз таниши. Хотирам бошларни яхши эслаб қолади. Касбим шунақа-да. Балки сиз менда соч олдиргандирсиз? "Интурист"га кирганимисиз ҳеч? Йўқми?

Хўп, майли. Сафаримиз тугагунча эслаб қолсан ҳам ажаб эмас. Ҳали кўп учамиз — охири кўринмайди. Шундоқ бўлгач, ижозатингиз билан яна бир оз жаврайман. Сиз, ҳарқалай, анча қизиқ гапларни эшитасиз. Яхудийларнинг тақдиди тўғрисида. Яхудийнинг баҳти ҳақида. Яхудийнинг бу дунёда ишларини саришта қила билиш қобилияти тўғрисида.

Бизга жуда кўпларнинг ҳаваси келади. Бизни энг муғомбир ҳалқ деб ўйлашади. Сиз эса, марҳамат қилиб, тингланг-у, кўнглингизга тугиб кўяверинг. Агар сизда бизнинг муваффақиятларимизга ҳасад уйғонса, менга очиғини айтасиз. Шунда билиб оламанки, бутун йўл бўйи фирт аҳмоқ одам билан учган эканман.

Бунинг бари қачон бошланганди? Қандай рўй берганди булар? Менинг болди-римни қайси қутурган ит қопган эдики, менда бу хасталикнинг ҳамма белгилари намоён бўла бошлади? Қанақа хасталик эканини биласизми? Икки минг йилдан кейин, албатта, тарихий ватанингга қайтишини истаб қоласан. Бу истак шунақа зўрки, оёқларинг қақшаб кетади, ошқозонингда оғриқ пайдо бўлади. Мен ўзганинг эмас, ўзимнинг маданиятимга эга бўлишни истаб қолдим. Бола-чақам, албатта, менинг она тилимда, яъни иврит деб аталмиш қадимги яхудий тилида ўқисин. Қавс ичиди айтиб ўтайди — менинг фарзандларим йўқ ва врачларнинг ишонтиришига қараганда бўлиши ҳам мумкин эмас. Маданият масаласига келсак, шўро ўрта мактаби ва унга қўшимча тарзда пиёда кўшиналар зобити тайёрлайдиган ўкув юрти менда маърифат меваларига бўлган ихлосни бутунлай сўндирган.

Эсимда, етмишинчи йилнинг кузи эди. Бошимга тушиши мумкин бўлган ташвишларни ўйламай, таътилга Кавказнинг Қора денгиз соҳилига — Гаграга бориб келдим. Хотинсиз. Чўмилиш жойларида тупиргани жой йўқ. Нуқул кўғирчоқдеклар. Олий маълумотли. Ёш мутахассислар. Билмадим, улар ҳалқ хўжалиги соҳасида қандай истеъоддларини намоён қилишди экан, лекин... анақа масалаларда — нима демоқчи эканимни ўзингиз билиб турибсиз-ку — бениҳоя устаси фаранглар — энг олий навли мутахассислар.

Оҳ, Гагра қўёши, оҳ, мовий тўлқинлар  
Бир кўрган юраклар унутмас зинҳор.

Қора денгиз соҳилидаги ҳамма ресторонларда шу қўшиқни айтишади. Кабобларнинг хушбўй ҳиди остида. Ҳашаротларнинг чириллаши жўрлигида. Турли-туман гулларнинг муаттар ҳидларидан маст бўлиб. Қўлингни тўлдириб турган соннинг тафтидан ийиб ўтириб эшигасан...

Оврупо бўйлаб бир шарпа кезиб юрипти — коммунизм шарпаси. Адашмасам, Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг “Коммунистик манифести” шу сўзлар билан бошланар эди.

Ўша кузда Қора денгизнинг чўмилиш жойларида бутунлай бошқа бир шарпа кезиб юрарди. Сионизм шарпаси...

Денгиз офтобига баданини обдон тоблаган яхудийларнинг кўзлари носоғлом ялтирай бошилади. Улар шабкўрларга ўхшаб сайр қилишар, проваслав қўшнилари эшитиб қўйишидан қизганиб, транзисторларини қулоқларига қапиштириб олишганди. “Иероил овози”нинг олисдан эшитилаётган ҳар бир садосидан ийиб, кўзлари юмилиб-юмилиб кетарди. Улар нафаслари тиқилиб қолгунча, толиқиб тилдан қолгунча Олти кунлик урушнинг тафсилотларини барча икир-чикиригача муҳокама қилишарди ва Сувайш каналининг сувларида кўлларида автомат билан биринчи бўлиб ўзлари чўмилгандек ифтихор туйғусидан ёрилиб кетай дер эдилар. Улар Қора денгизни Ўрта ер денгизи билан таққослашар ва кўз ёшидай мусаффо ва тиниқ мовий рангли яхудий денгизи қаршисида Қора денгиз оқова сувлар тўпланган кўлмакдай кўринарди.

Қора денгиз пляжлари узра хаёлдай тотли бир шивир кезиб юрипти: Петах-Тиква, Киръят-Шмона, Рицион-Лецион, Аддис-Абеба. Йўқ, йўқ. Аддис-Абеба бошқа ашуладан. Бир оз маҳобат қилиб юбордим, шекилли...

Очиини айтганда, мен буларнинг ҳаммаси устидан мийигимда кулиб юрдим ва зигирча шубҳа қилганим йўқки, ҳар қандай ҳовлиқишиларга ўхшаб, бу тентакликлар ҳам вақтинча. У тез ўтиб кетади, ундан ҳеч қандай асар қолмайди. Албатта, КГБнинг архивларини соқит қилганда.

Яхудийлар менга тинчлик бермай қўйишиди.

— Уялмайсизми, Рубинчик? Сизни қаранг-у! — деб улар бошларини сарак-сарак қилишарди. — Нега ўзингизни гўлликка соласиз? Гё ѡнни ҳаммаси барибирдай. Ҳали томирларингизда яхудий қони кўпириб-тошади. Эртами, кечми, бу юз беради. Лекин, хущёр бўлинг, ҳаддан зиёд кечикиб кетмасин.

Мен уларга нима жавоб берганимни биласизми? Маълум ва машхур ўрис одатига кўра болаҳонадор қилиб сўқдим. Онасини ҳам, бошқа қариндош-уругларини ҳам қўшвордим.

Нима сабабдандир менинг ҳаётий тажрибам менга “Хушёр бўл, Аркадий!” деяётгандай бўлди. Ҳаттоқи бирор яхудий “юрагингни менга оч!” дея ялтоқланса, унга жавоб беришга шошилма. Чунки ҳар бир совет кишисига тузукроқ разм солиб қарасанг, у “ёзувчи” чиқиб қолиши мумкин. “Ёзувчи”ки, унинг ижоди ҳар гал “тегишли ташкилотларга маълум қиласманки” деган сўзлар билан бошланади.

Мен Кавказни ҳатто муддатидан олдин тарк этдим. Аммо Москвада аҳволим енгиллаҳди дёёлмайман: Ялпи хасталик пойтахтга ҳам етиб келипти. Яхудийлар ёппасига бу дардга чалиниб ётишарди.

Ўриндиқда мижоз ўтирипти. Бапараси — совун, кўпикдан бурнининг учигина чўччайиб чиқиб турипти, аммо мен унинг томонига энгашишм биланоқ шивирлаб гап бошлайди:

— “Иероил овози”ни эшитдингизми, Рубинчик? Бизниклар Иорданияга юриш қилишипти. Бошлашинти, азаматлар. Биронта талофат йўқ, ўн кишини асир олишипти.

Ўзимни телбаликка солдим.

— Қанақа “бизниклар”? Совет қўшинларими?

Бўйнига ўралган чойшаб остидан кўрсаткич бармоқ чиқиб, мен томон чўзилади.

— Рубинчик, биламан, сиз бу даражада бетамиз эмассиз. Шу пайтга қадар мен сизни тупна-тузук одам деб юрар эдим. Нима бало, ҳаммадан ақллироқ бўлмоқчи мисиз?

Мен ҳаммадан ақллироқ бўлмоқчи эмас эдим, мен ҳаммадан аҳмоқроқ ҳам бўлмоқчи эмасдим. Мен фақат бир нарсани истардим — мени тинч қўйишиса бас.

Менда радиоприёмник бор эди. Японларники. “Сони”. Унизидақа диалозонлар СССРда йўқ. Кисқа тўлқинда ўн олти ва ўн уч метрлар. Шўронинг станциялари

уни бұғишиңа ожизлик қылады. Жақондаги истаган радиостанцияни рус тилида жуда аниқ әшитиши мүмкін. На фақат "Исроил овози"ни, "Озодлик"ни ҳам, "Би-Би-Си", "Немис тұлқини", "Америка овози"ни ҳам. Олимпия үйинларига бориб келгандай бир спортчидан катта пулға сотиб олғандым. У миңжозым эди, шунинг учун мени сийлаб, арzon-гаровга берганди. Сотиб олғанимнинг боиси шуки, уйда бирон арзирли буюм бұлсинг дегандым. Хонаси келганды, әрмак ҳам бұлади. Албатта, ёнверингда ҳеч ким бұлмаса ва устингдан چақуў бұлмаслигига амин бұлсанғ.

Хулласи калом, мен шу приёмникни комиссиян магазинига олиб бориб, арzon-гаровга сотиб юбордым. Фалокатдан узокроқ юрай дедім. Негаки, юрак тош эмас. Теварап-атрофингда ҳамма нұқул "Исроил" деб саннаб тұрса, құлинг беихтиёр радиоприёмник құлогини бураб юбориши мүмкін. Құлогинга пахта тиқиб құя олмайсан-ку!

Мен ўзимни зинҳор-базинҳор "лақ" этиб зақарланған қармоққа илиниб қоладыган одам деб ҳисобламас эдім, лекин мутлақо күтилмаган бир томондан зарбага учрадым.

Нима деб ўйлајпіз? Халқаро сионизм ҳузуримға яшириң айғоқчиларини юбориб, мени катта пуллар билан алдаб, яхудийлік бағриға қайтариб олди деяпісизми? Ёки ўзимизнің хонақи сионистларимиз бошимни қотиришиб, мени иложсиз қолдириши-ю, мен noctorligimdan лаққа түшиб құяқолдимми?

Ҳеч ҳам-да. Мени яхудий қылған, шунинг баробаринда, ўз-ўзимни назорат қилиши қобилятини йұқотиб қўйған бир телба одамға айлантирган инсон — таг-туғи соғұрыс, КПСС альзоси Коля Мухин бұлды. Биз күпчилик истиқомат қыладыған коммунал квартирада қўшинимиз, Коля ЖЭКда водопроводчи чилангар бұлғыларды, ўлгидай пиёниста, жанжалкаш. Бунақаси оламда камдан-кам топпилади.

Қўзларингиздан сезиб турибман — воқеа бундан кейин қандоқ бўлишини билиб турибсиз: итдан тарқаган Коля Мухин яхудийларни ёмон кўради — у менинг миллий нағсонациямни қаттиқ ҳақорат қылған, мени жуҳуд деб атаган, яна устигаустак, қулоғимнинг тагига бир тарсаки урган. Буларга чидаёлмасдан, кучим борича, "Исроил, қайдасан?" деге шаталоқ отиб қолғанман.

Воқеа шунақа бўлған дейсиз-да?

Йўқ. Бўлмаган гап. Бўлса ҳам, тескариси бўлған.

Бизнинг квартирамизда истиқомат қыладыған қирқ кишининг ичіда Коля Мухин менинг энг яқин дўстим бўлади. Баъзан шунақа ҳам бўлиб қоладики, Коля хурмачасига сиққанидан ҳам ортиқ ичиб олади-да, ҳамманинг жигига тегади, лекин менга сира-сира тегинмайди. Худо сақласин бундан. Истаган одам мен томонга сал-сал қінгир қараб қолса бас, Коля унинг тумшуғини эзіб қўяди. Хуллас, бизнинг орамиздан қил ўтмас эди — шунақа қалин дўст эдик.

Бизни бир-бirimizga яқин қылған нима эди? Жуда кўп нарса. Ҳолбуки, мен озгин, пакана, бунинг устига яқудий эдім, у бўлса славян, елқадор, сал нарсага ловиллаб кетади.

Сизга ёлғон, менга чин — мен буни ҳозир жуда аниқ фаҳмлаб турибман — бизни бир-бirimiz билан таништирган ва қаттиқ боғлаган нарса — тақдиримизнинг бир хилиги. Икковимиз ҳам шўродан бино бўлған, шўронинг тузини ичиб улғайған одамлармиз. Шўро турмушининг ҳар неки эпкими бор — ҳаммасини кўрганмиз.

Биз Коля билан тенгдошмиз, бошқа-бошқа шаҳарларда бўлса-да, бир хил шўро мактабида ўқиганмиз. Икковимиз ҳам урушда бўлиб келганды, икковимиз ҳам уруш ногирони, ҳатто унвонларимиз ҳам бир хил — кичик лейтенант бўлғанмиз. Урушдан кейин на у, на мен юксакка қўтарилдик, институтларни тугатдик. Бунинг ўрнига ризқимизни топиб, кун кўриш учун бир ҳунарнинг эгаси бўлдик — у занглаған қувурларни ямаб, эшикларнинг кулфини созлашга тушди, мен бўлсам, соchlарни тарашиб, соқолларни олишга киришдим. Хуллас, ноақлий меҳнат ўйқисилларимиз.

Мамлакатнинг хўжайини бўлмиш ишчилар синфиға шўро ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли икковимиз ҳам шунақа маош олар эдикки, найранг ицилатмасак, фирибгарлик қымасак, кунимизни кўролмай, риҳлатга сафар қилиб қолардик. Шунинг учун Коля чет ишларни кўп қиласарди, яъни план учун эмас, ўзи учун ишларди. Мен ҳам соч-соқол олишдан тушадиган пулнинг бир қисмими киссага ураддим. Фақат битта фарқимиз бор эди — мен киссадаги пулнинг ҳаммасини уйга элтиб, хотиннинг қўлига берардим, Коля эса сирли славян феълига эга эмасми — топганининг ҳаммасини ичиб тугатарди.

Унинг мендан фарқ қиладиган яна баъзи сифатлари бўларди. Коля — КПСС аъзоси, .у коммунистик партияниң шонли сафларида. Аъзолик бадалини ундан омбир билан сугуриб олгандағай тортиб олишарди, ҳар мажлисда жамоага қарши унсур сифатида қораланаарди, лекин партиядан ҳайдаб юбормасдилар. Негаки, партия аъзолари ўртасида ишчилар табақаси камайиб кетмасин дейишарди-да! Мен эсам — партиясизман. Урушда мени сочларимдан судраб партияга киргизмоқчи бўлишган — у пайтларда шунақаси расм бўлган эди: ҳар бир солдат билан офицер жангга кириш олдидан “агар ҳалок бўлсан, мени коммунист деб ҳисоблашингларни сўрайман” деган мазмунда ариза ёзарди. Мен қандай қилиб бунга чап бериб қолганиман — ўзим ҳайронман. Кейинчалик эса ҳатто мен ўзим жуда хоҳлаб қолганимда ҳам партияга киришим амри маҳол эди — миллиатим яхудий эканлиги халақит берарди.

Бир-биirimizдан фарқимиз шунда эди. Қолган ҳамма нарсада эса бир-биirimизга жуда ўхшар эдик. Шунинг учун Коля Мухин мени деса жонини беришга тайёр эди. Мен ҳам, гарчи хотинимга маъқул бўлмаса-да, Коляни кўлимдан келганча яхши кўрардим.

Дўстим Коля Мухин ҳақида сизда тўла тасаввур ҳосил бўлмоғи учун мен бир воқеани гапириб берай — шунда унинг чиндан ҳам зўр йигит бўлганига, оғамиз — улуғ рус халқининг шону-шавкати ва гурури эканига ўзингиз тан берасиз.

Яхшилаб отиб олган пайтларида, баъзан эса оч қоринга бош оғриғига Коля хотини Клаванинг қулоғи тагида шавла қайнатишини яхши кўрарди. Мабодо омади чопиб, шапалорими, муштими мўлжалга аниқ тегса, унинг қовоқлари теварагини кўкартириб қўяверарди ҳам. Бу ишини у ҳаммадан бикиниб, ўз хонасига кириб олиб эмас, кўғчиликнинг кўз ўнгиди — ҳамма овқат пиширадиган жойда қиласарди. Кунлардан бирида қўшнилар ортиқ чидаёлмадилар — Клавага жуда ҳам раҳмлари келиб кетди — югуриб бориб, милицияни чақириб келишди. Милиционер ошхонада полда ялпайиб ётган Клавани кўриб, таҳдид билан Колянинг олдига келди. Кўшнилар ҳамма эшиклардан бошларини чиқариб, текин томоша иштиёқида тамшаниб туришарди: ҳа, балли, азamat! Ана энди оёғинг асфаласофилиндан келадиган бўлди — бошинг турмадан чиқмайди.

Коля эса кўркиш у ёқда турсин, пинагини бузгани йўқ. Дарров жиддий тортиб қолди. Милиционерни кўлтиғидан олиб, газ плитасининг олдига олиб борди-да, қайнаб турган кастрюлканинг қопқоғини кўтарди.

— Ҳидла-чи! — деди. — Менга нима едираётганини кўриб кўй.

Милиционер ҳидлаб кўрди — кўнгли айниб ўқиди.

— Бу иш учун, — деди у, — ўлдирса ҳам кам. Тўғри қиласан, ўртоқ.

Ана шунаقا менинг энг яхши дўстим Коля Мухин. Шу инсон мени сионизм йўлига солиб юборди — кейин менинг ҳаётимда нималар рўй берган бўлса, ҳаммасида унинг ҳам хизмати бор.

Колянинг ҳам транзисторли приёмниги бор эди. Албатта, японники эмас. Ўзимизники, шўровий. “Спидола”. Коля кўли гул йигит эмасми — приёмникка қисқа диапозондаги ўн олти ва ўн уч метрли тўлқинларни ўрнатиб олди. У хушёр пайтларида рус тилида бериладиган хорижий радиоэшилтиришларни тинглашни жуда яхши кўрарди. Мендан фарқ қиласоқ, у приёмникнинг овозини баландлатиб эшитарди. Албатта, юпқа девор ортидаги қўшнилар ҳам ҳаммасини бемалол эшитишарди. Лекин ҳеч ким унинг устидан чакув қилгани йўқ. Биринчидан, билишар эдики, бу безорилик эмас, сиёсий жиноят, аксилиниқиб, бунинг учун Коляни Сибирга жўнаташлари ҳеч гап эмас. Шундоқ бўлса, албатта, аввалига Клавага анча енгил бўлади, лекин кейин хушини йигиб олганидан сўнг фуррат ўтган бўлади. Сиқилиб адои тамом бўлади. Аёл шўрликка ачинади, киши. Иккинчидан, ҳамма Колянинг мушти залварли эканини, ит феъли борлигини биларди ва унинг ўч олишидан кўрқарди.

Гуноҳдан узокроқ бўлай деб транзисторимни сотиб юборгандан кейин ҳам хорижий радио тўлқинлар хонамни тарқ этгани йўқ, балки заҳарли аксилишшўровий тарғибот бор бўйи билан хонамда куюндай жўш уришда давом этди. Бизнинг каттакон коммунал квартирамизнинг деворлари ортида қўшниларнинг гап-сўзлари босилиб, кроватларнинг гижир-гижири тиниши билан, йўлақда кумурсқалар тунги қўшиғини бошлаши ҳамон, совет станцияларининг тиш доктори бормасинасига ўхшаш юракларни зирқиратувчи зингиллаши ва шовқин-сурони бошланарди. Демак, Коля Мухин “Спидола”сини ишга солипти, бўтувчи станцияларнинг говур-

ғувури орасидан ўзига керакли тұлқинни қидиряпти. Кейин “Би-Би-Си”нинг ма-йин оҳангдор садолари янграйди. Сүнгра аёл кишининг тиник овози ўн иккита хонанинг қирқ кишилик ахлига чин юракдан маълум қиласы:

— Лондондан гапирияпмиз!

Ёш йигитнинг овози эшитилади:

— Сиз “Озодлик” радиостанциясининг эшиттиришларини тингляяпсиз.

Ехуд ҳеч қандай яхудийча оҳангсиз садо эшитилади:

— Қуддуси шарифдан гапирияпмиз. “Истроил овози” радиостанцияси...

Ҳеч қаёққа қочиб қутулоғмайсан. Сирасини айтганда, одамзодга қулоқ эшитиш учун берилған-ку. Шу боис хотиним икковимиз кўрпага ўралиб олган кўйи, ундан тумшуғимизни чиқариб, юрагимизнинг турс-турс уришини тинглаймиз ва Коля Му-хиннинг хонасидан келәтган Истроил дикторининг овозига қулоқ соламиз.

Коля кейнги пайтларда жаҳоннинг барча станцияларидан Истроилнигини аф-зал кўрадиган бўлиб қолганди. Бунинг учун жиддий асослари бор эди. У ердан шўро яхудийларининг ҳаддан ташқари ошкора ёзилган юрак дардларининг тўла матнини ўқишарди. Бу мактублар яширин тарзда, цензурасиз Фарбга олиб ўтилган бўлиб, уларда яхудийларнинг СССРдан кетишлирига ёрдам беришга қаратилган хи-тоблар бор эди. Ана ўшанда мен биринчи марта “тарихий ватан” деган иборани эшитдим ва аклимда чамалаб кўриб, ҳақиқатан ҳам шундай деган тўхтамга келдим. Ҳақиқатан ҳам, ҳамма яхудийлар, тўғрироғи, бизнинг олис авлод-аждодларимиз Яқин Шарқдаги ўша жойлардан чиққан. Шуниси ҳам мутлақо тўғрики, биз икки минг йилдан бери бутун жаҳон бўйлаб дарбадар кезамиз ва бизни ҳеч қасерда яхши кўришмайди. Бунга бир нарса деб эътиroz билдириш қийин эди. Эътиroz қилади-ган одамнинг ўзи ўйқ эди. Хотиним икковимиз кўрпага ўралган кўйи эшитамиз-у, муҳокама қўлмаймиз, фикр алмашмаймиз. Faқат бир-биримизга маънодор қараб қўя қоламиз, баъзи бир авж шардаларида дамимиз ичимишга тушиб кетади.

Бунақа мактубларнинг ҳар бир мисраси учун шўро тартибларига кўра уч йилдан ўн беш йилгача бериларди. Одамни ларзага соладиган энг ажойиб томони шунда эдик, ана шу хабарга қарамай, мактубларни ёзган одамлар номларини яшириш у ёқда турсин, исм-шарифларини тўла келтиришарди. Ҳатто уларни қамаш осон бўлсин учун адресларини ҳам очиқ ёзишарди.

Мен бунга ишона олмадим. Хотиним ҳам ишонмади. Гарчи икковимиз фикр алмашмаган бўлсак-да, ишонолмадик.

Гулдуру-гупимизни Коля Мухин бузди. Бир куни биз у билан хиёбонда ўтган-кетган аёлларни кўз остига олиб ўтирадик. Албатта, агар бирор жойдан уч-тўртта танга ишлаб олиш имкониятлари йўқ бўлган кезларда биз Коля икковимиз, хотин-ларсиз шу тарзда дам олишни яхши кўрадик. Буңдай чоғларда тўйиб эркак-часига гаплашиб, гилиримизни ёзардик.

Коля анави мактублар ҳақида биринчи бўлиб гап бошлади:

— Сенга айтадиган гапим шу, Аркадий! Мен бу гапларнинг биронтасига ишон-майман. Ҳаммаси ёлғон. Тарғибот! Ахир, ўзинг яхудийча ақлинг билан ўйлаб кўр; Совет Иттифоқида ўсиб-улгайган бўлса, қайси аҳмоқ бунақа бемаъни ишни қила-ди? Яна адресини айтиб беради. Бемалол келаверинг, тўشاқда ётган жойимда мени қўлга олақолинг деб-а? Истроилдагилар овсарми дейман-да? Бемаъни нарсаларни тўқиб, эфирга тўқиб-солишади. Бизни аҳмоқ деб ўлашади, шекилли. Нима десак, ҳаммасига ишонишади дейишишга керак. Йўқ, биродарлар. Биз ҳам пиҳини ёрган-лардан. Аҳмоқона гапларга лаққа тушавермаймиз. Буни мен партия аъзоси сифати-да сенга — партиясиз инсонга айтияпман. Тушундингми?

Шундай деб, ҳатто разабидан кулиб юборди.

— Кўрқув ўриснинг қон-қонига сингиб кетган, Аркадий. Бир аср ҳам уриниб уни бунданда халос этолмайсан. Боплиқларнинг ижозатисиз бир қадам ҳам қўя ол-маймиз. Буни бутунлай унугиб юборганимиз. Яхудийларни-ку, қўяверасан. Сизлар, умуман, тумшуқларингни чиқаришга қўрқасизлар.

Қани, сенинг мендан нима фарқинг бор? Бурнинг узунроғ-у, мендан камроқ ичасан. Шу, холосми? Бошқа ҳамма жиҳатдан бир тоифаданмиз — шўровий. Бизни қанча кўп тегпишса, тегпан этикни шунча ҳузурланиб ялаймиз. Йўқ, мен бу мактубу хитобларга ишонмайман. Буларнинг бари овсарларга аталган. Улар айтган истаган адресни бориб текшириб кўр, ёлғон очилади-қолади. Мени айтди деявер — фами-лиялар ҳам ўйлаб топилган, бунақа адреслар ҳам йўқ.

Мен унинг гапларини тўла маъқулладим. Икковимиз туриб, ичгани йўл олдик. Мен ўзимга пиво олдим. Коля пивога кўшиб юз эллик грамм оқидан ҳам олди. Москва арафидан. Коля уларни аралаштириб, кам-кам хўплаб-хўплаб ичди. Қайноқ чойдай. Газаксиз.

Коляга бу чикора! Бир куни у ҳамма маошини ичиб қўйипти. Кейин Клавага қасам ичиб, ҳатто байрамда ҳам ичмасликка сўз берди. Клава кетидан изма-из юриб, ундан кўзини олмади. Кўшнилар ҳам пойлаб юришди. Лекин Коля, барибир, уларга панд берди.

Кечқурун умумий ошхонамизга кирдим. Қарасам, Коля қафасга тушган күёндай мулоиймугина, ювошгина ўтириб, тарелкада овқат ичиб ўтирипти. Клава хурсанд, плитанинг теварагида гирдикапалак. Ҳатто ниманидир мингирилаб хиргойи қиляпти.

Коля бўлса, тарелкага нон тўғраб, пақдос туширипти. Кўшнилар ошхонага кириб-чиқиб туришипти. Коляга далда бериб, бош иргаб қўйишади. Лафзи бор йигит-да!

Мен Коляга яқинроқ бордим. Борш деган нарсанинг ҳиди ҳам йўқ. Спиртнинг ҳиди келяпти. Коля менга мугомбирлик билан кўз қисиб қўйди. Кўзларига қарасам, аллақачон тайёр бўлиб қолипти. Шу жойга келганида, Клава ҳам билиб қолди.

Коля ҳаммани лақиллатипти. Киппи билмай тарелкага ароқни қўйипти-ю, унга нон тўғраб, қошиқда шўрвадай ичаверибди. Кекирмайди ҳам, нафасини ростламайди ҳам. Худди товуқ шўрвадай бемалол ичиб ўтирипти. Тасаввур қиласизми — бунақа ичмоқ учун қанақа томоқ керак-а?!

Коля душман тарғиботига ўжарлик билан ишонмасликда давом этар ва худди шу ўжарлик билан газеталарда ёзишадигандек, огули ва ёлғончи “Истроил овози”ни эшитишида давом этарди.

Ниҳоят, унинг тоқати тоқ бўлди.

— Менга қара, Аркадий, — деб шивирлади у менга бир куни икковимиз холи бир хиёбонда саир қилиб юрар эканмиз. — Бир иш қилимаймизми? Мен кеча бир мактубни эшитдим. Шунақа даҳшатки, қўяверасан. Қўл қўйганларнинг ҳаммаси москваликлар. Мен атайин бир адресни эслаб қолдим. Шу ўргада, Биринчи Мешчанскаяда. Бенцион Самойлович Патлаҳ деган экан. Кел, бориб кўрайлик. Шу азатматта бир меҳмон бўлайлик. А? Нима йўқотамиз? Қайтага бу адресда Бенцион Патлаҳ деган одам йўқ эканига узил-кесил ишонч ҳосил қиласиз. Биринчи Мешчанска кўчасида бунақа рақамли уйнинг ўзи бўлмаган. Квартирани-ку ҳеч ким эшитган эмас. Борми-йўқми деб ҳадеб фол боқаверамиزمий?! Борайлик — мен бу радиони иккинчи қулоғимга яқин келтирмайман.

Бордик. Чиндан ҳам яқин экан. “Хов” десанг эшитилади. Рост-да! Бекордан-бекорга хуноб бўлишининг нима ҳожати бор? Бир ҳамла билан ҳамма шубҳалардан кутиламиз.

Биринчи Мешчанскийдан боряпмиз. Шунчаки, номигагина уйларнинг рақамига қараймиз. Юз фойзга ишончимиз комилки, бу кўчада унақа рақамли уй йўқ. Бирдан қарасак... Мана ўша рақам! Уч қаватли уй экан. Квартира ҳам бор экан. Биринчи қаватда. Эшигига таҳтача қоқиб қўйипти: Б.С. Патлаҳ.

Қочиб қолишимизга сал қолди. Коля тўхтатиб қолди-да...

— Шошма, Аркаша. Патлаҳ Бенцион Самойлович деганлари қанақа одам эканини кўрмогим шарт. Албатта. Орамизда шунақа довюрак довдирлар яшашига сира ишона олмайман. Биласанми, миям бўтқага ўҳшаб аралаш-қуралаш бўлиб кетдиёв. уни кўрмасам — ичиб ўлиб қолишим мумкин. Агар борди-ю, бу гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлиб чиқса, бунинг учун ҳам ичмоқ керак. Сенинг халқинг учун, Аркаша. Довюрак халқинг учун. Ҳам улуғ халқинг учун.

Эшик олдида бир оз депсиниб туриб, нафасимизни ростлаб олдик-да, қўнгироқ тутгасини босдик. Худди қўнгириғимизни кутиб тургандек, эшикни дарров очишиди. Остонада соchlари оппоқ кампир турарди. Бурнини кўрган одамда унинг қайси миллатга мансублиги масаласида зигирдек ҳам шубҳа қолмасди.

— Бея, — деди у зайн овозда. — Сенга келишипти.

Ичкаридан қадам товушлари эшитилди, аммо кампир Беняни кутиб ўтирмай, курка товуқ итга хурпайгандай бизга ўшқирди.

— Олинглар! Эзинглар! Тирногини тагига игна тиқинглар! Ҳаммани бўғиб ўлди-ролмайсиз. Бизнинг сон-саноғимиз йўқ.

Кампир Колянинг пучук бурунли башарасига қараб, бу сўзларни овозини күтартмай, босик өҳангда айттарди. Колянинг орқасида турганим учун кампир мени пайқамади ҳам.

— Тингчлан, ойи, — деди уни орқасидан келиб кучган озғин яхудий. У анча ёш кўринар, лекин Ленинга ўхшаган кал эди. — Хуноб бўлаверма. Буни кўриб улар хурсанд бўлишмасин.

У ҳам онаси каби уни қамоққа олиб кетиши учун келганимизга сира шубҳаланмасди. У мутлақо қўрқаётганий йўқ. Фақат бир оз ранги оқарди, холос.

— Ойи, ички кийимларим солинган ҳалтани бер. Мен ҳаммасини тайёрлаб қўйганман, — деди у ва онасининг пешонасидан ўпди.

Биз Коля икковимиз нақд полга ёпишиб қолдик. Чунки биз чинлигига сира ишонгимиз келмаган манзарани кўрган эдик. Биз қаҳрамонни кўриб тургандик. Тирик қаҳрамонни, ўйлаб тўқилган эмас. Шўро ҳукуматидан қўрқмайдиган шўро одами! Тағинам турган жойимизда юрагимиз ёрилмади!

Биринчи бўлиб Коля Мухиннинг хуши жойига келди.

— Патлах! Вой зангар-еў! — деди у тўлқинланиб. Шундай деб Ленинга ўхшаган кал Патлахни бесўнақай қўллари билан қуchoқлаб олди. — Кани, бир ўпай-чи сени. Вой Бенцион Самойлович-еў! Вой, жуҳуд башарангдан ўргилай сенинг! Бутун ичими ағдар-тўнтар қилиб юбординг-ку! Бугундан бошлаб, янгича яшай бошлиганим бўлсин.

— Ўзи ким бўласизлар сизлар? — деди уй эгаси ҳанг-манг бўлиб.

— Арқаша! — деди менга Мухин гап нимадалигини фаҳмлаб. У ҳали ҳам Патлахни қучоғидан кўйиб юборганий йўқ эди. — У бизни хит деб ўйлапти. Вой, овсар-еў! Тушир иштонингни, Арқаша. Биз яхудий эканимизни кўрсатиб кўй.

Тил топишиб кетдик. Патлахнинг онаси кейин бизни мурабболик чой билан сийлади, хўжайин эса ўзи ишлаган расмларни кўрсатди. У рассом экан. Тан олинмаган экан. СССРда уларни шаклбозлар деб аташади. Яна уларни абстракционист дейишиади.

Ростини айтадиган бўлсан, мен бу гапларни тушунмайман. Расм деган нарсада ҳамма нарса аниқ, тушунарли бўлса. От — от бўлса. Трактор аэроплан бўлмаса. Шунақаларини ёқтираман. Мана бунақа алмойи-алжойи нарсалар, менимча, калтафаҳмларга мўлжалланган.

Колянинг диди меникидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Биз уй эгасининг кўнгли учун мойбўёқ билан чизилган бир нечта расмни кўздан кечирдик. Ҳаммаси дўлма балиққа ўхшайди. Тириг-у, лекин ичига бир нарсалар тиқилган, сув ичида думини ликонглатиб сузиб боради. Думи ҳам дум эмас, бир боғ кашнич. Кейин балиқнинг устихони. Гўшти кемирилган сүяк.

— Яхудий оҳанглари, — деб сиполик билан изоҳ берди рассом.

Буларнинг ҳаммасини бегалва томоша қилдик. Кейин анча вақтгача рассомнинг гапларини тинглаб ўтиридик. У бамисоли булбулигё бўлиб, хаёлида орзу қилган юртини таърифлади. Шунақа манзараларни чиздики, баайни илмий фантатика дейсиз. Биз Коля билан ёш болалардек оғзимиз очилиб қолди.

Рассом эса борган сари жазавага тушиб борарди. Кўзлари чақнайди. Лаблари кўпикланган. Ҳақиқий сионист. Оташин қурашчи.

Қўчага чиққанимизда қоронги бўлиб қолган эди. Бошимиз фувиллайди, юрагимиз ўйнайди. Шу оқном сионизмнинг ширин оғуси бутун вужудимни чулғаб олди. Менгина эмас, Коля ҳам шу аҳволга тушди.

Бу воқеани ювиш учун йўлни майхонага бурдик. Ювганда ҳам шунақа ювибмизки, кейин уйимизни зўрға топиб борибмиз. Шу пайтга қадар Колянинг мени ҳисобламаганда яхудийларга унча хуши йўқ эди. Аммо шу воқеадан кейин ҳурмати жуда ошиб кетди.

Томошанинг каттаси бизнинг квартирада ҳамма овқат қиласиган жойда бўлди. Мени ийқилиб тушмасин деб Коля деворга суяб қўйди, ўзи хонама-хона юриб, қўшниларни чақирди. Одамлар аллақачон ухлашга киришган — ҳаммаси ишлайдиган одамлар-да. Коля уларни ётган жойидан турғазиб чиқди.

Биринчи бўлиб ўзининг хотинини — соchlари тўзиб кетган, ич кўйлақдаги Клавани етаклаб келди. Менинг оёқларим томон уни эгилтириб, пўписа қилди:

— Тиз чўк, аблах!

Клава нима қилишини билмай ҳайрон.

— Унинг олдида тиз чўк деяпман! Қадам изларини ўп!

Иккинчиси фаррош аёл Сўкилдеева эди.

— Тиз чўк, татарвача! — деб буюрди Коля. — Донишманд ҳалқнинг хурматини бажо келтир.

Нафақаҳўр Бабченкони оёқларим остига шунаقا улоқтириди, шўрликнинг суваклари қисирлаб кетди.

— Бегуноҳ милилатнинг қонини тўққанинг учун тавба қил, хоҳол! Отахон Махно учун! Петлюра учун! Эгил, қанжиқ! Бўғиб ташлайман!

Кейин бирга яшайдиган ўрисларга навбат келди. Уларга Коля бараварига “Яхудий ҳалқига шон-шарафлар!” деб қичқиришни буюрди.

— Бир, иккى, уч! — деб бўйруқ берди Коля. — Бошла!

Шундоқ деди-ю, дами ичига тушиб кетди. Кайфи тарқаб кетди, мияси равшан тортди.

— Бўпти, — деди у бўшашиб. — Бас қилинглар. Қани, жўналаринг ин-инингга. Епиклиқ қозон ёпиқлигича қолсин.

Яна сиз “бу қандоқ бошланган эди?” деб сўрайсиз-а! Шундоқ бошланувди. Тўхташга ҳол қолмаган эди.

Кейин мен рассомнинг олдига бориб турадиган бўлиб қолдим. Унинг гапларини эшиттим келарди. Баъзида Коля билан бирга борар эдик. Хўб мириқиб эшитардик — эшитиб тўймас эдик. Кейин у виза олиб, кетиб қолди. Қаёққа деб ўйлайсиз? Истроилгами? Жиндай адашдингиз, азизим! У Венадан нарига ўтмади. Австрияда қолиб кетди. Ошиги олчи, дейишади. Унинг долмали балиғи немислар ўртасида талап эмим. Немислар узрини шунаقا билдирадар эмишми-е?

“Ие, буни қаранг-а! — дейишингиз мумкин. Шундай оташин яхудийпараст-а! Бошқаларни даъват қилиб, ўзи бир чеккага ғойиб бўлдими? Иssiқ жойни топиб олиб, қолиб кетдими?” Агар сиз мени ҳозир ўша рассомни хоин ва виждонсиз одам сифатида сўкиб, қоралай бошлайди деб ўйласангиз, қаттиқ хато қиласиз. Мен бўшимдан ўтган шунча кўргулклардан кейин ана шу Бенцион Самойлович Патлаҳни жуда қаттиқ хурмат қила бошладим. Тушундимки, у ичимиздаги энг доно одам бўлган экан. Бизнинг ҳаммамизни бир тараф қилганда ҳам унинг маңтиғи ўткирроқ экан. У чиндан ҳам Истроилни жон-дилидан яхши кўрарди ва у ердан рус тилида берилган радиоэшиттиришларнинг ҳаммасини эртадан-кечгача битта кўймай эшитарди. У баайнни будильник соатнинг ўзи бўлиб қолганди. Суҳбатлашиб ўтиради-ла, сухбат қизиз авжига чиққанда бирдан индамай қолар, кейин соатига қараб, радионинг қулогини буради. Унинг мияси “Истроил овози”га созланиб қолганди. Адапса, бир секундга адашарди, холос. У радионинг қулогини бураши биланоқ, ҳеч қандай танаффусиз Куддуси шарифнинг овози янгради.

Бир куни мен унукита мәҳмонда ўтиргандим — шунда унинг ҳафсаласи пир бўлганини кўриб эдим. Мәҳмонда ўтирганлар анча-мунча эди. Албаттаки, ҳаммаси яхудийлар. Ола-ғовур, тўс-тўполон.

— Жим! — деб овозини кўтарди у. — Куддуси шарифни эшитамиз.

Ҳамма жим бўлди. У транзисторининг қулогини буради. Аммо у ҳам жим-жит эди. Фақат енгилгина шитир-шитир эшитиларди. Рассом соатига қараб, дудмаллашиб сўради:

— Наҳотки менинг соатим нотўғри бўлса?

Йўқ, унинг соати тўғри эди. Бошқа соатлар билан солиштириб кўришиди. Вактни аниқ кўрсатмоқда.

Аммо Истроил тўлқинида шитир-шитир давом этмоқда.

Рассом мурватни айлантириб, “Би-Би-Си”ни тутди — у ерда Лондоннинг садолари бор бўйича жарангламоқда. Рассом “Америка овози”га ўтди — у ерда садолар заифлашиб, диктор гапини бошлаб юборганди.

Рассомнинг авзойи бузилди, ранги ўчди, яна Куддуси шарифга қайтди. Ҳамон жимлик.

Шу ахвол икки ярим минут давом этди. Соатга қараб турибмиз. Кейин Истроил садолари эшитилди. Улардан сўнг аёл киши ҳар доимдагидек эълон қилди:

— Куддуси шарифдан гапирамиз! “Истроил овози” радиостанцияси!

Аммо кечикилгани учун бир оғиз узр айтилмади.

Рассом радиони ўчирди, Лениннигиңа ўшшаган кал бошини қуий солди-да, бир қанча вақт шу алғозда ўтириб қолдик. Нихоят, биз кетиш тараддуғига тушиб, ғимирлашиб қолдик.

Рассом бошини күтариб бизга қаради. Аммо бу нигоҳ уники эмас эди. Күзларидаги ўт сүйніти.

— Тамом, — деди у. — Хорижга әшиттирувчи давлат радиостанциясики, — майли техник сабаблар билан бўлсин, — әшиттиришни икки ярим мінгутга кечиқтириб бошлиши мумкин экан ва бунинг учун узр сўрамас экан, бунақа мамлакат мамлакат эмас, бозордан баттар. Бунақа мамлакат боришга арзимайди.

Шунақа деб бормади.

У Москвадаги энг ўткір нигоҳи яхудий эди. У келажакни олдиндан қўриш иқтидорига эга эди. Бекорга Лениннигиңа ўшшаган кали бор эди, дейсизми?

*Атлантик океани устида.  
Баландлик — 30600 фут.*

Коля Мухин, албатта, менда соч олдирапди. Албатта, ўзингиздан қолар гап йўқ, текинга. Шундай қадрдан ошнамдан лоақал бир тийин олганимдан кўра қўлим акашак бўлиб қолишини афзал билардим. Мабодо сиз мени шунақа иш қилишга қодир деб ҳисобласангиз, бунинг боиси, албатта, мени мутлақо билмаганингизда.

Унинг текинга соч олдиргани — нима десак бўларкин? — ҳали ҳолва. Сочини менинг хонамда олишимга Коля тиши-тирноғи билан қарши эди. Чунки шундоқ қилсан, Колянинг соchlарини унинг хотини эмас, менинг хотиним супуриб олади. Буни эса Коля ўзи учун ҳақорат деб биларди. Бу унинг пролетарча фууриига қаттиқ тегар эмиш.

Коля сочини олдиргани менинг сартарошхонамга келарди. Бизнинг ишхона эса, — мен сизга айтсам, сира ҳам Коля Мухинга ўшшаган одамларга аталган эмас. Яъни водопроводчи-чилангарларга. Мен Москвадаги энг ҳашаматли меҳмонхоналардан бирида ишлайман. Ҳамма ёқ мармар, бронза. Оғирлиги бир тонна келадиган билур қандиилар. Сартарошхонамиз жойлашган холлдаги гранит устунлар орасида катта одамнинг адашиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Меҳмонхона эмас, черков, ибодатхона. Нимасини гапирдим — люкс-да! Ўзингиздан қолар гап йўқ, бунақа жаннатда атоқли ажнабийлар, совет генераллари, дунёнинг ҳар тарафидан келган дипломатлар истиқомат қиласди. Аҳён-аҳёнда Кавказдан келган одамлар ҳам учраб қолади. Улар пулни ўнгу сўлига қарамай совуради, бизнинг меҳмонхонада истаган вақтда истаган хонани олишлари мумкин, чунки пулини кассага эмас, маъмуриятга тўлайди. Акс ҳолда, уларни оstonага яқин йўлтишмасди. Пулинг бўлмаса, думингга ғафлар бўлгаб нима қиласан! Наҳотки? — дейсизми. Совет паспорти билан-а? Бунинг устига, синалмаган оддий одам бўлса! Ҳа, шунақа, унинг кўриниши оддий, холос. Аслини суриштиурсангиз, олтин одам. Бунақа кавказ одами мўмайгина пул узатади, вассалом, ажнабий одамни тўғри келган бирор жойга ўтказишиади, Останкиногами, бошқасигами? Унга, кавказ одамига эса оқ рояли билан ярим люкс хонани беришади.

У роял чалмайди. У бошқа шуҳратга эга. У Кавказдан Москвага лавра баргларини келтириб туради. Тушунарлами? Миллионлаб даромад кўради. Унинг бир кунда топганини мен беш йилда тополмайман. Святослав Рихтер билан Давид Ойстрах ҳам тополмайди.

Бизнинг мижозимиз ана шунақа. Мен кавказликларни айттаётганим йўқ — улар бир фоизгина холос. Мен хорижлик туристларни, генераллар ва дипломатларни айттаюман. Улар менинг ўринидигим бўшашини кутиб навбатда ўтиришар экан, бу ерда энг олий даражада бирон халқаро конгресс бўляпти деб ўйлаши мумкин. Фраклар, орденлар, аксельбантлар. Аёллар ақл бовар қилмайдиган мўйналарда, ҳамма ёри брилиант. Теварак-атроф билур қандиилардан чароғон, мармар деворлар кўзни олиб товланади, оёғингиз юмшоқ гиламларга ботиб кетади. Уларнинг бари унвону мансабларига қарамай, мен ўриндиқقا таклиф қилгунча кутиб ўтиришади. Француздарга сильвули, америкаликларга плиз, ўзимизникларга марҳамат қилсинлар, ўртоқ генерал, деб муомала қиласман.

Ёлғиз Коля Мухингина навбатни тан олмайди. У бутун усти-боши қорамой, занг юқи ҳолида, йиртиқ пахталиқда, ҳар хил темир-терсак, асбоб-ускуналар со-

линган брезент халтаси билан кириб келади, фракли ва мундирли мижозлар орасидан ўтиб, шаюп этиб бир ўриндиққа ўтириб олади-да, худди ўрмонда юргандек баланд овоз билан:

— Кети ким, мен сиздан кейинман! — десб қўйганига ўласизми?

Бу гапни шунчаки, номига айтади. Аммо менинг ўриндинг бўшалиши ҳамоно у мен томон ташланади, йўлита ким тўғаноқ бўлса, тирсаги билан туртиб, четта суребиб қўяди.

Коля бизнинг мижозларни ўлгудай хижолатга солади-да. Яна бу ишни хузурлашиб қиласди. Нечук энди ишчи-дехқон давлатида ишни одамни навбатсиз ўтказиб юборишмас эканлар?! Ҳокимият кимники? Ишчиники! Ҳамма иззат-икром кимга аталган? Ишчига! Шундоқ бўлгандан кейин сурилинг-да, гегемонга, яъни пролетариатга йўл беринг.

Коля Мухин гўл ва анойи кўрингани билан муғомбириликда юзта арманни ёнига яхудийни ҳам кўшиб йўлда қолдиради. У бор ҳақиқатни билади, лекин ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб юради. Ишчилар ҳокимияти деб ўзинглар айюҳаннос соласизлар-ку! Шундоқ бўлгандан кейин, ўзинглар пиширган ошни ўзинглар ичингларда! Сизлар мени, яъни пролетар одамни мамлакатнинг эгаси дейсизлар. Мана, ўша эгасини кўриб қўйинглар. Шунаقا деб хумордан чиқади.

Мен ичимда бўлса ҳамки, унинг қилмишидан хурсанд бўламан, боплаб уларнинг таъзирини берди деб ўйлайман, аммо айни чоқда унинг кирдикорлари учун менинг думимни тутиб юборишмаса деб хавотир оламан. Коля — ўрис, КПСС аъзоси. Хушёрхона билан қутиласди-кетади. Унинг афзалликлари менда йўқ. Паттамни кўлумга тутқазипади — тамом-вассалом, кунимни кўравераман.

Хорижда жуда кўп одам ҳақида фикр юритишни яхши кўради. Китоблар ёзипшади, телевизорларда узундан-узоқ баҳслашади, бунинг учун маош олишади. Ўрис — сирли жумбоқ, унинг қанақалигини билиб бўлмайди, славян қалбининг хуфия жойлари кўп дейшишади. Ҳали шиошмай туринглар, биродарлар, ўрис халқи уйғонсин, ўзининг гапини ўшандади айтади бу халқ!

Буларнинг ҳаммасини кўриб кулгим қистайди. Ё булар қип-қизил аҳмоқ дейман, ё бир бурда нонсиз қолмаслик учун ўзини шу кўйга солиб юради. Мен бу тўғридаги олимона китобларни ўқиган эмасман ва ўқимайман ҳам. Мен Коля Мухин билан бир квартирада ўн беш йил яшадим. У билан бирга ичган ароқларимни ҳисобласа, билмадим, неча чеълак бўларкин. Шунинг учун ҳамма китобларни улоқтирингу менга қулоқ солинг. Мен сизга бир мижозимнинг тили билан айтсам, отлиқ одамнинг сувратини чизиб бераман. У рус халқининг типик вакили бўлади. У ёғига ўзингиз хулоса чиқарib олаверасман.

Гапни шўро ҳокимиятидан бошлайлик. Руз халқи ниҳоят масаланинг тагига етди, энди у шўро хукуматининг онасини Учқўрғондан кўрсатиб қўяди.

Коля Мухин шўро хукуматига кўл қўттармайди. Буни орзу ҳам қилакўрманг. Унинг нархи бозор куни қанча бўлишини Коля яхши билади. Очигини айтганда, Коля уни жуда ёмон кўради ва ичиб олган пайтларида чангитиб сўкиб қолади. Лекин шуларнинг ҳаммасига қарамай, ўрни келиб қолганда, шўро хукуматини худди ўзиникидай пеш қиласди ва ҳатто мен ишчи одамман, яъни мамлакатнинг эгасиман деб гердайиб ҳам қўяди.

У юз йилдан бери алоҳида квартира кутиб навбатда туради, лекин уни бошқалар илиги кетаверади. Ё зари билан, ё зўри билан. У бўлса “ишчиман, хотиним ҳам ишчи” деганича қолаверади. Эру хотин ўзларининг маҳрига тушган йигирма квадрат метрда қарип-чурриб умр ўтказицга маҳкум. Шу сабабли хорижийлар учун ёки мамлакатнинг ҳақиқий хўжайнлари бўлмиш шўро амалдорлари учун қурилган ҳашаматли қасрга кириб қолса, уларга ўзининг овсан эмаслигини кўрсатиб қўйиш учун майнавозчилик қилишга тушади.

Аммо қани, биронга ажнабий унинг хузурида унга тушунарли тилда шўро хукумати тўғрисида бирон оғиз ёмон гап гапириб кўрсинг-чи! Коля шу ернинг ўзида унинг тумшуғига тушуради. Ҳатто эриниб ўтирмай, тегишли жойга олиб бориб тошириади.

Коля Мухин учун, унга тенгдоши ўрислар авлоди учун шўро ҳокимияти билан Россия битта тушунча. Майли, у фалон, у пистон, ёлғоннинг уяси, қонга ботган, уч карра малъун, лекин нима бўлганда ҳам, ўзимизники. Шундоқ бўлгач, бизнинг шўровий турмушимизга тумшуқ суқиб юрманг — бунинг сизга дахли йўқ.

Коля виждонли одам. Бирордан қарз олса, албатта, айттан вақтида қайтариб беради. Ҳатто фирм мост пайтида олған бўлса ҳам, зинҳор эсидан чиқармайди. Ёнида ортиқча пули бўлса, жиндай шама қилсанг бас, икки қўллаб тутади. Улфатлари билан ичишиб қолса, албатта, биринчи бўлиб пулинин тўлашга ҳаракат қиласди.

Шундоқ бўлса ҳам, Коля учиға чиққан ўғри. Ишда нимаики қўлига тушиб қолса — болт бўлса болт, гайка бўлса гайка, кран, муфта, бутун бошли қувур — ҳаммасини ўмарид кетади ва олиб бориб уч баравар пулга сотади ёки хусусий буюртмачининг ўйига ўрнатиб бериб, ҳақини чўнтагига уради. Аммо магазинда сотувчи колбасаданми ё бошқа бирор нарсадан унинг юз грамм ҳақини уриб қолсин-чи — кўрадиганини кўради. Коля жанжал кўтариб, ҳамма ёқни афдар-тўнтар қилиб юборади: ўғрилар, муттаҳамлар, шўро ҳокимиётини майдалаб ўғирлаб битирдиларинг-ку! Чин юракдан қичқиради, шикоят дафтарини талааб қиласди, кўйиб берса, айрим одамлар шўро кишиси деган юксак номга доғ тушираётгани учун уялганидан йиғлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Коля билан дил-дилдан гаплашиб кўрсанг, ҳамма гапга тушунади. Ҳатто керагидан ортиқ тушунади. Мамлакатда ахвол чатоқлигини, тилда бир хил-у, амалда бутунлай бошқалигини, эркинлик деганининг ҳиди ҳам йўқлигини, ҳолбуки, бутун дунёга жар солиб, энг демократи ўзимиз, энг тараққийпарвари биз, энг илфори биз деб мақтанишимизни ҳам билади. Коля буларнинг устидан кулиб юради: вой муттаҳамлар-еъ, вой ёлғончилар-еъ, бир эмас-бир кун ўзларингнинг ёлғонларингдан тойиб йиқилиб, бўйнинглар узилади-ку! Лекин ғазабланмай, ҳатто буларнинг бари қанчалик абжирлик билан амалга оширилаётганига жиндай қойил қолиб кулади. Бизнинг муттаҳамларимиз шунаقا устаси фаранг, азаматлар. Лекин бирор бошқа одамни эмас, шахсан Коля Мухиннинг ўзини алдашаётганини инобатга олмайди, энсаси қотиб, қўл силтаб қўя қолади.

Коля — адолат тарафдори. Газетада Юнонистанда террор деган гапни ўқиб қолса, ғазаби қўзгайди, қўзи қонга тўлади, грек халқига раҳми келади. Ёки радиодан Америкада негларга зулм қилишаётганини эшитиб қолса, ранги бўзаради, муштлари қисилади, ҳозирнинг ўзида занжи қардошларини озод қилиш учун жангга ташланишга тайёр бўлади.

Бироқ, мана — ўзимизниkilар, яъни шўровийлар 1968 йилда анави маҳмадона Дубчек, одамбашара социализм қуриш ҳаракатига тушиб қолганда Чехословакияни бир ҳамла билан таъзирини бериб кўйишганди. Прагага минглаб танклар бостириб кирди. Дубчекнинг кетига телишди. Чехларни тиз чўқтириши.

Эсимда бор — Москвада сал тузукроқ одамки бор, ҳаммаси уятдан бош кўтаролмай қолди. Мен эсам Коля Мухиндан фикрини сўрадим — бизникилар тўғри қилишдими, йўқми? Нима жавоб берди денг? Бу ярамас ҷехларнинг тазирини худди шундай қилиб бериш керак эди. Иштаҳаларини қара-я! Эркинликни хоҳлаб қолишипти. Ҳа, нима, — деб сўрадим сиполик билан, — сен озодликка қаршимисан? Йўқ деб бошини сарак-сарак қилди. Бўлмаса нега ҷехларни бўралаб сўкяпсан? Мен бу абллаҳларни шунинг учун ёмон кўраманки, бизга қарши тишларини фижирлатиб қолишиди. Буларга эркинлик зарур бўлиб қолибди-я! Биз-чи? Биз, нима, ўгаймизми? Эркинлик бўлса, ҳаммага бўлсин. Тушундингми? Бўлмайдиган бўлса, ўша шалтогингда ўтиравер, сайраб нима қиласан? Уларнинг таъзирини бериб, жуда тўғри қилишиди — бошқаларга ибрат бўладиган бўлди.

Зиёлиларга Колянинг тоқати йўқ. Ўзи менга ўхшаб ўқимай қолган, дипломли одамни кўрса жини қўзиб кетаверади. Айниқса, унинг башарасидан дилозорлиги кўриниб турмаса, башараси унинг боадаб, яхши тарбия кўрганини намоён этиб турса, бу Коля учун буқага қизил мато кўрсатиб, жигига теккан билан баробар. У зиёлиларнинг қўли қавармагани учун ёмон кўради, уларнинг юзи кўп ичиб униқмаганига, пиёнистанини каби бўғриқиб, шишиб турмаганига чидаёлмайди.

Коля унақа тентак, фаросатсиз йигит эмас, Россиянинг бошига тушган ҳамма кулфатларга зиёлилар сабабчи эканини билади. Яна биладики, бу текинхўрлар унинг ҳисобига яшашади, бу ҳам етмагандай, Россияни хорижга сотиб ейиш пайида юришади. Ҳукумат аъзоларини ва партия аппаратини ҳам ёмон кўради, уларда жисмоний меҳнат белгилари аён кўриниб турмагани учун ҳаммасини зиёлилар қаторига қўяди. Шунинг учун мен Америкада ёхуд Истроилда “ҳа энди, кўпни кетиб, ози қолди, ҳадемай рус халқи ўзининг феъли-атворини намоён этади-ю, коммунизмдан

халос бўлади” деган гапни эшитганимда жоним ҳалкумимга келар ва худди ёнгин-дагидек бақиргим келарди:

— Аҳмоқлар! Бефаросатлар! Ҳеч балога ақуларинг етмайди. Ўрис ҳалқи феълу авторини намоён қилишидан худо асрасин. Агар шунақа бўладиган бўлса, чиндан ҳам ҳеч ким омон қолмайди. Бутун курра заминда.

Мабодо Россияда тузум қиласа-ю, мамлакат лоақал бир ҳафта ҳокимиятсиз қолса, шунақа қонли қирғин бошланниб кетиши мумкинки, бунақасини ҳали тарих кўрмаган бўлади. Фуқаролар уруши йилларида ўрис мужиги ҳали худога ишонарди, ўшандада бир дунё бегуноҳ қон тўклилган эди. Ҳозир-чи? Ҳамма даҳрий бўлиб кетгандада, бирон нарсани муқаддас деб билмай қўйганида? Ҳозирги техника билан жангга кирса? Коля Мухин гайка бурайдиган темирни олиб майдонга тушади-ю, бош ча-ноқларини мажақлашга киришади. Бошқа бирон тентакроқ Коля бўлса, атом ракеталарига етиб боради-да, кайф билан ҳамма тутмачаларни баравар босади. Ана томоша-ю, ана машмаша. Йўқ, кўйинг, худо кўрсатмасин. Коля Мухинни баррикадаларга давлат этманг, йўқ ғаллар билан унинг бошини қотирманг. Үндан кўра ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсон.

Очиғини айтганда, мен Коляни яхши кўраман. Унинг қалби очиқ; лекин қалби очиқ экан деб, ҳадеб уни оёқ ости қилиш керак эмас. Ахир, Коля боладай гап. Агар бирор одамнинг довюраклигини кўрса, шаддодлик билан қилинган ишга гувоҳ бўлса, тўлиб кетиб, йиғлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Яхудийларнинг Истроилга кетиши билан боғлиқ ишлар бошланганда, хорижларга мактублар ёзила бошлагандада, Бирлашган Миллатлар<sup>1</sup> Баш Ассамблеясига мурожаат қилинганда шундай бўлганди. Мурожаатда яхудийларни қўллаб-куватлаш сўралган эди. Кимга қарши денг? Совет ҳукуматига қарши. Ҳолбуки, совет ҳукумати на фақат бу Ассамблеясини, балки ундан каттасини ҳам икки пулга олмас эди. Коля эсини йўқотиб қўйди ва унинг кўнглида ҳамма яхудийларга нисбатан беистисно эҳтиром пайдо бўлди. Энди яхудийлар унинг назарида энг илғор одамлар эди, ҳар бир яхудийни у қаҳрамон деб била бошлиганди.

Бир куни кечаси меникига кириб қолди — бутун вужудидан ароқ ҳиди буруқ-сийди.

— Аркадий, яқинда бир яхудийнинг уйида кранини тузатган эдим. Хўп зўр одам экан-да! Ҳойнаҳой, Истроилга қараб жуфтакни ростламоқчи кўринасан, — дедим. У бўлса менга қараб: йўқол кўзимдан, иргвогар! — деб бақирса бўладими? Мени уйидан кувиб солди, қилган ишинга пул ҳам бермади. Вой зангар-ей! Мен гижиллашиб ўтирамадим, индамай фойиб бўла қолдим. Ахир, бефаросат эмасман-ку! Тўғри қиласи ўша одам. Оғзига маҳкам экан!

Кейин Ленинградда суд жараёни бошланди. Яхудийларни суд қилишди. Улар бир самолётни эгаллаб олиб, Истроилга учеб кетмоқчи бўлишган экан. Икки кишини ўлим жазосига ҳукм қилишди. Коля Мухин радиоприёмникка елимдай ёпишиб қолди, Лондонданми, Мюнхенданми ҳар бир сўзни қулоқдан қочирмаслик пайида бўлди. Ҳақиқатда нималар содир бўлаётганини билмоқчи эди.

— Демак, ҳали шунақа одамлар бор экан, Россиядан бутунлай умидни узмаса ҳам бўларкан, — деб хulosा чиқарди у. — Рост, улар яхудий. Лекин эндиликда Россиянинг бутун умиди яхудийлардан. Славянлардан чиқмагандан кейин на илож? Славянларнинг ўзи ожизлик қилиб қолди.

Коляни узил-кесил тўлқинлантириб юборган нарса шу бўлди, Ленинграддаги судда Сильва Зальмансон деган аёл, яни ўн йил қамоқча ҳукм қилинган яхудий хотин охирги сўзида қадимги яхудий тилида ўрис судьяларининг юзига шундай деди:

— Агар сени унутсан, ўнг қўлим акашак бўлсин, Қуддуси шариф!

Буни эшитди-ю, Коля йиғлаб юборди ва қўлидаги транзисторини ўчирмаган бўлса-да, лондонлик диктор айтиётган гапларга ортиқ қулоқ солмай қўйди.

Кейин у ҳар бир ўнг келган — ўнг келмаган жойда “агар сени унутсан, ўнг қўлим акашак бўлсин, Қуддуси шариф” дейа такрорлаб юрди. “Вой онагинангни сенинг... Бу ҳалқнинг улуғлигини қара-я! Биз — қанжиқлар уларни жуҳуд деб таҳқирлаб юрамиз-а!” — Шундай дер экан, кўзларида ёш ялтиради.

Буларнинг барига Коля Мухин ана шунақа муносабатда бўлди, сабабки, у томошабин эди. Яхудийлар учун эса булар қора кунлар бўлганди. Ленинграддаги суддан кейин, иккита одамни ўлимга ҳукм қилганларидан сўнг, фаол сионистлар думлари-

ни қисиб қолиши. Уларнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Ҳамма юрагини ҳовуч-лаб қолғанды: совет ҳокимияти анойи эмаслигини күрсаттан эди.

Менга ўшшаган оддий бандалар түгрисида гапирмаёқ қўйса бўлади. Очигини айтганда, мен ур-иикитлар бўлишини кутган эдим. Троллейбусда бир бадмас одам тап тортмай менинг юзимга туфлади — тупуги тўғри бурнимга келиб тушди. Қани энди, бирорта одам ёнимни олса. Аксинча, кўпчилик овозини баралла қўйиб, буни маъкуллашганини билдиришди. Коля Мухин бирга бўлганд-ку, икковимиз бутун троллейбусни дабдала қилиб ташлардик. Шу гавдам билан бир ўзимнинг кўлимдан нима ҳам келарди?

Ленинград судидан аввал сионизм дардига қаттиқ чалиниб юрган яхудий ми-жозларим бир зумда бу дарддан фориғ бўлиши. Энди улар менинг ўринидигимга ўтиришар экан, “Исройл овози”нинг сўнгги янгиликларини айтиб керилмас эдилар, шунингдек, Ливан ёхуд Иорданияга қарши “бизнинг” ҳар бир омадли ҳужуми-миздан жунбушта келиб, оғиз кўпиртиришмас эдилар. Одамларнинг кўзига кўри-ниб, ғашларига тегмаслик учун улар ўриндиқча қапишеб кетар ва уларнинг яхуди-ёна бурунлари ҳам совун кўпигига чўкиб кетмоққа тайёрдай кўринар эди.

Хорижий радио эса ҳамманинг юрагини така-пуга қилиб, башорат қиласарди: *Худо тоцбақанি қандай жазолаган бўлса, шўро ҳукумати ҳам яхудийларни шунаقا янчиб ташлайди ва Россиядаги сионистлар ҳаракати яқинда таг-томири билан қуриб битади.*

Ҳатто Коля Мухиннинг ҳам попуги пасайиб қолди.

— Вой итлар-ей... Вой, итдан тарқаганлар-ей... Яхудийларнингки таъзирини бериб қўйган экан, демак, ҳали улар жуда қудратли экан-да! Тамом! Бўғиб ташлашди! Яйраб бўлдиларингми? Бўлди энди, азаматлар! Эсингда бўлсин, Аркадий — шўро ҳокимияти билан олишиш шамолга қарши тупургандай гап. Ўзингга ёмон бўлади. Сенинг яхудийларинг ҳам бошқалардан айло эмас. Энди бир бурчакда писиб ўти-ришдан бошқа иложларинг қолмади. Қани юр, бирортасини топайлик, уч киши бўлиб улфатлашайлик.

Қиши эди. Адашмасам, февраль эди, шекилли. Ҳа, албатта, февраль. Февралнинг охири Москвада совуқ изирин турган. Қор кам бўлгани учун совуқ музлаб қолган жонингни суфуриб оладигандай туюларди. Метродан чиқиб ишхонангга югуриб етиб олгунингчча, бўларинг бўларди.

Ўша куни ишларим унча кўп эмас эди. Совуқ туфайли меҳмонхонада хорижий-лар анча камайиб қолган. Бугун Коля келади деб ҳеч кутмаган эдим, негаки бир ҳафта олдин соч-соқолини олдириб кетган эди. Эртасига унинг ҳаммом куни эди, яъни у Сандуми ҳаммомига бориб, аzonдан яrim кечагача ўтирап ва ўзининг тили билан айтганда, бутун гавдасини бир ойга етадиган қилиб буғларди.

Коля Мухин совуқдан сартарошонамизга бўрондай, қора куюндай кириб келди ва осто наданоқ мени ёнига чақирди:

— Аркаша, бир оғиз гап бор...

Мен тасодифий бир мижознинг соқолини олаётган эдим. Кўзларим билан унга ишора қилиб; кўриб турибсан-ку, бандман, бу калнинг соқолини олиб бўлай, кейин ихтиёрингизда бўламан, Николай Иванович, дегандай бўлдим.

— Бир пас ўтириб турса, ўлиб қолмас! — деб тўнғиллади Коля. — Ҳеч нарса қилмайди. Ташқарига чиқайлик. Бугун тақдиринг ҳал бўлади!

Бу гапни эшигтандан кейин мен ҳам туролмай қолдим, соқоли чала олинган мижозни шеригимга топширдим-да, Колянинг олдига чиқдим. У ерда Коля қип-қизил, юмшоқ гилам устида тўпигигача ботиб турар экан, юз пудлик қандил остида менга шунаقا бир гапни айтдики, уни эшишиб, бир зумда соchlарим тикка бўлиб кетди. У менга кишини лол қолдирадиган жуда зўр янгиликни айтди. Қулогимга. Шивирлаб. Лекин шивирлаши шунаقا эдики, бу гапни нафақат эшик олдида турган швейцар эшигти, балки кўчадан ўтиб кетаётган троллейбуснинг ичидағи ҳамма йўловчи ҳам биронта тинини белгисини қолдирмай эшигти.

Унинг гапини мухтасар қилиб айтиб берай. Шу бугунги изгиринли совуқ куни Москвада истиқомат қиласидиган йигирма тўртта яхудий кўз кўрмаган, қулоқ эшигмаган бир иш қилипти — улар шундоққина Кремлнинг тумшуғи остида, Манеж майдонида шўро ҳокимиятининг Олий органи — СССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасини эгаллаб олишишти ва у ерга жойлашиб олиб, ҳукуматга талаб

күйишипти — Истроилга жұнаб кетмоқчы бўлган яхудийки бор, уларнинг ҳаммасига рухсати олий берилмагунча биронтамиз бу ердан ўз ихтиёrimiz билан жилмаймиз!

Бу — қулоқ эшитмаган ҳодиса эди. Бу — ақл бовар қилмайдиган воқеа эди.

Коля ҳамма гапдан хорижий радиоэшиттиришлардан хабар топипти ва аллақачон Манеж майдонига бориб ҳам келипти. У ерда ҳамма ёқни милиция билан форма кийган ва формасиз КГБ ходимлари ўраб олинти. Одамларни яқин йўлатмаётган эканлар. Ҳатто хорижий муҳбирларни ҳам қувиб солишаپти. Шунинг учун у менинг олдимга янгиликдан хабардор қилгани югуриб келипти — ҳайриятки, мен шу атрофда ишлар эканман.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, шу куни мен ортиқ ишпалаёлмадим. Ақлим билан эмас, бутун вужудим билан фаҳмладимки, шу бугун менинг ҳам тақдирим ҳал бўлажак. Гарчанд мен ҳали Истроилга кетишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Мен бошлиғимнинг олдига бориб, қорним бураб оғриётганини баҳона қилиб, гўё врачга бориб кўриниш учун жавоб олдим, ўзим эса Коля билан бирга Манеж майдонига йўл олдим.

Ўйлайсизки, биз Коля икковимизгина бу қадар доно эдик. Хориж радиосини рус тилида тинглаш қатъий равищда тақиқланади, бунинг учун маъмурий жазога тортилиш ва ҳатто суд жавобгарлигига тортилиш ҳам мумкин. Буни СССРда ёш бола ҳам билади. Лекин шунга қарамай, Россияяда жиндай калласи ишлайдиган одам борки, ҳаммаси бегона кўзлар ва қулоқлардан беркиниб, ўзининг транзисторига ёпишади-қолади. Шу билан у шўронинг тўлқинларни тўсувчи станциялари билан тенгсиз курашда ўзининг асабларини бузади, холос. Юзлаб москваликлар бегам бир қиёфада Манеж майдони атрофида саир қилиб юришипти. Шуниси борки, уларнинг кўпчилиги яхудий эмас. Қиёфалари бегаму, ичларини таталаб кетаётган қизиқишдан кўзлари ялт-юлт қиласди. Шунга қараб улар “Би-Би-Си” ва “Истроил овози”ни мунтазам тингловчилардан десак хато бўлмайди. Биз — Коля икковимиз уларнинг сафига қўшилдик, чунки яқинроқ боришининг имкони йўқ эди. Фуқароча кийиниб олган нусхалар ортиқча бирор қадам кўйган одамнинг ҳар бирини бетакаллуп ҳайдаб солишар ва бу билан ҳам чекланмай, ҳужжатларни текшириб ён дафтарига алланима балоларни ёзиб ҳам кўйишаради.

Биз Коля билан уларнинг жигига тегмай қўя қолдик. Биз олисдан туриб, Президиум Қабулхонасининг ичида нималар бўлайтганини кузатиб бордик. Аммо Қабулхона дeraзалари парда билан тўсиленган эди. Бунинг устига қаттиқ совуқ бўлганидан дeraзаларни қиров босганди. Ичкаридаги йигирма тўртта яхудий овчилар қуршаб олган бўрилар ҳолатида бўлса ҳам, кўзимизга эртакларнинг паҳлавон қаҳрамонларидай кўринарди.

— Аркадий, ўзинг ўйлаб кўр, — деб хирилларди қулоғимга ҳаяжонга тушган Коля, — шўро ҳукумати замонида бунақаси асло бўлган эмас-а! Бунақасини етти ухлаб тушларида ҳам кўрган эмас. Шўро ҳокимияти деса, бутун дунё зир титрайди. Шундай курратга ошкора қарши чиқишининг ўзи бўладими? Яна ким денг? Йигирма тўртта одам? Қанақа одам денг? Ҳаммаси яхудий. Йўқ, ақл бовар қилмайди.

У нафасини ростлаб олди-да, давом этди:

— Уларни, албатта, эзиз кукунга айлантириб юборишиади. Ҳадемай, судраб олиб чиқиб, анави машинага босишиади. Қара, қанча машинани тахт қилиб кўйишипти. Аммо, Аркадий, гап бунда эмас! Воқеанинг миясини қўзғаб қўяди. Ие, шўроларнинг кучидан кўрқмаса ҳам бўларкан-ку, деган фикр уйғонади. Эҳ-ҳа, улар шўро ҳалқига роса ибрат бўладиган бўлди-да! Улар туфайли иморатнинг пойдевори дарз кетадиган бўлди. Уни ҳеч қанақа цемент билан ямаб бўлмайди. Бугун тарихий кун, Аркадий. Гапимни эслаб қол. Бу — 1942 йилдан бери КПСС аъзосининг гапи! Қани, юр, жиндай отиб, исиниб олмасак бўлмайди.

Қаҳратон совуқ, Изифирин. Ёғаётган майда куруқ қор Қизил майдон бўйлаб гуж-ғон ўйнайди. Ленин мақбараси олдицаги фахрий қоровуллар алмашганда соқчи-ларнинг гурс-гурс қадам ташлаши юракларда ва ҳатто ошқозонда акс садо беради. Гўё оч қорин билан гўдайиб, најотсиз, чорасиз турганга ўхшайсан. Аъзойи баданинг қақшайди, кўнглинг айнииди. Сен бу аҳволда бўлганда анави йигирма тўрт ўзбошимча одам нима аҳволдайкин? Ўйлаб, миямга сиғдиролмайман.

Биз Коля билан муюлишгача бориб, исиниш учун юз граммдан уриб олдик. Таъсир қилмади. Яна ўзимизнинг кузатув жойимизга қайтдик. Бу ердан бутун Ма-

неж майдони кафтдагидек кўриниб турилти. Унда ҳамон тўда-тўда милиционерлару КГБчилар юрипти. Устида катта-катта радиоантенналар ўрнатилган кўркинчили усти ёпиқ машиналар... Гапни чўзиб нима қиласман. Бу кун роса қиёмат кун эди. Соат сайин совуқ қотиб боряпмиз, ичганинг фойдаси бўлмаяпти, ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаяпти. Ҳукумат одамлари бирон тадбир кўраётгани йўқ, нима қилиш кераклиги ҳақида кун бўйи маслаҳатлашаётган бўлишса керак-да...

Коля Мухин буни галаёнчиларнинг фалабасига йўйди, ҳукуматнинг ҳеч кимнинг хаёлига келмаган таслим бўлишининг боши деб баҳолади.

— Биласанми, Аркадий, — деб мъянодор хулоса чиқарди Коля Мухин. — Бунда иккidan бири. Ҳалқнинг гапи бор-ку — ё Алихўжа ёхуд Хўжаали. Қани юр, бирор нарса танаввул қилиб олайлик.

Ҳарқалай, кечта томон Коля анча етилиб қолди. Мен оёқларимни енгилгина совуқ олдирдим. Лекин кутганимизга эришдик. Шунча кутганимиз бехуда кетмади — охири шўро ҳукуматини чекинтирган қаҳрамонларни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Кечқурун соат тўққизда забастовка тугади. Президент Подгорнийнинг ўзи яхудийларни Истроилга жўната бошлиймиз деб ваъда берди, ҳатто яхудийларнинг ҳар бир аризасини кўриб чиқадиган маҳсус давлат комиссияси тузамиз, деди. Забастовкачиларга дахл қилиш бир ёқда турсин, уларни авайлаб, эҳтиёт қилиб, гўё қўлтиқларидан олгандай уй-уйларига элтиб қўйишди. Устидаги либоси деярли бир-бирини-кидан фарқ қилмайдиган юзатча “йигитча” ана шу икки дўжна яхудийни куршаб олиб, метронинг эшигига еттунча уларнинг ёнига ҳеч кимни йўлатишмади.

Биз Коля билан хуфияларнинг шапкалари оша забастовкачилардан баъзи бирларини тузукроқ кўришга мушарраф бўлдик. Кўрдиг-у, лекин менинг хафсалам пир бўлди. Жўнгина яхудиёна башаралар. Бир нечта ёши ўртача зиёлилар. Куруқ маошга яшайдиганлар. Усти-боши юпунроқ. Бунақалар кўғчилик ўртасида ажralиб турмайди.

— Биродарлар! — деб қичқирди Коля Мухин уларга соқчилар оша. — Бўш келманлар!

Мен ҳушимни ўнглаб ултурмасдан, фуқароча кийинган “йигит”лар унинг қўл-оёғини қайириб, “кора қарға”га ташлашди, Коля ҳушёрхонадан эртаси кунитина қайтиб келди. Унга катта миқдорда жарима солишишти ва партия ташкилотига хабар беришмоқчи бўлишишти — коммунист Н.И. Мухиннинг номуносиб ҳулқини муҳокама қилиш керак. Шунинг учун орадан бир-икки кун ўтгач, Қалпоқ кўчада Истроилга жўнатиш бўйича комиссия иш бошлаганида у ерда нималар бўлаётганини кўрмоқ учун Коля мен билан бирга боролмади — у хонасини супириб-сириб, ҳамма ҳожатини чиқарадиган жойларни тозалаб, Клава олдида гуноҳларини ювиш билан банд эди. Мен ёлгиз бордим.

У ерда кўрганларим ҳамма кутганларимдан зиёда эди. Мен ўйлаган эдимки, ўша куни анави йигирма тўрт киши келади-ю, комиссия уларни қабул қиласми. Яна ким билади дейсиз, ол қулим деб юборса, комиссия уларга Истроилга жўнашга рухсат ҳам бервороши мумкин. Сирасини айтганда, мен ўша йигирма тўрт яхудийни яқинроқдан кўриб олмоқчи эдим, холос. Фақат шу мақсадда борган эдим.

Қалпоқ кўчада яхудийлар оломони қайнарди. Ҳудди Лужникида Ленин номли стадион олдида масъулиятли футбол ўйини олдида бўладиган манзаранинг баайни ўзи. Аёллар қорак ўлтотоларида, эрракларда кундуз ёқа... Қулоқларда брилиант, бармоқларда қимматбаҳо узуклар. Каердан йиғила қолди шунча одам? Хориж радиосидан шўро ҳукумати ён берганини эшитиб бу яхудийлар яшириб қўйган таклифномаларини беркитиб қўйган жойларидан олиб келаверишган. Бу сарғайиб кетган таклифномалар бир замонлар уларнинг Истроилдаги хеш-акробаларидан келган. Шу пайтгача уларни ҳатто ўзларининг фарзандларига кўрсатишдан ҳам қўрқишиган. Энди эса комиссия хузурига биринчи бўлиб етиб келмоқ ва юқорида айнаб қолмагунларича эсон-омон визани қўлига киритмоқ учун юрак ютиб ОВИРга ёпирилиб ҳужум бошлишди. Улар терлаб кетган, сочлари тўзиган ва паришон бир ҳолатда, бир-бирларини тирсаклари билан туртқилашиб, итариб-суруб эшик олдида булоқдек қайнаб ётишарди. Баайни очлик йилларида қанд учун навбатда тургандарга ўхшашади. Ҳар қанча ҳаракат қилмай, оломон ичидан тунов куни Манеж майдонида эслаб қолганим йигирма тўрт кишидан биронтасини ҳам учратмадим.

Зинанинг тепасида туриб эса милиционерлар комиссияга ўша забастовкачиларнинг фамилиясини айтиб чақирап, бироқ қорак ўлтотли кийган хонимлар “Қаёққа суқил-

япсан?”, “Кимсан ўзинг?” деган фарёдлар билан ҳеч кимни олдинга ўтказишмас эдилар. Яхудийларга йўл очиб берган одамлар ўзларининг миллиатдошлари, уруғдошлири томонидан топталишга сал қолганди, чунки бундан бўён ҳеч нарсадан кўркмаса ҳам бўлаверишини, йўл очиқлигини сезиб қолган яхудийлар тушовни узуб кутура бошлаганди. Улардан бирини ўз кўзим билан кўрдим — уни чўққи соқолидан таниб қолдим, палтосининг тугмалари узилиб, эзилиб кетипти. Оломон уни бир ёққа суреб чиқарib қўйипти. У кўрқиб кетган, саросимага тушган ҳолда орқаси билан деворга сяянганча, нафасини рострай олмай турарди.

Ҳам куласан, ҳам йиглайсан! Улуғлик билан кулгининг ораси бир қадам деб бекорга айтишмаган. Орадан бир оз ўтгач, шу ернинг ўзида мен шунаقا бир манзарани кўрдимки, биронта ҳажвчи ёзувчи миясини ҳар қанча ишлатмасин бунаقا манзарани тўқиб чиқара олмайди.

Бир пакана яхудий — бўйи меникидан ҳам пастроқ экан, — ўзидан икки бош юқори, новча хотинини кўлидан етаклаб келипти. Бунинг устига-устак, хотини ҳомилиадор бўлиб, ой-куни яқинлаб қолган экан. Шу туфайли у эридан энига ҳам уч баравар каттароқ эди. Ҳалиги пакана яхудий фильмни етаклагандай хотинини кўлидан ушлаб олганча шу ергагиларнинг бари каби ҳаддан зиёд ботир бўлиб кетипти. У қўлтиғида хужжатлар тўла папка билан ўтиб кетаётган бошлиқни тўхтатиб, мутлақо кулгили гап айтишни истамаган ҳолда ҳамма оломон эшигадиган қилиб жар солипти:

— Агар менга ҳозирнинг ўзида Исройлга виза бермасанглар, Қизил Майдонга бориб, хотинимнинг ўз-ўзига ўт қўйишини ташкил қиласман...

Худди шундоқ деди. Сўзма-сўз эсимда қолган. “Ўз-ўзига ўт қўйишини ташкил қиласман”.

Ҳатто ОВИРнинг бошлиғи, КГБнинг юксак унвонли зобити, ҳазил-мутойибадан узоқ бир одам ҳам унинг гапи замиридаги кулгини англаб етди. У кулиб юборди эмас, отдай кипинаб юборди, пишқириб қаҳ-қаҳ урганидан қорнини чанглаб қолди, қўлтиғидаги папкаси тушиб кетди, ичидаги қофозлари полга сочилиди. Яхудийлар эса бу рўзи маҳшарда юмор туйғусидан бутунлай маҳрум бўлиб қолишиганди — улар шоша-пеша ҳамжиҳатлик билан қофозларни йигишга киришишди ва камсумлиқ билан илжайишиб, ялтоқилик қилиб, уларни бошлиқнинг қўлига тутқазиши; бошлиқ эса ҳамон ўзини кулгидан тўхтатомас ва бошини сарак-сарак қилишида давом этарди.

Бошлиқдан бошқа бутун оломон ичиди яна бир одам кулди. У мен эдим. Мен бошлиққа ўхшаб қаттиқ кулганим йўқ, лекин мен ҳам чин юракдан кулдим. Негаки, мен кулгили нарсаларни дил-дилимдан яхши кўраман. Ҳатто улар энг ножоиз жойларда рўй берса ҳам...

*Атлантик океани устида.  
Баландлик — 30600 фут.*

Кейин ҳаммаси худди қор кўчгандай — киноларда қўрганингиз бордир — бара-варига ҳаракатга келди. Гўё яхудийларнинг ҳаммасига битта қолдирмай кетига бизиз тиқиб олгандай...

Ахир, шу ҳам инсофданми — гоҳ бир шаҳарда, гоҳ бошқа шаҳарда ҳар қандай кўркув туйғусидан фориғ бўлган яхудийлар илгари яқинига йўлашга юраклари бетламаган иморатларга Олий Совет Президиуми, ИИВ, вилоят партия қўмитаси ва бошқаларга тўғри кириб боришади-да, ўриндиқларга ялпайиб ўтириб олишади. Ўриндиқ бўлмаса, тўғри полга ҳам жойлашиб олишаверишади. Кейин ҳанг-манг бўлган милиционерларга талабларига ижобий жавоб олмагунча ҳеч қаёққа жилмасликларини маълум қилишади. Йлтимослари эмас, талабларига! Эътиборга олиб қўйинг.

Бу Совет Иттифоқида содир бўляпти-я! Яқин-яқинларда бу ерда бунаقا гапларни очиқ айтгандан кўра тилини қирқиб ташлашни афзал билишарди.

Файрати ичига сифмаганлар Москвага отланишарди. Бирор пасқам жойда эмас, балки фақат пойтахтда, ажнабийларнинг кўз ўнгига бинобарин, бутун жаҳон жамоатчилигининг кўз ўнгига шўро ҳокимиyитiga кўрсатиб қўймоқ учун.

Рига ва Вильнюсдан, Лъвов ва Черновцидан, Киев ва Одессадан, Кутаиси ва Тбилисидан поездларда, самолётларда, автобусларда юзлаб яхудийлар ишларини ва

оилаларини таштаб Москвага ёпирилди. Забастовка кетидан забастовка. Очлик эълон қилишлар, чала курсоқ бўлиб очлик эълон қилиш ва ҳатто уйидан олиб келган улбулини тўйиб еб ўтириб очлик эълон қилишлар...

Шўро ҳукумати саросимага тушнаб қолди. Яхудийларнинг ҳаммаси забастовка қилиш учун Манеж майдонидаги Кремль ёнидаги СССР Олий Совети Президиуми қабулхонасини ёқтириб қолиши. Кўрқиб кетганидан ҳукумат уни таъмиrlаш учун ёниб кўйди. Шунда тинчликбузлар бу ердан узоқ бўлмаган жойга — Марказий телеграфга кўчишиди.

Харбийларнинг тили билан айтганда ҳокимият аввалдан тайёрлаб қўйилмаган марраларга чекинди. Баъзан чекинаётуб, ириллаб тишини кўрсатиб қўйди. Аммо тиш анча ўтмаслашиб қолганди. Оломон иккича кипини ушлаб, авахтага ташлашади, лекин юзлаб яхудийларга виза беришади, ҳатто Чоп бекатининг нариги томонигача бажону дил кузатиб қўйишиди.

Баъзан эса худди асаби қўзиб қолгандай, милиция Москвага жўнаётган поездларга бостириб киради, осмонга кўтарилишига тайёр турган самолётга чиқади ва қирра бурни Геббелльсни иҷкетар қилиши муқарар бўлган ҳар бир йўловчининг грибонидан олиб, ташқарига судраб чиқади, кетидан эса чамадонлари билан тугунларини улоқтиради.

Баъзан Москвага хизмат ишлари билан кетаётган бегуноҳ яхудийларни ушлар шар ва ҳатто яхудийларга ўхшаб кетгани учун милиция чангалидан арманилар ҳам бенасиб қолмасди.

Лекин барибир неча ва юзлаб яхудийлар тишининг кавагида визаси, қўлтиғида боласи билан СССРни тарқ этмоқдайди. Бошқа юзлаб яхудийлар эса довюракликдан одам ўлмаслигини кўриб, Москвага ёпирилар ва кўзларини чақчайтириб, Марказий телеграфда жўнаб кетганинг ўрнини эгаллашарди-да, улар ҳам забастовка эълон қилишарди. Шўро ҳокимияти ҳушини йигиб олмагунча, тизгиндан силтаб тортмагунча, нағалини биқинларга ботириб олмагунча бу аҳвол давом этди. Нағаллар ботганда биқинларнинг қанақа оғриши, ҳатто суюклар қасир-қусур синиб кетиши ҳам ҳеч гап эмаслиги ҳар бир яхудийга жуда яхши маълум эди. Агар у подликдан узил-кесил ақлини йўқотиб қўйилмаган бўлса, албатта!

Марказий телеграфда иш билан келган одамлардан кўра забастовкачилар кўп бўларди. Бу марказий телеграф ишига халақит берар, шунинг учун милиция ўқтин-ўқтин ҳар хил облавалар ўтқазиб, бу муассасани яхудий башара одамлардан бўшатиб турарди. Бутун дунёдаги яхудийлар, шунингдек, газеталарнинг ибораси билан айтадиган бўлсан, жамики илғор тараққийпарвар жамоатчилик оҳ-воҳ қилиб, аюҳаннос соларди. Шўринг қурғур шўро ҳукуматининг бошига ёғилган лаънатлар 1917 йилдагидан кам эмас эди. Безорилар! Ўр-йиқитчилар! Гитлернинг меросхўрлари! Халқни қириш бу! Қани инсон ҳукуқи! Йўқолсин! Шармандали!

Кулгим қистайди. Лекин ҳалқ куладиган бўлса, маълумки, ҳокимиятнинг кулишга чори келмай қолади.

Кулоқ солинг, сиз ҳам қотиб кулмасангиз мен кафил.

Бу воқеа бир гуржи ҳақида. Гуржи яхудийси эмас, соф гуржи тўғрисида. Бир хатолик натижасида бу шўрлик кавказлик Истроилга бориб қолишига сал қолди. Ҳикоя қилиш учун қулагай бўлсин деб унинг номини, масалан, Вахтанг деб атай қолайлик. Келишдикми? Хўп, бўпти, болладик, бўлмаса!

Вахтанг ташвиш нималигини билмай, кайфу сафо ичидан яшарди. У қишида Кавказдан Москвага гул олиб келарди. Оддий гул. Уни Марказий бозорда сотарди. Даромади шунақа эдики, бунақа даромад Рокфеллернинг тушнига ҳам кирган эмас. Кавказнинг қипи ҳам ёздай гап. У ерда бир дона гул арзимаган пул туради. Москвада эса бир донаси камидан бир сўм. Қанча фойда чиқишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Самолётда Тбилисидан Москвага келиб-кетиш учун чипта ҳақи олтмиш сўм. Вахтанг иккита чемоданга бостириб қирқ минг дона гулни жойлайди. Бу қирқ минг сўм. Катта давлат-а! Харажати — бориш-келишига чипта ҳақи-ю, уч-тўрт юз сўм қизлар билан ресторанга. Ҳай, боринг, яна икки юз сўм милиция билан инспекторга кетсин — сотаётганида ҳадеб харҳаша қиласвермасликлари учун. Қолгани — соф даромад. Мен сизга айтсам, бунақа пул кўлга тушса, эсдан оғиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Бирор нарса қаиф қиласман деб йиллар давомида миясини қотириб юрадиган академик, Ленин мукофотининг лауреати ҳам бир кунда шунча пул топишга ақли етмайди.

Бунақа Вахтанг учун шуро ҳукумати турған-битгани хазина-ку! Уни омбир билан суғуриб ҳам хорижга чиқара олмайсан. Истроилни-ку гапирмай құяқолса ҳам бўлади. Аммо биладиган одамларнинг айтишига қараганда грузин халқининг ифтихори бўлмиш Грузиянинг энг йирик шоири Шота Руставелининг қабри Куддуси шарифдаги ибодатхоналардан бирида эмиси. Албатта, ўзининг миллий шоирининг қабрини зиёрат қилиб, руҳига дуо ўқиш ҳатто гулфуруш учун ҳам гуноҳ бўлмаса керак.

Хуллас, Вахтанг Москвага икки чемодан тўла гул олиб келади-ю, Марказий бозорга бориб, уларга сув сепиб, жон киргизади ва донасини бир сўмдан сотиб битиради. Бир чемоданини пулга тўлдиради — чемоданга сифсин деб уларни ҳам босиб эзғилашга тўғри келади. Иккинчи чемодани — бўш чемоданини омонатга қўйиб, ўзи анъана бўйича ресторонга йўл олади. Табиийки, ёнида қизлар билан. Бир эмас, бирварақайига учта қиз билан. Ҳаммаси малла соч. Бўялган эмас, табиий. Комсомол ёшидаги қизлар. Вахтангнинг қизларга харажати кўпайиброқ кетибди. Йўқ, пул маъносида эмас, ишрат маъносида. Нима десангиз, ёши ўтиңқираб қолган-да. Аввалин куч йўқ. Ухлаб қолипти. То кўзини очиб, ўзига келгунча самолёт кетиб қолипти. Чинтани янгилашга тўғри келипти. Хотини эрим милициянинг кўлига тушиб қолди деб ўйлаб, адой тамом бўлмаслиги учун телеграмма жўнатиши мақсадида Марказий телеграфга борипти.

Ичкарига кириб, теварак-атрофа аланглапти-ю кўзларига ишонмалти. Ўриндиқларда яланг гуржилар ўтирганмиш. Аниқроқ айтганда, гуржи яхудийлари. Бунақа яхудийлар гуржилардан нимаси билан фарқ қилиши уларнинг ўзигагина маълум. Менинг назаримда ҳеч фарқи йўқ. Башаралари ўша башара, мўйловлари ўшиа мўйлов, талаффузларида ўша оҳанг. Ҳатто бошлидаги кетмон нусха шапкалари ҳам ўша. Шунақа каттаки, нақд аэрором дейсиз, мабодо самолёт бўлмаса ҳамки, вертолёт сифмай қолишидан чўчимай бемалол қўниши мумкин.

Вахтанг, албатта, бир зумда қаршисида ўтирганлар яхудийлар эканини фаҳмлади. Уйида — Гуржистонда у яхудийларин унчалик хуни кўрмас эди, аммо бу ерда — изғиринли совуқ Москвада гуржи яхудийси ҳам унинг учун ватандони, бинобарин, энг яқин, кўнгил тортар суҳбатдош ва шишишди эди.

Ҳали вақт эрта эди, Марказий телеграфдаги гуржи яхудийларининг ҳаммаси ўтирган жойларида нонуптани бошлиб юборишиган эди. Улар замонхўр хотинлари томонидан Кутаисида тайёрлаб бериб юборилган тугунчакларини очишган, улардан ҳиди ўтқир саримсоқ пиёзу болиқа егуликларини олишган, уйдан олиб келган шарбатларининг ҳам пўкагини олиб бўлишганди. Бутун телеграф биносига шунақа ширин ҳидлар тарқалди, ойнаванд тўсиқлар ортида ўтирган телеграфчи мallasoch қизлар бараварига сўлакларини оқизиб, анча-мунча телеграф қоғозларини расво қилдилар.

Вахтанг бу яхудийларнинг биронтаси билан ҳам шахсан таниш эмас эди, аммо унинг кетмоннусха шапкаси ва мўйловидан таниб қолишиб, хушвақтлик билан эрталабки насибани баҳам кўришга таклиф қилишди. Вахтанг еди, ичди, она тилида мириқиб суҳбатлашди ва оқибатда бу ерга нима мақсадда келганини ҳам унутди. Шунингдек, у грузин яхудийларидан, шунча одам бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар? — дей сўрашни ҳам хаёлига келтирмади.

Кавказ таомларининг томоқни қитиқловчи ўтқир бўйлари жиндай маошига бор-йўғи бир стакан кефир билан нонушта қиласидиган телеграфчи қизга ёмон таъсир қилди — у хушидан кетди. Бу милицияга баҳона бўлди — улар яхудийларни Марказий телеграф биносидан бир зумда ҳайдаб чиқарди. Усти ёпиқ, деразасиз машиналар етиб келди, кавказли биродарларнинг ҳаммасини, Вахтангни ҳам қўшиб машинага босиб олиб кетишиди.

Шўрлик Вахтанг уни нимага ушлаб олиб кетишиганига сира ақли етмай гаранг эди. Наҳотки, гул учун бўлса? У ўзи билмаган ҳолда забастовка йўли билан Истроилга виза талаб қилаётган грузин яхудийлари қаторига тушиб қолганини хаёлига ҳам келтирмас эди. Бу забастовка ҳакида кейинчалик хорижий матбуотда кўп ёзишди. Айрим газеталарда уни ҳатто “очлик забастовкаси” деб атацди.

Унинг тўғрисида кўп ёзганларининг боиси шуки, бу забастовка энг самаралила-ридан бири бўлган эди. Фазабдан жунбушга келган раҳбарият ўша куни телеграфда ушланганларнинг ҳаммасига ортиқча расмиятчиликлариз Истроилга қараб туёқни шиқиллатиб қолишини таклиф қилди. Отланиш учун уч кун вақт беришди.

Яхдий эмас, соғ гуржи Вахтант ҳам шу рўйхатга тушиб қолди. Очигини айтганда, у бу можаролардан қандай қилиб кутулганини мен билмайман. Эҳтимол, катта пора бериб фуқаролигини ва она юртидаги пропискасини сақлаб қолгандир. Балки Истроилда сарсону саргардон юргандир, Совет Иттилоғидаги гулдан бино бўлган жаннатини ширин тушдай эслаб юргандир ёхуд мутлоқ беозор, сиёсатга аралашмайдиган, гулфурушиликдан бошқани билмайдиган одамни жазога мустаҳиқ қилгандари учун ўрис бошлиқларни ҳам, гуржи яхдийларини ҳам чангитиб сўкаётгандир.

Аммо бу воқеани ҳикоя қилиб бераётганимнинг боиси Вахтангнинг шўрлик қисматига пича кўз ёши қилиш эмас. У бир амаллаб қутилиб кетади. Мен сизга яна Коля Мухин ҳақида гапириб бермоқчиман. Қўлга тушиб қолишига сал қолгани тўғрисида. Бунинг сабабчиси мен бўлган эдим. Ҳар доимдагидек, бирон-бир ниятсиз ножоиз бир ишга тумшуғимни тиққан эдим. Мен сизга ростини айтадиган бўлсан, менга ўҳшаган bemaza одам билан алоқа қиласидиган одам бир олам ташвипга қолса ҳам жуда кам баҳра олади.

Колядан бошлайлик. Биласизки, у ичкиликка суюги йўқроқ. Ичиб олгандан кейин кўлига эрк беради. Буни у “бити тўқилиб, яйраш” деб атайди. Бу “яйрап” кўпинча хушёрхонада хотималанади. У ерда Коляни таниб қолишган. Тез-тез хушёрхонага тушаберганидан, у ерда отнинг қашқасидек бўлиб қолган. Понугини пасайтиришади, устидан совуқ сув куйишиди. Тоза тўшакка ётқизишади ва эртасига янги узилган бодрингдек диркиллаб уйига етиб боради. Шўр бодрингнинг сувини ичиб, давомини ичига ютганча Клавасининг дийдиёсини тинглайди. Бир неча муддат давомида. Навбатдаги “яйрапгача”. “Яйраш” бошланиси билан хотини учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади. Коля унинг баҳарасини роса безайди, моматалоқ бўлмаган жойини қолдирмайди.

Хушёрхона масаласига келсақ, у билан ҳисоб-китоб ҳамма вақт бир хил бўлади. Кўрсатилган хизмат учун йигирма беш сўм тўламоқ керак — иш жойига, бухгалтерияга ижро варакаси юборилади. Бир нусхаси — КПСС аъзоси Николай Иванович Мухиннинг номуносиб хулқини муҳокама қилмоқ учун партия ташкилотига жўнатилади.

Коляни ЖЭК ходимларининг партия мажлисида муҳокама қилишади. Бир оз койишади, партиявий виждонига мурожаат қилишади, бизнинг фазодаги муваффақиятларимизни, чет эллардаги душманларимизнинг кирдикорларини тилга олишади. Коля бу гапларни берилиб тинглайди ва ҳар гал “буниси охирги марта бўлиши” деб қасам ичади. Унга шахсий варакасига ёзib қўйиш шарти билан хайфсан эълон қилишади. Шахсий варакасининг “жазолар” деган қисмida бўш жой қолмаганидан кейин шахсий варакасига ёзилмайдиган ҳайфсанлар бера бошланади. Унинг хулқини ҳам хушёрхонадан келган ҳар бир маълумотнома асосида эмас, улар йигилиб, 6—7 та бўлгандан кейин муҳокама қиласидиган бўлишиди. Бир йўла битта мажлис чақириб, Колянинг ҳамма кирдикорларини бирваракайига чигириқдан ўтказиб қўяқолишади. Коляни партия сафларидан ҳайдаб қўяқолмасликларига бир неча сабаб бор. Биринчидан, Коля ўрис, бинобарин, миллий кадр. Иккинчидан, ишчи, партияда ишчи шундоқ ҳам кам, ҳар битта одамни эҳтиёт қилиш керак. Бундан ташқари, ўтмишда жанговар зобит бўлган, ватан урушининг ногирони, партияга ҳам қайси бир жанг олдидан кирган, “коммунист бўлиб ўлмоқчиман” деб ариза ёзган. Коля ўлмади, ногирон бўлса ҳамки, омон қолди. Шунга мувофиқ умрининг охиригача коммунист бўлиб қолди. Шундоқ одамни партиядан ўчириб бўларканми? Кимдан чиқди бу алаҳасираш?

Бу воқеа ҳикоясини бошламоқ учун бошидан айтиб қўймогим керак: Коля маст бўлиб, яна хушёрхонага тушиб қолди. Хўш, бу ишга менинг, яъни умрида бирон марта хурмачасига сифганидан бир қултум ортиқча ичмаган Аркадий Рубинчикнинг нима дахли бор?

Ҳамма гап худди шу нуқтада бошланади-да... Шундай воқеаларки, барибир, бирбиридан баттарроқ бемаъни. Ўзингиз сезиб тургандирсиз — мени довюрак яхдийлар қаторига қўйиб бўлмайди — мен умримда на забастовкачиларга, на намойишчиларга яқин йўлаган эмасман. Гарчи менинг ҳам кўнглимга Истроилга кетиш иштиёки тушиб қолганди. Мен ҳам ОВИРга хужжат топширганман. Илфорлар бор, орқада юрадиганлар бор. Мен орқада юрадиганлар тоифасидан. Илфорлар жанг

қилиб, талофатлар кўриб ётишипти, мен бўлсан сувдан сокин, майсадан паст ҳолатда ўз навбатимни кутиб ётибман.

Кутаётганимга ҳам анча бўлиб қолди, лекин ҳали ҳеч қанақа натижа йўқ эди. Одамлар тўда-тўда Истроилга учяпти, мени бўлса бутунлай унубиб юборишганга ўхшайди. Мен асабийлаша бошладим. Шу менга панд берди.

Мен одатда ОВИРнинг теварак-атрофида аралашиб юрадим — бугун бўлмаса эртага виза олгани чақириб қолишади деб ўйлардим. Бир куни кунда-шундулардан бири, доим ҳамма нарсадан воқиф бўлиб юрадиган овсар қулоғимга шипшиб қолди — бекорга бу ерда қақчайиб турибсан, тезроқ Бош прокурорга югар, у ҳозир шу масалада қабул қилияпти; унинг олдига жуда кўп одам кетди. Мен аҳмоқ унинг гапига лаққа учибман.

Шу ўринда бир чекиниш қилмоғим керак. Рисоладаги ҳар бир шўро одамида қаерга бормасин, ҳамиша чўнтағида тўр халтаси бўлади. Сетка. Ҳом ипдан тўқилган, хўжалик мақсадларида ишлатиладиган халта. Ичида ҳеч нарсаси бўлмаса, унинг ҳеч қанча оғирлиги йўқ. Ўзи бир сиким. Шунинг учун уни чўнтақда олиб юриш жуда қулай. Тўр халта шўро кашфиёти, кашфиёт бўлганда ҳам доҳиёна кашфиёт. Билмадим, тўр халта бўлмаганда турмушимиз қандай кечарди. Қайси юмуш билан кетаётган бўлма, ишга келяпсанми, ишдан кетяпсанми, барибир, қарасант, колбаса сотишияпти — лип этиб, навбатга турасан-у, халтангни колбасага тўлдириб уйга келасан. Ёки бошқа бир муқолища булфор помидори сотяпти, сен тўр халтанг билан ҳозир-у нозир. Ёки фаранг жўжалари рўпара келиб қолди. Ёнингда тўр халтанг, демак, уйингта икки қўлингни бурнингга тиқиб бормайсан.

Агар ўзингни аҳмоққа солиб, бирор тансиқ егулик олиб келиш мақсадида, Москвани маҳсус айланиб чиқсанг, оёқдан қоласан ва кўпинча ҳеч вақо тополмайсан. СССРда егулик нарсалар доим тақчил. Зукколар дейишадики, бу доимий омилга айланган вақтинча қийинчилик. Мабодо, пештахтада бирор нарса пайдо бўлиб қолса, буни қандоқ қилиб олдиндан биласан, қайси магазинда пайдо бўлишини қандоқ чамалайсан. Чамалаб бўлгунингча, у нарса сотилади-кетади.

Тўр халта — шўро одамининг халоскори, нажоткори, энг яқин дўсти ва ёрдамчиси. Солдат милтиғидан ажрамагандек, сен ҳам ҳеч қачон тўр халтангни ёнингдан қўйма. Шунда, албатта, уйингга бирон нарса кўтариб келасан.

Горький кўчасида Елисеев магазинидан чиқдан одамлар бодринг кўтариб кетишияпти. Қишида Москвада янги узилган бодринг — анқонинг уруғи. Узун-узун, четдан келтирилган. Маълум бўлишича, Мисрники экан. Яқин Шарқ-да — гўё тарихий ватанинг салом йўллаётгандай. Тўр халта чўнтақда, албатта, ўзимни магазинга урдим. Кети ким — мен сиздан кейинман.

Навбат ҳам номига навбат эди, бор-йўғи элликтacha одам. Ортиқ эмас. Ана шу тарашадай-тарашадай бодрингларни тўр халтага тўлдириб олдим. Ўзим учунгина эмас. Қўшилilar учун ҳам. Мисол учун Колянинг Клаваси учун. Менда ҳам одам гарчилик бор, яқинларимни қадрлайман. Клава ҳам бирор жойда бирор нарса бераётган бўлса, мени ҳам эсидан чиқармайди.

Тўр халтани кўтариб кетяпман, ичидағи бодринглар уни ёриб чиқаман дейди. Рўпарамдан чиқдан одамки бор сўрайди:

— Қаерда беряпти?

Мен қўлим билан ишора қиласман-қўяман. Жавоб бериб ўтиришга вақтим йўқ. Шундоқ ҳам анча вақтим кетди, прокуратурага кечикиб қолишим мумкин.

Прокуратурага яқинлаб боришим билан, нимадир кўзимга шубҳали кўринди. Панжаранинг нариги томонида милиционер жуда кўп. Ҳа, энди, номи билан прокуратура-да, унинг теварагида милиция юрмаса, қаерда юрсин? Аммо ҳовлида усти ёпиқ машиналар нега бунча кўп? Кора қарғалар? Аристон ташийдиган машиналар?

Мен эндиғина жуфтакни ростламоқчи бўлиб эдим, милиционер қўлимни тутди.

— Қанақа иш билан келдингиз, гражданин?

Мен типирчилаб қолдим:

— Йўқ, ўзим, шундоқ юрибман, ошналаримни излаб юрибман.

У бўлса менинг яхудий башарамага қараб-қараб, жуда хушмуомалалиқ билан деди:

— Қани, бу ёқقا юринг, барака топгур. Мен сизни ошналарингизнинг ёнига олиб бориб қўяман.

Шундай деб тортқилаб мени ҳовлига, машиналарнинг ёнига олиб борди. У бир қўлимдан ушлаб олган, иккинчи қўлимда бодрингли тўр халта.

— Пахомов! — деб қичқирди у бошқа милиционерга. — Мана, ол яна битта сионистни. Охиргиси, шекили. Жўнасак ҳам бўлар.

Мени машинага чиқаришди. Машинанинг ичи тўла яхудий — шўр балиқдай остима-устун. Темир эшикни шарақлатиб ёпишиди ва биз жўнаб кетдик. Жонажон Москвамизнинг бир бошидан иккигача томонигача ўтдик. Волоколам шоссесигача. Донги кетган хушёрохонага олиб боришиди.

Ховлига киргандан кейин ҳаммамизни машинадан туширишди. Эшик олдида сал тала-тўполон бўлиб қолди. Ичкаридан олиб чиқилаётганлар билан рўпарама-рўпара келиб қолдик. Ҳақиқий пиёнисталар билан. Уларнинг ичидаги Коля Мухинни кўриб қолдим.

— Ие, ҳа; Аркаша! Нима қилиб юрибсан? — деб бақирди у.

Шундай деб олдимга, бизнинг сафга ўзини урди.

Шу чоқда туриб қолмаслик учун бизни шошилтира бошлишди. Коля Мухин ҳам ҳамма яхудийлар билан бирга катта залга кириб қолди. У ерда ҳаммамизни узун скамейкаларга ўтқазишиди.

Кўк мовут қопланган стол ортида эса милиция эмас, КГБ ходимлари ўтирипти. Энг кичиги капитан. Ундан катталари ҳам бор. Тамом, расво бўлдик. Сувдан куруқ чиқишининг иложи йўқ. Бўйнимизга бирон сиёсий айни илиб қўйишади.

Бодрингли тўр халтами тиззамга қўйдим-у, жуда ҳам кайфиятим тушиб кетди. Ҳатто Коля Мухин тўр халтадан битта бодринг олиб, залдагиларнинг ҳаммаси эшигадиган тарзда карсиллатиб кавшай бошлаганини ҳам пайқамабман.

Биринчи бўлиб уни сўроққа тутишиди:

— Фамилиянг?

— Мухин, — деб жавоб берди Коля. — Николай Иванович.

— Николай Иванович Мухин дейсанми? Яхудийлар ўртасида жуда кам учрайди бунақа фамилия, — деб шубҳаланган бўлишиди сўраётганлар.

Коля хуноб бўлди.

— Бу энди сизларнинг ақлингиз етадиган иш эмас. Туғилганимда шунақа деб аташган. Ўшандан бери ифтихор билан шу исм-фамилиядаги юрибман.

— Унингни ўчир! — деб уни тартибга чақиришиди. — Туғилган йилинг? Ижтимоий келиб чиқишинг? Албатта, партиясиз бўлсанг керак?

— Нега энди? 1942 йилдан бери партия аъзосиман.

— Партия сафларини ҳам ифлос яхудий қони билан роса булғашди-да, — деб хўрсинашибди стол ортида ўтирган зобитлар.

— Миллатнинг нима дахли бор бунда? — деб ҳайрон бўлди Коля. — Биз коммунистлар байнамилалчимиз. Айтганча, мана сизнинг тепангизда Карл Маркснинг суврати илиглик турипти. Ахборотингиз учун у ҳам яхудий бўлган.

— Ўчир унингни! Гап қайтарма! Партиямиз сафидан пўқакдек отилиб чиқиб кетасан. Сендаилардан тозалаймиз партиямизни, изинг ҳам қолмайди.

— Мени айтяпсанми? — деб жунбушга келди Коля. — Фронтчими-я! Мен жанг олдидан партия билетини олаётганимда, сенлар қайси кавакда биқиниб юрган эдиларинг?

— Сен, Мухин, ўтмишингга доғ туширдинг. Унга қора чапладинг. Ўттиз тангага сотилиб ўтирибсан-а!

— Кимга сотилибман мен? — тушунмади Коля.

— Ўзинг билмагандай сўрайсан-а! Сионистларга-да! Халқаро сармояга! Шўро Россиясини фашистлар Истроилига алмаштироқчисан!

— Менни? — деб ҳайрон бўлди Коля. — Нима бало, эсингни еб қўйганмисан?

Стол ортида ўтирганлар жиндай саросимага тушиб қолишиди. Дарров оҳанглари бир баҳя тушиди.

— Шошма, шошма, Мухин. Ё сен Истроилга боришидан айнаб қолдингми?

— У ёққа кетишини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

— Демак, тушунибсан, эсингни йигиб олибсан, фикрингдан қайтибсан-да!

— Бошимга ураманни Истроилни? — деб жаҳли чиқди Колянинг. — Сизлар мени жинни-пинни деб ўйлајпсизларми?

— Шошма, Мухин, қизишма, — деди бир майор ўтирган жойидан туриб унинг олдига келаркан, — мэнга қара, ўртоқ Мухин, сен ҳақиқий ўшро одами экансан, халқаро сионизм сени тузофига илинтира олмади. Ишлари пачава бўлди, тушунарлими? — деб қичқирди залдаги яхудийларнинг ҳаммасига. — Ўртоқ Мухиндан ўрнак

олинглар, фурсат ўтмасдан ниятларингдан кечинглар, биз ҳаммаларингни озод қила-  
миз ва ўтган гапларни унутамиш. Ўтган ишга саловат. Икки оғиз гапир уларга, ўртоқ  
Мухин.

Зобит унинг елкасига қўл солиб турив эди. Энди ўзини дўст олиб, ҳатто оталар-  
ча яқин кўриб, уни скамейкаларда ҳайрон қолиб ўтирган яхудийлар томонга даъват  
қилди.

— Мен уларга нима дейман? — тушунмади Коля. — Уларнинг мақсади бор. Ўзла-  
рининг ватанига — Истроилга жўнашмоқчи... Довюрак йигитлар экан... Бунинг учун  
уларни хурмат қиласман.

— Нималар деб валдираяпсан? — деб унинг елкасига тегинди зобит.

Коля унинг қўлини силтаб олиб ташлади.

— Нима дейишимни сен менга ўргатма! Сталин даврида бизнинг жагимизни  
очмайдиган қилишган. Сенларнинг давринг ўтиб кетди. Тушундингми? Энди кол-  
лектив раҳбарият... Социалистик қонунчиликни бузмасдан... Шундоқ экан, рус  
кишиси сифатида... мен... чин кўнгилдан...

— Мухин! — деб унинг гапини бузди зобит. — Ўчир овозингни, итнинг боласи!  
Қани, паспортингни кўрсат-чи!

Коля эринибгина ёнидан эзилган хужжатини чиқарди.

Зобит уни очиб кўриб, қолганлар ҳам кўрсинг учун мовут устига ташлади.

— Ие, сен яхудий эмас экансан-ку! — деб ўшқирди у. — Нега бу ерда ўралашиб  
юрибсан?

— Мен сизга яхудийман дедимми? Мен русман! Бу ерга дўстим Аркадийни деб  
келганман. Ана у, ўтирипти, бодиринги билан...

— Йўқол кўзимдан, пиёниста, бадмаст! — деб қичқирди зобит. Юрак-пур-  
ги ёрилиб кетмаса гўрга эди деб ўйладим. — Йўқол! Коранг ўчсин. Афтингни  
кўрмай.

— Мен — нима? — деб елкасини қисди Коля. — Кет десангиз кетавераман. Ле-  
кин Аркаша нима бўлади? У мабодо ичиб қолса, хурмачасига сиққанини ичади,  
холос.

— Икковинг ҳам йўқол! — деб бақирди майор депсиниб. — Анави бодиринг кўтар-  
ган пакана ҳам йўқолсин! Жиддий сиёсий ишни майнавозчиликка айлантириш  
қанақа бўлишини сизларга кўрсатиб қўяман.

Гарчи мен “пакана” деганига хафа бўлган бўлсам ҳам, майорнинг яна бир айти-  
шини кутиб ўтирмадим, бодиринг солйнган тўр халтамни кўтардим-у Колянинг ке-  
тидан эшик сари йўл олдим.

Бизнинг ортимиздан зобит дами ичига тушиб кетган яхудийларга ўшқирицида  
давом этарди:

— Ҳаммангни судга бераман. Қонун бўйича шафқатсиз жазолаймиз. Қўл-оёқла-  
рингни мажақлаймиз, разил хоинлар, сионистларнинг думлари!

Шунда остонаядан ҳатлаб ўтмай туриб, Коля бир юзу саксон градустга айланди-  
да, худди қаҳрамонларга ўхшаб, тантанавор бир қиёфага кириб, баланд овозда дона-  
дона қилиб деди:

— Ўнг қўлим акашак бўлсин сени унутсан, Куддуси шариф!

Кўк мовут ортида ўтирганлар тилдан қолди, ўшқираётган майорнинг дами ичига  
тушиб, бир оёғида турганча қолди. Мен Коляни туртиб, ўйлакка олиб чиқдим-да,  
орқасидан эшикни ёпдим.

Кўчага чиққач, беш юз қадамча югуриб боргандан кейингина тўхтадик. Тўхта-  
ганда ҳам айни жойида тўхтабмиз. Тўғри — Моспишеторгнинг газакхонаси рўпара-  
сида.

Эсон-омон кутилганимизнинг суюнчисига пивога қўшиб юз эллик граммдан  
олдик. Миср бодирингини газак қилдик. Бодиринглар, мен сизга айтсан, жоннинг  
роҳати эди. Бошқа газакка ҳожат ҳам қолмади. Ҳушёрхонада қолган анави овсар-  
лар эса ўн беш суткадан қамоқ жазоси олишибди. Кейин улар турмада очлик эълон  
қилиб, норозилик билдирилар. Уларни қуллаб-куватлаб Нью-Йорк ва Лондон  
яхудийлари катта намойишлар ўтказдилар ва ҳатто совет элчихонасининг дераза-  
ларини чил-парчин қилдилар. Менимча, жўнгина тўр халта-ю Миср бодирингла-  
ридан бошланган шу можародаги бирдан-бир безорилик ҳам шунинг ўзи бўлган  
эди.

*Атлантик океани устида.  
Баландлик — 30600 фут.*

Мана ҳозир ҳамманинг оғзида битта гап — сионист, сионист... Аммо, қани, мен сиздан сўраб кўрай — “сионист” дегани нима ўзи? Унинг бош-оёғи борми? Уни нима билан тановвул қиласилар?

Кейинги йилларда Россиядаги ҳар бир яхудий шу дард билан оғриб чиқди. Бу — қизамиққа ўхшаган бир гап. Ундан ҳеч қаёққа қочиб кутуломайсан. Агар сен яхудий бўлсанг, ёхуд ярим яхудий бўлсанг, ҳатто ки тоға ҳамки, бу дардни бошдан ўтказишинг керак.

Москвада сионистларнинг ҳар хили — каттаси ҳам, кичиклари ҳам бор эди. Танлаганингни олавер. Шундайлари ҳам бор эдики, улар телбага ўхшар, ўзини ўтга-чўққа ураверар, ҳатто кўкрагини найзага тутиб беришдан ҳам тоймас эди. Оқибатда, Сибирга бориб, ҳовурдан тушар, совур эди. Камсуқум, тортинчоқлари ҳам бўларди. Улар биринчилар очиб берган тешикдан писиб ўтиб, унчалик азият чекмай, Исройлга етиб олишган.

Бироқ менинг битта танишим бор эди. Ундаги дарднинг белгиларини ҳеч нарса билан қиёс қилиб бўлмайди. Улар шунаقا эдики, буни гапириб бермасликнинг ўзи гуноҳ!

Тасаввур қилингки, мўъжазгина бир оила бор. Эру хотин. Иккови ҳам ёш, ёқимтой. Ишлари ҳам авжида. Икковлари ҳам танқидчи. Йўқ, йўқ. Улар шўро ҳукуматини танқид қилишмас эди. Унга кек сақлаб юришмасди. Аксинча. Ҳатто, иккови ҳам партия аъзоси эди.

Танқидчилик — бу касб. Улар мусиқа мунаққидлари эди. Шўронинг нимаики нарсасини танқид қилишса, албатта, мақташади ва нимаики хорижий нарсани мақташганда ҳам, албатта, бир оз танқид қилиб ўтишади. На илож? Касблари шунаقا. Бундан бадтари ҳам бўлади. Масалан, жиннихонада санитарни айтинг. Ё алҳазар! Худо асрасин бундан.

Шу тарзда эру хотин умргузаронлик қилишар, еганлари олдиларида, емаганлари орқада эди. Шу тарзда мунаққидлик қилиб юриб, Тинчлик проспектидаги Бастанкорлар уйидан кооператив квартира ундиришди, “Жигулик”лик бўлишиди ва ҳатто Москва сув омбори ҳудудида кичикроқ бир чорбоққа ҳам эга бўлишиди.

Ҳар бир рисоладаги одамга ўхшаб, йигитнинг қайнонаси бор эди. Худога шукур, қайнона алоҳида турарди, лекин ўзининг биттаю-битта қизини шунаقا яхши кўрардик, уникуга ҳар куни келмаса туролмас эди. Куёв шўрлик, албатта, баҳтиёрликдан эсидан оғиб қолгани йўқ. Кунлардан бирида у қайнонасини ўрнига ўтқазиб қўйди.

Мен бу гапларни шунинг учун айтиб берярманки, ҳадемай ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз: эртами-кечми бу хонадон сионизм дардига чалинмоғи муқаррар эди. Қайнона билан куёв муносабатлари шу сионизмда жуда ажаб бир тарзда акс этди.

Куёв анча руслашиб кетган бўлиб, қайнонаси уларникуга меҳмонга келгандаги-на яхудийлиги эсига тушарди. Эсига тушарди-ю, жуни ҳурпайиб, тескари бўларди-қоларди. Анча-мунча руслашиб кетгани учун яхудийларга хос такаллувни унтиб қўйганди. Шунинг учун фазаб отига мингандан уч-тўрт мушт тушириб қолишдан ийманмасди. Худди шу сифати уни улуғ рус халқига яқин қиласди.

Ниҳоят, қайнона ҳам ўзига тегишли насибасини олди.

Қайнона кунлардан бирида кундузи уларникуга меҳмонга келиб, ғалати бир манзаранинг устидан чиқди. Куёв тўра диванда ялпайиб ётганча китоб ўқиятилару, кўзининг оқу қароси, яккаю ягона қизи паркет устидаги ўрмалаб, латта билан пол артяпти. Қайнона эшикдан кирмасданоқ аюҳаннос солди:

— Қариган чоғимда шуни кўраман деганимид? Менинг қизим юксак истеъоддли мунаққид бўлатуриб, худди канизакдай бу тўранинг хизматини қилса-я! Ахир, қизим институтни қизил диплом билан тутатган. Куёвимни шатакка олиб, зўрга битириб олган-а! Полни эринг артиши керак. Пол артиш эмас, у сенинг оёқ изларингни ўпмоғи лозим.

Куёв китобни бир чеккага қўйипти, оёқларини дивандан туширипти-да, жуда хотиржам оҳангда депти:

— Тўғри айтасиз, онажон.

Шундай деб қўлини хотинига узатипти. Қўли ҳам чўқмордай, залворли экан.

— Қани, швабрани бер-чи...

Хотини күзларига ишонмапти — онамнинг гапи қаттық таъсир қылган күрина-ди, хижолат тортилти, шүрлик, бу ёғини ўзи артиб олмоқчи, шекилли, деб ўйланғы.

Хотини унга швабрани беріпти. У швабрани бир ҳавога отиб илипти, гүё салмоқлаб күраётгандай бўлипти, кейин бир учидан қулайроқ ушлаб олипти-ю, қайнонанинг бошига айлантириб солипти. Қайнона “дод” деганча, эшиқдан оти-либ чиқинти-ю, қўшниларнинг айтишича, лифтнинг эшигини бир амаллаб очиб, фойиб бўлипти.

Бирдан оиласдаги ғиди-ғидилар йўқ бўлипти, эру хотин жуда иноқ яшай бош-лапти. Қўни-қўшнилар уларга ҳасад қила бошлапти. Қайнона ипакдай мулойим бўлиб қолипти, камроқ келадиган бўлипти. Келганда оёқ учидан юрап, күёвига яхудий подшога қарагандай қарап экан. Куёв ҳам тез-тез эмас-у, аҳён-аҳёнда қайнонага илтифот қилиб қўяркан.

Сионизм шундай тутув турмушнинг ишқалини чиқарди. Вирус бу оиласда ҳам етиб борди. Бу дард күёвда жуда оғир кечди. Кун “Истроил овози”нинг эшилтири-шигача ва ундан кейинги вақтга ажралди. Бу “Овоз”ни қанча эшилтирсалар, у шунча эшилтар ва ҳар гал бащарасидан заҳар ёғиб, теварагидагилардан жим бўлишни талаб қиларди. Унинг иштаҳаси йўқолди, озиб кетди, кўзлари бежо бўлиб қолди. Хоти-нини нима қилишни билмай хуноб бўлар ва бунинг нима билан тугашини кутиб, даҳшатта тушарди.

Қайнона эса шундай ажойиб шўро оиласининг ширин ҳаётига оғу солган сио-низмни ва Истроилни дил-дилидан ёмон кўриб қолди. У ҳам Москванинг нариги четидаги ўз уйида ҳар куни тонг отар-отмас атайнин харид қилинган транзисторлик приёмникнинг қулогини бурава ва ўша “Истроил овози” ни эшилтар эди. Авваллари сиёсат билан иши йўқ эди, тақиқланган хорижий эшилтиришларни тинглашга эса журъат ҳам қиломасди. Энди эса приёмникка ёпишиб қолди, эшилтиришни бўға-диган шовқунлардан энсаси қотиб, олис Куддуси шарифнинг бирон сўзини назар-дан қочирмасликка интиларди.

Нима учун шундай қиларди дейсизми? Унинг бутун кун давомидаги ҳолати эр-талабки ахборотга боғлиқ бўлиб қолганди. Худо кўрсатмасин, Ливан ёхуд Иордан чегарасидаги тунги отишмада Истроил солдати ўлдирилган ёки лоақал ярадор қилин-ган бўлса, нешонаси тиришиб, ранги бўзарип, кун бўйи мотамсаро аҳволда юарди. Негаки, бунақа куни қизиникига боришига юраги бетламас эди. Куёв нобуд бўлган ҳар бир Истроил солдати учун шунақа қаттиқ қайғуар эдики, қайнонасининг наза-рида бунақа пайтда унга рўпара келиш ўлимга рўпара келиш билан баробар эди. Куёв, албатта, ҳамма аламини қайнонадан оларди.

Бунақа пайтларда у бир неча кунлар давомида қизи билан телефон орқалигина мuloқотда бўлар ва худди уйдан ўлик чиққандек икковлари ҳам шивирлаб гашири-шар эди.

Аммо навбатдаги эшилтиришда Истроил ҳеч қанақа талофат кўрмаган бўлса, бу-нинг устига беш-ўнта арабни маҳв этиб, шўро заводларидан чиққан куроллардан бир мунчасини ўлжа олган бўлса, қайнона ялнаб кетар ва қанот боғлаб қизиники-га учар эди. Куёви юввошгина бўлиб, хушмуомалалик билан кутиб оларди. Қайно-на эса игна устида ўтиргандек бесаранжом ўтиради. Сабабки, у навбатдаги эшил-тиришни кутар, унда эса яна Истроил чегараларидан бирида, бирор кўнгилсизлик рўй бериб қолиши мумкин эди. Бундай пайтда яна күёвнинг авзойи бузилар ва қайнона зудлик билан түёғини шиққиллатиб қолиши керак бўларди.

Бу сионист Истроилга виза олгунича тошининг ярмини йўқотиб бўлди. Визани олиб, у Истроилга кетди деб ўйлайсизми? Нью-Йоркда яшаяпти. Квартираси чакки эмас, ёнида хотини, инглизчани тузуккина ўрганиб олишган. Хотини яхшироқ би-лади. Ҳарна қилганда ҳам, институтни қизил диплом билан битирган-да. Қайнона-си айтганидек. Айтганча, қайнона яқин орада уларнинг ёнига етиб боради.

Бу хонадонда Истроил ҳақида оғиз очишмайди. Осилиган одамнинг уйида арқон-ни тилга олишмагандек. “Истроил овози”ни на рус тилида, на инглиз тилида эши-тишади. Музика мунаққиди эндиликда янги бир машғулот топиб олган. Буни изо-ляционизм дейдилар. У худди юз фоизлик янкидай. “Биз — америкаликларнинг Оврудо ишларига аралашмоғимизга сира ҳожат йўқ” деб ҳисоблайди. Ўзлари бош-ларини қотираверишсин. Овруподага ҳам, анави ачиған Яқин Шарқда ҳам.

Мен сизга айтдим, шекилли — Нью-Йоркда Москвадаги Дворянлар уясида ис-тиқомат қиладиган собиқ мижозларимдан анча-мунчасини учратганман. Юзингиз-

да бир зумда таажжуб аломатлари пайдо бўлди. Истаган микдордаги пулга гаров ўйнаганим бўлсин — нима сабабдан таажжубга тушганингизни биламан. Шўро Москвасида Дворянлар уяси нима қиласди — деяпсиз? Тўғрими, топдимми? Ана, кўрдингизми? Хўш, бу уя қаерда жойлашган? Большевиклар уни нега бузиб ташламаган?

Коронгилек ичидаги тентираф овора бўлмаслигингиз ва боскорга бошингизни қотирмаслигингиз учун сизга ошкор қилиб қўя қолай — бу уяни бузиб ташлашнинг большиликларга кераги йўқ эди, чунки уларнинг ўзлари уни барпо этишганди.

Уни қаерда эканини айтиб берайми? Москва — Ленинград проспектини биласизми? Мен айтган жой проспектнинг оҳирроғида, метронинг “Динамо” ва “Союз” деган бекатлари орасида. Яна ҳам аниқроқ айтганда — шундоққина “Аэропорт” бекатининг ортида. Санъат ходимларининг кооператив уйлари. Имтиёзли тоифа. Салкам генераллар ёхуд атомчи олимлар. Уларнинг фиштин уйлари биринчи категорияга киради, лифтлари бор, подъездларида швейцарлар. Улар бир тўп бўлиб олишган. Теварак-атрофида Хрушчевдан қолган сон-саноқсиз йифма панел уйлар. Бу уйларда сиз билан бизга ўхшаган оддий одамлар истиқомат қиласди. Ҳалиги муҳтапам уйлар пастак каталак уйлар куршовида туллак товуқлар ўртасидаги сатанг тувисларга ўхшайди. Черняховский, Усиевич, Красноармейская, Часовая кўчаларини бир қилиб, Дворянлар уяси деб аташади.

Бу ерда казо-казолар туради. Пул деганинг ҳисоби йўқ. Бу ерда оқсоч хотининг маопни заводда инженер оладиган маопдан кўпроқ.

Эсингизда бўлса керак, менинг ҳам хотирам панд бермаётган бўлса керак — большевиклар ўн еттинчи йилда ҳалқа камбағаллар билан бойларни баравар қиласиз деб ваъда бериб, инқилоб қилишган эди. Ҳалқ, албатта, жуда хурсанд бўлган — ҳамма қашшоқлар бадавлат бўлади деб ўйлашган. Ҳудди партия гимни “Байналмилл”да куйланганидай. Аммо акси бўлиб чиқди — ҳамма қашшоққа айланди-ю, шу билан тенглик бўлди.

Фақат жуда озчиликкина — балки улар бир фоизини ҳам ташкил қилас — шўро ҳукумати даврида ҳаддан ташқари бойиб кетди. Лекин шунаقا йўл билан бойишдик, бу йўл америка бизнесменининг етти ухлаб ҳам тушига кирмаган. Ахир, СССРда агар сен от остида эмас, от устида бўлсанг, ой тусга ҳам сенга, кун тусга ҳам сенга. Қўлинг пул кўради, деганинг деган бўлиб қолади. Ҳокимият ҳам сенини. Ҳокимият Россияяда пулдан афзалроқ. Ҳокимият тепасида бўлсанг, ҳамма нарса бепул. Давлатнинг ўзи чорбоғ беради, ёпиқ санаторийлар, маҳсус поликлиникалар хизматингда, умрилар, пакетлар, конвертлар келиб туради. Илгарилар бирор инжиқ тўра “ҳамма нарса бору, фақат күшининг сути йўқ-да”, деб зорланиши мумкин бўлган бўлса, эндилиқда бу шикоятга ҳам ўрин қолмади — “Қизил Октябрь” деган қандолатчилик фабрикаси “Куш сути” деган номда конфетлар ишлаб чиқара бошлади.

Менинг тириклигимни таъминлаш турган асосий мижозларим Дворянлар уясида истиқомат қилишади. Уларнинг, яъни ёзувчилар, рассомлар, режиссёrlар, артистларнинг, шунингдек, хотинларининг хизматини уйига бориб қиласман. Москвалик таксичи Арбатдаги ҳар бир тор кўчани беши кўлдек билгани каби, мен ҳам уларнинг бошлари даги ҳар бир чукур-чалиғ-у, ҳар бир гудурни яхши биламан.

Шунинг учун гапларимни эътибор билан тингланг — Дворян уяси масаласида жамики қизиқкан нарсаларингиз тўғрисида энг батафсил ва ишончли маълумотлар оласиз. Бонланишига шуни айтмоғим керакки, у ерда истиқомат қилувчи одамлар қурама, яъни миллат масаласида аралашиб, чатишиб кетишган; эри-яхудий, хотини — ўрис ёки бунинг акси. Болалари ҳам, табиийки, чала ўрис ё чала яхудий. Ҳалқнинг эътиномига қаралса, бунақа қурама болалар жуда истеъоддли ва чиройли бўлармиш. Истеъод масаласида гапирадиган бўлсақ, аввал улар катта бўлишсин. кейин кўрамиз. Ҳусн масаласида эса шуни айтаманки, бизнинг коммунал квартирамизда одамларнинг қони қўшилиб кетмаган, мабодо қўшилган бўлса ҳам фақат ароқ билан қўпилган. Лекин ҳусн масаласида зорланадиган жойимиз йўқ.

Бироқ давлат масаласига келганда уларга тўғри келадиганлари йўқ эди. Ахир, Россияяда иккита автомобили бор оилани қаерда кўргансиз? Дворянлар уясида бунақалар учраб турарди. Пул, машина, чорбоқ, туристик сафарлар. Устидагиларнинг барни Парижники — чайқовчилардан ёхуд “Березка” ансамблининг артистларидан сотиб олинган.

Бу одамлар санъат билан шуғулланишарди. Санъат эса СССРда партиявиy, бадий ташвиқот ҳисобланади. Шунинг учун, суринтириб келганда, улар на режис-

сер, на раққос, на шоир, на хонанда эли. Уларнинг ҳаммаси пардозчи эди. Мен уларни шунаقا деб атардим. Уларнинг ҳар қайсиси ўз йўли билан шўро ҳокимиятининг баширасини пардозларди, уни кипининг ҳавасини келтирадиган, иштаҳасини қўзғалигандан қўйирчоқ қилиб қўярди. Бу ишни жуда ўринлатиб қўйишарди. Ҳатто менга ўхшаган пихини ёрганлар ҳам баъзан лаққа тушиб, ишонарди. Бунақа иш учун шўро ҳукумати пулни аямас эди.

Дворянлар уясида улуғ пардозчилар истиқомат қилишарди. Бадавлат, эркатой. Устларида мўйналари, “Шанель” ва “Мискуки” деган атрларини кўз-кўз қилиб гердайишарди. Мен эса уларнинг хизматини қиласидиган хос сартарошлари эдим. Ишмидан ташқари вақтларда уларнинг уйларига бориб ҳожатларини чиқарар эдим.

Ўша жойда мен бир йигит билан танишдим. Унинг отаси улуғ пардозчи эди — йўқ, йўқ, кўчма маънода эмас, тўғри маънода. Улар коммунизм доҳийларининг жасадларини мўмиёллар эди. Натижада улар тирик пайтларидагидан ҳам бежиримроқ бўлиб қолишарди, шу ахволда уларни келгуси авлодлар учун, яъни омадлари келса умрлари узун бўлиб, коммунизм қурилишининг энг сўнгги босқичига қадар яшайдиган одамлар учун асраб қолишарди.

Шу одам Ленинни мақбарага қўйишга тайёрлаган эди. Сталин уни иззат-икромга кўмиб юборган эди, уни профессор, академик қилди, унга гард юқтирумай, авайлаб сақлади — худо кўрсатмасин, Сталиндан аввал ўлиб қолмасин. У ўлиб қолса, унда Сталиннинг жасадини ким мўмиёлайди. Шу одам гарчи яхудий бўлса ҳамки, Сталиндан узоқ яшади, уни яхшилаб мўмиёлаб, юзларига упа-элик суреб мақбарага қўйди. Шундай қилиб, шу академикнинг истеъоди туфайли улуғ доҳий улуғликда ундан қолипмайдиган Лениннинг ёнига ўрнашди. Улар бир мақбарада ётар эдилар. Сталин худди тирикка ўхшарди. Ленин эса унчалик эмас, қўп ҳам тирикка ўхшайвермайди, чунки Лениннинг қабрда ётиш бобидаги тажрибаси катта, мўмиёлнинг эса умри, ҳар ҳолда, чекланган.

Академик булғор халқининг улуғ доҳийси Георгий Дмитров вафот этгандан кейин унинг жасадини пардозлаб эсақага келтираётганда жуда қизиқ бир воқеа рўй берган. Мен бу воқеани жуда қизиқ бўлгани учунгина айтиб бераётганим йўқ, айни чоқда шўро ҳукуматининг наздида пардозчи нечоғлик нуфузли мавқега эга эканини ҳам кўрсатиб қўймоқчиман.

Шундай қилиб десангиз, академикни Софияга йўллашди. Бутун Болгария қора мотам либосида, ҳали бўм-бўш мақбарага назар ташлаб турар экан, академик марҳум доҳийнинг ичак-чавоғини ағдар-тўнтар қилиб қўриб чиқипти. Жасадни бутун халқнинг қўриши учун қўйишдан аввал яхшилаб тайёрлаш керак-да.

Дворянлар уясида истиқомат қилувчи менинг танишим, яъни пардозчининг ўғли бу орада институтга кириш ҳаракатига тушиб қолипти, аммо яхудийнинг боласи бўлгани учун имтиҳонларнинг ҳаммасидан йиқитишипти. Қабул комиссияси жуда ёмон қовун туширипти, бу яхудий бола кимнинг ўғли эканини мутлақо инобатга олмапти. Бола ҳам аҳмоқ эмас-да — дарров Москвадан Софияга телефон қилиб, ўзининг яхудий отасига ҳамма имтиҳонлардан йиқилганини айтипти.

Отаси ҳукуматнинг эркаси, атоқли пардозчи, унга тенг келадиган, ўрнини босадиган мутахассис йўқ, фазаби ошганидан, қони миясига урипти. У эндиғина ишининг ярмини қилиб улгурган экан, булғор халқи доҳийсининг жасади ҳам айнай бошлигар экан. У жасадни нари суреб қўйипти, бармоқларидан ичак-чавоқларининг қолдиқларини артинти ва унинг теварагини ўраб турган бир тўда ғамзада сафдошларига депти:

— Ўғлим институтга қабул қилинмагунча, мурдага қўлимни теккизмайман.

— Қанақа ўғил? Қанақа институт? — деб саросимага тушишипти кичикроқ доҳийлар. Гап нимадалигини билгандан кейин шу заҳотиёқ Москва билан боғланishiпти.

Гап шунаقا, агар Москвада яхудий болани институтга қабул қилишмаса, булғор халқи ўзининг севимли доҳийсини қўриб турип имкониятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Яхудий болани бир соат ичидаги имтиҳонсиз қабул қилишпи. Доҳийнинг муаттар жасадини мақбарага қўйишди ва булғор халқи ҳозирга қадар осмондан тушган баҳт учун лаънатлар ёғдириши лозим бўлган одамнинг баширасини қўриб юрипти.

Пардозчи академик қамоқда эмас, ўз тўшигидан ўз ажали билан у дунёга риҳлат қилди. Уни оддий бир бандадек кўмишиди, мўмиёлалимади, негаки бу ишни бажара-

диган бошқа одам қолмаган эди. Марҳум касбининг сирини ўзи билан бирга олиб кетди.

Ўшандан бери Россияда ҳеч кимни мўмиёлашмаган. Сталиндан кейин навбатдаги доҳийларни жисмонан ўлмасларидан туриб, ахлатхонага улоқтирадилар, шунинг учун мақбараларда пардозчиларга ҳожат қолмади.

Яна айтами? Билай десангиз билиб қўйинг — унинг ўғли ҳам Россияни тарк этди. Мен уни Исероидга учратдим. Ишсиз эди. Бошида бир тола сочи қолмапти. Аламдан ҳамма сочини юлиб битирипти. Қанақа аламдан дейсизми? Аҳмоқлик қилиб улфатчилик учун тарихий ватанининг бағрига ташлангани учун. Бу ерда ҳеч ким унинг отасининг хурматларидан хабардор эмас экан. Отасининг шахсий нафақаси ҳам, Дворянлар уясидаги муҳташам квартира ҳам, Барвиҳадаги ҳукумат чорбоги ҳам йўқ.

Кейин мен бу йигитни Нью-Йоркда учратдим. Бу гал у ёлгиз эмас эди, аввалги Дворянлар уясидаги улфатларини топиб олипти. Уларнинг бир қисми Броне, Бруклин ва Квинедаги яхудий маҳаллаларига жойлашиб олишган экан.

Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Ўша одамлар, ҳатто кийимлари ҳам ўша. Фақат Москвада эмас, Нью-Йоркда. Яна ўша гулдаста ташкил топипти. Лекин ростини айтганда, гуллар сўлиброк, барглар қовжираброк қолипти. Лекин ҳидлари ўзгармапти, “Шанель” билан “Мицкузи”. Атринг бўйи унча гуркираган эмас — айтидан, уни тежаб сепишади, шекилли. Устларидаги мўйналари ҳам, кечки кишилик либослари ҳам Москвадан бошқа майдада чўйда юклари билан бирга келган — улардан кўланса нафталин ҳиди анқиб туради.

Менга ҳатто буларнинг бари тушда кечा�ётгандай туюлди. Кўзимни очсан бас, ҳамма босинқиравшлар ўтиб кетадигандай. Яна ўз уйимда, Москвада бўлиб қоламан. Бунинг далили ҳам мана — башаралари Дворянлар уясиди кўз ўнгимдан ли-пиллаб ўтган одамлар. Мен ҳамон ўша ишим билан машгулман — соқолларни қиртишлайман, соchlарни оламан, бири биридан дилбар ойимчаларнинг соchlарини турмаклаб оро бераман. Улар эса гўё Кино Уйида бирон янги фильмнинг тақдимотига кеч қолаётгандай ўтирган жойларидаги безовталаниб, ҳаяжонланиб ўтирадилар.

Бруклиннинг қашшоқ маҳаллаларидан бирида лифтсиз бешинчи қаватда москвалик аёллардан бири туғилган кунини нишонлади. Ўтириши хазингина ўтди. Аёлнинг ёши ўтинқираб қолган эди. Ҳеч қанақа пардоз-андоз билан томокдаги буришиб қолган терини ёхуд бир вақтлар чиройли бўлган кўзлар тагидаги ҳалқаларни яширишнинг иложи йўқ эди.

Меҳмонлар анча эскириб кетган, негрлардан арzon-гаров сотиб олинган “Бью-ик”ларда, “Паккард”ларда келишиди. Москвада, албатта, душманлари ҳасаддан ёрилиб ўрай дердилар, аммо бу ерда бунақа машина ўта қашшоқлик тамғаси ҳисобланади.

Аввалги яхши замонлардаги каби Дворян уясининг аҳли йиғилди. Худди аввалги замонларга ўхласин учун Аркадий Рубинчикни таклиф қилишиб, “соchlаримизни устанинг қўли билан бир турмаклаб қўясиш” дейишди. Гарчи мен уларнинг улфати бўлмасам-да. Мен уларнинг хизматини қиласдим, холос. Москвада мени туғилган кунларга таклиф қилипимас эдилар. Мен ўтириш бошлангунча ишимни қилиб бўлар ва меҳмонларнинг қораси кўринини биланоқ уйни тарк этар эдим. Хизматдаги одам шунақа бўлиши керак-да. Рост, ҳамёнда ишм эвазига олинган тузукки на муллажиринг билан кетардим. Бу муллажирингдан солиқ тўланмасди, ОБХСС-нинг хуфиялари ҳам бу даромаддан бехабар бўлишарди.

Бу ерда мен ҳамма меҳмонлар билан баробар эдим. Чунки ҳаммамизнинг даромадимиз ҳам, тутган мавқеимиз ҳам бир хил эди. Мен ҳам бегона бўлмай қолгандим. Ҳатто совға ҳам олиб келдим. Аммо айни чоғда мен сартарошлигимча қолган эдим. Шунинг учун уй бескасини ҳозирлаб турмоқ мақсадида бу ерга аввалроқ келдим. Кейин эса меҳмонлар кела боргани сари ойимчаларни ётоқقا олиб кириб, тезгина турмаклаб, бошини тартибга келтирадим.

Менга ҳеч ким ҳақ тўламасди. Йўқ, фалат гапирдим. Бир аёл беш доллар берди. Колганлар насия қилишиди. Пул тушганда бермоқчи бўлишиди.

Мен талашиб ўтирамадим. Ахир, бошимизга тушган кўргиликлар бизни бир-бirimizga яқин қилиб қўйган эди-да. Биз битта оиласдай бўлиб қолгандик. Сўниб бораётган битта аянчли оиласдай. Неча йиллик суқсур ёқалари-ю, мўйна пальтоларини кийиб охирига етказаётган одамлар эдик.

Меҳмонлардан бири — менинг кўп йиллик эски мижозим ҳам ўтиришдан олдин соч-соқолини олиб кўйишмни илтимос қилди. Бу одам бир вақтлар мен тўғримда кўшик ёзиб, бутун Москвада донғимни таратган эди. Кўшиқ ёзишга боис шу бўлганники, мен унинг силлиқ бошида сақланиб қолган ўн-ўн бешта толадан бир амаллаб турмакка ўҳшаган бир нарса ясардим. Энди унинг бошида атиги беш дона соч қолицти. Мен уларни эпақага келтириш билан овора эканман, у алам билан кўзгуга тикилиб ўтириб, йўғон овозда зорланди:

— Қани менга айтинг-чи, дўстим Аркадий, бизга нима жин урган эди? Иссик-қина жойимизни тарк этиб ўтирибмиз? Еб турган охуримизни ташлаб, сарсону саргардонликка учраб ўтирибмиз.

Москвада у кўшикчи шоир ҳисобида юрган эди, жуда катта пул ишларди, ҳеч кимни писанд қиласди. “Дуня чиқди айвонга...” қабилида битта-яримта кўшиқ ёзиб кўйса бас, хоҳ концертда бўлсин, хоҳ ресторонда бўлсин, бу кўшиқ ижро этилгани учун жарақ-жарақ пул келаверарди. Баайни Корундай бойиб кетган эди.

— Шундоқ охурни ташлаб кетдик-а! Шундай емдан бенасиб қолдик-а? — дерди у кўзгуга қараб хирилдоқ овозда.

У Россиядан икки қўлини бурнига тикиб қуруқ чиқиб кетган эди. Ҳукумат унинг даромадларидан хабардор эди, шунинг учун унинг ҳеч нарсасиз чиқиб кетишининг тадоригини кўрди. Кўшикчи шоир Нью-Йорк кўчасига шипшийдам кети билан шалоп этиб тушди. Лекин бу ерда унинг кўшиқларини сўрайдиган одам йўқ эди. Бунинг устига тил биласди. Рус тилига ҳам нўноқроқ эди, болохонадор қилиб сўкишга уста эди, холос. Хуллас, ахволи ёмон бўлди. Муҳожирларнинг газеталарида кичик-кичик мақолалар чиқариб, тирикчилик қиласидиган бўлиб қолди. Баъзи бирларини ўқиганман. Баъзилари кулгили эди. Масалан: манави мақола: аллақайси бир овлоқ (қишлоқда) шаҳарда қўшиқ байрамида бир артист Ленин ролини бажарипти. У фирт масти экан, шу ахволда зирҳли машинанинг устига чиқиб олипти. Шу машина устида қўлини олдинга чўзганча, катталар олдида турган минбар олдидан ўтиши керак экан. Аммо худди шу минбар рўпарасига келганда жаҳон пролетариатининг доҳийиси турган жойида гандираклаб кетипти-ю, пастга — шилта лой ичига қулапти.

Нима? Кулгилими? Менинча унча эмас. Энди, ҳар нима бўлгандা ҳам Ленин Ленин-да! Уни майнавозчиликка айлантириб юбориш яхши эмас. Йўргакдан бошлиб унга сажда қилганимиз, ёшлигимиздан ўзимизни ленинчи деб атаганмиз. Энди келиб, уни майна қиласими? Кўп ҳам маъкул эмас. Кошки бунақа нарсаларга тузукроқ тўлашса. Бор-йўғи ўн доллар! Ўтмас матоҳ-да! Бунда Ленин билан кимнинг иши бор? У — бизда, Россияяда. Агар бирортаси Президент Форд ҳақида ёки яна ҳам яхиси — Голда Меир тўғрисида шунақа материал олиб келиб қолса, унга минг сўлкавойдан кам беришмайди. Бу ерда-чи? Ўн доллар.

Мен-чи, гарчи шоир эмас, сартарош бўлсан-да, бунақа пул учун ҳатто қайнонам тўғрисида ҳам бирон оғиз ёмон гап айтмаган бўлардим.

Шу оқшом ўша ўтиришда бир неча қадаҳ виски ичилгандан кейин тўсатдан бир нарсани англаб етдим — мен — Аркадий Рубинчик — энг жўн, энг оддий бир одам, пакана бўйим билан шу зиёфатда ўтирган собиқ казо-казоларнинг ҳаммасидан, ўша Дворян уясидан чиққан ойимчалар-у жанобларнинг барчасидан бир бош юқори турар эканман. Менинг бир ўзимдагина ўшро одамининг дейсизми ё умуман инсоннинг дейсизми фурури сақланиб қолган экан.

Зиёфатда ўтирганларнинг ҳаммаси москвалик эди. Биз овозимиз борича ҳеч тортинмай ўрисча гаплашардик, кўшиқ айтардик, битимиз тўқилиб яйрашардик. Янги меҳмон келгунча шундай давом этди. Бу келган одам муҳожир биродарлардан эмас эди. У америкалик эди. Америка яхудийларидан. Инсонларвар. Валинсъмат. Қашшоқлар учун ҳаммага кўрсатиб садақа бермаса ошқозони еганини ҳазм қилмай кўядиганлар тоифасидан.

У олтмишларни урган, башараси нурсиз, ўзига бино қўйган, оғзидан ходадай йўғон ва катта сигаретаси чиқиб турган бир одам эди. Сигарасини оғзидан олмай гаплашар экан. Бир-икки миллионлар тортадиган чофи бор. Ўриндиққа ўтириб, оёғини чалиштириди, ҳамон оғзидан сигара мўридай чиқиб турипти. Танишганда ўрнида ўтираверар экан, кўришиш учун қўлини эмас, битта бармогини узатар экан. Кўрсаткич бармогини.

Бизнинг москваликларимиз унинг теварагида гирдикапалак бўлиб қолишиди. Тиллари келмаса ҳам бузиб-чатиб инглизча гапиришади. Мистер устига мистер. Рус тили елдек учиб кетди, ҳамма эътибор мистерга.

Мени танишишиди. У ўрнидан турмади, ўтирган жойида кўрсаткич бармоғини чўзди. Мен ҳам ўрисчасига қилиб, бармоғига тушириб қолдим-ку!

— Бунингизга таржима қилинг. Бетамизлар билан танишмайман. Ялпайиб ўтирадиган тўнғизлар билан салом-алик қилмайман.

Бизниклар ҳанг-манг бўлиб қолишиди, менга қараб ўшқирипига тушишиди, кўлимдан тортиб, бир чеккага чиқариб қўйишиди. Айтган гапимни, албатта, таржима қилишмади. У бўлса инглизчасига жавраб ётиби. Худди оғзида тош айлантираётганга ўҳшайди. Ўзидан мамнун. Ўзини коинотнинг меҳвари деб билади, шекилли. Ул-фатларнинг ҳаммаси унинг теварагида рақси само қиляпти.

Мен бунақа одамларни Москвада ҳам учча қадрламас эдим. Димоғлари осмонда бўлса ҳам, ичлари бўм-бўш, қуруқ эди. Лекин шомирза-ю қок қуруқ бўлсалар ҳам кибр-ҳаво жуда баланд, ғурур юқори эди. Оламга кўзларининг учида қараашарди, ўзларини хафа қилиб қўйишмасди. Бироннинг олдида қимтинишни ёқтирамас эдилар. Албатта, ҳаммага ўзларини саҳоватпенна қилиб кўрсатишни ёқтирап эдилар.

Бу ерда бўлса уларнинг авра-астари очилди-қолди. Қадди-қоматлари таъзимда, овозларида хушомад. Ўзларининг устида Москвадан қолган мўйна-ю, зарбоф парча. Бу ердаги миллионер аёллар йўлда қолиб кетади.

Америкалик валинеъмат ҳамманинг хушомадини кўриб қарсак чалиб юборди ва пастга тушиб, машинанинг юхонасидан ҳаммага аталган совфа-саломларни олиб чиқишини буюрди.

Аёллар чувиллаб юборишиди, эркаклар сирни сезган тойчоқдек кишинай бошлади ва ҳаммалари олатасир зинага йўлланишиди.

Мен ўзим қолдим. Рўпарамда ўриндиқда оғзида ходадай сигараси билан валинеъмат ўтириптилар. У мендан бир нарса сўради, шекилли, нега ҳамма билан бирга совфа-саломга югурмадинг дегандир-да. Мен унга ўрисчасига жавоб бериб, Россияда кент тарқаган бир манзилга йўлладим. Кўлим роса қичишиди — қани энди, укки кўзларининг ўртасига ўҳшатиб бир тупширсан-у, оғзидаги сигараси учиб кетса. Сигараси билан бирга ясама тишлари ҳам.

Аммо ҳамма ёқни ҳай-хуйга тўлдириб, зинадан югуриб чиққани учун нафаси тиқилиб, пиводан бўшаган картон кутиларни судраб улфатлар келиб қолишиди. Кутиларга аллақандай латта-путталар жойланган экан. Бир-бирларини туртиб-суруб кутиларни ўраб олишиди, думбаларини чиқариб тўнқайғанларича бу матоларни тит-килай бошладилар, кўлларига илинган матоҳларни юлқиб олиб кўкракларига босдилар.

Валинеъмат бу матоҳларни қўни-қўши nilardan йиққан кўринади — қўши nilar ҳам эски-туски буюмларини олиб чиқиб ташлашга эриниб валинеъматга тутқазган бўлсалар керак.

Бир гапни айтиб қўяй. Мен фаришта эмасман. Мени хафа қилганларида ҳамма вақт ҳам ўзимни ўзим ҳимоя қилолган эмасман. Лекин ҳеч қачон бунчалик паст кетмаган эдим.

Улар кирхонанинг номерлари олиб ташланмаган, ҳали ёқаларида эгаларининг фамилиялари ўчиб кетмаган, ювилавериб ўнгиб кетган эски қўйлакларни, тирсаклари ялираб ётган алмисоқдан келган кастюмларни, пошнаси эзилиб, ўзи майишиб кетган туфлиларни бир-бирларидан тортиб олишга тиришиб, юлқишиб. ётишарди.

Кал бошидаги бешта толасини эпақага келтириб қўйганим қўшиқчи шоир қора фрак кийиб олипти. Этакларига атлас тасма тақилган. У менинг олдимга ҳовлиқиб келди.

— Қалай, Аркадий? Чакки эмас-а? Худди менга ўлчаб тикилгандай...

— Нима қиласан буни? Бошингта урасанми? Буни кийиб бирон жойга борармидинг?

— Қабулга бораман. Бирдан аслзодалар зиёфатига таклиф қилиб қолишиша нима бўлади?

— Унда усти-бошинг бекаму кўст бўлишига яна бир нарса етишмаяпти.

— Нима?

— Сочик. Қўлингга солиб олгани. Чунки унақа зиёфатларда сен фақат малай тарзида қатнашишинг мумкин. Ортиғига ярамайсан.

Шундок ҳедим-у оёкларимни тапиллатиб, қутилар теварагида товуқдек қақиллашаётган ойимчаларга ўшқирдим.


— Уят сенларга, қанжиқлар! Мен сенларни одам ўрнида кўриб юргандим-а! Нега манави ярамасга ҳузур баҳш этяпсанлар? Нега чувалчангдан бадтар ўзларингни хўрлайсанлар? Нима, оч қоляпсанларми? Ялангоч қолдиларингми? Текинига йўли-қиб қолдиларинг-да? Мунча ёпишмасаларинг! Эртага кўчадан ахлат топиб олсаларинг, олиб чангни пулфламай оғизга соласанларми? Текин бўлгани учун.

Аёллар кутидан чиқсан латта-путтгарни кўксиларига босганча, кўзларини чақ-чайтириб индамай туришарди. Биронтаси ҳам ботиниб менга жавоб қила олмади. Афтидан, эсанкираганлари ўта бошлаган, хушлари жойига келиб, қилган ишларидан хижолат чека бошлаган эдилар.

Валинеъмат ҳам ўриндигида дамини ичига ютиб ўтиради. Ҳали ҳам пишилла-ганча, оғзидаги ходасини сўришда давом этарди. Бир нарсани сезган, шекилли. Бўйнига тушиб қолишидан қўрқсан қўринади.

Мен бўлсам ииғлаб юбордим. Хотин кишига ўхшаб, хўнграб, ўқсиб-ўқсиб. Менда бўлиб туради... айниқса, қаттиқ ичиб қолсам... Сапчиб зинага чиқдим, пастга тушдим-да, бўм-бўш кўча бўйлаб югурга кетдим. Кўчада биронта ҳам йўловчи йўқ эди. Негаки, Нью-Йоркда ярим кечада фақат эс-хуши норасо одамгина юрак ютиб сайр қилгани чиқади. Ё тентак одам. Ёхуд Москвадан келган муҳожир...

*Давоми бор.*



Йохон Волфганг ГЁТЕ

# Фарбу шарқ девони<sup>1</sup>

## ЗУЛАЙХОНОМА

**Т**ушимда осмон ойга  
Ўз бағрин очар эди,  
Кўз очганимда эса  
Куёш нур сочар эди.

## ТАКЛИФ

Умр ўтказма вақтни қувиб,  
Кун кетидан чопиш хато.  
Эрта эмас, бугун, дилбар,  
Этди сенга қувонч ато.

Дунё топдим, билсанг агар  
Бор дунёдан кечибман.  
Бир ўзингни севиб, дилбар,  
Эрта — эрта, бугун — бугун.

Не ўтди, не бўлар пайдо,  
Сен этмагил бунга парво.  
Омон бўлсанг шу бас менга,  
Қувонч, бахт ғамнафас менга.

Мадҳингда ёзганим қўшиқлар —  
пешкаш,  
То абад Зулайхо ўзинг, паривац!

\* \* \*

Сен атадинг ўзни Зулайхо,  
Севмогингга мени йўқ шубҳам.  
Хотам деган номни мен аммо  
Танлаб олдим ўзимга, эркам.  
Такаббурлик эмас бу бари:  
Георг исмий олгани билан  
Ул муқаддас Георг рицари  
Бўлолгайми ном билан одам?  
Саҳиманми Хотамдай? Ињомъ  
Этгай мендай қашшоқ нени ҳам?  
Хотам Зограидай беармон  
Шоир бўлиб яшасам бегам.  
Лекин икки зотдай яшамоқ  
Келар қўлдан сен этсанг карам.  
Тухфа этмоқ, олмоқ асли Баҳт  
Ҳузур етгай севгидан ҳар дам.  
Бир-бирига талпинса, севса  
Жаннат шудир ошиққа, эркам.

\* \* \*

Юсуфга Зулайхо эди маҳлиё

Сабаби аён,  
Ҳам гўзал эди у ҳамда навқирон,  
Зулайхо ҳам зебо, содикдир аҳдга  
Алар бир-бирини буркади баҳтга.  
Сен эй, ёш гўзалим, кўзи дураҳшон,  
Бир мени севасан, кўзларинг шоҳид,  
Ва мени буркайсан сўнг баҳтга жовид.

## ХОТАМ

Тасодиф ўғрини яратмас, ажаб  
Тасодиф ашаддий ўғридир ахир.  
Ишқим гавҳарини юракда асраб  
Юардим, олди у чок этиб бағрим.

Сўнг сенга тутди-ю айлади пешкаш,  
Тасодиф барини тутди йўлингга.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда. Девон қисқартириб босилаётир.

Гадою бенаво бўлдим, париваш,  
Ҳаётим, давлатим қолди қўлингда.

Хайрият, гавҳари чапмингда аён,  
Мендан бир ошиққа меҳру муруват.  
Бағрингда қўринди гаройиб жаҳон  
Мени шод этгувчи баҳтиёр қисмат.

## ЗУЛАЙХО

Ишқин гавҳарини ўғирлаб, ажаб,  
Келтирди тасодиф, бўлдим баҳтиёр,  
Юрибман ишқингни дилимда асраб,  
Энди тасодифни койимоқ бекор.

Шартмиди тасодиф ўғирлаши, гар  
Ўз хоҳишинг билан қиласдинг инъом.  
Ўғирлаб олардим, айлагин бовар,  
Баривир бебаҳо гавҳарни осон.

Ишқинг гавҳари-чун қиласман тортиқ  
Ёшлигим, ҳаётим, қарорим олгин.  
Сенинг гавҳарингдан булар кўп ортиқ  
Хушбахтга не даркор, боримни олгин.

Бенаво гадоман демагин зинҳор,  
Ишқи бор юраклар навосиз бўлмас.  
Багримда сен бугун топдингми қарор  
Давлату баҳт шудир, бошқаси абас.

\* \* \*

Севишган дил аданимас чиндан,  
Зулмат уни этолмас тутқун.  
Ўрганарди севмоқни мендан  
Тирилса гар Лайли-ю Мажнун.

\* \* \*

Эркалатиб турибман сени  
Қулоғимда илоҳий оҳанг.  
Ажаб, булбул куйлади нени?  
Атиргулда қайдан ҳиду ранг?

## ЗУЛАЙХО

Қайиқ сузар эди тузук  
Бу не сир, ҳайрон қолдим.  
Сенинг совғанг — олтин узук  
Фирот ичра йўқолди.

Тунда кўрдим бу ҳолни мен  
Кўк қизариб келган он,  
Сен пайтамбар, шоир-ку сен  
Туш таъбирин эт аён.

## ҲОТАМ

Туш таъбирин аён этмоқ  
Қийин эмас, ложарам,  
Ташлаганди, сўйлаб эдим  
Венеция Дожи ҳам —

Узугини денгизга, хўши,  
Денгиз сақлар-ку омон.  
Минглаб қўшиқ хайрли туш  
Менга айлади инъом.

Мен кезгандим аллақачон  
Ҳиндустондан то Дамашқ.  
Элтажақдир мени карвон  
Ўзга юртга, этма рашк.

Лекин доим қўмсар юрак  
Айвон, ёни дараҳтзор.  
Руҳим тани этади тарк  
Сўнгги бўсанг билан, ёр.

\* \* \*

Сени қаттиқ босиб эркалар:  
“Ўлдим, куйдим!” — дейди муттасил.  
Изҳори ишқ айлайди ёниб  
Биз қизларга бу бари маълум.  
Менга эса этмайди таъсир,  
Бари бекор эрур мен учун.  
Лекин Ҳотам, сенинг кўзларинг  
Кўзларимга тушгани ҳамон,

Кун ёруғроқ бўлар дафъатан,  
Нигоҳингда шундай маъно бор:  
“Муҳаббатим бекиёс сенга,  
Фақат сени яхши кўраман.

Далаларнинг безаги бўлган  
Атиргулу лола, бинафиша,  
Мирта ва сарв дараҳти, жонон,  
Шифобаҳш-у, завқбаҳш, оромбаҳш.

Бу илоҳий Марҳамат илло,  
Бўлғай даво барча дардларга”.  
Лек Зулайхо нигоҳи тушса  
Бедард дардга бўлади банди,  
Дардманд эса тузалар бешак,  
У табассум айласа инъом.  
Дунё ҳамон тўлар кулгуга  
Ва англайди у сирли нигоҳ  
Қатидаги мангу каломни:  
“Фақат сени яхши кўраман”.

## ГИНГО БИЛОБА

Келтирдилар чорбошимга  
Машриқдан дараҳт, аммо

Бул дарахтнинг япрогида  
Пинҳондир сирли маъно.

Табиатнинг сеҳримикин  
Барги нечун қўшалоқ?  
Икки бўлак баргни ёки  
Битта этгани мутлоқ.

Муаммони ечар ҳар ким  
Шеърим ўқигани дам:  
Сезаяпсанми менинг ўзим  
Битта, лек икки одам.

## ЗУЛАЙХО

Кўп тўқидинг гўзал қўшиқлар,  
Хўп ўқиди уни ошиқлар.  
Ҳуснихатнинг жуда ҳам машҳур,  
Олтин билан безаган рақам.  
Ҳар нуқтаси ажойиб, кўркам,  
Ҳузурбахшидир ва айлар асир  
Ҳар бир янги қўшиқ янги ишиқ —  
Шарофати эмасми шоир?

## ҲОТАМ

Ҳа, дилкаш кўз, тишлари дурдон,  
Киприги ўқ, лаби лазы хурлан,  
Зулфи илон — мени банд этган,  
Соҳир бўйин, момиқ сийнаси,  
Бари шеъру муҳаббат саси,  
Ҳар дилбар ҳам гўзал сарв тан,  
Лекин барча санамда якка  
Сенинг рамзинг кўрганман, эркам.

## ЗУЛАЙХО

Кўкка қуёш чиқди, шу заҳот  
Кирди унинг бағрига ҳилол.  
Ажратолгай уларни қай зот?  
Нигоҳми бу? Недир? Ажиб ҳол!

## ҲОТАМ

Дунёда жуфт яратиб Султон  
Барча олий хилқатни, атай —  
Ботирларни танлаб кўк томон  
Парвоз қилимоқ учун чорлагай.

Сайёралар васли ҳам, дилбар,  
Мену сенга монандир ахир.  
Ўҳшатдингми мени офтобга  
Эй, гўзал ой, кучогимга кир.

\* \* \*

Кел, маҳбубам, салла ўраб бер  
Нафис қўлинг билан менга.  
Эрон шоҳи Аббос ҳам меҳр —  
Ила лаъл қадаган унга.

Ярашганди салла жаҳонгир  
Искандарга бўлиб маъқул,  
Дастор боғланг саркарда, амир  
Дея фармон берганди ул.

Қимматбаҳо тош билан дастор  
Безатилса, аталади тож!  
Уни кийса бизнинг ҳукмдор  
Бўлгай шону шуҳрати ривож.

Бошимга қўй оппоқ дасторни,  
Кел, маҳбубам! Фарогатдадир —  
Қучмок сендей дилрабо ёрни  
Тожу таҳтга на ҳожатдур.

\* \* \*

Кўп нарсага кўнгил мойил,  
Озига ҳам қаноат —  
Қилдим, шунинг учун хушҳол  
Яшадим топиб роҳат.

Майхонада базм этсам,  
Хоҳ кулбада мен якка,  
Хаёл доим сен билан банд,  
Руҳ боғлиқ сен малакка.

Темур ҳукми, салтанати  
Сенга аслида жоиз.  
Лаъл Бадаҳшон мамлакати  
Берсин — феруза денгиз.

Ширин-шакар, куруқ мева  
Серқоёш ул Бухоро,  
Самарқанд-чи, дафтар тўла  
Қўшиқ тортиқ қилсин то.

Ормузд ҳақда сенга ёзсам  
Ўқир эдинг пайдар-пай.  
Барча савдо йўллари ҳам  
Сен учун хизматга шай.

Ҳиндустоннинг илагига  
Сени ўрамоқ учун,  
Барахманлар юрти меҳнат  
Этаётир туну кун.

Ер остини титиб қиши, ёз  
Кўмир, тош кесиб ҳарчанд.  
Шайдоларинг топиб олмос,  
Сени этмоқчи хурсанд.

Олиб чиққан денгиздан дур  
Фаввос сенга, қийнаб жон.  
Бахш этмоқ-чун сенга хузур  
Шоирлар битар Девон.

Басраданми ё ўзга юрт  
Зиравер, тутатқылар  
Карвон билан барака, күт  
Йўллаб сени шод қилар.

\* \* \*

Самарқанд, Балх, Бухорони  
Сенинг ҳусн-жамолингга,  
Иньом этмоқ, ё этмаслик  
Келмабди хаёлимга.

Берарларми шаҳаншоҳлар  
Мулку кишвар? Гумондур.  
Улар — доно, бою довор  
Лекин ишқда нодондур.

Журъат этмас шоҳ бу корга,  
Юрт иньом этгай илло,  
Фақат сендей гўзал ёрга —  
Мендай сахий бир гадо!

\* \* \*

Ажиб ҳусниҳат билан  
Безаб жўнатганим дам,  
Ул қоғозларни ўқиб  
Кулиб қўйдинг, маликам.  
Унда мақтанган эдим  
Сенинг севгинг билан мен.  
Кечирдинг, хайриятки,  
Мендай мақтанчоқни сен.  
Бу баҳту омад эрур  
Мендай мақтанчоқ учун.  
Бундай ҳасадгўйларга  
Алам этмасин не учун?  
Дўстларга эса қувонч —  
Бахш айлар ифор каби,  
Умр қувончи гўзалдир,  
Шудир ошиқ матлаби.  
Эҳтиросли ишқингни  
Мисли коптоқ мен томон  
Иргитяпсан, Зулайхом!  
Мен ҳам севги — коптоқин  
Отяпман унга такрор.  
Бу дақиқалар гўзал,  
Бундайин баҳт кимда бор?  
Валекин кимлар сени  
Мендан айирди, қаранг,  
Неча йиллар айирди  
Гоҳ армани, гоҳ фаранг.  
Вайрон бўлган ишқ қасрин

Мен қайта этдим бино.  
Унда хузур-ҳаловат  
Биз-чун бошланар танҳо.  
Қўлингда турли-туман  
Ип бор. У билан шодон,  
Иқболни тўқияпсан.  
Баҳт или билан чаққон.  
Шеър гуҳардур, илга тиз,  
Кўксингни безасин дур.  
Оллоҳ оби раҳмати  
Эрур у, дилга манзур.

\* \* \*

Муҳаббатга муҳаббат бўлса,  
Кўзлар кўзга, сўзлар сўз билан  
Қовушса-ю, бўсага бўса  
Нафас нафас билан, маҳбубам.  
Шундай ўтар баҳтли туну кун!  
Кўшиғимдан келмагайдир ҳеч  
Шу сабаб ташвишли ун.  
Юсуф ҳам рашик этмасин нечун  
Менинг баҳтим кўриб эрта-кеч.

## ЗУЛАЙХО

Кулми, озод ё митасгар  
Англадилар ҳикматни:  
Баҳтдир инсон тутолса гар  
Даҳлиз шахсиятни.

Умр деган ўтар, не ғам.  
Ўтма ўзинг бенаво.  
Нени қўлдан бой берсанг ҳам  
Ўзини бой берма аммо.

## ХОТАМ

Минг офарин! Менда фақат  
Ўзга фикр, ўзга савдо:  
Заминдаги бор саодат  
Сенда жамдур, Зулайхо.

Васлинг менга насиб этса,  
Ўзга баҳт даркор эмас.  
Юз ўгириб мендан кетсанг  
Бўлажакман хору ҳас.

Мен — Хотамтой — сўзим адo  
Қилмай туриб, ҳайрият,  
Билиб қолдим — қандай сиймо  
Бўлсам, дилинг этгум забт.

Эмасдирман ҳолим-раббий,  
Сени куйлагум, жонон,  
Фирдавсий ё Мутанабий  
Ёхуд бўлиб бир сulton.

## ХОТАМ

Бозордаги заргар дўконин  
Куршагандек рангин чироқлар,  
Қизлар кекса шоирни қуршаб  
Бермоқчисиз қандай сўроқлар?

## ҚИЗЛАР

Зулайхони куйладинг такрор,  
Бунга қандай биз берайлик тан?  
Ўзинг эмас, қўшиғинг ошкор —  
Ёндиради бизни рашк билан.

У бўлсайди хунук, бедаво  
Гўзал деб мақтардинг ўзига.  
Ўқиганмиз Ботина зебо  
Кўринганди Жамил қўзига.

Лекин биз ҳам чиройда кам йўқ,  
Тасвирлашга айлагил ҳиммат,  
Мақтасанг гар арzon, қўнгил тўқ, —  
Бўлсин, сенга тўлаймиз қиммат.

## ХОТАМ

Майли, келгин яқинроқ сабзранг —  
Қиз, васфингни этай бемалол.  
Турмаклабсан сочингни аранг  
Бошинг масжид гумбази мисол.

Сен мана қиз, эй, нозик бадан,  
Хуш қилифинг ярашар, лекин  
Мунча сенинг қоматинг баланд  
У қадми, ё минорамикин?

Сен, қўз сузиб ўтирган эй, қиз!  
Бир қўз у ёқ, бир қўз бу ёқка —  
Термулади. Қочмоғим жоиз —  
Сендайлардан далами, тоққа.

Чап қўзгинанг юлдуздай порлар,  
Макру ҳийла ундан олмиш жой.  
Етказади дилга озорлар  
Үнг қўзинг-чи, ҳалолликка бой.

Ошиқларни бири ярадор —  
Этар доим, бири шифобахш.  
Бир ўзингда икки хил қўз бор,  
Сандайлардан ким этмайди рашик?

Мана сизга мадҳия, мағтоб,  
Севганимга исбот бу бари.  
Гапларимда йўқ макру алдов  
Ўзгача лек мен севган пари.

## ҚИЗЛАР

То бўлмаса шоир содик қул,  
Айланарми ишқ султонига?  
Севган қизинг куйларми маъқул  
Лаб тегизиб ишқнинг жомига.

Қўшиқлари дилкашми ва ё  
Бизлар айтган қўшиқдан марғуб?  
Шундай бўлса агар мабодо  
Нечун пинҳон куйлар у маҳбуб?

## ХОТАМ

Қанча чуқур бўлса, шу қадар  
Чашма суви тиник бўлади.  
Дилдаги ҳис-туйғу ҳар сафар  
Фаройиб бир қўшиқ бўлади.

Сизнинг қўшиқ гарчи ҳузурбахш,  
Фарқи бордир, англайди ҳар ким:  
Сиз ўз ҳақда куйлайсиз дилкам,  
У мен ҳақда куйлайди доим.

## ҚИЗЛАР

Демак ёринг бу ерлик эмас,  
У самовий хислатга эга,  
У хур экан, бўлди, билдик, бас!  
Мунофиқлик ярашмас сенга.

## ХОТАМ

Зулфинг сени банд айламиш  
Оразинг теграсига,  
Ул жигарранг илон эмини  
Битмай бўлмас қасида.

Дилда эса сабр ила  
Яна гуллади баҳор.  
Замин ости тафтга тўла  
Эриб битди туман, қор.

Чўққиларни тонг нуридай  
Ёндириб сен иситдинг,  
Хотам баҳор ҳовурида  
Ер оташин ҳис этди.

Соқий, май қуй! Куйиб ишқда  
Кулга айланди танам,  
Унтутиган кулни кўриб  
“Мен куйдирдим!” деб санам.

## ЗУЛАЙХО

Нега сени унутайин  
Икки ўт ёнмай нетар?

Сенинг кучли эҳтиросинг  
Ёш дилга завқ бахш этар.

Шоирим, сен ишқ баҳосин  
Бера оласан тўла,  
Ишқдир Ҳаёт ибтидоси,  
Руҳ тирикдир ишқ ила.

\* \* \*

Лаъти лабингдан бўса эт инъом,  
Хирадик этсам сўкмагил асло.  
Дору-ю даво излар-да ҳар он  
Дардга ҳар кимса бўлса мубтало.

\* \* \*

Бир-бирингдан мисли Фарбу Шарқ  
Йироқ бўлсанг, ғамга бўлма гарқ.  
Оғиқ уунун сарбон на даркор?  
Муҳаббатинг бамисли қанот,  
Бир нафаслик йўл эрур Бағдод  
Омонат бу дунёда ҳар ким  
Недир билан овунар ҳардам.  
Менга овунч — ёниқ кўзларинг,  
Ҳамда дилинг сурури, санам.

\* \* \*

Ҳису ҳаяжонга кўмилдим, бироқ,  
Висол онида хижолат ўзим:  
Оразинг кўрсам — кар бўлар қулоқ,  
Сен сўзлаган дам — кўрмайди кўзим.

\* \* \*

Ёди дилда, ўзи йироқда,  
Ташриф этар билдиримай қийноқ.  
Саси нуқта қўяр фироққа,  
Мана, келди, дилбарим қувноқ.

\* \* \*

Йироқ кетса ёруғ кун  
Қалбинг бўлмасин бўм-бўш?  
Ҳали шеър ёзмоқ мумкин,  
Шароб этолмайман нуш.

\* \* \*

Бегап менга, ё раббий!  
Чирмашиб олди санам.

Тилим тутилган каби  
Тутилди қаламим ҳам.

\* \* \*

Аё соқий! Қадаҳ сун!  
Лиммо-лим жомни дерман!  
“Хотирла!” дегани он,  
Англаки они дерман.

Мен сени ўйлаган он  
Бола уради жавлон:  
“Жаноб, нечун сиз хомуш?  
Мен куяй майи боқий  
Сўзлангиз истар соқий,  
Сизда бор ақлу дониш!”

Сарвзорда дам олсан,  
Ўзни унугиб қолсан,  
У ҳам бехабар аммо.  
Дилим тўла ифтихор,  
Ўзни сезсам ҳукмдор,  
Сулаймон каби доно.

## ЗУЛАЙХО КИТОБИ

Бу китобни олтину дур билан, хуллас,  
Безатмоқчи бўлдим, жонни айлаб фидо,  
Варогини қисқартириб асло бўлмас,  
Мажнунларнинг сўзи қачон бўлган адo.

## ЗУЛАЙХО

...Кўшиғингдан айладим ҳис  
Дилбарим, деган заҳот,  
Фақат бир мен ҳақда ёлғиз,  
Экан сен тизган баёт.

Унутмасдан висол онин  
Бўлсанг ҳамки йироқда,  
Ишқ лаззатин тотган жонинг  
Мени эслар фироқда.

Аё, дўстим! Назар айла —  
Юракка, ойна у.  
Бўсаларинг муҳр янглиғ  
Кўксимда турибти-ку.

Ширин Фазал ва Ҳақиқат,  
Мени айлади асир.  
Бизнинг оташин муҳаббат,  
Шеърнинг либоси ахир.

Олмончадан  
Садриддин САЛИМОВ  
таржимаси.

Байрам ЙИЛМАЗ

# Гёте ва Шарқ

## 1. ИСЛОМГА РУХИЙ ЯҚИНЛИК

**XVIII** асрда христиан — гарб дунёси ислом ҳақидаги асарларида бу динни асл ҳолида кўрсатишдан узоқ бўлганига қарамай, жаҳонга танилган улуф олмон шоири Волфганг Гёте (1749—1832) пайғамбар ҳазрат Мұхаммад саллаллоҳу алайхи вассалламдан шу қадар ҳайратланган эди. У бутун ижодий фаолияти давомида исломга руҳий яқинлигини қайд этиб борди, исломни дунёдаги барча қарашлардан устун тутди, ўз асарларида инсониятнинг камолотга эришиш йўли унинг дастурлари билан боғлиқлигини кўрсатишга интилди. Ҳатто Олмонияда исломнинг илдиз отиши учун кўлидан келганча ҳаракат қилди. Агар Гётенинг асарлари назокат билан бирма-бир тадқиқ этилса, ислом дини Гётени нақадар катта куч билан жазб этганини кўриш мумкин. 23 яшарлигида ёш Гёте Куръони Каримдан илҳомланиб, маҳорат билан “Mahomets-Gesang” (“Мұхаммад қўшиғи”)ни ёзди, ҳазрати Мұхаммадни ҳамду сано этди.

Куръони Карим бутун инсониятга Оллоҳу Таоло томонидан Жаброил Алайҳиссалом орқали Ҳазрати Мұхаммадга рамазон ойининг қадр кечасида индирила бошлаганини яхши билган Гёте 70 ёшида хаёлини банд этган бу ҳодисани шундай ифодалаган эди: “Куръони Карим пайғамбарга самодан индирилган бу муборак кечани у нечун байрам қиласин?”<sup>2</sup> (бу ерда Гёте ўзини ҳам назарда тутган). Оламларда бу ҳодисадан муҳимроқ ва буюкроқ бирон ҳодиса йўқ. Узун умрининг олтин саҳифаларида исломиятга ҳурмати ва эҳтиромини намоён этган Гётедан бизга “Фауст” билан ёнма-ён турувчи мұхим асари ҳеч шубҳасиз “Шарқу Фарб девони” мерос бўлиб қолганки, бу асарини 1816 йилда ўкувчиларга шундай жумлалар билан тақдим этади: “Шоир ўзини сайёҳ деб билади. У Шарққа етиб келди. Бу ернинг одатлари, обидалари, диний эътиқодлари ва ҳаётга қарашлари уни севинтиради ва шоирни мусулмон деб ўйлаганларнинг шубҳасини рад этмайди”.

## 2. ГЁТЕНИНГ ДИНИЙ ИЛМЛАРДАН ТАЪСИРЛАНИШИ

Гёте, 18 апрел 1770 йилда ҳуқук соҳасида илмий иш қилиш учун Страсбург университетига киради. Июн ойининг бошларида Иоган Готфрид Ҳердер ҳам Страсбургга келади. Ҳердер шу ерда амалиёт ўтказёттани учун ётоқхонада турарди. Касал Ҳердерни кўргани келган Гёте ўзини дўстона қабул қиласидан мамнун бўлиб, зиёратга тез-тез келадиган бўлади, ҳатто унинг ёнидан жилмай қолади. Ҳудди ана шу зиёратлар асносида Ҳердер Гётега Куръони Каримни ўқиб чиқишини тавсия қиласиди. “Араблар Куръони Каримга соҳиб бўлганларидай, Оврупога қанот ёйиб бораётган олмонлар ҳам ўз она тилида мумтоз бир китобга эга бўлсайдилар, лотин тили, олмон миллиатининг тилига ҳуқмронлик қилолмасди. Ундан ташқари бир қатор олмон қавмлари йўқолиб ҳам кетмас ва тўғри йўлдан адашмаган бўлар эди”, — дейди Ҳердер. Ўзидан беш ёш катта бўлган Ҳердернинг бу гапи Гётега қаттиқ таъсир ўтказади.

Страсбургдан ҳуқук доктори бўлиб Франкфуртга — оила бағрига, у срдан эса тажриба ортириш учун Вецлар (Wetslar)га келган Гёте Ҳердерга ёзган бир хатида Куръони Каримни

<sup>1</sup> Шу номли китобдан боблар.

<sup>2</sup> Гёте. Асарлар. Ҳамбург нащри, 14-жилд, 1948—1960.

ўқиганини исбот қиласи: “Куръони Каримда Мусо Алайҳиссалом каби, “Ё рабби, кўксимга кенглик бер!” деб дуо ўқигани келди”. (“Гёте. Мактублар. Тўрт жилдлик. Ҳамбург нашри, 1962—1967 й., 1-жилд. 132-бет; 1772 йил, 10 июл).

Гёте Фридрих Давид Мегерлиннинг арабчадан олмончага, Людовико Марраккиоснинг арабчадан лотинчага қилган Куръони Карим таржималаридан чоғиштирма тадқиқот иши қиласи ва мухталиф ўн сурга асосида “Koran-Auszüge” (“Куръони Карим холосаси”) ни ёзади. Яна ислом пайғамбарининг ҳаётидан “Mahomet-Drama” (“Мұхаммад драмаси”) номли бир пьеса ёзиши режалаштиради. У бу пьесасида Куръон оятларини шоирона йўлда ифодаламоқчи бўлади. Кўлёз-маларидан маълум бўлишича, у исломият ва пайғамбар ҳаёти билан жиддий шугулланган ва Куръони Каримни синчилкаб тадқиқ этган.

### 3. ЛИСОНИЙ ГЎЗАЛ АСАР

Гёте авваламбор Куръони Каримни унинг юксак маъносига ҳурмати юзасидан ўрганган. Ињжил ва бошқа самовий китобларнинг ҳаммасига ҳам имон келтирган, башариятнинг аксариятига юборилган диний маълумотларни ҳурмат қилиш лозимлигини изоҳлар экан, у, бизнинг кўз ўнгимизда исломдаги кенглик ва сабр-тоқатни жуда чиройли бир тарзда кўрсатиб беради. Куръондаги “Динда мажбурлаш йўқ” (2-сурा, 256-оят) оятига эътиборни торгади.

Гётенинг дикқатини жалб этган иккинчи бир жиҳат Куръони Каримнинг жуда буюк лисоний қийматга эга эканлиги эди. У Ҳердернинг тавсиясини ёдда тутган ҳолда, Куръони Каримнинг лотинча ва олмонча таржималарини ўқигандан кейин, арабча тиловатнинг лаззатини ҳам ҳис қилиб кўриш учун араб тилини ўрганишга бирмунча куч-ғайрат сарфлаган эди.

Ўз олмонча таржимасига Куръон ҳақида салбий сўзбоши ёзган Мегерлиннинг ҳамда ўз лотинча таржимасига Куръон ҳақида салбий сўзбоши ёзган Марраккиоснинг таржималари ва фикрларини таққослаган Гёте бу таржималарнинг савиаси пастлигини, чунончи, Мегерлин Куръонни тўғри таржима қила олмаганини, аслида Куръон таққослаб бўлмайдиган даражада юксак маънога эга эканлигини таъкидлайди. Ундан ташқари шоир шундай фикрни илгари суради: “Куръони Каримнинг миқёсларини қамраб олишини хоҳловчи, жуда қатъий закога эга бўлган, араб тилидан воқиф, шоир руҳли бир олмон таржимонининг, Шарқнинг ойдин, чароғон осмони остида, илоҳий ваҳий келган жойда ётоқ қуриб, пайғамбарнинг руҳий ҳолатига кирган ҳолда тиловатлар қилиб, Куръони Каримни олмон тилига таржима қилишга киришуви бизнинг энг катта орузумиздир”.

“Фарбу шарқ девони”нинг яхши тушунилиши учун ёзган “Noten und Abhandlungen” (“Илмий тадқиқлар ва ҳошиялар”) мақоласида (юқорида тилга олинган Гёте Асарларининг 2-жилди, 145-саҳифаси) Гёте қариган чоғида яна бир марта Куръони Каримнинг лисоний гўзалигини шундай мадҳ этади: “Куръони Карим услуби, мундарижаси ва мақсадига кўра жиддийdir, буюклир, курдатлидир, ниҳоятда кучлидир, мислсиздир, латифдир, юксакдир, самовийдир. Тишли гилдирак ўзига боғлиқ бошқа гилдиракни қандай ҳаракатга келтирса ва бу ҳаракат занжирланиб қандай давом этса, Куръони Каримнинг ҳам бир-биридан узилмаган, бир-бирини якунлаган ҳукмлари нима учун ва қандай қилиб оммаларни ўз таъсири остига олишига ҳеч ажабланмаслик керак”.

### 4. “ФАРБУ ШАРҚ ДЕВОНИ”НИНГ ЯРАТИЛИШИДА ДИНИЙ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Гётенинг энг машҳур асари, ҳеч шубҳасиз “Faust”, иккинчиси эса “Фарбу шарқ девони”-дир. Девоннинг вужудга келишида энг асосий манба, асосий рол ўйнаган нарса Куръони Карим ва Ҳадиси шарифлардир. (Гёте, асосан, Ҳофиз ва бошқа буюк шарқ шоирларининг номларидан ниқоб сифатига фойдаланиб, олмон ҳалқига ислом динини англишиш учун ҳаракат қилган). “Фарбу шарқ девони” тадқиқ қилинса, ундаги шеърларнинг аксарияти ё тўғридан-тўғри, ё билвосита Куръони Каримдан илҳомланиб ёзилганлигини кўриши мумкин. Девонда Ҳадиси шарифлардан илҳомланиб ёзилган шеърлар ҳам кўп учрайди. Усмонли салтанати тарии-

хини ўрганган олмон олими Жозеф Фрейхер вон Ҳаммер — Пургсталлининг 1809—1818 йиллари орасида нашр эттирган “Шарқ ҳазинаси” (“Fundgruben des Orients”) номли тўпламида Қуръон оятлари ва Ҳадиси шариф таржималари берилган эди. Ана шу тўплам ва Георг Саленинг 1746 йилда нашр эттирган Куръони Карим таржимаси Гётенинг Девони учун манба бўлиб хизмат қилгани маълумдир.

Ояти Карима ва Ҳадиси шарифлар нуқтаи назаридан ўз фикрларини ривожлантирган Гёте, чукур самимият билан исломга бўлган ҳайратларини эътироф этган ҳолда, ислом динининг имон асосларига риоя қилиб, ислом мамлакатларининг шоирлари йўлида қўйидаги мавзуларда шеърлар ёзди, мактублар йўллади, турли кишилар билан қилган сұхбатларини қайд этиб борди:

- Оллоҳга ҳамду сано ва муножотлар;
- Христианликнинг учунлик ақида сига қарши исломнинг тавҳид инончини мудофаа;
- Ҳазрати Муҳаммад ҳақида мутолаа;
- Қазо ва Қодарга имон, тақдирга таслим бўлиш;
- Охират ҳаёти ва жаннат;

#### **а) Оллоҳга ҳамду сано ва муножот**

Маълумки, Гёте “Тумор дуолари” (“Talismane”) шеърини Оллоҳнинг номи билан бошлаган ва бу тасодифий эмас, аксина, шоир қлассик девон анъанасига риоя қилғанлигини кўрсатади, айни вақтда Шарқ шоирларини ўзига намуна қилиб олиб, девонни бошлаётганини билдиради. Кейинроқ, “Ҳижрат” (“Hegire”) шеърини ёзган Гёте, бу шеърни девоннинг бошига олган. Шу сабабга кўра биз мазкур шеърни девон анъанасидан хорижда мутолаа қилишимиз мумкин.

Исломиятнинг босқинлар давридан ўтиб давлат бўлиши, яхудий, христиан ва мусулмон — учдин муносабатлари, исломнинг кенглиги соясида биргаликда яшаши маъносига катта аҳамият берган Гёте, “Шарқу Фарб девони”га муқаддима тарзида ёзган “Ҳижрат” шеъри билан ислом ўлкаларига кўчаёттир. Ҳофизнинг шеъри ёрдамида исломнинг манбаига кўчиб боришни муносиб топгандир.

“Тумор дуолари” шеърига келсак унинг биринчи банди, яъни:

Шарқ ҳам Оллоҳникидир!  
Фарб ҳам Оллоҳники!  
Шимол ва Жануб соҳалари  
Бирга тинч яшайди унинг қудрати ила, —

мисрлари Куръондан иқтибосдир. 2-сурा, 142-оятда: “Айтки, Шарқ ҳам, Фарб ҳам Оллоҳникидир. Хоҳлаганини тўғри йўлга етказади” деб буюрилган.

Гёте, Ҳаммернинг “Шарқ ҳазинаси” тўпламида Оллоҳнинг “Асмойи ҳусноси”га, яъни гўзал исмларига дуч келган эди. Бу ерда Одил исми унинг эътиборини тортади. Гёте ҳуқуқчи, аниқ-роғи, ҳуқуқ доктори бўлгани учун ҳам мутлақ адолат соҳибини излаши табиийдир. Бу ерда гап адолат атамаси устида бораёттир. Адолат, ҳар нарсани ўз ўрнига қўймоқ демакдир, яъни том маъносига кўра, зулмнинг зиддидир. Куръоннинг 16-сурा, 90-оятида шундай буюрилади: “Шубҳа йўқки, Оллоҳ адолатни, яхшиликни ва (йўқсул) қариндошларга қараб туришини амр этади. Бузуқлик, ёмонлик ва зўравонликни манъ этади. Ўтит олишингиз учун сизга шундай ўтит беради”. Гёте, шеърнинг навбатдаги бандида: “Бирдан-бир одил удир, ҳақлиникни истар ҳар кас учун. Унинг юз исмидан бири “ал-адл”, бу юксак исм янада юксалсин! Омин”, деб ёзди.

Учинчи банд Фотиҳа сурасидаги “Бизларни тўғри йўлга йўллагайсан” оятидан илҳомланиб ёзилган: “Далолат мени йўлдан тойдирмоқчи. Сен шубҳаларимни тарқатишни биласан. Амалларимда ва шеърларимда сен йўлига сабитли бергайсан”.

Тўргинчи банднинг шарҳини қолдириб, бешинчи бандга кўчайлик, Саъдий ёзди: “Кўкракка кирган ҳаво умрни узайтади, чиққан ҳаво эса вужудга ором беради. Демак, ҳар нафасда икки неъмат бор. Ҳар неъматга бир шукур вожиб. Кимнинг тили бўлса, кўлидан келса, Оллоҳга шукур қилиши керак эмасми?” Гёте ёзди: “Нафас олишида икки хил лутф бор: ҳавони ичга тортмоқ ва уни чиқармоқ. Бири сиқар, бири ором берар. Ҳаёт ҳам шундай, гаройиб бир қоришма. Оллоҳга шукур қил, сени сиқсанда ҳам ва яна шукур қил, сенга ором берганда ҳам”. Кўриниб туриблики, Гёте Шарқ шоирлари йўлида яна исломий ғояларни янгича тарзда илгари сурган.

“Тумор дуолари” шеърининг тепасида яна икки тўртлик бор бўлиб, улар ҳам “тумор”нинг таркиби қисмидир. Улар ҳам Қуръондан илҳомланиб ёзилган. 6-суранинг 97-оятида шундай буюрилган: “У, қуруқликда ва денгизда қоронилик чоғи йўлни тоцишингиз учун сизга юлдузларни яратди”. Гёте ҳам айнан шундай деб ёзади:

Бизнинг йўлимизни ёритсин деб, у  
Юлдузларга ёнишни буюреди.

Китъаларнинг ва денгизларнинг сўнгсиз зулматларида инсонлар йўлларни юлдузлар воситаси била топардилар. У куннинг одамлари бу оятнинг ифодасини ўзлари яшаб турган амалий ҳаётда кўриб туардилар ва оят, инсонларнинг ички ва ташқи дунёларига хитоб қиласарди... Ислом тасаввуфидаги пайғамбаримиз күёш, саҳобалар бу күёш атрофида айланган юлдузлардай эди. Гёteda ҳам фикр ислом фалсафаси билан айнан бир хилдир. Хуллас, “Тумор” Шарқнинг девон-анъанасига мувофиқ қилиб яратилган шеърлардан биридир.

#### 6) Учликка қарши бирлик мудофааси

Ислом динининг биринчи ва энг муҳим тамоили Оллоҳнинг борлигига ва бирлигига имон келтироқдир. “Айтки: “У — Оллоҳ Бирдир” (“Ихлос” сураси, 1-оят). Тавҳид (Бирлик) ақидаси, вижлонлар туридаги имон, коинотнинг тағсирни ҳаётининг низомидир. Ислом динига кўра, Исо Алайҳиссалом дунёга келиб кетган пайғамбарлардан бир пайғамбардир ва инсондир, худди Одам, Иброҳим, Мусо, Довуд ва охирзамон набиси Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) каби. Христианлар даъво қилганидай, Исо Алайҳиссалом бир тангри эмас, бильякс, Оллоҳнинг кули ва пайғамбари.

Пайғамбарлар ҳам инсонлар, факат уларнинг хусусий вазифалари бордир. Энди Гёте бу борада нима деганини ўқинг: “Энди биз пайғамбар билан шоир орасидаги фарқни яқинроқдан киноя йўли или баён этмоқчимиз. Биз, уларнинг ҳар иккиси ҳам Оллоҳ томонидан таъсирчан ва жўшқин қилиб яратилган, деймиз”. (Гёте. Асарлар. 2-жилд, 142-бет). Гёте девонни яратишидан олдин Куръони Карим билан машғул бўлган пайтларида пайғамбаримиз билан алоқадор 3-сурадан 144-оятни ўз дафтарида қайд қилиб кўйган эди: “Муҳаммад бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар келиб кетган. Энди у ўлса, ё ўлдирилса, орқангизга қайтасизми?” Шоиримиз, кўриниб турибдеки, ҳазрати Исо худди Ҳазрати Муҳаммад каби бир инсон эканлигига икрор бўлаётir, христианлар айтганидай тангри эмаслигини қабул этаётir. Гётенинг мана бу шеъри эса бизнинг фикримизни янада қатъийроқ бир тарзда тасдиқ этади:

Иброҳим катта юлдузни  
Ўзига аждод деб ўйлади.  
Кимсасиз саҳрова ён Мусо  
Бир Оллоҳ измида улғайди.

Довуднинг кўп эди қусури,  
Гуноҳ-ла дунёни айланди.  
Бир бўлган Оллоҳга боғланаби  
Покланиб олай деб ўйланди.

Исонинг юраги соф эди,  
Бир дерди оламнинг илоҳи.  
Ўзини илоҳ деб билсалар  
Куйиниб кетарди у гоҳи.

Бу замон — Муҳаммад сингари  
Зиёга чунганиш замони.  
Оллоҳ — бир, танҳо! — деб, охири  
Имон-ла фатҳ этди дунёни.

(Гёте. Асарлар. 14 жилдлик. Ҳамбург напри, 2-жилд, 122-123-бет.)

Бу шеърнинг биринчи байти 6-суранинг 76-оятини эслатади. “Иброҳим устини тун қоплагандаги бир юлдуз кўрди. “Будир менинг Раббим” деди”. Гёте бу оятни “Шарқ ҳазинаси” тўпламидан ўқиган эди. Таржималар орқали яна 5-суранинг 116-117-оятларини ҳам ўзи учун кашф этган эди: “Оллоҳ; Эй Марям ўғли Исо! Сен инсонларга: “Оллоҳдан бошқа, мени ва онамни ҳам худо қилиб олинглар!” дедингми?” — деганида, асло! — деганди. — Ҳаққим бўлмаган нарсани айтиш менга ярашмайди. Айтган бўлсан, сен буни билардинг. Сен дилимдаги бор нарсани биласан. Мен сенинг ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмайман. Файларни биладиган фақат сенсан”. “Мен уларга: “Менинг Раббим ва сизнинг Раббинингиз бўлган Оллоҳга куллуқ қилинг” деб ўзинг амр қилган гапдан бошқасини демадим. Мен ораларида бўлган муддатимда уларни

кузатиб юрдим. Лекин мени ораларидан олганингда, уларнинг кузатувчиси ёлғиз ўзинг бўлдинг. Сен ҳар нарсани кўрувчисан!”

Гёте Исо ҳақидаги тўртликни ёзишида шу оятлардан илҳом олгани шак-шубҳасиздир. Сўнти тўртлик эса “Ихлюс” сураси берган илҳомдир. Гётенинг ваҳдоният ҳақидаги фикрлари мақола ва шеърларида кўзга ташланиб турибди.

#### г) Қазо ва Қадарга имон, тақдирга таслим бўлиш

Гёте, ислом динининг имон асосларидан бири бўлмиш Қазо ва Қадарга қатъян имон келтирганини изҳор этади. Ҳар бир мусулмон одам биладики, ислом — ҳеч қандай шартсиз Оллоҳга таслим бўлмоқ деганидир. Гётенинг бу борадаги эътирофларига асосан шеър ва сұхбатларида дуч келамиз. Гёте мусибатларга дучор бўлган пайтила, ўзи, исломнинг Қазо ва Қадар ластури билан тасалли тонгандир. Чунончи, Гроссерпц Карл Август вафот этганда, Гёте ўзига ҳамдардлик билдирган Эккерманнинг тасаллисини рад этиб, шундай деди: “Оллоҳ хоҳлаганини қиласи, биз бечора бандаларга тақдирга тан беришдан бошқа имкон йўқ”. (Иоганн Волфганган Гёте. Бутун асарлари, мактублари ва сұхбатлари. 24 жилдлик. Цюрих, 1948 йил, 24-жилд, 274-бет).

Гёте Канцлар Фридрих Мюллер билан қиласи таслим сұхбати асносида “Докторлар умримизни бир кунга ҳам чўзолмайдилар, биз Оллоҳ қанча умр берган бўлса, ўшанча яшаймиз”, дейди. (Сұхбатлар. 2-жилд, 161-бет). Яна Қадарга имон нуқтаи назаридан Гёте Албрехт Дюрернинг бир жумласи тепасига шундай деб ёзди: “Таваккул нима? саволига жавоб: Оллоҳ биздан кучлироқ ва билимдонроқ; шу сабаб бизга хоҳлаганини қиласи”. (Гёте. Асарлар, 14 жилдлик, 12-жилд, 377-б.) “Италия саёҳати” номли асарида ҳам: “Ҳеч кимса пешонасига битилганини ўзгартиrolмайди ва Қадардан қочолмайди”, леб ёзди. “Франция сафари” (“Campagne in Frankreich”) деган асарида эса ўлум таҳликаси вазиятидаги ҳолатини шундай баён этади: “Таҳлика улғайган сари сўқир бир мугаассирлик мени ўз ҳукми остига олади ва мен, ҳар жиҳатдан хатарли ишлар қилаётган инсонларнинг фақат тақдирга ишонч билан ўзларига куч топаётганларини ва жасурлик қилаётганларини англардим. Муҳаммаднинг дини, бу соҳада энг гўзал намуналарга эгадир...”

Гётенинг келини Оттилия 1820 йилда ҳомиладан қутилиш чоғида деярли ажал билан юзмажуз келганда Қазо ва Қадар қаршисида эсанкирамайдиган имон соҳиби бўлмиш шоир Зелтерга бу ҳодиса ҳақида шундай деб ёзди: “Ортиқ айтадиган ҳеч нарса қолмади. Яна исломни маҳкамроқ тутишга уриняпман”. (Мактублар. 3-ж., 490-б.) 1831 йили вабо тарқалганда ҳам Гёте шунга ўхшаш тарзда сўзлайди: “Бундай вазиятда бирорнинг бирорвига фойдаси тегмайди. Нима қилиш кераклигини ҳар ким ўзи ҳал қилиши керак. Қандай бўлмасин ўзимизда журъат топайлик. Ҳаммамиз исломда яшайпмиз” (Шопенхауэр Луиза Аделаида Лавинияга мактубдан, 1831 й., 19 сентябр).

Ўлимидан тўрт ҳафта олдин, одамлар вабодан қирилаётган бир вақѓда, 82 ёшдаги шоиримиз шундай деб ёзди: “Мен истиқомат қилиб турган жойда ва бутун мамлакатдаги одамлар бу дарлдан қутилиш имконсиз деб билмоқдалар. Чунки кўрилган тадбирларнинг биронтаси фойда келтирмади. Диққат қилинса, одамларнинг Оллоҳнинг қаҳридан қутилиш учун, ўзларини Қадарга таслим этиб, исломга берилганлари ва Ҳақ Таолонинг оқил, сирли амрларига таслим бўлганлари кўринади” (Мария Анна Катаринага мактубдан, 1832 й., 9 феврал).

1820 йилда дўсти Виллемарга ёзган бир мактубида: “...бизлар ҳаммамиз эртами, кечми Ислом динининг мансублари бўлилга мажбурмиз” (Мактублар. 3-ж. 497-б., 22 декабр 1820 й.) деб айтган Гёте ниҳоят бир шеърида:

Ўзини билган  
Раббини билар,

дейди (Гёте. Асарлар, Академнашр, Берлин, 1952 й., 3-ж., 15-б.).

*Туркчадан  
Азиз ДАРХОН таржимаси.*

Эрих Мария РЕМАРК

# Уч оғайни

*Роман<sup>1</sup>*

## XII

**У**стахонамиз ҳамон, худди ҳосил ўрими арафасидаги омбордай, ҳувиллаб ётарди. Шунинг учун кимошди бозоридан харид қилинган мөшинани сотмасдан, такси сифатида фойдаланишига аҳд этдик. Уни навбати билан Ленц иккаламиз минадиган бўлдик. Янги буюртма тушгунча Кесстер Юпп билан бирга устахонани эплаб туради.

Мөшинани ким биринчи бўлиб минишини ҳал қилиш учун Ленц билан ошиқ ташладик. Мен ютдим. Чўнтағимни майда пулларга тўлдириб, ёнимга зарур ҳужжатларни солиб, аста шаҳар айланга бошладим. Энг олдин мижозлар кўп бўладиган бекатни топиш керак эди. Бошда ғалати туюлди. Ҳар қандай аҳмоқ тўхтатса, уни истаган жойига олиб бориб қўйишга мажбур эдим. Бунақа ишга ўрганмаганман.

Бешта мөшина турган жойни танладим. Бу жой “Вальдекер гоф” меҳмонхонасининг рўпарасида, гавжум мавзеда эди. Кўп туриб қолмасам керак. Мөшинани ўтириб, ташқарига чиқдим. Олдинда турган таксиларнинг биридан чарм пальто кийган йигит тушиб, менга қараб кела бошлади.

— Йўқол бу ердан! — деди у қовофини солиб.

Хотиржам қараб туравердим, мабодо муштлашишга тўғри келса, иягининг остига бир мушт уриб, қулатиш керак, деган ўй кечди кўнглимдан. Кийими кўпол, ўзини дарров ҳимоя қилолмайди.

— Тушунмадингми? — деди у ва оёғимнинг остига оғзидағи сигаретасини туфуриб ташлади. — Йўқол, деяпман! Ўзимиз етарлимиз! Ортиқча нонхўрнинг кераги йўй!

Унга яна битта мөшина тиркалагани ёқмаётганди. Лекин менинг ҳам ҳаққим бор-ку бу ерда туришга.

— Арақ қўяман, — дедим мен.

“Хўй” дея қолса бўларди. Чунки таомил шунақа: янги қўшилган одам арақ қўйиши керак. Ёнимизга ёшгина бир шоффер келди.

— Майли, ҳамкасб. Тегма унга, Густав...

Аммо Густавга нимамдир ёқмаётганди, эҳтимол, мени ҳаваскор киракаш, деб ўйлаётгандир.

— Учгача санайман...

Бўйи мендан бир қарич баланд, шунга ишоняпти, шекилли.

Муросага кўнадиганга ўхшамайди. Ё кетиш, ёки солишиш керак.

— Бир, — деди Густав ва пальтосининг тутмаларини ечди.

— Қўйсанг-чи, — дедим уни шаштидан қайтариш умидида. — Ундан кўра, озгинадан отайлик.

— Икки... — тўнгиллади у.

Сезиб турибман, пўстагимни қоқмоқчи.

— Яна бирни қўшса...

<sup>1</sup> Давоми. Боли ўтган сонда.

У фуражкасини орқага сурди.

— Бас қил, тентак! — деб бақирдим бирдан. Густав анграйиб қолди, сўнг бир қадам олдинга ташлаган эди, мен учун қулай жойга келиб қолди. Яшин тезлигида ияги остига мунт солдим. Буни менга Кестер ўргатган эди. Бокс усулларини яхши билмасдим, машқ қилишни ҳам ортиқча дахмаза деб ҳисоблардим. Ҳаммаси биринчи зарбага боғлиқ. Мўлжални тўғри олган эканман. Густав “турс” этиб йўлкага афдариди.

— Феълига яраша,— деди ёш шофёр. — Ҳаммага тирғалгани тирғалган. — Биз Густавни моцинаси олдига судраб бориб, ўриндиққа ташладик. — Ҳечқиси йўқ, ҳадемай ўзига кеп қолади.

Кайфиятим бузилган эди. Бунинг устига, бош бармоғимни нотўғри буқлаган эканман, урган пайтимда лат елти. Агар Густав ўзини тез ўнглаб олганда, мени дабдала қиласди. Ёш шофёрга шуларни гапириб, энди мен кета қолай, дедим.

— Парво қилма,— деди у. — Бўлар иш бўлди. Пивохонага кирамиз — озигина эрийсан. Касбинг шофёрлик эмас, тўғрими?

— Тўғри.

— Мен ҳам актёрман.

— Ие. Бу ёғи қандоқ бўлди?

— Яшаб юрибман,— деди у. — Бу ернинг ҳам театрдан қолишадиган жойи йўқ.

Пивохонага беш киши кирдик — икки қария ва уч нафар ёш. Кўп ўтмай, Густав ҳам келди. У бизга ёв қарашиб қилиб, столга яқинлаши. Чап қўлим билан чўнтағимдаги бир шода калитни пайпаслаб қўйдим: яна тирғалса, охиригача олишаман.

Лекин бундай бўлмади. Густав стулни оёғи билан орқага суриб, ўзини таппа ташлади. Пивохона эгаси унинг олдига қадаҳ келтириб қўйди. Густав бошқаларга қўшилиб, ичворди. Яна қўйилди. Густав менга кўз қирини ташлаб, қадаҳни кўтарди.

— Омон бўл, — деди у афтини бужмайтириб.

— Ўзинг ҳам, — жавоб бердим унга ва қадаҳни бўшатдим.

Густав ёнидан сигарета қутисини чиқазди-да, қўзимга қарамасдан, мен томон узатди. Бир донасини олиб, унга олов тутдим. Кейин яна арак буюрдим. Ичдик.

— Каллаварам! — деди у менга очиқ юз билан қараб.

— Тўпори! — жавоб қайтардим ўша оҳангда.

— Зарбанг ёмон эмас...

— Тасодиф... — Унга лат еган бармоғимни кўрсатдим.

— Шошгансан-да, — деди у кулиб. — Дарвоқе, иссимим Густав.

— Менники — Роберт.

— Ўпти. Ўтган ишга салавот, Роберт. Сени онасининг этагига ёпишиб юрадиган бола, деб ўйлабман.

— Унутамиз буни, Густав.

Шу дақиқадан бошлаб дўст бўлиб қолдик.

Мошиналар аста-секин ўрнидан қўзғала бошлади. Актёр, исми Томми, вокзалга қараб жўнади. Густавга сал наридаги ресторонга борадиган мижоз тўғри келди. Унинг роса энсаси қотди. Чунки арзимаган пул олади-да. Бир зумда қайтиб келиб, яна навбатта туриши керак. Менга худо берди — кекса бир инглиз аёли, шаҳарни томоша қилдирасиз, деб қолди. У билан бир соатча айландим. Қайтища яна икки-утта мижозга хизмат қилдим. Тушликка пивохонага тўпланиб, бутерброд еб ўтиргани мизда ўзимни минг ўйллик таксичидай ҳис этардим. Ҳайдовчилар орасидаги муносабат собиқ куролдошларнинг меҳр-оқибатини эслатарди. Булар турли касб эгалари эди. Тўплангандарнинг ярми ҳақиқий шофёр бўлса, қолганлари тирикчилик важидан рулга ўтиришганди.

Кечга яқин ҳориб-чарчаб, устахонага кириб бордим. Ленц билан Кестер кутиб ўтиришган экан.

— Хўш, оғайнилар, қанча пул топдинглар? — деб сўрадим улардан.

— Етмиш литр бензин сотдик, — деди Юпп.

— Бор-йўғи шуми?

Ленц ғижиниб осмонга қаради.

— Бир ёмғир қўйсади! Кейин дарвозамиз олдида мошиналар сирпаниб, тўқнашиб кетса, лекин ҳеч ким жабрланмаса! Роса ишга кўмилиб кетардик-да.

- Кўриб қўйинглар! — Кафтимда турган ўттиз беш маркани кўрсатдим.
- Э, қойил! — деди Кестер. — Йигирма маркаси соф фойда. Бугун шуни ишлатамиз. Биринчи рейсни ювишимиш керакми-йўқми?
- Вино ичамиз, — деди Ленц.
- Вино? — ҳайрон бўлдим. — Нима учун вино?
- Чунки Пат бирга бўлади.
- Пат?
- Нега ажабланасан? — деди ашаддий саргузашт ишқибози, — аллақачон келишиб қўйганимиз. Соат еттида олиб кетишимиш керак. Огоҳлантириб қўйганимиз. Сен ўйламаганингдан кейин биз ўйлаймиз-да. Ахир у билан биз туфайли танишгансан-ку.
- Отто, — Кестерга мурожаат қилдим, — бу сурбетни нима қилса бўлади?
- Кестер кулиб юборди.
- Қўлингга нима қилди? Эгиброқ турибсан.
- Чиққангага ўҳшайди. — Густав билан бўлган воқеани галириб бердим.
- Ленц бармогимга кўз ташлади.
- Чиққан! Насроний ва собиқ тиббиёт талабаси сифатида, ўлгудай тўнг бўлишингга қарамай, уқалаб қўяман. Юр, бокс чемпиони.
- Устахонага кирдик. Готтфрид ёғ суртиб, қўлимни уқалай бошлади.
- Патга, таксичилик фаолиятимизнинг бир кунлик юбилейини нишонлаймиз, дедингми, тентак? — сўрадим ундан.
- У хуштак чалиб қўиди.
- Ҳа, уяласизми, йигитча?
- Ўчир, — жеркиб бердим уни. Аммо Ленц тўғри гапирган эди. — Шунаقا дедингми?
- Мұҳаббат, — деди у кўзини лўқ қилиб, — гўзал нарса. Лекин одамни бузади.
- Ёлғизлик эса беандиша қилиб қўяди, тушундингми?
- Андиша — бирорвнинг хатосини айтмаслик ва уни тузатмаслик хусусида ёзилмаган норасмий битим. Жирканч муроса. Немис фахрийси бу йўлга юрмайди, жигаргўшам.
- Мабодо бир аёл телефон орқали таксингни чақирсаю кейин бу аёл Пат экани маълум бўлса, нима қилган бўлардинг? — деб сўрадим ундан.
- Ленц илжайди.
- Айтган жойига олиб бориб қўярдим, лекин пул олмасдим.
- Уни итариб ташладим.
- Ҳа, ярамас! Шу қилганингга, кечқурун олдига таксида бораман.
- Тўппа-тўғри! — деди Готтфрид бармогини тепага кўтариб. — Фақат эркингни кўлдан берма! Эрк мұҳаббатдан қимматроқ нарса. Аммо инсон буни кеч тушунади. Таксини эса беролмаймиз. Фердинанд Грау билан Валентин сўраган. Бугун жиддий ва улкан зиёфат бор.

Биз шаҳар четидаги кичкина ресторон чорбоғида ўтирардик. Ўрмоннинг шундоқцина тепасида қип-қизил машъаладай бўлиб намиқкан ой осилиб турипти. Каштан гулларининг рангиз сильчироқлари милтиллайди, теварак-атрофни сиреннинг кишини маст қилувчи ҳиди тутиб кетган, стол устида оқ вино тўла каттакон шиша жом. Сўнаётган шафақ жом ичида кўкимтири-садаф рангида товланади. Келганимиздан бўён вино идиши тўрт марта тўлдириди.

Фердинанд Грау раислик қиласади. Унинг ёнида Пат ўтирипти. Кўйлагига Фердинанд тақдим этган оқиши-пуштиранг гулни қадаб олган.

Фердинанд қадаҳига қўнган капалакни тутиб олиб, авайлаб столга қўиди.

— Мана бунга бир қаранглар, — деди у. — Қанотларига разм солинглар! Энг тоза кимхоб ҳам бу қанотлар олдида латтага ўҳшаб қолади. Афсуски, шундоқ жонивор бир кунгина умр кўради. — У ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. — Дунёда энг даҳшатли нарса нима, биласизларми?

— Бўш турган стакан, — деди Ленц.

Фердинанд унга ижирғаниб қаради.

— Эркак киши учун майнавозлиқдан ортиқ шармандалик йўқ, Готтфрид. — Кейин яна бизга юзланди: — Энг даҳшатли нарса, бу — вақт, оғайнилар. Вақт. Биз яшаетган ва ўзимиз ҳеч қаҷон измимизга сололмайдиган дақиқалар.

У чүнтагидан соатини чиқазиб, Ленцнинг кўзига тутди.

— Мана, шилқим дўстим! Дўзах мопинаси бу. Тўхтовсиз чиқиллайди, узлуксиз фано эшигини қоқади. Сен тоғ кўчкисини тўхтатиб қолишинг мумкин, аммо буни тўхтатолмайсан.

— Тўхтатмоқчи ҳам эмасман, — деди Ленц. — Тинчгина қаримоқчиман. Қолаверса, менга ҳаётдаги ранг-баранглик ёқади.

— Инсон учун бу жудаям оғир, — деди Грау, Готтфридга эътибор бермай. — Чидаб бўймайдиган даражада оғир. Шунинг учун ҳам одам орзуни, абадият ҳақидаги қадимий, жозибали, аммо икки дунёда ҳам ушалмайдиган орзуни ўйлаб топган.

Готтфрид кулиб юборди.

— Фердинанд, дунёнинг энг оғир дарди — тафаккур! Дарди бедаво бу.

— Агар фақат шу бўлганда, сен ҳеч қачон ўлмасдинг, — жавоб берди унга Грау. — Сен — углеводлар, оҳак, фосфор ва темирнинг ер юзида Готтфрид Ленц деб аталмиш муваққат қоришмасисан.

Готтфрид яйраб кулди. Фердинанд ҳурпайган сочини орқага силкиди.

— Оғайнилар, ҳаёт, бу — касаллик, инсон туғилиши билан ўлим бошланади. Ҳар нафас олиб-нафас чиқаришда, юркнинг ҳар бир зарбида ўлим зарралари бор — булар бизни мұқаррар жаҳаннамга етаклади.

— Ҳар қултум арақ ҳам шу вазифани бажаради, — деди Ленц. — Сенинг соғлигингга, Фердинанд! Аслида ўлимдан осон нарса йўқ.

Грау қадаҳини кўтарди. Унинг патнисдек юзидан, унсиз чақинданай, табассум сирғалиб ўтди.

— Омон бўл, Готтфрид! Сен — вақт чақиртоилари устида сакраб юрган бургасан. Сени яратायтганда қодир эгам нимани ўйладиийкин?

— Бу унинг шахсий иши. Дарвоқе, Фердинанд, сал ўйлаб гапирсанг бўларди. Агар одамлар безавол яшайверишса, сен иш сез қоласан-ку, ўлимнинг кекса ювиндихўри!

Фердинанднинг елкалари силкинди. У куларди. Кейин Патга мурожаат қилди:

— Сув мавжида ёлғиз тебранаётган нилуфар биз вайсақилар устидан кулиб ўтиргандир?

Сўнг Пат билан боғни айландик. Ой энди анча тепага кўтарилган, ўтлоқлар кумушдай товланарди. Даражатларнинг узун, қоп-кора соялари худди борса келмасга ундаётган ўйл кўрсаткичларга ўшшарди. Кўл бўйига тушиб, яна орқага қайтдик. Йўлда Ленцга дуч келдик. У ҳам боғ ичкарисида, сиренъ тагига кўйилган буклама стулда ўтиради. Ошпоқ жингалак соchlари ва сигарета чўфи ним қорониликда яққол кўзга ташланарди. Ёнида вино идиши билан бокал.

— Зўр жойни топибсиз! — хитоб қилди Пат. — Атрофингиз нуқул сиренъ.\*

— Ҳа, яхши жой. — Готтфрид ўрнидан турди. — Марҳамат.

Пат стулга ўтириди. Гуллар орасида чехраси янаям очилиб кетган эди.

— Сиренъ жиннисиман, — деди ашаддий саргузашт ишқибози. — Сиренъ мен учун ватан тимсоли. Минг тўққиз юз йигирма тўртинчи йилнинг баҳорида Германияда ҳадемай сиренъ гуллашини эслаб, Рио-де-Жанейродан шартта бу ёққа қараб жўнаворганман. Кечикканман, албатта. — Готтфрид кулиб қўйди. — Доим кечикиб юраман.

— Рио-де-Жанейро... — Пат сиренъ шохчасини ўзига тортди. — Робби билан бирга бўлгансизлар-да у ерда?

Готтфрид дудуқланиб қолди. Менинг этим жимиirlашиб кетди.

— Ой роса тўлишипти-да! — дедим шошиб ва Ленцнинг оёғини секин босиб қўйдим.

Сигарета чўбининг ёруғида Ленцнинг кулимсираб, менга кўз қисганини пайқадим. Елкамдан тоғ афдарилгандай бўлди.

— Йўқ, унда бирга эмас эдик, — деди Ленц. — Ёлғиз ўзим эдим. Яна бир ҳўпламдан ичмаймизми?

— Етади, — деди Пат. — Мен бунақа кўп ичолмайман.

Шу пайт Фердинанд чақириб қолди, бинога қайтдик.

У эшик олдида тоғдай бўлиб турарди.

— Киринглар, болаларим, — деди у. — Бизга ўхшаган одамлар тунда табиат билан мулоқотда бўймаслиги керак. Табиат тунда ёлғизликни хуш кўради. Дехқон ёки

балиқчи бўлганимизда бошқа гап эди. Биз шаҳарликлармиз, ҳис-туйғуларимиз ўтмаслашиб кетган...— У қўлини Готтфриднинг елкасига қўйди. — Тун — табиатнинг цивилизация иллатига қарши исёни, Готтфрид. Ўзини билган одам бу ҳолга узоқ бардом беролмайди. У дараҳтлар, ўт-ўланлар, жониворлар, юлдузлар оламидан ва умуман, онгиз ҳаётдан қувилганини бари бир сезади. — Фердинанд ғалати жилмайди, аммо бу табассумда дард кўпми, қувонч кўпми — билиб бўлмасди. — Киринглар, жигарларим! Хотиралар чўғида исинамиз. Ҳали бизчувалчанг ва қалтакесак бўлган ажойиб пайтларимизни эслаймиз, — алқисса, эллик ёки олтмиш минг иyllлар муқаддам... Ё парвардигор, ўшандан бўён қанчалар тубанлашиб кетдиг-у...

У Патнинг қўлини олди.

— Агар гўзаликни ҳис этиш туйғуси озгина бўлса ҳам сақланиб қолмаганда ҳамма нарсадан жудо бўлардик. — Фердинанд паншиҳадай бармоқлари билан қизнинг кафтини авайлабгина ушлаб, ўз тирсаги остидан ўтказди. — Тубсиз жарлик тенасида илиниб турган кумушранг юлдуз,— алмисоқдан қолган қария билан озгина ичмайсизми?

— Майли,— деди Пат. — Сиз нима дессангиз — шу.

Улар ичкарига кириши. Фердинанднинг ёнида Пат унинг қизига — эртаклар қаъридан чиқиб келган ҳорғин паҳлавоннинг нозик-ниҳол, аммо довюрак қизчаси-га ўхшарди.

Соат ўн бирда шаҳарга қайтдик. Валентин таксида Фердинандни олиб кетди. Қолгандаримиз “Карл”га ўтиридик. Тун илик эди. Кестер айланма йўлни танлади, биз йўл бўйида мудраб ётган бир неча қишлоқлардан ўтдик. Гоҳида яккам-дуккам чироқлар кўзга ташланар, ёлғиз итнинг вовиллагани эшитилиб қоларди. Ленц олдинда, Оттонинг ёнида ўтириб, хиргойи қиларди. Пат иккаламиз орқа ўриндиқقا ястаниб олгандик.

Кестер мошинани беозор ҳайдарди. Муюлишлардан қалдирғочдай силлиқ бурилар, гўё бундан ўзи ҳам роҳат қиласарди. Баъзи пойгачиларга ўхшаб, бесаранжом юрмасди. Ҳатто айланма довонларда ҳам мошина қилт этмас, одам бемалол ухласа бўларди. Тезлик ҳам билинмасди.

Ғилдиракларнинг овозидан қанақа йўлдан кетаётганимизни сезиб ўтирадик. Асфальт йўл бўлса, ғилдираклар шифиллайди, тош ётқизилган йўлда эса гувуллаган товуш эшитилади. Мошина чироқлари бир жуфт този итдай олдимизда чопиб бораар, гоҳ саф тортган қайнизорларни, гоҳ толзорлар ва ағдарилган симёроchlарни, гоҳида пастқам уйлар билан шумшайган ўрмон сўқмоқларини қоронгулик қаъридан сууриб чиқарди. Минглаб юлдузлар бағрида, ақл бовар қилмайдиган баландликда эса Сомон йўли гажак бўлволиб, оқиш тутун пуркарди.

Кестер мошинани тезлатди. Патнинг устига пальтомни ёпиб қўйдим. У менга қараб жилмайди.

— Севасанми? — сўрадим ундан.

Қиз бош чайқади.

— Сен-чи?

— Мен ҳам севмайман. Қандай баҳтиёрмиз-а, тўғрими?

— Албатта.

— Унда бизга жин ҳам урмайди, нима дединг?

— Бало-қазо биздан узоқ юради, — жавоб берди Пат ва қўлимни олди.

Темир йўл ёнидан кета бошилади. Пўлат излар ярқиради. Олисда қизил чироқ кўринди. “Карл” ўкириб, олдинга ташланди. Бу юмишоқ вагонлари ва ёп-ёргу ресторани бор тезюар поезд эди. Ҳаш-паշ дегунча унга етиб олдик. Йўловчилар қўл силкий бошлилаши. Эътибор бермадик. “Карл” поездни қувиб ўтди. Орқага қарасам, паровоз учқун аралаш тутун буркситиб, бизга ҳамла қилиб келаётгандай туюлди. Поездни қувилга қувиб ўтдиг-у, аммо биз шаҳарга, таъмирлаш устахонаси ва ҳароб кулбамизга қайтаётгандик. Паровоз эса пишқирганча дарёлар, ўрмон ва далалар оралаб, олис-олисларга — гаройиб ўлкаларга ошиқарди.

Рўпарадан кўчалар ва уйлар чайқала-чайқала бизга қараб сузиб келарди. “Карл” секинлади, аммо ҳамон айқидай ўкириб борарди.

Кестер қабристон яқинида тўхтади. У Патнигига ҳам, менинига ҳам бормади, яқин атрофда тўхтаб қўя қолди. Балки бизни холи қолдирмоқчи бўлгандир. Мошинадан тушидик. Кестер билан Ленц қайрилиб ҳам қарамай, жўнаворишиди. Орқала-

ридан қараб қолдим. Бирдан ғалати бўлиб кетдим. Дўстларим кетишиди, мени ташлаб кетишиди...

Бир силкиниб қўйдим.

— Юр, — дедим Патга. У ҳолатимни сезгандай:

— Ўшалар билан кетавермадинг-да, — деб жавоб берди.

— Кетмайман.

— Кетгинг келиб турувди-ку.

— Ана холос, — дедим унинг ҳақлигини билсам-да. — Юр.

Биз қабристон ёнидан аста юра бошлидик.

— Робби, — деди Пат, — уйга бора қолай.

— Нега энди?

— Мен туфайли нимадандир воз кечишинингни хоҳламайман.

— Нималар дёяпсан? Нимадан воз кечибман?

— Ўртоқларингдан.

— Воз кечганим йўқ, эрталаб кўришамиз.

— Нимани назарда тутаётганимни сезиб турибсан, — деди у. — Илгари улар билан кўпроқ бирга бўлардинг.

— Чунки у пайтда сен йўқ эдинг. — Шундай деб, эпикни очдим.

У бош чайқади.

— Гап унда эмас.

— Албатта, унда эмас. Худога шукур!

Патни йўлакдан кўтариб ўтдим.

— Сенга ўртоқларинг керак, — деди у. Лаблари юзимга қарийб тегиб турарди.

— Сен ҳам кераксан.

— Унчаликмас...

— Кўрамиз ҳали...

Хона эшигини очдим, у мени қўйиб юбормай, ерга сирғалиб тупди.

— Яхши ўртоқ бўлолмайман, Робби.

— Умид қиласман. Менга аёл ўртоқнинг кераги йўқ. Менга маҳбуба керак.

— Маҳбуба ҳам эмасман, — деди у.

— Кимсан бўлмаса?

— Чала ҳам эмасман, бутун ҳам эмасман... Шунчаки... бир парчаман...

— Айни муддао. Ҳаёлни қитиқлайди. Бунақа аёлларни умрбод севинциди. Тугал аёллар тез жонга тегади. Ҳаддан ташқари мукаммаллари ҳам. Аммо “парча”лар ҳамиша ўзига маҳлиё этаверади.

Эрталаб соат тўрт эди. Патни кузатиб қўйиб, уйга қайтардим. Осмон ёриша бошлиди. Тонг нафаси уфурарди.

Қабристон, сўнг “Интернациональ” қаҳвахонаси ёнидан ўтдим. Кутилмаганда касаба ўюшмалари биносининг биқинидаги шоффёрлар ошхонаси эшиги очилиб, қаршимда бир қиз пайдо бўлди. Боншида кичкина берет, эгнида эски қизил пальто, оёғида пошнаси баланд ялтироқ ботинка. Бепарво ўтиб кетмоқчи эдим, бирдан таниб қолдим.

— Лиза...

— Сени ҳам кўрадиган кун бор экан-ку.

— Нима қилиб юрибсан?

У ошхонага ишора қилиди.

— Ўтиб қоласан деб, ичкарида кутиб ўтирган эдим. Ҳар доим шу пайтда уйингга ўтасан-ку.

— Тўғри.

— Мен билан борасанми?

Дудуқланиб қолдим.

— Иложи йўқ...

— Пул керакмас, — деди у шоша-пиша.

— Гап бунда эмас, — жавоб бердим ўйламай-нетмай. — Пулим бор.

— Э, шунақами... — деди Лиза истеҳзо билан ва кетишга чоғланди.

Кўлидан маҳкам ушладим.

— Йўқ, Лиза...

Озғин, ранги бўздек оқариб кетган қиз ҳувиллаган, бўм-бўш кўчада хомуш турарди. Бундан кўп йиллар муқаддам, бир ўзим бемақсад, ноумид, чор-ночор юрган кезларимда уни ана шундай қиёфада учратгандим. Аввалига, ўзига ўхшаган бошқа қизлар каби, гумонсираб юрди, аммо уч-тўрт марта гаплашганимиздан сўнг, менга буткул боғланди-қолди. Муносабатларимиз ғалати эди. Баъзан ҳафталааб кўриш масдик. Кейин у мени бирор йўлқада пойлаб турган бўларди. Ўша пайтда иккала миз ҳам ёлғиз эдик, бир-биримизга ҳадя этадиган қиттайгина тафт ҳам биз учун катта давлат эди. Мен унга анчадан бўён, тўрироғи, Пат билан танишганимдан бўён дуч келмагандим.

— Нега кўринмай кетдинг, Лиза?

У елкасини қисди.

— Сенга бари бирмасми? Яна қўргим келди... Майли, кетишим мумкин...

— Турмушинг қалай?

— Қўйсанг-чи, — деди у. — Бошингни оғритиб нима қиласан...

Қизнинг лаблари титрарди. Қорни оч бўлса керак, деган ўй кечди кўнглимдан.

— Бир оз айланайлик, — дедим унга.

Юзидағи фоҳишаларникига хос лоқайдлик бир зумда ғойиб бўлиб, чехраси очи-либ кетди. Йўл-йўлакай тун бўйи ишлайдиган ошхонадан егулик у-бу нарса харид қилмоқчи бўлдим. Лиза олдинига кўнмади, ўзимнинг ҳам қорним оч, деганимдан кейингина рози бўлди. Гўштнинг нобоп бўлакларини қўшиб юбормасликлари учун кўз узмай қараб турди. Ярим қадоқ оламан, десам, унамади, чорак қадори ҳам етади, озгина сосиска қўшиб ола қол, деди. Мен бари бир ярим қадоқ дудланган гўшт билан икки банка сосиска харид қилдим.

Лиза омборхонани эслатувчи чордоқда яшарди. Стол устида керосин чироқ, каравот ёнида шиша оғзига тиқиб қўйилган шам. Деворларга журнallардан қирқиб олинган суратлар ёпишириб ташланган. Пастак жавон устида уч-тўртта саргузашт романлар билан беҳаё расмлар солинган конверт турипти. Айрим меҳмонлар, ай-никса уйланганлари, бу расмларни томоша қилишни хуш кўришади. Лиза конвертни ғаладонга ташлаб, эски, лекин топ-тоза дастурхон олди.

Харид қилинган нарсаларни столга қўя бошлидим. Лиза кийимини алмаштириди. Аввал ботинкасини эмас, кўйлагини ечди. Ҳайрон бўлдим. Ахир, доим оёқ оғрифидан шикоят қиласарди-ку. Кечалари озмунча ютурадими? У хона ўртасида кўнжи қарийб тиззасигача келадиган ялтироқ ботинка ва қоп-қора ички кўйлакда турарди.

— Қалай, оёғим ёқадими? — сўради у.

— Зўр.

Жавобимдан енгил тортиб, каравот четига ўтириди-да, ботинка ипларини еча бошлиди.

— Юз юигирма марка туради, — деди Лиза ечилган бир пой ботинкасини кўрсатиб. — Шунча пулни топгунимча, титифи чиқиб кетади.

У жавондан яхши кунларидан хотира бўлиб қолган енги кенг шойи кўйлаги билан уйда кийиладиган юмшоқ туфлисини олди; шу асно айбдор кишидай кулим-сираб қўйди. У менинга ёқипга ҳаракат қиласарди. Бирдан томогимта алланима қадали, худди хароб бу кулбада яқин кишим қазо қилгандай, кўнглим бузилиб кетди.

Тамадди баҳона у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиридик. У мендаги ўзгаришни пайқа-ганди. Кўзларидаги ҳадик шундан далолат берарди. Орамизда ҳеч нима бўлмаганди. Балки худди мана шу нарса одамларни бир-бирига боғлаб, бир-бирининг олдида бурчдор қилиб турар. Ўрнимдан турдим.

— Кетасанми? — деди у, боядан бери шундан хавотирланаётгандай.

— Яна битта учрашувим бор...

У менга таажжубланиб қаради.

— Шу пайтда-я?

— Зарур иш, Лиза. Бир одамни топишим керак. У шунаقا пайтда кўпинча “Астория”да ўтиради.

Лизага ўхшаган қизлар бунаقا нарсани тез илғашади. Уларни алдаб бўлмайди. Лизанинг тузи ўзгариб кетди.

— Бошқа аёлинг бор...

— Биласанми, Лиза... кўришмаганимизга анча бўлди... қарийб бир йил... Тушунасан-ку...

— Йўқ, йўқ, буни айтмаялман. Севадиган аёлинг бор, демоқчиман. Ўзгарибсан. Сезиб турибман.

- Вой, Лиза-ей...
- Ростини айт!
- Ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол...
- У бир оз жим тургач, бошини силкитди.
- Ҳа... албатта-да... Тентакман-а... Орамизда ҳеч нарса йўқ-ку... — У пепонаси-ни ишқалади. — Нега тирғаляпман ўзи...

Унинг озгин, пажмурда гавдасига қарадим. Юмшоқ туфли... енги кенг кўйлак... сўнгсиз кечалар... хотиралар...

— Хайр, Лиза.

— Кетасанми?.. Бирлас ўтирумайсанми? Дарров кетасанми?..

Нимага шама қилаётганини тушуниб турардим. Лекин мен бундай қилолмас-дим. Ўлай агар, қилолмасдим бу ишни! Буни бутун вужудим билан сезаётгандим. Илгари сира бунаقا бўлмаганди. Садоқат ҳақидаги тасаввурим ҳам ҳамин қадар эди. Аммо ҳозир сира иложи йўқ. Баногоҳ бундай ишлардан нақадар узоқлашиб кетганимни ич-ичимдан ҳис этдим.

Қиз остонада турарди.

— Кетаман, дегин... — деди у ва шу заҳоти жавон олдига чопиб борди. — Ма, газета остига пул қистириб қўйганингни биламан... кераги йўқ... ма, ушла... энди бор... боравер...

— Унақа қилма, Лиза.

— Энди келмайсан...

— Келаман, Лиза...

— Йўқ, йўқ, бошқа келмайсан, биламан! Келмай кўя қол! Бор, борсанг-чи... — У йиғларди.

Орқамга қарамай, нарвондан пастга тушдим.

Яна анчагача кўчаларда довдираб юрдим. Фалати тун бўлди бу гал.

Қаттиқ ҷарчагандим, бинобарин, ухломаслигимни билардим. “Интернациональ” ёнidan ўтаётib, Лиза ҳақида, ўтган йиллар ва аллақачон унтилган яна кўп нарсалар тўғрисида ўйладим. Ҳаммаси олис ўтмипига айланганди, гўё буларнинг менга энди дахли йўқдай. Кейин Пат яшайдиган кўчадан ўтдим. Шамол зўрайди, уй деразалари ҳали қоп-қоронги, тонг йўлак эшикларига бош уради. Ниҳоят, уйга қайтдим. “Э, худо, — дедим ичимда, — наҳот баҳтим очилган бўлса”.

## XIII

— Доим биздан яшириб юрадиган аёлингизни, — деди фрау Залевски, — яшири-май кўя қолинг. Тортинмай, бемалол келаверсин. Менга маъқул бўлди.

— Сиз уни кўрганингиз йўқ-ку, — эътиroz билдиридим унга.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, кўрганман, — деди фрау Залевски маънодор оҳангда.

— Ҳа, кўрганман, менга ёқди. Жудаям ёқди. Лекин тенгингиз эмас.

— Шунақа денг.

— Ҳа, шунақа. Қанаққиб тузоққа илинтиридингиз, ҳайронман. Дарвоқе, сиздан кутса бўлади.

— Мавзудан четлашяпмиз, — унинг гапини бўлдим.

Фрау Залевски иккала қўлини белига кўйди.

— Бу аёл ўзига тўқ одамга муносаб, яъни бадавлат йигитнинг tengи!

“Ана холос, — дедим ичимда, — бу ёғи қандоқ бўлди? Боплади-ку”.

— Ҳар қандай аёл тўғрисида ҳам шундай дейипингиз мумкин, — жавоб бердим жаҳл билан.

У оппоқ жингалак соchlарини орқага силкиди.

— Кўрамиз! Ҳақлигимни келажак кўрсатади.

— Э, келажак денг! — Енгимдаги илматугмани чиқазиб, столга отдим. — Ким ҳозир келажак тўғрисида гапиради?! Бу ҳақда бош қотиришнинг нима кераги бор?!?

Фрау Залевски улкан бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман. Ўтмиш сизларга ёқмайди, бугунги кундан нафратланасизлар, келажак билан ишинглар йўқ. Охири баҳайр бўлсин-да ишқилиб.

— Бахайр деганды нимани тушунасиз? — сүрадым ундан. — То шунгача ҳамма нарса бехайр кечган бўлса, охирини бахайр дейиш мумкин. Ундан кўра охири бехайр бўлгани тузук.

— Буларнинг бари жуҳудча сафсалар, — эътиroz билдириди фрау Залевски виқор билан ва шартта бурилиб, кета бошлади. Аммо эшик қабзасини ушигиди, қоқсан қозикдек туриб қолди. — Сизникими? — шивирлади у энтикиб. — Ёпира!

У Отто Кестернинг жавон эшигига осиғлик турган қайтарма ёқали қора мовут костюмига бақрайиб қолганди. Костюмни кечқурун Пат билан театрга тушиши учун Оттодан бир кунга сўраб олгандим.

— Ҳа, менини! — дедим зарда билан. — Бехато хulosалар чиқариш қобилиятинги газа тан бериш керак, бекам!

У менга бир муддат тикилиб турди. Гўштдор юзидағи фикрлар түғёни заҳарханда билан алмашинди.

— Шунақа денг! — Кейин яна қайтарди: — Шунақа денг! — Бунақа кашфиётлар қилғанда аёл киши тудиган беадад қувончдан буткул ўзгариб кетган фрау Залевски йўлақдан туриб, кишининг жиғига тегадиган оҳангда қичқирди: — Ҳали ишлар шунақа денг!

— Ҳа, ишлар шунақа, шайтоннинг урғочиси! — деб тўнғилладим орқасидан, биламанки, гапимни эшитмайди. Янги туфли солинган қутини жаҳл билан ерга улоқтирдим. Бадавлат йигитнинг тенги эмиш! Худди ўзим билмайдигандай!

Патни олиб кетгани кирдим. У ўз хонасида, аллақачон кийиниб, мени кутаётган экан. Унга қараб, нафасим ичимга тушиб кетди. Танишганимиздан бўён бунақа ясан-тусанда биринчи кўришим эди.

Ялтироқ кимхобдан бежирим тиқилган кўйлак кифтидан қарийб ергача тушиб турилти. Торга ўхшаб кўринса ҳам, бемалол қадам босишига халақит бермайди. Олди берқ, орқа томонида уч бурчак шаклидаги қирқими бор. Шом фира-ширасида Пат менга кумуш машғулани эслатди, у кутилмагандга ҳайратомуз даражада ўзгариб, байрамона қиёфада турар ва мендан жуда олислаб кетган эди. Фрау Залевскининг шарпаси, худди яна огоҳлантираётгандай, бармогини кўтарганча Патнинг ортидан арвоҳ янглиғ ўсиб чиқди.

— Яхшиям биринчи учрашган пайтимизда бу кўйлакда эмас эдинг, — дедим унга. — Яқинингга боролмасдим.

— Роса ишондим-да гапингга, Робби. — Пат ширин жилмайди. — Ёқмадими?

— Даҳшат-ку бу! Тамомила бошқа аёлга айланиб қопсан.

— Нимаси даҳшат! Кўйлакни шунинг учун кийишади-да.

— Эҳтимол, лекин мени адойи тамом қилдинг. Бундай кўйлакка бошқа эркак муносиб. Пулдор эркак муносиб.

Пат кулиб юборди.

— Пулдор эркаклар кўпинча жирканч кимсалар бўлишади, Робби.

— Аммо пул жирканч нарсамас-ку?

— Тўғри. Пул ундан эмас.

— Шунақа деб ўйлагандим.

— Сен бошқача фикрдамисан?

— Йўқ, нега энди? Тўғри, пул одамни баҳти қилолмайди, лекин ниҳоятда таскин беради.

— Пул даҳлсизликни таъминлайди, азизим, бу ҳазилакам гап эмас. Майли, бошқа кўйлагимни кия қоламан.

— Асло. Жудаям ярашилти. Бугундан бошлаб чеварларни файласуфлардан устун қўяман. Чеварлар ҳаётга гўзаллик баҳши этишади. Бу ҳар қандай фикрдан юз карра қимматлироқ, фикр ҳатто тубсиз қудуқдан чукурроқ бўлган тақдирда ҳам. Эҳтиёт бўл, севиб қолмайн тағин!

Пат кулади. Сездирмай у ёқ-бу ёғимга қараб кўйдим. Кестер мендан новчароқ эди, почаси ерни супуриб юрмаслиги учун шимни тўғнағиҷ билан кўтариб кўйгандим. Ҳайрият, билинмаяпти.

Такси тутиб, театрга жўнадик. Мендан садо чиқмасди, сабабини билмайман. Йўлкирани тўлаётшиб, ҳайдовчига разм солдим. Соқоли ўсиб кетган, кўриниши ҳорғин. Кўзларининг жияги қизариб турилти. Пулни лоқайдик билан олди.

— Тушум қалай бугун? — сўрадим секин.

У менга бир қараб қўйди. Бекорчи, миракуруқ бир йигит, деб ўйлади шекилли:

— Борига барака, — деди энсаси қотиб.

Сездимки, гаплашгиси келмаяпти.

Шу тобда унинг ўрнига ўтириб, жўнаворгим келди. Кейин ёнимда сарвдай бўлиб Пат турганини кўрдим. Ялтироқ кўйлаги устидан худди шу рангдаги енглари кенг калта камзул кийиб олган эди. У гўзал эди.

— Бўла қол, Робби, ҳозир бошланади! — деди Пат типирчилаб.

Киравериша одам гавжум. Бугун катта премьера. Прожекторлар театр майдонини чароғон қилиб юборган. Бирин-кетин мосиналар келиб турипти. Улардан ажабтовур кийинган, қимматбаҳо тақинчоқлар тақсан аёллар, юзидан қон томиб турган, шоду хуррам, бегаму беташвиш эркаклар тушишяпти. Ҳорғин ҳайдовчи ўтирган эски такси олифта кимсалар тўплантган бу ошённи чийилаганча тарк этди.

— Юра қолсанг-чи, Робби! — қистай бошлади Пат, қўзларимга жовдираб қараб. — Бирор нарсангни унутдингми?

Мен атрофимдаги кишиларга баддохлик билан назар ташладим.

— Йўқ. Ҳеч нарсанни унуттаним ийк.

Кейин кассага бориб, чипталарни алмаштирудим. Нархи осмонда бўлса ҳам ложага иккита жой олдим. Ҳамма муаммолари ҳал бўлган бекаму кўст одамлар орасида Патнинг ўтиришини хоҳламасдим. Унинг шулар тоифасига дахлдор бўлишини истамасдим. Пат фақат мен билан бўлиши керак.

Театрга тушмаганимга анча бўлди. Пат қистамаганида бугун ҳам келмасдим.

Театрлар, концертлар, китоблар — буларнинг баридан аллақачон кўлимни ювиб, кўлтиққа урганман. Улар замон руҳига мос эмас. Сиёсат ҳар қандай театрнинг, тунги отишмалар ажойиб концертларнинг, одамзот эҳтиёжидан иборат улкан китоб бутун бошли кутубхонанинг ўрнини босади.

Театр томошабинларга лиқ тўла эди. Жойимизга ўтиришимиз билан чирок ўчди. Фақат саҳна олдидаги чироқлар зални заифгина ёритиб турарди. Оркестр поёнсиз бир куйни бошладию гўё ҳамма нарса ўридан қўзғалиб, ҳавода муаллақ туриб қолди.

Кресломни ложанинг бир бурчига сурдим. Бу ҳолатда саҳна ҳам, томошабинларнинг хира чехралари ҳам кўринмасди. Фақат куй тинглаб, Патга термулардим.

“Гофманнинг эртаклари”га ёзилган мусиқа зални сеҳрлаб қўйганди. Куй жануб шабадаси, илик тун, юлдузлар остида сузиб кетаётган елканни эслатарди, ҳаётга буткул ўҳшамасди. Бепоён, жозибадор, ёп-ёруғ кенгликлар ўзига чорларди. Гўё бошка оламга хос қудратли тўлқин гувиллар, фам-андуҳ чекинган, чегаралар ғойиб бўлганди. Бу ерда фақат нафосат, оҳанг ва муҳаббат ҳукмрон эди. Шундок мусиқа бор жойда муҳтоҷлик, фам-кулфат ва умидсизлик бўлишига ақл бовар қиласди.

Саҳна шуъласи Патнинг юзидан нур бўлиб ёғиларди. У куйга маҳлиё бўлиб қолганди. У менга суйкалмас, қўлимни сийсаламас, бу томонга қараш у ёқда турсин, менинг ҳатто унтутиб юборганди. Мен уни шунинг учун севардим. Турли ҳолатларнинг бир-бирига қоришиб кетишини азалдан ёқтирамайман. Нафосат ва буюк санъат асари бўй кўрсатиб турганда одамларнинг бачкана қиликлари, имо-ипоралари ғапимни келтиради. Ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига мужмал кўз сузишлари, ошиқона суйкалиб-ишқаланишларини қўриб, жоним чиқиб кетади. Мен ўз қобигидан ҳеч қафони нари жиломмайдиган бундай беадаб, пуч бахтдан ҳазар қиласман. Севишганлар қалбининг қўшилиб, бир бутун бўлиб кетиши ҳақидаги сафсалаларни ҳам тан олмайман, зеро бундай кипшилар мутлақо омухта бўлиб кетмаслиги керак, янги учрашувларнинг лаззатини туйиш учун иложи борича бир-бирларидан нарироқ юрганлари маъқул. Кўп маротаба ёлғиз қолган одамгина суюклиси билан учрашув баҳтини ҳис қила олади. Бошка ҳамма нарсалар иштиёқ ва муҳаббат сеҳрини маҳв этади. Ёлғизлик кишанларини фақат ҳиссиятлар түгёни, бу түғённинг қақннат-қич зарбаси, жиловсиз қудрат, бўрон, тун, мусиқа ва... муҳаббатгина парчалай олади...

Чироқ ёнди. Бир лаҳзага кўзларимни юмдим. Ҳозиргина нималар ҳақида ўйладим? Пат ўтирилиб қаради. Томошабинлар эшикка қараб талпинаётганини кўрдим. Танаффус бошланган эди.

— Чиқмайсанми? — сўрадим ундан.

Пат бош чайқади.

— Яхши қиласан! Фойега чиқволиб, ўзини бозорга соладиганларни ёмон кўраман.

Патга апельсин шарбати олиб келишга чиқдим. Оломон буфетта ёпирилганди. Мусиқа кўпчиликнинг иштаҳасини очворади-да. Худди очарчилик бошлангандай, ҳамма ўзини иссиқ сосискага уради.

Шарбатни олиб, ложага қайтганимда Патнинг креслоси орқасида бир эркак турарди. Пат у билан қизгин гаплашаётганди.

— Роберт, бу киши жаноб Бройер, — деди Пат.

“Жаноб эшак”, — дедим ичимда ва унга сигир қарааш қилдим. Пат Робби эмас, Роберт, деди. Стаканни ложа тўсифига қўйиб, нотаниш кишининг кетишини кутдим. Унинг эгнида қора мовутдан қойилмақом қилиб тикилган қайтарма шойи ёқали костюм. Пат менга юзланди:

— Жаноб Бройер, спектаклдан кейин “Шаршара”га бормаймизми, деб сўраяпти. У ерда рақсга тушиш мумкин.

— Ихтиёрги.

Бройер ўзини баодоб тутар, умуман, менга маъқул бўлган эди. Фақат ундаги ортиқча назокат ёқмаётганди, чунки бу нарса менда йўқ эди. Айнан мана шу фазилати Патни ром этиши мумкин. Бир маҳал қарасам, Патга “сен”лаб гапирияпти. Қулоқларимга ишонмадим. Уни оркестр устига улоқтиргим келди, дарвоҷе, бунга бошقا яна юзлаб сабаблар бор эди.

Кўнгироқ чалинди. Созандалар асбобларини созлай бошладилар.

— Демак, келишдик-а? Ташқарида учрашамиз, — Бройер шундай деб, хайрият, гум бўлди.

— Ким бу дайди? — сўрадим Патдан.

— Дайдимас бу, яхши одам. Эски танишим.

— Эски танишларингга тоқатим йўқ.

— Вой, азизим-еј, мусиқани эшитсанг-чи, — жавоб берди Пат.

“Шаршара”, — мени ваҳима босди, чўнтағимдаги пулимни хаёлан чўтга ташладим. — Роса шидадиган жой”.

Таваккал, бораверман. Фрау Залевскининг сайрагани етмагандай, бу ёқдан Бройер чиқиб қолди. У бизни пастда, эшик олдида кутиб турарди.

Такси чақиридим.

— Кераги йўқ, — деди у. — Мошинамда жой етарли.

— Хўп, хўп, — дедим. Унинг таклифини рад этиш одобданмас, лекин бари бир жаҳлим чиқди.

Пат Бройернинг мосинасини дарров таниди. Бу дабдабали паккард эди. Мощина рўпарада, бошقا автомобиллар орасида турарди. Пат тўппа-тўғри унинг олдига борди.

— Бошқа рангга бўябсан-да, — деди Пат лимузин олдида тўхтаб.

— Ҳа, кулранг қилдим, — жавоб берди Бройер. — Сенга маъқулми?

— Ёмонмас.

— Сизга-чи? Шу ранг ёқадими? — Бройер менга мурожаат қилди.

— Қайдам. Олдин қанақа эди?

— Қора.

— Қора мосина чиройли кўринади.

— Тўғри. Лекин баъзан ўзгартириб туриш ҳам керак-ку. Ҳечқиси йўқ, кузда янгисини оламан.

“Шаршара”га жўнадик. Бу ажойиб оркестри бор ҳашаматли ресторон эди.

Эшикдан киришимиз билан:

— Ҳамма жой банд, шекилли, — дедим хурсанд бўлиб.

— Э, аттанг, — Патнинг тарвузи қўлтиридан тушди.

— Ҳозир қотирамиз, — Бройер шундай деб, директорнинг олдига кириб кетди. Афтидан, уни бу ерда ҳамма танийди, шекилли. Дарров ичкаридан стол-стулларни олиб чиқишиди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, қарабсизки, биз қулинг ўргилсин жода. Рақс майдони баралла кўриниб турадиган пастак тўсиқ олдида ўтирардик. Оркестр тантони чаларди. Пат тўсиқ устига энгашди.

— Рақсга тушмаганимга қанча бўлди-ю!

Бройер ўрнидан турди.

— Юринг бўлмаса.

Пат менга савол назари билан қаради.

— Мен у-бу нарса буюриб тураман, — дедим унга.

— Бўйти.

Танго узоқ чўзилди. Пат аҳён-аҳён менга қараб, жилмайиб қўярди. Унга жавобан бош силкирдим-у, аммо таъбим хира эди. Пат рақсга уста экан, баҳтга қарши, Бройер ҳам ундан қолишмасди. Икковлари бир-бирларига ярашиб туришарди, назаримда, улар илгари ҳам бу ерга кўп келишган. Каттакон қадаҳда ром буюрдим. Пат билан Бройер қайтиб келишди. Бройер қандайдир танишлари билан сўрашгани кетди. Пат билан бир лаҳзага ёлғиз қолдик.

— Бу болани кўпдан бўён танийсанми? — сўрадим мен.

— Ҳа, нега сўраյпсан?

— Шунчаки. Бу ерга тез-тез келиб турармидиларинг?

Пат менга қаради.

— Эсимда ҳам йўқ, Робби.

— Бунақа нарсалар эсда туради, — дедим қайсарлик билан. Лекин унинг нима демоқчилигини яхши билардим.

Пат кулиб бош чайқади. Шу лаҳзада унга яна меҳрим товланиб кетди. У бу табассуми билан ўтмиш унунтилганини англатмоқчи бўлганди. Лекин ичимни ит тирнарди. Бу ҳолатим кулагили эканини сезиз турардим, лекин ундан ҳалос бўлолмасдим. Кўлимдаги қадаҳни столга кўйдим.

— Очифини айтавер. Айб жойи йўқ буни.

Пат менга яна нигоҳини тикиди.

— Агар айб иш бўлганда, биргалашиб шу ерга келармидик?

— Тўғри, — дедим ноилож.

Оркестр яна куй бошлади. Бройер қайтиб келди.

— Зўр мусиқа, — деди у менга. — Ажойиб куй. Рақсга тушмайсизларми?

— Йўқ! — дедим мен.

— Афсус.

— Тура қол, Робби, — деди Пат.

— Турмаганим маъқул.

— Нима учун? — сўради Бройер.

— Менга қизизи йўқ, — жавоб бердим рўйихушсиз. — Қолаверса, рақсни ўрганмаганман. Вақтим бўлмаган. Сизлар бемалол тушаверинглар. Мен зерикмайман.

Пат иккиланарди.

— Боравер, Пат, — дедим унга. — Сенга ёқади-ку.

— Тўғри... лекин зерикиб ўтирасанми?

— Зерикмайман, дедим-ку! — Мен қадаҳга ишора қилдим. — Бу ҳам рақсдан қолишмайди.

Улар кетиши. Ресторан хизматчисини чақириб, қадаҳни бўшатдим. Кейин нима қилишни билмай, стол устидаги шўр мafизни санай бошладим. Ёнимдан фрау Залевскининг кўланкаси нари жилмасди.

Бройер столимизга кўхликкина икки аёл билан тепакал бир эркакни бошлаб келди. Салдан кейин яна бир одам қўшилди. Уларнинг бари енгилтак, ўзига бино кўйган, тамтам кимсалар эди. Пат тўртовини ҳам таниркан.

Буларнинг орасида тўнкага ўҳшаб қолдим. Шу пайтгача Пат иккаламиз холи ўтирадик. У кўпдан бўён танийдиган кипшиларни биринчи бор кўриб турибман. Ўзимни қандай тутишни билмасдим. Улар бемалол, ҳазил-хузул қилиб ўтиришар, гўё ўйдим-чуқури йўқ, сип-силлиқ ҳаётдан, кўргилари келмаган нарсани кўрмасликлари мумкин бўлган бошқа оламдан кеп қолишганди. Бир ўзим, Ленц ёки Кестер билан ўтирганимда уларга эътибор бермасдим. Аммо ёнимда Пат бор эди, у буларни танирди, мана шу ҳол ҳамма нарсани чигаллаштириб, мени довдиратиб кўйган, беихтиёр қиёслашга мажбур қилаётганди.

Бройер бошқа ресторанга боришни таклиф қилиб қолди.

— Робби, — деди Пат ташқарига чиққанимизда, — балки уйга қайтармиз?

— Йўқ, — дедим мен, — нега энди?

— Зерикяпсан-ку.

— Мутлақо. Нима учун зерикаман? Сен роҳатланяпсан-ку.

У менга бир қаради-ю, индамади.

Ичишни бошладим. Илгаригидай эмас, чинакамига ича бошладим. Тенәкал кипши кузатиб турган экан, нима ичяпсиз, деб сүради.

— Ром, — дедим мен.

— Грограмми?

— Йўқ, ром.

У лабини теккизисб кўриб, сесканиб кетди.

— Жин урсин, — деди у, — бунга ўрганиш керак экан.

Иккала аёл ҳам менга қизиқиб қолишиди. Пат билан Бройер рақс тушишарди. Пат менга тез-тез кўз қирини ташлаб қўярди. Мен қайтиб у томонга қарамадим. Биламан — яхшимас, лекин ўзимни мажбур ҳам қиломасдим — жиним тутиб қолган эди. Бунинг устига, ёнимдагиларнинг ичишими томоша қилаётгани ҳам ёқмаётганди. Ёш болага ўхшаб, нимага қодирлигимни кўз-кўз қилиш ниятим йўқ. Ўрнимдан туриб, пештахта олдига бордим. Пат энди бегонадай туюларди. Дўстлари билан қўшмозор бўлмайдими! Унинг ўзи ҳам шулар тоифасидан. Менга алоқаси йўқ. Лекин...

Тепакал изимдан қолмасди. Буфетчи билан бир қадаҳдан арақ ичдик. Буфетчилар одамга тасалли беришни билишади. Барча мамлакатларда улар билан тилмочисиз гаплашиш мумкин. Рўпарамда турган буфетчи ҳам шунаقا эди. Аммо тепакал ичтолмаскан. Нуқул ҳасрат қиласди. Фифи исмли қандайдир аёл юрагидан урганиши. Сал ўтмай, бу мавзу ниҳоясига етди, шундан кейин, кутилмагандан Бройер кўп ийлардан бўён Патни яхши кўради, деб қолди.

— Ана холос!

У ҳихилади. Конъяк, ликёр, вино аралашган суюқликдан бир стаканини ичирвониб, овозини ўчиридим. Аммо сўзлари миямга михланниб қолган эди. Кулгили аҳволга тушиб қолганимдан, иззат-нафсим таҳқирланаётганидан, столга мушт уриб, хумордан чиқа олмаётганимдан хуноб бўлардим. Ҳамма нарсани дабдала қилишга ундаётган совуқ бир эҳтирос ич-ичимдан гупуриб келаётганди. Аммо бу эҳтирос бирорга қарши қаратилмаганди, мен ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаётганди.

Тепакал пойнтар-соинтар валдираб, ройиб бўлди. Шу пайт елкамга бирорнинг таранг кўкси текканини сездим. Бу Бройер бошлаб келган аёллардан бири эди. У ёнимга ўтироводи. Аёл менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Кўз сузишидан изоҳга ҳожат қолмаганди — ҳаракат қилиш керак.

— Ичишга фил экансиз, — деди у бир оздан сўнг.

Индамадим. Қўлини қадаҳимга узатди. Тақинчоқлар ялтираб турган қуруқ ва котма билаги қалтакесакни эслатар, худди ўрмалаётгандай секин ҳаракат қиласди. Гап нимадалигини сезиб турардим. “Сени тезда бир ёқлик қиласман, — ўйладим ичимда. — Мени писанд қилмаяпсан, чунки жаҳлим чиқаётганини кўриб турисан. Лекин янглишасан. Аёлларга кучим етади, аммо муҳаббат олдида ожизман. Мени чорасизлик ағбор қиласди”.

Аёл гапга тушиб кетди. Овози дардманд, синик эди. Патнинг биз томонга қараётганини сездим. Энди менга бари бир эди, ёнимда ўтирган аёлга ҳам лоқайд эдим. Ўзимни тубсиз қудуққа тушиб кетган одамдай ҳис этардим. Бунинг Бройерга ҳам, атрофимдагиларга ҳам, ҳатто Патга ҳам дахли йўқ эди. Бу ҳаётнинг шундай маҳзун сири эдик, у бизда ҳоҳии түғдидари-ю, аммо уни буткул қондиролмайди. Муҳаббат инсон вужудида пайдо бўлди, лекин ҳеч қачон бу вужудда тугамайди. Ҳатто ҳамма нарса: инсон ҳам, муҳаббат ҳам, баҳт ҳам, ҳаёт ҳам — бари тўла-тўқис бўлгани билан, аллақандай даҳшатли қонунга кўра, мудом камдай туюлаверади, булар нечоғли кўп кўринмасин, аслида жудаям оз. Мен ўринча Патга кўз қирини ташладим. У кумуш ранг ялтироқ кўйлакда, очилиб-сочилиб, енгил одимлаб келарди, мен уни севардим, чақирганимда “йўқ” демасди, орамизга ҳеч нарса раҳна соломасди, биз эт билан тирноқ эдик, шу билан бирга, баъзан беармон кунларимизга сирли равишда туман ёпирилар ва бу кунлар буткул азобга айланарди, мен Патни бизга даҳлдор ва даҳлсиз ҳаётдан сугуриб ололмасдим, бу ҳаёт ўз ҳукмини ўтказарди, ўз нафаси ва бебақолигини, тўхтовсиз йўқлик сари кетаётган борлиқнинг даргумон шукухини, ҳис-туйғуларнинг омонат шарпасини кўндалант қиласди... Бир нарсага эга бўлиш аслида йўқотишидир. Ҳеч қачон ҳеч нарсани тутиб қолиш мумкин эмас, ҳеч қачон! Жаранглаб турган вақт занжирини ҳеч қачон узиб бўлмайди, ҳеч қачон безовталик оромга, изланиш — сукунатга айланмаган, тубанлашиш ҳеч

қачон тұхтамаган. Мен Патни ҳатто тасодиғий нарсалардан, танишувимизга қадар бүлгап воқеа-ходисалардан, минглаб ўйлару хотиралардан, менгача уни шакллантирган барча икир-чикирлардан, ҳатто манови одамлардан ҳам айро қўёлмайман...

Овози синиқ аёл ёнимда ўтириб, бетиним гапиради. Унга бир кечалик ёстиқ-дош, бирорвинг бир парчагина ҳәёти керак эди. Шунда у андак таскин топган, бу дунёда “мен” ҳам, “сан” ҳам, “биз” ҳам — ҳеч нарса қолмаслигидан иборат даҳшатли ҳақиқатни унуган бўларди. Балки у ҳам мен қидираётган нарсани излаётгандир? Ёлғизликни, ҳаётнинг беъманилигини унуги ўзига йўлдош топиш умидида юргандир?

— Юринг, столга борайлик, — дедим унга. — Сиз хоҳлаётган нарса ҳам... мен ўйлаётган нарса ҳам... хомхаёл.

У менга тикилиб турди-да, бирдан бошини орқага ташлаб, ҳаҳолаб кулиб юборди.

Биз яна бир нечта ресторанга бордик. Бройернинг кайфи чоғ, бир гапириб ўн куларди. Патнинг эса бояги шашти сўнган. У менга савол бермас, мендан ўпкалас-мас, ҳеч нарсани сўраб-суриштирмасди, орамизда гўё унинг ўзи эмас, факат сояси ўтиргандай эди. Баъзан рақсга тушганида қўғирчоқнамо, беўхшов қиёфалар оралаб сокин, чиройли, жажжи қайиқча сузуб юрганга ўхшарди; гоҳо у менга қараб жилмайиб қўярди.

Ис-тутунга тўла тунги маишатхоналарнинг деворлари ва одамларнинг башараси, гўё кимдир ифлос кафтини ишқалагандай, кулранг-сарғиши тусга кирганди. Мусиқа ҳам худди тобут қўйилган ойнаваңд супача остидан чиқаётгандай. Тепакал қаҳва ичиб ўтирипти. Қўли калтакесакни эслатадиган аёл бир нуқтага тикилиб олган. Бройер ўлгудай ҳориб-чарчаган гулфурушдан бир даста атиргул сотоволиб, Пат билан ҳалиги икки аёлга улашди. Энди лаб очган фунчалар қатида тиник томчилар йилтириарди.

— Юр, рақсга тушамиз, — деди менга Пат.

— Йўқ, — дедим, бугун унга бирорвинг қўли текканини ўйлаб, — йўқ. — Ўзимни ниҳоятда гўл ва ночор сезардим.

— Бари бир тушамиз, — деди у ва кўз ўнги қоронгилашиб кетди.

— Йўқ, — жавоб бердим унга, — йўқ, Пат.

Ниҳоят, ресторандан чиқдик.

— Сизларни олиб бориб қўяман, — деди Бройер менга.

— Майли.

У ўринидека ётган қалин жун рўмолни Патнинг тиззасига ёпди. Бирдан Пат кўзимга жудаям ранглар ва ҳоргин кўриниб кетди. Пештахта олдида ёнимда ўтирган аёл хайрлаша туриб, чўнтағимга хат солиб қўйди. Ўзимни сезмаганликка олдим. Йўл бўйи ойнадан кўз узмадим. Пат қимир этмасди. Ҳатто нафаси ҳам эшитилмасди. Бройер олдин Патникига келди. Яшаш жойини билар экан. Пат мошинадан тушди. Бройер унинг қўлини ўлди.

— Яхши ётиб туринг, — деди у қизга қарамасдан.

— Сиз қаерда тушасиз? — деб сўради у мендан.

— Кейинги муюлишда.

— Унақаси йўқ, уйингизга ташлаб қўяман, — деди у шоша-пиша ва ўта назокат билан.

Бройер Патникига қайтиб келишимни хоҳламаётганди. Башарасига солгим келди. Ўзимни тийдим.

— Бўлмаса, “Фредди” қаҳвахонасига ҳайдай қолинг.

— Шу пайтда сизни у ерга киргизишадими? — сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ташибишланганингиз учун қуллуқ, — жавоб бердим мен. — Лекин кўнглингиз тўқ бўлсин, мени хоҳлаган жойимга киргизишаверади.

Шундай дедим-у, кейин афсусладим. Шу пайтгача у ўзини бас келиб бўлмайдиган майхўрдай сезаётганди. Ана шу таассуротни бузмаслигим керак эди.

Бройер билан Патга нисбатан ҳам иликроқ хайрлашдим.

Қаҳвахона ҳали гавжум эди. Ленц билан Фердинанд аёллар кийими дўконининг соҳиби Больвис ва яна аллақандай одамлар билан қарта ўйнашарди.

— Ўтири, — деди Готтфрид, — бугун қартабоп ҳаво бўляпти.

— Йўқ.

— Кўриб қўй, — деди у бир уюм пулга ишора қилиб. — Ҳалол ютдим. Қўлим кеп турилти.

— Майли, — дедим мен, — бир кўл ўйнаб кўрай-чи.

Иккита қиролга тўртта саллот олдим.

— Қойил! — дедим мен. — Бугун ростдан ҳам фирромларбоп ҳаво бўпти.

— Бунақа ҳаво ҳар доим бўлади, — деди Фердинанд сигарета узатиб.

Бу ерда қолиб кетаман деб ўйламагандим. Аммо энди ўзимни хотиржам сезардим. Гарчи қайфиятим яхши бўлмаса-да, қадрдон бошпанамда ўтирадим.

— Ярим шиша ром бервор! — қичқирдим Фредга.

— Вино аралаштири, — деди Ленц.

— Йўқ, — эътиroz билдиридим унга. — Тажриба қилиб ўтиришга вақтим йўқ. Тўйиб ичмоқчиман.

— Унда ширин лиқёр буюр. Уришиб қолдингми?

— Эсимни ебманми!

— Ёлғон гапирма, жигарим. Севги сирларини сув қилиб ичиб юборган отахонинг Ленцни алдама. “Ҳа” дегину ичавер.

— Аёл киши билан уришиб бўлмайди. Нари борганда унга зарда қилишинг мумкин.

— Тавба. Кечаси соат учгача зарда қиладиган эркакни биринчи кўришим. Масалан мен ҳаммаси билан уришиб чиққанман. Уришиб турмасанг, севгининг умри қисқа бўлади.

— Бўпти, — дедим унга. — Ким тарқатади?

— Сен, — деди Фердинанд Грау. — Назаримда, бошингга дунёнинг ғам-ташвиши тушганга ўҳшайди, Робби. Парво қилма. Ҳаёт ранг-баранг, лекин мукаммал эмас. Бири кам дунё, дейдилар. Иби, ўнча ташвиш билан ҳам ўлдузни бенарвон уриб қўйибсан-ку: иккита қирол бериш — бориб турган сурбетлик.

— Бир марта иккита қирол билан етти минг франкни босиб олганман, — деди Фред пештахта орқасидан.

— Швейцарияникими ё француздарникими?

— Швейцарияники.

— Бахтинг бор экан, — деди Готтфрид. — Агар француздарнинг франки бўлганда ўйинни тўхтатишга ҳаққинг йўқ эди.

Яна бир соатча ўйнадик. Мен кўп ютдим. Больвис нуқул ютқизарди. Тўхтовсиз ичардим, ичганим сайин бошим қаттиқ оғирди. Кайфим тарқамасди. Ичим ёниб кетаётганди.

— Бўлар энди, бирор нарса евол, — деди Ленц. — Фред, бунга бутерброд билан балиқ-малиқ опке. Пулни соп қўй, Робби.

— Яна бир қўлдан ташлайлик.

— Бўпти. Фақат охиргиси. Икки ҳиссадан отамизми?

— Албатта! — ҳамма бараварига маъқуллади.

Мен ўйлаб ўтирамай, ўн чиллик билан қирол устига учта қарта олдим: саллот, мотка ва туз. Шу қарталар билан қўлида тўртта саккизликни ушлаб ўтирган ва ганакни осмонга олиб чиқиб қўйган Больвисни ютдим. У сўқина-сўқина пулни санаб берди.

— Кўрдингми? — деди Ленц. — Қартабоп ҳаво мана бунақа бўлади!

Биз пештахта ёнига ўтдик. Больвис “Карл”ни суриштириб қолди. Кестер пойгага уни ортда қолдирганини сира унтолмасди. У “Карл”ни сотовлиш фикридан ҳамон қайтмаганди.

— Оттодон сўра, — деди Ленц. — Лекин у ўнг қўлини кесиб сотса сотадики, мoshинани сотмайди.

— Жа-а оширвординг! — деди Больвис.

— Сен бунақа нарсани тушунмайсан, йигирманчи асрнинг савдогар бачкиси.

Фердинанд Грау кулиб юборди. Унга Фред кўшилди. Кейин бошқалар ҳам хаҳолай бошлашди. Йигирманчи аср устидан қулмаган одам ўзини осиши керак. Лекин узоқ кулиб ҳам бўлмайди. Акс ҳолда охири вой бўлиши мумкин.

— Готтфрид, рақсга тушишин биласанми? — сўрадим ундан.

— Албатта. Қачонлардир рақс муаллими бўлганман-ку. Эсиндан чиқдими?

— Унутган... Унутгани яхши, — деди Фердинанд. — Бокий ёшликтининг сири мана шунда. Бизни хотиралар қаритади. Унутишни билмаймиз.

- Йўқ, — деди Ленц. — Биз ҳамиша ёмон нарсаларни унутамиз.
- Мениям ўргатасанми?
- Нимага — рақсами? Бир кечада, азизим. Бор ташвишинг шуми?
- Ҳеч қанақа ташвиш им йўқ, — дедим мен. — Бошим огрияпти.
- Бу асримиз иллати, Робби, — деди Фердинанд. — Ундан кўра боисиз туғилганимиз яхши эди.

Мен “Интернациональ” қаҳвахонасига ҳам кирдим. Алоис дераза пардаларини тушироқчи бўлиб турган экан.

- Ҳеч ким борми? — сўрадим ундан.
- Роза.
- Юр, қиттай-қиттай отайлик.
- Майли.

Роза пештахта ёнида ўтириб, қизрасига жун пайпоқ тўқирди. У менга кийимлар нусхаси босилган журнالни кўрсатиб, қизига камзулча тўқиб қўйганини айтди.

- Ишларинг қалай? — сўрадим ундан.
- Унчаликмас. Одамларда пул йўқ.
- Қарз бериб турайми? Мана — картада ютдим.
- Текин топилган пул баҳт келтиради, — деди Роза ва узатган пулимга туфлаб, чўнтағига солиб қўйди.

Алоис олдин учта, Фрицци келганидан сўнг, яна битта қадаҳ келтириди.

— Бўлар, — деди у кейин, — ўлгудай чарчадим.

У чироқни ўчирди. Кўчага чиқдик. Роза эшик олдида хайрлашди. Фрицци Алоиснинг тирсагидан ушлади. Улар ҳам кетишиди. Фрицци енгил одимлар, Алоис япас-қитавон бўлгани учун сёғини судраб босади. Орқаларидан бир оз қараб турдим. Фрицци энгашиб, оқсоқланиб бораётган, исқирт қаҳвахона хизматчисини ўпди. Алоис лоқайдлик билан уни ўзидан нари итарди. Кейин бурилиб, узундан-узун, бўм-бўш кўчага, деразалари қорайиб турган уйларга, тунги совуқ осмонга қарадиму бирдан — сабабини билмайман, — Патни кўргим келиб кетди. Бу шунаقا соғинч, шунаقا интиқлиқ эдик, гўё бирор обдон дўппослагандай, сёқда зўрга туардим. Шу тобда ўзимни ҳам, хатти-ҳаракатимни ҳам, бугунги оқшомни ҳам — ҳеч нарса ни идрок этолмасдим.

Деворга суюниб, тош йўлга тикилдим. Нималар бўлди, нега ўзимни бунақа тутдим — тушунмасдим. Аммо ноҳақлигимни ич-ичимдан хис қилиб туардим. Зўрга тартибга солган ҳаётимни ўз қўлим билан чил-парчин қилдим. Мана шу ўй миямни аёвсиз пармаларди. Нима қиласимни билмасдим. Ўйга боргим йўқ — борсам, баттар сиқиламан. Бирдан Альфонсни эсладим. Қаҳвахонаси ҳар доим очиқ. Ўша ёққа қараб кетдим. Эрталабгача қаҳвахонада ўтираман.

Альфонс мени кўриб, миқ этмади. Кўз қирини бир ташлацию газетасини ўқийверди. Стол ёнига чўқдим. Қаҳвахонада ҳеч ким йўқ эди. Нуқул Пат ҳақида ўйлардим. Қиёфаси кўз олдимдан нари кетмасди. Кейин ресторондаги ҳар бир хатти-ҳаракатимни ишидан-игнасигача хотирамда тикладим. Ўзимни оқлайдиган бирор далил-исбот тополмадим. Айб буткул менда. Эсимни еб кўйибман. Столдан кўз ўзмасдим. Икки чаккам лўқилларди. Вужудимни бирдан алам ҳисси чулғаб олди. Ўзимдан нафраланиб кетдим. Ўзим, фақат ўзим ҳамма ишни барбод қилдим.

Кўққисдан шишанинг жаранглагани эштирилди. Олдимда турган қадаҳга мунип солиб, чил-чил қилган эдим.

- Топган эрмагингни қара-ю, — деди Альфонс ўрнидан туриб.
- У қўлимдан шина синқилларини олиб ташлади.
- Кечир, — дедим унга, — нима қилганимни билмайман.
- Альфонс момиқ пахта билан малҳамли мато олиб келди.
- Бориб ухла, — деди у. — Ўзингга келасан.
- Хўп, — жавоб бердим мен. — Мана, ўзимга кеп қолдим. Негадир ғазабим кўзиб кетди.

— Ғазабни ғазаб билан эмас, кулги билан енгиш керак, — деди Альфонс.

— Тўғри. Лекин айтишга осон.

— Машқ қилиш керак. Сизлар бош билан деворни тешмоқчи бўласизлар. Ҳеч-киси йўқ, ўтиб кетадиган нарса.

У патефонни бураб, “Трубадур” операсидан “Мизерере” кўшиғи ёзилган плас-тинкани кўйди. Тонг отди.

Ўйга йўл олдим. Шундан олдин Альфонс бир бокал ром қуйиб берди. Ичимлик дарров миямга урди. Кўча чайқала бошлади. Елкаларим қўрошибиндай зил-замбиль эди. Хуллас, кечадан бўён ичавериб, бўлганимча бўлган эдим.

Чўнтағимдаги қалитни пайпаслаб, аста зинапоядан кўтарила бошладим. Бирдан ним қоронғилиқда бироннинг нафасини эшилдим. Энг тепадаги зинада кимнинг-дир гира-шира шарпаси кўринди. Яна икки-уч зина кўтарилдим.

— Пат... — дедим кўзларимга ишонмай. — Пат... нима қилиб ўтирибсан?

У бошини кўтарди.

— Сал кўзим илинити.

— Майли, лекин қанақшиб кеп қолдинг бу ерга?

— Кўча эшигининг қалити бор-ку менда.

— Тўғри, Аммо... — Кайфим тарқаб кетди, мен сийқаси чиққан зинапояга, су-воги кўчган деворга, Патнинг кумуш ранг кўйлагию ихчам, ялтироқ туфлисига бир-бири нигоҳ ташладим. — Нима қилиб ўрибсан бемаҳалда?

— Ўзим ҳам шунга ҳайронман...

Пат ўрнидан турди-да, худди ҳеч нарса бўлмагандай, тун бўйи зинапояда ўтириб чиқиш табиий ҳолдай, яйраб керишди.

— Ҳозир Ленц бўлганда: “Коњяк, вино, олча арафи, эрман арафи...” — дерди.

— Ромни ҳам қўшиб кўярди, — дедим дарров бўйнимга олиб. — Ўлай агар, бе-баҳо қизсан, Пат, мен бўлсан — қип-қизил аҳмоқман.

Эшикни очиб, уни йўлакдан кўтариб ўтдим. Пат, гўё ҳолдан тойган оққуцдай, иккала қўлини бўйнимга ташлаб олган эди. Мен спирт ҳидини яшириш учун юзимни четга буриб нафас олардим. У кулиб турса ҳам, аъзойи бадани қалтиради.

Креслога ўтқазиб, чироқни ёқдим, кейин адёлни олдим.

— Агар билганимда, Пат... қаҳвахонама-қаҳвахона изгиб юрмасдан... Эҳ, қандай тўнкаман-а... Альфонснинг олдидан кўнғироқ қилдим, деразанг тагида хуштак чал-дим... ҳеч ким жавоб бермади... мен билан гаплашгинг йўқ, деб ўйлабман.

— Нега кузатганингдан кейин қайтиб келмадинг?

— Шуни ўйламабман.

— Хонангнинг қалитини ҳам бериб қўйсанг бўларкан, — деди у. — Шунда зинапояда кутиб ўтирасдим.

Пат кулди, аммо лаблари титрарди; шунда ярим кечаси қайтиб келиш, эрталаб-гача зинапояда кутиш унинг учун осон бўлмаганини англаб етдим. Тағин мен билан бемалол, безарда гаплашиб ўтирипти...

Кўнглим изтиробга тўлди.

— Пат, — дедим шоша-пиша. — Пат, совқотибсан, иссиқроқ бирор нарса ичи-шинг керак. Орловнинг чироги ёниқ. Ҳозир чиқиб келаман, русларда доим чой бўллади... тез қайтаман... — Мен типирчилаб қолдим. — Сира эсимдан чиқмайди бу сабоғинг, — қўшиб қўйдим чиқиб кета туриб, сўнг йўлакдан йўргалаб кетдим.

Орлов уйғоқ экан. У хонанинг бурчагига қўйилган Момо Ҳаво сурати олдида ўтиради. Суратни жинчироқ ёритиб турипти. Орловнинг кўзлари қизариб кетган. Стол устида кичкина самовар шақирлаяпти.

— Минг бор узр, — дедим мен, — кутилмаган иш бўп қолди, озгина чойингиздан беролмайсизми?

Руслар тасодифларга кўнишиб кетишган. У икки стакан чой, қанд ва бир ликоп-ча пирожка берди.

— Бироннинг ҳожатини чиқазсам, енгил тортаман, — деди у. — Сизга яна бир нарсани таклиф этишим мумкин... ўзим ҳам бунақа ҳолга кўп тушганман... уч-тўртта қаҳва донаси... чайнаворасиз...

— Миннатдорман,— дедим унга, — кўпдан-кўп раҳмат. Қаҳвани жон деб ола-ман.

— Яна бирор нарса керак бўлса... — деди у, шунда Орловнинг олижаноблигига қойил қолдим, — бемалол сўрайверинг, тортинманг...

Йўлакка чиқиб, қаҳва донасини оғизимга ташладим. Спиртнинг ҳидини олади. Пат чироқ ёнида ўтириб, юзига упа суртарди. Бирлаҳзагина остононада тўхтадим. Пат кичкина кўзгуга тикилганча момиқ пахтани чаккаларига босарди. Тўлқинла-ниб кетдим.

— Иссиғида ичвол.

У стаканни олди. Мен кузатиб турдим.

— Ҳайронман, Пат, мени нима жин урди...

— Нималигини биламан, — деди у.

— Шунақами? Мен билмайман.

— Шарт эмас, Робби. Шусиз ҳам кўп нарсани биласан, чинакам баҳтли бўлиш учун етиб ортади.

— Эҳтимол, — жавоб бердим унга. — Лекин танишганимиздан бери тобора енгилтабиат бўлиб кетяпман. Бунақа бўлиш керакмас-да.

— Йўқ, шунақа бўлиш керак! Бу тобора ақили бўлиб кетишдан афзалроқ.

— Қайдам, — дедим мен. — Мени қийин вазиятдан олиб чиқиб кетишга устасан. Балки бу масалада ўз нуқтаи назаринг бордир.

Пат стаканни столга қўйди. Мен каравотга суюниб турардим. Назаримда уйга олис, машаққатли саёҳатдан қайтиб келгандай эдим.

Кушларнинг чуфур-чуфури бошланди. Кўча эшиги очилиб-ёпилди. Бу етимхона ҳамшираси фрау Бендер. Ҳадемай ошхонада Фрида пайдо бўлади, ана унда бу ердан сеездирмай чиқиб кетишимиз амри маҳол. Пат ухлаб ётипти. Бир маромда чукур ва силлиқ нафас оляпти. Уйғотишга кўзим қиймаяпти... Лекин бошқа иложи йўқ.

— Пат...

У бир гўлдиради-ю, уйғонмади.

— Пат... — Мен дунёдаги барча ижараҳоналарга лаънат ўқидим. — Пат, тура қол. Кийинишингга ёрдамлашвораман.

У кўзларини очиб, жилмайди; ҳали уйқуси тарқамаганди. Уйғонган пайтидаги кувончи ҳамма вақт мени таажжублантирас, айни пайтда, шу ҳолати менга жудаем ёқарди. Ўзим уйғонганимдан хеч қачон хурсанд бўлмаганиман.

— Пат... фрау Залевски тишини қайраб турипти.

— Бугун сеникида қоламан.

— Шу ерда-я?

— Ҳа.

— Жуда соз... лекин нарсаларинг... туфлинг, кечки кўйлагинг...

— Шунинг учун кечгача қоламан.

— Ўйингдагилар...

— Қўнғироқ қилиб қўямиз.

— Яхши. Қорнинг очдими?

— Йўқ ҳали.

— Ҳар эҳтимолга бир қўшалоқ иссиқ буличка келтириб қўяй. Сотувчи кажавани кўча эшигига илиб кетди. Улгурман.

Қайтиб келганимда Пат дераза олдида турарди. Оёғида фақат ялтироқ туфлиси. Елкасига тушиб турган тонг шуъласи худди майин ипак матога ўхшайди.

— Кечаги кунни унутамиз, Пат, хўпми? — дедим унга.

Пат мен томонга қарамасдан бош силкиди.

— Бошқа одамлар билан учрашмай қўя қоламиз. Шунда дилсиёҳлик ҳам, ращк талвасаси ҳам бўлмайди. Ҳақиқий севги ёт кишиларни ҳазм қилолмайди. Бројер ўша улфатлари билан биздан нарироқ юраверсин.

— Тўғри, — деди Пат, — шу жумладан, Маркович ҳам.

— Марковит? Ким у?

— “Шаршара”да сенинг ёнингда ўтирган аёл.

— Э-ҳа, — дедим негадир севиниб кетдим. — Тўппа-тўғри, у ҳам даф бўлсин.

Мен чўнтағимдаги нарсаларни олиб, столга қўйдим.

— Кўриб қўй. Тунги азобларим кўпам бефойда бўлмади. Қартада шунча пул ютдим. Бугун кечқурун бир майиш қиласамиз, бўптими? Фақат ўзимиз, бегоналарсиз. Улар биз учун энди йўқ, тўғрими?

Пат бош силкиди.

Куёш касаба уюшмалари биносининг томига тирмаша бошлади. Дераза ойнала-ри ярқираб кетди. Патнинг соchlари нурга тўлди, елкалари тилла рангига қирди.

— Кеча Бројер ҳақида нима деган эдинг? Яъни, касби тўғрисида.

— У меъмор.

— Меъмор, — тақрорладим андак таассусиф билан.

Менга қолса, ҳеч ким бўлмагани тузук эди.

— Меъмор бўлса ўзига, шунга ҳам ота гўри қозихонами, нима дединг, Пат?

— Тўғри, азизим.

— Бўлса бўпти-да.

— Ҳақ гап, — деди Пат қатъий оҳангда ва менга қараб кулиб юборди. — Меъмор бўлса бўлар, бизга нима! Ипириски бир одам-да!

— Хонам ҳам унчалик ёмонмас, түғрими, Пат? Албатта, бошқаларники бундан яхшироқ...

— Хонанг зўр! — гапимни бўлди Пат. — Хонанг ажойиб, азизим, бундан зиёд хонани кўрмаганман.

— Ўзим эса... тўри, камчиликларим бор... ундан ташқари, бор-йўғи таксичиман, аммо...

— Сен мен учун энг суюкли одамсан, булочка ўғирлайсан, ром ичасан. Сен — беназирсан!

У бўйнимга осилди.

— Вой, тентаквойим-еј, яшаш қандай яхши!

— Фақат сен билан Пат. Рост... фақат сен билан!

Борлиққа оппоқ, шаффоф тоңг ёйилди. Пастда, қабр тошлари устида юпқа туман сузарди. Дараҳт таналари қуёш нурига ботган. Уйларнинг мўриларидан тутун ўрлаяпти. Газетафурушларнинг бақириқ-чақириқлари эшитила бошлиди. Эрталабки уйқуга ташладик, аммо бу уйқу эмас — ўнгдаги туш эди, бир-биримизни кучиб ёттарканмиз, нафасларимиз омухта бўлиб кетган, биз олис-олисларда парвоз қиласадик... Кейин, соат тўққизларда, олдин Буркхорднинг маҳфий маслаҳатчиси сифатида шахсан подполковник Эгберт фон Гакега қўнгириқ қилдим. Сўнг Ленцдан менинг ўрнимга эрталабки рейста чиқишини сўрадим.

У дарров гапимни бўлди:

— Кўрдингми, бўталофим, Готтфрид отанг бекорга инсон қалби инжиқликларининг билағони саналмайди. Илтимос қилишингни кўнглим сезувди. Омад тилайман, ҳаваскор ошик!

— Ўчир, — дедим енгил тортиб, кейин ошхонага чиқиб, тобим йўқ, тушгача ётман, деб келдим. Аммо тушгача фраў Залевскининг ҳужумини уч марта қайтаришга тўғри келди. Бир гал мойчечак қайнатмасини, бир гал аспириинни, охирги сафар эса яна аллақандай дорини кўтариб, хонамга кирмоқчи бўлди. Патни ваннахонага яшириб кутулдим. Ҳартугул, бошқа ҳеч ким безовта қилмади.

## XIV

Бир ҳафтадан сўнг кутилмаганда устахонамизга фордни миниб, нонвой келиб колди.

— Қани, чиқ-чи, Робби, — деди Ленц деразадан хўмрайиб қараб. — Тағин бир галвани бошлаб келган бўлмасин.

Нонвойнинг авзойи бузук эди.

— Мошинага бирор гап бўлдими? — сўрадим ундан.

У бош чайқади.

— Аксинча. Мошина зўр. Янгисидан қолишмайди.

— Албатта, — шундай дедиму савол назари билан қараб туравердим.

— Гап шундаки... — деди у, — гап шундаки... мошинани ўзгартиromoқчиман, каттарогига... У атрофга аланглади, — Шу ерда кадиллакни кўрувдим.

Ниятини англадим. Қора кўз аёл ҳол-жонига қўймаган.

— Э, кадиллакми? — дедим ўйчан қиёфада. — Ўшанда олиш керак эди-да. Зўр мошина эди. Сотовордик етти минг маркага. Ярим баҳосига кетди!

— Жа унчаликмасдир...

— Ишонаверинг, ярим баҳосига кетди, — шундай дедиму бу ёғига нима қолишни ўйлаб қолдим. — Мен бир суриштириб кўрай-чи, — давом этдим кейин. — Балки мошинани харид қилган одам ҳозир пулга муҳтоҷ бўлиб тургандир. Шунақаси ҳам бўлади-ку. Айниқса, бизнинг замондада. Бир минутга.

Устахонага кириб, воқеани гапириб бердим. Готтфрид ўрнидан сапчиб турди.

— Йигитлар, дарров эски кадиллак топишимиз керак.

— Бу ёғини менга қўйиб бер, сен нонвойни гапга солиб тур, — дедим унга.

— Бўлти! — Готтфрид чиқиб кетди.

Блюменталга қўнгириқ қилдим. Бирор иш чиқишига кўзим етмасди-ю, лекин бир уриниб қўриш ош-нон сўрамайди. У идорасида экан.

— Кадиллакни сотмайсизми? — дедим дабдурустдан.

У кулиб юборди.

- Харидор топдим, — давом этдим мен. — Пулини нақд түлайди.
- Нақд түлайди, денг... — такрорлади Блюменталь андак сукутдан сўнг. — Шу кунда бу сўзлар мусаффо шеъриятдай янграйди.
- Мен ҳам шу фикрдаман, — дедим унга ва бирдан тетиклашиб кетдим. — Хўш, гаплашамизми?
- Гаплашсак гаплашаверамиз, — деди Блюменталь.
  - Бўпти. Қачон учрашамиз?
  - Бугун кундузи вақтим бор. Масалан, соат иккиларда, идорамда.
  - Келишдик.
- Гўшакни қўйдим.
- Отто, — дедим Кестерга, ўпкамни аранг босиб. — Сира кутмагандим, кадиллак қайтиб келадиганга ўхшайди!
- Ростданми? Сотмоқчими?
- Бош силкиб, деразадан қарадим: Ленц нонвойга бир нималарни уқтираётганди.
- Ишни пачава қиласди, — дедим безовталаниб. — Кўп гапирияпти. Нонвой шубҳагумоннинг уяси. Уни гапирмай ишонтириш керак. Ўзим чиқаман.
- Кестер кулди.
- Омад ёр бўлсин, Робби.
- Унга кўз қисиб, ҳовлига чиқдим. Чиқдим-у, қулоқларимга ишонмадим. — Готтфрид кадиллакка элдан бурун мадҳия ўқишни хаёлига ҳам келтирмас, у нонвойга Жанубий Америка ҳиндуларининг зорора ёпиш усулларини ҳикоя қиласди. Унга миннатдорона кўз ташлаб, нонвойга юзландим:
- Афсуски, у одам мошинани сотмоқчи эмас...
  - Билувдим, — деди Ленц шоша-пиша, худди иккаламиз келишиб олгандай.
- Елкамни қисдим.
- Начора... Лекин уни ҳам тушунса бўлади...
  - Нонвой хомуш тортиб қолди. Ленцга қарадим.
  - Яна бир гаплашиб кўрмайсанми? — деди у шу заҳоти.
  - Чиқмаган жондан умид, — жавоб бердим унга. — Ҳар ҳолда бугун тушдан кейин учрашишга розилигини олдим. Сизни қаердан топаман? — сўрадим нонвойдан.
  - Соат тўртда шу томонга йўлим тушади. Кириб ўтаман.
  - Жуда соз. Унгача анигини билиб қўяман. Ажабмас ишингиз битиб кетса.
  - Нонвой бош иргади. Сўнг фордига ўтириб, жўнаб кетди.
  - Эсинг жойидами? — жиги-бийрон бўлди Ленц, мошина ҳовлидан чиқиши билан. — Мен уни минг машаққат билан ушлаб турувдим, келдингу кўлдан чиқаздинг-вординг.
  - Мантиқ ва аҳволи руҳия, азизим Готтфрид! — унинг елкасига қоқдим. — Сен бу нарсаларни тушунмайсан.
- У кўлнимни силтаб ташлади.
- Аҳволи руҳиямиш... — деди у энсаси қотиб. — Энг яхши аҳволи руҳия — қулай фурсат! Сен шундай фурсатни бой бердинг! Нонвой энди қайтиб келмайди.
  - Соат тўртда шу ерда бўлади.
- Готтфрид менга ачингандай қаради.
- Гаров ўйнаймиз, — деди у.
  - Бўпти. Лекин ютқизасан. Уни сендан яхши биламан! У парвонадай ўзини оловга уришни хуш кўради. Қолаверса, ҳали қўлимизга тегмаган нарсани сотолмайман-ку.
  - Ё тавба! Топган гапинг шу бўлдими, бўталогим! — хитоб қилди Готтфрид бошини чайқаб. — Ҳеч қачон одам бўлмайсан. Яшайдиган пайтимиз энди келяпти-ку. Юр, ҳозирги замон иқтисодиётидан текинга маъзуза ўқиб бераман.

Блюменталнинг идорасига қараб жўнадим. Йўл-йўлакай ўзимни қари бўрини зиёрат қилгани бораётган қўзичоқча ўхшатардим. Офтоб асфальтни қиздириб юборган, ундан кўра ҳам, Блюменталь мени сихга тортмаса гўрга эди, деган ўй кўпроқ азоб берарди. Энг муҳими, ташаббусни кўлдан бермаслик керак.

— Жаноб Блюменталь, — деб гап бошлидим кабинет остонасидан ҳатлабоқ, — яхши бир таклиф билан келдим. Сиз кадиллакни беш минг беш юз маркага олгансиз. Мен сизга олти минг бераман, фақат сотолсам. Бу масала кечкурун ҳал бўлиши керак.

Блюменталь ёзув столи ортида олма еб ўтиарди. Шу гапимдан кейин чайнашдан тўхтаб, менга тикилиб қаради.

— Майли, — деди у бир оздан сўнг, кейин яна олмага ёпишди.

Пўчоқни қажавага ташлагунча қутиб турдим.

— Демак, розисиз, а?

— Бир минутга! — У стол ғаладонидан яна битта олма олиб, карсиллатиб тишлади. — Ейсизми?

— Раҳмат, ҳозир эмас.

— Олма еб туриш керак, жаноб Локамп! Олма умрни узайтиради. Кунига учтўртта олма есангиз — дўхтирининг кераги бўлмайди!

— Қўлим синиб қолса-чи?

Блюменталь қулимсиради, иккинчи пўчоқни ҳам қажавага ташлаб, ўрнидан турди.

— Қўлни синдиримаслик керак!

— Яхши маслаҳат, — дедиму ўйланиб қолдим: бу ёфи нима бўларкин? Олма мавзуси шубҳали туюлди.

У сигарета кутисини олиб, чекишини таклиф этди. Бу менга таниш “Коронас” эди.

— Чекиши ҳам умримни узайтирадими? — сўрадим ундан.

— Йўқ, қисқартиради. Кейин олма уни бараварлаштиради. — Блюменталь оғзидан тутун пуркаб, бошини орқага ташлади ва менга, худди ўй сурәттган қушдай, ер остидан қаради. — Ҳамма нарса мутаносиб бўлиши лозим — ҳаётнинг сири мана шунда.

— Буни уddyалаш керак.

У жилмайди.

— Гап шунда-да, уddyалай билиш керак. Тушликдан кейин мана шунаقا хаёлларга берилиб кетаман.

— Айни хаёл сурадиган пайт, — дедим мен. — Демак, кадиллак масаласида ҳам мутаносибликка эришамиз, шундайми?

У қўлини кўтарди.

— Бир дақиқа...

Мен каминаи камтарин қабилида бош эгдим. Блюменталь ҳолатимни кўриб, кулиб юборди.

— Йўқ, мени тушунмадингиз! Сизга қойил қолганимни айтмоқчи эдим. Гапнинг пўст калласини гапириб, мени довдиратиб кўйдингиз. Мен нимани кутганимни биласизми?

— Аввалига тўрт минг беш юз марка таклиф қилишимни.

— Тўппа-тўғри! Лекин мен бунга кўнмасдим. Ахир, мошинани етти минг марказга сотмоқчисиз-ку, тўғрими?

Эҳтиёти шарт елкамни қисдим.

— Нима учун айнан етти минг?

— Чунки бошда ҳам менга шу нархни айтгансиз.

— Хотирангиз чаккимас, — дедим мен.

— Рақамларга. Фақат рақамларга. Минг афсус. Хуллас, бор барака: олинг мосинани олти минга!

Қўл ташлашдик.

— Худога шукур, — дедим мен енгил тортиб. — Узоқ танаффусдан кейинги биринчи битим. Кадиллак биз учун хосиятли чиқиб қолди.

— Мен учун ҳам, — деди Блюменталь. — Ахир, мен ҳам беш юз марка ишлаб қоляпман.

— Рост. Дарвоқе, нега мосинани бунчалик тез сотиб юборяпсиз? Ёқмадими?

— Ирими бор, — деди у. — Озгина бўлса ҳам фойда чиқадиган ҳар қандай битимни рад этмайман.

— Яхши ирим экан, — дедим мен.

Блюменталь ялтироқ бошини чайқади.

— Сиз ишонмайсиз, лекин чакки қиласиз. Бошқа ишларга қусури тегмаслиги учун шундай қиласман. Бизнинг давримизда фойдали битимни бой бериш — тақдир билан ўйнанишидай гап. Ҳозир ҳеч ким бунаقا нодонлик қилмайди.

Соат тўрт яримда Ленц, менга сигир қарашиб, столга бўш шишани қўйди.

- Қани, энди буни түлдиріб қуй, бүтегом! Гаров ўйнаганимиз эсингдами?
- Эсимда, — дедим мен, — лекин ҳали вақт бор.
- У күзимга соатини тутди.
- Түрт ярим. Нима қипти? Кечикиши мумкин-ку. Бўпти, гаров шартини ўзгартирамиз — ютқизсан, бир шишанга икки шиша қўяман.

— Розиман, — деди тантанали овозда Готтфрид. — Демак, тўрт шиша жин оламан. Сен бой берилган истеъкомда қаҳрамонлик қиляпсан. Таҳсинга сазовор, лекин фирт аҳмоқлик.

— Кўрамиз...

Ўзимни дадил тутардим-у, аммо ичимни ит тирнарди. Нонвойнинг қайтиб келишига ишонмаётгандим. Боя кеткизмаслик керак эди. У жудаям ишончсиз одам.

Соат бешда ёнимиздаги кўрпа-ёстиқ жилдлари тайёрлайдиган фабрика гудок чалди. Готтфрилд индамай олдимга яна учта бўш шиша қўиди. Кейин деразага суюниб, кўзини лўқ қилиб тураверди.

— Негадир томоғим тақиљиаб кетяпти, — деди у маънодор оҳангда.

Шу пайт кўчада форднинг таниш шовқини эшитилиб, ҳовлига нонвойнинг мосинаси кириб келди.

— Томоғинг тақиљлаётган бўлса, азизим Готтфрид, — дедим викор билан, — дарров дўёнгага чопқиллаб бориб, мен ютган икки шиша ромни олиб кел. Майли, текинга бир култум қўйиб бераман. Нонвойни кўярпсанми? Аҳволи руҳия, болакайим! Энди бўш шишаларни йўқот бу ердан! Кейин таксига ўтириб, овга жўнайвер. Бошқа нозик ишларга ҳали ёшлик қиласан. Омон бўл, қўзичорим!

Нонвойнинг олдига чиқиб, иш бунинг фойдасига ҳал бўлаётганини айтдим. Тўғри, собиқ мижозимиз етти ярим минг марка сўраяпти, лекин нақд пулни кўрса, етти-тага ҳам бервориши мумкин, дедим.

Нонвой гапларимни фаромуш бир ҳолатда эшитди. Шундан хавотирланиб қолдим.

- Соат олтида ўша одамга яна қўнгироқ қиласан, — дедим ниҳоят.
- Олтида? — нонвой сергакланди. — Э, соат олтида... — У менга қаради. — Бирга бормаймизми?
- Қаёққа? — сўрадим ҳайрон бўлиб.
- Рассом дўстингизникига. Сурат тайёр бўпти.
- Ҳа-а, Фердинанд Грауникига денг...
- У бош силкиди.
- Бирга борайлик. Мошина тўғрисида кейин гаплашаверамиз.
- Афтидан, Фердинанднинг олдига менсиз боргиси йўқ эди. Ўз навбатида, уни кўлдан чиқазмасликдан мен ҳам манфаатдор эдим. Шунинг учун таклифини рад этмадим:
- Бўпти, борсак бораверамиз.

Фердинанднинг кўриниши бир аҳволда эди. Ранги сўлгин, юз териси осилиб, бужмайиб кетган. У бизни остоңада кутиб олди. Нонвой унга рўйихушсиз кўз қирини ташлади. У негадир ҳаяжонланарди.

- Сурат қани? — деб сўради ичкарига киришимиз биланоқ.
- Фердинанд дераза томонга ишора қилди. У ерда дастгоҳга ўрнатилган сурат турарди. Нонвой шошиб бориб, суратнинг рўпарасида қотди-қолди. Салдан кейин шляпасини ечди.

Фердинанд икковимиз ҳамон эшик олдида турардик.

- Ишларинг қалай, Фердинанд?
- У беҳафсала қўл силкиб қўиди.
- Бирор гап бўлдими?
- Нима бўлиши мумкин?
- Кўринишинг яхшимас.
- Шу холосми?
- Ҳа, — дедим мен, — бор-йўғи шу...

У елкамга вазмин кафтини қўйиб, жилмайди. Шу туришида қари арслонни эслатарди.

Салдан кейин нонвойнинг ёнига бордик. Сурат ҳақиқатан ҳам яхши чиқкан эди. Сарғайиб кетган, марҳума ғамгин қиёфада тушган хира расмларга қараб, Фер-

динанд анча ёш, дуркун бир жувоннинг суратини чизганди. Аёл жиддий, андак маъюс нигоҳ билан қараб турарди.

— Ҳа, — деди нонвой бизга қарамай, — ўхшатибсиз. — Бу сўзни у ўзига айтган-дай туюлди, бинобарин, овозини ўзи ҳам эшитмаган бўлса ажабмас.

— Коронгилик қилмаяптими? — сўради Фердинанд.

Нонвой жавоб бермади.

Фердинанд дасттоҳни дераза томонга сал буриб қўйди. Кейин орқароққа ўтиб, ишора билан мени устахона ёнидаги чоғроққина хонага таклиф қилди.

— Бунақа бўлишини сира кутмагандим, — деди Фердинанд таажжубланиб. — Ўн фоиз чегирма таъсир қилганга ўхшайди. У йиғлаяпти...

— Ҳар қандай одамга таъсир қилади, — жавоб бердим мен. — Лекин нонвойнинг кўзи кеч очилди.

— Анча кеч, — деди Фердинанд, — ҳар доим ҳамма нарса кеч содир бўлади. Ҳаёт шунақа, Робби.

У хонада аста у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Майли, нонвой бир оз ёлғиз қолсин, биз шоҳмот ўйнаймиз.

— Ажойиб феълинг бор-да, — дедим унга.

Фердинанд тўхтади.

— Ҳозир феълинг алоқаси йўқ. Унга бари бир ёрдам беролмаймиз. Нуқул маҳзун нарсалар хусусида ўйланадиган бўлса, бу дунёда ҳеч кимнинг кулишга ҳаққи қолмайди.

— Сен ҳақсан, — дедим мен. — Ке, ўйнасак ўйнай қолайлик.

Доналарни тикиб, ўйинни бошладик. Фердинанд осонгина ютди. Шоҳни қимирлатмасдан, фақат рух билан филни ишга солиб, бир зумда мени мот қилди.

— Қойил! — дедим унга. — Кўринишингдан уч кун ухламаган одамга ўхшайсан, лекин ўйининг денгиз қароқчисини эслатади.

— Дилгир пайтимда ҳар доим яхши ўйнайман, — жавоб берди Фердинанд.

— Нега дилгирсан?

— Чунки қоронги тушияпти. Бамаъни одам кечга яқин ҳамиша дилгир бўлиб қолади. Унга бошқа сабабнинг кераги йўқ. Шунчаки... дилгир бўлади-қолади...

— Агар ёлғиз бўлса, шундайми?

— Албатта. Завол пайти. Ёлғизлик онлари. Конъяк айниқса лаззатли туюладиган дақиқаларда.

У шишиша билан қадаҳларни олди.

— Нонвойнинг олдига чиқмаймизми? — сўрадим мен.

— Ҳозир. — У конъяк қўйди. — Сенинг соғлигингга, Робби, ҳаммамиз қачонлардир ўлишимиз учун!

— Омон бўл, Фердинанд! Ҳозирча ерни тепкилаб юрганимиз учун!

— Ҳаётимиз қilda осилиб турган пайтлар кўп бўлди, аммо биз омон қолдик.

Мана шунинг учун ҳам ичамиз!

— Олдик.

Биз устахонага қайтиб чиқдик. Қоронги туша бошлади. Нонвой қунишганча ҳануз сурат олдида турарди. уни қайғу шу қадар абгор қилиб ташлагандики, ҳайҳотдай устахонада жуссаси баттар кичрайиб кетгандай туюларди.

— Суратни ўраб берайми? — сўради Фердинанд.

Нонвой сесканди.

— Йўқ...

— Бўлмаса, эртага жўнатвораман.

— Ҳозирча шу ерда қолдиришнинг иложи йўқми? — сўради нонвой умидворлик билан.

— Нима кераги бор? — деди Фердинанд ажабланиб ва унга яқинроқ борди. — Ёқмадими?

— Ёқди... Вақтинча шу ерда тура турсин дегандим-да.

— Тушунмадим.

Нонвой менга ёлвorgандай қаради. Сездимки, суратни қора соч аёл яшаётган уйга осиб қўйишдан чўчияпти.

Эҳтимол, бу марҳума олдидаги қўрқувдир.

— Менга қара, Фердинанд, — дедим унга, — пули тўланса, қаерда турди — нима фарқи бор?

— Ҳа, тўғри...

Нонвой енгил тортиб, чўнтағидан чек дафтарчасини чиқазди. Икковлари стол ёнига боришиди.

— Сизга яна тўрт юз марка беришим керак, шундайми?

— Тўрт юз йигирма, — деди Фердинанд, — ўн фоиз чегириб ташлаганим учун. Тилхат ёзиб берайми?

— Майли, — деди нонвой, — кўнгил тўқ бўлади-да.

Фердинанд индамай тилхатни ёзиб бериб, шу заҳоти чекни олди. Мен дераза ёнида турганча беихтиёр хонага яна кўз ташладим. Фира-шира қоронгиликда олиб кетилмаган ва пули тўланмаган чеҳралар зарҳал рамкаларда осиғелиқ турарди. Гўё нариги дунёдан келиб қолган арвоҳлар жонсиз нигоҳ билан ҳадемай ўз сафларига қўшиладиган аёлга мунгайиб қарашарди. Кечки шафақ аёл қиёфасига ҳаётнинг сўнгги шуъласини сочарди. Ҳамма нарса — стол устига энгашиб олган икки эркак ҳам, узун-қисқа соялар ва кўпдан-кўп гунгу лол суратлар ҳам, — бари файриоддий.

Нонвой дераза ёнига қайтди. Жияклари қизарган кўzlари худди шиша соққаларга ўхшайди, оғзи ним очиқ, пастки лаби осилиб турганидан сарғиш тишлари очилиб қолган. Унга қараб, ҳам кулгим қистади, ҳам ичим ачиди. Юқори қаватда кимдир пианинони тингиллата бошлади. Энди ўрганаётган одам шекилли, оҳанглар бетартиб чиқар, кулоқни қоматга келтиради. Фердинанд стол ёнида туриб, сигара тутатди. Гугурт олови юзини ёритди. Қизғиш шуъладан ним қоронги устахона бирдан кенгайиб кетгандай бўлди.

— Суратга сал ўзгартиш киритса бўладими? — сўради нонвой.

Фердинанд яқинроқ борди. Нонвой тақинчоқни кўрсатди.

— Шуни олиб ташлашнинг иложи йўқми?

У каттакон тилла тўғнағични айтаётганди. Уни чизишини ўзи илтимос қилганди.

— Иложи бор, — деди Фердинанд, — тўғнағич юзнинг тароватини идрок этишига халал беряпти. Буни олиб ташласак, сурат янаям очилади.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — нонвой бир оз ўйланиб турди. — Қанча тўлашпим керак?

Биз Фердинанд билан кўз уриштириб олдик.

— Кераги йўқ, — деди Фердинанд чин кўнгилдан. — Қайтанга мен сизга пулнинг бир қисмини қайтаришим керак: ахир, суратда бир нарса камайяпти-ку.

Нонвой иккиланиб қолди. Назаримда, пулни олгиси бордай. Кейин, ҳартугул, инсофга келди:

— Йўқ, олмайман... ахир, сиз уни чизгансиз-ку.

— Бу гап ҳам тўғри...

Биз кетдик. Зинаюдан тушаётганда нонвойнинг буқчайган қаддига қараб, раҳмим келди. Боя Фердинанд суратдаги тўғнағич масаласида уни калака қилганида виждони ўйғонганидан андак таъсирангган эдим. Кайфияти ёмонлигини сезиб турганим учун шу тобда кадиллакни ўртага суқишини эп кўрмайтгандим. Аммо кейин ўйлаб қолдим: унинг марҳума хотинига бу қадар обидийда қилиши уйида анови қора соч мегажиннинг яшаштагани важидан, холос. Бу фикр менга далда берди.

— Ҳалиги масалани уйда гаплашамиз, — деди нонвой, кўчага чиққанимиздан сўнг.

Индамай, бош иргадим. Менга ҳам шуниси маъқул эди. Тўғри, нонвой уйида ўзини дадилроқ сезишини ўйлаётганди, мен бўлсан, ўйнашининг мададидан умидвор эдим.

Аёл бизни эшик олдида кутиб турарди.

— Самимий табригимни қабул қилгайсиз, — дедим мен, нонвой оғиз очмасидан.

— Нима гап? — сўради у карашма билан қараб.

— Кадиллакли бўлдингиз, — дедим пинагимни бузмай.

— Вой, бебаҳо хазинам! — У нонвойнинг бўйнига осилволди.

— Лекин ҳали... — У аёлнинг кучогидан чиқиб, гап нимадалигини тушунтироқчи бўлди. Аммо ўйнаши бўш келмади. Оёқдарини типирлатиб, нонвой билан бир ерда гир айланар, оғиз очгани қўймасди. Кўз ўнгимдан гоҳ аёлнинг муғомбир чехраси, гоҳ ун қуртининг калласи лип-лип ўтиб турарди.

Нонвой бир амаллаб ўйнашининг исканжасидан халос бўлди.

— Ҳали келишганимиз йўқ, — деди у ҳансираб.

— Келишганимиз, — дедим ҳеч иккиланмай. — Келишганимиз! Майли, уни беш юзидан кечишига кўндираман, етти минг марка тўласангиз бас, бошқа гап йўқ! Розимисиз?

— Албатта, — деди қорасоч шоша-пиша. — Қиммат эмас, жонгинам.

— Жим бўл! — Нонвой қўлини кўтарди.

— Яна нима бўлди? — ўдағайлари аёл. — Ўзинг, оламиз, деган эдинг-ку, энди нега орқага ташлаяпсан?

— Олади, — баҳсга аралащдим мен, — ҳаммасини келишиб қўйганмиз...

— Ана кўрдингми, азизим? Нега гапингдан қайтасан? — У нонвойга яна ёпишиди. Нонвой тиричилаб, ўзини қора сочининг бағридан бўшатишга уринар, тиричилагани сайин ўйнаши тараанг кўксини унинг елкасига баттар ишқаларди. Сал ўтмай, нонвой бўшашиди-қолди.

— Форд-чи? — деди у.

— Уни ҳам пулга чақамиз.

— Тўрт минг марка...

— Эди... шундайми? — дедим мулоийимлик билан.

— Йўқ, форд тўрт минг маркага баҳоланиб, кадиллакнинг нархидан чегириб ташланиши керак, — деди нонвой паст тушмай, у хийла ўзини ўнглаб олган, энди хужумга ўтишини мўлжаллаётган эди. — Мошина яп-янги...

— Янги эмиш... — дедим мен. — Қанақа таъмирланганини биласизми?

— Эрталаб ўзингиз шундай дедингиз-ку.

— Эрталаб шундай деган бўлсан, бошқа нарсани назарда туттганман. Янгидан янгининг фарқи бор. “Янги” деган сўз харид қилаётганингизда бошқа, сатаётганингизда бошқа маъно касб этади. Фордингизни тўрт минг маркага баҳолаш учун қанотлари соф олтиндан бўлиши керак.

— Тўрт минг марка — бир тийин ками йўқ, — деди нонвой чўрт кесиб. Энди у аввалги ўжар нонвойга айланганди; назаримда, боя Фердинанднинг олдида чеккан изтиробларининг ўчини олмоқчига ўҳшайди.

— Унда менга рухсат! — дедим, кейин аёлга мурожаат қилдим: — Минг афсус, бекам, лекин мен зарар келтирадиган ишни қилолмайман. Кадиллакдан бизга ҳеч нарса тегмайди, шунинг учун эски фордни бунақа юқори нархга чақиб, пул ўрнида қабул қилолмаймиз. Хайр...

Аёл қўлимга ёпишиди. Кўзларидан ўт чақнарди. Кейин нонвойни талаб кетди.

— Юз марта айтувдинг-ку форд бир тийинга қиммат деб! — вижиллади у пиравардида кўзларига ёш олиб.

— Икки минг марка, — дедим мен. — Икки минг марка, шунда ҳам биз ўз ёғимизга болта урган бўламиз.

Нонвой миқ этмади.

— Гапирсанг-чи! Оғзингга талқон солволганимисан?! — деди қорасоч жифи бийрон бўлиб.

— Жаноблар! — дедим мен. — Бориб, кадиллакни олиб келай. Унгача икковларинг бир қарорга келарсизлар.

Шу тобда ортиқчалигимни сезиб қолдим. Бу ёғини қорасочнинг ўзи қотиради.

Бир соатдан кейин кадиллакни миниб келдим. Ичкарига кирибоқ, баҳс жўнгина ҳал бўлганини фаҳмладим. Нонвой афтодаҳол, эгнига тўшак парлари ёпишган, қорасоч эса, аксинча, боягидан ҳам очилиб кетган, икки кўкраги серкиллар, тўйинган юзида хоинона, сирли табассум ўйнарди. У қоматига ёпишиб турган юпқа шойи кўйлак кийиб олганди. Пайт пойлаб, менга қўзини қисиб қўйди. Сездимки, иш пишган. Энди мошинанинг қандай юришини кўрсатишим керак эди. Пастга тушдик. Қорасоч орқа ўриндиққа ястанволиб, тинмай гапиради. Мошинадан улоқтириб юборган бўлардим-у, аммо у ҳозирча менга керак эди. Нонвой ёнимда хўмраийиб ўтиради. У ҳали тўламаган пўлига мотам туваётганди — бу мотам бошқа изтиробларига қараганда ҳакиқатга яқинроқ эди.

Қайтиб келиб, яна тепага кўтарилдик. Нонвой пул олиб чиққани нариги хонага кириб кетди. Шундагина у кўзимга қари кишига ўхшаб кўринди, бунинг устига, сочи бўялганини пайқаб қолдим. Қорасоч истиғно билан кўйлагини тузатди.

— Қалай, бопладик, а?

- Ҳа, — дедим истамайгина.
- Юз марка чўзасиз...
- Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ку.
- Ўтакетган қурумсоқ, — деди у пицирлаб ва менга яқинроқ келди. — Пули кўп, лекин чиқазгиси келмайди! Ҳатто васиятнома ёзib беришни ҳам хоҳламаяпти. Бир гап бўлса, ҳамма мол-мулкига болалари эгалик қиласди, мен икки қўлимни бурнимга тиқиб қолавераман. Бу сассиқ чол билан умрим ҳазон бўладиганга ўхшайди.

У яна яқинроқ келди. Қўкси серкиллаб турипти.

- Эртага пулга кираман. Қачон уйда бўласиз? Балки ўзингиз келарсиз? — У ҳиҳилади. — Эртага тушдан кейин ёлғиз ўзим бўламан...

— Юз маркани жўнатаман, — дедим мен.

У ҳамон ҳиҳиларди.

— Ўзингиз кела қолинг. Ё қўрқяпсизми?

Унга қўрқоқдай туюлган бўлсан керак-да, шунинг учун менга далда бераётганди.

- Қўрқмайман, — дедим мен. — Вақтим йўқ. Аксига олиб, эртага дўхтирга боришим керак. Захмдан қутуолмаяпман! Жонимга тегиб кетди!

Қорасоч жонҳолатда ўзини орқага ташлаган эди, духоба креслога ўтириб қолаёди. Шу пайт нонвой чиқиб келди. У ўйнашига гумонсираб қаради. Кейин пулни санаб, столга қўйди. Аммо жуда секин, қалтираб санади. Сояси деворга ёпиштирилган пуштиранг гулқоғозга тушиб турар, гўё кўланкаси ҳам пулни биргалашив санаётганга ўхшарди. Тилхатни узата туриб, ўйлаб қолдим: “Бугуннинг ўзида иккинчи тилхат, биринчисини Фердинанд берганди”. Гарчи бу тасодифнинг бирон-бир аҳамияти бўлмаса ҳам, менга ғалати туюлди.

Кўчага чиқиб эркин нафас олдим. Ҳаво ёздагидай ёқимли эди. Йўлкада қадил-лак ярқираб турарди.

- Ҳўп, оғайни, раҳмат, — дедим мен кашотни шашатилаб. — Тезроқ қайт — иккаламиз ҳали кўп иш кўрсатамиз!

## XV

Ўтлоқлар тонг нурига фарқ бўлган. Пат иккаламиз ўрмон четидаги ялангликда нонушта қилиб ўтирибмиз. Мен икки ҳафталик таътилга чиқиб, Пат билан денгизга отланганман. Ҳозир йўлдамиз.

Хув нарида ситроен маркали кичкина, эски машина турипти. Бу машинани нонвойнинг фордидан қолган пулга олганмиз, Кестер уни таътил пайтига менга берди. Чамадонлар ортилган машина юқ ортмоқланган чайир хўтиқка ўхшарди.

- Ишқилиб, йўлда сочилиб кетмаса бўлди, — дедим мен.
- Сочилмайди, — жавоб берди Пат.
- Қаёқдан биласан?
- Нега билмайин? Чунки биз дам олгани кетяпмиз-да, Робби.
- Эҳтимол, — дедим мен. — Ҳар ҳолда ортқи ўқидан кўнглим тўқ. Лекин кўриниши чатоқ-да. Бунинг устига, шунча юқ.
- “Карл”нинг укаси бу — чидайди.
- Чала туғилган укаси-да.
- Ношукур бўлма, Робби. Ҳозирги шароитда мен билган энг яхши машина шу.
- Биз ўтлоққа чўзилдик. Ўрмондан майин, илиқ шабада эсади. Қатрон ва ўтланларнинг ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетган.
- Айтгин-чи, Робби, — сўраб қолди Пат бир маҳал, — хув анови ариқ бўйидаги гулнинг номи нима?
- Айиқтовон, — дедим қарамасдан.
- Нималар деяпсан, азизим? Ҳечам айиқтовон эмас. Айиқтовон кичкина бўлади, қолаверса, у баҳорда гуллайди.
- Тўғри, — дедим унга. — Бу занжабил.
- У бош чайқади.
- Занжабилни танийман. Кўриниши бутунлай бошқача.
- Бўлмаса, сув ўти.
- Қизиқмисан, Робби! Сув ўти оқ бўлади, бу қизил-ку.

— Унда билмадим. Ким сўраса, шу пайтгача учта номни айтаман. Биттасига бари бир ишонишлади.

Пат кулиб юборди.

— Аттанг. Билганимда, айиктовонга рози бўп қўя қолардим.

— Сув ўти! — дедим мен. — Кўп ғалабаларга сув ўти орқали эришганман.

У туриб ўтиради.

— Йўғ-э! Сендан кўп сўрашармиди?

— Кўп эмас. Кейин, бутунлай бошқа вазиятларда.

Пат кафтларини ерга тиради.

— Ростини айтсам, ер юзида юриб, у ҳақда ҳеч нарса билмаслик уят. Ҳатто гулларнинг номини ҳам билмаймиз.

— Ҳафа бўлма, — дедим унга, — ер юзида нима учун юрганимизни билмаслигимиз ундан ҳам уят. Уч-тўртта ортиқча ном ҳеч нарсани ўзгартиромайди.

— Ҳавои гаплар булар! Сен, назаримда, ялқовроқсан.

Унга қарадим.

— Тўппа-тўғри. Лекин ялқовлик нималигини аниқлаб олиш керак. Ялқовлик — ҳар қандай баҳтнинг ибтидоси ва ҳар қандай фалсафанинг интиҳоси. Яна пича ётайлик. Инсон жуда кам ётади. Доим оёқда туради ёки ўтиради. Бу кайфиятнинг мўътадил бўлишига халал беради. Фақат ётганинг ўзинг билан ўзинг муроса қиласан.

Мотор шовқини эшитилди, кўп ўтмай ёнимиздан бир машина ўтиб кетди.

— Кичкина мерседес, — дедим қарамасдан. — Тўрт цилиндрли.

— Яна биттаси келяпти. — деди Пат.

— Сезиб турибман. Рено. Радиатори чўчқанинг тумшуғига ўхшайдими?

— Ҳа.

— Демак, рено. Энди эшитиб тур, ҳақиқий машина келяпти! Лянчия! Мерседесни ҳам, ренони ҳам қувиб ўтса керак. Моторига кулоқ солгин-а! Мусиқа садосига ўхшайди!

Машина гизиллаб ўтиб кетди.

— Бу соҳада учта номдан кўпроқ нарсани биларкансан, — деди Пат.

— Албатта. Бу масалада хато қилмайман.

Пат кулди.

— Яхшими бу ёки ёмонми?

— Яхши-да. Табиий ҳол. Яхши машина баъзан йигирмата чаманзордан афзал бўлади.

— Йигирманчи асрнинг боласисан-да! Сенда, афтидан, ҳиссиёт заиф бўлса керак...

— Нега энди? Кўрдинг-ку, машина бобида ҳиссиётим зўр.

— Менини ҳам, — деди Пат жилмайиб.

Қарагай шохида какку сайрай бошлади. Пат санашга тушди.

— Нега санаяпсан?

— Билмайсанми? Какку неча марта кукуласа — одам шунча йил яшайди.

— Э-ҳа, ёдимга тушди. Бунинг бошқа аломати ҳам бор. Каккунинг овозини эшитган ҳамон пулни чиқазиши керак. Шунда пул кўпаяди.

Мен чўнтағимдан чақаларни олиб, кафтимда тутиб турдим.

— Ана холос! — деди Пат кулиб. — Менинг дардим яшашда, сенинг дардинг — пулда.

— Яшаш учун-да! — эътиroz билдиридим мен. — Ҳақиқий хаёлпараст пулга интилади. Пул, бу — озодлик. Озодлик эса — ҳаёт.

— Ўн тўрт, — санади Пат. — Бир пайтлар бошқача фикрда эдинг.

— Ноҳуш кунлар эди ўшанда. Пулга жирканч назар билан қарамаслик керак.

Кўп аёллар пул важидан севиб қолишади. Севги эса аксарият эркакларни очкўз қилиб қўяди. Ҳуллас, пул юксак орзуларга, муҳаббат эса, аксинча, манфаатпарастликка чорлайди.

— Омадинг бор экан, — деди Пат. — Ўттиз бешта.

— Эркак, — давом этдим мен, — фақат аёлнинг хархашалари туфайли манфаатпараст бўлиб қолади. Агар аёл бўлмаса, пул ҳам бўлмасди, бинобарин, эркаклар қаҳрамонлар қавмига айланарди. Окопларда биз аёлларсиз яшаганмиз, кимнинг

қанча мол дунёси борлиги ҳеч биримизни қизиқтирумаган. Мұхими: қандай аскарсан. Мен окопдаги ҳаётни күмсаёттаним йўқ, шунчаки масалага тўғри нуқтаи на-зардан ойдинлик киритмоқчиман. Севги эркакларда ҳарислик, жамиятда нуфузли ўринни эгаллаш, кўпроқ пул топиш, ҳузур-ҳаловатта интилиш каби ёмон иллатларни юзага чиқаради. Ҳукмдорлар сафдошлигининг оиласи бўлишини бекорга хуш кўрмаган — шунда улар камроқ ҳавф түддиришади. Католик руҳонийларнинг уйланмаслиги ҳам шундан — акс ҳолда улар бу қадар таптортмас ташвиқотчи бўлиши-масди.

- Бугун ростдан ҳам омадинг келди, — деди Пат. — Эллик иккита бўлди!
- Чақаларни чўнтағимга солиб, сигарета тутатдим.
- Қачон санаб бўласан? — дедим унга. — Етмишдан ошиб кетди-ку.
- Юзгача, Робби! Юз — яхши рақам. Шунча йил яшашни хоҳдайман.
- Журъатингга тан бердим, Пат! Лекин қандай шунча йил яшаш мумкин? У менга бир қараб кўйди.
- Яшаганда биламиз-да. Ҳаётта сенга нисбатан бошқачароқ қарайман-ку.
- Тўғри. Айтишларича, етмишгача қийин бўлармиш. У ёғига ўзи думалаб кетавармиш.
- Юз! — хитоб қилди Пат. Биз йўлга тушдик.

Денгиз улкан мовий елкан янглиф биз томон бостириб келарди. Биз унинг шўртатъм нафасини анча олисдан сезиб турардик. Уфқ тобора кенгайиб ва ёришиб борарди, мана, ниҳоят, поёнсиз, қудратли ва асов уммон бор бўй-басти билан на-моеи бўлди.

Йўл бурилиб, қирғоқчача борди. Кейин бир тўп дарахтзор, унинг ортида қишлоқ кўринди. Йўл-йўлакай ўзимиз яшайдиган уйнинг қаердалигини аниқлаб олдик. Яна анча юриш керак эди. Бу манзилни Кестер айтганди. Урушдан кейин у шу ерда бир йил истиқомат қилган экан.

Мўъяззигина бино бир четда ажralиб турарди. Мошинани эшик олдида тўхтатиб, сигнал бердим. Деразадан каттакон, рангпар чехра бир мўраладию ғойиб бўлди.

- Ҳар ҳолда бу фрейлейн Мюллер бўлмаса керак, — дедим мен.
- Бизни унинг афт-ангари қизиқтирумайди, — жавоб берди Пат.
- Эшик очилди. Хайрият, деразадан қараган фрейлейн Мюллер эмас, хизматкор аёл экан. Салдан кейин уй эгаси фрейлейн Мюллернинг ўзи чиқиб келди. Қари қизга ўхшаган, оқ соч, истараси иссиқ аёл экан. Эгнида кўкси берк қора кўйлак, унга олтин хоч шаклидаги тўғнағиҷ қадаб олган.
- Пат, эҳтиёти шарт, пайпорингни кўтарвол, — дедим хочга ишора қилиб ва мосиннадан тушдим.

- Жаноб Кестер келишимиз тўғрисида огоҳлантириб қўйганга ўхшайди, — дедим аёлга.
- Ҳа, телеграмма олдим, — шундай деб, менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.
- Жаноб Кестер яхши юріптими?
- Яхши... агар бу замонда шундай дейиш мумкин бўлса.
- Аёл мендан кўз узмай, бош иргади.
- Кўпдан бўён танишмисизлар?

“Тергов бошланди” — ўйладим ичимда ва Кестер билан минг йилдан бери оғайнилигимизни айтдим. Жавобидан қаноатланди, шекилли. Пат олдимизга келди. У пайпорини кўтаришга ултурганди. Фрейлейн Мюллернинг чехраси юмшади. Менга нисбатан Пат унга маъқул бўлди чамаси.

- Бизга хона топиб бероласизми? — сўрадим ундан.
- Жаноб Кестер огоҳлантиргандан кейин йўқ деб бўладими, — деди фрейлейн Мюллер.
- Сизларга энг яхши хонани бераман, — у Патга қаради.

Пат жилмайди. Фрейлейн Мюллернинг чехрасига ҳам табассум югурди.

- Юринглар, кўрсатаман.
- Кичкина чорбоғнинг тор йўлкасидан ёнма-ён кетишиди. Мен уларга эрганцдим — ўзимни ортиқча сезардим — фрейлейн Мюллер фақат Патга мурожаат қиласарди.

Аёл бизга кўрсатган хона биринчи қаватда эди. Кенг-мўл, ёп-ёруғ, шинам, менга айниқса маъқул бўлгани — бокча чиқадиган алоҳида эшиги бор. Хонанинг бир томонида токча. Иккита каравот қўйилган.

- Ҳўш, қалай? — сўради фрейлейн Мюллер.

- Жудаям зўр! — деди Пат.
- Ҳашаматли, — кўшиб кўйдим аёлга ёқиши учун. — Иккинчиси қаерда?
- Фрейлейн Мюллер менга аста бурилиб қаради.
- Иккинчиси? Қанақа иккинчиси? Бошқа хона керакми? Бу ёқмадими?
- Йўқ, нега ёқмайди? Ёқди, лекин...
- Ҳайрон бўп қолдим, — деди фрейлейн Мюллер сал истеҳзо билан. — Афсуски, бундан яхшиси йўқ.

Бизга иккита алоҳида хона кераклигини айтишига улгурмадим, гапни ўзи давом эттириди:

- Хотинингизга жуда маъқул бўлди менимча...
- “Хотинингизга”... Гарчи жойимдан жилмаган бўлсам-да, ўзимни бир қадам ор-қага ташлагандай туйдим. Сездирмай, Патга кўз қирини ташладим. У деразага су-янганча кулгидан ўзини аранг тийиб турарди.

— Хотиним, албатта... — дедим фрейлейн Мюллernerning тилла хочига тикилиб. Кейин, сирни очмай кўя қолишга аҳд қилдим. Тағин шайтонлаб қолмасин. — Биласизми, биз алоҳида ётишига ўрганганимиз, — дедим мен. — Яъни, ҳар ким ўз хонасида.

- Фрейлейн Мюллер боши-боши қилди.
- Эр-хотин бўла туриб, алоҳида ётиши нимаси!. Тавба... Янгилик!
- Гап бундамас, — дедим шоша-пиша, шубҳаланиб қолишидан чўчиб. — Гап шундаки, хотинимнинг ўйқуси енгил. Мен бўлсам қаттиқ хуррак отаман.

— Э, шунақа дeng! — дедим фрейлейн Мюллerner худди буни олдиндан сезгандай. Бирдан хавотирланиб қолдим: иккинчи қаватдан жой кўрсатиб қолса-я! Аммо никоҳ унинг учун муқаддас нарса эди. У ён томондаги эшикни очди, бу хонада каравотдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди,

— Қойил! — дедим мен. — Айни менбоп хона. Ҳеч кимга халақит бермайманми? — Мен пастки қаватда биздан бошқа одам яшайдими-йўқми — шуни билмоқчи эдим.

— Асло халақит бермайсиз, — деди фрейлейн Мюллerner, энди бояги важоҳати сал сўнган эди. — Ундан ташқари, бу ерда сизлардан бошқа ҳеч ким турмайди. Хоналар ҳувиллаб ётипти. — У бир оз сукутдан сўнг, сўради: — Шу ерда овқатланасизларми ёки ошхонадами?

- Шу ерда, — дедим мен.
- Аёл бош силкиб, чиқиб кетди.
- Хўш, фрау Локамп! — мен Патга мурожаат қилдим. — Мана, қўлга тушдик. Тўгрисини айтишига юрагим бетламади — диндор аёлга ўхшайди. Ўзим ҳам унча маъқул бўлмадим. Қизиқ, қари аёллар билан ҳар доим тез тил топишиб кетардим.

— Қари аёл эмас, Робби, у жудаям мулоийим кекса хоним.

- Мулоийм? — Мен елкамни қисдим. — Лекин ўзига бино қўйган аёл. Ҳайронман, хоналар бўшаб ётипти-ю, нимасига керилади!

- Керилаётгани йўқ...
- Сенга керилаётгани йўқ, тўғри.
- Пат кулди.
- Менга ёқди бу аёл. Энди чамадонларни опкириб, чўмилиш кийимларини тайёрлайлик.

Бир соат мириқиб чўмилдим, энди офтобда тобланиб ётибман. Пат ҳалиям сувда. Оппоқ қалпоқчasi гоҳ кўриниб қолади, гоҳ зангори тўлқин ортида ғойиб бўлади. Денгиз тепасида балиқчи қушлар чарх уряпти. Уфқ томонда улкан кема тутунчуватиб, сузиб кетяпти.

Офтоб қаттиқ қиздирияпти. Ёқимли чарчоқдан сўнг жиндай мизғигим келяпти-ю, аммо бу истак қуёш тафтида эриб кетяпти. Кўзларимни юмганча роҳат қилиб керишдим. Остимда иссиқ кум шитирлайди. Қирғоққа урилаётган заиф тўлқиннинг шалоплаши эшитилиб турибди. Қачон, қайси кун шу алфозда ётганимни эслай бошладим...

1917 йилнинг ёзи. Ротамиз ўшанда Фландрияда эди, кутилмаганда бизни бир неча кунга Остенданга, хордиқ чиқаришига олиб кетишиди. Майер, Хольгофф, Брейер, Лютенс, мен ва яна кимлардир бор. Кўпчилигимиз денгизни кўрмаганмиз, бинобарин, ўша саноқли кунлар, ўлим билан ҳаёт орасидаги жиндайгина танаффус

биз учун чинакам роҳатга айланган эди. Кун бўйи қумлоққа ястаниб, офтобда тобланардик. Қип-яланғоч, халтасиз, куролсиз, формасиз юриш — шунинг ўзи тавсифга сифмайдиган бир олам эди. Биз соҳилда ҳолдан тойгунча шўхлик қилгандан сўнг, яна ўзимизни сувга отиб, тўлқинлар кифтига тўш урадик. Бизни ҳаётга боғлаб турган аъзойи баданимизни, ўз нафасимизни, жамики хатти-ҳаракатимизни бутун борлиги билан ҳис этардик. Бундай лаҳзаларда ҳамма нарсани унутардик, унтишини хоҳлардик. Аммо кечта бориб, қоронги тушгач, уфқ ортидан кўтарилган қора булатлар кути ўчган дengиз устига ёпирилган пайтда тўлқинлар шовқинига аста-секин бошқа товуш қўшила бошларди; бу товуш борган сари кучайиб, ниҳоят, момақалдироқдай, дengиз шовқинини босиб кетарди. Бу фронтдаги отишманинг гумбур-гумбури эди. Шундай дақиқаларда ҳамма жим бўлиб қолар, орага оғир сукунат чўқар, одамлар бошларини кўтариб, уфқ томон қулоқ тутишарди. Кун бўйи беармон ўйнаб-қувнаган ўспириналарнинг шодон чехралари бир зумда жиддий аскар қиёфасига киради. Яна бир муддат уларнинг юзида чукур ва ноҳуш ҳайрат билан фам-ғусса ифодаси зоҳир бўлардики, бу ифода замирада айтилмаган ҳамма нарса: мардлик ҳам, армон ҳам, яшаш иштиёқи ва ўз бурчини адо этиши хоҳиши ҳам, умид ва ноумидлик ҳам, ёшликтан ўлимга маҳкум этилганларнинг сирли изтироблари ҳам — бари-бари мужассам эди. Бир неча кундан сўнг қаттиқ ҳужум бошланиб, учинчи июлдаёқ ротада ўттиз икки киши қолди. Майер, Хольтхофф ва Лютгенс ҳалок бўлишиди.

— Робби! — қулоғимга Патнинг овози эшитилди.

Кўзимни очдим. Дабдурустдан қаерда ётганимни англаёлмадим. Ҳар гал, уруш хотираларига берилганимда, хаёлим кетиб қолади. Бошқа нарсаларни эслаганимда бундай бўлмайди.

Бошимни кўтардим. Пат сувдан чиқиб келарди. Ортида қизиши-тилларанг қуёш пояндози олисларга чўзилиб кетган. Елкаларидан томчи-томчи шуъла тўкилар, бўй-бости офтоб нурига буткул фарқ бўлганидан мусаффо осмон остида худди қоп-қора сояга ўҳшаб кўринарди. У мен томон битта-битта одим ташларкан, қуёш то уфқقا ёнбошилаб, боши теграсида улкан доира ҳосил қилмагунча, қадам-бақадам кўзни қамаштирувчи шуълага омухта бўлиб борарди.

Сакраб туриб кетдим, — бу ҳайратомуз манзара эди, — ҳад-ҳудудсиз ложувард осмон, дengиз узра оқ ёlli тўлқинлар ва мана шу икки мўъжиза орасида — бетим-сол, гўзал қадди-қомат. Назаримда, ер юзида ёлғиз ўзимман, сувдан эса биринчи аёл чиқиб келяпти. Гўзаликнинг улкан ва сокин қудрати олдида бир лаҳза лол бўлиб турдим, бу гўзалик ҳар қандай қонли ўтмишдан кучлироқ эканини ва шундай бўлиши кераклигини, акс ҳолда, рўйи замин ағдар-тўнтар бўлиб, хароботга айланишини ҳис этдим. Ундан кўра ҳам бу дунёда юрганимга, Патнинг борлигига, уруп даҳшатларидан омон қолганимга, кўзларим, оёқ-қўлим бутлигига, миям ишлаб, томирларимда қон айланиб турганига, буларнинг бари ақл бовар қилмайдиган мўъжиза эканига астойдил имон келтирдим.

— Робби! — қичқирди яна Пат узоқдан кўлини силкитиб.

Халатини олиб, истиқболига юрдим.

— Сувда узоқ туриб қолдинг, — дедим унга.

— Совқотганим йўқ, — жавоб берди у ҳансираб. Ҳўл елкасидан ўпдим.

— Биринчи кунлари ўйлаброқ иш қилиш керак.

— Жуда узоқ муддат ўйлаб иш қилганман.

— Наҳотки?

— Албатта! Керагидан ортиқча! Энди ўйламасдан иш қилмоқчиман! — У кулиб, юзини чаккамга босди. — Ке, ўйламаймиз, Робби! Ҳеч нарсани ўйламаймиз, фақат ўзимизни, қуёшни, таътилни ва дengизни ўйлаймиз!

— Бўпти! — дедим мен ва пахмоқ сочиқни олдим. — Ке, артиб қўяй. Қачон бунчалик қорайишга улгурдинг?

Пат халатини кийди.

— “Ўйлаб иш қилган” йилим. Ҳар куни бир соат балконда ўтириб, қуёшда тобланишим керак эди. Кечқурун соат саккизда уйқуга ётардим. Бугун саккизда эса яна чўмилишга келаман.

— Кўрамиз, — дедим унга, — инсон аҳд қилишга ҳамиша уста. Лекин аҳдини бажаришга эмас. Унинг афсункорлиги ҳам мана шунда.

Кечқурун ҳеч қайсизмиз чўмилмадик. Олдин қишлоқни айландик, қоронғи тушгач, мосинада сайр қилдик. Бирдан Пат лоҳас бўлиб, орқага қайтишни сўради. Ундаги қувноқ кайфият тўсатдан хомушлик билан алмашинганини олдин ҳам пайқаган эдим. Гарчи кўринишидан сезилмаса ҳам, у ниҳоятда нимжон эди. Ўз кучини ҳамма вақт аямай сарф қиласар, ёшлиқ таровати битмас-туганмасдай туюларди. Аммо кутилмагандга юзи бўздай оқариб, кўзлари ич-ичига ботиб кетарди. Бу ҳол астасекин эмас, бирданига, бирлаҳзада юз берарди.

— Уйга қайтамиз, Робби, — деди у, овози одатдагидан анча паст эшитилди.

— Уйга? Кўксига тилла хоч қадаб олган фрейлейн Мюллернинг олдигами? Қизик, биз йўқдигимизда шум кампирнинг хаёлига нималар келмадийкин...

— Уйга, Робби, — Пат ҳолсизлиқдан елкамга суюнди. — Энди ўша ер уйимиз.

Бир қўлимни руддан бўшатиб, елкасидан кучдим. Биз шом гира-ширасида қишлоқ йўлидан кетиб бораардик, ниҳоят, сой бўйидаги нишабликка жойлашган уй чироқларини кўриб, ростдан ҳам ўзимизни қадрдон уйимизга қайтаётгандай ҳис этдик.

Фрейлейн Мюллер бизни кутарди. У қора юнг кўйлагини шу рангдаги сипо тикилган шойи кўйлакка алмаштирган, хоч ўрнига энди кўксига черков учун эътиқод, ишонч ва муҳаббат рамзи бўлмиш юрак, лангар ва хоҷдан иборат бошқа нишонни қадаб олган эди.

Фрейлейн кетаётган пайтимиздагидан кўра иликроқ кутиб олиб, тайёрлаган овқати: тухум, яхна гўпти ва дудланган балиқقا муносабатимизни сўради.

— Жуда соз, — деди Пат.

— Сизга-чи, маъқулмасми? Яқиндагина дудланган қалқонбалиқ. — У менга ҳадиксираб қаради.

— Яхши, — дедим истар-истамай.

— Янги дудланган қалқонбалиқ ширин бўлиши керак, — деди Пат ва менга ёзғириб қараб кўйди. — Фрейлейн, биринчи куниёқ шунақа таом! Яна нима керак? Чаласига иссиққина чой бўлса бас.

— Албатта-да! Иссиқ чойсиз бўладими! Жоним билан. Ҳозир ҳаммасини опкелишади.

Фрейлейн Мюллер сенгил тортиб, шойи кўйлагини шилдиратганча шошиб чиқиб кетди.

— Ростдан ҳам балиқ егинг йўқми? — сўради Пат.

— Шунақаям егим борки! Қалқонбалиқ бўладию әмайманми? Шу кунларда тушимга фақат қалқонбалиқ киради.

— Нега бўлмаса тутун қайтаряпсан? Қизик одатларинг бор-да...

— Бугун яхши кутиб олмагани учун шундай қилишман.

— Тавба! — кулди Пат. — Ҳеч нарсани кечирмайсан-а! Мен аллақачон унутвордим.

— Мен унуганим йўқ. Дарров унуголмайман.

— Унугтан яхши...

Хизматкор аёл патнис кўтариб кирди. Қалқонбалиқнинг пўсти тилладай ялтиради. Ундан денгиз ва тутун ҳиди анқирди. Патнисда майда қисқичбақалар ҳам бор эди.

— Энди унугтишман, — дедим кулиб, — ундан ташқари, қорним таталаб кетяпти.

— Мен ҳам очиқдим. Олдин иссиқ чой бер. Негадир этим жунжикиб кетяпти. Лекин ҳаво илиқ-ку.

Унга қарадим. Рангидаги қон йўқ, аммо кулиб турарди.

— Энди узоқ чўмилишни хаёлингга ҳам келтирма, — дедим унга ва хизматкор аёлга мурожаат қилдим: — Озгина ром топилармикин?

— Нима?

— Ром. Шунақа ичимлик бор.

— Ром?

— Ҳа.

— Йўқ.

Унинг юзи баркашдай юм-юмалоқ эди. Менга маънисиз нигоҳ билан қараб турарди.

— Йўқ, — деди у яна бир марта.

— Ҳа, майли, — жавоб бердим унга. — Бўлмаса ундан нари. Яхши ётиб туринг. Олло паноҳида асрасин.

У кетди.

— Узоқни күрадиган дўстларимиз бор-да, Пат, — дедим мен. — Эрталаб, жўнашимиздан олдин Ленц мосинага оғиргина қозоз халта солиб қўйган эди. Қарайл-лик-чи, нима бор экан...

Мосинадан халтани олиб келдим. Ихчамгина қутида икки шиша ром, бир шиша конъяк ва битта вино турарди. Ромни чироқ ёруғига тутиб, ёрлиғига қарадим.

— “Сейнт Жемс” роми, э қойил! Зўр йигитлар-да!

Шишани очиб, Патнинг чойига озгина қўйдим. Чойни ичаётганида қўли титраётганини сездим.

— Ҳалиям жунжиқяпсанми?

— Сал-пал. Ҳалигидан тузук. Ром яхши экан. Барвақтроқ ётаман.

— Ҳозироқ ёт, Пат, — дедим мен. — Столни каравотнинг ёнига сурдим.

У бош силкиди. Каравотимдан яна битта адёл опкелиб, столни сурдим.

— Балки мана бу ичимликлардан аралаштириб, шарбат тайёрлаб берганим маъкулмикин? Фойдаси кўпроқ-да. Бирпаста қотираман.

— Йўқ, анча яхшиман.

Ростдан ҳам унинг чехраси ёришиб қолганди. Кўзлари яна чақнаб турар, лаблари қип-қизил, жилосиз териси қайтадан тиниклашганди.

— Худога шукур, отдайсан. Минг қилганда ҳам, ром-ром-да!

Пат жилмайди.

— Тўшкақда ҳам гап кўп, Робби. Мен ётганимда яхши дам оламан. Менинг бошпанам — тўшак.

— Қизиқ. Мен бунақа барвақт ётсам, жинни бўп қоламан. Бир ўзим ётсам, албатта.

У кулиб юборди.

— Аёл кишининг йўриғи бошқа.

— Унақа дема. Сен аёлмассан.

— Кимман бўлмаса?

— Билмадим. Фақат аёлмассан. Агар рисоладагидай аёл бўлганингда, севолмасдим.

У менга ғалати қаради.

— Сен умуман сева оласанми?

— У нима деганинг?! — дедим мен. — Овқат пайтида кўп гапирилмайди. Бошқа саволинг йўқми?

— Эҳтимол, бордир. Олдин ҳозирги саволимга жавоб бер.

Ўзимга ром қўйдим.

— Сенинг соғлигингга, Пат. Балки сен ҳақдирсан. Балки иккаламиз ҳам сева олмасмиз. Яъни, ота-боболаримизга ўҳшаб. Лекин бундан бир жойимиз камайиб қолаётгани йўқ-ку. Бизники бошқачароқ, жўнроқ деймизми...

Эшик тиқиллади. Фрейлейн Мюллер кирди. Қўлида аллақандай суюқлик қуилган шиша кружка.

— Мана, ром опкелдим.

— Миннатдорман, — дедим шиша кружкадан кўз узмай. — Овора бўпсиз-да. Қаловини топдик.

— Ё алҳазар! — Стол устидаги тўртта шишани қўриб, кўзлари ола-кула бўп кетди. — Шунақа кўп ичасизми?

— Азбаройи шифо, — дедим Патга қарамай. — Дўхтир буюрган. Жигарим жуда-ям қуруқ, фрейлейн Мюллер, хўллаб туриш керак. Балки ўзингиз ҳам...

Винони очдим.

— Омад тирайман! Ўйингиз тезроқ меҳмонларга тўлсин!

— Ташаккур! — У таъзим қилиб, винодан бир хўплади. — Таътил яхши ўтсин! — Кейин менга қараб, ноз билан жилмайди. — Жа ўтқир-ку! Лекин мазаси ёмонмас.

Ундаги ўзгаришни қўриб, қўлимдаги стаканни ташлаворай дедим. Фрейлейннинг юзи бир зумда ловиллаб кетган, кўзлари йилтилларди, сўнг бизга мутлақо қизиги йўқ мавзуда валдирај бошлади. Пат тишини тишига қўйиб, қулоқ соларди. Ниҳоят, у менга мурожаат қилди:

— Демак, жаноб Кестер яхши юрипти дэнг?

Мен бош иргадим.

— У пайтда жуда камгап эди, — деди у. — Баъзан кун бўйи бир оғиз ҳам гапирмасди. Ҳозир ҳам шунақами?

- Йўқ, ҳозир аҳён-аҳён гапириб туради.
- Бир йилча шу ерда яшади. Ёлгиз ўзи...
- Ҳа, — дедим мен. — Бунаقا шароитда ҳар қандай одам ҳам соқов бўлиб қолади.

У жиддий бош силкиб, Патга қаради.

— Чарчабсиз, а?

— Сал-пал.

— Жудаям, — қўшиб қўйдим мен.

— Унда мен борай, — фрейлейн ўрнидан турди. — Яхши ётиб туринглар!

Яна бир оз ивирсиб тургаč, чиқиб кетди.

— Ҳали ўтиргиси бор эди, — дедим мен. — Қизиқ... ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ...

— Бахтсиз аёл-да, — деди Пат. — Кечкурунлари бир ўзи хонасига қамалволиб, ўй сурса керак...

— Албатта-да... Лекин ҳозир унга яхши муомала қилдим назаримда.

— Ҳа, Робби, — деди у қўлимни силаб. — Эшикни сал очиб қўй.

Бориб, эшикни очдим. Осмон тиник, катта йўлга тушиб турган ой нури хонамизга қадар пояндоzdай чўзилганди. Боф гўё эшик очилишини кутиб тургандай, — хонага бир зумда шаббўй, қалампиргул ва атиргулларнинг муаттар ҳиди ёпирилиб кирди.

— Буни қара-я! — дедим мен.

Ой тобора равшанлашар, боғ йўлкаси бошдан-охир барабила кўзга ташланарди.

Гул шоҳлари йўлкага этилиб турар, барглари қорамтири кумушдай ялтирас, кундузи барқ уриб турган фунчалар энди, худди қаламда чизилган суратдагидай, хирашганди. Ой нури билан тун рангларнинг кувватини тортиб олганди, аммо муаттар хид кундузгидан ўткирироқ ва тотлироқ эди.

Патга қарадим. Қўнғир соchlари оипоқ ёстиққа сочилиган. У буткул ҳолдан тойгандай кўринар, аммо унда назокатнинг, тун фира-ширасида, ой ёруғида очилиб турган гулларнинг сехрли таровати бор эди.

Пат хиёл қаддини кўтарди.

— Робби, ростдан ҳам жуда толиқдим. Ёмонми бу?

Каравоти ёнига бордим.

— Ваҳима қўима. Қайтанга яхши ухлайсан.

— Сен-чи? Ётмайсанми?

— Соҳилда бир оз айланаман.

У бош силкиб, яна ўзини ёстиққа ташлади. Ёнида пича ўтирдим.

— Эшик очиқ турсин, — деди у кўзларини юмаркан. — Шунда одам ўзини боғда ётгандай сезади...

Пат чукӯр нафас ола бошлиди. Ўрнимдан туриб, аста боққа чиқдим, тахта девор олдида тўхтаб, сигарета тутатдим. Бу ердан хона ичи кўриниб турарди. Стулда Патнинг сувдан чиққанда киядиган халати, унинг устига кўйлаги ташлаб қўйилган, ерда, стул ёнида туфлиси. Бир пойи аёдарилиб копти. Бу нарсаларга қараб, қўнглимдан илиқ бир ҳис кечди: мана энди у меники, ўзимники, бир неча қадам қўйсам, уни кўраман, ёнида бўламан, бугун ҳам, эртага ҳам, эҳтимол, жуда узоқ йиллар бирга бўларман...

Эҳтимол... Эҳтимол... Миямда нуқул шу сўз айланади. Тўла ишонч йўқ. Ҳамма-га ҳам мана шу ишонч етишмайди.

Мен соҳилга, шамол чарх уриб, тўлқинлар замбарак овозидай гумбурлаётган денгиз бўйига тушдим.

## XVI

Кумлоқда ўтириб, кун ботишини томоша қилардим. Бугун Пат чўмилишга келмади. Ўзини ёмон ҳис этаётганди. Қоронги тушгач, ўрнимдан туриб, уйга кетишга чоғландим. Шу пайт дараҳтлар орасидан хизматкор аёл чопиб чиққанини кўриб қолдим. У менга кўл силкиб, бир нималар деб қичқиради. Аммо овози шамол ва

денгиз шовқинига сингиб кетаётгани учун ҳеч нарсани тушумасдим. Унга тўхтанг дегандай ишора қилдим. У чопиб келаверди, сўнг кафларини оғзида карнай қилиб, қичқириди:

— Фрау Пат... — овозини базур эшитдим. — Тезроқ...

— Нима бўлди? — бақирдим унга.

У нафасини ростломас эди.

— Тезроқ юринг. Фрау Пат... Мусибат.

Ўрмоннинг кумлоқ йўлкасидан уйга қараб югурдим. Тахта эшик ҳадеганда очилавермади. Девордан ошиб ўтиб, хонага отилиб кирдим. Пат тўшакда ётарди, кўкраги қон, бармоқлари тугилган. Оғзидан ҳамон қон оқарди. Ёнида фрейлейн Мюллэр сочиқ билан сув солинган тос ушлаб турибди.

— Нима бўлди? — уни бир четга итариб юбордим.

Фрейлейн бир нималар деди.

— Дока билан пахта опкелинг! — дедим унга. — Жароҳати қаерда?

У менга қаради, лаблари титрарди.

— Жароҳати йўқ...

Унга кескин бурилиб қарадим.

— Қон кетяпти.

Кўлидан тосни олдим.

— Муз опкелинг, тезроқ... муз топинг.

Сочиқнинг учини ҳўллаб, Патнинг кўксига босдим.

— Уйда муз йўқ, — деди фрейлейн Мюллэр.

Унга бир ўқрайган эдим, орқага тисарилди.

— Худо хайрингизни берсин, муз толинг, шу атрофдаги ресторонга одам жўнатинг, дўхтирга кўнгироқ қилинг.

— Телефонимиз ҳам йўқ.

— Ё тавба! Энг яқин телефон қаерда?

— Массманникида.

— Ўша ёққа югуринг. Тезроқ. Дўхтири топинг. Исми нима? Қаерда яшайди?

У жавоб беришга улгурмасидан эшикдан итариб чиқаздим.

— Тезроқ, тезроқ, чопинг! Узоқмасми?

— Уч минутлик йўл, — деди фрейлейн Мюллэр ва физиллаганча кетди.

— Муз ҳам опкелинг! — қичқиридим орқасидан.

Сувни янгилаб, яна сочиқни ҳўлладим, аммо Патга қўл теккизишга журъат этмадим. Кулай ётиптими-йўқми, шуни билмасдим, энг муҳими — бошига яна ёстиқ кўйиш керакми ёки юзтубан ётгани маъқулми, мана шу жумбоқни ечолмай хуноб бўлардим.

Патнинг нафаси қисила бошлиди, кейин бирдан бошини кўтарган эди, оғзидан қон отилди. Нафас олиши тезлашиб, кўзларига беадад мунг чўқди, у бетўхтов йўталаар ва қон қусарди. Елкасидан ушлаб, гоҳ бағримга босар, гоҳ бўшатарканман, азъойи бадани титратётганини ҳис этиб турардим. Назаримда бу азобнинг охири йўқдай эди. Салдан кейин у тамом ҳолсизланаб, ёстиққа суюниб қолди.

Фрейлейн Мюллэр қайтиб келди. У менга арвоҳга қарагандай тикилди.

— Энди нима қиласми? — сўрадим ундан.

— Ҳозир дўхтири келади, — пицирлади фрейлейн. — Мана, муз... кўкрагига кўйиш керак, агар қурби етса, бир бўлагини сўргани тузук.

— Қандай ётқизган яхши?.. Баландми, пастми? Гапирсангиз-чи?

— Қимирлатманг. Дўхтири ҳозир кеп қолади.

Патнинг кўкрагига муз кўя бошлидим, ҳар ҳолда бир нарса қилаётганимдан саленгил тортдим. Музни майдалаб, тез-тез алмаштириб турардим ва Патнинг чиройли, суюкли, қонга беланган лабларидан кўз узмасдим...

Велосипед фиддиракларининг шитирлагани эшитилди. Сакраб туриб кетдим. Дўхтири кириб келди.

— Ёрдамим керакми? — сўрадим шоша-пиша. Дўхтири бош чайқаб, сумкасини очди. Унинг ёнида каравотга суюнганча гарангсиб турардим. У менга қаради. Сал орқага чекиндим. Дўхтири Патнинг қовурғаларини кўздан кечирди. Пат инграрди.

— Дарди оғирми? — сўрадим ундан.

— Хотинингизни ким даволаган?

— Яъни... ким дейсизми? — фўлдирадим мен.

- Қанақа дүхтир? — қайта сўради у бетоқат бўлиб.
- Билмайман... — дедим мен, — хабарим йўқ...
- Дўхтир менга таажжубланиб қаради.
- Ахир, сиз билишингиз керак-ку...
- Лекин билмайман. Менга бу ҳақда сира гапирмаган.

У Патнинг устига энгашиб, шу савонни берди. Пат жавоб бериш учун оғиз очган эди, яна йўтал тутиб, қон куса бошлади. Дўхтир унинг бошини кўтарди. Пат юта-қиб нафас олар, ҳаво томогидан ҳуштак чалиб кириб-чиқарди.

- Жаффе, — деди у ниҳоят минг мاشаққат билан.
- Феликс Жаффеми? Профессор Феликс Жаффе, шундайми? — сўради дўхтир.

Пат тасдиқ ишорасини қилди. Дўхтир менга қаради: — Кўнгироқ қилоласизми? Ўзидан маслаҳат олганимиз маъқул.

— Ҳа, албатта, — дедим мен. — Ҳозироқ кўнгироқ қиламан. Кейин сизни ўзим опкеламан. Жаффе дедингизми?

- Феликс Жаффе. Телефон рақамини аниқланг.
- Тузалиб кетадими? — сўрадим ундан умидворлик билан.
- Қон тўхташи керак, — жавоб берди дўхтир.

Хизматкор аёлни чақирдим, иккаламиз чопиб кетдик. У менга телефони бор уйни кўрсатди. Йўлакдан кўнгироқ қилдим. Ичкарида бир тўда одам қаҳва билан пиво ичиб ўтиради. Уларга лоқайд назар ташладим. Тавба, Пат қонга беланиб ётилти-ю, буларнинг пиво ичиб ўтиришига ўласанми! Шошилинч буюртма бериб, аппарат олдида кута бошладим. Гала-ғовур қулоғимга эшитилиб турар, парда орасидан ён хонанинг бир бўллаги кўзга ташланарди. У ерда ҳам одамлар ўтиришипти. Ҳамма нарса ғира-шира, айни пайтда, аниқ-равшан кўринарди. Бошига чироқнинг сарғиш нури тушиб турган тепакал одам, кўксисда боғичи бор қора кўйлакка қадалган тўғнағич, бағбақа, кўзойнак, тепага турмакланган соч, столни чертаётган ва томирлари бўртиб чиқкан қоқсуяқ қўл. Шу тобда ҳеч нарса юрагимга сифмасди, бироқ буларнинг бари ўз-ўзидан кўзимга тикандек қадалаётганди.

Ниҳоят, телефон жиринглади. Профессорни сўрадим.

— Афсуски, профессор Жаффе кетиб бўлди, — деди ҳамшира.  
Оёқ-кўлим бўшашиб кетди.  
— Қаёққа кетдийкин? Шошилинч гаплашишим керак.  
— Билмадим. Балки шифохонага қайтгандир.  
— Илтимос, кўнгироқ қилинг. Кутиб тураман. Олдингизда бошқа аппарат ҳам бордир.

— Бир минутга. — Яна узун гудок. Бетоқатлик. Бирдан сесканиб кетдим. Парда орқасида, қафасда турган канарейка сайраб юборган эди. Шу пайт ҳамширининг овози эшитилди: — Профессор Жаффе шифохонадан ҳам чиқиб кетипти.

— Қаёққа?  
— Аниқ билмайман, жаноб.  
Тамом. Деворга суяниб қолдим.  
— Алў! — деди ҳамшира, — гўшакни қўймадингизми?  
— Йўқ ҳали. Менга қаранг, ҳамшира, қачон қайтишини билмайсизми?  
— Аниқ айтиш қийин.  
— Ҳеч нарса демадими? Айтиб кетиши керак-ку. Бирор гап бўлса уни қаердан қидиради одам?

— Шифохонада навбатчи дўхтир бор.  
— Ўшандан сўраб кўринг-чи.  
— Фойдаси йўқ. У ҳам билмайди.  
— Менга қаранг, ҳамшира, — дедим тамом ҳолдан тойиб, — агар профессор Жаффе кеп қолса, илтимос қилинг: дарров бу ёққа кўнгироқ қилсин. — Унга телефон рақамини айтдим. — Фақат зудлик билан! Ёдингиздан чиқмасин, ҳамшира.

— Менга ишонаверинг, жаноб. — У айтган рақамимни такрорлаб, гўшакни кўйди. Жойимдан жилмадим. Чайқалиб турган бошлар, тепакал, тўғнағич, қўшни хона — бари қаёққадир ғойиб бўлди. Атрофга алангладим. Кўлимдан бошқа ҳеч нарса келмасди. Хўжайниндан кўнгироқ бўлса, чақириб қўйишини илтимос қилишим мумкин, холос. Аммо телефондан нари кетолмасдим, у мен учун бамисоли кутқариш

чамбараги эди. Бирдан миямга бир фикр урилди. Гүшакни кўтариб, Кестернинг рақамини тердим. Жойида ўтиргандир, ахир. Қаёқча ҳам бораарди.

Мана, тун талотўпи орасидан Кестернинг хотиржам овози эшитилди. Унга во-кеани тушунтиридим. Отто жим қулоқ солар ва гапларимни ёзib бораарди.

— Бўпти, — деди у, — ҳозироқ профессорни топаман. Сенга қўнғироқ қиласман. Ташибланма. Албатта топаман.

Худога шукур! Кушдай енгиг бортдим. Бутун олам тинчланди. Вахима ортда қолди. Уйга қараб югурдим.

— Хўш? — деди дўхтир, — қўнғироқ қилолдингизми?

— Йўқ. Лекин Кестер билан гаплашдим.

— Кестерингиз ким? Эшитмаганман. Нима деди? Қанақа даволаган экан?

— У даволамаган. Қидиряпти.

— Кимни?

— Жаффени-да.

— Ё астаъфурулло! Ким ўзи Кестер?

— Э, ҳа... узр. Кестер — оғайним. Профессор Жаффени қидиряпти. Телефонда тополмадим.

— Аттанг, — деди дўхтир ва яна Патнинг устига энгашди.

— Албатта топади, — дедим мен. — Агар профессор тирик бўлса, албатта топади.

Дўхтир менга ғалати қараб, елкасини қисди.

Хонада хира лампочка ёниб туарди. Дўхтиран, мендан нима ёрдам керак, деб сўрадим. Ёрдамимга зарурат йўқ эди. Дераза ёнига бордим. Пат узуқ-узуқ нафас оларди. Деразани ёпиб, эшиқдан йўлга қарай бошладим.

Кимдир қичқириб қолди:

— Телефон!

Орқага ўтирилдим.

— Телефон? Мен борайми?

Дўхтир сапчиб ўрнидан турди.

— Йўқ, ўзим бораман. Баъзи нарсаларни сўраволишим керак. Шу ерда бўп туринг. Ҳеч нарса қилманг. Тез қайтаман.

Карапот ёнига ўтиридим.

— Пат, — дедим секин. — Ҳаммамиз сенинг ташвишингдамиз. Тузалиб кетасан. Сен албатта тузалишинг керак. Профессор телефонда кўрсатма беряпти. Нима қилиш кераклигини айтади. Эртага ўзи ҳам кеп қолиши мумкин. Сени даволайди. Яхши бўп кетасан. Нега ҳали мазанг йўқлигини менга айтмадинг? Ҳечқиси йўқ, қон кўп кетмаган, Пат. Конни яна тиклаймиз. Кестер профессорни топибди. Ҳаммаси яхши бўлади.

Дўхтир қайтиб келди.

— Профессор эмас экан...

Ўрнимдан турдим.

— Ленц деган дўстингиз қўнғироқ қипти.

— Кестер профессорни тополмантими?

— Топибди. Профессор унга нима қилиш кераклигини тайинлапти. Дўстингиз Ленц менга ҳамма кўрсатмаларини телефонда айтди. Аниқ ва тўғри кўрсатмалар. Дўстингиз дўхтири ми?

— Йўқ. Дўхтир бўлмоқчи эди... Кестер қаёқда экан? — сўрадим ундан.

— Кестер бу ёққа қараб йўлга чиқипти. Профессор билан.

— Отто! — дедим мен.

— Ҳа, — давом этди дўхтир, — Ленцнинг гапига қараганда, икки соатда шу ерда бўлишармиш. Битта ёлғон гапи шу бўлди. Масофани биламан. Роса тез юришганда ҳам уч соатдан кўп вақт кетади.

— Дўхтир, — дедим мен. — Кўнглингиз тўқ бўлсин. Икки соат деган бўлса, демак, икки соатда шу ерда бўлишади.

— Мумкин эмас. Қайрилишлар кўп, бунинг устига тун.

— Мана кўрасиз... — дедим мен.

— Нима бўлганда ҳам... тезроқ келгани яхши.

Ташқарига чиқдим. Туман тушпилти. Сал нарида денгиз шовуллаяпти. Дараҳтлардан шабнам томчилаяпти. Энди ёлғиз эмасман. Ҳозир қаердадир жануб томон-

да, уфқ ортида мотор гувуллаяпти. Туман яшириб турган оқиши-кулранг йўлдан ёрдам учиб келяпти. Мошина чироқлари ёрқин нур сочяпти, фиддираклар шигиллаяпти, икки қўл рул чамбарагини маҳкам қисиб олган, бир жуфт қўз совуқ ва ишонч тўла нигоҳ билан тун бағрини пармаламоқда, бу — дўстимнинг кўзлари... Оттонинг кўзлари...

Кейин Жаффе ҳаммасини гапириб берди.

Кестер мен билан телефонда гаплашганидан кейиноқ Ленцга қўнғироқ қилиб, тайёр бўлиб туришни тайинлади. Кейин у “Карл”ни гараждан олиб чиқади, Ленц икковлари Жаффенинг шифохонасига қараб жўнашади. Навбатчи ҳамшира, профессор овқатлангани кетган бўлиши мумкин, деб, у тамадди қиласидан уч-тўртта рестораннынг номини айтади. Кестер профессорни қидиришга тушади. Қизил чироқ демайди, полициячиларга қарамайди. “Карл”ни улоқчи отдай мошиналар тудасига уради. Профессорни ҳисоб бўйича тўртинчи ресторандан топади. Профессор овқатини столда қолдириб, Кестерга эргашади. Улар зарур нарсаларни олиш учун Жаффеникига жўнашади. Кестер, гарчи тез юрса ҳам, мошинани пойга пайтидагидай учирмаган дақиқалари йўлнинг мана шу қисми бўлади, холос. Сабаби, профессорни элдан бурун чўчиттиси келмайди. Уйига кета туриб, Жаффе Патнинг қаердагини сўрайди. Кестер шаҳардан қирқ километрлар наридаги қандайдир жойнинг номини айтади. Энг муҳими, профессор борищдан айниб, мошинадан тушиб қолмаса бўлди. Жаффе нарсаларини йиғиштира туриб, Ленцга телефонда айтадиган гапларини тайинлади. Кейин Кестер билан мошинага ўтиришади.

— Дарди оғирими? — сўрайди Кестер.

— Ха, — дейди Жаффе.

Шу заҳоти “Карл” арвоҳга айланди. Жойидан қўзғалиши билан ўқдай учиб кетди. У ҳаммани қувив ўтар, фиддираклари баъзан йўлкага чиқиб кетар, тақиқланган, бир томонлама ҳаракат қилинадиган кўчаларга кириб қоларди. Шаҳардан чиқиб кетиш учун мошина энг яқин йўлни қидиради.

— Эсингизни ебсиз! — қичқирди профессор. Кестер баҳайбат бир автобуснинг рўпарасидан кесиб чиқди, олдинги баланд фиддирагига урилиб кетишига сал қолди, шошиб тезликни пасайтирди, кейин яна газни қаттиқ босди.

— Секинроқ ҳайданг, — дерди нуқул Жаффе, — бир фалокат бўлса, ҳамма уришишларимиз зое кетади.

— Фалокат бўлмайди.

— Агар бу юришингиз бўлса — фалокат юз бериши муқаррар.

Кестер мошинани учирганча, қоидага зид равишида трамвайни чап томондан қувив ўтди.

— Фалокат бўлмайди.

Олдинда тўппа-тўғри, узун кўча кўринди. Кестер дўхтирга қаради.

— Биламан, сизни эсон-омон олиб бориним керак. Менга ишонаверинг.

— Бунақа тез юришдан нима фойда! Бир неча минут ютасиз, холос.

— Йўқ, — деди Кестер тош ортилган мошинага чап бериб. — Яна икки юз қирқ километр йўл босишимиз керак.

— Нима-а?

— Ха... — “Карл” почта мошинаси билан автобуснинг орасидан ўтиб кетди. — Боя айтмаган эдим.

— Бари бир! — деди Жаффе ҳафсаласи пир бўлиб. — Мен одамларга масофадан қатъий назар ёрдам бераман. Вокзалга ҳайданг. Поездда тезроқ борамиз.

— Йўқ, — Кестер энди шаҳар ташқарисига чиқиб олган эди. Шамол сўзни оғиздан юлиб кетарди. — Суриштиридим... Поезд жуда кеч жўнаркан...

У яна Жаффега қаради, профессор тақдирга тан берган эди.

— Худо паноҳида асрасин! — ғўлдиради у. — Бемор маҳбубангизми?

Кестер бош чайқади. Қайтиб жавоб қайтармади.

Шийпончали полизлар ортда қолди. Кестер катта йўлга чиқди. Энди мотор бор кучи билан ишларди. Дўхтир пешойна олдида кунишиб ўтиради. Кестер унга чарм қалғорини узатди. Сигнал бетиним чалинар, ўрмонлар унинг чинқиригини шу заҳоти орқага улоқтиради. Кестер фақат қишлоққа кирганда, сира иложи бўлмаган пайтлардагина хиёл секинларди. Мошинанинг шовқин сўндиригичи йўқ эди. Мотор товуши шамолда ҳиллираб турган матодай ортда қолаётган уйларнинг деворларига урилиб, момақалдириқ янглиғ акс садо берарди. “Карл” илгарилаб бораркан, унинг

чироқлари йўлида дуч келган яккам-дуккам биноларни “лип” этиб бир ёритардию яна тун кўксини ўйиб, олга интиларди.

Фидираклар гоҳ гичирлар, гоҳ вишиллар, бир гувиллаб, бир чийилларди — тезлик шу даражада баланд эди. Кестер рулга ёпишиб олган, бутун вужуди қулоққа айланиб, мотор ва фидиракларнинг товушини зийраклик билан эшитиб бораради, зеро ҳар бир шубҳали овоз қаърига фалокат ва ўлим яширинган бўлиши мумкин.

Тупроқ йўл нам тортган эди. Мошина у ёқдан-бу ёққа чайқала бошлади. Кестер секинлашга мажбур бўлди. Шу сабабли муюлишлардан тез ўтишга ҳаракат қилди. У энди ақлга бўйсунмас, буткул сезгининг домига тушиб қолганди. Мошина чироқлари муюлишларни яхши ёритолмасди. Қайрилишга етганда йўлнинг бир томони кўринмай қоларди. Прожектор-қидиргичдан фойда йўқ — унинг нури ниҳоятда энсиз. Дўхтирдан садо чиқмасди. Бирдан чироқ олдиаги ҳаво гир-гир айланиб, оқиш рангга кирди. Булатга ўхшаган тўп-тўп лахтаклар кўзга чалина бошлади. Жаф-фенинг айтишича, ана шу дақиқаларда Кестер бир мартагина сўқинган. Сал ўтмай, улар куюқ туман оралаб боришарди.

Кестер чироқни кичкинасига ўтказди. Мошина момиқ пахта ичидаги сузиб борар, соялар, дараҳтлар, сут денгизидаги бенур шарпалар лип-лип ўтиб турар, йўл гойиб бўлган, фақат тасодиф ва тусмол, мотор шовқинида гоҳ катталашиб, гоҳ кичраяётган арвоҳларгина қолганди.

Ўн минутлардан сўнг мошина туман қўйнидан отилиб чиқсанда Кестернинг рангига қараб бўлмасди. У Жаффега қайрилиб, бир нималар деди. Кейин рулга қапишганча газни яна охиригача босди. Кестер аввалги ҳолатига қайтганди...

Хонага қўрғошиндай оғир, ёпишқоқ ҳарорат тараган.

— Тўхтамадими? — сўрадим дўхтирдан.

— Йўқ, — деди у.

Пат менга қаради. Жилмайиш ўрнига юзим буришди, холос.

— Ярим соат қолди, — дедим мен.

Дўхтири бошини кўтарди.

— Бир ярим соат, агар икки соат бўлмаса. Ёмғир ёғяпти.

Томчилар боғдаги дараҳт ва бута япроқларини бир маромда чертарди. Қоронғилик қаърига тикиламан. Тунлари уйқудан туриб, шабгул ва қалампиргуллар оралаб юрганимизга, Пат шўх-шўх болалар қўшиқларини куйлаганига қанча бўлди? Боғ йўлкасининг ой нурида ярқираб туриши ва Патнинг гул туплари орасида ажир оҳудай чопиб-ўйнагани тушимми, ўнгимми?

Юзинчи марта зинапояга чиқдим. Бефойдалигини билардим, лекин кутиш дақиқалари қисқаради-ку. Ҳавони туман қоплаган. Унга лаънат ўқирдим, чунки Кестернинг ахволини тасаввур қиляпман-да. Илиқ тун қаъридан қандайдир қушнинг қичқириғи эштилди.

— Ўчир! — деб тўнғилладим. Бирдан башорат қилувчи қушлар ҳақидаги ҳикоялар ёдимга тущди. — Бехуда гап! — дедим овозимни баралла қўйиб.

Этим жунжика бошлади. Қаердадир қўнғиз фўнғиллар, лекин яқинлашмасди... негадир яқинлашай демасди. У аста ва бир маромда фўнғилларди; кейин жимиб қолди; бир оздан сўнг яна овози чиқди... ана, яна фўнғиллади. Кўқисдан титраб кетдим... бу қўнғиз эмас, мошина эди; қаердадир олисда у катта тезликда муюлишлардан бурилаётганди. Нафасимни ичимга ютиб, қулоқ сола бошладим: яна ўша... разабланган арининг фўнғилашига ўхшаган овоз. Энди қаттиқроқ эшитиляпти... Компрессорнинг товушини биламан-да! Бирдан беҳад таранглашган уфқ тарс ёрилиб, тубсиз жаҳаннамга қулади ва тунни ҳам, кўркуву даҳшатни ҳам ўзи билан бирга олиб тушиб кетди. Мен эшик олдига чопиб бориб, кесакини ушлаганча қичқирдим:

— Келишяпти, дўхтири! Пат, улар келишяпти. Эшитиляпман!

Шу пайтгача дўхтири мени жинни деб ўйлаётганди. Энди ўзи ҳам қулоқ сола бошлади.

— Бошқа мошина бўлиши керак, — деди у салдан кейин.

— Йўқ, моторидан танияпман.

У менга ижирғаниб қаради. Ўзини автомобилларнинг билағони деб ҳисобласа керак. Пат билан худди онасидек, мулойим гаплапнади; аммо мен мошинадан оғиз очсан, кўзларидан учқун сачраб, бирорта фикримга қўшилмайди.

— Мумкин эмас, — у шундай деб, хонага кириб кетди.

Мен жойимдан жилмадим, ҳаяжоним ортиб борарди.

— “Карл”, “Карл”! — тақрорладим мен.

Мошинанинг шовқини бир кучайиб, бир пасаярди. Афтидан у қишлоққа кирган, уйлар орасидан учеб келаётганди. Мана, моторнинг овози сал пасайиб, ўрмон орқасидан эшитилиши бошлади, энди яна авжга чиқди... дараҳтларнинг шохлари ёришиб кетди... Довлираб қолган дўхтириёнимда туарди. Бир жуфт чирок бизга томон шиддат билан яқинлашиб келарди. Тормозлар чийиллаб, машина эшик олдида тўхтади. Чопиб бордим. Профессор машинадан тушди-да, менга эътибор бермай, тўппатўғри дўхтирга қараб юрди. Орқасидан Кестер келарди.

— Пат қалай? — сўради у.

— Кон тўхтамаяпти.

— Шунақа бўлади, — деди у. — Кўп ташвишланма.

Мен индамай, унга қарадим.

— Сигаретанг борми?

Сигарета узатдим.

— Келганинг яхши бўлди, Отто.

У сигаретани қаттиқ-қаттиқ тортиди.

— Мен ҳам шуни ўйладим-да.

— Тез юрибсан.

— Ҳа, анча тез. Туман бир оз халақит берди.

Зинага ўтириб, профессорнинг чиқишини кута бошладик.

— Тузалиб кетармикин?

— Албатта. Бунақа қон кетиши хавфли эмас.

— Илгари менга сира гапирмаганди.

Кестер бош иргади.

— Албатта тузалиши керак, Отто! — дедим мен.

У менга қарамади.

— Яна битта чекишдан ол, — деди у, — ўзимники қоп кетипти.

— У тузалиши керак, — дедим мен, — акс ҳолда ҳамма нарса бир пул бўлади.

Профессор чиқди. Ўрнимдан турдим.

— Мошинанинг елкамнинг чуқури кўрсин, — деди у Кестерга.

— Мени кечиринг, бу аёл дўстимнинг хотини бўлади.

— Ана холос! — деди Жаффе.

— Тузалиб кетадими? — сўрадим ундан.

У менга тикилиб қаради. Қўзимни олиб қочдим.

— Аҳволи оғир бўлганда ёнингизда бемалол турармидим? — деди у.

Тишими тишимга босиб, муштларимни қисдим. Мен йиғлардим.

— Узр, — дедим унга, — бирдан бўп қолди.

— Бунақа нарсалар бирдан бўлади, — жавоб берди Жаффе кулиб.

— Ўпкам тўлиб кетди, Отто, кечир.

У елкамни буриб, эшик томон итарди.

— Ичкарига кир. Агар профессор рухсат берса.

— Энди йиғламайман, — дедим мен. — Хонага кирсам майлимни?

— Фақат бир минутга, — жавоб берди Жаффе, — лекин гапга солманг. У ҳаяжонланмаслиги керак.

Қўзим жиққа ёш бўлганидан қалқиб турган хира доғдан бошқа нарсани кўрмасдим, қовоқларим тигттарди, аммо кўз ёшларини артишга журъат қиёлмасдим. Мени бу аҳвoldа кўриб, Пат қўрқиб кетиши мумкин. Ичкарига киришдан аввал жилмайишга уриндим. Кейин Жаффе билан Кестерга бурилиб қарадим.

— Ҳар ҳолда келганингиз яхши бўйтими? — сўради Кестер.

— Ҳа, — деди Жаффе, — сал енгил тортди-ку.

— Эртага эрталаб олиб бориб қўяман.

— Кераги йўқ, — деди профессор.

— Секин юраман.

— Раҳмат, яна бир кунга қоламан, Патни назорат қилиб тураман. Каравотингиз бўшми? — У менга мурожаат этди.

Мен бош силкидим.

— Яхши. Шу ерда тунайман. Сизлар қишлоқдан ётгани жой топасизларми?

- Албатта. Тиши чўткаси билан пижама тайёрлаб қўяйми?
- Ташаккур. Ҳамма нарсам бор. Бунақа юришларга кўнишиб кетганман, фақат ановинга ўшаган мосинада эмас.
- Мени кечиринг, — деди Кестер, — биламан, мендан хафасиз.
- Йўқ, хафа эмасман.
- Унақа бўлса, мосинамнинг феълини бошдаёқ айтардим.
- Жаффе кулиб юборди.
- Сиз дўхтирлар ҳақида нотўри фикрдасиз. Энди бораверинглар, ташвиш тортманглар. Мен қоламан.

Тезгина кўрпа-ёстиқларни йигиштирдим. Кестер билан қишлоққа жўнадик.

- Чарчадингми? — сўрадим ундан.
- Йўқ, — деди Отто, — ке, бирор жойда пича ўтирайлик.
- Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна бетоқат бўла бошладим.
- Профессор бекорга қолмагандир, Отто, — дедим мен. — Ҳали хавф аrimagan, шекилли. Бўлмаса қолармиди...
- Эҳтиёти шарт қолган-да, — жавоб берди Кестер. — Патни жуда яхши кўради.

Йўлда гапириб берди. Онасини ҳам даволаган экан.

- Онасинг ҳам шунақа касали бор эканми?
- Билмадим, — деди Кестер шопша-пиша, — балки бошқа касалдир. Ётамиزمи?
- Боравер, Отто. Уни яна бир кўрмасам бўлмайди... шунчаки... узоқдан.
- Бўлти. Бирга борамиз.
- Бунақа илиқ ҳавода очиқ жойда ётишни яхши кўраман. Сен ташвишланма.

Кейинги пайтда кўп қилдим бу ишни.

- Зах-ку.
- Зарари йўқ. Мосинанинг тепасини кўтариб қўйиб, ичида бир оз ўтираман.
- Яхши. Мен ҳам очиқ ҳавода бир маза қиласай.

Сездимки, ундан кутулолмайман. Яна бир-иккита адёл билан ёстиқ кўтариб, “Карл”нинг олдига қайтиб келдим. Камарларни ечиб ташлаб, олдинги ўриндиқ суюнчиқларини орқага ётқиздик. Энди бемалол чўзилса бўларди.

- Фронтдагидан яхши-ку, — деди Кестер.

Деразадан тушаётган нур фира-шира қоронғиликка сингиб кетаётганди. Бир неча бор Жаффенинг сояси кўринди. Биз бир қути сигаретани чекиб ташладик. Кейин хонадаги катта чироқ ўчирилиб, кичкина тунги чироқ ёқилди.

- Худога шукур, — дедим мен.

Мосинанинг брезент томига япроқларда илиниб турган ёмғир томчилари туша бошлади. Майин шабада эсарди. Ҳаво мусаффо.

- Адёлимнинг биттасини ол, — дедим Кестерга.
- Кераги йўқ, совқотмаяпман.
- Жаффе зўр йигит экан, тўғрими?
- Зўр, уддабуронга ҳам ўштайди.
- Албатта.

Нотинч уйқудан кўзларимни очдим. Тонг ёриша бошлапти. Кестер уйғоқ эди.

- Ухламадингми, Отто?

- Ухладим.

Мосинадан чиқиб, дераза ёнига бордим. Тунги чироқ ҳали ёниб турарди. Пат тўшакда кўзларини юмисиб ётипти. Қон тўхтаган, лекин ранги оппоқ. Бирдан юрагим орқага тортиб кетди: у менга ўлиб қолгандай туюлди. Кейин ўнг қўли сал қимирлаганини пайқадим. Шу пайт нариги каравотда ётган Жаффе кўзларини очди. Кўнглим хотиржам бўлиб, деразадан нари кетдим, — демак, у Патни кузатиб турипти.

- Бу ердан кетайлик, — дедим Кестерга, — тағин профессор, мени текшириш япти, деб ўйламасин.

- Ичкарида тинчликми?

Шунақага ўштайди. Жаффе рисоладагидай ухлар экан: бунақа одам қулогининг тагида замбарак отсанг ҳам пинагини бузмайди, аммо юқ халтасига сичқон яқинлашса — дарров уйғонади.

- Чўмилгани борамиз, — деди Кестер. — Ҳавони қара! — у мириқиб керишди.
- Бора қол.

— Бирга борамиз.

Кулранг осмон ёришди. Булутлар орасидан қызғиши нур тарага бошлади. Уфқа тепасидаги бұлут пардаси күтарилиб, мовий сув күзге ташланды.

Үзимизни денгизга отиб, сузиб кетдик. Сув кулранг-қызғиши тусда товланарди.

Кейин орқага қайтдик. Фрейлейн Мюллер ҳовлида экан. У полизидан кашнич қирқарди. Овозимни эшитиб, чүчиб түшди. Кечаги қўполлигим учун узр сўрадим. У ҳўнграб юборди:

— Шўрлик. Бирам бамаъни... ҳали жудаям ёш-а.

— Пат юз йил яшайди, — дедим мен, худди Пат жон берәётгандай кўз ёши қылганидан ранжиб. — Йўқ, у ўлмайди... Салқин тонг, шамол, денгиз бор экан, вужудимда ҳаёт гупуриб турган экан — Пат ўлмайди... Фақат мен бўш келмасам бас. Унинг ёнида дўстим Кестер бор, мен борман. Оддин биз ўлишими керак. Модомики биз тирик эканмиз, уни ўлим чангалига ташлаб қўймаймиз. Ҳамма вақт шундай бўлган. Кестер тирик экан, мен ўлмайман. Иккаламиз тирик эканмиз — Пат ўлмайди.

— Такдирга тан бериш керак, — деди фрейлейн Мюллер. Унинг сўзларида таъна оҳанги бор эди. Афтидан, мени кечирмаганга ўхшайди.

— Тан бериш керак? — сўрадим ундан. — Нега энди? Бундан фойда йўқ. Ҳаётда биз ҳамма нарса учун икки-уч ҳисса ортиқ тўлов тўлаймиз. Яна тан бериш нимаси?

— Ҳа, ҳа... шунда яхши бўлади.

Такдирга тан бериш, ўйладим мен. Нима ўзгаради шу билан? Курашиш керак, гарчи бу ахлатхонада охир-оқибат мағлуб бўлсанг ҳам, курашиш керак. Ўзингга азиз бўлган қиттайнинг нарса учун курашиш лозим.

Такдирга етмишга кирганда тан берса ҳам бўлаверади.

Кестер фрейлейн Мюллерга бир нималар деди. Аёл жилмайиб, кўнгли қандай таом тусаётганини сўради.

— Кўрдингми, — деди Отто, — ёнда гап кўп: гоҳ йиги, гоҳ табассум, — одам бир зумда ўзгаради. Қариганда биз ҳам шунақа бўлсак керак, — қўшиб қўйди у.

Уй атрофини айландик.

— Бир минут кўпроқ ухласа, шунга хурсандман, — дедим мен.

Биз яна боққа ўтдик. Фрейлейн Мюллер нонушта тайёрлаб қўйилти. Қайноқ қаҳва ичдик. Күёш чиқди. Бир зумда ҳаво илиди. Дараҳт барглари нур ва намдан ярқиради. Денгиз томондан балиқчи күшларнинг қийқириғи эшитилиб турипти. Фрейлейн Мюллер столга бир даста атиргул келтириб қўйди.

— Кейин Патга берамиз, — деди у.

Гул ҳиди болаликни, боф панжарасини ёдга солди...

— Биласанми, Отто, — дедим мен, — худди ўзим касал бўлгандайман. Ҳар ҳолда илгаригидай эмасмиз. Ўйлаб, хотиржам иш тутиш керак эди. Қанча хотиржам бўлсанг, бошқаларга фойданг шунча кўпроқ тегади.

— Ҳар доим бунинг иложи йўқ, Робби. Менда ҳам шундай бўлган. Яшаганинг сайин асабларинг ҳам бузила боради. Зарар устига зарар кўраётган сармоядорнинг асаблари каби.

Шу пайт эшик очилиб, пижамада Жаффе чиқиб келди.

— Яхши, яхши! — деди у столни ағдариб юборишинга сал қолганини кўриб. — Нисбатан яхши.

— Кирсам бўладими?

— Йўқ ҳали. Хизматкор аёл бор. Хонани йигиштиряпти.

Унга қаҳва қуйиб бердим. Профессор кўзларини қисиб, офтобга қаради, кейин Кестерга мурожаат қилди:

— Аслида сизга раҳмат айтишим керак. Бир кунга бўлса ҳам, дengиз бўйига келдим-ку.

— Тез-тез келиб турсангиз бўлади, — деди Кестер. — Бугун кечкурун йўлга чиқсангиз, эргасига кечки пайт қайтаверасиз.

— Бўлади, бўлади... — жавоб берди Жаффе. — Инсон ўзини ўзи афтода қилаётган замонда яшаёттанимизни ҳали пайқамабсиз, шекилли? Қилиш мумкин бўлган кўп ишларни қимаймиз, сабабини ҳам билмаймиз. Иш ҳамма нарсадан муҳим бўлиб қолди: қанча одам иш қидириб юрипти, кўзига бошқа нарса кўринмайди. Бу ернинг ажойиблигини қаранг! Қанча йилдан бери энди кўриб турибман. Иккита мосинам, ўн хонали уйим, етарлича пулим бор. Лекин булардан нима фойда? Мана

шу фараҳбахш тонгга уларни қиёслаб бўладими! Иш аянчли вассасага айланниб қолди. Улиб-тирилиб ишлаймиз, худди бир нарса ўзгарадигандай. Ҳеч қачон ҳеч нарса ўзгармайди. Одамлар ҳаётларини дўзахга айлантириб юбориши. Қараб туриб, ёқа ушлайсан!

— Менимча, дўхтир — нима учун яшаёттанини биладиган камдан-кам одамлар тоифасига киради, — дедим мен. — Сиз шундай десангиз, аллақандай ҳисобчидан нима кутиш мумкин?

— Азизим, — эътиroz билдириди Жаффе, — шуни унутмангки, ҳис этиш қобилияти ҳаммада бир хил эмас.

— Тўгри, — деди Кестер, — аммо одамлар ана шу қобилиятларига қарамасдан кашиб танлашган-ку.

— Начора, — жавоб берди Жаффе. — Бу мураккаб масала. — У менга юзланди: — Энди кираверинг. Фақат оҳиста, уни қўзғатманг, гапиришга мажбур қилманг...

Пат, худди бирор уни зарб билан уриб қулатгандай, қимир этмай ётарди. Юзи ўзгариб кетган: кўзларининг ости кўм-кўк, лабларида қондан асар йўқ. Аммо кўзлари илгаригидай катта-катта ва чақноқ. Жудаям катта, жудаям чақноқ.

Кўлини олдим — муз-муз, оппоқ.

— Пат, дўстгинам, — дедим энтикиб, кейин каравот четига ўтироқчи бўлдим. Шунда дераза олдида турган хизматкор аёлни кўриб қолдим. У менга синчковлик билан қараб турарди. — Чиқиб кетинг, — дедим унга жаҳл билан.

— Парда тутишим керак.

— Бўйти, тезроқ туга қолинг, кейин бизни холи қўйинг.

У деразага сарғиш парда торта бошлиди, ҳадеганда уддалаёлмади, сўнг шошмасдан тўғнағич қадашга тушиди.

— Менга қаранг, — дедим унга, — театр эмас бу ер. Чиқа қолинг!

У аста ўтирилди.

— Биринглар, парда тут, дейсизлар, биринглар, чиқиб кет, дейсизлар.

— Сен илтимос қўлганимидинг? — сўрадим Патдан.

У бош силкиди.

— Кўзингга нур тушяптими?

— Бугун менга ёп-ёруғ хонада қарамаганинг маъқул...

— Пат, — дедим безовталаниб, — сенга ҳали гапириш мумкинмас! Агар шу шарт бўлса...

Эшикни очдим, хизматкор аёл зипиллаб чиқиб кетди. Каравот ёнига қайтдим. Бояги паришонлигим тарқалганди. Ичимда хизматкор аёлни алқадим. Ўша туфайли сал дадиллашгандим. Ҳар ҳолда Патни бу аҳволда кўриш оғир эди.

Стулга ўтирдим.

— Пат, — дедим унга, — ҳадемай тузалиб кетасан.

Унинг лаблари титради.

— Эртагаёқ...

— Эртага эмас, уч-тўрт кундан кейин. Оёққа туришинг билан уйга қайтамиз. Келмасак бўлар экан, бу ернинг ҳавоси сенга ёқмади.

— Ҳечқиси йўқ, — пичирлади у. — Касалмасман-ку. Шунчаки кутилмаган тасодиф бу.

Унга қарадим. Наҳотки касаллигини билмаса? Ёки тан олгиси келмаяптими? Кўзлари жовдираб турарди.

— Кўрқма... — пичирлади у яна.

Нега унақа деяпти? Нимадан кўрқмаслигим керак? Кўриб турибман, безовталаняпти. Кўзларида мунг ва аллақандай илтижо бор. Бирдан миям ишлаб қолди. Унинг нимани ўйлаётганини фаҳмладим. Касали юқади, деб кўрқма демоқчи.

— Ё тавба, — дедим мен, — шунинг учун индамаганимидинг?

Пат жавоб бермади, сездимки, сабаби шу.

— Сени қара-ю. Мени ким деб ўйлаисан?

Устига энгашдим.

— Бир дақиқа жим ёт... қимирлама... — лабларидан ўпдим. Дудоги қуруқ ва қайнок эди. Қаддимни ростлаб, йиғлаётганини кўрдим. Унсиз йиғларди. Юзида бирор ифода йўқ, катта-катта кўзларидан ёстиққа ёш қуйиларди.

— Қўйсанг-чи, Пат...

— Яхшиям борсан, — деди у.

Тик турганча ундан кўз узмасдим. Икки оғиз сўз айтди. Аммо бундай талаффузни ҳеч қачон эшитмаганман. Кўп аёлларни биламан, улар билан учрашувлар ҳамиша тасодифий юз берган, шунчаки вақт ўтқазиш, жиндай саргузашт, жиндай шодмонлик билан якун топган, кейин яна ёлғизлиқ, бўм-бўшлик, ўзингдан нафраталиш, умидсизлик — мана шунаقا ҳолатларни бошдан кечирганиман. Бошқа ҳеч нарсани қидирмаганиман ҳам: чунки ўзимдан, нари боргандаги оғайнимдан бўлак кимсага суюнолмаслигимни билардим-да. Бирдан кимгадир кераклигимни, ёнида бўлганимдан у одам ўзини баҳтиёр ҳис этишини англаб етдим. Бундай сўзлар оғиздан осонгина чиқиб кетавериши мумкин, лекин астойдил мағзини чақсанг, ушбу калиманинг нақадар бебаҳолигига имон келтирасан. Бу нарса инсон қалбини ларзага солиб, уни тамом ўзгартириб юбориши мумкин. Бу муҳаббатдан бошқачароқ нарса. Фақат шунинг учунгина яшасанг арзидиган нарса. Эркак киши ёлғиз муҳаббатга суюниб яшай олмайди. У азбаройи бошқа одамни деб яшашга қодир.

Патга бир нималар дегим келарди-ю, аммо айттолмасдим. Қизик-да, ростдан ҳам айтадиган гапинг бор пайтда сўз тополмай қўйналасан. Ҳатто топтанингда ҳам оғиз очишга ийманасан. Бундай сўзлар ўтган асрларга тааллуқли. Бизнинг давр туйфуларни ифода этадиган сўзларни ҳали топмаган. Бу замона фақат одобсизликни билади, холос, қолган барчаси — сунъий.

— Пат, — дедим унга, — ўқтам дўсттинам...

Шу пайт Жаффе кириб келди. У дарров вазиятни пайқади.

— Билувдим! Боплабсиз! — тўнғиллади у. — Шундай бўлишини кўнглим сезувди. Бир нималар демоқчи бўлган эдим, кулоқ солмай, хонадан чиқариб юборди.

## XVII

Орадан икки ҳафта вақт ўтди. Пат анча ўзига келиб, шаҳарга қайтиш имкони туғилди. Нарсаларимизни йигишириб, Ленцнинг келишини кута бошладик. У мoshинани олиб кетиши керак эди. Пат иккаламиз поездда жўнайдиган бўлдик.

Кун илиқ ва дим эди. Кўкда булат увадалари осилиб турар, қумтепалар устида иссиқ ҳаво жимиirlар, қўргошибиндай денгиз сатҳи оппоқ ҳовурага бурканганди.

Готтфрид тушдан кейин келди. Узокданоқ ҳурпайган, жингалак сочларига кўзим тушди. Фрейлейн Мюллэр уйи томон бурилгандинга унинг ёлғиз эмаслигини пайқадим. Ёнида автопойтагичига ўхшаган миттигина одам пилдираб келарди: бошида айвони орқага сурилган лагандай катак кепка, кўзида каттакон қора кўзойнак, оқ комбинезон, қип-қизил, супрадай баҳайбат қулоқлар.

— Ёпирай, Юпимисан?! — дедим таажжуб билан.

— Шахсан ўзлари, жаноб Локамп, — жавоб берди Юпп.

— Пўрим бўп кетибсан-ку! Нима бўлди?

— Э, сўрама, — деди кулиб Ленц мен билан сўрашаркан. — Пойгачи бўлмоқчи. Саккиз кундан бери мошина ҳайдашни ўргатаман. Эргацди. Биринчи шаҳарлараро пойга учун қулагай фурсат-да.

— Қотираман, жаноб Локамп! — деди Юпп виқор билан.

— Қотирганинг курсин! — Готтфрид кулди. — Бунақа кимўзарга ишқибоз ҳайдовчини сира кўрмаганиман. Биринчи куниёқ эски таксимизда мерседесни қувиб ўтмоқчи бўлди. Бориб турган шумтака бу.

Юпп гуурланиб, Ленцга меҳр билан қараб қўйди.

— Ўзи олифтагарчилик қилди-да, жаноб Лени! Худди жаноб Кестердай, муюлишда қисиб қўймоқчи бўлдим-у, тагин қўй дедим.

Мен хаҳолаб кулиб юбордим.

— Бошланishi ёмонмас, Юпп.

Готтфрид ўз шогирдига оталарча фарх билан қаради.

— Энди чамадонларни олиб, вокзалга жўна.

— Бир ўзимми? — Юпп ҳаяжондан энтикиб кетди. — Бир ўзим боришимга рухсат берасизми, жаноб Лени?

Готтфрид бош силкиди, Юпп ичкарига чопиб кириб кетди.

Юкларни топширдик. Кейин орқага қайтиб, Патни олдик-да, яна вокзалга келдик. Поезднинг жўнашига чорак соат вақт қолган эди.

Бўм-бўш перронда уч-тўртта сут бидонлари турарди.

— Кетаверинглар, — дедим мен, — бемаҳалга қолманглар.

Рулда ўтирган Юпп менга ўпкаланиб қаради.

— Бунақа гап сенга ёқмайди, а? — деди Ленц.

Юпп қаддини ростлади.

— Жаноб Локамп, — деди у таъна билан. — Йўлнинг ҳисоб-китобини қилиб кўйганман. Соат саккизда устахонага кириб борамиз.

— Тўппа-тўғри! — Ленц унинг елкасига қоқди. — Гаров ўйна, Юпп. Бир шиша сельтер сувидан.

— Сувни нима қиласман, — эътиroz билдирид Юпп. — Бир кути сигаретадан бўлса, майли.

У менга тақаббурона қаради.

— Йўл ёмонлигини биласанми? — сўрадим ундан.

— Ҳаммаси ҳисобга олинган, жаноб Локамп.

— Мююлишлар-чи?

— Мююлишлар менга чўтмас. Менда асаб йўқ.

— Бўпти, Юпп, — дедим жиддий оҳангда. — Гаров ўйнаганим бўлсин. Фақат жаноб Ленц манзилга етгунча рулга ўтираслиги керак.

Юпп кафтини юраги устига кўйди.

— Сўз бераман!

— Яхши, яхши. Кўлингдаги нима?

— Вақт ўлчагич. Вақтни ҳисоблаб бораман. Шалоқ аравангиз нимага қодирлигини билмоқчиман.

Ленц жилмайди.

— Ҳа, дўстларим. Юпп пухта қуролланган. Шўрлик мошинамиз қўрққанидан тутдай тўқилиб кетса керак.

Юпп кинояга парво қилмади. У ҳаяжонланиб, кепкасини чертарди.

— Хўш, кетдикми, жаноб Ленц? Гаров ўйнаб қўйганман-а.

— Албатта, жажжи пойгачим! Хайр, Пат! Яхши боринглар, Робби! — Готтфрид мошинага ўтириди. — Қани, Юпп, энди бу хонимга ҳақиқий йигит ва бўлажак жаҳон чемпиони ўрнидан қандай қўзғалишини бир кўрсатиб қўй!

Юпп кўзойнагини тушириди, бизга бир кўз қисиб, худди чинакам пойгачилардай, мошинани бамайлихотир биринчى тезликка солди-да, тош йўлдан дадил юриб кетди.

Биз вокзал олдидаги узун курсида яна пича ўтиридик. Жазира мағозаси офтоб перрондаги тахта тўсиқни қиздириб юборганди. Қатрон ва туз ҳиди анқирди. Пат бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб олган. Юзини қуёшга тутганча қимир этмай ўтирипти.

— Чарчадингми?

У бош чайқади.

— Йўқ, Робби.

— Ана, поезд келяпти, — дедим мен.

Кичкина қора паровоз жимирилаб турган беҳудуд сароб бағридан сузиб чиқиб, пишқирганча вокзал олдида тўхтади. Вагонга чиқдик. Деярли бўм-бўш эди. Кўп ўтмай, поезд жойидан жилди. Паровознинг қоп-қора тутуни ҳавода муаллақ туриб қолди. Таниш манзара — жигарранг поҳол томли уйлар, от ва сигирлар ўтлаб юрган яйловлар, ўрмон ва фрейлейн Мюллнернинг кумтепа ёнидаги шинам, осуда уйи аста-секин орқага чекина бошлади.

Пат ёнимда, дераза олдида турар ва уйдан кўз узмасди. Поезд бурилаётганда уйга жуда яқин келиб қолдик. Деразамиз баралла кўриниб турарди. Ланг очик. Дераза остига кўрпа-ёстиқ жилдлари ёйиб қўйилган.

— Ана фрейлейн Мюллнер! — деди Пат.

— Худди ўзи!

Фрейлейн эшик олдига турволиб, қўл силкирди. Пат рўмолчасини олиб деразадан чиқазди.

— Кўрмаяпти, — дедим мен, — рўмолчанг жудаям кичкина. Ма, меникини ол.

Пат менинг рўмолчамни силкита бошлади. Фрейлейн Мюллер пайқаб, қизгин жавоб қайтарди.

Поезд очиқ далага чиқди. Уй ҳам, қумтепа ҳам ортда қолди. Қоп-қора ўрмон нарёғида ярқираб турган денгиз яна бир муддат биздан бедор нигоҳини узмади. Сўнг сарғишиш-кўқимтири кенгликлар, уфққа қадар чўзилиб кетган фаллазорлар бошланди.

Пат рўмолчамни бериб, купе бурчагига ўтириди. Дераза ойнасини кўтардим. “Туғади! — ўйладим мен. — Худога шукур, ҳаммаси тугади! Буларнинг бари туш эди! Машъум, бадният туш эди”.

Соат олтида шаҳарга етиб келдик. Такси тутиб, чамадонларни юкладим.

— Уйга кирансанми? — сўради у.

— Албатта.

Олдин уни тепага кузатиб қўйдим, кейин шофёр билан чамадонларни олиб чиқиш учун қайтиб тушдим. Яна чиққанимда Пат ҳамон йўлакда турарди. У подполковник фон Гаке ва хотини билан гаплашарди.

Хонага кирдик. Намозгар пайти эди. Столдаги гулдонда бир даста қип-қизил атиргул. Пат дераза олдига бориб, кўчага қаради. Кейин менга юзланди:

— Сафарда қанча бўлдик, Робби?

— Роппа-роса ўн саккиз кун.

— Ўн саккиз кун? Назаримда бир йил юргандаймиз.

— Менга ҳам шундай туюяпти. Шаҳардан бирор жойга чиқсанг, ҳамма вақт шунаقا бўлади.

У бош чайқади.

— Мен бошқа нарсани айтганиман...

Пат балкон эшигини очиб, ташқарига чиқди. У ерда оппоқ енгил кресло турарди. Уни ўзига тортиб, бирпас термулиб қолди.

Хонага кайфияти ўзгариб, кўзлари нурсизланиб кирди.

— Қара, қанақа атиргул, — дедим мен. — Кестер жўнатапти. Мана ташрифномаси.

Пат ташрифномани олиб, столга қўйди. Атиргулга лоқайд назар ташлади. Ҳайрон бўлдим. Кўринишидан хаёли ҳамон балкондаги креслода эди. Энди қутулдим деганда, наҳотки яна унга михланиб қолса — Пат шуни ўйларди.

Унга халал бермадим. Шундай қилиш керак эди. Майли, ўзига келволсин. Бу ҳолати тез ўтиб кетади, чунки ёнида мен борман. Ҳозир тасалли бериш бефойда. Бирор нарса десам, номига хотиржам бўлади-ю, кейин яна нохуш ўйлар гирдобида қолади, қайтанга баттар изтироб чекади.

У бошини ҳам қилганча столга суняниб турарди. Кейин менга қаради. Индамадим. Айланаби ўтиб, елкамга қўлини қўйди.

— Дўстим, — деди у.

Пешонасини кўксимга босди. Аста қучдим.

— Энди ишга киришамиз.

Пат сочини орқага силкиди.

— Негадир хаёл босди... бир лаҳзага...

— Хечқиси йўқ.

Эшик тиқиллади. Хизматкор қиз столчани фиддиратиб кирди.

— Бу бошқа гап, — деди Пат.

— Чой ичасанми?

— Йўқ, қаҳва.

Ярим соатча ўтиридим. У толиқа бошлади. Кўзларидан пайқадим.

— Озгина ухлавол, — дедим унга.

— Сен-чи?

— Уйга бориб, мен ҳам жиндай мизрийман. Икки соатдан кейин келаман, овқатлангани борамиз.

— Чарчагансан-ку? — деди у келишимга ишонқирамай.

— Сал-пал. Поезд иссиқ экан. Устахонага ҳам бирров кириб ўтаман.

Бошқа гап сўрамади. Ўзи оёқда зўрга турарди. Каравотга ётқизиб, устини ёпиб қўйдим. Шу заҳотиёқ кўзлари юмилди. Олдига атиргул билан Кестернинг ташриф-

номасини қўйдим — уйғонганида фақат шуни ўйласин. Кейин оёқ учида юриб, чиқиб кетдим.

Кўчада телефон-автомат олдида тўхтадим. Жаффе билан гаплашмоқчи бўлдим. Уйдан қўнгироқ қилиш қийин: пансиондагилар қулоқ солиб туришади.

Гўшакни кўтариб, шифохона рақамини тердим. Аппаратга Жаффенинг ўзи келди.

— Локампман, — дедим шоша-пиша. — Бугун келдик. Бир соатча бўлди.

— Мошинада келдингларми? — сўради профессор.

— Йўқ, поездда.

— Хўш... Ишлар қалай?

— Ёмонмас, — дедим мен.

У жим бўлиб қолди.

— Эртага фрейлейн Хольманинг олдига кираман. Эрталаб соат ўн бирда. Айтиб қўёлмайсизми?

— Йўқ, — дедим мен. — Сиз билан гаплашганимни билмагани тузук. Балки ўзи қўнгироқ қиласар. Ўшанда айтиб қўя қоласиз.

— Бўпти. Шунақа қиласиз. Ўзим айтаман.

Мен қўл тегавериб кир бўлиб кетган қалин телефон китобини беихтиёр бир четта сурдим. У тахта токчада турарди. Деворга телефон рақамлари ёзиб ташланганди.

— Эртага олдингизга кирсам бўладими? — сўрадим Жаффедан.

Жаффе жавоб бермади.

— Соғлигини билиб қўймоқчи эдим-да.

— Эргага сизга аниқ бир нима даёлмайман, — деди профессор. — Камида бир ҳафта кузатиш керак. Ўзим хабар қиласман.

— Раҳмат. — Токчадан кўз узолмасдим. Ўнга кимдир каттакон похол шляпа кийган семиз қизчанинг суратини чизиб қўйипти. Остида “Элла — жинни” деган ёзув.

— Бирор даво тадбирларини кўллаш керак бўладими? — сўрадим мен.

— Эртага маълум бўлади. Менимча, уйида парвариш ёмонмас шекилли.

— Билмадим. Эшитишимча, қўшнилари кейинги ҳафта қаёқладир кетишармиш.

Хизматкор қиз билан қоладиганга ўхшайди.

— Шунақами? Майли, буни ҳам суриштираман.

Мен токчадаги суратни телефон китоби билан тўсдим.

— Сизнингча... касали яна хуруж қилиши мумкинми?

Жаффе жавоб беришга шошмади.

— Албатта, такрорланмайди, дейиш қийин, — деди у салдан кейин. — Аммо эҳтимолдан йироқ. Яхшилаб текширганимдан сўнг анифини айтишим мумкин. Сизга қўнгироқ қиласман.

— Майли, раҳмат.

Гўшакни қўйдим. Кўчага чиқиб, яна бир оз гарангсиб турдим. Ҳаво дим эди. Сўнг уйга қараб кетдим.

Йўлақда фрау Залевски билан тўқнашиб кетдим. У фрау Бендернинг хонасидан отилиб чиқди. Мени кўриб, таққа тўхтади.

— Ха, келдингизми?

— Кўриб турганингиздай. Нима янгиликлар?

— Янгилик йўқ... Битта янгилик — фрау Бендер кўчиб кетди.

— Ие. Нега энди?

Фрау Залевски қўлларини белига тиради.

— Ҳамма ерда фаламислар бор. Мушугини қўлтиқлаб, йигирма олти маркасини чўнтағига солдию боқиб турадиган насронийлар уйига кетди-ворди.

Унинг айтишича, фрау Бендер ишлайдиган етимхона касодга учраган. Етимхона раҳбари бўлмиш руҳоний биржада олди-сотдига аралашиб,чув тушган. Фрау Бендерни, икки ойлик иш ҳақини ҳам тўламасдан, ишдан бўшатишган.

— Бошқа иш топибдими? — сўрадим ундан.

Фрау Залевски менга бир қараб қўйди.

— Ҳа-да, топмаган, албатта, — дедим мен.

— Кетманг, ижара ҳақини кейинроқ тўларсиз, десам ҳам кўнмади.

- Камбағал одамларнинг аксарияти ориятли бўлади, — дедим фрау Залевскига.
  - Унинг хонасида энди ким яшайди?
  - Хасселар оиласи. Арzonроқ-да.
  - Уларнинг хонаси нима бўлади?
  - У елкасини қисди.
  - Кўрамиз. Янги изжарачилардан умидим йўқ.
  - Қачон бўшайди?
  - Эртага. Хасселар кўчишяпти.
  - Миямга бир фикр келди.
  - Қанча туради ўша хона? — сўрадим ундан.
  - Етмиш марка.
  - Қиммат.
  - Эрталаб нонуштага қаҳва, иккита булочка, сарёғи бор.
  - Бари бир қиммат. Фрида тайёрлайдиган қаҳвадан воз кечаман. Нонуштанинг нархини чегириб ташлайсиз. Эллик марка, бир тийин ҳам кўп эмас.
  - Ижарага олмоқчимисиз? — сўради фрау Залевски.
  - Эҳтимол.
- Хонамга кира туриб, Хассенинг эшигига разм солдим. Пат пансионда яшайди! Йўқ, пухта ўйланмаган. Шунга қарамай, эшикни тақиллатдим.
- Фрау Хассе ҳувиллаган хонада юзига упа суртиб ўтиради. Бошида шляпа.
- Хол-аҳвол сўраб, хонага кўз югуртирдим. Ўйлаганимдан кўра каттароқ экан. Жиҳозларнинг бир қисми олиб чиқиб кетилгани учун яқдол кўзга ташланиб туритти. Деворга ёпиширилган гулқоғоз деярли янги, эшик-ромлар яқинда бўялган, бунинг устига, кенг-мўл балкони бор.
- Эримнинг қилаётган ишини қаранг, — деди фрау Хассе. — Рўпарадаги анови манжалала яшаган хонага кўчиляпти! Қандай шармандали!
  - Нимаси шармандали? — сўрадим ундан.
  - Бундан ортиқ шармандалил бўладими? — давом этди у. — Бир-биrimiz билан ит-мушуклигимизни биласиз. Энд! Эрим ўшанинг хонасида яшашга мени мажбур қилипти. Балкони йўқ, деразаси битта. Азбаройи арzonлиги учун шундай қилипти!
  - Энди анови танноз овқати тайёр уйда ўтирволиб, устимдан роса кулади!
  - Йўғ-э, кулмаса керак.
  - Кулади! Касби болалар ҳамшираси бўлгани билан ўзи кирмаган тешиги йўқ бир мегажин! Бу ҳам етмагандай, энди суюқоёқ Эрна Бенигга қўшни бўламан! Мушигининг ҳидига тоқатим борми!
- Унга таажжуб билан қарадим. Кирмаган тешиги йўқ бир мегажин! Тавба: одамлар уришиб қолишганда қанақа сўзларни топишмайди дейсиз! Фақат муҳаббатга даҳлдор сўзларгина абадий ва ўзгаришсиз қолаверади. Ҳақорат луфати эса рангбаранг ва битмас-туганмас!
- Мущуклар озода, чиройли жонворлар-ку, — дедим унга. — Ҳозиргина хонасига кирдим, ҳид-пид деган нарса йўқ.
  - Ҳо-о! — деди у чўзиб ва шляпасини тўғрилади. — Бу ҳид сезиши қобилиятига ҳам боғлиқ. Нима бўлганда ҳам кўч-кўчга аралашмайман, зарил кептими! Ашқолдашқолни ўзи ташисин! Бориб, сайр қилиб келаман! Турмушим ит ётиш-мирза туриш бўлгандан кейин лоақал шуни ўзимга раво кўрсам кўрибман-да!
- Фрау Хассе ўрнидан турди. Фазабдан юзлари пир-пир учар, суртган уласи эгнига тўкиларди. Лабларига беармон бўёқ чаплаган ва умуман ўзига шу қадар зеб берган эдики, кўйлагини шилдиратиб ёнимдан ўтаётганида ундан бутун бошли упа-элик дўконининг ҳиди анқиб кетди.
- Орқасидан анграйиб қараб қолдим. Кейин яна хонага назар ташладим, Патнинг жиҳозларини қандай жойлаштиришни мўлжалладим. Аммо дарров бу фикрдан қайтдим. Патнинг ҳар доим шу ерда, кеча-кундуз ёнимдан бўлишини тасаввур қилолмасдим! Соғ бўлганида бундай фикр хаёлимга келмасди. Лекин ҳар ҳолда... Балкон эшигини очиб, чамалаб кўрдим, сўнг ниятимдан воз кечиб, хонамга қайтдим.

Патникига кирганимда у ҳалиям ухлаб ётарди. Аста каравот ёнидаги креслога чўқдим, аммо Пат уйғониб кетди.

- Уйғотвордин-а?
- Боядан бери шу ердамидинг? — сўради у.
- Йўқ. Ҳозир келдим.

У чўзилиб, қўлини юзимга босди.

— Яхши бўлти. Ухлаб ётганимда бироннинг тикилиб туришини ёқтирумайман.

— Тушунаман. Мен ҳам ёқтирумайман. Тикилиб ўтириш ниятим йўқ эди. Уйғотгим келмади. Балки яна пича ухларсан?

— Йўқ, уйқуга тўйдим. Ҳозир турман.

Пат кийиниб бўлгунча қўшни хонага чиқиб турдим. Кўча қоп-қоронғи эди. Рўпагидаги уйнинг қия очиқ деразасидан ҳарбий марш оҳангига кулоққа чалинарди. Патефон ёнида тепакал бир одам уймаланяпти. У дастани айлантириб бўлгач, куй оҳангига мос равишда хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Боши сарфиш ойдай ярқиради. Уни лоқайд кузатиб турдим. Вужудимни аллақандай бешавқ, дилгир туйгулар чулғаб олди.

Пат кириб келди. У гўзал ва тетик эди. Ҳоргинлиқдан асар ҳам қолмаган.

— Кўринишинг зўр, — дедим унга.

— Ўзимни яхши сезяпман, Робби. Гёё тун бўйи ухлагандайман. Ўзи жуда тез ўзгараман.

— Ха, худо шоҳид. Баъзан шу даражада тезки, одам илғашга ҳам улгуромайди.

У елкамга суяниб, қўзларимга қаради.

— Шунақа тезми, Робби.

— Йўқ, Ўзим сусткашман. Кўпинча ҳаддан ташқари сусткашлик қиласман, тўғрими?

Пат кулди.

— Шошимаслик — пухталик. Пухта нарса эса ҳамиша яхши бўлади.

— Сувдаги пўқақдай пухтаман.

У бош чайқади.

— Сен ўзинг ўйлагандан кўра ҳам пухтасан. Қанақалигингни билмайсан. Сенчалик ўзи тўғрисида нотўғри фикрда юрган одамни кам учратганман.

Елкасидан қўлимни олдим.

— Ха, азизим, — деди у, — ростдан ҳам шунақа. Энди овқатлангани кетдик.

— Қаёққа борамиз?

— Альфонснинг олдига. Кўнглим ўша ёққа чопяпти. Бормаганимга худди минг йил бўлгандай.

— Бўлти! — дедим мен. — Иштаҳанг қалай? У ерга қоринни очириб бориш кепрак.

Пат кулди.

— Иштаҳам аждаҳоникидай.

— Унда кетдик!

Бирдан енгил тордим.

Кириб боришимиз Альфонс учун чинакам тантанага айланди. Биз билан сўрашгач, шошиб ичкарига кириб кетди, сал ўтмай, оқ кўйлак устидан хол-хол кўк галстук тақиб чиқди. Ҳатто император шарафига ҳам бунақа кийинмасди. Кўз кўриб, кулоқ эшигмаган бу тубанликдан ўзи ҳам сал довдираб қолди.

— Хўш, Альфонс, тузукроқ нимангиз бор бугун? — сўради Пат қўлларини столга кўйиб.

Альфонс оғзининг таноби қочиб, қўзларини қисди.

— Омадинглар бор экан! Бутун қисқичбақа бор!

Бу хабар бизга қандай таъсир этганини билиш учун бир қадам орқага ташлади. Табиийки, биз ҳангуман бўлиб қолган эдик.

— Бунинг устига, янги мозёл виноси ҳам топилади, — шундай деб, у яна бир қадам орқага чекинди. Бунга жавобан гулдурос қарсаклар янгради, қарсак овози эшик томондан ҳам эшиктилди. Остонада сочларини ҳурпайтирганча, бурнини носковокдай қилиб, ашаддий саргузашт ишқибози тиржайиб турарди.

— Готтфрид! — қичқириб юборди Альфонс. — Ўзингмисан? Қанақа кун бугун! Ке, бағримга бир босай!

— Қанақа кунлигини кўрсатади, — шипшидим Патга.

Улар бир-бирларининг бағирларига отилишиди. Альфонс Лениннинг елкасига шпататилар, худди сандонга болға тушгандай бўлаётганди.

— Ганс, — қичқириб у хазматчига, — “Наполеон”ни оғчиқ!

Альфонс Ленцни пештахта олдига судради. Хизматчи чанг босган каттакон шишани күтариб чиқди. Альфонс иккита қадаҳни тұлдирди.

— Соғ бұл, Готтфрид, гирт чүчқа экансан!

— Омон бұл, Альфонс, захматкаш қария!

Улар қадаҳтарни бир күтаришида бүшатиши.

— Зүр! — деди Готтфрид. — Фаришталар ичадиган конъяк!

— Бирдан ичвориши уят, — деди Альфонс.

— Хурсанд бўлиб кетганингдан кейин қандай қилиб секин ичасан! Яна биттадан отамиз! — Ленц тағин қуйид, қадаҳини күтарди. — Вой, ошқовоғ-еў! — хаҳолади у. — Вой, қадрдон дўстим-еў!

Альфонснинг кўзларига ёш келди.

— Чала бўп қолди, Готтфрид! — деди у энтикиб. — Оламиз яна!

— Доим тайёрман! — Ленц қадаҳини тутди. — Бунақа конъяқдан йиқилиб қолмагунимча бош тортмайман!

— Койил! — Альфонс учинчи марта қуйди.

Ленц олдимизга келиб, соатини чиқазди.

— Ўн минуги кам саккизда устахонага кириб келдик. Бунга нима дейсизлар?

— Рекорд! — деди Пат. — Юппига шон-шарафлар! Мен ҳам бир қути сигарета тақдим этаман.

— Эвазига бир ликопча ортиқча қисқичбақа оласан! — деди Готтфриддан бир қадам ҳам нари жилмаётган Альфонс. Кейин ҳаммамизга сочиқчалар улащди. — Пиджакни ечиб, сочиқни бўйинга боғлаволинглар. Хоним эътиroz билдиrmайдилар, шундайми?

— Аксинча, жудаям соз бўлади, — деди Пат.

Альфонс севиниб кетди.

— Ақсли аёлсиз, биламан. Қисқичбақани мириқиб, кийим ифлос бўлишидан ҳайиқмай ейиш керак. — У яйраб қулди. — Сизга бошқа нарса бераман.

Ганс оптоқ ҳалат опкелди. Альфонс уни Патга кийдириб қўйди.

— Жудаям ярашди, — деди у мамнун бўлиб.

— Ўткир, ўткир! — жавоб берди Пат кулиб.

— Сўзларим ёдингизда экан, — Альфонс ғурурланиб кетди. — Кўнглимни күтардингиз.

— Альфонс! — Готтфрид сочиқни беўхппов боғлаб олган эди. — Сартарошхонага ўҳшаб қолди-ку.

— Ҳозир ҳаммаси жойига тушади. Олдин пича санъатдан баҳраманд бўламиз.

Альфонс патефон ёнига борди. “Тангейзер” асаридан хор қўшифи янгради. Жим кулоқ солдик.

Қўшиқ тугаши билан ошхонадан каттакон тофора күтариб, Ганс чиқиб келди. Қисқичбақа тўла тогорадан буғ күтарилярди. Ганс уни инқиллаб столга қўйди.

— Менга ҳам сочиқ олке, — деди Альфонс Гансга.

— Биз билан овқатланасанми? Ўзим ўргилай! — деди Ленц. — Бу биз учун шарап!

— Агар хоним эътиroz билдиrmаса.

— Хурсанд бўламан, Альфонс!

Пат стулинни сурди. Альфонс унинг ёнига ўтириди.

— Ёнингизга ўтирганим яхши бўлди, — деди у. — Гап шундаки, буни майдалашга устаси фаранг бўлиб кетганиман, аёл киши қийналади.

У тогорадан битта қисқичбақани олиб, чаққонлик билан бўлакларга ажрата бошлиди. Гурзидай қўллари шунақа тез ҳаракат қиласарди, Пат Альфонс узатган луқмаларни оғзига солишига аранг улгурарди.

— Мазаси қалай? — сўради у.

— Беқиёс! — Пат қадаҳини күтарди. — Сиз учун, Альфонс.

Альфонс у билан уриштириб, винони аста симириди. Патга қарадим. Ичишини хоҳламасдим. У нигоҳимни пайқади.

— Сен учун, Робби.

Пат мамнун, очилиб-сочилиб ўтиради.

— Сен учун, Пат, — шундай деб, қадаҳни бўшатдим.

— Ажойиб жой, а? — сўради у ҳамон мендан кўз узмай.

— Мўъжиза! — Ўзимга яна қуйдим. — Омон бўл, Пат.

Унинг чехраси ёришиб кетди.

— Омон бўл, Робби! Омон бўл, Готтфрид!

Ичдик.

— Тенги йўқ вино! — деди Ленц.

— Азиз меҳмонлар учун олиб кўювдим, — жавоб берди Альфонс. — Қадрига етганингдан хурсандман!

У яна битта қисқичбақани олиб, оёғини ажратди-да, Патга узатди.

Пат бош тортди.

— Ўзингиз енг, Альфонс, бунақада оч қоласиз.

— Кейин. Мен овқатни тез ейман. Етволаман.

— Ҳа, майли. — Пат оёқни олди. Альфонс қилаётган меҳрибончилигидан роҳатланарди. Шу тобда у ясида палапонини боқаётган баҳайбат, қари бойқушига ўхшарди.

Кетишдан олдин бир қадаҳдан “Наполеон” ичдик. Кейин Альфонс билан хайрлашдик. Патнинг кайфи чоғ эди.

— Яхши ўтиридик! — деди у Альфонсга кўлини узатиб. — Миннатдорман, Альфонс. Рост, жудаям яхши ўтиридик!

Альфонс бир нималар деб, Патнинг кўлини ўпди. Таажжуланганидан Ленцнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Кеп туринглар, — деди Альфонс. — Жим бўп кетма, Готтфрид.

Кўчада, чироқ остида ҳамманинг ёдидан кўтарилган кичкина мошинамиз турарди.

— О! — хитоб қилди Пат. — Ёлғиз қоп кетипти-ку шўрлик.

— Бугунги сафардан кейин унга Геркулес деб ном қўйдим, — деди Ленц. — Уйингизга ташлаб қўяйми?

— Йўқ, — деди Пат.

— Билувдим. Қаёққа борамиз?

— Қаҳвахонага. Ёки бормаймизми, Робби? — У менга юзланди.

— Борамиз, — жавоб бердим мен. — Алб ўтта қаҳвахонага ҳам борамиз.

Йўлга тушдик. Тун илиқ, ҳаво мусаффо эди. Қаҳвахона олдидағи йўлкада одамлар ўтиришарди. Мусиқа садоси эшитилиб турипти. Пат ёнимда. Касал бўлиши мумкин эмас — негадир кўнглимдан шу ўй ўтди. Бу фикр таскин бердими, у менга соппа-соғдай туюлди.

Қаҳвахонада Фердинанд билан Валентин ўтиришган экан. Фердинанд шира-кайф. Ўрнидан туриб, Патга пешвоз чиқди.

— Ўрмонлардан ўз паноҳига қайтган Диана...

Пат жилмайди. Фердинанд унинг елкасидан кучди.

— Кумуш камонли жасур сайёд! Нима ичамиз?

Готтфрид Фердинанднинг кўлини Патнинг елкасидан олиб ташлади.

— Эҳтиросли одамлар беандиша бўлишади, — деди у. — Хонимга икки эркак ҳамроҳлик қиляпти. Сезмадингми шуни, мункайган жоҳил!?

— Саргузашт ишқибозлари думдан бошқа нарса эмас. Улар фақат эргашади, ҳамроҳлик қиломлайди, — жавоб берди Фердинанд пинагини бузмай.

Ленц кулиб, Патга мурожаат қилди:

— Ҳозир сизга ажойиб ичимлик тайёрлаб бераман. “Колибри” коктейли, рецепти Бразилиядан келган.

У пештахта олдига бориб, ҳар хил ичимликларни узоқ аралаштириди. Сўнг ҳалигини қўтариб келди.

— Маъқулми?

— Бразилия учун бўшпроқ, — деди Пат.

Готтфрид кулиб юборди.

— Аксинча, ўткир нарса бу. Ром билан арақ қўшилган.

Кўриб турибман, унда ром ҳам, арақ ҳам йўқ.

Готтфрид мева, лимон ва помидор шарбатини аралаштирган, эҳтимол, бир томчи вино кўшгандир. Топ-тоза, спиртсиз ичимлик. Хайрият, Пат сезмади.

Унга “колибри” коктейлидан уч бокал келтириб беришди, Пат ўзига соппа-соғ одамдай муомала қилинаётганидан хурсанд эди. Бир соатдан сўнг қўзгалдик. Қаҳвахонада фақат Валентин қолди. Бу ҳам Ленцнинг иши. Ўзи мошинада Фердинанд

нандни олиб кетди. Хуллас, Патга биз бошқалардан олдин жўнаворгандай туюмади. Ленцнинг олижаноблигидан фоят таъсирандим, аммо кўнглимнинг бир чети бари бир ғаш эди.

Пат тирсагимдан ушлади. У ёнимда чироили, ўқтам одим ташлар, қўлининг тафтини сезиб турардим. Чироқларнинг шуласи кўркам чехрасида йилтилларди — йўқ, унинг бетоблигига ақлим бовар қилмайди, кундузи ишонишм мумкин, аммо ҳаёт ширин ва мурувватли бўлиб турган, кўп нарсаларни ваъда қилаётган мана бундай оқшомда...

— Уйга кирамизми? — сўрадим ундан.

Пат эътироz билдиrmади.

Пансионимиз йўлагида чироқ ёниб турарди.

— Обба, палакат-ей! — дедим мен. — Тағин нима бўлдийкин? Бир минут кутиб тур.

Эшикни очиб, ичкарига назар ташладим. Бўм-бўш йўлак шаҳар четидаги тор кўчани эслатарди. Фрау Бендер хонасининг эшиги ланг очиқ. Ҳассе қизил қалпоқли, ерга кўйиладиган баҳайбат чироқни инқизлаб кўтариб келарди. Қадди буқчайиб кетган. Худди қора чумолига ўхшайди. У кўчмоқда эди.

— Ҳорманг, — дедим мен. — Намунча бемаҳалда...

У ипакдай силлик мўйловини йилтиратиб, бошини кўтарди.

— Ишдан келганимга бир соат бўлди. Кечаси кўчишдан бошқа иложим йўқ.

— Хотинингиз қани?

У бош чайқади.

— Дугонасиникида. Худога шукур, дугона топволди, энди ўша билан андармон.

Ҳассе бу гапни безарда, кулиб гапирди, кейин оёғини тап-тап босганча йўлига равона бўлди. Патни тезгина йўлакдан олиб ўтдим.

— Чироқни ёқмаганимиз маъқул, нима дединг? — сўрадим ундан.

— Йўқ, ёқа қол, азизим. Бирпастдан кейин ўчирасан.

— Сен нима десанг — шу, —шундай деб, хонамдаги аянчли дабдабани бирлаҳзага ёритдиму дарров яна ўчирдим.

Ташқаридан хонага дараҳтиларнинг муаттар хиди кириб турарди.

— Қандай ажойиб! — деди Пат дераза токчасига ўтирголиб.

— Сенга ростдан ҳам ёқадими бу ер?

— Ҳа, Робби. Худди каттакон боққа ўхшайди. Ташқарига қарасанг, баҳри-дилинг очилади.

— Йўлакдан келаётганимизда чағ томондаги очиқ хонага кўзинг тушмадими?

— Йўқ, нимайди?

— Ўша хонадан анови балконга чиқилади. Икки ёни тўсилган, рўпарасида бино йўқ. Агар шу ерда яшаганингда чўмилиш кийимисиз ҳам бемалол офтобда тобланган бўлардинг.

— Ҳа, шу ерда яшаганимда...

— Бунинг қийин жойи йўқ, — дедим бепарво оҳангда. — У ердан кўчишяпти. Хона эрта-индин бўшайди.

Пат менга қараб кулди.

— Сенингча, шундай қислак тўғри бўладими? Ҳар доим бирга бўламиزمи?

— Ҳар доим эмас, — дедим мен. — Кундузи ишдаман. Кечқурунлари ҳам кўпинча алламаҳалда келаман. Агар бирга бўлсан, ресторанма-ресторан юрмасдик, худди омонат меҳмонлардай, апил-тапил хайрлашмасдик.

Пат ўрнашиброқ ўтирди.

— Гё ѡаммасини ипидан-игнасигача ўйлаб кўйгандай гапирасан-а, азизим?

— Ўйлаганман-да, — дедим мен. — Кун бўйи шу ҳақда ўйладим.

У қаддини ростлади.

— Ростдан ҳам жиддий гапирияпсанми, Робби?

— Албатта, — дедим мен. — Наҳот сезмаётган бўлсанг?

Пат ўйланиб қолди.

— Робби, — деди у кейин пасть, хотиржам оҳангда. — Нима учун айнан шу бугун бу ҳақда гап очиб қолдинг?

— Гап очгим келди-да, — овозим баландлаб кетганини сезмай қолдим. Бўш хонадан кўра ҳам муҳимроқ нарсани ҳал қўлволиш пайти келганини бирдан англаб

етдим. — Шунинг учун гапирияпманки, кейинги бир-икки ҳафта ичида ҳар доим бирга бўлишимиз зарурлигини ҳис этдим. Омонат учрашувлар жонимга тегди! Менга сендан кўпроқ нарса керак! Ҳар доим ёнимда бўлишингни хоҳлайман. Қачонгача ошиқона бекинмачоқ ўйнаймиз?! Менга бунини кераги йўқ, менга сен кераксан, фақат сен кераксан, ҳеч қачон сенга тўймайман ҳам, бирор дақиқа кўзимдан нари кетишингни ҳам истамайман.

Патнинг нафасини илғаб туардим. У дераза токчасида тиззаларини кучоқла-ганча чурқ этмай ўтиради. Рӯпарадаги, дараҳтлар ортидаги рекламаларнинг қизил чироқлари юқорига ўрмалаб чиққанда Патнинг ялтироқ туфлиси, кўйлаги ва қўлла-рига хира шуъла ташларди.

— Майли, устимдан кулсанг кулавер, — дедим мен.

— Нега куламан? — ажабланди у.

— Чунки уни хоҳлайман, буни хоҳлайман, деганим деган. Ахир сен ҳам хоҳла-шинг керак-ку.

Пат менга қаради.

— Ўзгариб қолганингни биласанми, Робби?

— Йўқ.

— Ўзгаргансан. Сўзларингдан кўриниб туришти. Сен хоҳлайсан. Сўраб ўтирмай-сан. Хоҳлайсан — вассалом.

— Э, бу катта ўзгариш эмас. Мен ҳар қанча хоҳлаганим билан сен “йўқ” дейи-шинг мумкин-ку.

У устимга энгашди.

— Нега “йўқ” дейишим керак, Робби, — деди у ҳароратли, майин овозда. — Мен ҳам шуни хоҳлайман-да...

Шошиб қолдим, сўнг елкасидан қучдим. Сочлари юзимни сийпалади.

— Ростданми, Пат?

— Албатта, азизим.

— Буни қара-я. Менга мушкулотдай туюлган эди.

У бош чайқади.

— Ҳаммаси ўзингга боғлиқ, Робби.

— Мен ҳам шу фикрдаман.

Пат бошимни кўксига босди.

— Баъзан ҳеч нарса тўғрисида ўйламасанг, бирон ишга қўл урмасанг, кимгадир суюнишинг мумкинлигини ҳис этсанг — ўзингни қущдай енгил сезасан. Эҳ, азизим, оддий нарсалар булас, фақат ҳаётимизни ўзимиз мураккаблаштирасак бас!

Тишимни тишимга босдим. Ундан шу гапларни эшитиш!

— Тўғри, Пат. Тўппа-тўғри! — дедим сўнг шоша-пиша.

Аслида сирам тўғри эмас эди.

Яна бир оз дераза олдида турдик.

— Нарсаларингни бу ёққа опкеламиз, — дедим мен. — Токи ҳеч нимага зориқмагин. Ҳатто ғиддиракли столча ҳам оламиз. Фрида ундан қандай фойдаланишни ўрганади.

— Унақа столча бор, азизим. Ўзинг кўрган ўша столча меники.

— Жуда соз. Эртадан бошлаб Фридани машқ қилидиришга киришаман.

Пат елкамга бошини қўйди. Сездимки, толиқкан.

— Кузатиб қўяйми?

— Шошма, яна бир оз ётай.

У каравотда уйкуга кетгандай чурқ этмай ётарди. Аммо кўзлари очик эди, шимол ёғудусидай шифт ва деворларда сирганаётган реклама чироқлари баъзан унинг нигоҳида йилтиради. Кўча жимжит. Девор ортида аҳён-аҳён оёқ товуши эшитилади — Хассе собиқ хонасида ўз умидлари, илк никоҳи ва, эҳтимол, бутун ҳаётининг қолдиқлари орасида депсиняпти.

— Шу ерда қола қол.

— Бугун эмас, азизим.

— Кетишингни сирам хоҳламаяпман.

— Эртага...

Пат ўрнидан туриб, қоронги хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Биринчи марта қолганида ҳам тоңг фира-ширасида кийиниш учун худди мана шундай ма-комда хонани айланган эди. Нимагалигини билмайман-у, аммо бунда аллақандай

табиийлик, кўнгилни тўлқинлантирадиган бир нарса — вақт харобалари остида қолган олис ўтмишнинг акс садоси, ҳозир ҳеч ким эсламайдиган мубҳам қонунга сўзсиз итоат этицдек ғалати бир ҳолат мужассам эди. Пат қоронилик қўйнидан чиқиб келиб, кафтини юзимга босди.

— Яхши бўлди, азизим. Жудаям яхши бўлди. Борлигиндан хурсандман.

Мен жавоб бермадим. Жавоб беролмасдим.

Уни уйига кузатиб қўйиб, яна қаҳвахонага йўл олдим. У ерда Кестер ўтиради.

— Ўтири, — деди у. — Ишларинг қалай?

— Унчаликмас, Отто.

— Ичасанми?

— Йўқ. Ҳозир бошласам, уланиб кетади. Буни хоҳламайман. Чарчадим. Бошқа иш қўлганим тузук. Готтфрид таксидами?

— Йўқ.

— Яхши бўпти. Уч-тўрт соат айланаман.

— Сен билан бораман гаражга, — деди Кестер.

Гаражда Отто билан хайрлашиб, мошина бор эди. Кейин Густав билан актёр Томми пайдо бўлишиди. Олдинда иккита мошина бор эди. Гаражда Отто билан хайрлашиб, мошина бор эди. Кейин Густав билан актёр Томми пайдо бўлишиди. Олдинда иккита мошиналар жўнаб кетди, кўп ўтмай менга ҳам йўловчи топилди. Ёшгина бир қиз “Винета” га олиб бориб қўйишни сўради. Бу рақс майдончаси бор, столирига телефон қўйилган, хатлар сиқиқ ҳаволи қувурда жўнатиладиган ва шунга ўшаш кулайликларга эга бўлган, асосан, четдан келадиганларга мўлжалланган ресторан эди. “Винета” бошқа тунги қаҳвахоналардан олисда бўлиб, овлоқ бир тор қўчага жойлашганди.

Етиб келдик. Қиз сумкасини титкилаб, эллик марка узатди. Елкамни қисдим.

— Бунга майдам йўқ.

Эшикбон келди.

— Қанча беришим керак? — сўради қиз.

— Бир марка етмиш пфенниг.

У эшикбонга юзланди:

— Мен учун тўлавормайсизми? Сиз билан касса олдида ҳисоб-китоб қиласман.

Эшикбон мошина эшигини очиб, қизни кассагача кузатиб борди. Сўнг қайтиб келди.

— Мана...

Пулни санадим.

— Бир маркаю эллик.

— Кўп валдираам... сўтаксан ҳали... Қайтиб келганим учун йигирма пфенниг менини бўлади! Қоидаси шунақа! Жўна!

Шундай ресторанлар борки, ҳақиқатан ҳам эшикбонга чойчақа беришади, фатат мижозни ўзи топса. Лекин ҳозир меҳмонни мен олиб келдим-ку.

— Кўпам сўтак эмасман, — жавоб бердим унга, — мен бир маркаю етмиш пфенниг олишим керак.

— Калтак еинг қеляптими?... Қани, йигитча, туёғингни шиқиллат. Бу ернинг тартиб-қоидасини сендан яхши биламан.

Йигирма пфеннигга кўл силтаб қўя қолишим ҳам мумкин эди. Лекин эшикбоннингчув туширишини хоҳламасдим.

— Бошимни қотирма, чўз қолганини, — дедим мен.

Эшикбон яшин тезлигига мушт туширди, рулда ўтирганим учун чап беролмадим, ҳатто қўлимни кўтаришга ҳам улгурмадим, бошим руль чамбарагига қарсилаб урилди. Аранг қаддимни ростладим. Каллам ноғорадай фувуллар, бурнимдан қон оқарди. Эшикбон шопдай бўлиб тепамда турипти.

— Етадими, галварс?

Унга бас келолмаслигимни дарров фаҳмладим. Чидаш керак. Эшикбон мендан бақувват эди. Унга жавоб қайтарадиган вазиятда эмасман. Мошинада ўтириб мушт отолмайман — зарбанинг кучи бўлмайди. Мошинадан тушгунимча у мени дабдала қиласди. Аста кўз қирини ташладим. Нафаси юзимга урилиб турар, оғзидан пиво хиди анқирди.

— Яна бир туширсам — хотининг бева қолади.

Унинг гўштдор, лагандай юзига тикилдим. Қайси жойига мушт солишни чамаладиму иложисизлигимдан бўғилиб кетдим. Қилт этмай ўтиарканман, башараси,

худди катта қилиб кўрсатадиган ойнада кўрингандай, кўз олдимдан нари кетмас, юзидағи ҳар бир мўй, ҳар битта пужмоқ асабимни қўзгарди.

Полициячининг темир қалпоғи ярқиради.

— Нима гап?

Эшикбон ялтоқланиб қаддини ростлади.

— Тинчлик, жаноб полициячи.

У менга қаради.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен.

— Юзингиз қон-ку.

— Урвоздим.

Эшикбон орқага тисарилди. Кўzlари мунофиқона йилтиарди. У мени сотишиндан кўрқади, деб ўйлаётганди.

— Кетаверинг, — деди полициячи.

Газни босиб, бекатга қайдидим.

— Башарангни қара, — деди Густав.

— Фақат бурним, — шундай деб, бўлган воқеани гапириб бердим.

— Ҳозир бирга борамиз ўша ресторонга, — деди Густав. — Қачонлардир санитария ефрейтори бўлганиман. Ўтирган одамни уриш фирт ҳайвонлик-ку! — У мени ошхонага бошлаб кириб, муз сўради ва ярим соатча юзимни эпақага келтириш билан овора бўлди.

— Бошинг қалай? Лат емаганми? Бўлмаса вақтни кеткизмайлик.

Томми кириб келди.

— “Винета”нинг эшикбоними? Отнинг қашқаси-ку у. Нуқул муштлашгани муштлашгани. Шу пайтгача бирор мушугини пишт демаган-да, шундан кутуриб кетган.

— Ҳозир “пишт” деб қўямиз, — деди Густав.

— Фақат ўзим, — дедим мен.

Густав менга ёвқараш қилди.

— Мошинадан тушгунингча...

— У ёғини ўйлаб қўйғаниман. Агар уддалай олмасам, ёнимдасан-ку.

— Бўпти.

Густавнинг фуражкасини кийволдим, эшикбон ниятимизни пайқаб қолмаслиги учун унинг мошинасига ўтиридик. Дарров илғаши ҳам қийин — тор кўча қоронги.

Етиб келдик. Ресторан олдида ҳеч ким йўқ эди. Густав йигирма маркани ушлаганча мошинадан чиқди.

— Аксига олиб, майдам йўқ экан! Мана шуни майдалаб беролмайсизми? Бир маркаю етмиш. Илтимос, тўлаворинг.

У ўзини касса томонга юргандай қилиб кўрсатди. Эшикбон ёнимга келиб, бир ўйталди-да, қўлимга бир маркаю эллик пфеннигни қистирди. Қўлимни чўзиб туравердим.

— Жўна! — тўнғиллади у.

— Колганини чўз, итвачча! — дедим мен.

У ҳангуга манг бўлиб қолди.

— Менга қара, — эшикбон тишларини гичирлатди, — шу гапинг учун бир йилгача пушаймон бўлиб юрасан! — Шундай деб, бирдан мушт кўтарди. Бу зарбадан хушдан кетишим мумкин эди. Аммо мен хушёр турардим. Ўзимни ўнгга ташладим, кучининг борича отган мушти чап қўлимда сездирмай ушлаб турган қиррали темирга тегди. У вой-войлаганча ўзини орқага ташлади. Оғриқнинг зўридан тинмай бигиллар, ўзини ҳимоя қилишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Мошинадан учиб чиқдим.

— Танияпсанми? — ўшқирдим унга ва қорнига мушт солдим.

Гурс этиб йиқилди. Густав эшик олдида турарди. У, худди рингдаги ҳакамдай, санай бошлади.

— Бир, икки... уч...

“Беш” деганда эшикбон ўрнидан турди — турқи одамга ўхшарди, холос. Олдинги галгидай, яна унинг юзига — каттакон, гўштдор, бефаришта, жирканч башарасига кўзим тушди. Рўпарамда ўпка касали нималигини билмайдиган соғлом, бақувват, чўчқа сифат йигит турарди. Бирдан кўзим қонга тўлди, унга ташланиб, ура кетдим. Кейинги кунларда ичимга йиғилиб қолган алам ништарларини унинг каттакон ва гўштдор юзига ботира бошладим. Сўнг Густав мени четга тортди...

— Эсинг жойидами, ўлдириб қўясан-ку! — деди у.

Эшикбонга ўтирилиб қарадим. У деворга суюнин турарди. Афти қонга беланганд. Кейин аста буқчайди-да, худди улкан маҳлуқдай, ерга қулади ва заррин уқали кийимида эмаклаганча ичкарига кириб кетди.

— Энди сал ўйлаб мушт кўтаради, — деди Густав, — қани, жиллик, ҳеч ким йўқлигида қўённи суриш керак. Бу қўлмишинг оғир тан жароҳатига киради.

Биз шунли йўлга ташладик-да, мопшинага ўтириб, жўнаб қолдик.

— Мендан ҳам қон кетяптими? — сўрадим ундан. — Ёки ановиндан суркалдимикин?

— Бурнингдан яна томчилаяпти, — деди Густав. — Чап юзингта тушириб қопти-да.

— Сезганим йўқ.

Густав кулди.

— Биласанми, — дедим унга, — ҳозир анча енгил тортидим.

## XVIII

Таксимиз қаҳвахона олдида турарди. Ленц билан ўрин алмашиш, ундан қалит ва ҳужжатларни олиш мақсадида ичкарига кирдим. Готтфрид мен билан бирга чиқди.

— Даромад қалай бўлди? — сўрадим ундан.

— Ўртacha, — жавоб берди у. — Гоҳ такси кўпайиб кетади, гоҳ йўловчи учрамайди... Ўзингда-чи?

— Ёмон, Кечаси билан юриб, йигирма марка ҳам ишламадим.

— Шароит оғир бўп қолди! — Готтфрид қошларини чимириди. — Ҳозир шонима-япсанми?

— Йўқ, нимайди?

— Бир жойга ташлаб ўт. Узоқ эмас.

— Майли.

Мошинага ўтиридик.

— Қайси томонга?

— Черковга.

— Нима? — қайта сўрадим ундан. — Черковга? Ё нотўғри эшитдимми?

— Йўқ, тўғри эшитдинг, болам, черковга!

Унга таажжубланиб қарадим.

— Ҳайрон бўлма. Юравер, — деди у.

— Юрасак юраверамиз-да.

Йўлга тушдик.

Черков эски шаҳар томонда, атрофи диндорлар яшайдиган уйлар билан қуршалган очиқ майдонда жойлапланганди. Улкан пештоқ остида тўхтадим.

— Юравер, — деди Готтфрид. — Орқасига айланаб ўт.

Орқа эшикка яқинлашганда у тўхташни ишора қилиб, мошинадан тушди.

— Ибодатинг қабул бўлсин! — дедим унга. — Шунинг учун келгандирсан, ахир.

— Мен билан юр.

Кулиб юбордим.

— Бугун эмас. Эрталаб ибодат қилганман. Кечгача етади.

— Кўп валдира маънни! Юр! Сенга ҳиммат қилиб, баъзи нарсаларни кўрсатаман.

Қизиқиб қолиб, унга эргашдим. Кичкина эшиқдан киришимиз билан ибодатхонанинг усти берк улкан айвонига рўпара бўлдик. Бонгинг гир айланаси тош устунли қатор равоқлардан иборат. Ўртада Исо Масиҳ михланган эски чорчўп. Деворлар сатҳида оллоҳ висолига мушарраф бўлиш йўлидаги азоб-укубатлар акс эттирилган бўртма суратлар. Ҳар бир сурат қаршисига ибодатчилар учун узун курсилар кўйилган. Ташиландиқ борг гулга бурканиб ётипти.

Готтфрид шохлаб кетган оқ ва қизил атиргул буталарига ишора қилди.

— Карагин, танияпсанми?

Тўхтаб, анграйиб қолдим.

— Албатта танияпман, — дедим мен. — Демак, ҳосилни шу ердан кўтарган экансан-да, черков ўгриси!

Пат фрау Залевскининг пансионига кўчиб ўтмасидан бир ҳафта олдин Ленц Юлп орқали унга бир қучоқ атиргул жўнатади. Гул ниҳоятда кўп бўлгани сабабли Юпп уларни икки марта ташиб чиқади. Готтфрид шунча гулни қаердан олдийкин, деб роса бошим қотди. Одатини биламан — ўла қолса бозордан сотиб олмайди. Шаҳар боғида эса атиргул йўқ.

— Койил! — дедим унга тан бериб. — Шу пайтгача эсга келмаганини қара!

Готтфрид кулди.

— Бое эмас, олтин хазина бу!

У тантанавор қиёфада кўлини елкамга кўйди.

— Сени шерик қиласман! Менимча, бу жой ҳали кўп асқотади.

— Нега олдинроқ айтмадинг? — сўрадим мен.

— Чунки шаҳар боғи энди қуриди-да. Сенинг бирдан-бир ишонган тоғинг ўша ер эди, шекилли.

Мен бош силкидим.

— Ундан ташқари, — давом этди Готтфрид, — сен буржуй билан ҳақиқий йигит орасидаги фарқ кўзга ташланадиган паллага киряпсан. Буржуй аёл билан қанча узоқ яшаса, унга бўлган эътибори кун сайин сусая боради. Ҳақиқий йигит эса, аксинча, тобора меҳрибон бўлаверади. — У қулочини ёзib, гулзорга ишора қилиди. — Мана бундай бое мавжуд экан, сен йигитларнинг йигити бўласан.

Кулиб юбордим.

— Яхши-ку-я, Готтфрид, — дедим мен. — Қўлга тушиб қолсан-чи? Бу ердан чи-қиб кетиш осонмас, тақводорлар, муқаддас жойни оёқости қилдинг, деб мени дўпюсплашлари мумкин.

— Боласан-да ҳалиям, — жавоб берди Ленц. — Кўрмаяпсанми, тирик жон йўқ-ку? Урушдан кейин одамлар черковга эмас, сиёсий мажлисларга борадиган бўлиб қолишиди.

Унинг гапида жон бор эди.

— Черковда ишлайдиган руҳонийлар-чи?

— Э, уларнинг гул билан иши йўқ, бўлмаса бое шу аҳволга тушармиди? Сен бирорвнинг кўнглини олиш учун қиласан-ку бу ишни. Худонинг ўзи қўллайди.

— Тўғри! — шундай деб, дараҳтга ўҳшаб кетган гул буталарига қарадим. — Учтўрт ҳафтага етади.

— Кўпга етади. Омадли йигитсан-да. Булар атиргулнинг чидамли, узоқ гуллайдиган навлари. Камида сентябргача ошиғинг олчи. Ундан кейин астра билан хризантемалар очилади. Юр, кўрсатаман.

Боғни айтанишга тушдик. Ҳамма ёқни атиргулнинг ҳиди тутиб кетган. Асаларилар жонли булутдай гулдан гулга кўчади.

— Асалариларга қара, — дедим тўхтаб. — Шаҳар марказида нима қилиб юришишти? Яқин-атрофда уялари йўқ-ку. Ёки руҳонийлар уйларининг томида боқишармикин?

— Йўқ, жигарим, — жавоб берди Ленц. — Бирорта деҳқоннинг ҳовлисидан учеби келишган. Йўлни билишади-да, — у кўзларини қисди. — Лекин биз билмаймиз...

Мен елкамни қисдим.

— Балки билармиз? Ҳеч бўлмаса қисқагина бир бўлагини биламиз-ку. Имкон қадар. Нима, сен билмайсанми?

— Йўқ. Билишни ҳам хоҳламайман. Олдингга мақсад кўйсанг, ҳаёт чекланиб қолади.

Мен черков минорасига қарадим. Сип-силиқ, зангори гумбаз ложувард осмон остида кўхна ва сукутга чўмгандай кўринарди.

— Тинчлигини қара, — дедим мен.

Ленц бош силкиди.

— Ҳа, оғайни, мана шунаقا жойда яхши одам бўлиш учун фақат бир нарса — вақт етишмаганини англаб қоласан. Ё гапим нотўғрими?

— Вақт билан осойишталиқ, — жавоб бердим мен. — Осойишталиқ ҳам етишмаган.

Готтфрид кулди.

— Энди кеч! Ҳозир осойишталикка тоқат қилиб бўлмайди. Юр, кетдик! Ўзимизни яна шовқин-суронга урамиз.

Ленцни олиб бориб қўйиб, бекатга қайтдим. Йўлим қабристон ёнидан ўтарди. Патнинг балконда, ёнгил креслода ястаниб ётганини билардим, икки-уч марта сигнал бердим. Жавоб бўлмади, кейин йўлимга равона бўлдим. Сал юрмай, фрау Хассенини кўриб қолдим. У елкасига ташлаб олган шоҳи рўмолини ҳилпиратганча кўчани кесиб ўтди-ю чапга бурилди. Борадиган жойини сўраш ниятида орқасидан юрдим. Аммо чорраҳага етганда унинг муюлишида турган бир лимузинга ўтирганини кўрдим. Бу йигирма учинчи йилда чиқарилган эски мерседес эди. Мошина шу заҳоти ўрнидан кўзгалди. Рулда ўрдакбурун бир киши ўтиради. Этнида катак-катак костюм. Узоқлашаётган мошина орқасидан анча қараб турдим. Аёл киши ёлғиз ўзи уйда ўтираверса оқибати нима бўлишини кўриб, ичимдан зил кетдим. Кейин бекатга келиб, яна навбатга турдим.

Офтоб мошинани қиздирвorgанди. Навбат сурилай демасди. Уйку элита бошлади, жиндай мизғиволай дердим-у, аммо фрау Хассенинг қиёфаси кўз олдимдан нари кетмасди. Тўғри, тақдиримиз бошқача, лекин барибир Пат ҳам кун бўйи уйда ўтиради-ку.

Йўлкага чиқиб, олдинга, Густавнинг мошинасига қараб юрдим.

— Ма, ич, — деди у термосни узатиб. — Бебаҳо яхна ичимлик! Ўзим ихтиро қилганман — муз солинган қаҳва. Ҳар қандай иссиқда ҳам бир хил тураверади. Билиб қўй, Густав — ишибилармон одам.

Бир стакан яҳдек қаҳва ичдим.

— Ишибилармон бўлсанг, қани айт-чи, — дедим унга. — Уйда ўтирадиган аёлни нима билан банд қилиш керак?

— Бундан осони борми! — Густав менга викор билан қаради. — Фирт нодонсан, Роберт! Ё фарзанд керак, ё кучук! Шу ҳам муаммо бўлди-ю! Мендан қийинроқ нарсани сўра-да.

— Кучук! — такрорладим ажабланиб. — Рост, кучук керак! Тўғри айтдинг. Кучук билан ҳеч қаҷон зериқмайди одам!

Унга сигарета узатдим.

— Менга қара, қаердан топамиз кучукни? Шу кунда унчалик қиммат бўлмаса керак.

Густав таъна билан бош чайқади.

— Эҳ, Роберт, сен учун қанақа хазина эканимни ростдан ҳам билмас экансан! Бўлажак қайнотам итбоқарлар уюшмасининг иккинчи котиби. Ўшандан оламиз, ҳатто текинга оламиз. Зоти тозасидан. Бизда олтита кучуквачча бор. Уларнинг бувиси медаль олган, Герта фон дер Тотгенбург.

Густав омадли йигит эди. Қайлигининг отаси фақат исковуч боқмасди, айни пайтда “Янги ҳужра” деган ресторанинг эгаси ҳам эди. Келиннинг эса аёллар кийимига бурма соладиган устахонаси бор эди. Густав фарогатда яшарди. Қайнотасининг ресторанида текинга овқатланар, уст-бошини эса келин ювиф, дазмоллаб берарди. Густав уйланишга шошилмасди, чунки тўйдан кейин ола хуржун бўйнига тушишини биларди.

Унга исковуч керакмаслигини айтдим. Исковуч катта, бунинг устига, феъл-атвори ҳам яхши эмас. Густав андак ўйланиб турди-да:

— Мен билан юр, — деди. — Кўз остига олиб қўйганим бор. Фақат мен гапираман, сен жим турасан.

— Бўпти.

У мени кичкина дўконга бошлаб борди. Витринада сув ўтлари ўсиб ётган аквариумлар турарди. Яшиқда бир жуфт дентиз чўчқаси маъюс бош этиб ўтирипти. Иккى ёндағи деворга осилган қафасларда турли-туман күшлар чуурлайди.

Истиқболимизга оёқлари қишиқ, жигарранг камзул кийган паст бўйли одам пешвоз чиқди. Кўзлари шиллик, ранги заҳил, бурни қип-қизил. Қисқаси, пиво билан шнапсга муқкасидан кетган киши.

— Аста қалай, Антон? — сўради Густав.

— Иккинчи соврин, Кёльнда фахрли мукофот олди, — жавоб берди Антон.

— Бу қандай қабиҳлик! — Густав дарғазаб бўлди. — Нима учун биринчи эмас?

— Биринчи ўринни Удо Бланкенфельста беришиди.

— Фирт сурбстлик! Муттаҳамлик!

Орқада, пештахта остида кучукваччалар винифилларди. Густав пештахта ортига ўтиб, майда ҳайвонларни овлайдиган иккита кучук боласини кўтариб келди. Чап

қўлида оқ-қора, ўнгиде эса қизғиши-жигарранг кучук. Сездирмай ўнг қўлидагини силкитиб қўйди. Тикилиб қарадим: ҳа, менга маъқул.

Чиройли, қўғирчоқдай кучук эди. Оёқлари узун-узун, танаси чорпахил, боши думалоқ, қўзлари маъноли. Густав уни ерга қўйди.

— Фалати дуррагай, — деди у. — Қаердан олдинг.

Антон Жанубий Америкага кетган қандайдир аёлдан олганини айтди. Густав ҳақоратомуз хахолади. Антон хафа бўлиб, қарийб Нуҳ кемасигача бориб қадаладиган шажара дафтарини кўрсатди. Густав белгарво қўл силтаб, ола-була кучукка разм сола бошлади. Антон жигарранг кучукка юз марка сўради. Густав беш марка таклиф қилди. Унга кучукнинг катта буваси ёқмаганиши, думи билан кулоқларида ҳам кусури бор эмиш. Ола-буласи дуруст, чидаса бўлади, деди Густав.

Мен бир четда туриб, қулоқ солардим. Бирдан кимдир шляпамни торти. Бундай қарасам, сап-сариқ маймун боласи штанганинг бир четида мунгайиб ўтиради. Кўзлари қоп-қора, кампирдаҳан. Қорнига боғланган чарм камарнинг бир учি занжирга уланган. Қоп-қора қўлчалари одамнигiga ўхшайди.

Қимир этмасдим. Маймун штангадан аста олдимга эмаклаб келди. У мендан кўз узмас, нигоҳида аллақандай умидворлик бор эди. Кейин ҳадиксираброқ бир қўлини узатди. Мен бармогимни кафтига тутдим. Аввалига ўзини орқага ташлади, сўнг ҳайиқибгина ушлади. Бармогимни ёш боланинг муздай қўли қисиб тургандай бўлди. Назаримда, мурғаккина танага озодликка чиқишини хоҳлаётган баҳтсиз, соқов одамча кириб олгандай эди. Унинг мунг тўла кўзларига узоқ қараб туролмадим.

Ниҳоят, Густав шажара чангальзоридан ҳарсиллаб чиқиб келди.

— Демак, келишдик, Антон! Шу кучугингга исковуч бераман, Гертанинг авлоди. Ҳаётингдаги энг омадли битим шу бўлади! — Кейин менга юзланди: — Ҳозир опкетасанми?

— Қанча туради?

— Ҳеч қанча. Сенга совға қилмоқчи бўлганим исковучга алмашяпти. Бунақа ишларни менга қўйиб беравер! Густав — мард эрқак, тилла одам!

Кучукни ишдан кейин олиб кетадиган бўлдим.

— Қандай хазинани қўлга киритганингни биласанми? — сўради у кўчага чиққанимиздан сўнг. — Камдан-кам учрайдиган кучук бу! Ирландияниги! Бирорта нуқсони йўқ. Зоти тоза. Кўзига тик қарашга ҳам ботинолмайсан. Бу билан гаплашишдан олдин икки букилиб салом беришинг керак.

— Густав, — дедим унга, — мен учун катта иш қилдинг. Юр, озгинадан конъяк отайлик.

— Бугун иложим йўқ! — жавоб берди у. — Бугун қўлим қалтирамаслиги керак. Кечқурун спортчилар уюшмасида кегли ўйнайман. Бирор кун сени ҳам олиб бораман. Бамаъни одамлар йиғилишади, ҳатто катта амалдорлар ҳам келишади.

— Бўйти, — дедим мен. — Катта амалдорлар келмаса ҳам боравераман.

Соат олтиларда устахонага қайтдим. Кестер мени кутиб ўтирган экан.

— Жаффе қўнфироқ қилди, сени сўради.

Нафасим ичимга тушиб кетди.

— Бирор нарса дедими?

— Йўқ. Соат бешгача ўз шифохонасида беморларни қабул қиларкан, кейин Муқаддас Доротей шифохонасига бораркан. Ўша ёққа қўнфироқ қилармишсан.

— Маъқул.

Ичкарига қирдим. Ҳаво иссиқ, ҳатто дим бўлишига қарамай, мени титроқ босганди. Қўлимдаги телефон гўшаги ҳам силкинарди.

— Яхшиликка бўлсин-да, ишқилиб, — стол четини маҳкамроқ ушладим.

Жаффенинг овози эшитилгунча анча вақт ўтди.

— Бўшмисиз? — сўради у.

— Ҳа.

— Үнда тез келинг. Яна бир соатча шу ерда бўламан.

Патга бирор гап бўлдими, деб сўрамоқчи эдим-у, аммо тилим айланмади.

— Хўп, ўн минутда етиб бораман.

Гўшакни қўйдим, кейин яна уни кўтариб, уйга қўнфироқ қилдим. Телефонга Фрида келди. Патни чақиришни илтимос қилдим.

— Билмадим, уйдамикин, — деди у энсаси қотиб. — Ҳозир қараб кўраман.

Кутиб турдим. Бошим ғувуллар, юзим қизиб кетган эди. Кутининг охири йўқдай туяларди. Кейин Патнинг овози эшитилди:

— Робби!

Бир лаҳза кўзимни юмдим.

— Аҳволинг қалай, Пат?

— Яхши. Балконда китоб ўқиб ўтирибман. Жудаям қизиқ китоб.

— Ҳа, дуруст, қизиқ китоб дегин... Жуда соз. Бугун кечроқ бораман, шуни айтиб қўймоқчи эдим. Ўқиб бўлдингни китобингни?

— Йўқ ҳали. Ярмига келдим. Уч-тўрт соатда тугатаман.

— Бўйтти, бемалол улгурман. Ўқийвер.

Устахонада яна пича ўтиридим. Кейин ўрнимдан турдим.

— Отто, — дедим мен. — “Карл”ни бериб турасанми?

— Албатта. Хоҳлассанг, бирга борамиз. Ҳозир қиладиган ишм ийк.

— Шартмас. Тинчлик экан. Уйга қўнгироқ қилдим.

“Қандай ажойиб ранг, — ўйладим ичимда “Карл” кўчага отилиб чикқач. — Томлар тепасидаги кунботар шафаги нақадар жозибали! Ҳаёт бунчалар ширин!”

Жаффени бир оз кутиб қолдим. Ҳамшира мени эски журнallар қўйилган кичкина хонага бошлаб кирди. Дераза токчасида чирмовиқ ўсиб ётган гулдонлар. Хуллас, таниш манзара: жигарранг муқовали ўша-ўша журнallар, чирмовиқли ўша-ўша гулдонлар; қайси дўхтирининг қабулхонасига кирма, қайси шифохонага борма — шуларни кўрасан.

Жаффе кириб келди. Эгнида оппоқ ҳалат. Рўпарамга ўтирганида ўнг енгининг ички томонидаги кичкина қизил додга кўзим тушди. Ҳаётимда қонни кўп кўрганман, аммо бу тангадеккина доғ илғари мен кўрган жиққа қон боғичлардан кўра юз чандон қаттиқ таъсир қилди. Бир зумда кайфиятим бузилди.

— Сиз билан фрейлейн Хольманинг саломатлиги тўғрисида гаплашмоқчи эдим, — деди Жаффе.

Мен бош силкиб, гулдор дуҳоба дастурхонга тикилдим. Даствурхоннинг жимжимадор безакларидан кўз узмай ўтиракманман, шундай қилсан, гёё мушкулим енгиллашадигандай туяларди. —

— Икки йил муқаддам у олти ой санаторийда бўлган. Шундан хабарингиз борми?

— Йўқ, — дедим бошимни кўтармай.

— Ўшанда анча яхши бўп қолган эди. Бу гал жудаям синчилаб кўздан кечирдим. Қишида тағин ўша санаторийга бормаса бўлмайди. Шаҳарда қолмагани тузук.

Нигоҳим ҳамон даствурхонда эди. Бирдан унинг олти бурчакли нақшлари чаплашиб, айқаш-айқаш бўлиб кетди.

— Қачон?

— Кузда. Октябрнинг охиридан кечикмай.

— Демак, бежиз қон қусмаган экан-да?

— Албатта. Ўзингиздан қолар гап йўқ, — давом этди Жаффе. — Бу шундоқ дардки, олдиндан бир нарса деб бўлмайди. Бир йил бурун касалликнинг зўрайиши тўхтаб, ҳасталик чашмаси қуригандай туюлган эди менга. Аммо яқинда, ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, кутилмаганда дард яна қўзиди, худди шундай нохосдан тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Буни бекорга гапираётганим йўқ, — ростдан ҳам шунаقا касаллик бу. Дардан буткул форир бўлиб кетганларни ҳам кўргансиз-да?

— Аммо бунинг аксини ҳам кўргансиз-да?

У менга тикилиб қаради.

— Албатта, шунақаси ҳам бўлган.

Жаффе менга тафсилотларини тушунтира бошлади. Ўпканинг иккала томони жароҳатланган — ўнги камроқ, чали кўпроқ. Кейин кўнгироқ тумачасини босди. Ҳамшира кирди.

— Портфелимни опкелинг, — деди у.

Ҳамшира портфелни олиб кирди. Жаффе шилдироқ конвертлардан иккита рентген суратини олиб, ёруққа тутди.

— Шунда яхшироқ кўринади.

Силлиқ, кулранг тасмада умуртқа, курак, ўмров, елка суяклари ва ёйдай эгилган қовургалар кўзга ташланарди. Лекин мен кўпроқ нарсани — бутун бошли скелетни

кўраётгандим. У тасмадаги хира соялардан бутунлай фарқ қиласди. Мен Патнинг скелетини кўриб турардим. Патнинг скелети.

Жаффе пинцет билан айрим чизиклар ва қора доғларни кўрсатиб, тушунтира бошлади. Гапларига энди қулоқ солмаётганимни пайқамади. Ҳозир мен учун у далил-исботни хуш кўрадиган олим эди, холос. Ниҳоят, менга бурилиб қаради.

— Тушундингизми?

— Ҳа, — дедим мен.

— Нима бўлди сизга?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Негадир кўзим яхши кўрмаяти.

— Э, шундайми! — У кўзойнагини тўғрилади. Сўнг рентген суратларини конвертга солиб, менга синовчан назар ташлади. — Беҳуда хаёлларга берилманг.

— Хаёлга берилганим йўқ. Лекин қандай кўргилик бу! Миллионлаб одамлар соппа-сог юрипти-ку! Келиб-келиб Пат касал бўладими?

Жаффе андак сукут сақлаб турди.

— Бу саволингизга ҳеч ким жавоб беролмайди, — деди у ниҳоят.

— Ҳа, — хитоб қилдим бирдан жазавам тутиб, — ҳеч ким жавоб беролмайди! Ҳеч ким! Ўлим ва азоблар учун ҳеч ким жавоб бермайди! Қандай даҳшат! Қанийди бирор чораси топила қолса!

Жаффе менга узоқ тикилди.

— Узр, — дедим мен. — Ўзимни алдаёлмайман. Бутун фожеа шунда.

У ҳамон мендан кўз узмасди.

— Озгина вақтингиз борми? — сўради у.

— Бор. Вақтим кўп.

Жаффе ўрнидан турди.

— Ҳозир кечки кўрик ўтказаман. Сиз ҳам ёнимда бўлсангиз. Ҳамшира халат беради. Беморлар учун менинг ёрдамчимсиз.

Унинг мақсадига тушунмадим. Лекин ҳамишира узатган халатни олдим.

Узун йўлакдан юриб кетдик. Катта-катта деразалардан ботаётган күёшнинг пуштиранг нури тушиб турарди. Бирам майнин, бирам беозор, парқудай енгил нур эди бу. Йўлак арғувон ҳидига тўлиб кетганди.

Жаффе эшиклардан бирини очди. Димоққа бадбўй ҳид урилди. Кечки шафақ чиройли, тилларанг соchlарида жилоланаётган бир аёл аранг кўлинини кўтарди. Кўзларининг остидан оғзига қадар дока боғланганди. Жаффе эҳтиётлик билан боғични ечди. Аёлнинг бурни йўқ эди. Бурун ўрнида қасмоқ боғлаган қип-қизил яра, яранинг ўртасида бир жуфт тешик. Жаффе докани яна боғлаг бўйди.

— Яхши, — деди у очиқ чехра билан ва изига қайтди.

Йўлакда бир лаҳза тўхтаб, осмонга қарадим.

— Юринг, — деди Жаффе навбатдаги эшикка йўл оларкан.

Иситмалаб ётган беморнинг калта-калта нафас олиши эшитилди. Эркакнинг бўғриқиб кетган юзи қизил доғлар билан қопланганди. Оғзи очиқ, кўзлари ўйнаб чиққан, кўллари тинимсиз адёлни пайпаслайди. У беҳуш эди. Каравоти ёнида ҳамшира китоб ўқиб ўтирипти. Жаффени кўриб, ўрнидан турди. Профессор ҳарорат варақасига қаради. Нуқул қирқ даража ёзилганини кўриб, бош чайқаб қўйди.

— Иккала ўпкаси яллиғланган, бунинг устига зотилжам. Бир ҳафтадан бўён ўлим билан олишади. Дарди қайта кўзиган. Соғайиб кетган эди. Ишга барвақт чиққан. Хотини, тўртта боласи бор. Тузалиши даргумон.

Жаффе беморнинг юрагини эшитиб кўрди, томир уришини текшириди. Ҳамшира ёрдамлаша туриб, китобни тушириб юборди. Дарров олдим — пазандалик ҳақидағи китоб экан. Беморнинг бармоқлари ҳануз адёлни тимдаларди. Хонада фақат шунинг шарпаси эшитиларди, холос.

— Кечаси ёнида қолинг, ҳамшира, — деди Жаффе.

Ташқарига чиқдик. Шафақ шуъласи қуюқлашиб, йўлакни бутунлай қоплаб олган эди.

— Шуълани қаранг! — дедим мен.

— Нима қипти?

— Файритабий манзара. Бир томонда чиройли шафақ, бир томонда азоб-укубат.

— Лекин булар бор нарсалар-да, — деди Жаффе.

Навбатдаги хонада кундузи келтирилган аёл ётарди. У уйқу доридан қаттиқ за-харланган. Хириллаб, базур нафас оляпти. Бир кун олдин бахтсиз ҳодиса юз бер-ган — эри умуртқасини синдирган. Уйга олиб келишганды эс-хуши жойида бўлган, шўрлик роса додлаган. Кечаси жони узилган.

— Аёл тузалиб кетадими? — сўрадим мен.

— Эҳтимол.

— Нима кераги бор?

— Кейинги йилларда бешта шунақа ҳодисага гувоҳ бўлиб турибман, — деди Жаф-фе. — Шулардан биттаси иккинчи марта жонига қасд қилган. Иккитаси эса қайта-дан турмушга чиқкан.

Яна бир хонада ўн икки йилдан бўён фалаж бўлиб ётган эркакка дуч келдим. Юзи замъфарон, сийрак соқоли қоп-қора, катта-катта кўзлари тамомила хотиржам.

— Қалайсиз? — сўради Жаффе.

Бемор мавхум ишора қилди. Кейин деразани кўрсатди.

— Осмонга қаранг! Ёмғир ёғади, сезиб турибман. — У жилмайди. — Ёмғир пай-тида яхши ухлайди одам.

Кўксида, адёл устида чармдан ясалган шоҳмот таҳтаси, доналарнинг ўзаги темирдан. Шу ернинг ўзида бир даста газета ва китоблар.

Хонама-хона юришда давом этдик. Ҳар бир хонада даҳшатли манзарага дуч келардим: туғиши азобидан лаблари кўкариб, кўзларига ваҳима чўккан ёшгина жувон; ингичка оёқлари акашак бўлиб қолган мечкай бола; опқозони олиб ташланган эркак; тезроқ ўла қолмагани учун яқинлари юз ўтирган бойқушбашара кампир; яна кўзи очилишидан умидвор ожиз аёл; афтини заҳм тошмаси қоплаган бола билан унинг ёнида ўтирган ота; эрталаб иккинчи маммаси ҳам кесиб ташланган она; бўғим бодидан қадди букилиб қолган аёл; тухумдонидан маҳрум бўлган яна бир хотин; буйраклари лат еган ишчи.

Шу тариқа хонама-хона юравердик, ҳамма ерда шу аҳвол — оҳ-воҳ, титраб-қақша-ётган таналар, чангак бўлиб қолган ва деярли ҳаёт чироги сўнган кўланкалар, азоб-уқубат, кўркув, итоаткорлик, оғриқ, тушкунлик, умид ва эҳтиёжнинг адоқсиз ҳал-қалари. Ҳар гал йўлакка чиққанимизда бизни яна ўша шафақ ёғдуси, майин тилла-ранг булат қарши оларди. Бир нарсага тушунолмасдим: нима бу — табиатнинг бешафқат масхарасими ёки инсон иродасидан кучлироқ, ақл бовар қилмайдиган тасаллим? Жаффе жарроҳлик хонаси олдида тўхтади. Эшикнинг хира ойнасидан ёруғ тушиб турарди. Икки ҳамшира пастак аравачани ғилдиратиб ўтишди. Унда аёл киши ётарди. Нигоҳини илғадим. У менга қарагани ҳам йўқ. Аммо бу кўзларда шу қадар журъят, шайлик ва хотиржамлик мужассам эдик, беихтиёр этим жунжикиб кетди.

Жаффенинг чехрасида ҳорғинлик аломатларини сездим.

— Билмадим, тўғри қилдимми-йўқми, — деди у, — лекин сизни қуруқ сўзлар билан юпатиб бўлмасди. Менга ишонмасдингиз. Мана энди, ётган одамларнинг аҳволи Хольманникидан оғирроқ эканини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Уларнинг умид қилишдан бошқа чоралари йўқ. Лекин кўплари тузалади. Ҳеч нарса кўрмандай бўлиб кетади. Сизга мана шуни англаатмоқчи эдим.

— Тўғри иш қилдингиз, — дедим мен.

— Тўққиз йил муқадам хотиним вафот этган. Йигирма беш ёшда эди. Соғлиги-дан шикоят қилмасди. Гриппдан кетди. — У бир оз жим бўлиб қолди. — Буни нима учун гапираётганимни тушундингизми?

Мен бош силқидим.

— Айтмоқчиманки, олдиндан бир нима деб бўлмайди. Ўлим тўшагида ётган бемор соппа-соғ одамдан узоқроқ яшаши мумкин. Ҳаёт — ғалати нарса. — Унинг юзидаги ажинлар яқолроқ кўзга ташланди. Ҳамшира кириб, кулогига бир нарсалар деди. У қаддини ростлаб, жарроҳлик хонасига ишора қилди.— У ёққа боришим керак. Ташвишланётганингизни Патта сездирманг. Энг муҳими шу. Кўлингиздан келадими?

— Келади, — дедим мен.

Жаффе мен билан хайрлашиб, ҳамшира ҳамроҳлигига ойнаванд эшикдан ёп-ёруғ жарроҳлик хонасига кириб кетди.

Зинапоядан аста пастга туша бошладим. Тушганим сайин қоронғилаша борар, иккинчи қаватда электр чироқлари ёқилганди. Кўчага чиққач, яна уфқдаги шафақ

учқунларини кўрдим. Гўё осмон чукур нафас олгандай эди. Кейин қизгиш ранг ройиб бўлиб, уфқ қулранг тусга кирди.

Мошинада бир нуктага тикилганча анча пайт ўтиридим. Хаёлимни бир ерга жамлаб олгач, устахонага қараб жўнадим. Кестер дарвоза олдида кутиб турган экан. Мошинани ҳовлига қўйиб, қайтиб чиқдим.

— Шу гапдан хабаринг бормиди? — сўрадим ундан.

— Ҳа. Жаффе, ўзим айтаман, деганди.

Кестер юзимга тикилди.

— Отто, ёш бола эмасман, ноумид — шайтон, деган гап бор. Лекин бугун Пат билан ёлғиз қолсам, ҳолатимни сездириб қўяманми, деб қўрқаман. Эртагача сал ўзимга келволаман. Кечкурун биргалашиб бирор жойга борайлик, нима дейсан?

— Жуда соз, Робби. Ўзим ҳам шуни ўйлаб, Готтфридни огоҳлантириб қўйган эдим.

— Бўлмаса, “Карл”ни яна бериб турасан. Уйга бориб, Патни оламан-да, бирор соатлардан кейин шу ерга келаман.

— Бўпти.

Уйга қараб жўнадим. Николайштрассега етганда кучук эсимга тушиб қолди. Орқага қайтдим.

Дўкон қоп-қоронги, лекин эшик очиқ эди. Антон дўконнинг ичкарисида, буклама каравотда ўтиради. Қўлида шиша. Ундан арақ заводининг ҳиди келарди.

— Густав мени лақиллатиб кетди, — деди у.

Кучук олдимга чошиб келиб, қўлимни ҳидлади, сўнг ялай бошлиди. Мовий кўзларида кўчадан тушиб турган нур йилтилларди. Антон ўрнидан турди. Бешиктебартардай чайқаларди. Бирдан йиғлаб юборди.

— Кучуккинам, овунчогим... энди сен ҳам кетасанми? Ҳаммангиз мени тарк этяпсиз... Тильда ўлди... Минна кетди... Айтинг-чи, нимага яшаб юрибмиз ўзи?

Оббо, шуниси етмай турувди! У хира, кичкина лампочкани ёқди. Қафасдаги тошбақа ва қушлар, дўкон ичидаги юзи салқиган, паст бўйли киши фира-шира кўзга ташланди.

— Бели бақувватлар нима учун яшайдиганини билади, лекин биз нима қилиб юрибмиз? Гапиринг, жаноб... биздақа шўрпешоналар яшаб нима қиласди?

Маймун чийиллаб, штанганинг у бошидан-бу бошига бориб келарди. Деворга тушиб турган баҳайбат сояси гоҳ у ёққа ўтади, гоҳ бу ёққа.

— Коко, — ҳиқиқилади кайфи ошиб қолган Антон, — бу ёққа кел, ёлғизим! — Кейин маймунга шишанинг бўғзидан чанглалади.

— Ичирсангиз, жонворни нобуд қиласиз, — дедим мен.

— Нобуд бўлса бўлар, — тўнғиллади у. — Занжирда бир йил кўпроқ турди нимаю, камроқ турди нима... Бари бирмасми... э, жаноб...

Кучук оёғимга ёпишиб олганди. Изимга қайтдим. У ёнимда пилдираганча мосина олдига келди.

Уйга қайтиб, аста тепага кўтарилидим. Кучукнинг бўйнига арқон боғлаб олгандим. Йўлакда тўхтаб, кўзуга қарадим. Юзимда ўзгариш ўйқ. Патнинг эшигини тиқиллатдим, сўнг қия очиб, кучукни қўйиб юбордим. Ўзим эса арқоннинг бир учини ушлаганча йўлақда қолдим. Аммо Патнинг овози эмас, фрау Залевскининг эркакшода товуши эшитилди:

— Ё алҳазар!...

Анча енгил тортиб, хонага мўраладим. Пат билан дастлабки дақиқаларда ёлғиз қолишдан кўрқаётгандим. Энди бундан чўчимасам ҳам бўлади. Яхшиям, фрау Залевски бор. У стол ёнида савлат тўкканча қаҳва ичиб ўтиради. Олдида қарталар бетартиб сочилиб ётипти. Пат унинг пинжига кириб, башоратларига киприк қоқмай қулоқ соляпти.

— Салом, — дедим хуррам оҳангла.

— Ана, ўзлари ҳам келдилар, — деди викор билан фрау Залевски. — Оқшом чоғи яқин йўл билан... Ёнларида қора қирол.

Кучук оёғим тагида бир оз пилдиради-да, вовуллаганча хонанинг ўртасига чопиб борди.

— Во-ой! — қичқириб юборди Пат. — Ахир бу Ирландиянинг овчи кучуги-ку!

— Билимингга қойилман! — дедим мен. — Бир неча соат олдин буни ўзим ҳам билмасдим.

У энгашган эди, кучук олдига чопиб борди.

— Исли нима, Робби?

— Билмайман. Собиқ хўжайинига қараб тусмолласак, “Арак” ё “Конъяк” бўлиши керак.

— Энди бизникими?

— Ҳа. Бир тирик жонга иккинчиси қанчалик эгалик қилиши мумкин бўлса, шу дараҷада бизники.

Пат суюниб кетди.

— Ислини Билли қўямыз, майлими, Робби? Ойим ёшлик пайтида Билли деган кучуги бор экан. Раҳматли, кўп галирарди.

— Демак, опкелиб яхши қипман-да?

— Зоти тозамикин? — деди фрау Залевски ташвишланиб.

— Шажараси князларнидан қолишмайди, — жавоб бердим мен. — Князлар покдомон бўлишади-ку.

— Ёшлик пайтида... Ёши неччида?

— Саккиз ойлик. Одамзотнинг ўн олти ёшига тўғри келади.

— Менимча, тозага ўхшамайди, — деди фрау Залевски.

— Чўмилтириш керак, вассалом.

Пат ўрнидан туриб, фрау Залевскини елкасидан қучди. Оғзим очилиб қолди.

— Кўпдан буён кучукни орзу қилардим, — деди у. — Қолдирамиз, а? Қаршимасмисиз?

Онахон Залевски уни таниганимдан бери биринчи марта довдираб қолди.

— Майли... қолса қолар... — деди у. — Қарта ҳам шуни кўрсатиб турувди. Ахир қирол уйга кутимаган совфа опкелади-да.

— Қарта бугун бир жойга боришимизни кўрсатмадими? — сўрадим мен.

Пат кулиб юборди.

— Буни ҳали аниқлаганимизча йўқ, Робби. Биз сен ҳақингда фол очаётган эдик. Фрау Залевски ўрнидан туриб, қарталарни йигиштириди.

— Бунга ишонса ҳам бўлади, ишонмаса ҳам. Марҳум Залевскига ўхшаб, тескарисига ишониш ҳам мумкин. Унинг сув солинган стакани устида ҳар доим тўққизлик қарга бўларди... бу ёмонлик аломати-да. Шунинг учун, сувдан эҳтиёт бўлишим керак, дерди нуқул. Ҳамма гап шнапс билан пивога бориб тақаларди.

Фрау Залевски чиқиб кетгач, Патни бағримга босдим.

— Уйга келганда сени кўриб хурсанд бўлиб кетаман. Ҳар гал бу мен учун кутимаган янгиликдай туюлаверади. Зинапоядан кўтарилиб, эшикни очгунча юрагим пўкиллаб туради: ишқилиб, рост бўлсин, дейман ўзимга ўзим.

У менга жилмайиб қаради. Бу хилдаги гапларимга ҳеч қаҷон жавоб қайтармаган. Дарвоқеа, мен ҳам ундан жавоб кутмаганман. Бир нарса деса, қайтанга менга ёқмасди. Аёл киши эркакка севги изҳор этмаслиги керак. Бу ҳақда унинг чақнаб турган баҳтиёр кўзлари гапирсан. Кўз икрори ҳар қандай сўздан афзалроқ.

Уни ҳадеганда бағримдан бўшатмадим, баданининг ҳарорати ва соchlарининг муаттар ҳидидан роҳатланардим. Ҳа, бўшатмадим, зеро шу тобда менга ундан кўра азизроқ кимса йўқ эди, у шу ерда, яшаяпти, нафас оляпти, демак, ҳеч нарса йўқотилгани йўқ.

— Ҳозир кетамизми, Робби? — сўради у мендан кўзларини узмай.

— Ҳаммамиз, — жавоб бердим унга. — Кестер билан Ленц ҳам. “Карл” пастда турипти.

— Билли-чи?

— Опкетамиз, албатта. Қолган овқатни нима қиласми? Ёки тамадди қилиб бўлдингми?

— Йўқ ҳали. Сени кутдим.

— Мени кутмаслигинг керак. Ҳеч қаҷон. Кутишдан ёмони йўқ.

У бош чайқади.

— Сен буни тушунмайсан, Робби. Кутадиган одаминг бўлмагани ёмон.

У кўзгу ёнидаги чироқни ёқди.

— Энди кийинволай, кечикмайлик тағин. Сен ҳам кийинасанми?

— Кейин, — дедим унга. — Меники осон-ку. Яна бир оз шу ерда ўтирай.

Кучукни олдимга чақириб, дераза ёнига қўйилган креслога ўтирадим. Патнинг кийинишини томоша қилишни хуш кўрардим. Аёл кишининг кўзгу рўпарасида оҳиста ивирсиши, унга ўйчан тикилиб, ўз аксига сингиб кетиши, ўз жинсини файришуурый бир тарзда ҳис этиб туриши — ғалати манзара. Худди мана шу дақиқаларда аёл зотининг беадад, англаб бўлмас сир-синоати яққол намоён бўлади. Аёлнинг жавраб ёки ҳахолаб туриб кийинишини тасаввур қилолмайман. Агар шундай қилса, демак, унда афсункорлик ва назокат етишмайди. Патнинг кўзгу олдидағи нағис ва силиқ ҳаракатларини ёқтирардим. Сочини орастга қилиши ёки қаламни, худди камон ўқидай, авайлабгина қошига теккизишини мароқ билан кузатардим. Шундай пайтда у охуга ҳам, абжир қоплонга ҳам, жангта шайланётган чавандозга ҳам ўхшаб кетарди. Теварак-атрофидаги ҳамма нарсани унутарди. Фикрини бир нуқтага жамлаб, ўз аксига диққат билан тикилар, кўзгуга юзини яқин олиб борганда эса ойнада акс эмас, балки бир-бирини яхши тушунадиган икки аёл рўпарама-рўпара турволиб, ўзаро қаттиқ ва синовчан кўз уриштираётганга ўхшарди.

Очиқ деразадан хонага кечки шабада кириб турарди. Қимир этмай ўтирардим. Жаффе билан учрашувимизнинг бирон тафсилотини унумагандим, бари ёдимда эди, — аммо Патга қараб туриб, юрагим тубига чўккан андуҳ аллақандай умид билан қоришиб, бутун вужудимни қайтадан забт этаётганини, қайгу, ишонч, шамол, оқшом ва ҷароғон кўзгуда акси намоён бўлиб турган сулув қиз — бари айқаш-уй-қаш бўлиб кетаётганини равшан ҳис этардим; эҳтимол ҳаёт, чинакам ҳаёт ва баҳт шудир, балки ғам-ғусса, қўркув ва унсиз иқрор омухта бўлган муҳаббат мана шунинг ўзидир...

## XIX

Мен бекатда, такси ёнида турардим. Густав келиб, мошинасидан тупди.

— Кучугинг қалай, Роберт? — сўради у.

— Михдай.

— Ўзинг-чи?

Мен қўл силтадим.

— Дурустроқ пул топганимда ўзим ҳам миҳдай бўлардим. Афсуски, кун бўйи иккита мижоз чиқди холос, улар ҳам эллик пфенниглик жойга боришли. Тасаввур қиляпсанми?

У бош силкиди.

— Ҳа, кун сайин баттар бўляпти. Бу ёғига нима қиласиз, ҳайронман.

— Мен пул ишлашим керак, — дедим унга. — Айниқса, ҳозир! Кўп пул керак менга!

Густав чаккасини қашлади.

— Шунақа дегин... Ҳозир кўп пул ишлаш осонмас, Роберт. Ҳом хаёл бу. Фақат чайқовчилик қилиш мумкин. Отларга пул тикиб, баҳтимизни синааб кўрмаймизми? Бугун пойга бор. Аидага пул тикиб, ютволдим.

— Менга фарқи йўқ. Пул топсам бўлди.

— Ҳеч борганимисан ўшанақа жойга?

— Йўқ.

— Унда омадинг келади. — У соатига қаради. — Кетдикми? Улгуромиз.

— Майли! — кучук воқеасидан кейин Густавга ихлосим ортган эди.

Гаров шарти тузиладиган бюро каттакон бинога жойлашган экан. Ўнг томонда тамаки дўкончаси, чап ёқда отларга пул тикиб ўйнашни уюштирадиган бюро. Витрина кўк ва пуштиранг спорт газеталари ҳамда пойгалар тўғрисидаги эълонларга тўла. Деворнинг бир томони бошдан охиригача пештахта. Унга ёзув анжомлари қўйилган. Пештахта ортида уч эркак. Уларнинг бош қашишга вақти йўқ. Бири телефонга бақирипти, бири аллақандай қофозларни кўттарволиб, у ёқдан-бу ёққа йўргалайди, яна биттаси, енги шимариғлик оч бинафшаранг кўйлак кийган ва қаншарига декчасимон қалпоқ қўндириб олган эркак эса тик турганча тикилган пулларни ёзяпти. Оғзида обдон чайналган, қоп-қора, “Бразиль” сигараси.

Бино ичи гавжум. Бари “кичкина одамлар” — ҳунармандлар, ишчилар, майда амалдорлар, фоҳиша ва қўшмачилар. Остонаядан ҳатлашимиз билан бизни оёғига исқирт гамаш, эгнига эски белбурма камзул кийган бир одам тўхтатди.

— Фон Билинг. Қайси отга пул тикишни маслаҳат беришим мумкин. Тўла кафолати бор, жаноблар!

— У дунёда маслаҳат берасан, — жавоб берди Густав. У бу ерга келиб, тамом ўзгариб кетган эди.

— Эллик пфенниг кифоя, — деди Билинг хиралигини қўймай. — Тренерлар билан шахсан танишман. Эски замонлардан бери танишман, — қўшиб қўйди менга қарааб.

Густав отлар рўйхатини ўқишга киришиди.

— Отейлдаги пойга тўғрисидаги ахборотнома қачон чиқади?

— Соат бешда, — жавоб берди ёзув-чиズув қилиб ўтирган одам.

— Филомена — зўр бия, — деди Густав. — Айниқса, чопиш авжига чиқкан пайтда. — У ҳаяжондан терлаб кетганди. — Кейинги пойга қаерда?

— Хоппегартенда, — деди кимдир.

Густав рўйхатни вараклашда давом этди.

— Олдинига Тристанга икки чақадан тикамиз. Шу от маррага биринчи бўлиб келади.

— Отни отдан ажратоласанми? — сўрадим ундан.

— Бўлмасам-чи! — деди Густав. — Түёғини кўрибоқ, қанақалигини айтиб бераман.

— Наҳотки Тристанга тиксангиз? — ажабланди шу ерда турғанлардан бири. — Faқат Тиришқоқ Лизхенга умид боғлап мумкин! Жонни Бэрнс билан шахсан танишман.

— Мен бўлсам, — жавоб берди Густав. — Тиришқоқ Лизхен турадиган отхона-нинг эгасиман. Сиздан яхши биламан.

Густав пештахта ортида турған одамга қанча пул тикишимизни айтди. Паттани олиб, стол-стуллар қўйилган жойга бордик. Атрофдан отларнинг ҳар хил лақаблари эшлитилиб турарди. Уч-тўртта ишчи Ниццадаги чопқир отлар хусусида баҳслашарди, иккита почта хизматчиси Парижнинг об-ҳавоси билан қизиқяпти, қандайдир извошчи қачонлардир ўзининг чавандоз бўлганини айтиб, оғиз кўпиртиряпти. Сочлари тиканак семиз бир одам стол ёнида ўтириб, оғзига кетма-кет булочка тиқяпти. Атрофидагиларга парвойи фалак. Иккита одам деворга суюнганча ундан кўз узмайди. Иккаласининг ҳам қўлида патта, кўринишидан бир ҳафтадан бўён туз тотмаганга ўхшайди.

Телефон жиринглаб қолди. Ҳамма нафасини ичига ютди. Пештахта ортидаги одам отларнинг лақабини айтиб қичқира бошлади. Тристанни тилга олмади.

— Соломон биринчи бўп кепти, — деди Густав қип-қизариб. — Лаънати! Ким ўйлапти дейсан! Сизмасми? — у “Тиришқоқ Лизхен”га зарда билан қаради. — Ҳар турли ипирисқи отларга пул тикишни сиз маслаҳат бераётган эдингиз шекилли...

Фон Билинг ёнимизга келди.

— Менга кулоқ солмадинглар-да, жаноблар... Мен Соломонни айтган бўлардим. Faқат Соломонни! Агар хоҳласанглар...

Густав бу гапга эътибор бермади. Икковлари отлар хусусида гурунглаша бошлашди.

— Отларнинг фарқига борасизми? — сўради Билинг мендан.

— Йўқ.

— Унда тикаверинг. Қўрқманг. Faқат бугун, — қўшиб қўйди у пичирлаб, — қайтиб бу ўйинга аралашманг. Ҳозир тикаверинг. Хўп денг! Қирол Лиргами, Кумуш Куюгами, Самовий Фурсатгами — фарқи йўқ. Менга пулингиз керакмас. Ютсангиз, атаганингизни берарсиз... — У ўйинга қизиқиб кетган, ияги титраб турарди. Қарта ўйинидан биламанки, янги қўшилган одам ютади.

— Бўнти, — дедим мен. — Қайсинга тикай?

— Хоҳлаганингизга... Фарқи йўқ...

— Самовий Фурсатга кўнглим чопяпти, — дедим мен. — Шунга ўн марка тикаман.

— Эсинг жойидами? — деди Густав.

— Жойида.

— Аллақачон гўштга топширилиши керак бўлган қирчангига ўн марка тикасанми?

“Тиришқоқ Лизхен” ҳозиргина Густавни жаллод деб турган эди, негадир бу гал унинг ёнини олди:

— Э, кўйинг-э! Шунга пул тикасизми? Сигир нимаю у нима! Май Уйқуси ундан икки оёқлаб ўзиб кетади! Биринчи ўринга тикмоқчимисиз?

Билинг менга афсунгардай қаради.

— Албатта, — жавоб бердим мен.

— Эсизгина пул! — “Тиришқоқ Лизхен” менга ижирғаниб қаради.

— Тентак! — деди Густав худди рўпарасида ёввойи одам тургандай. — Жипси II га тикиш керак. Бу ёш болага ҳам кундай равшан.

— Гапим гап. Самовий Фурсатга тикаман, — дедим мен. Орқага қайтиш омадли янги ўйинчиларнинг сирли қонунларига тўғри келмаслигини биламан-да.

Бинафшаранг кўйлак кийган киши патта ёзиб берди. Густав билан “Тиришқоқ Лизхен” менга худди ўлат теккан беморга қарагандай қаравади. Улар намойишкорона мендан узоқлашиб, ўзаро қизғин баҳслашаётган бир тўда одамлар сафига кўшилишиди. Густав Жипси II га, Билинг эса Май Уйқусига пул тикди.

Шу пайтда кимдир гурс этиб йиқилди. Бу стол ёнида деворга суяниб турган озғин икки кишининг бири эди. У ҳолдан тойиб, қулаганди. Почта хизматчилари уни кўтариб, стулга ўтқазишиди. Рангига қараб бўлмасди. Оғзи ним очиқ.

— Ё парвардигор! — деди сочи силлиқ тараалган буғдойранг фоҳиша. — Сув опекелинглар!

Ҳалиги одам ҳушидан кетди, аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмади. Кўпчилик унга бепарво бир назар ташлардию яна пештахта томонга қаради.

— Бунақа ҳодиса тез-тез бўлиб туради, — деди Густав. — Ишисизлар булар. Охирги чақаларини тикишади. Ўнни тикиб, мингни орзу қилишади. Пул ўлсин-а!

Извошчи тамаки дўконидан бир стакан сув келтириди. Қора соч фоҳиша рўмол-часини ҳўллаб, унинг пешонаси ва чаккаларига босди. Бемор чукур хўрсаниб, кўзларини очди. Фалати бўлиб кетдим: мурданикидай қонсиз юз ва катта-катта очилган кўзлар, — гўё кулранг никоб кертигидан аллақандай номаълум мавжудот қараб тургандай.

Қиз стаканни олиб, унга сув ичирди. Худди болани авайлагандай, бир қўли билан бошини кўтариб турди. Кейин столдан тиканак сочли очофатнинг булочкасини олди.

— Ма, е... фақат шошма... шошма... бармоғимни тишливаласан... ха, яхши, энди сув ичвор...

Стол ёнида ўтирган одам булочкасига бир қарадио, ҳартугул индамади. Бемор аста-секин ўзига кела боилади. Юзига қон югурди. Салдан кейин бир амаллаб ўрнидан турди. Қиз уни эшиккача кузатиб борди. Сўнг атрофига бир аланглаб, сумкаласини очди.

— Ма... энди жўна... Сен овқатланишинг керак, гаров ўйнашга бало борми...

Қизга орқа ўтириб турган қўшмачилардан бири бурилиб қаради. Кулоклари катта, қирғийбурун. Оёғида ялтироқ туфли, бошида спортчилар кепкаси.

— Нечпул бердинг? — деди у қизга.

— Ўн пфенниг.

У тирсаги билан қизнинг кўксига туртди.

— Кўпроқ берган бўлсанг кераг-ов! Кейинги гал мендан бесўроқ иш қилма.

— Қўйсанг-чи, Эде, — деди шериги.

Фоҳиша лаб бўёғини олиб, лабларига суртди.

— Нима, нотўғри гапиридимми? — деди Эде.

Фоҳиша индамади.

Яна телефон жиринглади. Эдени кузатиб турганим учун эълонни эшитмабман.

— Мана буни омад деса бўлади! — бирдан Густавнинг дўриллаган овози қулоғимга урилди. — Жаноблар, омаддан ҳам кучлироқ нарса бу! Бунақаси камдан-кам учрайди! — У елкамга қоқди. — Юз саксон марка ютдинг! Тушундингми, тентак? Қирчангинг ҳамма отни орқада қолдирди!

— Ростданми?

Бинафшаранг кўйлакли киши қовоғини осилтириб, паттамни олди.

— Ким маслаҳат берган эди?

— Мен, — деди Билинг шоша-пиша оғзининг танобини бўшатиб ва пинжимга суқилди. — Мен, агар ижозат этсангиз... ҳалигидай алоқаларим...

-- Нари тур... — Бошлиқ унга қайрилиб ҳам қарамай, пулни санаб берди. Бино ичи жимжит бўлиб қолди. Ҳамма менга қарапди. Ҳатто очофат киши ҳам бошини кўтарди.

Пулни киссага урдим.

— Башқа ўйнаман! — пицирлади Билинг. — Башқа ўйнаман! — Унинг юзи бўғриқиб кетган эди. Ўн марка узатдим. Густав жилмайиб, кўкрагимга йўлига мушт уриб қўйди.

— Ана кўрдингми! Нима деган эдим! Густавга қулоқ солсанг, пулни супуриб оласан!

Собиқ санитар хизмати ефрейторига Жипси II ни эслатмадим. Ўзи ҳам шу ҳақда ўйлаётган бўлса керак.

— Кетдик, — деди у. — Бугун ҳақиқий билағонларнинг куни эмас экан.

Эшик олдиди кимдир снгимдан тортиди. Қарасам, “Тиришқоқ Лизхен”.

— Кейинги пойгода қайси отга пул тикишни маслаҳат берасиз? — сўради у ялтоқланиб.

— Фақат Танненбаумга эмас, — жавоб бердим унга. Сўнг Густав икковимиз Самовий Фурсатнинг соғлигига ичиш учун ресторонга қараб кетдик.

Бир соатдан кейин қайтиб келганимизда пулим ўттиз маркага камайган эди. Яна пул тикким келди. Ҳартугул, ўзимни тийдим. Хайрлаша туриб, Билинг бир парча қозоуз узатди.

— Мабодо бирор нарса керак бўлиб қолса! Ёки танишларингизга. Мен ижара маҳкамасининг вакилиман. — Кўлимдаги қофоз уйда томоша қилиш учун ижарага бериладиган беҳаёф фильмларнинг рекламаси эди. — Эски кийимлар олди-сотдисига воситачилик ҳам қиласман, — қичқирди у орқамдан. — Накд пулга!

Соат еттида устахонага қайтдим. “Карл” ҳовлида, мотори ишлаб турипти.

— Келганинг яхши бўлди, Робби! — деди Кестер. — Мошинани синааб кўрмоқ-чимиз. Ўтири!

Ҳамма йўлга шай. Кейинги кунларда Отто “Карл”ни обдон титкилаб, барча қисмларини мойлаган, айримларини эса алмаштирган эди, — икки ҳафтадан сўнг тоғ пойгаси бўлади. Энди Кестер “Карл”ни синааб кўрмоқчи.

Ўтиридик. Спортиларнинг каттакон кўзойнагини тақиб олган Юпп Кестернинг ёнида. Уни ташлаб кетсан, ўзини осиб қўйиши мумкин. Ленц иккаламиз орқадамиз.

“Карл” ўрнидан қўзғалдию ўқдай учиб кетди. Шаҳардан чиққач, соатига юз кирқ километр тезлиқда юра бошладик. Ленц иккаламиз олдинги ўриндиқларнинг суюнчигини маҳкам ушлаб олганмиз. Шамол шунаقا зўрки, каллани учирив кетай дейди.

Йўл четидаги толлар лип-лип ўтиб турипти, фидираклар чийиллайди, моторнинг бир маромдаги овози худди озодлик наърасидай вужудимизни тешиб ўтяпти. Чорак соатлардан сўнг олдинда қора нуқта кўринди. У тобора катталашиб бораради. Нуқтага ўхшаб кўринган нарса саксон-юз километрлар чамаси тезлиқда кетаётган оғир машина эди. У мувозанатини сақлолмасдан йўлнинг у четидан-бу четига бориб келарди. Йўл тор эди, бинобарин, Кестер тезлиқни пасайтиришга мажбур бўлди. Мошинага яқинлашиб, энди сигнал берамиз деб турганимизда ўнг томондаги йўлкада мотоциклчи кўринди, кўриндию чорраҳа олдиаги чакалак девор панасига ўтиб кетди.

— Оббо! — деди Ленц, — бир ишқал чиқазмаса гўрга эди!

Худди шу лаҳзада мотоциклчи олдинда кетаётган қора мошинанинг рўпарасида пайдо бўлди. Оралиқ атиги йигирма метр, афтидан, мотоциклдаги йигит машина-нинг тезлигини тўёри чамалай олмай, муюлишдаёқ уни қувиб ўтмоқчи бўлган. Машина ўзини кескин чапга олди, аммо мотоциклчи ҳам чапга бурди. Чорасиз қолган машина шартта ўнгта бурилган эди, қаноти билан мотоциклни туртиб юборди. Мотоциклчи руль устидан умбалоқ ошиб тушди. Машина йўл четига қоқилган ҳаракат белгисини ағдариб, дараҳтга бориб урилди.

Бари кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Орқадан катта тезлиқда биз бостириб борарадик. Фидираклар чийиллади. Кестер “Карл”ни мотоциклчи, мотоциклъ ва қийшайганча тутаб турган машина орасидан учкур отдай олиб ўтди; чап фидирак билан чўзилиб ётган мотоциклчининг қўлини босиб кетишига, ўнги билан эса

қора мөшинанинг орқа қанотини пачоқ қилишига сал қолди. Мотор ўкириб, “Карл” яна тўғри йўлга чиқиб олди-ю таққа тўхтади; бирдан ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

— Қойилман, Отто! — деди Ленц.

Орқага югуриб, ҳалиги мөшинанинг эшикларини очдик. Мотор ишлаб турарди. Кестер ўт олдирадиган калитни шартта сугуриб олди. Мотор ўчгач, ингроклар эшитилди.

Мөшинанинг ойналари чил-чил бўлган эди. Ним қоронгиликда юзи қонга белланган аёл кўринди. Унинг ёнида руль билан ўриндиқ орасига қисилиб қолган эрекак бор эди. Олдин аёлни кўтариб, йўл четига ётқиздик. Юзига қараб бўлмасди. Тери орасидан шиша синиқлари кўриниб турарди. Кон оқиб ётипти. Айниқса ўнг кўли жудаям чатоқ. Оқ камзуланинг енги жиққа кон. Ленц енгни қирқкан эди, кон фавворадай отилди. Кўктомир кесилган эди. Ленц рўмолчаси билан билакни бўғиб боғлади.

— Эркакка қаранглар, буни ўзим эплайман, — деди Ленц. — Тезроқ шифохонага олиб бориш керак.

Эркакни сугуриб олиш учун ўриндиқ мурватларини чиқариш керак эди. Хайрият, асбоб ёнимизда эди, бу ёғи тез кетди. Эркак ҳам қонга бўккан. Қовурғалари синганга ўҳшайди. Тиззаси ҳам лат еган. Уни тортиб олаётганимизда ўзини таппа қўлимизга ташлади, аммо унга ёрдам беролмадик.

Кестер “Карл”ни орқага, фалокат юз берган жойга тисара бошлади. Гарчи мөшина пиёда тезлигида келаётган бўлса ҳам, унинг яқинлашаётганини кўриб, аёл қичқириб юборди. Олдинги ўриндиқлардан бирини тушириб, унга эркакни ётқиздик. Аёл орқага ўтириди. Мен зинапојга турволдим. Ленц ярадор эркакни ушлаб кетиши учун нариги зинапојга чиқди.

— Юпп, сен шу ерда мөшинага кўз-қулоқ бўлиб тур, — деди Ленц.

— Мотоциклчи қани? — сўрадим мен.

— Қўённи сурворипти, — деди Юпп.

Секин йўлга тушдик. Кейинги қишлоқдан сал нарида кичкина санаторий бор эди. Ўтган-кеттганда тепалик устидаги оппоқ пастак бинога ҳар гал кўзимиз тушарди. Билицимизча, бу бадавлат мижозларга мўлжалланган, руҳий хасталикка чалингандар даволанадиган хусусий шифохона эди. Бу ерда оғир беморлар ётмасди. Ҳарқалай, дўхтир билан жароҳат боғланадиган хонаси бордир, деган умидда эдик.

Тепага кўтарилиб, қўнғироқни босдик. Эшикни ёш бир ҳамшира очди. Қонни кўриб, юргурганча изига қайтди. Сал ўтмай, ёши каттароқ бошқа ҳамшира келди.

— Афсус, — деди у шу заҳоти, — бизда баҳтсиз ҳодисага учраганларга ёрдам кўрсатиш имконияти йўқ. Вирхов номидаги шифохонага боришларингга тўғри келади. Узоқ эмас.

— Камида бир соатлик йўл, — деди Кестер.

Ҳамшира унга хўмрайиб қаради.

— Бундай ёрдамга мослашмаганмиз. Бунинг устига, дўхтир ҳам йўқ...

— Сиз қонунни бузяпсиз, — деди Ленц. — Сизникуга ўҳшаган хусусий даволаш муассасаларида доимий дўхтир бўлиши шарт. Телефонингиздан фойдалансам майлими? Полиция билан газета таҳририятига қўнғироқ қиласман.

Ҳамшира иккиланиб қолди.

— Тащвишланманг, — деди Кестер вазмин оҳангда. — Хизмат ҳақи яхши тўланади. Ҳозир бизга замбил керак. Дўхтирни топасиз деб ўйлайман.

Аёл ҳамон бир қарорга келолмасди.

— Қонунга кўра, — тушунтириди Ленц, — сизда замбил ҳам, етарли миқдорда жароҳат боғланадиган нарсалар ҳам бўлиши зарур...

— Тўғри, тўғри, — деди “закончи”нинг гапларидан довдираб қолган ҳамшира. — Ҳозир бирортасини жўнатаман.

У қайтиб кетди.

— Шаҳар шифохонасига борсанг ҳам шу-да, — деди Кестер пинагини бузмай. — Олдин пул, кейин расмиятчилик, ана ўшандан кейин ёрдам.

Мөшина ёнига қайтиб, аёлнинг тушишига ёрдамлашдик. У гапирмас, нукул қўлига қаради. Уни биринчи қаватдаги бир хонага олиб кирдик. Кейин замбил беришди. Эркакни ётқизиб, бино ёнига кўтариб келдик. У тинмай оҳ-воҳ қиласми.

— Бир минутга... — деди у базур. Биз унга қарадик. Эркак кўзларини юмди. — Ҳеч ким билмаслиги керак...

— Сизнинг айбингиз йўқ, — жавоб берди Кестер. — Ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Гувоҳлик беришимиз мумкин.

— Гап бунда эмас, — деди эркак. — Бошқа сабаби бор. Тушунадиган йигитларга ўхшайсизлар... — У аёл ўтиб кетган эшикка қаради.

— Унда хотиржам бўлинг, ишончли жойдасиз, — деди Ленц. — Бу хусусий шифохона. Фақат полиция кўриб қолмасидан мопинани йўқотиш керак.

Эркак хиёл гавдасини кўтарди.

— Бу юмуш ҳам ўzlарингга. Илтимос, таъмирлаш устахонасига қўнғироқ қилинглар, кейин яшаш жойларингни ёзиб қолдиринглар. Яхшиликларингни унумтмайман... рози қиласман...

Кестер қўл силтади.

— Йўқ, — деди эркак, — ҳар ҳолда манзилингизни билиб қўйишим керак.

— Парво қилманг, — жавоб берди унга Ленц. — Ўзимизда устахона бор, худди сизникига ўхшаган машиналарни таъмирлаймиз. Агар ҳўп десангиз, олиб кетиб, тузатиб беришимиз мумкин. Сизга ҳам яхши, бизга ҳам.

— Барака топинг, минг марта розиман, — деди эркак. — Мана менинг яшаш жойим... Машина битгандан кейин ўзим олиб кетаман ёки бирортасини юбораман.

Кестер ташрифномани чўнтағига солди, сўнг эркакни ичкарига олиб кирдик. Шу орада дўхтири келиб қолди. Ёшгина йигит экан. У аёлнинг юзидағи қонни ювди. Кесилган жойлари шундоқ кўриниб турарди. Аёл соғ қўлига тирадиб, қаддини ростладио ғиддиракли столча устида турган ялтироқ идишдаги қонга бўккан докаларга бир зум тикилиб қолди.

— О! — деди сўнг ва ўзини таппа ёстиққа ташлади.

Кишлоққа қайтиб, шу ерлик темирчини қидириб топдик ва ундан машинани шатакка олиш учун пўлат арқон билан бошқа керакли нарсаларни сўрадик.

Эвазига йигирма марка таклиф қилдик. Аммо темирчи, машинани ўз кўзим билан кўришим керак, деб оёқ тираб туриб олди. Уни воқеа содир бўлган жойга олиб бордик.

Юпп йўл ўртасига чиқволиб, узоқдан бизга қўл силкиди. Аммо гап нимадалигини аллақачон фаҳмлаб бўлгандик. Йўл четида баланд кузовли эски мерседес турарди. Тўрт эркак пачоқ машинани олиб кетишига келганди.

— Вақтида келдик, — деди Кестер.

— Булар ака-ука Фогтлар, — тушунтириди темирчи. — Хавфли тўда. Хў анови ерда, рўпарадаги тепалик ёнида яшашади. Кўзлари тушган нарсани олмагунча тинчишмайди.

— Кўрамиз, — деди Кестер.

— Бор гапни айтдим, жаноб Кестер, — шивирлади Юпп. — Кулоқ солишмаяпти. Машинани ўzlарининг устахоналарида таъмирлашмоқчи.

— Бўпти, Юпп. Ҳозирча шу ерда тура тур.

Кестер ака-укалардан энг новчасининг олдига бориб, гаплаша бошлади. Машинани биз олиб кетишимиз кераклигини тушунтириди.

— Ёнингда қаттиқроқ нарса борми? — сўрадим Ленцдан.

— Бир шода калит бор, ўзимга керак бўлади. Темир-пемир ола қол.

— Арзимайди, — дедим мен, — майиб қип қўйиш мумкин. Енгил туфлида кепман-да, э аттанд! Бунақа пайтда қон чиқмас жойига тепищдан яхшиси йўқ.

— Ёрдамлашасизми? — сўради Ленц темирчидан. — Шунда тўрттага тўртта бўлардик.

— Э, нималар деяпсиз! Эртага уйимга ўт қўйишиди. Мен бетарафман.

— Бу гап ҳам тўғри, — деди Готтфрид.

— Солишаман; — деб қолди бир маҳал Юпп.

— Сен жим тур! — дедим мен. — Атрофга кўз-кулоқ бўлиб турсанг бас. Ёрдаминг шу бўлади.

Темирчи бетарафлигини намойиш этиш учун биздан нарироққа кетди.

— Бошимни қотирма! — Тўнгич аканинг овози эшилтилди. — Ким олдин келган бўлса, ўшаники! — бақирди у Кестерга. — Гап тамом! Энди жўнаб қолинглар.

Кестер мошина бизникилигини яна тушунтириди. Санаторийга бориб, эгасидан сурштириш мумкинлигини айтди. Бунга жавобан у истеҳзо билан ишшайди. Ленц иккаламиз яқинроқ бордик.

— Сизлар ҳам касалхонага тушмоқчимисизлар? — сўради Фогт.

Кестер индамай, автомобиль ёнига борди. Четроқда турган уч ака-ука ғимирилаб қолишиди.

— Пўлат арқонни узатинглар, — деди Кестер.

— Овора бўласан! — ўдағайлари тўнгич Фогт. У Кестердан бир бош дароз эди.

— Иложи йўқ, — деди Кестер, — мошинани олиб кетамиз.

Қўлимизни чўнтакка солиб, Ленц билан яна ҳам яқинроқ бордик. Кестер мошина устига энгашди. Шу пайт Фогт Оттони тепиб қолди. Шуни кутиб турган Отто унинг оёғига чанг солиб, ерга қулатди. Айни пайтда домкрат темирини кўтарган иккинчи Фогтнинг қорнига мушт солди. У ҳам ағдарили. Ленц икковимиз қолган икки ака-укага ташландик. Шу заҳоти юзимга мушт тушиди, зарба кучли бўлмаса ҳам бурним қонади. Қарши хужумим ўҳшамади — муштим ияги остидан ўтиб кетди. Кейин кўзимга мушт тегиб, Отто қорнига уриб қулатган Фогтнинг устига йиқилдим. У мени ерга ағдариб, бўға бошлади. Мен типирчилашиб, томоғимни унинг чангалидан бўшатишга тиришдим. Қорнига тизза урмоқчи бўлган эдим, уддалай олмадим, чунки Ленц билан яна битта Фогт оёғим устида ётишарди. Нафасим қисила бошлади, бурним қонагани учун ҳаво яхши ўтмасди. Кўз ўнгим жимирилашиб, Фогтнинг башараси титраётгандай кўринди. Ҳушдан кета бошладим. Бирдан ёнимда Юпп пайдо бўлганини пайқадим. У йўл четидаги ариқ ичидаги чўккалаганча мендан кўз узмасди. Юпп пайт пойлаб туриб, рақибим иккаламиз қимирилолмай қолган лаҳзада, унинг билагига болға билан тушириди. Иккинчи зарбадан кейин Фогт мени кўйиб юбориб, ўтирган жойида газаб билан Юппга қулоч отди, аммо у ўзини орқага ташлади ҳалигидай совуққонлик билан Фогтнинг бармоқларига болға урди, кейин бошига тушириди. Қадимни хиёл кўтардим-да, Фогтнинг устига чиқволиб, энди мен уни бўға бошладим. Шу пайт “Кўйвор! Кўйвор!” деган фарёд эшигилди. Бу тўнгич Фогт эди. Кестер унинг кўлини орқасига қайириб, тепага кўтараётганди. Фогт юзтубан ерга ағдарили. Кестер рақибининг белига тиззасини тираганча кўлини қайраверди. Айни пайтда тиззасини унинг елкаси томон суреб бораарди. Фогт тинимсиз додларди. Аммо ҳозир таъзирини бериб қўймаса, Фогтнинг попуги пасаймаслигини Кестер биларди! У бир силтov билан Фогтнинг кўлини чиқариб, кейин кўйиб юборди. Атрофга алангладим. Укаларидан бири оёқда турарди-ю, аммо акасининг ноласи уни тамом карахт қилиб қўйган эди.

— Йўқолинглар, бўлмаса ҳаммаси бошқатдан бошланади, — деди Кестер.

Кетар жафосига менга ёпишган Фогтнинг бошини асфальтта яна бир урдим. Ленц Кестернинг ёнида турарди. Пиджаги ийтилипти. Оғзининг четидан қон оқялти. Буларнинг олишувида ора очик бўлмаганди. Гарчи Ленцнинг рақиби қонга беланган бўлса ҳам яна муштлашишга тайёр эди. Аммо акасининг мағлубияти масалани ҳал қилганди. Уч ака-ука сўлжайиб туришарди. Улар акаларини икки ёнидан суюб, ўз машиналарига қараб юришди. Соғ қолган Фогт ёнимизга келиб, домкратини олди. Изига қайтаётиб, Кестерга бир ёв қарашиб қилди. Салдан кейин мерседес жўнаб кетди.

Бир маҳал қаёқдандир темирчи пайдо бўлиб қолди.

— Буни эсларидан чиқазишмайди, — деди у. — Кўпдан буён калтак ейишмаганди. Каттаси одам ўлдириб, ўтириб чиқсан.

Унга ҳеч ким жавоб қайтармади. Аммо Кестер сесканиб кетди.

— Малъун, — деди у. Сўнг бизга қаради. — Бўла қолинглар.

— Ҳозир, — шундай деб, Юпп пўлат арқонни судраб келди.

— Бу ёққа кел, — дедим унга. — Бугундан бошлиб кичик зобитсан. Бемалол сигара чекишинг мумкин.

Мошинанинг олдинги ўқини кўтариб, “Карл”нинг орқасига уладик.

— Тортолармикин? — сўрадим Кестердан. — Ҳар ҳолда “Карл” зотдор пойтагачи от, юк ортиладиган эшак эмас.

— Ҳечқиси йўқ, ораси яқин, йўл текис, — деди Кестер.

Ленц пачоқ бўлган мошинага ўтириди, аста жойимиздан кўзғалдик. Рўмолчамни бурнимга босиб, ботаётган күёшга қарадим. Поёнсиз далалар тинч-осуда эди, дар-

воқе, инсоният деб аталмиш чумолилар уясида нималар бўлаётгани билан лоқайд табиатнинг неччи пуллик иши бор! Энг муҳими, булатлар аста-секин олтин тоғларига айланётган, уфқ томондан гира-шира қоронгиликнинг бинафшаранг кўланкаси шовқинсиз бостириб келаётган, сўфитурғайлар ҳадсиз-худудсиз осмон бўшлиғидан сузуб чиқиб, кўз илғамас экинзорларга бирин-кетин қўнаётган ва борлиқда бебилиска оқшом чўкаётган дақиқалар эди.

Устахона ҳовлисига кириб бордик. Ленц мосинадан тушиб, унинг қаршисида тантанали равишда шляпасини ечди.

— Салом сенга, эй ҳожатбарор! Бахтсиз ҳодиса туфайли бу ерга келиб қолдинг, аммо сенга меҳр билан термуламан, зоро ниҳоятда инсоғ билан хомчўт қилинганда ҳам бизга камида уч минг, ҳатто уч ярим минг марка даромад келтирасан. Энди олтия арагидан қўйинглар, кейин менга совун беринглар — Фогтлар хонадони қолдирган изларни ювив ташлай.

Бир стакандан арак ичиб, дарҳол ишга киришдик. Чунки мосина эгаларидан таъмирга буюртма олиш осонмас: сугурта компанияларининг вакиллари буюртманни ўзлари шартнома тузган устахоналардан бирига топширишни талаб қилишади. Бинобарин биз дарров таъмирни бошлаб юборамиз. Сугурта вакили келгунча қанча кўп иш қилсан, шунча яхши: таъмир харажатлари ошган сайн компания мосинани бошқа устахонага олиб беришдан манфаатдор бўлмай қолади.

Корони тушгандада ишни тўхтатдик.

— Таксига чиқсанми бутун? — сўрадим Ленцдан.

— Э, йўқ, — жавоб берди Ленц. — Беш кўлни баравар оғизга тиқиши керак эмас. Менга бугунгиси ҳам етади.

— Менга етмайди, — дедим унга. — Сен чиқмасанг, мен чиқаман. Соат ўн бирдан иккигача тунги ресторонларни айланиб, кира қиласман.

— Қўйсангчи! — кулди Готтфрид. — Ойнага бир қара. Кейинги пайтларда бурнингга кўз тегди. Баширасига қизил лампочка кўндириб олган шоффёрнинг машинасига бирорта йўловчи ўтирамайди. Ундан кўра уйга бориб, юзингни дазмолла.

У тўғри гапираётганди. Бунақа бурун билан йўлга чиқиб бўлмайди. Оғайнилашим билан хайрлашиб, уйга жўнадим. Йўлда Хассени учратиб қолдим, биргалашиб кетдик. Кўриниши бир аҳволда эди.

— Озид кетибсиз, — дедим унга.

У бош силкиб, сўнгги пайтларда кўпинча овқатланмай уйқуга ётаётганини айтди. Хотини ҳар куни аллақандай эски танишлариникида ўтириб, уйга кеч қайтармиш. Ўзига эрмак топганидан хурсандман, дейди. Аммо ишдан кейин овқат пиширишга хоҳиши бўлмаскан. Қаттиқ чарчаганидан қорни очганини ҳам сезмасмиш. Унинг салқиган елкаларига кўз қирини ташладим. Эҳтимол, гапираётган гапларига ўзи ишонар, лекин эшитиш оғир эди. Оиласи, фақирона турмуши барбод бўлди: эрганги кундан умид йўқ, топгани зўрга учма-уч бўлади. Бунақалар милионлаб, уларга ҳам мудом ишонч ва маблағ етишмайди. Ҳаёт ҳаддан ташқари майдалашиб кетди. Яшаш жон сақлаш учун аёвсиз курашдан иборат бўлиб қолди. Бугунги муштлашувни, кейинги кунларда кўрган-кечиргандарим, қилган ишларимни эсладим... Кейин Пат ҳақида ўй суриси, “зўри бехуда” деган гап хаёлимга келди. Қулочни катта отвордим, ҳаёт эса баҳт учун жирканч масканга айланиб қолди, бу баҳтнинг умри қисқа, унга ишониб бўлмайди... Ҳозирги аҳволим ишончли бандаргоҳда кўним топиш эмас, йўл-йўлакай нафасни ростлаб олиш, холос.

Зинапоядан кўтарилиб, эшикни очдик. Хассе йўлакда тўхтади.

— Хўп, хайр...

— Бир нарса еволинг, — дедим унга.

У бош чайқаб, гуноҳкорона жилмайди-да, хувиллаб ётган қоронги хонасига йўл олди. Орқасидан бир муддат қараб турдим. Сўнг узундан-узоқ йўлакдан юриб кетдим. Бирдан кимнингдир хиргойиси эшитилди, тўхтаб, кулоқ солдим. Бу, менга туюлганидай, Эрна Бенигнинг патефони эмас, Патнинг овози эди. У хонасида ёлиз ўзи ўтириб, қўшиқ айтарди. Беихтиёр бармоқларим муштга айланди. Минг лаънат! Майли, бу бандаргоҳ эмас, нафас ростлаш бўлсин, майли, бу ақлга сифмайдиган ҳом хаёл бўлсин. Аммо шу тобда баҳт қайтадан бўй кўрсатгандай, сарҳадларига сифмай, қайтадан тўлиб-тошгандай туюлди менга...

Пат кирганимни сезмади. У кўзгу қарпisisiga, ерга ўтирволиб, бошига шляпа ни ўлчарди. Чироқ гилам устида. Хона гира-шира, фақат Патнинг юзига нур ту-

шиб турипти. Стулни ёнига қўйиб олган, суюнчиғида шоҳи қийқимлари, ўриндиқда қайчи.

Остонада туриб, бир оз кузатдим. Пат ерда ўтиришни ёқтиради. Ишдан кеч қайтганимда қўлида китоб билан бирор бурчакда, кучукнинг ёнида ухлаб қолганини кўп кўрганман.

Хозир ҳам кучук унинг ёнида чўзилиб ётипти, ҳар замонда фингшиб қўяди. Пат бошини кўтариб, кўзгуда мени кўриб қолди. Ширин жилмайган эди, олам мунавар бўлиб кетди. Хона ўртасига бориб, орқасига чўккаладим ва бугунги барча ноҳушликлардан сўнг унинг илиқ бўйнига лабларимни босдим.

Пат шляпасини кўтарди.

— Бошқатдан қилдим. Сенга маъкулми?

— Жудаям чиройли, — дедим мен.

— Қарамаяпсан-ку! Орқа соябонини қирқиб ташлаб, олд томонини тепага қайирдим.

— Кўриб турибман, — жавоб бердим юзимни соchlарига ишқалаб. — Буни кўрган Париж чеварлари ҳам ҳасаддан куйиб кул бўлишади.

— Робби! — У кулиб, мени ўзидан нари итарди. — Бунга ақлинг етмайди. Умуман қандай кийинишимга ҳеч қачон эътибор берганимисан?

— Икир-чикиригача эътиборимда. — Шундай деб, ёнига ўтирдим, лекин пачоқ бўлган бурнимни кўрсатмасликка ҳаракат қилдим.

— Шунаقا дегин? Кеча кечкурун қанақа кўйлақда эдим?

— Кечами? — Эслашга уриндим-у, эслаёлмадим.

— Билувдим, азизим! Мен тўғримда деярли ҳеч нарса билмайсан.

— Тўғри, — дедим унга. — Ҳамма назокат шунда-да. Одам бир-бирини қанчалик кўп билса, англшилмовчилик шунча кўп бўлади. Қанчалик яқинлашса, шунчалик бегоналашади. Мана, Хасселар оиласини олайлик: улар бир-бирларини яхши билишади, аммо ораларидаги адовар ҳар қандай душман одамларнидан юз чандон ортиқ.

Пат шляпасини кийиб, кўзгуга қаради.

— Робби, гапинг қисман тўғри, холос.

— Бу ҳамма ҳақиқатларга хос нарса, — эътиroz билдиридим унга. — Ярим ҳақиқатлардан нарига ўтолмаймиз. Ожиз бандалигимиз шунда. Фақат ярим ҳақиқатлардан огоҳ бўлиб, қанча номаъкул ишларни қиласиз. Агар ҳақиқатни тўлалигича фаҳм этсақ, ер юзида яшаш мумкин бўлмай қолади.

У шляпанни счиб, бир четга кўйди. Кейин менга бурилиб, бурнимга кўзи тушиб қолди.

— Нима бўлди? — сўради у хавотирланиб.

— Ҳеч нарса. Сенга шундай кўриняпти. Мошина остини кавлаштираётган эдим, юзимга бир нарса тушиб кетди.

У менга ишонқирамай қаради.

— Қаерда юрганингни ким билади? Менга айтмайсан. Сенга ўхшаб, мен ҳам сени яхши билмайман.

— Қайтанга яхши, — дедим мен.

Пат тоғорада илиқ сув билан сочиқ келтириб, юзимни ювди. Яна башарамга синчиклаб қаради.

— Бирор урганга ўхшайди. Бўйнинг ҳам тирналган. Саргузаштларинг қачон тугайди, азизим?

— Бугунги энг зўр саргузашт ҳали олдинда, — дедим унга.

Пат менга таажжубланиб қаради.

— Бемаҳалда-я? Яна нима қилмоқчисан, Робби?

— Шу ерда қоламан! — дедим мен ва уни бағримга босдим. — Эрталабгача сен билан бирга бўламан.

*(Давоми келгуси сонда.)*

*Русчадан  
Низом КОМИЛ  
таржимаси.*

# **ТОШКЕНТИ СОГИНАМАН**

*Қорақалпоқ шеъриятидан*

**Иброҳим ЮСУПОВ**

*Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири*

## **НАЗАРХОН ЭЛИНА**

**Б**еш тепа" гумбурлаб отлар чопганда,  
"Қий-чув"ини етказган элсан, Назархон.  
Жайхундарё қирғоғидан ошганда,  
Кулоқбошда биттан гулсан, Назархон.

Макон тутиб оқар сувнинг ёқасин,  
Билмам неча ёшда улуғ оғаси.  
Тарих фидираги, отлар тақаси  
Устидан йўл соглан элсан, Назархон.

Меҳмоннавоз туриб Дарбант йўлида,  
Душман босганида ўнгу сўлидан,  
Хон Жунайд, Шайдаковлар қўлидан  
Оғули жом ичган элсан, Назархон.

Бир ёнинг ҳаволи тошлоқ даласи,  
Бир ёнинг ҳайбатли Чилпик қалъаси,  
Бодай тўқай ҳам Хўжакўл ораси —  
Кутлуг макон туттан элсан, Назархон.

Тарих гузарида умид соқчиси,  
Эл аро ёйганда комил, яхисин.  
Ватанисан ўлмас Жапақ баххисин  
Соз-суҳбатни суйган элсан, Назархон.

*Раъно РАҲМОН қизи  
таржимаси.*

\* \* \*

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.  
Булбулларин тинглаб боқقا кирмасам.  
Чинорларнинг соясида чой ичиб,  
Дўстлар билан суҳбатлашиб юрмасам.  
Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.

Бундан ўтар менинг барча йўлларим,  
Баҳор-у ёз, майли, қиши-у куз вақти.  
Келсам, эсга тушар ёшлиқ йилларим,  
Менинг йигит вақтим, унинг қиз вақти.

Барча маҳаллада меҳмон бўлганман,  
Шайхонтовур, Қўйлиқ, Эски Жуваси,  
Кўп тинглаб ҳам кўп мартаба олганман  
Faфур, Ойбек, Миртемирлар дуосин.

Зулфиянинг олтин созли музасин  
Тинглаб учиб, сулувликни сезганмиз.  
Абдулло Орифлар, Эркин Воҳидлар  
Боғ, хиёбон кўймай бирга кезганмиз.

Баъзан ялинганимиз чойхоналарда  
“Хой, чой ташиб юрган менинг қарогим!  
Чойингни беравер отахонларга,  
Куй бизга бир қултум ишқнинг шаробин”.

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,  
Ёзда Анҳор бўйларида юрмасам.  
Ширин тили ўзбек шоирларидан  
Фазал тинглаб, шеърлар ўқиб бермасам.

Мен кўрганим Тошкент бағри тилиниб,  
Зилзиладан қийраб-қийраб қолганин.  
Қақнус қушдай кўл ичиди тирилиб,  
Янгидан энг гўзал шаҳар бўлганин.

Бу шаҳарнинг одамлари ўзгача,  
Инобатли, ширин тили, донодир.  
Шоирона ўйлаб ҳикмат сўзласа,  
Очиқ кўнгил, одобда ягонадир.

Бунда қадим Турон, бой турк луғати,  
Илму ҳикматларга гувоҳли тили.  
Руҳи уфқлардай кенг ўзбек халқим,  
Обиҳаёт қўйган дуоли тили.

Навоий шон берган, Бобур қуилаган  
Машраб фазал битган бу тил бор бўлсин,  
Бу тил учун Қодирийни хўрлаган  
Ноумидлар охиратда зор бўлсин.

Етар-етмас кетар, ўтар бу дамлар,  
Замон ишга қўшар ўз режаларин.  
Ойдин келажакка қўйган қадамлар,  
Бергай кўп вакт ўтмай натижаларин.

<sup>1</sup> Йериклик — бошқоронғилик.

Яхши ният мудом йўлдошинг бўлар,  
Омад тилайман мен ишларингизда.  
“Бир қиз эрга теса, қирқ қиз туш кўрар”  
Яхши тушлар кирсин тушларингизга.

Мен сизни Нукусдан қумсаб келмасам,  
Сизга тангри саломини бермасам,  
Эркин ҳаёт қурган халқимни ўйлаб,  
Мустақиллик майдонида юрмасам, —  
Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.

## Фотима МИРЗАБОЕВА

### ОТАЁТГАН ТОНГ

Тунни итараман кўкракларимдан,  
Сени қоронгулик йўқотмасин, деб  
Бир зулмат ичиди оғрийди танам  
Отаётган тонгнинг ойдинлиги кўп.

Мени юнатолмас тонг ойдинлиги,  
Руҳим кишанларин узолмас қуёш.  
Узилар кўнглимииз боғлаган симлар,  
Барибир сени деб қўтараман бош.

Унсизлигинг ханжар, танимни эмас  
Жонимни тилкалар, аямас ҳар кун.  
Кетасан... кенг жаҳон бўлмоқда қафас  
Не қиласай умрнинг шаробин гулгун.

Ёлғизман, туним ҳам, куним ҳам ёлғиз.  
Кўзсиз капалак ҳам излар жуфтини.  
Кўзда ёшим билан сўрайман ҳаргиз.  
Кўнгил саройининг тўлдир баҳтини.

Қувончларим оздир, ғамларим кўпроқ,  
Умрдан кечмасман сен бўлган ерда.  
Энди кўкрагимдан тун кетсин йироқ,  
Энди кўнглимииздан тарқасин зарда.

### УМР

Сен ҳам бандасисан оллоҳнинг суйган  
Суйган бандасига дард берармиш ул.  
Мен камолга етган шу пастак уйдан  
Сенинг тақдирингга туташади йўл.

Неча бор пуч чиқди тотли умидим,  
Йўллар сирпанчикдир, йўллар тиканли.  
Бизнинг насибамиз бўлмади бутун,  
Сенинг ярим баҳтинг қалбимда ёнди.

Дунёнинг ранг-баранг гўзалликлари  
Жаннат пардаларин орқасидадир.  
Тугамасин меҳр оқ булоқлари  
Тугашини сезсам, тугайди умр.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Хаёлим кетади дала-ю, тузга,  
Мисли тулпор каби жиловланмаган.  
Юр, биз ўша боғга қайтайлик изга,  
Үйланма, муҳаббат эмасдир ёлғон.

Умр ҳеч қачон ҳам пок бўлган эмас  
Унга жойлашолмас поклигинг мудом.  
Онам иқболимни туголган эмас  
Сен ҳам бораяпсан тиканли йўлдан.

**Кенесбой РАҲМОНОВ**

### **ЎЙЛАБ ТОПИЛАР...**

Гоҳ баландлаб,  
Гоҳ кетамиз тубанга.  
Гоҳ юзада,  
Гоҳ сузамиз теранда.  
Тақдир деган нарса ўйлаб топилар,  
Умр суриш бунча осон деганда.

Гоҳ учамиз,  
Гоҳ ётамиз дармонсиз.

Гоҳ тинамиз,  
Гоҳ оқамиз анҳорсиз.  
Қайфу деган нарса ўйлаб топилар,  
Гул умримиз ўтсин деса армонсиз.

Гоҳ булут,  
Гоҳ қуёш бор тепангда,  
Гоҳ совуқлик,  
Гоҳ қизғинлик танангда  
Ўлим деган нарса ўйлаб топилар  
Умр суриш мангу бўлсин деганда...

\* \* \*

**Машаққатта чидадик биз...**

Машаққатта чидадик биз  
Чекиндиқ...  
Олға юрдик, умр қанот ёдида  
Ҳеч нарса ҳам қила олмас устунлик  
Тўлиб-тошиб кўз ёш тўккан қайғуга.

Умр узок,  
Ярим йўлда ўйландик,  
Биз билмаймиз!  
Ўздиқми ё қолдиқми?  
Ҳеч нарса ҳам қила олмас устунлик  
Тўлиб-тошиб кўз ёш тўккан шодликка.

*Гулистон МАТЕҚУБОВА  
таржималари.*

## Минайхон ЖУМАНАЗАРОВА

### ЯККАЛИК

Атрофимда сонсиз оломон,  
Якка-ёлғиз тентиб бораман.  
Жону таним толиққан беҳад,  
Хастаман, боз жигарпораман.

Бу дарднинг давоси ўзингдан,  
Жон олар, жон берар кўзингдан,  
Ҳажрингда сариниб саргайдим,  
Бўй-бастинг ўтди-ей кўзимдан.

Қалбимга бу дардни соглан сен,  
Ҳам ақлу ҳушимни олган сен.  
Туйгулар торларин чертиб боз,  
Ошиқу бекарор бўлган сен.

Тун пардасин этиб минг пора,  
Нурдай сингдинг дилга тобора.  
Телбаман, йўқотган эс-ҳушин,  
Жонимга бир сен бўлдинг ора.

Илиндим назаринг ўқига  
Күш мисли қўндим-эй қўлингга.  
Дарё-дарё оқди кўз ёшим,  
Менгзайсан ҳам бахтим, қайғумга.

Атрофимда сонсиз оломон,  
Якка-ёлғиз тентиб бораман.  
Жону таним толиққан беҳад  
Хастаман... боз жигарпораман.

### НЕГА КЕЛМАДИНГ

Ҳаётимнинг баҳор фаслида,  
Лола эдим алвон инчунун.  
Кутгандим зор сени аслида  
Айт-чи жоним, келмадинг нечун?

Хўп беҳуда ўтди оҳ, умрим,  
Армоним-эй бир сени кутиб.  
Соғингандан саргайиб юзим,  
Келди хазон фасли — куз этиб.

Қарға, қурқур ғоз бўлмади,  
Булбулга зор-интизор этди.  
Умрим сенсиз ҳеч ёз бўлмади,  
Қаро тунга айланиб кетди.

Ҳаётимнинг баҳор фаслида  
Лола эдим алвон инчунин.  
Кутгандим зор сени аслида  
Айт-чи жоним, келмадинг нечун?

### ХАЛҚ ЙЎЛИДА

Үлди, эзгу армонлар ўлди,  
Үлди, аҳду паймонлар ўлди.  
Үлди, виждон, иймонлар ўлди,  
Билолмам ким қай жойга кўмди.

Үлди, меҳру шафоат ўлди,  
Үлди, севги-муҳаббат ўлди,  
Үлди, сабру қаноат ўлди,  
Билолмам, ким қай жойга кўмди.

Инсон қалби — унда-да қабр,  
Яккаш мунг бор, нола-ю жабр.  
Дунё беш кун, беш кундир умр,  
Билолмам, ким рўшнолик кўрди?..

### МЕНИНГ...

Кўнглим дўнди қоп-қора тошга,  
Кўз ёшларим кипригимда — муз.  
Ёз эмас бу, йўқ, йўқ, бу бошқа,  
Дала-даштда тантыйман ёлғиз.

Тарқ айлади илоҳий туйфу,  
Тўлиб-тошмас илҳом булоғим.  
Бу алфозда яшамоқ — қайғу,  
Ёнмас ҳатто умид чирофим.

Туйгуларим қилт этмас энди,  
Қайнай-қайнай тинчиди-тинди.  
Муҳаббатим, севгим ҳам сўнди,  
Киличим ҳам қиндаёқ синди.

Кўнглим дўнди қоп-қора тошга,  
Кўз ёшларим кипригимда — муз.  
Ёз эмас бу, йўқ, йўқ, бу бошқа,  
Дала-даштда тентийман ёлғиз...

### ОРАНГИЗДА ҶОЛГИМ КЕЛАДИ

Хорун ар-Рашид бўлиб ҳар куни,  
Кенг саҳромни кезгим келади.

Борми ёрти синиқ, бутуни,  
Барчасини билгим келади.

Кўпдан-кўпдир етим-есири,  
Манглайидан ўпгим келади.  
Хазинамда неки бўлса бор,  
Ҳаммасини бергим келади.

Жабрлининг билиб жафосин,  
Тарафида тургим келади.

Минг дардлининг топиб давосин,  
Хастага эм бўлгим келади.

Дастурхонга ҳам қут-баракат,  
Мўл-кўлчилик бергим келади.  
Очкўзларга сарбу қаноат,  
Виждан бўлиб енгим келади.

Ожизларга бўлиб шамчирок,  
Кент жаҳонни кўргим келади.  
Тоғ қўпориб бамисли Фарҳод,  
Сахромга сув бергим келади.

Ботирларнинг қилич-совути,  
Қалбida ор бўлгим келади.  
Юртга ғаним дориган пайти  
Мен ҳам отта мингим келади.

Қиз юзида уят ҳам ибо,  
Минг андиша бўлгим келади.  
Иигитларга буюк мартаба,  
Бахт қушидай қўнгим келади.

Кимман ўзим. Қайдан чиқишим?!?  
Бари-барин билгим келади.  
Даврларнинг тинглаб дардини,  
Ўз муҳримни кўргим келади.

Не кўрсам ҳам нени эшитсан,  
Барин хатта солгим келади.  
Қўшиқ бўлиб кириб эшиқдан —  
Сафингизда қолгим келади.

## ЭРНАЗАР ОЛАКЎЗНИНГ ФАРЁДИ

Битар ишнинг бошига,  
Яхши келмай қошига,  
Ёмоннинг зил тошига,  
Ишлар сўзга айланди,  
Арслондайин йигитлар

Қизил тилга бойланди.  
Сўздан тугма таққанлар,  
Жонин ўтга ёққанлар,  
Оға бий бўп сайланди.  
Бўздан эмас бугун-да,  
Сўздан бўлар кўйлагинг.  
Ишиңг битмас куйинма  
Тошга дўйсин юрагинг.  
Ўздан чиққан ёв ёмон.  
Ҳали бисёр Мавлон<sup>1</sup>лар.  
Саройга от чоптирас,  
Элим деган эрларни,  
Faflat ичра ўлдирас.  
Сотқинликнинг сарпойи —  
Эллик танга олади.  
Елдай учқур тулпорни  
Түёғидан айирав.  
Кўкни қучган шунқорни  
Қанотини қайирав.  
Эй халқим-эй, халқим-эй,  
Сотқинларнинг жазосиз.  
Шундан дардинг давосиз.  
Ортдан туриб отганлар,  
Ор-номусин сотганлар,  
Бугун ҳам сени сотар,  
Иқболингга тош отар.  
Ётга кунинг қолгандан,  
Холинг хароб бўлгандан,  
Кўзингдан қон оққайдир.  
Қайси бирин айтайин,  
Қай томон, айт, кетайин.  
Қиличим сабил қолгач,  
Гўрда қандай ётайин.  
Эмин-эркин эл бўлмай,  
Бахт эшигинг очилмас.  
Олтов оғзи бир бўлмай,  
Марака-ю тўй-тўпда  
От жиловинг тутилмас.  
Эй халқим-эй, халқим-эй  
Кўзголди кўхна дардинг...

*Абдул ҲАМИД  
таржималари.*

<sup>1</sup> Сотқинлар назарда тутилади.

Умар ХАЙЁМ таваллудининг 950 йиллигига

## Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз

### 1998

йилда жаҳон бадиий сўз хазинасидан муносаб ўрин эгаллаган улкан ва бетакрор шоир Умар Хайём таваллудига 950 йил тўлади.

Хайём ҳақида ўйлар эканмиз, кўз ўнгимизда икки буюк сиймо гавдаланади. Бирги — ўрта асрнинг буюк риёзиётчи, файласуф ва мунажжим олими, иккинчиси эса шеърият осмонида чарақлаб турган забардаст шоир.

Умар Хайём 1048 йилда туғилган. У Нишопур, Балҳ, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўқиб улғаяди ва ўз замонасининг баркамол олимларидан бўлиб етишади. Ривоятларга қараганда, Салжуқийларнинг улуғ вазири Низомулмулк унга Нишопур ҳокимилигини таклиф этади. Аммо Хайём: “Мен одамлар устидан ҳукмронлик қилолмайман”, — деган мазмунда жавоб беради. Аммо Исфаҳон расадхонасига бошчилик қилишга рози бўлади. У 1074 йилдан бошлиб бу расадхона ишларига раҳбарлик қилиб, математика ва фалақиёт соҳасида катта илмий тадқиқотлар олиб боради. Унинг математика, астрономия ва фалсафага оид бир қатор асарлари бизгача етиб келган. Олимнинг бу илмлар соҳасида қилган қатор қашфиётлари фан тарихида катта ўрин тутади. Масалан, 1077 йилда у юони олими Эвклид китобидаги бир неча геометрик шаклларни шарҳлаб ёзган асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўлларини кўрсатиб берган.

Умар Хайём бир неча асарида улуғ олим Абу Али ибн Сино фикрларини тарғиб этади, унинг бир қатор китобларини арабчадан форс тилига таржима қилади ва шарҳлаб беради. Хайём ўзининг “Рисолат-ул-кавн ват-таклиф” (“Коинот ва унинг вазифалари”) номли китобида Абу Али ибн Синони ўзининг устози деб атайди. Хайём бундан ташқари “Рисола фи-л-вужуд” (“Борлиқ ҳақида рисола”), “Рисола фи куллиёти вужуд” (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”) каби бир неча фалсафий асарлар ёзадики, унда муаллиф Ибн Синонинг содик шогирди сифатида ёрқин намоён бўлади.

Дунё фалсафаси билан шугулланиб, мавжудотлар сирини излаган Хайём бир қанча олимлар билан биргаликда, беш йил улкан тадқиқотлар олиб боргандан кейин — 1079 йилда ислоҳ қилинган тақвим таклиф қилган. Мазкур тақвим Оврупода ундан 500 йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгacha амалда қўлланилаётган Григориан календаридан кўра ҳам аниқроқ бўлган.

Умар Хайём ҳаётининг охирги йилларида Нишопурга қайтиб келиб, фақирликда умр кечирган бўлса-да, илмий ишларини давом эттирган. У бу даврда ҳам математика, астрономия ва фалсафага доир бир қанча асарлар ёзди. Бундан ташқари ўз атрофига содик шогирлар йигиб, бир гуруҳ олимларни тарбиялаб етишитирди.

Буюк олим ва шоир 1123 йилда вафот этади. Нишопурдаги шоир мақбараси ҳозирги кунда бутун дунё шеър шинавандаларининг зиёраттоҳига айланган.

Умар Хайём жаҳоншумул илмий асарлар ёзган бўлса-да, нодир шеърлари — рубоийлари билан шуҳрат топди.

У ўз рубоийларида ҳам олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикру ўйларини ажойиб шеърий тимсолларга ўраб, мўъжизакор мисраларда ифодалаб беради.

Тўргина мисра шеърга теран фалсафий фикрларни сиғдира олган Хайёминг услуби — доҳиёна соддалиги, ташбиҳларининг ниҳоятда табиийлиги билан барчани ҳайратга солади.

Унинг рубоийлари деярли ҳамма жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган. Бундан ташқари жуда кўп сўз санъаткорлари Хайём рубоийларини ўз асарларига киритганлар. Минглаб кишилар бу рубоийларни ёддан ўқиб юрадилар, шоир китобларини бир-бирла-рига совға қиласидилар.

Шуниси ғалатики, буюк қашфиётчи олим Умар Хайём ҳеч вақт шоирликни даъво қилмаган. Рубоийларини эса, кўнгил таскини учун ёзган ва ҳеч кимга ўқиб ҳам бермаган. Унинг рубоийлари турли илмий китоблари хошиясига битилган ёки ён дафтарларидан топилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмигача уни ҳатто форслар ўз мумтоз шоирлари қаторига кирилмаган ҳам эдилар. Ўтган асрнинг охирларида инглиз шоири Э.Фитцжералд унинг рубоийларидан бир қисмини эркин таржима қилиб нашр эттиради. Бу кичкина китобча чиқиши биланоқ, китобхонлар орасида жуда тез тарқалиб, машҳур бўлиб кетди.

Бугунги кунда кўп китобхонлар Хайём шеърларида тез-тез тилга олинадиган май, шароб сўзларини изоҳлаб беришни илтимос қиласидилар. Баъзилар ҳатто “Хайём майпараст бўлганми?” деган савонни ўртага ташлайдилар.

Бундай саволлар шоир рубоийларига юзаки қарашиб натижасидир. Кўплар шоир фалса-фасини чуқур тушуна олмагани учун, унинг май образига бўлган муносабатини жўнгина талқин этиб, тўртпикларини қадаҳ сўзига айлантириб юрадилар. Афсуски, Хайёминг гарбдаги ихлосмандлари ҳам кўпинча шу йўлдан борадилар. Фитцжералдинг жуда эркин таржималарида ҳам бу ҳол сезилади. Шунинг учун баъзи гарб адабиётшунослари Умар Хайёмини тушкунлик (декаденс) адабиёти қаторига қўшадилар.

Фақат Умар Хайёмдагина эмас, умуман Шарқ шеъриятида май образининг маънолари жуда хилма-хил, ниҳоятда терандир. Алишер Навоий: “Бадойи ул-бидоя” девонининг биринчи газалида:

Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлини, зоҳидо! —

дейди.

Май образи тасаввуф адабиётида ўз маъноларига эга. Эрон, Ҳиндистон ва Фарбий Оврупо тадқиқодчилари (Никола, Свами Говинда Тиртҳа, Мухаммад Али Фуругий кабилар) Хайёмни ҳам тасаввуф шоири, сўфийлик фояларининг тарафдори ҳисоблаб, унинг шеърларидаги “май”, “шароб” сўзларини тасаввуф маъносида талқин этишига уринадилар. Аммо Хайёмни файласуф олим сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам тасаввуфчилар сирасига қўшиб бўлмайди.

Умар Хайём рубоийларидаги май — бадиий образ бўлиб, уни жўнгина ва айнан тушуниш мумкин эмас.

Масалан, Хайём май образи орқали тоғи кишилар қиёфасини чизиб:

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,  
Майдан ечилмаган бирор тутун кам.  
Бир қултум май ичган бўлсалди шайтон.  
Минг сажда қиласиди одамга ул ҳам, —

деса, тоғи худбинликни фош этади:

Май ичамен, мастилик қўлмаймен, асло,  
Қадаҳдан ўзгага бўлмаймен бало.  
Бода ичишиликдан менинг гаразим —  
Ўзимга сен каби қўймаслик бино.

Май образининг ишора ва маънолари қўплиги ҳақида яна Алишер Навоийнинг форсий ғазалларидан бир байт келтириш билан муҳокамамизни якунлаймиз:

Румузи нашъаи май, эй ки дар наёби,  
Кунун, ки жоми маят медиҳам бакаф, дарёб.

Яъни, эй май нашъасининг ишорат ва рамзларини тополмаган одам, энди бир коса майни қўлингга берай, унинг рамз ва ишораларини топгил.

Хайём бадиий ижоди шуҳратининг сири нимада?

Бунинг сири уларда шоир киши қалбини, унинг назокатини, киши руҳий кечинмалари, орзу-ўллари, кайфиятларини, ҳаёт мантиқини, инсон қалби билан реал ҳаёт орасидаги муносабатни ажойиб образларда жуда ёрқин тасвирлаб бера билганидадир. Шунинг учун ҳам унинг ижоди умумбашарият бадиият бофининг сўлмас чечакларидан бири бўлиб қолди.

*Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ,  
филология фанлари доктори, профессор.*

Умар ХАЙЁМ

## Рубоийлар

**Д**унёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

\* \* \*

Тақдир лавҳасида ҳукмим бўлғонда,  
Майлимча ёзардим уни шул онда.  
Қайғуни дунёдан йўқотиб буткул,  
Шодликдан бўларди бошим осмонда.

\* \* \*

Азал сирринг билолмасмиз на сену на мен,  
Бу жумбоқ, ҳал қилолмасмиз на сену на мен.  
Парда орқасидандир бу фувуримиз,  
Парда кетару қолмасмиз на сену на мен.

\* \* \*

Кулол дўконига кирдим бир сафар,  
Дастгоҳда ишларди уста кўзагар.

Гадо қўлидану шоҳнинг бошидан  
Кўзанинг бўйни-ю дастасин ясар.

\* \* \*

Бу саройда Баҳром ичар эрди жом,  
Энди кийик, тулки олади ором.  
Бир умр қулоналар овлар эди у,  
Ўлимга қулондай овланди Баҳром.

\* \* \*

Билмадим, қорилган чоғида лойим,  
Жаннатми, дўзахдан аталган жойим.  
Менга нақд бўлса бас ёр, чолфу, шароб,  
Нася жаннат сенга бўлсин ҳар доим.

\* \* \*

Лола юзин ювди ёғингар қўклам,  
Лиммо-лим қадаҳга қўл узат бардам.  
Бу кун сен сайд этган ушбу қўкатлар,  
Эрта тупроғингдан унар жамулжам.

\* \* \*

Шоҳ бўлмоқ истасанг, элдан тама уз,  
Давр яхшими, ёмон — инокликини буз.  
Қадаҳу ёр сочи бўлсин қўлингда,  
Ўтар бу давринг ҳам шу кеча-кундуз.

\* \* \*

Муҳтожлик кунида қўнгилни овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Бир дилча турмас юз лойхона Каъба,  
Каъбада нима бор, бир дилни овла.

\* \* \*

Жаҳонда ғам ема қўлингдан келса,  
Яхшимас бор-йўқдан дил дардга тўлса.  
Беш кунлик дунёда шодлик-ла еб-ич,  
Бир дон элтолмассан, хазинанг бўлса.

\* \* \*

Киши ўзлигидан яхши, ёмон ҳам,  
Қазою қадару қувонч ёки ғам.  
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,  
Чарх сендан ожизроқ, бечора-ю кам.

\* \* \*

Кимнингки, бор эса бир бурда нони,  
Ўзига яраша уй — ошёни,  
На бирор унга қул, на у бирорвга,  
Айт, ёшд яшайверсин хушдир замони.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

134

\* \* \*

То ғам бошимизга солгунча ғавро,  
 Айттил, май берсинлар бизга бебаҳо.  
 Олтин эмассан-ку, билиб қўй, нодон,  
 Кўмгач қайта ковлаб олмаслар асло.

\* \* \*

Май ичсанг, оқилу доно билан ич,  
 Ёки бир гул юзли зебо билан ич.  
 Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,  
 Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

\* \* \*

Осмонда бир ҳўқиз, номимиш Парвин,  
 Бириси қуида кўтарар замин.  
 Кўзингни катта оч, қўш ҳўқиз аро  
 Кўриб қўй қанчалар эшак юрганин.

\* \* \*

Олам тузогидан озод эмасмиз,  
 Бир нафас олмоқдан ҳеч шод эмасмиз.  
 Ҳаётта кўп шогирд бўлдигу ҳануз —  
 Дунёнинг ишига устод эмасмиз.

\* \* \*

Бозорда бир кулол кўрсатиб хунар,  
 Бир бўлак ҳом лойни телиб пишитар.  
 Лой инграб айтади: “Хой, секинроқ теп,  
 Мен ҳам сендеқ кулол эдим, биродар”.

\* \* \*

Ёшлиқда биз шогирд, ўзгалар устод.  
 Сўнгра устод бўлиб, дилни этдик шод.  
 Охири қай ерга етишдик десанг,  
 Тупроқдан чиқибоқ, бўлибмиз барбод.

\* \* \*

Май ичиб, яхшилар қўрин қуршамоқ —  
 Сўфийващ жаврашдан минг бор яхшироқ.  
 Агар ошиқу маст дўзажий бўлса,  
 Жаннат бетин ҳеч ким кўрмасди ҳеч чоқ.

*Шоислом ШОМОУҲАМЕДОВ  
 таржималари.*

# Қадимги манбалар оила ҳақида

## ИНЖИЛДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

### ҚАДИМГИ АҲДДАН

**Ү**ша пайтда Худованди Карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димогига ҳаёт нафасини пуллади. Шу йўсундан одам тирик жон бўлди...

Яна Худованди Карим: “Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, энди унга муносаб маддакор яратаман” деди...

... аммо одамга мувофиқ маддакор топилмади...

Шунда Худованди Карим одамни қаттиқ уйкуга мубтало қилди. Одам ухлаб қолгач, унинг қовурғаларидан биттасини олди ва ўрнини эт билан қоплади. Одамнинг қовурғасидан Худованди Карим бир хотин барпо қилиб, уни одамнинг олдига олиб келди.

Шунда одам: “Мана, энди бу сүяк менинг сүякларимдан, бу эт менинг этимдандир. У хотин киши деб айтилади; зероки у эр кишидан<sup>1</sup> олинган”, — деди.

Шунинг учун киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови биртан бўладилар. Одам билан хотини эса қипяланғоч бўлиб, бир-биридан уялмас эдилар.

...Илон хотинга:

— Чиндан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дараҳтнинг мевасидан еманглар, деб айтдимикин? — деди.

...Худо фақат боғнинг ўртасидаги дараҳтнинг мевасини еманглар, унга тегманглар, бўлмаса ўласизлар, — деди.

Илон хотинга:

— Йўқ, мутлақо ўлмайсизлар... Чунки “Худо биладики, ундан еган куниёқ кўзларингиз очилиб қолади ва Худо каби яхши ва ёмонни биладиган бўласизлар, — деди.

Хотин кўрсаки, дараҳтнинг меваси эмоқча яхши, кўзга ёқимли ҳамда дид-фаросат тошишга фойдали экан. У дараҳтнинг мевасидан олиб еди. Сўнг эрига ҳам берди, эри ҳам еди.

Шу онда икковининг кўзлари очилиб, яланғоч эканларини кўрдилар. Анжир баргларини бир-бирига тиқиб, ўzlари учун ёпинчиқлар ясадилар...

...Худованди Карим сўради:

— Яланғоч эканингни сенга ким айтди? Ё Мен ема деб буюрган дараҳт мевасидан единми?..

Худованди Карим хотинга:

— Бу нима қилганинг? — деди.

— Илон мени аллади ва мен едим, — деди хотин...

Кейин хотинга деди: “Сенинг ҳомиладорлик пайтидаги машақатингни бафоят ортираман. Сен дард билан фарзандлар туғасан. Иштиёқинг эрингга бўлади, у эса сенга ҳоким бўлади”.

<sup>1</sup> Яхудий тилида “эр киши” ва “хотин” сўzlари оҳангдошdir, яъни “иш” ва “иша”.

Кейин Одамга деди: “Сен хотинингни галига қулоқ солдинг. Мен ема деб буюрган дараахт мевасидан единг. Энди сен сабабли ер лаънатидир. Умринг бўйи машақат чекиб, ер ундириган ҳосилдан ейсан... Сен ердан олингансан ва ерга қайтгунингта қадар пешона тери билан нон еб юрасан. Зеро тупроқдирсан ва тупроққа қайтарсан”.

Шундан сўнг Одам хотинининг исмини Ҳаво (яъни Барҳаёт) қўйди, чунки у ҳамма ҳаёт эгаларининг онаси бўлди.

...Ер юзида одамлар кўпая бошлаб, улар учун қизлар ҳам туғилди.

Илоҳий зотлар эса одамзод қизларининг жуда яхшилигини кўриб, истаганларини хотинликка оладиган бўлдилар.

*Ибтидо, 2,3,6.*

Үйнингнинг шоду-хуррамлитинг учун ва бу курраи заминда Худованди Карим сенга берган умр узун бўлмоғи учун отангни ва онангни эъзозла.

Ўлдирма.

Зино қилма.

Ўғирлик қилма.

Яқинингга қарши соҳта гувоҳлик берма.

Яқинингни уйини талама; яқинингни хотинини тилама (унинг даласини ҳам тилама), яқининг эгалик қиласидан ҳеч нарсани — на унинг қулини, на унинг канизагини, на унинг хўқизини, на эшагини (на унинг ҳар қандай молу ҳолини) тилама.

...Кимки отасига ё онасига қўл кўтарса, уни ўлимга маҳкум этмоқ керак.

...Кимки унашилмаган бокира қизни йўлдан оздирса ва у билан тўшакда тунни ўтказса, у қизга жарима тўласин ва уни ўзига хотин қилиб олсин...

*Чиқиш, 20, 21, 22.*

Менинг фармойишларим ва Менинг қонунларимга риоя қилинг. Уни бажарган тақдирда инсон тирик бўлади. Мен сизнинг Худованди Каримингизман.

Ҳеч ким биронта ҳам этдош қариндош аёлига яқинлашиб, уни яланғоч қилмасин. Мен Худованди Каримман.

Отангни яланғоч қилмагин ва онангни яланғоч қилмагин, негаки у сенинг онанг, уни яланғоч қилмагин...

Синглингни яланғоч қилмагин, шу уйда туғилганми ёки шу уйдан ташқарида туғилганми, отангнинг қизими ёки онангнинг қизими яланғоч қилмагин.

Ўғлингнинг қизини ёки қизингнинг қизини яланғоч қилмагин, чунки уларнинг яланғочлиги сенинг яланғочлигингдир...

Хотинингни синглиси билан бирга олма, уни хотинингта кундош қилма, хотининг борида, хотининг ҳаётлигига уни яланғоч қилмагин.

Хотининг ҳайздан покланаётган чоғларда яланғоч қилмоқ учун унга зинҳор яқинлашма.

Уруғингни ташламоқ ва у билан нопокликка ботмоқ учун яқинингнинг хотини билан тўшакка ётма.

Ўғилларингдан ҳеч қайсисини Ёвуз хизматига берма ва Худойингнинг номига доғ туширма. Мен Худованди Каримман.

Эркак киши билан аёл кишидай ётма. Бу қабоҳатдир.

Уруғингни тўқмоқ учун ҳеч қандай жонвор билан ётма ва бундан булғанма. Аёл киши ҳам бирон жонвор билан қовушмоқ учун унинг қаршисида ножоиздир. Бу қабоҳатдир.

Агар ерни булғай бошласангиз, ер сизларни ўз устидан улоқтириб юборади. Сизлардан аввал ўтган халқларни ҳам ер улоқтириб ташлаган;

сабабки, агар кимда-ким ана шу қабиҳ ишларни қилса, бу ишларни қилғанларнинг жони ўз халқининг қалбидан ситиб чиқарилади.

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ

... Ҳар бирингиз онангиздан ва отангиздан кўрқингиз...

Ўз халқингнинг фарзандларига қарши кек сақлама ва улардан ўч олма, лекин ўз яқинингни ўзингни ўзинг севгандай яхши кўр.

Ўз отасини ёки ўз онасини фийбат қилган одам ўлимга маҳкум қилингусидир.

Агар кимда-ким эрлик хотин билан зино қилса, агар кимда-ким яқинининг хотини билан зино қилса, — ўлимга маҳкум қилингусидир.

*Левинт, 18, 20.*

## ЯНГИ АҲДДАН

### Матто баён этган хушхабардан зино ва ажralиш ҳақида

27. “Қадимгиларга “Зино қилма” деб айтилганини эшитгансизлар”.

28. Лекин мен сизга айтаман: ким бир аёлга шаҳват билан қараса ҳам аллақачон кўнглида у билан зино қилган бўлади...

31. Яна дейилганки: “ким хотини билан ажралмоқчи бўлса, унга талоқ хатини ёзиб берсин”.

32. Лекин мен сизга айтаман: ким бевафолик айбидан бошقا сабаб билан хотинидан ажралса, унга зино қилишга сабаб топиб беради. Шунингдек, ким ажралган хотинга уйланса, зино қилган бўлади...

Отанг билан онангни ҳурмат қил. Ўзингни қандай яхши кўрсанг, яқинларингни ҳам шундай яхши кўргин.

### АЗИЗ ҲАВОРИЙ ПЕТРНИНГ БИРИНЧИ МАКТУБИДАН

#### 3 - Б О Б

1-2. Масихдан ибрат олиб, сиз хотинлар ҳам эрларингизга бўйсунинглар. Худо каломига ишонмайдиган баъзи қишилар сиз — аёлларнинг ор-номусли, покдомон хулқ-атворингизни кўриб, имон ҳақида бирон сўз айтилмасданоқ қойил қосинилар.

3. Сизнинг жозибангиз ўрилган соchlар, тақилган олтиналар, чиройли кийимлар каби ташқи зеб-зийнатдан иборат бўлмасин.

4. Аммо яширин қалбингиздаги ювош ва сокин руҳ сизларнинг сўлмайдиган ички гўзаллигингиз бўлсин. Бунинг Худо олдида қадри азиздир.

5. Ўтмиш вақтларда Худога умид боғлаган муқаддас хотинлар ҳам ўзларини шу йўсинда безаб, эрларига бўйсунар эдилар.

6. Масалан, Соро биби Иброҳимни жанобим деб атаб, унинг сўзига қулоқ солди. Агар сизлар яхшилик қилишда қунт қилиб, ҳеч қандай кўркувдан фулгулага тушмасангиз, Соро бибининг фарзандлари ҳисобланасизлар.

7. Шунга ўҳшаб, сиз, эрлар ҳам хотинларингиз заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олиб, улар билан оқилона муносабатда бўлинглар. Улар ҳам абадий ҳаёт иноятидан баҳраманд бўлгани учун, уларни ҳурматга сазовор ҳисобланг ва ибодатларига ҳалал берманг.

8. Ҳуллас, ўзаро ҳамфикр, ҳамдард бўлинглар, бир-бирингизни биродарларча севинглар. Бир-бирингизга меҳр-шафқатли ва камттар бўлинглар.

9. Ёмонлиққа ёмонлик, ҳақоратта ҳақорат билан жавоб қайтарманглар. Аксинча, дуойи хайр қилинглар, чунки ўзларингиз ҳам хайр-барака олиш учун даъват этилгансизлар.

10. Забурда ёзилишича:

Кимки узоқ умр кўришни севиб,  
Яхши кунлар келишини истаса,

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

138

У тилини ёмон сўздан тутсин,  
Оғзини эгри гапдан тийсин.

11. Ёмонликдан қочиб яхшилик қилсин,  
Тинчликни қидириб, унинг пайида бўлсин.
12. Чунки Худонинг кўзи солиҳлардадир.  
Солиҳлар фигонига У қулоқ солар.  
Бадкирдорлардан эса юз ўгирад.
13. Агар яхшилик қилишга бел боғлассангиз, сизларга ким озор берар эди?

### **АЗИЗ ҲОВАРИЙ ПАВЕЛНИНГ КОРИНФЛИКЛАРГА БИРИНЧИ МАКТУБИДАН**

#### **7 - Б О Б**

2. ...Зинога йўл қўймаслик учун, ҳар бир кишининг ўз хотини бўлсин ва ҳар хотиннинг ўз эри бўлсин.
3. Эр ўз хотинига нисбатан ва хотин ўз эрига нисбатан эр-хотинлик вазифасини бажо келтирысинг.
4. Хотиннинг бадани устидан хотин эмас, балки эри ҳокимлик қиласи. Худди шундай, эрнинг бадани устидан эр эмас, балки хотини ҳокимлик қиласи.
5. Бир-бирингиздан бош тортмангизлар. Фақат ўзаро келишгандан сўнг, (рўза тутиш ва ибодат қилиш учун) вақтингча жудо бўлинглар. Кейин яна қовушинглар, токи ўзингизни тия олмаганингиздан фойдаланиб, шайтон сизларни васвасага солмасин.
6. Мен буни буйруқ тариқасида эмас, ижозат тариқасида айтдим...
10. Уйланганларга мен эмас, балки Раббимиз буюради: хотин эридан ажралмасин.
11. Агар ажралса, эрсиз қолсин ёки ўз эри билан ярасисин. Эр ҳам ўз хотинини қўйиб юбормасин.
12. Бошқаларга эса Раббимиз эмас, балки мен айтяпман: агар бир имонли эрнинг хотини имонсиз бўлса-ю, эри билан яшашга рози бўлса, эр хотинини қўйиб юбормасин.
13. Шунингдек, бирон хотиннинг эри имонсиз бўлса ва у хотини билан яшашга рози бўлса, хотин эридан ажрамасин. Чунки имонсиз эр имонли хотини орқали муқаддас бўлади ва имонсиз хотин ҳам имонли эр орқали муқаддас бўлади...

### **АЗИЗ ҲОВАРИЙ ПАВЕЛНИНГ ЭФЕСЛИКЛАРГА МАКТУБИДАН**

#### **5 - Б О Б**

22. Эй хотинлар, сиз Раббингизга қандай бўйсунсаларингиз, эрларингизга шундай бўйсуннинглар.
23. Масиҳ имонликлар жамоатининг боши бўлгани каби, эркак ҳам хотиннинг бошидир. Масиҳ ўз баданинг, яъни умматининг Халоскоридир.
24. Масиҳнинг уммати Масиҳга қандай тобе бўлса, хотинлар ҳам ҳар нарсада ўз эрларига шундай тобе бўладилар.
25. Эй эрлар, Масиҳ имонлилар жамоатини севиб, улар учун ўзини қандай фидо қилган бўлса, сизлар ҳам хотинларингизни шундай севинглар.
26. Масиҳ имонлилар жамоатини муқаддас қиласи деб уларни сув билан ювди ва ўз каломи орқали тозалади, токи устида бирон губор, ажин ёки доғи қолмаган, муқаддас, бенуқсон, қомати чиройли бир жамоатни Ўз ҳузурига элтиб қўйсин.
28. Шундай қилиб эркаклар ўз хотинларини ўз таналарини севгандай севишлари керак. Ўз хотинини севган ўзини ўзи севади.

29. Ҳеч ким ҳеч вақт ўз танасини ёмон кўрмаган. Аксинча, уни озиқлантириб, парвариш қиласди. Масиҳ ҳам Ўз умматини худди шундай озиқлантириб, парвариш қиласди.
30. Биз Масиҳ танасининг аъзоларимиз. (Унинг эту суюгимиз).
31. Тавротда “Киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўлади” деб ёзилган...
33. Хулласи калом, ҳар бир эр ўз хотинини ўзини ўзи севгандай севсин. Хотин ҳам эрини ҳурмат қилсан.

## 6 - БОБ

1. Эй фарзандлар, ота-онангизга итоат қилинглар, чунки бу Раббимизга маъқулдир.
- 2-3. Бу ҳақдаги биринчи буйруқ Худо ваъда қўшиб берган биринчи буйруқдир, чунончи “Ота-онангни ҳурмат қил, токи барака топиб, ер юзида узоқ умр қўргайсан”.
4. Сиз, оталар, фарзандларингизнинг жаҳлини чиқарманглар. Уларни Раббимизнинг таълим-тарбияси билан ўстиринглар.

## ҚУРЬОНИ КАРИМДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

### НИСО СУРАСИ

#### 4

Мехрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Хаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз. Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўргата номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишидан сақланингиз!). Албатта, Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир.

2. (Вояга етганидан кейин қўл остингиздаги) етимларга молларини берингиз ва сиз учун нопок бўлган (етимларнинг молларини ўзингизнинг ҳақингиз бўлган) пок нарсага алмаштириб олмангиз. Ва уларнинг молларини ўзингизнинг молингизга қўшиб емангиз! Зеро, бу катта гуноҳ бўлган ишдир!

3. Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг). Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигинизга яқинроқ ишдир.

4. Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгилдан, мамнунлик билан) берингиз. Агар ўzlари сизлар учун у маҳрдан бирон нарсанни ихтиёрий равища кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб сяверинглар.

5. (Кўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Оллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз, балки уларни ўша моллардан едириб-кийдиринг ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг!

6. Етимларни то балофат ўшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини қўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин деб шошилиб еб қўйманглар. (Етимни оталинка олган киши) агар бой бўлса (етимнинг молидан) парҳез қилсан. Борди-ю камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни қилган хизматига яраша) олиб есин. Молмулжаларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Оллоҳнинг ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчилар.

7. Эркаклар учун ота-оналари ва қариндош-уруелари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-уруелари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Бу улушлар озми-кўплигидан (қатъий назар), фарз қилинган ҳақларданлар.

8. Мерос тақсимида узоқ қариндошлар, етим ва мискинлар ҳам ҳозир бўлсалар, уларни ҳам шу меросдан баҳраманл қилиб, яхши сўзлар айтинглар.

9. (Бироннинг ўлимига ҳозир бўлган) кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб вафот қилиб кетсалар, улардан хавотир олганлари каби (ўзгаларнинг етимлари ҳақидан ҳам) кўрқсинлар. Бас, Оллоҳдан қўрқиб, (ўлим олдидаги кишига) ҳақ сўзни айтсиналар!

10. Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўладилар. Ва албатта, дўзахга кирадилар.

11. Оллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуси баробарида мерос беришни амр қиласидир. Агар меросхўрлар иккidan ортиқ аёл бўлса, уларга эр қолдириган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) яrimi тегур. Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдириган меросидан олтидан бири тегур. Агар энди фарзанд бўлмай, фақат ота-онаси (меросхўр) бўлса, у ҳолда онасига учдан бири тегур (қолгани отасига қолади). Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир тегур. (Қолган қисми отасига тегади, зоро, марҳумнинг ака-укаларини едириб-кийдириш ва уйлаш-жойлаш отанинг зиммасидадир. Бу тақсимотлар) марҳум қилган васият ва унинг қарзлари адо этилгандан кейин бўлур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингзининг қайси бирлари сизлар учун фойдаси тегувчироқ эканини билмайсизлар. (Бинобарин, ўзингизга қолса, мерос тақсимотини ҳам адолат билан ҳал қила олмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос тегиши) Оллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди. Албатта, Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир.

12. Сизларга хотинларингиз қолдириган меросдан — агар улардан фарзанд қолмаган бўлса — яrimi тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан бир тегур. (Бу тақсимотлар) марҳума қилган васият ва унинг қарзлари адо этилгандан кейин бўлур. Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдириган меросдан агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бир тегур. Энди агар сизларнинг фарзандларингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бир тегур. (Бу тақсимотлар) сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо қилингандан кейин бўлур. Агар мероси қолаётган эркак ёки аёлнинг на ота ва на онаси бўлмай, (она томонидан) бир ака ёки укаси ёхуд бир опа ё синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар. (Бу тақсимотлар) меросхўрларга зарар етказмайдиган ҳолда қилинган васият ва қарзлар адо қилингандан кейин бўлур. (Бу ҳукмлар) Оллоҳ томонидан бўлган амр-фармондир. Оллоҳ билгувчи ва ҳалиймдир.

13. Мана шу Оллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидир. Ким Оллоҳ ва унинг Пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ҳаёт бахши этар. Ва бу катта зафардир!

14. Ким Оллоҳ ва унинг Пайғамбарига итоатсизлик қилиб Оллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир.

15. Хотинларингиздан қайси бир аёл фоҳишалик қилса, ундай аёлларнинг устида ўзларингиздан бўлган тўрт кишини гувоҳ қилинг. Агар улар гувоҳлик қилсалар, то бу аёлларга ўлим келгунча ёки Оллоҳ бирор йўлга солгунича уларни уйларида сақланг!

16. Сизлардан икки эркак шундай қилса (яъни баччавозлик ёки фоҳишабозлик қилса) уларни уриб-сўкиш билан таъзирларини берингиз. Агар тавба қилиб, ўзларини тузатсалар, уларни тинч қўйинглар. Албатта, Оллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи ва меҳрибон бўлган зотдир.

17. Албатта, Оллоҳнинг тавбаларни қабул қилиши фақат биронта гуноҳни нодонлик билан қилиб қўйиб, сўнгра дарҳол тавба қилган кишилар учундир. Оллоҳ ана шундай кипиларнинг тавбасини қабул қилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир.

18. На гуноҳ ишларни мудом қилиб юриб, қачонки, бирорларига ўлим келганида “энди тавба қилдим” дейдиган ва на кофир ҳолда ўлиб кетадиган кимсаларнинг тавбалари қабул қилинmas. Улар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз.

19. Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасdir. Ва (агар бирга яшаш ниятингиз бўлмас) берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиш учун хотинларингизни (бошқа эрга тегишидан) тўсиб туриб олманглар! Магар улар очиқ бузуклик қиссалар (у ҳолда берган маҳрингизни қайтариб олишингиз мумкин). Улар билан тинч-тотув яшанглар. Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Оллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин.

20. Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсанглар, аввалгисига саноқсиз молу дунёни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олманглар! Уни бўхтон ва очиқ гуноҳ билан оласизми?

21. Ахир, бир-бирингиз билан қўшилиб, улар (яъни хотинларингиз) сизлардан қатъий аҳд-паймон олганларидан сўнг қандай қилиб уни (яъни маҳрни) қайтариб оласиз?!

22. Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг. Магар илгари ўтган бўлса, (уйланган бўлсангиз, Оллоҳ авф этар). Албатта, бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқдир.

23. Сизлар учун оналингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланни ҳаром қилинди) — агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан туғилган қизларига уйлансангиз) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти-камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига (уйланнишингиз) ҳамда опа-сингилни жамлашларингиз (яъни бирини талоқ қилмай туриб бошиқасига уйланнишларингиз ҳаром қилинди). Магар илгари ўтган бўлса, (Оллоҳ авф этар). Албатта, Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир.

24. Яна эрлик аёллар ҳам (ҳаром қилинди). Магар уруши жангларда эга бўлган чўриларингиз ҳалолдир. (Бу хукмларни) Оллоҳ зиммангизга фарз қилиб қўйди. Мана шулардан бошқа аёлларга зино қилувчи бўлмаган ҳолингизда молларингизни маҳр қилиб бериши билан уйланшига ҳаракат қилиш сизлар учун ҳалол қилинди. Улар билан никоҳ орқали яқинлик қилишингиз билан белгиланган маҳрларини берингиз! Маҳр белгиланганидан кейин ўзларингиз келишиб олишингизда (яъни улар ўз ихтиёлари билан ҳаққи маҳрларидан кечиб юборишларида) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Албатта, Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир.

25. Сизлардан кимла-ким озод мўмина аёлларга уйланниш имкониятига эга бўлмаса, қўлларингиздаги мўмина чўрилардан бирига уйланаверсин. Оллоҳ иймонларингизни жуда яхши билгувчилир. Биронингиз биронингиздан дурсиз (яъни ҳаммангизнинг аслингиз битталир). Бас, улардан ўзларини сақлагач, фохишалик қилмаган ва маҳфий ўйнашлар тутмаганларига хожаларининг изни билан уйланаверинглар ва маҳрларини тўқис қилиб беринглар. Энди эрга теккач, агар бузуклик қиссалар, уларга озод аёлларга бериладиган азобнинг ярми берилур. Бу (яъни чўриларга уйланниш рухсати) орангиздаги бузилиб кетишдан қўрқсан кишилар учундир. Сабр қилиб (уйланмай туришларингиз) ўзингиз учун яхшироқдир. Оллоҳ маърифатли ва меҳрибондир.

34. Эркаклар хотинлари устидан раҳбардурлар. Бунга сабаб Оллоҳ уларнинг бирорларини бирорларидан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оиласлари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилгандаридир. Бас, ибодат, итоатли ва эрлари йўқлигига Оллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифратларини) сақловчи хотинлар — яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарқ қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар. Аммо сизларга итоат қисла-

лар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Албатта, Оллоҳ энг юксак ва буюк бўлган зотдир.

35. Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эр томонидан бир ҳакам, хотин томонидан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишини истасалар, Оллоҳ эр-хотин ўртасига иттифоқликни солур. Албатта, Оллоҳ билгувчи ва хабардор бўлган зотдир...

## НУР СУРАСИ

### 24

Мехрибон ва раҳимли Оллоҳ номи билан (бошлайман).

1. (Ушбу) Биз нозил қилган ва (ундаги ҳукмларни мусулмонлар зиммасига) фарз қилган бир сурадир. Сизлар эслатма-ибрат олишингиз учун Биз унда очик-равшан оятларни нозил қилдик.

2. Зинокор аёл ва зинокор эркак — уларни ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Оллоҳга ва охират кунига имон келтиргувчи бўлсангизлар, Оллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйгулари) тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар.

3. Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ёки мушрик уйланур. Ва бу (яъни зинокор аёлларга уйланиш) мўминларга ҳаром қилингандир.

4. Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон улар гувоҳликларини қабул қилманглар. Улар фосиқ — итоатсиз кимсалардир.

5. Магар шу (қилмишларидан) сўнг тавба қилиб, (ўзларини) тузатган кишиларгина (фосиқ эмасдиirlар). Зеро Оллоҳ мағрифатли, меҳрибондир.

6. Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолида ўз хотинларини (бузук) деб бадном қиласидан кимсалар — уларнинг ҳар бир ўзини шак-шубҳасиз ростгўйлардан деб Оллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши (вожибудур).

7. (У эрнинг) бешинчи гувоҳлиги эса агар ёлғончилардан бўлса, устига Оллоҳнинг лаънати (тушишини сўрамоқлигидир).

8. У (аёлдан) азоб-жазони “У (яъни эри) шак-шубҳасиз ёлғончилардан” деб Оллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши дафъ қилур.

9. (У аёлнинг) бешинчи (гувоҳлиги эса) агар эри (ростгўйлардан бўлса, ўзининг устига Оллоҳнинг газаби тушишини сўрамоқлигидир).

10. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу-марҳамати бўлмаса ва Оллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, ҳикмат соҳиби бўлмаса эди (албатта, ё эр, ё хотин шарманда қилинган бўлур эди).

11. Шак-шубҳасиз бу бўхтонни (вужудга) келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир. Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшилиkdir. Улардан (яъни бўхтончилардан) ҳар бир киши учун ўзи касб қилган гуноҳ (га яраша жазо) бордир. Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг каттасини кўтарган кимса учун улуг азоб бордир.

12. Эй мўминлар, сизлар (бу бўхтонни) эшиитган пайтингизда мўмин ва мўминалар бир-бирлари ҳақида яхшиликни ўйлаб, “Бу очиқ бўхтон-ку!” десалар бўлмасми?

13. Улар (яъни Ойшани бадном қилмоқчи бўлганлар ўз даъволарига) тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасми? Энди агар гувоҳ келтира олмасалар, у ҳолда Оллоҳ наздига улар ёлғончилардир.

14. Агар сизларга дунё ва охиратда Оллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, албатта, сизларни тинмай сўзлаган нарса — бўхтонларингиз сабабли улуф азоб ушлаган бўлур эди.

15. Ўшанда сизлар уни тилдан-тилга олиб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки, у Оллоҳ наздида улуг (гуноҳдир).

16. Уни эшитган пайтингизда: “Бу (мишмишини) сўзлаш учун биз жоиз эмасдир. Эй пок парвардигор, бу улуф бўхтон-ку!” — десангизлар бўлмасмиди?!

17. Агар мўмин бўлсангизлар ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Оллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур.

18. Ва Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилур. Оллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидур.

19. Албатта, иймон келтирган кишилар ўртасида бузукликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Оллоҳ билур, сизлар билмасиз.

20. Агар сизларга Оллоҳнинг фазлу-марҳамати ва Оллоҳнинг меҳрибон ва раҳмли экани бўлмаса эди (албатта, сизларга бу қилмишларингиз учун азобни нақд қилган бўлур эди).

22. Сизлардан фазл ва кенг-кatta мол-давлат эталари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Оллоҳ ўйлида инфоқ-эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни авф қилиб, кечирсинлар. Оллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми? Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир.

23. Албатта, (бузук ниятлардан) бехабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиласдиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатга дучор бўладилар. Улар учун улуф азоб бордир.

24. У кунда — қиёматда қилиб ўтган бўхтонлари сабабли уларнинг тиллари ҳам, кўл ва оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур.

25. Ўша кунда Оллоҳ уларнинг ҳақиқий жазоларини комил қилиб берур ва улар Оллоҳнинг аниқ ҳақ эканини билурлар.

26. Нопок аёллар нопок эрлар учундир (яъни лойиқдир), нопок эрлар нопок аёллар учундир. Покиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир. Ана ўша (покиза эрлар ва покиза аёллар) уларнинг (яъни нопок эрлар ва нопок аёлларнинг) айтган бўхтонларидан поклирлар. Улар учун мағфират ва улуғ ризқ (яъни жаннат неъматлари) бордир.

27. Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эталарига салом бермагунингизгача уларга кирманглар! Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд эслатма ибрат олсанглар!

28. Энди агар у уйларда ҳеч кимни топмасангизлар у ҳолда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз. Агар сизларга “қайтинглар” дейилса (яъни киришга изн берилмаса) қайтиб кетинглар! Шу сизлар учун энг тоза йўлдир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни билгувчилир.

29. Бирор учун маскан бўлмаган (мехмонхона, карвонсарой каби) сизлар фойдаланадиган уйларга (изн сўрамасдан) киришларингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Оллоҳ ошкор қилаётган нарсангизни ҳам, яшираётган нарсангизни ҳам билур.

30. (Эй Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар. Ҳамда кўриниб турганидан бошқа зеб-зийнатларини (яъни уйларидаги либосларидан) бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар. Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларнинг оталарига ё ўғилларига ё эрларнинг ўғилларига ё ўзларининг оға-иниларига ё оға-иниларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё ўзлари каби аёлларга ё қўл остидаги чўриларига ё аёллардан беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз — девона) эркак хизматкор — қулларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина кўрсатишлари жоиздир. Яна

яширган зеб-зийнатлари билинсин учун оёқларини ерга урмасинлар. Барчаларингиз Оллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки, шунда нажот топсангизлар.

32. Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда кул ва чўрингизларни яхшиларини ўйлантиринглар. Агар улар камбагал бўлсалар Оллоҳ, уларни ўз фазли карами билан бойбекожат қилур. Оллоҳ фазлу карами кенг билгувчидир.

33. Никоҳ учун лозим бўлган мол-давлатни топа олмаган кишилар то Оллоҳ уларни ўз фазлу карами билан бой-бадавлат қилгунича ўзларини (ҳаромдан, зинокорликдан) пок тутсинглар. Эй мўминлар, қўл остингиздаги қуллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни (яъни диёнат, иймонни) билсангизлар улар билан битим тузинглар ва уларга Оллоҳнинг сизларга ато қилган молларидан ато этинглар!

*Юқорида келтирилган матн парчалари Тошкентда 1992 йилда  
“Ҷўлтон” нашиёти томонидан Алоуддин Мансур таржимасида  
нашр қилинганд “Куръони карим”дан олинди.*

## Малданага ВАТСЬЯЯНА

### КАМАСУТРА

#### УЧ НЕЙМАТГА ЭРИШМОҚ ЙЎЛИ

1-сутра. Эркак кишининг умри юзлаб йиллар мобайнида давом этмоғи керак. У ҳаётининг турли даврларида Дхарма, Артха ва Кама<sup>1</sup> деган учта мақсадлар эришмоқни кўзламоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида бу мақсадлар бир ёки ортиқроқ бўлиши мумкин...

2—4-сутра. Болаликда у ўзини билим олишга бағишламоғи керак, ёшлиқда эса дунёвий хузур-ҳаловатга берилсин, қариган чоғида эса у Дхармага амал қилиш орқали охиратини таъминлашни ўйласин.

5—6-сутра. Ҳаётда жуда кўп мужмалликлар бор. Шунинг учун эркак одам мақсадларига таънлаб олган воситалари орқали эришмоғи мумкин. Бироқ шарти шуки, у таҳсил олиш даврида никоҳга кирмаслиги керак<sup>2</sup>.

7—8-сутра. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига биноан, Дхарма таркибига қурбонлик қилиш, гайри табиий ҳаракатлар (уларнинг оқибати инсон кўзига кўринмайди) киради. Шунингдек, дхарма одамларга ошкора таъсир кўрсатадиган муайян ишларни тақиқлади (масалан, гўшт истеъмол қилишни). Дхармани ана шу муқаддас китоблардан ёхуд бу китоблардан яхши боҳабар бўлган одамлардан ўргандилар.

9—10-сутра. Артха — ер, олтин, чорва, фалла, идиш-товоқ, дўсту ёронлар тарзидаги билимлар ва бойликлар ортироқмоқдир. Артхани савдо-сотиқ ва олди-берди ишларини яхши биладиган савдогарлардан ўрганадилар.

<sup>1</sup> Дхарма — оилавий, диний-ахлоқий ва жамоатчилик аҳдларини бажармоқ; Артха — моддий нейматларга эришмоқ ва уларни истеъфода қильмоқ усуслари; Кама — кенг маънодаги хиссий иштиёқларни қаноатлантироқ. (Булар жисмоний муҳаббатдан бошлиб тасвирий санъат, музика ва шунинг кабилардан лаззатланишни қамраб олади).

<sup>2</sup> Баъзи шарҳларда бу давр 16 ёшгача деб белгиланган.

Малданага Ватсьяяна — мелодий III асрнинг иккинчи ярмидаги яшаб ўтган ҳинд табиби. “Камасутра” унинг асари бўлиб, дидактик услубда ёзилган ва ахлоқий-сиёсий масалаларга бағишланган рисола. Қадимги Ҳиндистонда уни ўрганиш дунёвий таълимнинг таркибий қисмига кирган. Бу кимматли манба қадимги Ҳиндистон тўғрисида жуда бой тиббий, этнографик ва социологик маълумотлар беради.

11—13-сутра. Кама эшитиш, нутқ, кўриш, сезиш ва ҳидлаш каби бешта туйғу ёрдамида инсон ақлиниңг кўрсатмаларига мувофиқ қалбига манзур буюмлардан лаззатланишдир. Тор маънода кама сўзи лаззат бағишловчи нарсалар билан боғлиқ ҳиссий туйғулар машқи орқали алоҳида лаззатланиш демоқдир. Камани яшаш машқини олган шаҳарликлардан “Камасутра” орқали ўрганилади.

14—17-сутра. Дхарма, Артха ва Кама деган мақсадлар шундай тартибда жойлашганки, уларнинг биринчиси кейингисига қараганда юксакроқдир, яъни Дхарма Артхага қараганди, Артха Камага қараганда юксакроқдир. Аммо бунақа ҳаёт тартибини ҳамма ҳолларда татбиқ этиб бўлмайди. Подшо учун энг муҳими Артхадир, чунки тобеинларининг яшаш даражаси Артхага боғлиқ. Худди шунга ўхшаш Кама биринчи навбатда сатангларга<sup>1</sup> зарур.

## ТУРЛИ САНЬАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

1—4-сутра. Эркак “Камасутра”ни ва унга мос санъатларни Дхарма ҳамда Артхага тегишли санъатлар ҳамда илмлар билан баробар ўрганмоғи керак. Қиз бола “Камасутра”ни ва унга мос келадиган санъатларни никоҳта қадар ўрганмоғи керак, никоҳдан кейин эса бу ишни эрининг розилиги билан қилмоғи шарт...

14-сутра. Қиз бола “Камасутра” матнида кўрсатилган олтмиш тўрт амални яширин равища хусусий тарзда ўрганмоғи жоиз.

15-сутра. Кўйидаги шахслардан бирор киши қиз боланинг йўриқчиси бўлиши мумкин:  
 1) Қиз бола билан бирга катта бўлган ва эндиликда эрга тегиб ултурган энаганинг қизи;  
 2) қиз боланинг ширин сўзли, сирдош дугонаси (у ҳам эрга теккан бўлмоғи керак);  
 3) Холасининг қизи. У қизнинг тенгқури бўлиши лозим; 4) Қиз болага туғишган опасидай бўлиб қолган садоқатли кекса оқсоч; 5) ҳозир роҳибалик йўлига кирган тажрибали аёл; 6) қиз боланинг туғишган опаси — унга ҳамиша ишонса бўлади.

16-сутра. “Камасутра” илмининг муҳим қисмини ташкил қўйувчи 64 та санъат орасида “Қармашрайя” деган техник атамага эга бўлган 24 санъат борки, уларни бажармоқ учун жисмоний куч керак ва муайян малакаларга эга бўлиши талаб қилинади. Булар: 1) куй, қўшиқ, 2) рақс, 3) чолғу, 4) ўзга вилоятларнинг хатини ўзлаштириш, 5) сўзамоллик, 6) тасвирий санъат, 7) қўғирчоқлар ясаш, 8) қоидаларга биноан бетель япроқларини истеъмолга тайёрлаш; 9) гулчамбарлар ва гулдасталар тайёрлаш, 10) пазандалик санъати, 11) ҳақиқий қўйматбаҳо тошларни қалбакиларидан ажратиш қобилияти, 12) чеварлик, 13) газлама учун бўёқ тайёрлаш ва уни бўяш, 14) таом учун зарур миқдорда ун ва бошқа масаллиқларни ҳозирлай билиш, 15) ўлчов ва тарозини билиш, 16) умргузаронлик ва узоқ умр кўрмоқ учун зарур воситаларни билиш, 17) мол-ҳолни парвариши қила билиш, 18) жоду, кўз боғлагичлик санъати, 19) ўйинларда пухталик, 20) бошқа одамларни билиш, 21) чаққонлик, 22) уқалаш, 23) шахсий озодалик, 24) сочни турмаклаш санъати...

## ХОТИН ТОПИШ ҲАҚИДА КЕЛИННИ ҚАНДАЙ ТАНЛАМОҚ ВА УНГА ҚАНДАЙ МУОМАЛА ҚИЛМОҚ ТЎҒРИСИДА

1-сутра. Келин ўз табақангта мансуб бўлса, бунинг устига бокира бўлса, у билан никоҳнинг муқаддас матнларга мувофиқ бўлса, бундай никоҳ Дхарма ва Артха мақсадларига мос келади, авлод-аждодларингга, кўплаб дўстларингга, эру хотин орасидаги покиза ва табиий севгига қулайлик туғдиради.

2-сутра. Шунинг учун эркак киши таҳсилини тутатгандан сўнг келин танлаётганда, унинг бокира эканини, ўзидан лоақал уч ёш кичкина эканини, яхши оиласдан эканини,

<sup>1</sup> Сатанг — гетера маъносида. Гетера юонча сўз бўлиб, ўқимишли, боши очиқ аёл деган маънони билдиради.

қизнинг ота-онаси тажрибали васийлар бўлиб, ҳали ҳаёт эканини, уларнинг турмуш тарзи эса ҳар жиҳатдан маъқул эканини билмоғи керак. Қиз эса она томонидан ҳам, ота томонидан ҳам кўп қариндош-уруга эга бўлиб, уларга ғамхўрлик қилмоғи керак. Унинг хусни ва одоб-ахлоқи баркамол бўлмоғи лозим, ақли расо бўлиши, қадли-қомати келишган бўлмоғи шарт, унинг тишлари, тирноғи, кўзлари, соchlari, қулоқлари ва кўкраги келишган бўлсин ва у соғлиғидан шикоят қиласин... Албатта, эркак ҳам келинида қандай хислатларни кўрмоқ истаса, ўзи ҳам шу сифатларга эга бўлмоғи зарур.

3-сугра. Агар эркак киши шунаقا қизни келин қилиб танласа, у тўғри иш қилган бўлади ва унинг ўзига тенглари ичидаги ҳеч ким ҳеч нарсада унга таъна қилолмайди.

4-сугра. Келин танлаётганда йигит ва қизнинг ота-оналари, қариндош-уруглари, ёру берордлари бир-бирларига кўмаклашмоқлари керак.

5—6-сугра. Дўстлар қизнинг ота-онасига маслаҳат бериб, қўёвликка даъвогар бўлмоқчи бўлган бошқа одамлардан уларни қайтармоқлари лозим... Дўстлар күёвнинг уруғи қадимилик эканини, унинг адабий ва бадиий истеъоддларини ва шунга ўхшаш бошқа қимматли сифатларини таъкидлаб кўрсатсинглар ва шу тарзда келиннинг ота-оналари тасаввурнида куёв ҳақида яхши таассурот ҳосил қилишга ёрдам берсинглар.

Дўстлар, шунингдек, келиннинг онаси куёвда қандай фазилатларни кўпроқ ёқтиришини сабр-тоқат билан аниқлаб, куёвда айни шу фазилатлар мавжуд эканини унга айтишин, бу фазилатлардан қандай фойда чиқишини ва келажакда қандай фойдалар бериши мумкинлигини уқдирипсин...

10-сугра. ... Оила қурмоқ учун куёв ва келиннинг ота-оналари ўртасида ўзаро битишиб олганлари кифоя қилмайди; шунингдек, бошқа қариндош-уруглар билан ҳам маслаҳатлашиб олмоқ муҳим...

12-сугра. Яна қуидаги қизлардан келин қилмаган маъқул:

Номатлуб исмга эга бўлган қиз;

Эрга тегиб чиққан қиз.

Сариқ холи (доги) бўлган қиз.

Оқ холи (доги) бўлган қиз.

Қадли-қомати эркаксифат бўлган қиз.

Елкалари букур қиз.

Оёқлари қийшиқ қиз.

Пешонаси ҳаддан зиёд кенг қиз.

Отасининг дағи гулханига ўт қалаган қиз.

Зино ўйлларига юрадиган қиз.

Тўла балоғат палласига қадам қўйган қиз.

Тентак қиз.

Шаҳарликларга ошина бўлиб улгурган қиз.

Шаҳарликка қараганда ҳаддан зиёд ёш қиз.

Доимо қўл-оёқлари терлайдиган қиз...

15-сугра. “Варана” вақтида (яъни келин танлаш муносабати билан) келин томонидан иштирок этувчи қизлар келинга жозибадор ва муносабиб либослар кийинтирадилар ва пешингача маросимда бирга бўладилар...

...17-сугра. “Варана” маросими вақтида куёвга ҳамроҳ бўлиб келганлар келинга ҳамроҳ бўлиб келганларни муборакбод қилмоқлари керак ва улар ҳам ўз навбатида, ўзларини шунга мувофиқ тутишлари ва иззатларини сақлаган ҳолда уларга гурунч ва сузма тухфа қилмоқлари шарт.

18-сугра. Шундан сўнг бирон баҳона билан уларга ҳамма қимматбаҳо безакларини тақиб ясаниб олган қизни кўрсатадилар.

19-сугра. Шундан кейин куёв томонидаги одамлар Пралжапати (ўрта асрлар давридаги мавҳум илоҳ) ёки Тартибот Худосидан унинг мададидан умидвор бўлган ҳолда келин-куёвга никоҳ ўқишини илтимос қилишади ва келиннинг дўстлари ҳамда қариндош-уруглари билан никоҳ тўйини ўтказадиган маъқул вақтни келишиб оладилар.

20-сугура. Кейин келин томонидаги одамларни таҳорат олишга ва зиёфатга таклиф қилишади. Бироқ улар аҳтиёт бўлмоқдари ва бирор муайян кунни айтиб зиммаларига мажбурият олмасликлари керак. Улар жўнгина қилиб “ҳамма нарсанинг вақт-соати бор” деб жавоб бермоқдари лозим...

## БАНЬ ГУ

# ОҚ ЙЎЛБАРС КОШОНАСИДАГИ ФАРОЙИБ МУНОЗАРАЛАР

## НИКОҲ

... Одамларнинг туйғулари ва ахлоқий эътиқодлари орасида эркак билан аёл ўртасидағи муносабатлардан кўра муҳимроғи йўқ. Эркак билан аёл ўртасидағи жинсий муносабатларга боғлиқ туйғулар ўртасида эру хотинлик муносабатлари давомида туғиладиганларидан муҳимроғи йўқ.

“И цзинь”да (яъни хитойларнинг “Ўзгаришлар китоби” деган классик китоби) шундай дейилган: “Само билан Замин ўзаро алоқага киришса, ўн мингта нарса майдонга келади, эркак ва аёлнинг уруглари араласи, майдонга келган нарсалар ҳёт касб этади”. ... Никоҳ расми ахлоқий эътиқодларнинг муҳимлигини таъкидлап ва одамлар қавмининг қонуний тарзида узлуксиз давом этишини таъминлаш учун жорий қилинган.

Нима учун ана шу расмга мувофиқ эркак хотин олади, хотин эса эрга тегади? Аёлга мос келадиган инъ қоидаси тубанроқдир, шунинг учун аёл киши ташаббусни қўлига олса, ярашмайди. Шунинг учун ҳам ишга Ян<sup>1</sup> қоидаси хотима ясади. Шунинг учун ҳам “Чжуань”да<sup>2</sup> шундай дейилган: “Ян куйлай бошлайди, инъ уни тақрорлайди, эркак ҳаракат қиласи, аёл унга эргашади”.

Аммо аёл киши ўз ташаббуси билан эрга тегмаганидек, эркак ҳам ўз ташаббуси билан ўйланмайди. Нима учун муқаррар тарзда ота-оналар ва совчилар ташаббускор бўлади? Хижолатпазлини қамайтириш, бузуқлик ва файри қонуний жинсий алоқаларнинг оддини олиш учун...

Эркак ўттиз ёнида уйланади, аёл йигирма ёшида эрга тегади... Никоҳ айёмида эркак улугроқ, аёл ёшроқ бўлади, Ян қоидаси эркинроқ, инъ қоидаси маҳдудроқ бўлади. Ўттиз ёнили эркакнинг суюклари ва бўғинлари анча пишган бўлади, у ота бўлишга тайёрдир. Йигирма яшар аёлнинг ҳам танаси ва мускуллари пишиб етилган бўлади ва у ҳам она бўлишга тайёрдир...

Йигирма билан ўттизни қўйса, эллик ҳосил бўлади. Бу — Буюк Кенгайиш сонига мос келади. Буюк Кенгайишдан эса ўн мингта буюм чиқиб келади... Етти — ян миқдоридир, саккиз — инъ миқдоридир. Еттини саккизга қўйса, ўн беш бўлади, инъ ва ян миқдори тўлиқ сон бўлади, шунинг учун етти билан саккиз ўзаро бир-бирига интилади. Шунинг учун “Ли цзи”да шундай дейилган: “Ўн беш ёшида қиз бола унашилади, сочи учун унга

<sup>1</sup> Инъ ва ян хитой фалсафасидаги муҳим категория бўлиб, жуфтликни (Замин ва само, эркак ва аёл, ёруғлик ва зулмат каби) билдиради.

<sup>2</sup> “Чжуань” ҳам қадимий асар бўлиб, “И цзин”га шарҳдир.

Бань Гу (мелодий 32—92 йиллар) Хитойнинг қадимги машҳур олимларидан бўлиб, мазкур рисолада Хитойнинг мелоддан аввалги III асрдан бошлаб, мелодий III асргача бўлган ҳаёти ҳақида мукаммал маълумот беради. Рисола императорга панднасиҳат шаклида ёзилган бўлса-да, унда тилга олинган масалалар умум Хитой аҳамиятига моликдир. Унинг тўқизинчи боби никоҳ масалаларига бағишлиланган. Бу бобдаги айрим фикр ва мулоҳазалар ҳатто XX асрга қадар ҳам хитойлар ўртасида амал қилиб келган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

тўғнағич берилади ва балоғат ёшидаги номини олади”. “Ля цзи”да тилга олинган исм бериш расми инъ билан яннинг бир-бирига чин юракдан боғланиб қолиш фурсатидир.

Аммо баъзизда айтишадики, эркак кишида йигирма беш ёшида кўнгил ишқибозлиги пайдо бўлади, бу инъ билан боғлиқ мулдатидир. Негаки, ўзининг табиятига кўра ян эркинроқ, инъ эса маҳдуadroқдир. Ўттиз сонининг таркибида учта ўн йиллик давр бор. Тоқ учлик — яннинг муддатидир. Йигирма сонининг таркибида иккита ўн йиллик давр бор. Жуфт-жуфтлик — иннинг муддатидир. Инъ янда кичик тугалликка эришади, инда эса катта тугалликка эришади. Шунинг учун ўн беш ёшида қиз бола учун сочига тўғнағич тақиши маросими ўтказилади, йигирма ёнда эса уни эрга берадилар.

Яннинг сони етти, иннинг сони саккиз. Саккиз ёнда ўғил болаларнинг сут тишлари тўклилади, саккиз ёнда қиз боланинг сут тишлари тўклилади<sup>1</sup>. Яннинг сонлари тоқдир, бу — уч демак. Уч карра саккиз — йигирма тўрт, унга бирни қўшса — йигирма беш бўлади. Иннинг сонлари жуфт бўлади, бу — икки. Қиз бола ўн тўрт ёшида жинсий балоғатга этишиади, ўнга бирни қўшса, ўн беш бўлади. Шунинг учун уни ўн беш ёшида унашадилар.

Ҳар қайси муддатта бир сонини қўшмоқ керак, бу бир ҳар икки томоннинг ишқ-муҳаббат ишларида бутун диққат-эътиборларини бор одам устида жамлаганларининг рамзидир. Ишқ-муҳаббат нима учун зарур? Бузуқчилик ва гайри қонуний жинсий алоқалардан фориф бўлмоқ учун зарур.

“Ли цзи”га мувофиқ, қиз бола ўн беш ёшида унашилмоғи керак. Фол кўриш йўли билан никоҳ маросимини охирига етказадиган нашидали кунни белгилаш муносабати билан, куёв билан келиннинг шахсан учрашидиган фурсатини аниқлаш шарафига куёвнинг оиласи томонидан совға сифатида юбориладиган ёввойи гоздан фойдаланадилар. Музокаралар битгандан сўнг эсағоз эмас, бир-бирларига қора ва қизил илоҳи тўпларини ва буғи териларини совға қилишади.

Фознинг совға қилиб таъланнишига сабаб шуки, керакли вақтда у жанубга учеб кетади ва кейин муддатни бузмаган ҳолда шимолга қайтади. Куёв ҳам шунга ўхшаб бехуда ваъдлар билан қизнинг вақтини бекорга кетказмайди. Фознинг совға ўрнида таъланнишига яна бир сабаб шуки, фозлар галаси учеб бораётганда чиройли занжирга ўхшаган бўлади, ерга қўниб дам олишаётганда ҳам тартибли қаторларини бузишмайди: бунинг маъноси шунақаки, никоҳ маросими вақтида катталар билан кичиклар бирорларнинг ўринларини эгалламасликлари керак, балки уларнинг ҳар қайсилари ўз рутбаларига мувофиқ жойда турмоқлари жоиз...

Нима учун ҳамма — оддий хизматчидан тортиб императоргача никоҳ маросимида келинни унинг уйи олдида шахсан кутиб олишади ва унга совға-салом топширишади? Чунки шу тариқа ян иннинг ёнига келади. Қизнинг кўнглини ўзига мойил қилмоқ учун келинга ўз қалбини шахсан очиб кўрсатишади.

Куёв келинни кутиб олади, у билан бирга никоҳ аравасида фиддирак уч бора айлангунча йўл юради ва шундан кейин ерга тушади. Бу чоғда у келинга қўзининг қирини ташлайли, холос, шу йўл билан юрагининг ҳаприқишига йўл қўймайди. “Ли хунъ цзин”да шундай дейилган: “Меҳмон уйга шимол томондан киради, икки марта ергача эгилиб таъзим қилади, фозни тухфа этади, зинадан тушади-да, ҳовлидан чиқиб кетади. Хотини эса ичкаридан чиқиб келади”. Ичкаридан чиқиб у гарб томондаги зинадан тушади ва никоҳ аравасига кўтарилади: Куёв келинга аравага чиқишига кўмаклашади.

Узатилаётгани учун ўтган авлод-аждолларнинг руҳларига ҳурматан қизнинг оила аъзолари авлод-аждоллар ибодатхонасида ҳаммага хабар қиладилар. Чунки на факат келин, балки унинг ота-оналари ҳам авлод-аждолларини бўлиб ўтаяётган воқеалардан огоҳ қилмасдан ўз билганларича иш юритишга журъат қилолмайдилар. “Ли цзи”да шундай дейилган: “Уйланиши тўйи табриклар учун баҳона бўлолмайди, чунки бунда авлодларнинг алмашуви ҳақида ган боради, холос”.

<sup>1</sup> Хитой анъаналарига кўра янги туғилган чақалоқ салкам бир ёнда деб ҳисобланади — ҳомила вақти ҳам ёнга қўшилади.

Күёвнинг авлод-аждоллари ибодатхонасида тўй ҳақида дарҳол хабар қўлмайдилар, чунки ҳозирча вазият аниқ эмас. Келиннинг отаси ҳам никоҳ маросимишнинг вақти ҳақидаги саволга аниқ жавоб беришга журъат қилолмайди. Фақат ёш келин күёвнинг хотини сифатида унинг оиласида уч ой умр кечиргандан кейингина авлод-аждоллар ибодатхонасидаги қурбонликларда иштирок этиши мумкин ва шу тариқа у оиласидан янги аъзоси сифатида таниширилади... Уч ой бир фаслнинг муддати, бу вақт ичидаги ҳамма нарса балоғатга эришади ва инсондаги яхши хислатлар ҳам, ёмон хислатлар ҳам намоён бўлади. Фақат шундан кейингина хотин күёвнинг авлод-аждоллари ибодатхонасидаги маросимда иштирок этишига ҳақли бўлади. Їзэн Їзи шундай деган: — “Баҳорнинг иккинчи ойида уйтаниш ва никоҳ масалалари билан шуғулланувчи амалдор эркаклар ва аёлларни ҳузурига йиғиб, ўттизга кирган эркакларга уйланишини, йигирмага кирган аёлларга эрга тегишини буоради”.

Эри ҳар қанча ёмон қилиқлар қилмасин, хотини уни ташлаб кета олмаслигининг сабаби шундаки, ҳар қандай шароитда ҳам Ер Самодан узоқлаша олмайди... Фақат ахлоқ қонунлари жуда қўпол тарзда бузилгандагина — эр хотиннинг ота-оналарини ўлдириб қўйса ёхуд ғалаён ва исёнларда иштирок этсагина бунга йўл қўйилади, чунки булар хотинга эрни ташлаб кетишига йўл қўядиган жуда оғир жиноятлар ҳисобланади...

... Нима учун у атиги бир марта уйланади? Бузуқликка йўл қўймаслик ва эҳтирос денгизга ботиб кетиб, унда гарқ бўлмаслик учун. Ҳукмдор бир марта уйланади: у иккинчи марта уйлана олмайди. Нима учун ҳар бир асосий хотин билан никоҳ унинг синглиси ва жияни билан никоҳ ила хотималанади? Аёллар рашикининг олдини олмоқ учун: улардан бири ўғил кўрса, учковлари ҳам худди ўзлари ўғил кўргандай баравар хурсанд бўлишади.

Нима учун у бир йўла асосий хотиннинг иккита синглисига уйланиб қўяқолмайди? Бошқа уруғларни ҳам тарқатмоқ учун. Нима учун хотинларни учта ҳар хил давлатдан олади? Қариндош-уруғчиликни кенгайтириш йўли билан авлодларини кўпайтириш учун. Бир давлатдан чиққан аёлларнинг ўзаро ирсий яқинлиги фарзандсизликка олиб келиши мумкин деб хавотир қилинади.

Нима учун уйланаётганда тошибақага қараб фол кўрадилар? Аёлнинг яхши сифатлари, фазилатлари ва нуқсонлари ҳақида гапиришади...

Ахлоқ қоидаларига ҳурматан ва фаҳшнинг олдини олмоқ учун фамилияси айнан күёвникига ўхшаган қизга уйланмайдилар. Феълу атворлари ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларнига ўхшаб қолишидан уяладилар... Онанинг яқин қариндошларига ҳам уйланмайдилар...

Нима учун вазирлар ва олий рутбалик мансабдорлар битта хотинга уйланиб, яна иккита канизак олишиади? Уларнинг фазилатларига эҳтиром юзасидан ва авлодни давом эттирмоқ учун... Нима учун хотиннинг жияни ва синглисига уйланиб, никоҳни хотималаб қўяқолишимайди? Чунки улар бори-йўғи юзини шимолга ўтирган фуқаролар, холос<sup>1</sup>, императорга нисбатан тубандирлар ва бошқа инсон уруғини қуритмоқ учун етарли обрў-эътиборга эта эмаслар... Нима учун оддий хизматчи битта хотинга уйланиб, битта канизак олади? Чунки у рутбасига кўра вазирлардан ва олий рутбалик мансабдорлардан қўйи туради.

Агар бош хотин эрининг ҳузурига отланган бўлса-ю, йўлда қазо этиб қолса, нима учун унинг ўрнини унга ҳамроҳ бўлиб бораётган хотинлардан бири эгаллайди? Ҳукмдор иккита марта уйланмоғи мумкин эмас, само ҳукмидан эса қочиб қутилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам у бир йўла тўққиз хотинга уйланади...

Баъзан шундай дейишади: “Мабодо бош хотин қазо қилиб қолса, унинг ўрнига бошқа бош хотин тайинламайдилар”. Мерос масалалари билан боғлиқ жиноятларга йўл қўймаслик учун бош хотиннинг иккита бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолларда канизак ёки иккинчи даражали хотин марҳуманинг ўрнига ота-боболар ибодатхонасида қурбонлик келтиришлари мумкин, бироқ улар билан никоҳ маросимини ўтказиш манъ этилади. Канизаклар бош хотин мавқеи даражасига кўтарила олмайдилар.

<sup>1</sup> Юзини жанубига қаратмоқ — император турқининг рамзи. Фуқароларнинг ҳаммаси юзини унга қаратмоқлари, яъни юзини шимолга ўтиргмоқлари керак.

Цзэн-пзи сўрайди: “Агар никоҳ маросими учун қулай кун белгиланган бўлса, совфасаломлар топшириб бўлинган бўлса-ю шу чоғда келиннинг ота-оналаридан қайси бирлари вафот этиб қолса, нима қилмоқ керак?” Конфуций жавоб беради: “Куёв одам юбориб, келинга таъзия изҳор қиласи. Агар куёвнинг ота-оналаридан қай бирлари вафот этиб қолса, келин одам юбориб таъзия изҳор қиласи... Дафн маросимлари ўтиб бўлгач, никоҳдан воз кечишни таклиф қиласи... Келиннинг оиласи воз кечолмайди, лекин қизни бошқа одамга узата олишимайди. Аза даври тутагач, қизнинг отаси одам юбориб, музокараларни давом эттиришини таклиф қиласи. Агар куёв қизини хотинликка олишини ортиқ истамаса, унда уни бошқа одамга узатадилар. Агар қизнинг ота-оналари вафот этсалар, унда ҳам худди шундай қилинади”.

Нима учун унаштирилган қизнинг энагаси бўлади? Қизни бошқа одамнинг хизматини қилишга ўргатмоқ учун... Буни ўргатмоқ учун уч ойлик муддат кифоя қиласи. Агар қиз ҳукмдорга уч ойлик аза даражасида ва ундан яқинроқ қариндош бўлмаса, у ўз уруф бошлиқларининг ота-боболари ибодатхонасида таҳсил олмоғи мумкин. Ҳукмдор олий рутбалик мансабдорнинг каниzlаридан бирини ёки ходимининг ёши ўтиб қолган, фарзанд кўрмаган, эру хотинлик ишларида тажрибаси бор хотинини танлайди-да, уруф бошлигининг иморатида аёлларга таълим бермоқ учун уни давлат хизматига олади.

Эрга теккан аёл эрининг эмас, балки эрининг ота-оналари хизматини қилишни ўрганиди, чунки шу йўл билан эри иккови бир жон, бир тан эканини таъкидламоқчи бўлади... Эрининг хизматини ўташда эса қуйидаги маросим қоидаларига амал қиласи: хўрзининг тонгдаги биринчи чақириғи биланоқ юз-қўлини ювади ва оғзини чаяди, сочини тараб, тўғнагичини қадайди ва шундан кейингина эрига мурожаат қиласи: бу тобеин билан ҳукмдор ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Эридан ажраб қолишдан хавотир олиш — ота билан ўғил ўртасидаги муносабатларга ўхшайди. Хотин ҳар хил ишларда фойда-зарарини аниқлаётса, бу ака-укалар ўртасидаги муносабатларга ўхшайди. Имаратнинг ичидаги эри билан бир бўйра устида ўтирса, бу дўстлар ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Эри билан гаплашганда ва унга мурожаат қилганида ҳар хил иборалардан фойдаланади: шундай тартиб жорий қилинган.

Бешта ҳолда қизга уйланмайдилар: жиноятчининг оиласидан қиз олинмайди, исёнчининг оиласидан қиз олинмайди, оиласада жазога мустаҳқ қилинганлар бўлса, бундай оиласадан қиз олинмайди, ирсий хасталиклари бор оиласадан қиз олинмайди, балогатга етган қиз азадор бўлса, бундай оиласадан ҳам қиз олинмайди.

Хотиндан ажрашганда уни меҳмон учун белгиланган расм-русумлар билан кузатиб қўйилади. Баркамол эр бу ишларда ўзини авомдан кўра синчковроқ тутмоги керак...

Ци (бош хотин) деган атама нимани билдиради? Ци — бу цидир (ягона яхлитлик). Бош хотин эри билан бирга бир бутунликни ташкил қиласи. Императордан тортиб энг оддий одамгача бунинг маъноси битта. Це (канизак) — бу цедир (алоқа қилмоқ). Канизак эркак киши билан мутгасил алоқа қилмоқ учун учрашади.

Ця цюй (никоҳ) нима дегани? Йзя (эрга тегмоқ) — бу цзядир (оила). Хотин киши бошқа одамнинг оиласини ўзининг оиласи қилиб олмоқ учун эрга тегади. Цюй (уйланмоқ) — бу цюйдир (олмоқ).

Нань нюй (эркак ва аёл) нима дегани? Нань — бу жэн (масъулиятни олиш)дир. Эркак шон-шуҳратга эришмоқ учун масъулиятни ўзига олади. Нюй бу жу (мослашмоқ)дир, чунки хотин киши бошқаларнинг кўрсатмаларига амал қиласи — ўз оиласида ота ва онасининг, эрга текканида эрининг, бева қолганида ўғлининг кўрсатмаларига амал қиласи...

Зиё БУНЁДОВ

## Хоразмшоҳлар давлати

**Х**оразмшоҳлар сулоласининг асосчиси Ануштегин ёшлигига (тарихий манбаларга кўра) Гуржистонда яшаган турк қули эди. (Манбаларда уни мамлук дейилган, мамлуклар қул ҳам, ёлланма жангчи ҳам бўлиши мумкин — тарж.). Тарихчилардан Рашидиддин ва Хофизи Абрў уни ўғуз туркларининг Бекдили уруғидан деб ёзишади. (Рашидиддин, 1-жилд, саҳифа 311). Ануштегинни ёшлигига сифохсолар Иzzиддин Онар (Анор) Билги-тегин (вашоти 1098) сотиб олган ва у салжуқ султони Маликшоҳ 1 (1072—1092)нинг сарой аъёнатидан бири, султон ҳовузлари ва ҳаммомлари ашёларининг хазиначиси — таштдорлик мансабида эди.

Таштдорлик мансабига султон жуда ишончли одамларини тайинлар эди ва кўп ўтмай Ануштегин султоннинг яқинларидан бири бўлиб қолди. Таштдорлик (учун зарур харажатлар у замонда Хоразм вилоятидан келиб тургани учун султон Маликшоҳ хос, яқин одами Ануштегинни Хоразм мутасаррифи мансабага тайинлаб, унга Хоразм шихнаси (раиси, қатъя бошлиғи) унвонини берган эди. (Жу-

вайний, 1-жилд, саҳифа 278). Бу вақтда султон Санжарнинг ўғли, Маликшоҳ 1 га тобе мамлук Экинчи ибн Кўчқор Хоразм ҳокими эди. У бир неча йиллар давомида Марказий Осиёда юз берган сиёсий воқеаларда фаол қатнашди. Шунинг учун ҳам Хоразм шихнаси Ануштегин у вақтда Хоразмда ҳокимият ишларига аралаша олмасди.

Султон Барқёруқ (1094—1104) замонида Салжуқлар салтанатининг шарқий вилоятлари Хуросон амири Додбек Хабаший ибн Олтинтош кўл остида эди. У салжуқийлар сулоласи вакилларининг ўзаро низолари ва урушларидан усталик билан фойдаланиб, 1097 йилда салжуқлардан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришди. Шу йили Ануштегин вафот этди. Хуросон хукмдори Додбек Хабаший (унинг отаси Олтинтош султон Маҳмуд Фазнавийнинг яқин амирларидан бўлиб, Хоразмни бошқариб турган эди — тарж.) мансабдан четлаштирилган Экинчи ибн Кўчқор ўрнига Ануштегиннинг ўғли Кутбиддин Муҳаммадни Хоразм волийси қилиб тайинлади. У Хоразм муқтоси (иктось эгаси) бўлди ва Хоразмшоҳ лақабини

Русчадан  
Маҳкам  
МАҲМУДОВ  
таржимаси.

Озарбойжонлик атоқли тарихчи олим, академик Зиё Бунёдов қаламига мансуб "Хоразмшоҳлар тарихи" китоби Туркистон халқлари тарихининг 140 йиллик даврини қамраб олади. Мовароуннахрда вужудга келиб, Буюк салжуқлар давлати ва Бағдод халифалигини ларзага солган, босқинчи қорахитойлар давлатини тор-мор келтирган, сўнгги фазнавийларни ҳам ўзига бўйсундирган бу қудратли давлатнинг тарихи, сиёсий-иктисодий тузуми, юксак маданияти китобда асл манбалар асосида ёритиб берилади.

Эътиборингизга асарнинг айрим бобларини ҳавола этамиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

(ругбаси, мартабасини) олди. (Ибн ал-Асир, 8-жилд, саҳ. 184. Абул Фидо. 4-жилд, саҳ. 124). Хоразмшоҳ Ануштегинлар сулоласининг тарихи аслида мана шу Хоразмшоҳ Қутбиддин Мұхаммаддан бошланади.

Милодий 1100 йилда салжуқ султони Барқ-әрүғ ва унинг укаси Санжар (салжуқлар салттанатидан ажралишга уринган Хуросон амири) Додбек Хабаший исёнини бостирилар ва уни орадан кўтардилар. Санжар бутун Хуросонни кўлга киритгач, Қутбиддин Мұхаммадни Хоразм ҳокимлиги мансабида муқим қолдирди.

Қутбиддин Мұхаммад отаси Ануштегин даврида Хуросон пойтахти — Марвда яхши маърифат олган, адаб ва дин илмларини ўрганганди. У Хоразм ҳукмдори бўлгач, қобилияти раҳбар сифатида уламоларга ва дин арбобларига ҳомийлик қилди. У ҳар томонлама истеъдолди одам эди. Олимлар ва дин арбоблари уни яхши кўришар, у ҳам уларни иззат-хурмат қиласди. (Қутбиддин Мұхаммад) фуқароларига адолатли бўлиб, улар ҳам уни яхши кўриб, номини азиз тутар эдилар. (Ал-Хусайн. Зубдат-ут-таворих, саҳ, 184. Ибн Холдун, саҳ, 190).

Қутбиддин Мұхаммал Хоразмда ўз мавқенини мустақамлаш учун куч-ғайрат сарфлади. У султон Санжарга ихлос ва садоқат билан хизмат қилди. Султон ҳам уни яқин кўриб, сарой аёёнларининг турли ҳужум ва иғволаридан ҳимоя қилди. Бир куни Қутбиддин Мұхаммад бошиқа ёққа кеттанида (салжуқлар душмани) марҳум Экинчи ибн Кўчкорнинг ўғли Мұхаммад ибн Экинчи — Тўғрултегин кўчманчи туркий қабилалардан иборат лашкарни билан Хоразмга ҳужум қилди. Бундан хабар топган Қутбиддин Мұхаммад султон Санжар ҳузурига чолар юбориб, ёрдам сўради. Аммо султоннинг мадад кучлари етиб келгунича, Қутбиддин ўз кучлари билан ёв лашкарини Хоразмдан кувиб чиқарди. Бу воқеа ҳам Хоразмшоҳ Қутбиддиннинг обрўсини султон Санжар назаридага янада зиёда этди.

Хоразмшоҳ Қутбиддин Мұхаммад салжуқларининг олий ҳокимият учун ўзаро курашида ҳам фаол қатнашди. Ҳижрий 513 йил жумадул аввал ойининг 2-куни (милодий 1119 йил 11 август)да Сова шаҳри яқинидаги султон Санжар қўшинлари султоннинг таҳтга даъвогар жияни султон Мұхаммад ибн Маҳмуд (бу султон Барқ-әрүғнинг ўғли бўлса керак — тарж.) қўшинлаши ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жантда сул-

тон Санжар галаба қозонди. Хоразмшоҳ Қутбиддин Мұхаммад султон Санжар тарафида жанг қилиб, галабага муносиб ҳисса қўшган эди.

Султон Санжар (у 1118 йилдан бошлаб халифаликдан Буюк султон унвонини олган эди) Самарқанд ҳокими, қораҳонийлар султони Мұхаммад Арслонхон (1102—1130)га қарши уруши бошламоқчи бўлганида, Мовароуннаҳр аҳолиси (уламо ва дин арбоблари) Хоразмшоҳ Қутбиддинга мактуб ёзиб, бу низони бартараф этишда ёрдам сўрадилар. Ана шу вақтда Қутбиддин Мұхаммад халқ илтимосини инобатга олиб, султон Санжар билан Арслонхон ўртасидаги низони тинч йўл билан ҳал этишга эришди. Бу воситачилик муввафқақияти ҳам Хоразмшоҳнинг обрўй ва куч-кудрати нақалар ортганлигидан далолат беради.

Тарихий ёдгорликларда хоразмшоҳнинг унвони “Подшоҳ Қутбид — дунё вад-дин Абулфатҳ Муъин Амирал-мўминин” (“Дунё ва дин кутби, Фалабалар отаси, Мўъминлар амирининг ёрдамчиси”) деб ёзилиши ҳам хоразмшоҳнинг обрўйи баланд эканидан шоҳидлик беради. Сўнгти лақаб (Мўъминлар амирининг ёрдамчиси) Бағдод халифаси томонидан султон Санжар руҳсатисиз берилган бўлса керак.

Қутбиддин Мұхаммад 30 йил давомида Хоразмда ҳукмронлик сурди. У вафотигача (1127) султон Санжарга содиқ фуқаролигини изҳор қилиб, султон хазинасига хирож, ўлпонларни ўз вақтида тўлаб турди (бу хирожларни Қутбиддин Мұхаммад ўзи ёки ўғли Алоиддин Мұхаммад Отсиз орқали етказиб берар эди). Бу билан хоразмшоҳ султон Санжарнинг олий ҳукмдорлигини эътироф қиласди. Шу садоқати учун ҳам султон Санжар хоразмшоҳ Қутбиддин Мұхаммаднинг вафотидан сўнг Хоразмшоҳлар тожу таҳтини унинг ўғли Ал-Малик Абу Музаффар Алоиддин Жалолиддин Отсизга топширди.

Алоиддин Отсиз отасининг таҳтига ўтирганида 29 ўнда эди. У ҳам отасига ўхшаб, султон Санжарнинг пойтахти Марвда яхши таълим олди. Отсиз мусулмонлар подшоҳи сифатида ислом динига ва илоҳиёт олимларига ҳомийлик қилишдан ташқари, турли фанлар ва санъат аҳлини қадрлар, ўзи ҳам форсча қасида ва робоийлар ёзар, жуда кўп буюк шоирларнинг байтларини ёддан билар эди. У Хоразм аҳолисига ғамхўр бўлиб, адолатли подшоҳлик қилди. Бир манбада айтилишича,

фуқаролар хоразмшоҳ Отсизни яхши кўрар, унинг “замонида фуқаролар хавф-хатардан мутлақо ҳоли, тинчлик ва осойишталиқда, адолагдад яшади”.

Алоиддин Отсиз жасур саркарда эди, жангларда толеи кулиб бўқарди, султон Санжар хизматида жуда кўп фалабаларга эришган эди. Бу билан ўз ҳомийси даргоҳида юксак иззатхурмат қозонганди. Бир марта у буюк султон Санжарни ўлимдан кутқариб қолди ва бу билан обруй янада зиёда бўлди.

Бу воқеа 1130 йилда юз берган эди (ҳижрий 524). Шу йили султон Санжар ўзига қарши исён кўттарган Самарқанд хони Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймонга қарши юриши қилди. Султон Санжар Бухорога яқинлашганида вазирлари фитна чиқариб, уни ширкор (ов) пайтида ўлдиришта қасд қилдилар. Алоиддин Отсиз овга бормаган эди. Аммо ярим кечада уйғониб кетиб, султон Санжарнинг оғир аҳволга тушганини кўнгли сезиб, отланиб, зудлик билан ёрдамга етиб борди. Худди шу пайт фитначи амирлар султонни қуршаб олган, у чорасиз аҳволда қолган экан. Шу заҳоти Отсиз фитначиларга ташланиб, улардан султон Санжарни кутқариб қолди. Султон Санжар кейинроқ хоразмшоҳдан “Фитначиларнинг ишидан қандай хабар топдинг?” деб сўраганида, у: “Тушимда султон ов пайтида фалокатга учраганини кўрдим ва тура солиб, бу ёқса етиб келдим”, — деб жавоб берган эди.

Султон Санжарнинг барча ҳарбий юришларида Отсиз унинг ёнида бўлган. Султон бошқа бир жияни — Масъуд ибн Муҳаммад Топар (1133—1152) билан жанг қилганида Отсиз Салжуқлар қўшинининг жавонгори — чап қанотига қўмондонлик қилган эди. Султон Санжар ва Масъуд ўргасидаги бу жанг ҳижрий 526 йилнинг 8-ражабида (1132 йил 26 майда) Ҳамадон яқинидаги Дой-Марг деган мавзеда юз берган ва Султон Санжар фалабаси билан туѓаган эди. (Бу воқеалар Садриддин Али ал-Хусайнининг “Зубдат ут-таворих” ва “Тарихи фи ахбор ас-Салжуқия” асарида кенг ёритилган — тарж.)

Худди шу вақтларда, ҳалифа Мустаршид замонида (1118—1135) Бағдод ҳалифалиги билан хоразмшоҳлар ўргасида доимий алоқалар ривожланди. Ҳалифа салжуқийларнинг кучайиб кетишидан хавфсираётган эди. Хоразмшоҳ Отсиз бу кураща унга иттифоқчи бўли-

ши мумкин эди. Шу иттифоқни тузиш ва кучайтириш мақсадида ҳалифа Мустаршид ҳижрий 528 (милодий — 1133) йили хоразмшоҳга этчилар билан фахрий кийим-кечаклар юборди (Иbn ал-Жавзий).

Қимматбаҳо кийим-кечаклар совға қилиш билан ҳалифа хоразмшоҳ Отсизнинг салжуқ султони Санжарга қарши курашини қўллаб-куватлашини билдириди. Буюк султон Санжарнинг саройида ҳам хоразмшоҳнинг обрўйи шу қадар баланд бўлиб кетдики, буни кўролмаган маликлар ва амирлар Отсиз атрофида турли иғволар тўқиб, султон билан унинг орасини бузишга уриндилар. Султон Санжарнинг муомаласи ўзгариб қолганини Отсиз ҳам сезиб турарди. Бу нарса айниқса газнавийлар подшоҳи Баҳромшоҳнинг султон Санжарга қарши ишёни вақтида (ҳижрий 529 йил, зул-қаъда, милодий июль-август 1135 йил) яққол сезилди.

Хоразмшоҳ Отсиз султон Санжар фармони билан Балх қалъасининг кутволи (коменданти) бўлиб турган эди. Султон Санжар қўшини билан Балхга етиб келганида Отсиз бу лашкарни озиқ-овқат билан, отларини ем-ҳашак билан таъминларди. Султон Санжарнинг бу келишида хоразмшоҳ ўз юртига (Хоразмга) кетишига рұхсат сўради. Султон унинг тилаги-ни инобатга олди.

Отсиз Балх қалъасидан чиқиб кетиши билан султон Санжар вазири вузароларига қараб, “Бу одамни энди бошқа кўрмайман” деди. Шунда аъёнлари султондан: “Ундей бўлса, не учун уни Хоразмга қайтишига рұхсат этдингиз?” деб сўрадилар. Султон Санжар: “Бу одамнинг Давлатимизга қилган хизматлари бор, бу одамнинг олдида бурчлимиз, унга зиён-закмат етказиш ҳимматли ва муруватли табиатимизга тўғри келмайди”, деди. (Жувайний, 1-жилд, Мирхонд, 4-жилд.).

Хоразмшоҳ Отсиз ўн йил (1128—1138) давомида ўз ҳокими — Буюк салжуқ султони Санжарга сидқидил билан хизмат қилди, у билан жанг қилиш ёки унга қарши чиқишини хаёлига ҳам келтирмади. Бироқ ана шу ўн йил давомида Отсиз мамлакатнинг ичкари томонларини мустаҳкамлаб, куч тўплади. Ниҳоят, у ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш учун кучи етишига ишонч ҳосил қилди. У сарой аъёнлари ва амирларига Санжарга хизмат қилишдан воз кечишини маълум қилганида, улар унинг фикрига қўшилдилар ва хоразмшоҳ эса ўз максадини амалга ошира бошлади.

Санжарнинг бошқа тобелари каби, хоразмшоҳ Отсиз ҳам Хоразмга ёндош кофир турклар яшайдиган ерларга ҳужум қилиб туриши керак эди. Лекин бу ҳужум султоннинг амри билан бўлиши керак эди ва бундай ҳолда мустақил иш тутиш тақиқланарди. Бироқ хоразмшоҳ бу буйруқни инкор этиб, Салжуқийларга қарам бўлган Сирдарёнинг куйи оқимидағи туркларнинг, жумладан, Жанд шахрини эталлади ва анча шимолга сурилиб, Манқишлоқни ҳам ўз мулкларига кўшиб олди. Аслида бу Отсизнинг ўз ҳожаси Санжарга нисбатан илк мустақил ҳаракати эди.

Султон Санжар хоразмшоҳ Отсизнинг ўзбошимчалик ҳаракатидан хабардор бўлиб, бу итоатсиз ҳокимнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди ва 533 йил муҳаррами (милодий 1138 йил октябрь)да лашкари билан Хоразм тарафига юрди. Айтидан, Санжар Отсизнинг қилимишларига аҳамият бермаса, бу ўз навбатида бошқа тобеларни, Хоразмга кўшини бўлган Қорахоний ва Фазнавийларни мустақиллик сари ундаши мумкин, деган мулоҳаза юритган кўринади.

Хазорасп қальяси ёнидаги жангда Отсиз тор-мор бўлди, чунки султонга бас келишига кучи етмади ва чекиниб қочди. Унинг аскарларидан 10000 киши ўлдирилди, улар орасида хоразмшоҳнинг ўғли Отлиқ ҳам бор эди. Фарзандининг ўлдирилганини эшигтан ота қаттиқ қайғурди.

Отсиз устидан галаба қозонганидан сўнг Санжар, одати бўйича, салжуқлар мулкидаги маликларга фатҳномалар юборди, уларда итоатсиз хоразмшоҳга қарши жазо бериш учун қилган юришининг сабаблари баён этилган эди. Санжар томонидан Отсизга қўйилган айблар орасида у султондан ижозат олмасдан Жанд ва Манқишлоқда мусулмонларнинг қонини тўқди, ваҳоланки у ерларнинг аҳолиси ислом ерларининг солиқ мудофаачилари эдилар ва доимо кофирлар билан жанг қиласардилар” дейилган эди.

Хоразмшоҳ Отсизга қўйилган бу айблар султон Санжар ўзи билдирган фикрга зид келарди, чунки у 526/1132 йили Бағдодга халиф ал-Мустаршиднинг вазири Ануширвон ибн Холидга юборган мактубида Отсизнинг Жанд ва Манқишлоққа юришлари исломнинг шуҳ-

рати ва уни ёйиш учун амалга оширилгандир, деб ёзган эди. Бундан кўринадики, султон Санжар бир воқеанинг ўзини ундан шахсан ўзи учун келадиган сиёсий манфаат нуқтаи назаридан ҳар хил баҳолаган.

Яна фатҳномада хоразмшоҳ Хоразмда марказий ҳокимият манфаатларини ҳимоя қилган юқори мансабдаги бир шахсни аввалига қамаб, сўнг қатл қилганликда, Санжарнинг барча хос вакилларини асир олиб, молу мулкини мусодара этганиклида, савдогарларнинг Хуросонга олиб борадиган йўлларини беркитиб қўйганликда, Жайхундан ўтишдаги кечикда тўланадиган солиқларни султон хазинасига юборишида нуқсонга йўл қўйганликда, бу кечикларда турган Хоразм мансабдорлари мусулмон ва раиятнинг молларини талаганликларида ва ҳарамларга тажовуз қилиш ҳоллари юз берганилигида ва бошқа ишларда ҳам айبلاغан эди.

Султон Санжар Хоразмни босиб олиб, уни иктоъ<sup>1</sup> сифатида ўз жияни Сулаймоншоҳга топширди ва унга вазир, отабек, ҳожиб тайинлаб, Хоразмни, бошқариш низомларини белгилаб берди. Бироқ Сулаймоншоҳ унга ҳадя этилган мулқда ўрнашиб қололмади. Санжар 1139 йил Марвга кетиши билан Отсиз Хоразмга қайтиб келади ва аҳолининг қўллаши билан Сулаймоншоҳни ҳайдаб юбориб, бу ерда ўз ҳокимиятини қайта ўрнатиб олади.

Лекин Отсиз султон Санжар Хоразмга яна аскар юборишидан кўрқар эди, шунинг учун у бунинг олдини олиб, султонга итоат этажагини билдириди. Отсиз султон Санжарни ўзига ишонтиришга мусассар бўлди ва у Сулаймоншоҳнинг Хоразмдан ҳайдагани учун Отсизни кечирди.

Хоразмшоҳ Отсизнинг Санжар билан ярашганлиги унинг узоқни кўзловчи сиёсатчи эканлигидан далолат берарди. Бу билан у кучларини қайта тиклаш ва нафасини ростлаб олиш имкониятига эга бўлди. Ҳақиқатан ҳам бир оз муддатдан сўнг у қўшини ерларга яна ҳужумини бошлади. Биринчи ҳужумини у Журжон тарафига қилди ва мелодий 1139 йили Кабуд Жом ўлкасини босиб олиб, у ернинг испаҳбади<sup>2</sup> Алоуддавла Али ибн Шаҳриёрни ҳибс қилди.

Лашкарбошининг ўғли Шоҳ Фозий Рустам шахсан ўзи хоразмшоҳнинг қошига келиб, ота-

<sup>1</sup> Иктоъ — суюргол ҳадяси бериш.

<sup>2</sup> Испаҳбад — лашкарбоши.

сининг озод қилинишини сўради, шундан кейингина у ҳибсдан озод қилинди. Шу вақтдан бошлаб Кабуд Жом ўлкасининг бошлиқлари Хоразмшоҳларга қарам бўлиб қолди.

Бир неча ой ўтиши биланоқ Отсиз яна Санжарнинг ерига юриш қила бошлади. Ҳижрий 534 (милодий 1139) йили хоразмшоҳ Бухорога ҳужум қилиб, уни эгаллади, Санжарнинг бу шаҳардаги валийси амир Занги ибни Алини қатл этди, шаҳар қалъаси ва деворларини вайрон қилди. Қатъа икки йил давомида вайрона бўлиб ётди.

Хоразмшоҳнинг бу охирги юриши ва Бухорони забт этиши Санжарнинг Хоразмга юриш қилиб, Отлиқни ўлдиргани учун қасос олгани бўлса эҳтимол. Санжарнинг ўзи ҳам шундай деб қараган кўринади, чунки бу гал султон хоразмшоҳга қарши бирор жазо чорасини кўрмади. Шу билан бирга, Санжарнинг қайсар тобесига нисбатан бундай сусткашлигининг боиси, балки Мовароуннаҳрда ёвуз бир куч — қорахитойлар пайдо бўлганлигидар. Қорахитойлар ўша кезда Хитойдан Шарқий Туркистон орқали гарб ва шимоли-гарбга тўхтовсиз силжиб бораётган эдилар. Хоразмшоҳ ҳам ўз мулки учун ҳавфсираб, султон Санжарга тобеликка қайтишга қарор қилди ва ҳижрий 535 йил шавволи (мелодий 1141 йил маийда содиклиги ҳақида ёрлиқ юбориб, унга қарши чиқмаслигини билдириган ва бу ҳақда қаттиқ қасам ичган эди.

Хоразмшоҳ Отсиз Султон Санжарга бу маънодаги ёрлиқни юборган бўлса ҳам Санжар унинг юришларига жиддий қаршилик кўрсатмаганлигини биларди. Отсиз ўзининг жазоланмаслигига қатъий ишониб, янада дадил бўлиб, мустақиллик сиёсатини олиб борди. Ўзи танлаган йўлнинг ҳақлигига узил-кеシリш ишониш учун ўша 1141 йили Бағдолга халифа ал-Муктафийга (1136—1160) ўз одами орқали мактуб йўллади.

Отсиз ўз мактубида халифага тўла итоат этажагини билдириб, отаси Муҳаммад ибни Ануштегиннинг Санжарнинг Салжуқийлар билан қилган жиҳоли ҳамда султон Санжар уни халифага қарши чиқишга ундан, ифво қилганлиги ҳақида ҳам хабар қилган эди. Отсиз халифадан “уни Хоразм вилоятининг шарқий ҳудудидан гарбий ҳудудигача ва у Хоразмга кўшиб оладиган ерларнинг ҳамда кейинчалик унга кўшилажак мамлакат ва вилоятларнинг ҳокими” эканлиги ҳақида фармон беришни сўради.

Бир оз муддат ўтгандан сўнг хоразмшоҳ Отсиз Бағдолдан фахрли либослар ва тухфалар билан бирга барча ерларнинг султони ва тўла ҳокими эканлиги ҳақидаги фармон олди ва ўша 1141 йилдан бошлаб Отсиз ўз номи билан олтин танглар зарб эта бошлади.

Халифа ал-Муктафий хоразмшоҳ Отсиз Салжуқийларга қарши курашида ва ўзидан аввалиги халифалар ал-Мустаршид (1118—1135) ва ар-Рашидининг (1135—1136) ўлдирилганлиги учун қасос олишида ҳамкор бўлармикан, деган умидда эди, чунки ўша халифаларнинг ҳалокатида Салжуқийлар ва айниқса султон Санжар жавобгар деб ҳисобланар эди.

Отсиз султон Санжарга содиклиги ҳақида ёрлиқ юбориш билан аслида унга бутунлай итоат этмоқчи эмас эди. У узоқни кўрувчи сиёсатчи бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудларидағи аҳволни анча яхши англаб олган ва тез орада Санжарга тобе бўлишдан қутилажаги ҳамда бутунлай мустақил бўлажагига кўзи етар эди. Унинг режаси тўғри бўлиб чиқди, чунки Ўрта Осиёда султон Санжарнинг кучли душманлари: аввалига қорахитойлар, кейин ўғузлар пайдо бўлди. Ибн ал-Асирининг айтишига кўра, хоразмшоҳ Мовароуннаҳрдаги қорахитойларни султон Санжар давлатига ҳужум қилишга даъват этган.

Қорахитойлар билан биринчи тўқнашув 522/1128 йили Кошгарда юз берган эди. Лекин бу хуруж Санжарнинг амири, Кошгар хони Аҳмад ибн ал-Ҳасан томонидан даф этилади. Бироқ қорахитойлар Мовароуннаҳрга кўпши ерларда ўрнашиб олиб, қирғиз ва уйғурларни бўйсундирдилар-да, янада кучайиб олиб, 531/1137 йили Мовароуннаҳрга яна ҳужум қилишга журъат этдилар. Самарқанд хони Маҳмуд ибни Арслоншоҳ уларга қарши чиқиб, Хўжанд яқинида енгилади ва Самарқандга қочади. Тарихчининг айтишига кўра, бундан кейин “аҳоли бошига кулфат ва хавфу хатар чанг солди, улар қўрқув ичиди кейин нима бўлишини кутар эдилар”.

Самарқанд хони ёрдам сўраб султон Санжарга мурожаат этди. У эса дарҳол қорахитойлар ва қарлуқлар билан жангта ҳозирлик кўра бошлади, чунки бу кейингилар қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга келишида асосий айборлар эдилар. Улар Самарқанд хонининг тобелари бўлишига қарамай, унга қарши қўзғолон кўтартган, сўнг ҳарбий ёрдам сўраб қорахитойларга мурожаат этган эдилар. Бу замин-

га суқулиб кириш учун қорахитойларга шунинг ўзи кифоя эди.

Султон Санжар хоразмшоҳ Отсизнинг қасамёдига инониб, сўл қанотидан хотиржам бўлди-да, олти ой қорахитойларга қарши жангта ҳозирлик кўрди. Султон Санжарга тобе бўлган барча ҳокимлар бу жангта жалб этилди. Булар Сеистон, Фур, Фазна ва Мозандарон ҳокимлари бўлиб, шу тариқа юз минг кишилик лашкар тўпланди.

Ҳижрий 535 йил зулҳижжа (мелодий 1141 йил июл)да Санжар лашкари билан Моваро-уннахрдан юриш бошлади. У Самарқанд хонининг шикояти билан аввало қарлуқларни жазолашга қарор қилди, бироқ қарлуқлар қорахитойлар гурхони<sup>1</sup> Елуй Ташийнинг (1124—1143) паноҳига қочдилар.

Гурхон мактуб билан Санжарга мурожаат этиб, қарлуқларга зарар етказмаслик, уларни таъқиб этмаслик ва гуноҳини кечиришини сўраган эди. Газабланган Санжар ўз жавобида гурхондан исломни қабул этишни талаб қилди. Санжар дўй қилиб, агар қорахитой ҳокими рад этадиган бўлса, султоннинг ҳужумига дуч келажагини, ўз аскарларининг умумий сонини, уларнинг қурол-аслаҳалар ишлатишдаги маҳоратини ҳам эслатган эди. Санжар ҳатто аскарлари қилни ўқ билан иккига ажратা олишларини ёзган эди. Вазир Насириддин Тоҳирнинг (маҷхур Низомулмулкнинг набираси) эътиро-зига қарамай, бу мактуб гурхонга юборилди.

Гурхон мактубни ўқиб чиқиб, элчининг соқолини олишини, сўнг унинг қўлига игна бериб, соқолининг бир тукига уни санчишини буюрди. Лекин элчи бу ишни қила олмаганидан кейин, гурхон: “Сен ҳатто игна билан соқолингнинг бир тукини теша олмасанг, у ҳолда бошқалар қандай қилиб камон ўқи билан қилни иккига ажратা олади?” — деди.

Хитой манбаларининг хабар беришича, гурхоннинг ҳам юз минг кишилик лашкари бўлиб, улар турклар, хитойлар ва қорахитойлардан иборат бўлган. Икки душман ўтасидаги жанг ҳижрий 536 йил сафар ойининг 5-куни (мелодий 1141 йил 9 сентябр)да Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида юз берди. Айниқса қарлуқлар Санжарга қарши ашаддий жанг қилдилар. Унинг лашкари тўла мағлубиятга учради, ўзи олтита отлик билан қочишига мусассар бўлди. Фақат Дарғом сойининг ўзида Санжарнинг 10 минг аскари ҳалок бўлди.

Буюк султон лашкарининг тор-мор этилиши Салжуқийларнинг бутун Шарқдаги обрусига қақшатқич зарба берди, хоразмшоҳ Отсиз эса бундан ўз мулкини кенгайтириш маҳсадида дарров фойдаланди. Санжар енгилганидан бир ой ўтмасиданоқ хоразмшоҳ Хурносонга юриш қилди ва ҳижрий 536 йил рабиъул аввалининг боши (мелодий 1141 йил октябри)да Сараҳсни босиб олди. Бу ерда у ҳеч қандай қарипиликка дуч келмади. Шаҳар аҳли номидан хоразмшоҳни имом Али Муҳаммад аз-Зиёдий табриклиди. Отсиз эса унга иззат-хурмат кўрсатди. Ўша ойнинг ўн етгингчиси (мелодий 1141 йил 21 октябр)да Отсиз Марвни босиб олди, лекин бу ерда қарипилик кўрсатилганлиги учун шаҳар аъёнларидан бир қисмини қатл қилдирди. Сўнг у султон Санжарнинг таҳтига ўтириб, султон хазинасидаги сандиқларни туғроси билан муҳрлатди ва уларни ўз ватанига жўнатди.

Бу хабар тарихчи Садриддин ал-Хусайнининг талқинида етиб келган. Лекин бошқа манбалар уни бир оз тўлдиради.

Хоразмшоҳ Отсиз аскарлари билан Марвга яқинлашиб келганда унинг қаршисига имом Аҳмад ал-Боҳарзий чиқдан. Хоразмшоҳ шаҳар четидаги ўрдада бўлиб, Марв аҳолисига унинг барча талабларини бажаришлари ва амалдорлари шаҳарга борганида уларга қаршилик кўрсатмасликлари шарти билан уларга омонлик беришга кўнади. Лекин хоразмшоҳ Марвнинг айрим аъёнларини, жумладан машҳур ҳанафий фақиҳ Абулфазл Кермонийни гаровга топширилишини талаб этганида шаҳар оммаси қўзғолон кўтариб, хоразмшоҳнинг бир неча одамини ҳалок қиласи, қолгањларини эса Марвдан ҳайдаб чиқариб, шаҳар дарвозаларини беркитиб оладилар ва Отсизга бўйсунидан бош тортадилар. Шунда Хоразмшоҳ разабланиб, шаҳарга куч билан киради ва аҳолини қирғин қиласи. Марвнинг қатл қилинган аъёнлари орасида шофе мазҳабидаги имом Иброҳим ал-Марвазий, қомусий олим Али ибни Муҳаммад ибни Арслон, марвликлар қўзғолонини бошқалар Шариф Али ибни Исҳоқ ал-Мусавий ва бошқалар бор эди. Отсиз мазкур Абулфазл ал-Кирмоний, Абу Мансур ал-Аббодий, қози ал-Ҳусайн ибни Муҳаммад ал-Арсабандий, файласуф Абу Муҳаммад ал-Ҳаракий ва бошқа олимларни Хоразмга

<sup>1</sup> Гурхон — хон.

олиб кетади. Олимларнинг Хоразмга олиб кетилиши хоразмшоҳ Отсиз пойтахтни илмий марказ сифатида обрўсини кўтаришга интилаётганидан далолат берарди.

Марвни қўлга киритгандан сўнг Отсиз ўша йилнинг шавволи (1142 йил майи)да лашкар билан Нишопурга томон юзланади. Бу ерда уни шаҳарнинг руҳоний арабблари кутиб оладилар ва хоразмшоҳдан Нишопур аҳлига раҳм-шафқат этишини ва Марвдагидек вайронагарчиликлар қиласлигини сўрайдилар. Хоразмшоҳ уларнинг айтганига рози бўлади ва Оби Барйақ қишлоғидан нишопурликларга маҳсус мактуб билан мурожаат қиласди.

Мазкур нома мазмунига кўра, хоразмшоҳнинг мадади етиб турган вақтда Султон Санжар салтанатида ишлар қўнгилдагидек эди. Султон хоразмшоҳнинг ёрдамини менсимай, ундан юз ўтиргани учун у мағлубиятга учраган (яъни, Оллоҳ ҳам султондан юз ўтирган). Нима бўлганида ҳам султон Санжар Қатвон чўлида қорахитойлардан мағлубиятга учрагач, Хоразмшоҳ салжуқлар салтанати Ўрта Осиё ва Хурсонда инқизотга учрашини сезган эди. Шунинг учун Отсиз Марвга, Нишопурга, Хурсоннинг бошқа шаҳарларига ҳужумлар бошлаб, ўзини фотихдек тутди ва ҳукмдор сифатида тўла тан олинишини талаб қилди. У Нишопурни эгаллагач, масжидларда хутбада султон Санжарнинг номи тилга олинмаслигини ва Отсиз номига хутба ўқилишини талаб қилди.

Отсиз лашкарига Нишопурни талатмади, аммо султон Санжар атёнларининг мол-мулкларини (Хоразм давлати фойдасига) мусодара қилди. Бу мол-мулклар ҳам озмунча эмас эди. Ҳижрий 536 йилнинг 2-зулқаъдасида (1142 йил 29 май) Нишопурда Отсиз номи хутбада ўқилди. Аммо имом хатиблар минбарда хоразмшоҳ номига хутба ўқиётгандарида ҳалойик норози бўлиб, хатибларга ташландилар. Ҳалқ норозилиги исенга айланишига бир баҳя қолди. Лескин эҳтиёткор, оқил одамларнинг маслаҳати билан шаҳар аҳолисига бўлажак қирғинлар яхшилик келтирмаслиги тушунтирилиб, осойишталик сақланишига эришилди.

Нишопурда хоразмшоҳ номи билан хутба ўқиши атиги икки ой (537 йил мұҳаррам, мелодий 1142 йил июл ойигача) давом этди. Шундан сўнг хутбаларда яна султон Санжарнинг номи тикланди. (Ибн ал-Асир, 9-жилд).

Хоразмшоҳ Нишопурда туриб, укаси Йиналтегин кўмандонлигига Байҳақ, Фарйумад

ва бошқа шаҳарларга қўшиллар юборди, бу қўшиллар мазкур жойларни талон-торож қилдилар.

Қорахитойлардан енгилган султон Санжар Марвга қайтиб келиб. Хоразмшоҳга қарши ҳеч қандай чора-тадбир кўрмади. Чунки қора хитойлар ҳали Мовароунаҳрдан кетмаганди. Хоразмшоҳ худди шу вазиятдан усталик билан фойдалантган эди.

Хуросон шаҳарларини забт этиб қайтган хоразмшоҳ қорахитойларнинг ҳарбий кудратини эсдан чиқармай, улар билан сулҳ битими тузди. Бу битимга кўра хоразмшоҳ қорахитойларга ҳар йили 30 минг олтин динор тўлаб туриш мажбуриятини зиммасига олди.

Манбалар гувоҳлик беришича, Хоразмшоҳ Отсиз шу даврда султон Санжарга мутлақо бўйсунмай қўйди. Хоразмшоҳнинг сарой шоири ва муншийси (котиби) Рашидиддин Ватвот хоразмшоҳ ғалабаларини кутлаб қасида ёзди, унда шундай сатрлар бор эди:

Малик Отсиз олди подшоҳлик тахтини,  
Куни битди Салжуқларнинг баҳтини.

Султон Санжар лашкарининг Қатвон чўлидаги мағлубиятидан сўнг қорахитойлар гайирхони (турхони) деярли бутун Мовароунаҳрни ишғол қилди. Отсиз билан битим тузган турхон Бухоро вилояти ҳокимлигини Хоразмшоҳнинг жияни Отматегин ибн Биёбонийга берди. Гурхон Отматегинга хожа имом Тожул-Ислом Аҳмад ибн Абдулазизни маслаҳатчи вазир қилиб тайинлади (бухоролик Бурхонлар авлодидан). Бурхон буйругига кўра, имом Аҳмад Бухоро ҳокими (Отматегин)нинг боссан ҳар бир қадамини назорат қилиб тuriш, ҳоким имомининг чизган чизигидан чиқмаслиги керак эди.

Аммо хоразмшоҳнинг жияни қорахитойлар кетиши билан ўзбошимчалик қилиб Бухоро аҳолисининг мол-мулкини талай бошлиди. Шаҳар аҳолиси турхонга мактуб жўнатдилар. Гурхон Отматегинга ҳозирча кескин чора кўрмай, насиҳат қилиш билан чекланди: “Отматегинга етиб маълум бўлсинки, сен билан бизнинг ўртамиэда узоқ масофа бўлса ҳам ишларингни маъкул ёки номаъкул дегувчи одамимиз сенинг ёнингдадир. Отматегин не иш қисла, имом Аҳмад фикрига қараб иш кўриши зарур”. Аммо гурхон ҳам хоразмшоҳ Отсиз билан орани бузмаслик учун (ва ҳар йили

оладиган 30 минг олтиндан қуруқ қолмаслик учун — тарж.) Бухородаги ноибига танбек бериш билан чекланиб турди.

Табиийки, султон Санжар Хоразмшоҳнинг салжуқлар вилоятларига ҳужум қилиб, хазинасини кўлга туширганини кечирмаган ва ундан ўч олиш режасини тузайтган эди. Султон Санжар қолган қўшинлари билан Марвга қайтиб келиб, ўз гозийларини тўплаб, уларга иззат либосларидан ва ташрифот-мукофотларидан ташқари яна уч миллион динор пулни улашиб берди ва катта қўшин билан Хоразмшоҳга қарши юриш бошлади (Ал-Хусайнин. Зубдат-ут-таворих. саҳ. 95.).

Бу султон Санжарнинг хоразмшоҳ Отсизга қарши иккинчи юриши эди. Унинг қўшинлари хоразмшоҳ пойтахти Гурганжни куршаб олдилар. Гурганж қалъаси жуда мустаҳкам эди. Хоразмшоҳ султон қўшинларига қарши очик жанг қилишга кучи стмаслигини билиб, шаҳардан ташқарига чиқмади. Султон Санжарда ҳам шаҳарни тез эгаллашга қодир куч етишмас эди. Шунга қарамай, салжуқ жангчилари нинг айрим фавжлари (отрядлари) шаҳар мудофаасини ёриб, ичкарига кирган эдилар. Аммо уларнинг ҳужумини турганжликлар мардона қайтариб, шаҳардан қувиб чиқарадилар. Агар султон Санжар қатъириқ жидду жаҳд қиласа, шаҳарни эгаллаши мумкин эди.

Хоразмшоҳ буни тушунгани учун аввалорк тараффуд кўриб, султон Санжарнинг (таслим бўлишини таклиф қилиб келган — тарж.) амирларига ноёб совға-саломлар бериб, узроҳдик ва омонлик сўради. Султон Санжар хоразмшоҳнинг узрини қабул қилди. Отсиз султонга салжуқлар давлати хазинаси бўлган сандикларни ва султонлик тўғросини (муҳрини) қайtarib юборди. Шундан сўнг хоразмшоҳ отига миниб, шаҳар дарвозасидан чиқди ва дарёнинг ўнг соҳилида султон Санжар рўбарўсида тўхтаб, отидан тушди, таъзим билан ер ўпид, унинг шартларини қабул қилди.

Султон Санжар (сулҳ тузиб) пойтахти Марвга қайтиб келдию, Хоразмшоҳ жим ўтираслигини англади. (Кейинги ҳодисалар) хоразмшоҳнинг султонга бўйсуниш нияти йўқлигини кўрсатди. Султон Санжар шу туфайли (хоразмшоҳнинг ҳар қадамини кузатиб, унинг хатти-ҳаракатлари ҳақида ахборот бериб туриши учун Гурганжга ўз номидан атоқли шоир Адид Собир (Термизий)ни доимий вакил қилиб юборди.

Бир вақт Адид Собир Хоразмшоҳ Отсизнинг маҳфий режасини билиб қолди. Отсиз султонга сүиқасд қилиш учун икки исмоилий (фидойи)ни юборганини англади ва бу ҳақда зудлик билан султонга хабар йўллади. Марвда иккала фидойи исмоилийни тутиб олишида ва қатл этишиди. Отсиз маҳфий режаси фош бўлишида Адид Собирни айбордor деб билиб, (уни жосусликда айблаб), қўл-оёғини боғлаб, Амударёга чўктириб юборди (Жувайнин, 1-жилд; Мирхонд, 4-жилд).

Султон Санжар хоразмшоҳга (танбек тарикда) таҳдидли мактуб жўнатди. Аммо Отсиз ҳам бўш келмай, султонга машҳур бўлиб кетган байтлари билан жавоб берди:

Елдай учса султон тулпори,  
Ортда қолмас менинг саманим.  
Келсанг бу ён, мен боргайман у томон,  
Султон учун торлик қилмас бу жаҳон.

*(Равандий, 1-жилд).*

1145 йилнинг сентябрь ойида хоразмшоҳ Отсиз саман отида “у томон”га йўл олди: Жанд ва Сирдарё бўйларидаги бошқа шаҳарларни эгаллаш учун жўнади. Қизилқумни шиддат билан кесиб ўтган хоразмшоҳ Сирдарё соҳилидаги Жандга етиб келди. У Жандни деярли жангсиз, қон тўкмай ишғол қилди. Хоразмшоҳ Жандни эгаллаши, “куффор” (кофирлар) устидан ғалабаси шарафига турли вилоятлар (ҳукмдорлари, ҳокимларига)га фатхнома битиб юборди...

Салжуқ султони ўзига тобе бўлган Хоразмшоҳнинг бундай иш тутишини очиқ ҳақорат деб билди ва исёнкор хоразмшоҳни жазолашга қарор қилди. Ҳижрий 542 йил жумадул — охир ойида (1147 йил ноябрь) султон Санжар хоразмшоҳ Отсизга қарши учинчи жазо юришини бошлади. Бу сафар хоразмшоҳ Хазорасп қалъасига яширинишга қарор қилди. Султон лашкарлари қалъани куршаб олиб, манжанақлардан ўқ отиб, деворларни қулатишига киришиди. Хазорасп қалъасининг қамали икки ой давом этди, шундан сўнгтина султон Санжар қалъани ишғол қилди. Султоннинг сарой шоири, Авҳадиддин Анварий (Муҳаммад ибн Амир шаҳарни қамал қилища қатнашиб, шу муносабат билан бундай рубоий ёзган эди:

Эй, шоҳ Санжар, мулки жаҳон —  
мавжудот сенгадир,  
Тақдир ва толе ёр бўлса — коинот  
сенгалир.  
Бир ҳамла ила бу кун Ҳазораспни ол,  
Эртага Хоразму, юз минг от сенгадир.

Шоир бу рубоййни камон ўқига боғлаб  
қамалдаги шаҳар ичига отди. Ўша вақтда қальъа  
да хоразмшоҳ Отсиз қошида бўлган дониш-  
манд шоир Рашидиддин Ватвот бу рубоийга  
жавобан қўйидаги байтни ёзиб, сulton Сан-  
жар қарортоҳи тарафга отдилар:

Эй, шоҳ (Отсиз), ёвинг Рустам каби  
зўр бўлса, бешак,  
Сенинг Ҳазор аспингдан ололмагай  
ҳатто бир эшак.

Сulton Санжар Ҳазораспни эгаллагач,  
шоир Рашидиддин Ватвотни узоқ вақт қидир-  
тириди. Аммо шоирни (атайлаб) сultonнинг  
жаҳли босилганидан кейин топиб келишиди ва  
Санжар уни (рубоийси учун) кечирди.

(Изоҳ: Давлатшоҳ Самарқандий, “Тазки-  
ратуш-шуаро”да ёзишича, аввалроқ ҳам Ра-  
шидиддин Ватвот сulton Санжарга қарши  
бундай байт ёзган:

Мулк таҳтига келди Отсиз — ул ғазабкор  
найзабоз,  
Топди Салжуқ давлатию хонадони  
инқироз.

*(Сураймон Раҳмон таржимаси.)*

Мазкур байт ҳам сulton Санжарнинг ёди-  
да эди. Шу туфайли сulton “Агар Ватвот кўлга  
тушса чопиб, етти пора қиласман”, деган эди.  
Аммо Сulton Санжар девонининг муншийси  
ва шоҳ надими — яқини Мунтаҳабиддин Ба-  
деъий котиб ўртага тушиб, сultonнинг ғаза-  
бига сув сепиб, гапни ҳазилга буриб: “Ватвот  
дегани ўзи жуда кичик, кўзга кўринмас күш,  
уни етти пора қилиб бўлмас, буюргилки, уни  
икки пора қиссинлар” деган. Сulton бу лутф-  
дан хурсанд бўлиб, у ҳам лутф қилиб: “Уни  
икки пора қилиб ҳам ўлдирмайлик, ўзи заиф  
экан” деб, шоирнинг қонидан кечган — тарж.).

Сulton Санжар Ҳазораспни олгач, хоразм-  
шоҳ Отсизнинг пойтахти Гурганж (Урганж)га  
лашкар тортиб борди. Хоразмшоҳ сultonнинг  
қарши жанг қилишга кучи етмаслигини анг-

лаб, яна у билан ярашиш учун чора-тадбир  
излади. Сулҳ битими таклиф этиши учун (маш-  
хур) дарвеш Оху-пўщдан воситачи бўлишини  
тиладилар (Бу дарвеш кийик пўстин ёпиниб  
юрар экан). Хоразмшоҳ дарвеш Оху-пўш ёни-  
га бир қанча элчиларини ноёб совға-саломлар  
билан омонлиқ сўраб жўнатди. Сulton Сан-  
жар учинчи марта хоразмшоҳнинг гуноҳини  
кечирди. Сулҳ шартномасига кўра хоразмшоҳ  
Отсиз сulton Санжарга тобелик билдириб,  
(ўрта асрлар одатига кўра) унинг оёғи остида-  
ги тупроқни ўпиши керак эди.

Аммо хоразмшоҳ бундай қилмади. У ҳиж-  
рий 542 йил муҳаррам ойининг 12-куни (1148  
йил 2 июнь) отлиқ ҳолда сulton Санжар қоши-  
га “мұлозиматта (хизматта) келди ва отидан  
тушмаган ҳолда сultonга салом берди. Бу ҳам  
етмагандай, хоразмшоҳ сulton билан учрашув  
жойини биринчи бўлиб тарқ этди. Сulton  
Санжар Отсизнинг бу “беодоблиги”дан жаҳди  
чиқса ҳам, яқинда ўзи унга шафқат, мурувват  
қылгани учун аҳдини ўзгартиримади. Сulton  
бунга норозилик билдиримай, Марвга қайтиб  
кетди” (Жувайнӣ, 1-жилд).

Хоразмшоҳ сулҳ шартномасига кўра, сultonнинг  
газабини келтирмаслик учун тавба-  
тазарру қилиб, мактуб юборди...

Бу мактуб сulton Санжарни хурсанд қил-  
ган, албатта. Аммо сulton Ўрта Осиё ва Хуро-  
сондаги (мураккаб) вазиятни яхши билар ва  
хоразмшоҳ ўзини одобли тутишига ишонар  
эди. Чунки Қатвон чўлидаги мағлубият сultonнинг  
ёдиди эди, хоразмшоҳ ҳам қорахи-  
тойларга ҳар йили хирож тўлаб туришини би-  
лар эди. Шунинг учун сulton Санжар хоразм-  
шоҳда яна танбех бериб, уни ўзига қарши қилиб  
қўйишни истамас эди. Сulton пойтахти Марвга  
қайтиб, элчилари орқали хоразмшоҳга иззат-  
икром либослари ва совға-саломлар юборди.  
Ўз навбатида, Отсиз ҳам элчиларга иззат-ик-  
ром кўрсатиб, яхши совға-саломлар билан сий-  
лаб, Марвга қайтарди.

Шу таріқа (дунё) сиёсат майдонида янги  
ва кучли давлат — хоразмшоҳлар давлати пай-  
до бўлди ва мустаҳкамланди. Энди бу давлат  
билан ўша замоннинг энг қудратли ҳукмдори  
сulton Санжар ҳам ҳисоблашишга мажбур эди.  
Ҳар ҳолда сulton Санжар нозик сиёсат юри-  
тиб, хоразмшоҳни Хуросонни босиб олишига  
уринишларининг олдини олиб, эътиборини  
бошқа ёқса қаратди. Шундан сўнг Отсиз “ши-  
моддаги аҳли куффорга қарши кўп марта ҳар-

бий юришлар қилди ва улар устидан ғолиб келди". (Жувайнин. 1-жилд.)

Ўща йилнинг ўзида (1152) амир Кўмач қўмондонлигидаги гурийлар лашкари султон Санжар қўшинини тор-мор келтириб, Балхни эгаллади. Шундан сўнг гурийлар янада кучайиб, султон Санжарга тобе бўлган қўшини газнавийларнинг мулкларини босиб олдилар. Гурийлар давлатининг бошлиғи Алоиддин Ҳусайн Фазни шаҳрини ишғол эттач, ўз давлатини мустақил деб эълон қилди. Султон Санжарга доимий тўлаб турган бож-хирожни тўхтатиб қўйди. У султон унвонини олиб, салжук султонига ўзини тенглаштириди.

Шу воқеаларнинг ҳаммаси, шунингдек, салжуқларнинг Ҳиротдаги ноиби Али Чатрийнинг хоинлик қилиб, шаҳарни гурийларга топшириши султон Санжарни ҳарбий юриш бошлашга мажбур қилди. Ҳижрий 547 йил, рабиул-аввал ойининг 17-куни (1152 йил, 24 июн)да Ҳиротнинг шарқий тарафидаги Миробод деган жойда султон Санжар Алоиддин Ҳусайн Гурий лашкарини тор-мор келтириди. Алоиддин асир олинди, аммо султон Санжар унга иззат-хурмат кўргизиб, озод қилиб юборди. Миробод жангига 30 мингдаа зиёд гурийлар ва уларнинг иттифоқчилари ўғузлар ҳалок бўлди. Бундан ташқари, гурийларнинг сара қўшинидан 6 минги султон Санжар томонига ўтиши жанг тақдирини ҳал қилган эди. Султон Санжар жангда тушган ўлжаларни, хазинасини ва мол-қўйларини Алоиддин Ҳусайнга қайтариб берди ва унга бундай дейди:

— Алоиддин, сен менинг биродаримсан! Манави мол-мулкларингни ол-да, Фурга қайтиб кетавер. Оллоҳ ёр бўлса, ўғузларни итоатга келтир, агар ғолиб келсақ, бу ўлжаларни сўраб қолганимизда қайтарарсан. Аммо аксинча бўлиб, мағлубиятга учрасак ва салтанатимиз поёнинга етиб, давлатимиз умрининг ришталари узилса, мана бу хазиналар ва уйурлар (отлар, туялар) ўзингга қолсин, (қорахитойлар билан) ўғузлар қўлига тушмасин" (Жузжоний, 1-жилд).

Кейинги ўн йиллар мобайнида султон Санжарга кўл остидаги яна бир ҳоким — Сижистон ҳокими Тожиддин Абул-Фазл ҳам душманлик йўлига ўтди. Тожиддин Абул-Фазл (хукмроғлиги 1087—1163 йиллар) гаройиб баҳодир султон Санжарнинг арзандаси, (Қатвон жангига у султоннинг ҳётини асраб қолган — З. Б.) барча урушларда султоннинг айрилмас сафдоши эди.

Султон Санжар гурийларга қарши юриш бошлаганида Тожиддин Абул-Фазлдан қўшинидан ёрдам бергин деб илтимос қилган эди. Султон унга мактубларида жуда ширин сўзлар айтиб, катта ваъдалар берса ҳам, Тожиддин ўзининг касаллигини баҳона қилиб, гурийларга қарши урушга сира аралашмади.

Ниҳоят, Султон Санжарнинг тўртинги ва энг хавфли душмани — унинг салтанатининг шимоли-шарқий чегараларида жойлашган қорахитойлар (туркийлашган манжурлар) давлати эди.

Авваллари барча қўшини ва тобе давлатлар учун даҳшатли куч бўлиб, салгина бўйин товлашга уринган подшоҳларга дўй-пўписа қилалигидан, унга бўйсунмаган ёки исён кўтарган ҳукмдорларни қаттиқ жазолайдиган султон Санжар энди (Марқазий Осиё ва Хуросонда) юз берәтган воқеаларни жимгина кузатиб турарди. Бу воқеалар эса султоннинг фойдасига зид эди. Авваллари султонга тобе бўлган давлатлар бирин-кетин унинг салтанатидан ажралиб, ошкора душманли йўлига ўтган элилар... Муаррих ибн ал-Иброй тўғри айтганидек, султонлар табиати шафқатсизлик сувига йўғрилгани, феъл-атвори бегамлик ва ялқовлик зуваласидан ясалгани туфайли уларда меҳр-муруват йўқ, ахир куч-қудрат улар қўлида, уларни алдаш ҳам хавфли, улар билан самимий бўлиш ҳам ҳалокатлидир.

Хуллас, шу даврга келиб, султон Санжар ва умуман салжуқларга қорахитойларгина эмас, балки хоразмшоҳ Отсиз ҳам, тобора кучайиб бораётган ўғузлар ҳам душман бўлиб қолган эдилар. Султоннинг ҳокимиятини саройдаги фитна-фасодлар ҳам анча заифлаштирган эди. Бу иғво, фитналарга баъзи вазирлар, отабеклар, султоннинг хотинлари — маликалар бош қўшган эдилар. Тарихчи ёзганидек, "Султони муассзам Муъзизиддин Санжар ҳашамлари (яқин аъёнлари) очкўзлик ва ўзаро адоварни кучайтириб, барчалари бошқаларнинг манбаларини олиб беришни султондан талаб қилас, барчалари бир-бирига ҳасад қилас эдилар. (Садриддин Ҳусайний. Зубдатут-таворих).

Султон Санжар давлатининг заифлашуви сабабини тарихчи Имодиддин Исфаҳоний қўйидагича изоҳлайди: "Султоннинг ёши ўтиб, умрининг мояси узайгач, амирлар унинг қўлидан ҳокимиятни тортиб олдилар ва унинг куч-қудратига дахл қилдилар. Майда одамлар бузургларнинг ҳақ-хуқуқига кўз олайтириди, май-

далар юқорига чиққач, катталар пастга тушиб қолди. Азиз одамларга ҳурмат йўқолди, енгилтак одамларнинг ҳурмати ошиди, кучлилар ишдан олинниб, ўрнига заифлар кўйилди. Амирлар орасида адоват ва ҳасад кучайди, ўзаро ишонч ва меҳр-оқибат йўқолиб, ўрнини ўзаро нафрат эгаллади. Бу даврда давлат бошида турган амиру умаролар Сунгур ал-Азизий, Муаййяд ибн Йургунқуш Хиравий, Қизил (Арслон) ва бошқалар эдилар. Энг катталари Кўмоч билан Али Чагрий эдилар. Ҳар бир гурухнинг фикри бошқасига зид эди, ҳар бири ўз ниятлари отига минган, ўзига фойда бермайдиган нарсани тишлаб, тилка-пора қиласар эдилар”. Ҳижрий 548 (милодий 1153) йилдаги машхур “ўғузлар ғаләни” султон Санжар салтанатига қақшатғич зарба берди. Аввалроқ султон Маликшоҳ даврида ёқ Салжуқларга тобе бўлган ҳудудларга ўғуз қабилалари кўчиб кела бошлидилар. Султон Санжар даврида ўғузлар Хурросон ерларига кўчиб ўтилар. Балх музофотига жойлашган ўғузлар (туркманлар) ярим кўчманчиларча ҳаёт кечирап ва ҳар йили султон Санжар оғхонасига 24 минг бош кўй беришар, бунинг эвазига у ердаги яйловдан фойдаланар эдилар. Ўша вақтда Балхнинг муҳтоси (иқто эгаси) амир-сипоҳсолар Имодиддин Кўмач эди.

Солиқ йигувчи (муҳоссил)нинг ўғузларни доимий ҳақоратлаши ўғуз амирларини ғазаблантириди ва улар солиқчини ўлдирилдилар. Бу воқеадан фойдаланиб қолмоқчи бўлган амир Кўмач султон Санжардан “Мени Балх музофотига шихна (раис) қилиб тайинласангиз, ўғузлардан ҳар йили 30 минг бошдан кўй олиб бераман” деб, таклиф қилди. Амир Кўмач ўғузлардан ўлдирилган солиқчи хунини тўлашни талаб қилди. Аммо ўғузларнинг бошлиқлари “Биз сенга эмас, фақат султон Санжарга бўйсунамиз” деб жавоб бердилар. Ана шунда амир Кўмач 10 минг суворий лашкари билан ўғузларни ҳайдаб чиқаришга уринди. Аммо (яхши уюшган) ўғуз-туркманлар амир Кўмачнинг лашкарларини дабдала қилдилар. Амирнинг ўзи Марвга, султон Санжар ҳузурига қочди.

Амир Кўмач ва унинг тарафдорлари Султонни ўғузларга қарши юриши қилишга кўндирилдилар. Султон лашкарларининг қудратли (100.000 отлик) эканидан қўрқиб кетган ўғузлар султондан узроҳлик тилаб, жарима тарикасида 50 минг от ва тия, 200 минг динор пул, 200 минг бош кўй ва бир йиллик хирож тўлаши-

ни таклиф қилдилар. Султон бу шартларга рози бўлиб, қабул қилмоқчи эди, аммо амирлар бунга йўл бермадилар.

Султон лашкарлари ўғузларнинг яйловлагрига етиб келганида, улар жарима тўловини яна ошириб, султондан кечирим сўрадилар. Аммо, яна (урушқоқ) амирларнинг қистови билан султон бу таклифни ҳам рад этди. Ҳижрий 548 (милодий 1153) йилнинг муҳаррам ойида (апрелда, Балх атрофида) бўлган катта жангда ўғузлар ғолиб келиб, султон Санжар лашкарлари мағлубиятга учради. Кўмач ва бошқа амирлар жангда ўлиб кетдилар. (Ибн ал-Асир, 2-жилд, Равандий, 1-жилд).

Султон Санжар ўғузларга асир тушди. Улар султонга иззат-хурмат кўрсатдилар. Аммо энди салжуқлар давлати йўқ бўлди (Шарқий салжуқлар буюк давлатининг инқизоти Ибн ал-Асирнинг “Ал-Комил фи-т-тарих” асарининг 9-жилдида, М. Равандийнинг “Роҳат ас-сулур ва ойат ас-сурур” китобининг 1-жилдида муфассал тасвиirlантан — З.Б.).

Аввал салжуқлар тобслигига бўлган — қорахонийлар, гурийлар, Табаристон Бовандийлари, Сейистон саффорийлари орасида хоразмшоҳлар жуда кучли бўлмаса-да, энг фаол давлатлардан бири эди. Султон Санжар лашкарлари тор-мор келтирилиб, ўзи асир тушгач, хоразмшоҳ Отсиз бу вазиятдан фойдаланиб, салжуқлар салтанатининг барча вилоятларини босиб олиш учун ҳаракат қилди. Султон Санжарнинг лашкарлари тамом бўлган деб ўйлаб, Отсиз ўз кўшинларини Амударёнинг юқори оқими бўйлаб бошлиб, муҳим ҳарбий истеҳком ҳисобланувчи Омул (ёхуд Омуя) қалъасини эгаллашга уринди. Аммо султон Санжар ноиби бўлган қалъа қутволи (коменданти) шаҳар-қалъани хоразмшоҳга беришдан бош торти. Ҳолбуки, Отсиз султон асирликда эканида унинг кўл остидаги барча ерларга ҳомий ҳисобланар эди. Омул қутволи қалъани бермагач, хоразмшоҳ Санжарга элчи юбориб, қалъани унга берилишини илтимос қилди. Фалокатдан хулоса чиқарган кекса султон Отсизга бундай жавоб юборди: “Мен сенга фақат Омуя эмас, бошқа жуда кўп қалъаларни ҳам бераман, фақат шу шарт биланки, бизни кутқазиш учун ўғлинг Эл-Арслон бошчилигига бу ёққа лашкар юборасан”. (Жувайний, 1-жилд, В. В. Бартольд, 1-жилд.)

Гарчи султон Санжарга кўшинлар билан ёрдам бериш масаласи узоқ вақтлар муҳокама

қилиниб, иккала томон кўп элчилар алмашган бўлса ҳам, хоразмшоҳ ёрдам юборишни пайсалга соловерди. Шунга қарамай, хоразмшоҳ ўз куч-қудратини намойиш қилиш мақсадида укаси Йиналтегин қўмондошлигила бир қисм лашкарларини Байҳақ тарафга жўнатди. Бу лашкарлар 1153 йил декабридан то 1154 йил май ойигача Байҳақни қамал қилиб, унинг атрофларини шундай аёвсиз таладиларки, шундан сўнг икки йил давомида бу ерларда қаҳатчилик бўлди.

Хоразмшоҳ ўзининг асосий мақсади — салжуқлар ҳукмронлигини тугатиш деб билса-да, аммо ўғузларнинг Хуросондаги деярли барча ерларни эгаллаб олаётгани Хоразмга ва унга қўшни давлатларга хавф солишини тушунар эди. Шунинг учун хоразмшоҳ Сижистон (Нимрӯз) ҳукмдори Тожиддин Абул-Фазлга, Фур подшоҳи (малиги) Алоиддин Ҳусайнга ва Мозандарон малиги Абул-Фатх Рустам (шоҳ Фозий)га мактублар йўллаб, барчасини Хуросондаги бошбошдоқлик, нотинчилкларни тугатиб, тартиб-осойишталик ўрнатишга, бирлашиб, султон Санжарни ўғузлар асирилигидан кутқазишга, салжуқлар давлатини бошқаришга ножӯя аралашаётган ўғузлар зўравонлигига чек қўйишга даъват қилди. Албатта, хоразмшоҳ ўғузларга қарши иттифоқ (коалиция)ни ўзи бошчилигида тузилишини истарди. Аммо худди шу вақтларда Шарқий салжуқлар салтанатида султон Санжарнинг жияни Рукнилдин Маҳмудхон таҳтга чиқди. Хоразмшоҳ вазиятни чамалаб кўриб, дарҳол янги султонга (элчи билан) мактуб юбориб, ҳазрати олийларини таҳтга чиқиши билан табриклаб, ўзини аввалигидай, салжуқлар давлатининг содик фуқаро-си сифатида янги султонга доимо ҳар қандай ёрдамга тайёр эканлигини билдириди. (Р. Ватвот, “Ароис”).

Султон Маҳмудхон Хоразмга элчиларини юбориб, Отсиздан “ўғузлар галаёнини” бостириши учун ҳарбий ёрдам сўради. Хоразмшоҳ ҳижрий 551 (милодий 1156) йил апрел (сафар ойи)да Гурганжда ўрнига ўғли Хитой-хонни қолдириб, катта ўғли Эл-Арслонни бирга олиб кучли қўшин билан Хуросонга йўлга чиқди ва шу йил рабиул-охир ойида Шахристонада тўхтади. (З. Бунёдов Шахристон деб ёзган — тарж.)

Шундан сўнг Хоразмшоҳ — Сложистон Фур ва Мозандарон ҳукмдорларини ўғузларга қарши иттифоққа бирлашириш ниятини амалга

оширади. Отсиз яна бу ҳукмдорларга мактублар юбориб, уларнинг эътиборини Хуросондаги вазиятга қаратди, ўғузларга қарши бирлашишига, ўз қўшиллари билан (Хуросонга) етиб келишига қатъий даъват қилди.

Аммо ҳижрий 551 йилнинг рамазон ойидаги султон Санжар ўғузлар асирилигидан қочтаг. Хоразмшоҳ ўз сиёсий йўлини ўзгартиришига мажбур бўлди. Хоразмшоҳ султонга дарҳол мактуб юбориб, уни асириликдан қутулиб, озодликка чиқсан билан табриклиди, унга ўз садоқатини, хизматига тайёр эканлигини билдириди. Хоразмшоҳ Хуросонда қолсинми ёхуд Хоразмга қайтсими, бу ҳақда султоннинг фармонига мунтазир эканлигини айтди. Айни вақтда хоразмшоҳ қўшни давлатларнинг ҳукмдорларига яна мактублар юбориб, уларни ўғузларга қарши иттифоқни сақлашга даъват қилди.

Султон Санжарнинг асириликдан қочиши ўғузлар учун кутилмаган воқеа эди. Воқеа тафсилотлари Садриддин Али Ҳусайнининг “Ахбор ад-давлат ал-Салжуқия” асарида кенг тасвирланган... Шундан сўнг ўғузлар Хуросон шаҳарлари ва қишлоқларига ҳужум қилишини тўхтатдилар. Бу ишда хоразмшоҳ Отсизнинг ўғуз амирларини огоҳлантириб ёзган мактублари ҳам анча-мунча таъсир қилган бўлса кепрак. Отсиз шундай мактублардан бирини ўғузларнинг Уч ўқ қабиласи бошлиги Носирiddин Абу Шужоъ Тўти — бекка юборган. Хоразм — шоҳнинг бу мактубини В. В. Бартольд “Шарқона дипломатия намунаси” деб атаган.

Хоразмшоҳ Ҳабушон мавзеида турганида қоқшол дардига учраб ётиб қолди. Хоразмшоҳ Фозий Алоуддин Баҳоуддин Абул-Музаффар Ҳусом Амирал-мўминин Отсиз ҳижрий 551 йил жумадул-охирнинг 9-куни (1156 йил, 30 июльда) 61 ёшида вафот этди.

XIII—XIV аср муаррихларининг тарихларида ёзилишича, хоразмшоҳ Отсиз “Салжуқлар салтанатининг устунларидан бири эди”, ўз фуқароларига нисбатан адолатли эди, уларнинг мол-мулкига чанг солмас, раъиятга ғамхўр эди ва раъият ҳам оғирчилик ва осойишталик замонларида у билан бирга эдилар. Хоразмшоҳ Отсиз 29 йил ҳукм сурди, шундан 16 йил мустақил ҳукмронлик қилди ва ҳар доим саботматонат билан мустақиллик учун салжуқийларга қарши курашиб келди. В. В. Бартольд ёзилишича, хоразмшоҳ Отсиз “Салжуқ султонига тобе бўлса ҳам, адолат юзасидан айтиши кес-

ракки, хоразмийлар сулоласининг асосчисидир. Отсиз Хоразмга қўшни кўчманчи элатларни бўйсундириб, ўз ҳарбий бўлинмаларни ёлланма турк аскарлари билан кучайтириб, кучли ва амалда мустақил давлатга асос солди". Аммо Отсиз умрининг охиригача тўла мустақилликка эришомлади, у қорахитойларга хирож тўлашда давом этди.

Хоразмшоҳ Отсизнинг ўлимидан сўнг 9 ой ўтгач ҳижрий 552 йил рабиул аввал ойининг 26 куни (1157 йил, 9 майда) буюк салжуқ сул-

тони Санжар ҳам вафот этди. Султон Санжарнинг вафоти билан Мовароуннаҳрда салжуқийларнинг амалдаги ҳукмдорлиги барҳам топди (Ал-Ҳусайнӣ, "Аҳбор").

Хоразмшоҳ Отсиз тузган давлат унинг ворислари даврида янада кучайиб ва кенгайиб борди. Отсизнинг бош мақсади ва сиёсатининг асоси Хоразмда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш эди. Унинг ворислари Хоразм давлати ерларини кенгайтириб, унинг халқаро нуфузини, обрўсини кўтардилар.

## Бу оламдан Зиё Бунёдов ўтди...

**Ү**тган йили янги йил арафасида "Кўзгу" газетидан бир хабарни ўқиб, кўнглим зирқираб кетди:

"Озарбойжонлик депутатлар бундан кейин шахсий қурол олиб юриш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу қарор икки депутат — Али Анцузский ва Зиё Бунёдов ёлланма қотиллар томонидан отиб ўлдирилгандан кейин парламент фармонига кўра кучга кирди". ("Кўзгу", 1997 йил 25 декабр, 52-сон).

Мен Али Анцузский кимлигини билмайман. Аммо Зиё Бунёдовни фақат ўзбек зиёлилари эмас, бутун дунё шарқшунослари ҳам яхши билишарди. Мен бу номни "Хоразмшоҳ — Ануштегинлар давлати" номли китоб орқали танигандим. У йилларда ҳали ҳалқимиз ўз тарихини, айниқса шоҳлар тарихини ўргана олмасди. Биринчи манбалар етти қават қуллар остида сақланар, уларни очишга жураът қилган олимлар таъкиб остига олинарди.

Мен "Туркистон мўгуллар босқини даврида" ҳамда "Қадимги Хоразм маданиятини излаб" деган талқиқотларни ўқигандим. Бадиий асарлардан В. Яннинг "Чингизхон", Г. Абашидзенинг "Ялдо кечаси" романларини, Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" фожеасини билардим. Аммо Хоразм тарихига оид бошқа китоблардан хабарсиз эдим. Шундай бир шароитда Зиё Бунёдовнинг хоразмшоҳлар ҳақидаги илмий иши саҳрова учраган қудуқдай бизнинг авлодга таъсир қилган эди.

Китобдан хоразмшоҳлар салтанати 134 йил ҳукм сурганини, Муҳаммад Қутбиддин Хоразмшоҳ гарчи Чингизхон босқини даврида журъатсизлик қилган бўлса ҳам, аслида у қадар ёвуз ҳукмдор бўлмаганини, у давлатни бошқарган 30 йил ичидаги мамлакат бениҳоя катта юксалиш йўлини босиб ўтганини ўқиганимда Хоразм ҳақидаги тушунчаларим бутунлай ўзгариб кетди. Ўзингиз ўйланг: бошкенти Урганж бўлган бу давлатнинг худуди бутун Мовароуннаҳр, Хурросон, Мозандарон, Кирмон, форвари Ироқи, Озарбойжон, Сижистон, Фазнадан тортиб Таласгача, Фарғонадан Ўзгангача қанчадан-қанча мамлакат ва вилоятларни қамраб олган эди. Урганжда деярли 6 миллион (ҳозирги Тошкентга қараганда қарийб икки баравар кўп) аҳоли истиқомат қилган. Чингизхон босқини даврида бу аҳолининг асосий қисми қаҳрамонларча жанг қилиб, кирилиб кетган, шу жумладан буюк шайх Нажмиддин Кубро ҳам... Қолганлар эса қўшни давлатларга тариқлай сочилиб кетган. (Мен буларнинг ҳаммасини китобдан ўқидим, баъзи маълумотларни олимнинг ўз оғзидан кейинчалик эшитдим). Шунингдек, китобдаги миллий шаҳар курилиши тизимлари, ҳарбий низомларимиз, юзга яқин ҳарбий атамалар, сарой ва давлат хизматчиларининг номлари, маҳсус вазифалари, пул муносабатлари, маданий ҳаёт тафсилотлари ўнлаб таниқли шоир, олим, тарихчиларнинг таржимаи ҳоллари кўнглим қатларига ёзилиб қолди. Кўйинг-

ки, китобнинг мазмунни ва маълумотлар доираси ҳаддан зиёд кенг эди; менда ўша мутолаа кунларила муаллиф билан учрашиш иштиёқи авж олди.

1986 йилнинг охирида Ўзбекистон ёзувчилари тафсилотини Адабиёт фондидан Озарбойжон ёзувчиларининг ижод уйига йўлданма олдим ва олим билан учрашилига муваффақ бўлдим. Билсам, менгача бошқа ўзбек шоир ва ёзувчилари ҳам ул зот билан учрашган экан. Ўша пайтларда мен учрашувим тафсилотини бирор газет ё журналга ёзив бермоқчи бўлганман, аммо Тошкентта қайтганимда бизнинг тентдошларимиз ва бошқа шоири ёзувчилар ичida шундай бир мисслиз тўлқинлар бошландиди, Зиё Бунёдов ҳақидаги ниятларим хаёлимдан фаромуц бўлди. Кейин сұхбатларимизни қайта ёдимда тиклай олмадим, қайдлар дафтариими ийӯқотиб кўйдим.

“Кўзгу” газетасидаги хабар хаёлимни шундай безовта қилдики, бирдан ўртамиёнда бўлиб ўтган сұхбат бирма-бир ёдимда тиклана бошлади. Учрапув тўғрисидаги қайдларим қайси дафтарга ёзилгани ҳам эсимга тупди. Энди шуну сизга айтиб берай.

Мен Зиё Бунёдовни излаб Озарбойжон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига, олимнинг расмий иш жойига бордим. У ҳеч қандай расмиятсиз, мени осонгина ва самимий қабул қилди. Биринчи кўришда мен уни “бу киши озарбойжон эмас” деб ўйладим. Сиёқи овруполикларга ўхшар эди: оқ-сариқдан келган, рус мужикларидай миқти, кўккўз, жингалак сочлари қўнғир эди. Сұхбатимиз ҳазил-хузил аралаш, самимий оҳангларда бошлианди. “Кечирасиз, сиз озарбойжонларга ўхшамайсиз” дедим, қўнглimgа келган гапни яшиrolмай.

— Онам рус, отам озарбойжон. Миллат шарқда отага қараб белгиланади, ё сиз бошқача ўйлайсизми? — деди у кулиб.

— Йўқ, йўқ, мен ҳам сиздай ўйлайман, — дедим жилмайиб.

— Менинг исмим аслида Зиёвуддин, отам Муса шайх, отамнинг отаси Маъсум шайх, бобомнинг отаси Махди шайх ва ҳоказо. Мен хужжатлар асосида шажарам тарихини ўрганиб, 15 ота-бобом шайх бўлганини ва уларнинг исм-шариғларини аниқлаганман. Мана улар, — деди у қўлимга ташрифномасини чиқариб бериб. Ундан

бидимки, Бунёдов фамилиясидаги “Бунёд” исми XV аждодининг оти экан. Шу лаҳзадаёқ унга ҳавасим келиб кетди. Биз шўринг қурғур ўзбек зиёлилари жуда нари борса учинчи ё тўртингчи, баъзан-баъзан бешинчи жадимизни биламиз, холос. Мен ичимда бош кўтарган уятимни босиб, гапни бошқа ёқда бурдим:

— Нега ўрисчада фамилиянгиз “Бунядов” эмас, “Буниятов”?

— “Бунядов” деганда, бу сўзнинг ичида “яд”, яъни “заҳар” маъноли бўғин учрайди, бу рус қондошларим ва оғайниларим учун таънага баҳона бўлмасин деб, ўзим атайин “Буниятов” қилганман. Русчада яхши жараганглайди.

Ўртага жимлик чўкли. Мен гапни нимадан бошлашни билмай тарааддулда эдим. Сұхбатдошим ахир фан доктори; академик, иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамони, Озарбойжон Фанлар Академиясининг вице-президенти...

— Ҳа, нимани ўйлаб қолдингиз, бераверинг саволингизни, — деб самимият билан қўллади мени олимнинг ўзи.

— Сизни “Зия Мусаевич” десам ўзими расмиятчи руслардай, “Зиё муаллим” десам озарбойжондай ҳис қилипман. Ўзбек-часига “домла” ёки “Зиёвиддин ака” десам, сизга ғалати кўринармикин, — дедим.

— “Зиёвиддин ака” деяверинг, ўрганиб кетганман.

— Ўрганиб кетгансиз? Қандай қилиб?

— Кеннойингиз ўзбек. Тошкентдан, Чемпион кўчасида туришарди. Исми Тоҳира. Уйлари зилзиладан кейин бузилиб кетди. Хотин томондан қариндошларимиз кўп у ёқда. Ҳар йили бўлмасаям, йил ора бориб турдим Тошкентта.

— Ҳозир қаердалар кеннойимиз?

— Боку радиосида ишлайди. Ўзи шарқшунос. Турк адабиёти бўлимини бошқарали радиода.

— Болаларингиз?

— Икки ўғлимиз бор. Йккови ҳам шарқшунос. Жамил Москвада Шарқ тилилари институтининг Осиё ва Африка адабиёти бўлимида. Ҳайдар араб тили бўйича мутахассис, Ташки Ишлар вазирлигига ишлайди.

— Кеннойимиз ўзбек бўлгани учун ўзбек тарихига қизиқиб қолган экансиз-да? — дедим яна ҳазиллашиб.

— Аксинча, ўзбек тарихига қизиқиб қолганимдан ўзбек қизига уйланганман, — деди олим ҳазилимга ҳазил билан жавоб қайтариб. Сўнг жиддий тортиб, худди ўзига ўзи гапиргандай ҳаёлга чўмғанча гапини давом эттири: — Илгарилар ўзбек тарихи, озарбайжон тарихи деган гаплар йўқ эди... Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, озарбайжон, уйғур бир-биридан ажратилмас, ҳаммалари бир ёзувдан — араб алифбосидан фойдаланишар, таржимага ҳам эҳтиёж йўқ эди. Ислом давлатларининг биронтасида тарих миллий белгилар асосида ёзилмаган. Ҳозир ихтиёrimизда барча мусулмон ҳалқарининг яхлит бир тарихи бор. Буларнинг ҳеч бирини бир-биридан ажратиб ўрганолмайсиз.

Мана, мен... энг олдин, 50-йилларнинг охирида Озарбайжоннинг VII—IX асрлардаги тарихини ўрганмоқчи бўлгандим. Бунинг учун арабча, форсча, туркча, сўнгра русча таржималари орқали хитойча, лотинча, французча солнномаларни ўрганишга киришиб кетдим. Ўзим ўн йилликни 1939 йилда тутатганман. 7 йил урупда юрдим...

— Кечирасиз луқмам учун... Сиз ан-Насавий таржимасини Собир Раҳимовга багишлагансиз. Мабодо иккинчи-жаҳон урушида жангларда бирга бўлмадингизми?

— Йўқ... Мен шунчаки Жалолиддинлай шахсларни берган ҳалқдан Собир Раҳимовдай қаҳрамонлар чиқаверишига ишора қилганман. 1946 йили Москвадаги Наримонов номли Шарқшунослик институтига ўқишига кирдим.

— Қаҳрамон бўлганингиз учун ўқишига кириш қийин кечмагандир?

— Йўқ, бунинг учун эмас. Мен сизга боя отам шайх бўлганини айтдим. Болаликдаёқ арабча ёзиши ва ўқишини ўргангани эдим. Шуниси қўл келди. У пайтда арабча биладиганлар бармоқ билан санарли эди. Деярли ҳаммаси қатағон иyllари қириб ташланганди. Институтда атоқли рус шарқшунослирдан сабоқ олдим. Ўша йиллардаги ҳаётимизнинг айрим лавҳаларини ўтган йили Семёнов ўз романида қаламга олибди. Бирга ўқиганмиз-да у билан...

— “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси”ни ёзган Юлиан Семёновми?

— Ҳа, ўша. Қизиқсангиз, ўқиб кўринг. “Дружба народов” журналининг 1985 йил 9-сонида.” Аукцион” деган роман. Ҳужжатсе-

вар ёзувчи-да, ҳеч қайсимизнинг отимизни ҳам ўзгартирмабди.

Хулласи қалом, мен Озарбайжоннинг VII—IX юзийилликда бошидан кечирган ҳаётини ёзиш учун турли солнномаларни ҳижжалаб ўқишига киришдим. Инглизчани ўргандим. Гош Мхитернинг (аслида Кўш Мухтор бўлса керак) “Албан солномаси”ни инглиз тилидан русчага таржима қилдим.

— Нега озарбайжончага эмас, русчага?

— Ўзингиз биласиз-ку, бундай китобларни миллтий тилларда чиқариш қийин. Русча бўлса чиқариши осонроқ. Сизларда ҳам олимлар шундай қилишади-ку. Мана, Кори-Ниёзий Улугбекнинг “Зиж”ини, Р. Н. Нашибев “Қўқон хонлиги тарихидан” китобини русчада чиқаришган. Менинг Гош Мхитердан қиласан таржимам ҳам рус тилида 1960 йилда Бокуда босилди.

1965 йилда Озарбайжон Отабеклар давлати тарихини ёзишига қасд қилдим. Бунинг учун аввал Ал-Бакувийнинг “Таҳхис ал-осор ва ажойиб ал-Малик ал-Қаҳҳор” (“Қаҳҳор ҳукмдордан қолган ажойиб асарларнинг сайланмаси”), сўнг Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Сийрат ул-султон Жалолиддин Менкбурни” (“Султон Жалолиддин Менкбурнининг ички дунёси”) асарларини арабчадан русчага таржима қилдим. Бакувий Москвада 1970 йилда, Насавий Бокуда 1973 йилда нашр этилди. Булардан ташқари, Ибн ал-Фуватий, Ибн ас-Сойй, Ибн ал-Дубайсий, ал-Яздий, ан-Нишонпурый, ал-Ҳусайний ва бошқа юзлаб арабча, форсча, инглизча, русча асарларни ўрганиб чиқдим. Ана шундан кейингина “Озарбайжонда Отабеклар давлати. 1136—1225 йиллар” номли китобим дунёга келди. У 1978 йилда Бокуда босилиб чиқиб, Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Биласизми, тарих шундай бир мўъжиза эканки, бир асар иккинчисининг ёзилишига олиб келаркан. Отабеклар тарихини ёзганимдан кейин Хоразмшоҳлар тарихини ёзмасам жоним тинчмаслиги аён бўлиб қолди. Аммо Хоразмшоҳлар тарихини ёзишдан олдин япа бир неча тарихий ишларни юзага чиқаришига тўғри келди. Энг биригичи Садриддин ал-Ҳусайнийнинг “Ахбор ад-давла ас-Салжуқийя” (“Салжуқийлар давлати ҳақида хабарлар”) китобини таржима қилиб Москвада 1980 йилда чиқаришга эришдим.

Кейин Озарбайжон ФА нинг “Ахбороти”да “Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий ташкилоти” (1982, 1-сон), “XVII аср Усмонли тарихчиси Иброҳим Афанди Пачавийнинг асарида Хоразмшоҳ тарихига оид маълумотлар” (1984, 4-сон) каби ишларимни эълон қилидим. Шу тариқа “Хоразмшоҳлар” дунёга келди (М., “Наука” 1986).

— Домла, мана ҳозир қайта қуриш даври. Шарқшунослик илмida қандай ислоҳотлар қилиш мумкин?

— Ҳозир яхши мутахассислар етишмайди. Университетларда шарқ куллиётларини битирган ёшларнинг биронгаси ҳам асл манбаларни ўқий олмайди. Бу нима деган гап?!? Чет эллардан мутахассислар, олимларни ишга чақириш керак. Манбани ўқий олиши ва матнлар устида иш олиб бора билиши учун камида ўн йил таълим олиш керак.

— Домла, ўтган 70 йил ичида ёзувимиз бир неча марта ўзгарди. Олдин араб алифбоси ислоҳ қилинди. Кейин лотинга ўтилди. У ҳам икки бор ислоҳ қилинди. Кейин кирилга ўтилди. У ҳам 41 йилдан бери неча бора ўзгарди. Бир куни академик шоири-миз Faфур Ғулом: “Сизлар Бухорода 400 нафар шоир ўтганини билмайсизлар...” леб таъна қилди бизга. Ҳўш, айб кимда ўзи? Алифбени ким ўзgartирди, сизларми, бизларми? Бунда бизнинг айбимиз нима? Бунинг устига университетда чет тилларини ўқитишига панжа орасидан қарашибди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да! Чет тили ва Шарқ факультетларига муносабатни тубдан яхшилаши керак.

— Яхши замонлардан умидвормиз, домла... Келинг, янада чуқур ўйлаб кўрайлик: ҳозир шарқшуносликни яхшилаш учун нима ишлар қилиш мумкин?

— Шарқ факультетларида ўқув режаларини қайта тузиш керак. Атеизм ўқитилади. Майли, ўқитилсин. Аммо у билан ёнма-ён динлар тарихини, Куръонни ҳам ўқитайлик. Фарбий Оврупода, Яқин Шарқда, умуман ривожланган мамлакатларнинг ҳаммасида Илоҳиёт факультетларида илоҳиёт фанлари — Тавҳид, Калом, Ҳадис итмлари ўргатилади. Атеизм билан Илоҳиёт тенг ҳукуқли фанлар тарзида ўргатилмаса бўлмайди. Ҳақиқий илм қиёсларда туғилади, ахир!

— Шарқшунос олим қандай бўлишини орзу қиласиз?

— Ота-боболаримизга ўхшашини орзу қиласман. Ҳозирги олимлар, мисол учун айтаман-да, Берунийнинг биргина асарига тенг асар ёзмоқчи бўлсалар, бунга бутун умрлари ҳам камлик қиласди. “Хиндистон” ёки “Осор ал-боқия”га тенг асарни қай биримиз ёзик?! Ҳолбуки, унинг бундай асарлари 20 дан ортади. Ёки Ибн Синони олинг: бир қарасантис тиб олимларининг доҳийиси, бир қарасантис файласуф, яна бир қарасантис илоҳиётчи ёки адабиётчи, шоир. “Тиб қонунлари” олти жилдан иборат ва ҳар бири ҳозиргиларнинг ўйлаб асарларидан ортиқ. Ибн Синодан олдин ҳам сизларда Абулқосим Заҳравий деган тибиёт олими ўтган. У 30 та рисола ёзган. Эҳ, қанийли ота-боболаримизга ўхшай олсан, уларга муносиб фарзандлар бўлсан!

Албатта, жуда ношукур бўлиш ҳам нотўғри. Бор, ҳар қалай, тузук-тузук ишлар қилган ва қилаётган олимлар: “Араб тили дарслиги”ни ёзган Б. Ҳолидов ва ул кишининг ўғли Анас Ҳолидов, П. А. Булгаков, Е. Давидович, профессор Синор, Андре Бойл (Жувайнийнинг асарини французчага таржима қилди), Бернар Луис... Аммо, буларнинг ҳаммаси — биз ҳаммамиз — буюклар олдилла анчайин кичикмиз.

— Домла, сиз ўзингиз қандай шогирлар тайёрладингиз?

— Ҳар бир олим ўзидан кейин камида 3—4 кучли шогирд қолдириши керак, деб ўйлайман. Бундан ортиғига бизнинг шароитимиз имкон бермайди. Мен юқорида ишора қилганимдай, хотиним ва икки ўғлимни шарқшунослик оламига олиб кирдим. Жамилшинг “VIII—IX аср карматлари”, “Дастлабки ислом” номли асарлари эл оғзига тушди. Ҳозир у 39 ёшда. Умр берса, яна кўп яхши ишлар қилишига ишонаман. Яна бир Эсмералда Оғаева деган шогирдим ҳам бор. 40 ёшда. “VIII—IX асрларда ҳорижийлар” деган яхши бир китоб ёзди. У ҳам асосан “илк ислом” мавзуи билан машғул.

— Сўнгти, анъанавий саволим: ҳозир қандай асар ёзяпсиз?

— Насавийнинг “Жалолиддин” и Бокуда чиққанини айтган эдим. Ҳозир уни Москвадаги “Наука” нацириёти учун қайта ҳозирлайман. Үнда асарнинг танқидий матнидан ташқари сўзбони, шарҳ, узоқ ва кўрсаткичлар тўлароқ ва мукаммалроқ бўла-

ди. Айни чоғда Тожиддин Салмонийнинг “Тарихнома”сини русчага таржима қиляпман. Кейин, 1226—1282 йилларда яшаб ўтган буюк жамоат арбоби ва Элхонийлар даври-нинг энг атоқли муншийси ҳамда тарихчи-си Аловиддин Ота Малик ибн Мұхаммад Жувайнининг “Тарихи Жаҳонкушой” аса-рини таржима қиласман. Бу асар мұғуллар-нинг эски одат ва анъаналари ва Чингиз ясаси ҳақида тұла маълумот беради. Уйғур-ларнинг дин, одат ва афсоналари ҳам келтирилген. Мұғулларнинг Мовароуннахр ва Эронни фатҳ этиши тарихи Чингизхоннинг ўлимигача мұваффасал тасвирланған, Жұжи ва Чигатайга оид қызықарлы воқеаларга бой. Лекин ҳозир, айни шу күнларда “Қози Бурхониддин ва унинг давлати” деган асаримни ёзяпман.

Қози Бурхониддин тарихнинг ажайиб шахсиятларидан бири. Аслан Хоразмдан. Ол-тинчи ажлоди замонида ота-боболари Онатулига ҳижрат қиласман. Бурхониддин 1344 йилда Қайсарида туғилған. 21 ёшида қози бўлған. Ниҳоятда адолатли фаолият кўрсатған ва халқнинг катта ҳурматини қозонған. 1398 йили 55 ёшида вафот этган. Кўп тарихчиларнинг ёзишича, Қози Бурхониддин ўта закки, илми ўтқир, илм асосида ҳикмат билан иш юритувчи, узоқни кўра оладиган, ишибилармон, мумтоз бир вазир, олим, шоир ва жасур бир ҳукмдор эди. Араб, форс ва турк тилларида баббаравар ижод қиласми. Талайтина тарихий, ижтимоий-сиёсий асарлар билан бир қаторда туркий катта бир “Девон” ҳам ёзисб қоллирган.

Қози Бурхониддиннинг ҳаёт тарихи у ўз сўзига қандай амал қиласмини ҳам кўрсатади. У турли тарафлараро бўлған жангларда ҳеч қаочон четда турмас, энг ашаддий жанг майдонларига шерларча шиддат билан отилиб кирад, ёғийларни қиришда шафқат нималигини билмасди. Йилдирим Боязид ҳарбийларига асир тушган ва унинг қўшинлари ичida кўп жангларда қатнашган бир олмон йигити — Шилтсбергернинг ёзган хотираларига қараганда, Қози Бурхониддин, Йилдирим Боязид билан бўлған жангларнинг бирида енгилиб, Сивас қалъаси томонга чекинган ва эски душмани Қора Юлук Усмонбейнинг ҳужумига учраб ҳалок бўлған. Илгари Қози Бурхониддиндан файриқонуний қиласмишлари учун зарбага дучор бўлған

рақибларининг алами шу қадар кучли бўлганки, улар Қози Бурхониддиннинг бошини найзага илиб, кўчама-кўча кўтариб юрганлар, гавдасини эса тўрт бўлакка бўлиб, шаҳарнинг тўрт тарафиға осдириб, ўлимими оламга овоза қиласманлар. Мана шундай шахс бўлған Қози Бурхониддин, — деди Зиё Бунёдов сўзининг охирида.

Мен олимнинг ҳикояларидан кўп мутаассир бўлдим. Ортиқ сұхбатни давом эттирасам таассусротим сусайдигандай эди. Фақат ўзбек ўқувчилари учун газетага бир жумла эсадалик кўлхати ёзисб беришни илтимос қиласдим. Рози бўлдилар. Мана ўша кўлхат (фото): Мазмуни: “Ўзбек ўқувчиларига: ҳамиша халқнинг тарихий ўтмишига, халқнинг борлиғи ва менлигига эҳтиром билан юксак муносабатда бўлишингизни, асарларига ма-роқ кўрсатишингизни самимий қалблан орзу қиласман”.

Боку, декабр 1986.  
Академик Зиё Бунёдов.

Зиё Бунёдов ўзи ҳам ҳақ йўлига бош тиккан эранлардан эди. Ҳали СССР тарқалмаган, гоҳ Тбилисида, гоҳ Вильнюс ё Ригада, Олмати ё Бокуда қонлар тўкиб келинаётган пайтлар — 1986 йилда Тарих Ҳақиқатини бор овози билан, илҳом билан энг таъсирили далил ва ҳужжатлар асосида таърифлар, туркий халқларни бир-биридан ажратишини тирноқча ҳам хаёлига келтирмас, у ҳатто бўтун шарқ оламининг бирлиги ва улуғлиги ҳамда янги тарих китоблари яратар, бу тарихни бошқа-бошқа тарафларга, рус тили орқали гарбга, рус халқига, бутун оламга кўз кўз қиласми.

Бугун ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда ва Озарбойжонда Зиё Бунёдовдан қолган мерос миллый мағфурамиз учун қандай катта хизмат қиласётгани, нечаче авлодлар учун ёстиқ остига қўйиб ўқиладиган асарлар бўлажаги аниқдир.

Эҳ, шундай олим, олтин юракли инсон ўтди-я оламдан...

Илоҳим унинг жойи жаннатда, ризвон боғларида бўлғай...

Уни отганларнинг оғзига тупроқ тўлсин!  
Омин!

15 марта 1998.

Миразиз АЪЗАМ

# **Қилни қирқ ёриб**

*Кисса*

**Хитойлик ҳакам Ди ҳаётидан сирли саргузаштлар**

Детектив хитой адабиётида жуда қадимий жанр ҳисобланади. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган қисса бунинг ёрқин далилларидир. Оғиздан-оғизга ўтиб келган ва XVI асрда ёзигаш саргузаштларидан бу қисса хитойлик машхур ҳакам Ди ҳақида ҳикоя қиласиди. Тан сулоласи ҳукмронлиги даврида, 630—700 йилларда яшаган Жэнцю Ди зукко ва адолатли ҳакам сифатида донг таратган, Давлат вазири даражасигача кўтарилган тарихий шахсдир. Жиноятни фош қилишида устаси фаранг бўлган Ди ўз фаолиятида қонун ва виждан амри билан иш кўрали, қилни қирқ ёриб, мақсадига эрйишиди.



## **БИРИНЧИ БОБ**

**Жаноб Ди Чанпин ҳаками вазифасига тайинланади; маҳкамама одамларга тўла,  
арз билан келувчиларнинг кети узилмайди. Ҳакамнинг ўрнини эгаллашни  
истовчилар кўп, лекин жиноятни фош қилиш нималигини кўпчилик билмайди.**

**К**онунда белгиланганидек, қаттиққўлик билан иш кўриш, айни пайтда раҳмадил бўлиш осон гап эмас. Ақди кўзи билан иш қилсанг, адолат тарозуси янгишмайди: жиноятчи жазосиз қолмайди, бегуноҳ эса бекорга жазоланмайди. Бироқ ким айбдору ким айбсиз — ҳал қилиш ҳуқуқи ҳакамга берилган. Шундай қилиб ҳакам ҳалол бўлса музофот аҳолиси тинч яшайди, одамлар тинч яшаса, уларнинг туриштурмуши ва ахлоқи батартиб бўлади. Барча дайдилар ва бекорчилар йўқолади, ёлғон-яшиқ гап тарқатувчилар, осойишталикни бузувчилар ғойиб бўлади, барча оддий кишилар эса ўз ишлари билан шуғулланадилар. Бордию ёлғон ният билан кўчиб келган кишилар бу музофотда яшайдиган бўлсалар, шубҳасиз, улар турмуш тарзини яхши томонга ўзгартирадилар, чунки улар қонунлар сўзсиз бажарилаётганини ва адолат қарор топаётганини ўз қулоқлари билан эштиб, кўзлари билан кўрадилар. Шунаقا, айтиш мумкинки, оддий ҳалқ ҳаётининг яхшиланиши ҳакамнинг ҳалоллигига боғлиқ. Ҳанузгача ҳеч қайси виждонсиз амалдор ўз тасарруфидаги кишилар ҳаётини яхшилашга муваффақ бўлгани йўқ.

Ҳакамнинг ҳалоллиги унда пораҳўрлик ва кишиларга зарар етказиш сингари салбий сифатларнинг йўқ бўлишидан ташқари, бир қатор ижобий сифатларда му-жассамланган бўлиши керак. Бу аввало Давлатта хизмат қилиш — бошқалар қилол-майдиган ишни бажариш ва кишилар хизматида бўлиш — бошқалар эплай олмайдиган юмуш — ёвузлик илдизини қутитишда ўз ифодасини топади. Ҳакам аҳоли оммаси орасида кўз илғамас далилларни топа билиш, расмий доиралар ичидағи мураккаб фитналарни фош этиш ва айни чоғда холис бўлиши лозим. Унинг шиори:

**ЖАХОН АДАБИЁТИ**

169

“Амалий ҳаракатлари билан айбдор худонинг қаҳрига учраши муқаррарлигини кўрсатиш”дир. Шундай юксак талабларга жавоб берувчи ҳакамлар узоқ ўтмишдан бошлаб олий ҳукмдорлар томонидан рафбатлантирилиб келинган.

Аммо бошқа хил ҳакамлар ҳам бор. Улар пора олгани учун тергов натижасини ўзгартириб юборадилар ёки кўплаб жиноятларни вақтида фош қилолмаса ўз мансабидан ажralиб қолицдан кўрқиб шошилинч хulosалар чиқарадилар. Бундай хulosалар эса қийнац ёхуд далилларни бузиб кўрсатиш орқали амалга оширилади. Бундай амалдорлар ўзларини тарбиялашга қодир эмаслар, шундай экан, бошқаларга тарбиячи қилиб тайинланмасликлари керак. Бундай одамлар ўз қўл остидагиларни ҳалол бўлиш ва оддий кишиларга осойишталик баҳш этишга қандай мажбур қила оладилар??

Истироҳат дамларида, эски ва янги китобларни варақлаётib, турли-туман тарихий ёзувларни титкилаётib ўтмишнинг машҳур ҳакамлари томонидан олиб борилган жиноий ишларга доир тадқиқотлар билан боғлиқ гаройиб ҳодисаларга дуч келинади.

Унбу китобда энг машҳур ҳакамларни ҳам боши берк кўчага киритиб қўйган жиноятлар тергови, энг мураккаб ишларни ҳам ҳал қилишнинг ажойиб намуналари ҳақида ҳикоя қилинади. У шонли тан сулоласи даврида яшаган ҳакамнинг жасоратига бағишлиланади.

Бу ҳакам Шаньси вилоятига қарашли Тайюант шаҳрида туғилганди. Унинг исми Жэнцию, фамилияси Ди эди. Ҳакам ниҳоятда ҳалол одам бўлганлигидан император ҳакамлигига олий мартабага сайланган ва давлат ишларидаги мураккаб вазиятларни бартараф этишга мувваффақ бўлган, садоқатли хизмати учун ҳакам Ди губернатор қилиб тайинланган ҳамда Лян вилоятида юксак унвонга эришган эди. Унинг шонли ишлари расмий “Тан сулоласи тарихи”да тегишли тарзда таърифланганди.

Бироқ Жэнцию Ди мартабасининг дастлабки даврига оид далилларнинг бир қисми расмий ҳужжатларда акс этмай қолган. Ҳакам Ди номи билан машҳур бўлган изқуварнинг ўша даврдаги фаолиятига оид далилларни айрим тарихий ҳужжатларда, шаҳар маълумотномаларида учратилиб мумкин. Шунга қарамай, яхши маълум бўлмаган бундай далиллар катта қизиқиши ўйғотади. Улар ҳакам Дига бўлган эҳтиромимизни оширади. Бундай далиллар таҳтнинг садоқатли хизматчиси бўлган Жэнцию Ди айни пайтда зукко ҳакам ва олижаноб инсон эканлигини ҳам исботлайди. Унинг қиёфасида сезгирилик, ҳамдардлик ва инсонпарварлик тўйгулари ўйғунашган, шу боисдан ҳам музофот ҳаками бўлиб ишлаган кезлари кўплаб гаройиб ва сирли жиноятларни фош этган эди.

Бу воқеалар ҳакам Дининг Чапин шаҳрида музофот ҳаками бўлиб ишлаган дастлабки пайтларга тўғри келади.

Ҳакам Ди ўз вазифасини бажаришга киришиши билан бутун куч-куватини жиноятчиларни ушлаш, қонунга бўйсунувчи фуқароларни ҳимоя қилишга бағишлиади. Ана шу мураккаб вазифаларни бажаришда унга тўрт нафар ёрдамчиси моҳирона кўмаклашадилар.

Улар орасида Хун Лян исмли киши алоҳида ўрин эгалларди. Хун Лян Ди хонадонида қарол бўлиб хизмат қилган, бўлажак ҳакам унинг кўз ўнгидаги улғайган эди. Анча ёшга бориб қолган Хун Лян жасур киши эди. Ди топширган ҳар қандай хавфли ва нозик ишларни ҳам ўта тезлик билан бажаради. Тергов ишларида яхшигина қобилиятга эга эди. Ҳакам уни сержант – ўз тасарруфидаги полициячилар бошлиғи қилиб тайинлади. Унга ҳамма соҳада ишончли маслаҳатгўй сифатида муносабатда бўларди.

Ма Чжун билан Цяо Даидан ҳакам жиноятчиларни қўлга тушириш билан боғлиқ бўлган ўта хавфли ишларда фойдаланарди. Бу икки йигит бир пайтлар йўлтўсарлик билан шуғулланишарди. Бир куни ҳакам Ди расмий иш билан пойтахтга кетаётганида шу икки қароқчи унга ва ҳамроҳларига ҳужум қилишди. Албатта, мақсадлари талаш эди. Ўша тўқнашувда Ди бу икки йигит оддий ўғрилар эмас, балки довюрак кишилар эканига, айни пайтда яхшигина қиличбоз ва муштлашишга уста эканликларига ишонч ҳосил қилганди. Ҳакам уларни қайта тарбиялаш ўз ишларида фойдаланишга қарор қилди. Уларнинг истеъоди яхши ишга йўналтирилса ёмонми?! Шунинг учун у қиличини қинидан суурмади ҳам. Қатъий қилиб буюрди:

— Тўхтанглар!

Кейин улар билан жиiddий гаплашди. Унинг гаплари қароқчиларга қаттиқ таъсир қилди. Ҳатто Цяо Дай:

— Авфу этасиз, муҳтарам зот, — деди. — Биз шундай номақбул машғулот билан шуғулланишига мажбур бўлдик. Чунки, қарасак, салтанат таназзулга юз тутаяпти, маҳкамада эса сотқин амалдорлар ўтиришибди. Бизда ўз танамиз ва жанговар санъат илмидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Хизматга ҳеч ким олмади, қароқчи бўлишдан бошқа чорамиз қолмади. Лекин, жаноби олийлари, сиз бизлар билан яхшиликча гаплашдингиз, қалбимизда илинж уйғотдингиз. Энди ягона истагимиз — сизга хизмат қилиш. Агар маъкул кўрсангиз, миннатдорлигимизни билдириш учун эътиқод билан хизматингизда бўламиш...

Ҳакам Ди бу икки жасур йигитни ўзига ёрдамчи қилиб олди.

Унинг тўртинчи ёрдамчиси Дао Ган деган собиқ дайдай муттаҳам эди. Яхши йўлга кирганига анча бўлган бу одам бир ҳакам хизматида хат-хабар ташувчи бўлиб ишларди. Лекин кўплар унга тиш қайраб юргани ва унинг ғашига тегиб ҳар қадамда панд беришгани учун ҳакам Ди сиймосида паноҳ топган эди. У жуда истеъододли ва ўта айёр эди. Шунинг учун ҳам ҳакам уни ўзига ёрдамчи қилиб олганди. Дао Ган сержант Хун, Ма Чжун ва Цяо Дайларга қалин ошно бўлиб қолди. Ҳакам Ди Чанпинга ҳакам лавозимига тайинлангач, мана шу тўрт киши унинг хизматига ҳамиша ҳозири нозир эдилар. Улар олиб борган маҳфий хизматлар ва тўпланган маълумотлар ҳакамга кўплаб мураккаб жиноятларни фош қилишда жуда аскотарди.

\* \* \*

Бир сафар ҳакам Ди суд залининг орқасидаги ўз хонасида ўтириб, одатдаги ишлари билан шуғулланарди. Бирдан эшик олдида кўнғироқча жиринглаб қолди. Ҳакам янги илтимосчи келди, деб ўйлаб, шошиб-пишиб расмий кийимини ҳамда қалпогини тўғрилаб суд залига кирди ва маҳсус супачага ўрнатилган қўлтиқли курсига ўтириди. Супачанинг чап ва ўнг томонига мирзалар, миршаблар ва кичик судлов ижрочилари жойлашишиди. Ҳакам эшик томонга кўз ташлаб, қирқ ёшлар чамасидаги бир оддий фуқарони қўрди. Афтидан у жуда ҳаяжонланганга ўхшар, юзини тер қоплаганди. У ўзига нисбатан ўта ҳақсизлик қилишганидан нолиб, додларди.

Ҳакам Ди икки миршабга уни ичкари олиб киришни буюрди. Шикоятич чўккаллаб, бош этгач, ҳакам сўради:

— Кимсан, сенга қандай ёвузлик қилиши? Суд ишлари бошланишига ҳали бир соат бору бунчалар бонг уришингга боис нима?

— Бу каминай ожизнинг исми Кун Вандэ, — деди шикоятич хулқ-атвор қоидаларига амал қилиб. — Мен Люли — яъни “Олти Ли” қишлоғида яшайман. Қишлоғимиз шаҳарнинг шундоққина жанубий дарвозаси биқинида жойлашган. Менинг уйим катта, оиласа кичик бўлгани учун хонадоннинг катта қисмини меҳмонхона қилганман. Мана ўн йилдан ошаптики, шу иш билан тинчгина шуғулланиб, куннимни кўриб турувдим. Кеча, оқшом гира-ширасида иккита дайди ипакфуруш келиб қолди. Улар Цзянсу вилоятидан келишганини айтишди. Кеч кириб, қоронгу тушиб қолгани учун улар менинг меҳмонхонамда тунаб қоладиган бўлишиди. Уларнинг узоқ йўл юриб келганини кўриб, битта хона ажратдим. Улар овқатланишиди, шароб ичишиди, кулишиди, сұхбат куришиди, буни бир неча гувоҳлар ҳам тасдиқлаши мумкин. Бугун эрталаб, тонг отарда икки савдогар жўнаб кетишиди.

Лекин бирдан, эрталаб соат тўққизларда қишлоқ оқсоқоли Пан Дэ уйимга келди. У шаҳар дарвозаси яқинида йўл ёқасида иккита эркак жасади топилганини айтди. “Ўша икки одам, — деди оқсоқол, — кеча сенинг меҳмонхонангда тунаб қолишганди, пулларига эга бўлиши учун уларни сен ўлдиргансан. Кейин жасадларини шаҳар дарвозаси ёнига олиб бориб ташлагансан”. Мени оғиз очгани қўймай, ўлдирилганлар жасадини меҳмонхонамга олиб боришини буюрди. Кейин менга бақириб ва дўқ уриб, бу ишни “ёпти-ёпти” қилиб юбориш учун 500 кумуш танга сўрайти. “Шу иккови сенинг меҳмонхонангда ётишган, — деб бақирди у, — демак, уларни шу ерда сен ўлдиргансан, кейин жиноят изини яшириш учун улар жасадини бозорга олиб ўтгансан”.

Шундан сўнг мен дарҳол бўёқка — шаҳарга қараб чопдим. Ёлвораман, Муҳтарам Зот, адолатсизликка йўл қўйманг!

Унинг гапларини тинглаб, ҳакам Ди тиз чўкиб турган бу одам хавфли жиноятчига ўхшамайди деб ўйлади. Бироқ, ҳар қандай бўлмасин гап қотиллик ҳақида кетяпти. Шундай экан, биргина одамнинг баёнотига асосланиб холоса чиқариб бўлмайди.

— Гапингга қараганда, шу музофотнинг қонун-қоидаларига амал қилювчи фуқароси экансан, — деди ҳакам. Шундай экан, нега энди оқсоқол Пан дарҳол жиноятни сен қилгансан деб шубҳаланди? Гапларингга ишониш қийин. Ростдан айбсизмисан? Бунинг учун мен оқсоқол Паннинг гапларини ҳам эшитишим керак.

У миршабга оқсоқолни бошлаб келишини буюрди. Кўп ўтмай уни олиб келишиди. Ўттиздан ошган бу одамнинг афти ажинлар билан қопланган, зангори халат кийиб олганди. Оқсоқол ҳакам олдида тиз чўкиб, деди:

— Салому эҳтиромлар бўлсин, Мұхтарам Зот! Мен Пан Дэ, Люли қишлоғининг оқсоқоли бўламан. Бу қотиллик менинг ваколатимга киради. Шу бутун эрталаб қарасам, бозор дарвозаси олдиаги йўл ёқасида иккита жасад ётибди. Аввалига мен уларнинг кимлигини билолмадим. Кейин маҳаллий аҳолидан сўраб, суриштирдим. Маълум бўлишича, улар кечак Куннинг меҳмонхонасида ётиб қолишган экан. Шунинг учун Кунни сўроқ қилдим. Зоро, савдогарларни талаш учун ўз меҳмонхонасида ўлдириб, жасадларини бозор дарвозаси яқинига келтириб ташлаган деган гумондаман. Куннинг гапига қараганда улар каллайи саҳардан чиқиб кетишган экан. Бу пайтда эса йўлда бир неча киши бўлган экан, лекин уларнинг ҳеч қайси бири яқин орада шубҳали кимсани учратганини айтмади. Бундан ташқари, мен бозор атрофида яшовчи кишилардан суриштириб кўрдим, ёрдам сўраган бирор овоз эшитилмалти. Ана шу далилларга асосланиб, ҳалок бўлганлар кечаси Куннинг меҳмонхонасида ўлдирилган, деган қарорга келдим. Кейин Кун уларни бозор дарвозасига элтиб ташлаган. Мендан шубҳалинишмасин, деган-да. Ҳозир жиноятчи шу ерда экан, Мұхтарам Зот, унга қарши жиноий иш қўзғатишни сўрайман!

Оқсоқолнинг келтирган далилларидан жон борга ўхшайди, ўйлади ҳакам Ди, лекин Кунни яна бир бор дикқат билан кўздан кечиргач, бу одамнинг кишиларни шафқатсизлик билан ўлдирганига сира ишонгиси келмади. Уларни талаш учун ўлдирганига кўзим етмайди, деб ўйлади ҳакам. Кейин:

— Иккалант бир-бирингта зид гапирияпсан, — деди. — Текшириб кўрмасдан бу ишни ҳал қилолмайман. Жиноят содир қилинган жойни кўздан кечириб, суд терговини давом эттирамиз.

У миршабга Кун Вандэ ва оқсоқол Панни олиб кетишни ҳамда жиноят юз берган жойга боришига тайёрланишни буюрди.

## ИККИНЧИ БОБ

**Паннинг фисқу фасоди унинг ўзига қарши қаратилади;**  
**серхант Хун айёрлик билан фош этишга йўл топади.**

Ўз хонасига қайтган ҳакам Ди миршабга қотиллар бўйича терговчини чақиришни буюрди. Кейин ҳакамлик либосини кийди-да, бошига тўртбурчак қалпогини кўндириб қишлоққа йўл олди. Одатга кўра, Люли қишлоғига отланган ҳакам миршаблар ва суд амалдорлари куршовида, тахтиравонда йўлга чиқди.

Йўлнинг икки четида яшовчи кишилар қотиллик юз берганидан хабардор эдилар. Улар ҳакам Дини жиноятларнинг моҳир фош қилювчиси сифатида жуда яхши билишшарди, шунинг учун ҳам воқеаларнинг ривожидан хабардор бўлиши учун унга тўда-тўда бўлиб эргашиб борардилар.

Ҳакам Люли қишлоғининг бозор майдонига етиб келганида кун пешин бўлганди. Оқсоқол Пан, унинг ёрдамчиси Чжао Сан ва қишлоқ дарғаси мувакқат трибунал учун жой ҳозирлаб, ўзлари ҳакамни кутиб олгани пешвуз чиқдилар.

Салом-алиқдан кейин ҳакам тахтиравондан тушиб.

— Мен аввало Куннинг меҳмонхонасига боришим керак, — деди у. — Алоҳида сўроқлар ўтказганимдан кейин, суд мажлисини очаман ва судда гувоҳлар далолатини тинглайман.

Сўнгра ҳакамни Куннинг меҳмонхонасига олиб боришибди. Бу ерда у иккита эрекак жасадини кўрди. Жасадлар меҳмонхона йўлагида ётарди. Уларнинг танасида пичноқ билан етказилган жароҳатлар изи кўриниб турарди.

Ҳакам Ди оқсоқол Пандан сўради:

— Жасадлар дастлаб қаердан топилди?

— Ижозатингиз билан, Мұхтарам Зот, — деди оқсоқол шопта-пиша, бу иккала эркак Кун Вандэ томонидан пули учун ўлдирилган. У жиноят изини яшириш учун жасадларни бозор майдони дарвозасига олиб бориб ташлаган. Мен бу ишга бегуноҳ одамларни аралаштирумаслик учун жасадларни яна Куннинг меҳмонхонасига элтиб қўйишни буюрдим. Буни ҳисобга олишларингизни сўрайман, Мұхтарам Зот.

У ҳали сўзини тутатиб улгурмасидан ҳакам Ди жеркиб берди:

— Вой каллаварам-ей, сендан қотилни қандай топишим кераклигини сўраяпманми? Мен сендан, расмий амал эгаси бўлган одам сифатида, қонун-қоида ва тартибни билиши шарт бўлган амалдор сифатида тушунтириб беришингни талаб қиласяпман: қонуннинг бу қадар бузилишига қандай қилиб ўйл қўйдинг?! Сен ўлган жасадларни жиноят содир бўлган жойдан бошқа ерга олиб ўтиш муҳим далилни атайлаб яшириш учун қилингани ва бу учун жазога лойиқ эканлигини билишинг керак эди.

Кун қотилликда айборми ёки йўқми, барибир сен ўликларни топилган жойидан жилдиришга ҳаққинг йўқ эди. Аввало менга бу ҳолатни ёзма равищда маълум қилинг керак эди. Вазият билан мен танишмасдан ва расмий хужжат тайёрламасдан туриб нега тегдинг. Давлат қонунини бузилишига қандай ҳаддинг сифди?!

Менга шу нарса аёнки, сен бу ҳаракатинг билан қандайдир нопок ишни яширимоқчи бўляпсан. Эҳтимол бу қотилликни сен ўзинг Кун билан биргаликда режалаштиргандирсан. Кейин қўлга киритилган ўлжани талашиб, бўлиша олмагач, бутун айбни унга тўнкашга уриняпсан. Шундай қилиб, мен аввало сени оғир бамбук таёқлари билан савалашни буюраман, кейин эса қийнаб сўроқ қиласаман.

Ҳакам Ди миршабларга Панга юз таёқ уришни буюрди. Оқсоқол Паннинг калтак зарбидан дод-фарёди осмону фалакка чиқди. Моматалоқ бўлиб кетган баданидан қон сиза бошлади. Буни кўрган томошабинлар эса Кунга соҳта айб қўйилганига ишонч ҳосил қилдилар. Улар зийраклиги учун ҳакам Дига ҳамду санолар ўқидилар.

Бироқ, ҳатто юз таёқ урилганига қарамай Пан айбдорлигини бўйнига олмади. Ҳакам Ди уни бир муддат тинч қўйиб, ўз мулозимлари билан Кун меҳмонхонасига йўл олди.

У Кунга мурожаат қилиб, деди:

— Меҳмонхонангдаги хоналар сони анчагина экан. Ўлдирилганлар қайси бирида тунаганини аниқ айт-чи?

— Меҳмонхонанинг орқа қисмида жойлашган учта хонада мен, хотиним ва кичкина қизим яшаймиз. Шарқий қанотидаги икки хона ошхона ҳисобланади. Шу боис мана шу беш хонада меҳмонлар яшамайди. Улар учун биринчи ва иккинчи ҳовлимизда хоналар ажратилган. Кеча келганлар ишак моллар билан савдо қилувчи сайёҳ тужжорлар бўлгани учун пулдан қисинишмаса керак деб, иккинчи ички ҳовлидаги энг яхши хонани бердим. Кўча шовқини ва чангидан тўсилган бу хона анча тинч.

Шундай деб, Кун ҳакам Ди ва унинг ёрдамчиларини иккинчи ички ҳовлига бошлаб кирди ва кеча ўлдирилган меҳмонлар тунаган хонани кўрсатди.

Ҳакам Ди ва унинг ёрдамчилари бинони дикқат билан кўздан кечириб чиқдилар. Кечки овқат қолдиқлари ҳали столдан йигиштириб олинмаган, каравотлар ёнига қўйилган тунги кўриналар ҳам жой-жойида турибди. Бу ерда қандайдир олишув бўлгани ёки қотиллик содир қилинганини эслатувчи бирор белгидан асар йўқ. Бироқ, ҳакам Ди Кун ниманидир яширияти деган гумон билан сўрашда давом этди:

— Меҳмонхонанинг ишлаб турганига ўн йилдан ошди. Албатта, бу ерда кўплаб меҳмонлар тунаб кетишиди. Тахминимча, кеча ҳам шу икки меҳмондан ташқари одамлар ётиб қолгандир бу ерда.

— Бўймасам-чи, кеча улардан бошқа яна учта меҳмон бор эди. Улардан бири чарм билан савдо қилувчи, Шансига кетаётган экан. Бошқалари — Хунан вилоятидан бир жаноб билан хизматкори. Жанобнинг тоби қочиб қолди ва ҳалиям биринчи ички ҳовлидаги ўз хонасида ётиби.

Ҳакам Ди кўн тужжори билан бемор сайёҳнинг хизматкорини олдига олиб келишларини амр этди. Ҳакам биринчи бўлиб тужжорни сўроқ қилди.

— Мен Шансиданман. Кўн-чарм олиб сотаман, — деди у. — Бу иш билан кўпдан бери шуғулланаман. Шу йўлдан юрганимда ҳамиша мана шу меҳмонхонага қўниб

ўтаман. Кечак шу ерга келган икки ипакфурушни кўрувдим. Кечаси ҳеч қанақа шовқин ё тўполонни эшитганим йўқ. Бу икки эркакнинг қандай ўлдирилганита ҳеч ақлим бовар қилмайди.

Ҳакам хизматкорга юзланди. У чарм савдогарининг айтганларини тасдиқлали ва хўжайнининг касали зўрайгани учун кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим, деб қўшиб қўйди. Агар меҳмонхонада бир воқеа содир бўлганида, албатта, сезган бўлардим, — деди у.

Гувоҳларнинг гапини тинглаб бўлган ҳакам Ди тахмини тўғри чиқаётганига ишонч ҳосил қилди. Зеро, у Кун Вандэниг айбордлигига ишонмасди. Бу гумонларига қатъий ишонч ҳосил қилиш учун у ўз одамларига меҳмонхонанинг барча жойлари-ни тинтиб чиқишини буюорди. Ҳаммаёқ бирма-бир текшириб чиқилди. Лекин бу ерда қотиллик юз берганини исботловчи бирорта далил топилмади.

Ҳакам Ди жиноят тужжорлар меҳмонхонадан чиқиб кетишганидан кейин, таш-қарида юз берган деган қарорга келди. Агар учала гувоҳ Кун билан тил бириттирган бўлишган тақдирда ҳам жиноят изларини қандай йўқотишган бўлишлари мумкин?

Ҳакам ўз мулозимлари билан бозор майдонига чукур ўйга толган ҳолда қайтди. Жасадлар топилган жойни дикқат билан кўздан кечирди. Жиноят шу ерда содир этилгани шубҳасиз, қон излари шундоққина кўриниб турарди.

Жиноят содир бўлган жойга бевосита яқин бирор иморат йўқ эди, лекин сал нарироқда, бозор майдонининг ўзида бир неча уй турарди. Ҳакам ўша уйларда яшовчи кишиларга одам юборди, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Фақат уларни ўткинчиларнинг шовқини барвақт уйғотганини, одам ўлдирилганини ўшалардан эшитишганини айтишди. Шундан сўнг улар дарҳол оқсоқолга хабар беришибди. Сўраб-суринтишилардан маълум бўлибдики, ўлдирилганлар Кун меҳмонхонасида тунашган экан.

Тўпланган маълумотлар ҳакам Дини оқсоқол Паннинг ўзи айбдор бўлиб чиқиши мумкин, деган хulosага олиб келди. Кун кеч бўлиб қолгани учун суд терговини тўхтатишга тўғри келди. Ҳакам ўз ёрдамчиларига баъзи бир алоҳида қидирув ишлари олиб бориши тўғрисида кўрсатмалар бериб, ишни эртага давом эттиришга қарор қилди. У қишлоқ дарғасига юзланиб, деди:

— Ишлар чалкашиб кетмаслиги учун терговни шахсан ўзим олиб боряпман. Эрталаб тергов ишларини барвақт бошламоқчиман, шунинг учун бугун шу ерда қоламан.

Ҳакам ўликлар жасади ёнига қўриқчи қўйдирив, ўзига ажратилган расмий идорага жойлашди. Қишлоқ дарғаси билан бир оз сұхбатлашгач, ҳаммага жавоб берди. Фақат сержант Хунни олиб қолди. Ҳамма чиқиб кетгач, сержантга:

— Албатта, бу жиноятни Кун қилмаган, — деди. — Менинг гумоним кўпроқ оқсоқол Пандан. У гумонни ўзидан соқит қилиш учун айбни дарҳол бошқага тўнкади. Сен бориб бугун кечаси билан бирор маълумот топишга уриниб кўр. Бирор нарса аниқласанг, дарҳол хабар қил.

Сержант Хун аввало оқсоқол Паннинг ёрдамчиси Чжао Сан хузурига йўл олди. Ҳар эҳтимолга қарши у учта навбатчи миршабни ҳам олганди. Чжао Сан майдонда ўлик жасадларни ўраб олган кишилар орасида эди. Сержант унга яқинлашиб, ба-майлихотир сўз очди:

— Мен бу ерга ҳакам Ди жаноби олийлари билан келганман. Тергов ишларida унга кўмаклашаман. Шу пайтгача мен сенинг жанобингни безовта қилганим йўқ. Умуман мен шундай хulosага келдимки, қария Кун бу ишда бегуноҳ. Биз давлат хизматида бўлганимиз учун бегуноҳ кишиларни безовта қилишга ҳаққимиз йўқ. Бироқ кун жуда серғалва ва оғир ўтди, ўзимиз ҳам анча оч қолдик. Агар егулик бирор нарса ва бир оз шароб топиб беришини сўрасақ, сенинг хўжайнингга оғир ботмасмикн? Тағин булар текинга олиш учун ялтоқилик қилишити, деб ўйлама. Хўжайнинимизнинг ҳалоллигини ҳамма билади. Эртага у бизга пул беради ва биз сенга овқатимиз ҳақини, албатта, тўлаймиз. Шундай экан, сен ҳозир бизларни оч қолдириб юрмагин!

Чжао Сан сержантга ўз эҳтиромини изҳор қилиб, қўшиб қўйди:

— Сиз хафа бўлиб ўтиранг тағин, бошлиғимиз бу ишга ўралишиб қолиб жаноби Олийларининг одамларини кутиб олишга кўрсатма бериш хаёлидан фаромуши бўлганга ўхшайди. Агар сиз ва сизнинг ҳамкасларингиз оч қолган бўлсаларингиз

мени ўз хўжангиз бўлиш шарафига мушарраф қилингиз. Юринглар, бозор майдонидаги емакхонада тамадди қилиб олайлик.

У жасад қўриқчиларини алмаштиришга буйруқ берди ва сержант билан унинг навкарини емакхонага бошлаб кетди. Емакхона хизматчилари қелган одамларнинг жиноят қидириув гуруҳидан эканлитини кўриб, уларни саволларга кўмиб ташладилар, дастурхон ёзib турли ноз-неъматларга ва мўл-кўл шаробга тўлдирдилар.

— Бизларни бошқа миришларга ўхшаб истаганча еб-ичиб, яна йўл ҳақи учун пул сўрайди, деб ўйламанглар. Бизга икки оддий косада овқат ва икки финжон шароб келтирсанглар бўлди, ҳақини кейинроқ тўлаймиз.

Сержант Хун шундай деб тамадди қилишга тутиндиги. У оқсоқол Пан жазолан-гандан кейин меҳмонхонада ушлаб турилганидан ва Цяо Дай билан Ма Чжун унга кўз-кулоқ эканидан яхши хабардор эди. Сержант одоб юзасидан Пан қўл остидаги кишилар билан бу нозик масалада дарҳол гаи бошламай турган эди. Ниҳоят, у гап бошлаб қолди:

— Ростини айтадиган бўлсак, сенинг бошлиғинг ўз вазифасига ўта совуққонлик билан қааркан. Нима учун у кеча тун бўйи уйида бўлмади? Эрталаб сахар пайти уйига келиб, қотиллиқдан хабар топгач, қария Кун бадавлат одам эканини, унчамунча чиқимдан қочмаслитини эслаб қолди. Шунда у ўзининг ёвуз ниятини амалга оширмоқчи бўлиб жасадларни Куннинг меҳмонхонасига олиб ўтказдирди. Ҳаддан ошириб юбормадимикин? Умуман, кечаси үаерда эди? Жасадлар кўчада ётган экан. Ахир кечаси кўчаларни айланиб чиқиши бевосита унинг ва сенинг вазифанг эмасми? Тунги текширувда жасадларни кўрмадингларми? Бутун Жаноби Олийлари Панга 100 таёқ урдиртириди. Эртага эса, ўйлашимча, терговни давом эттириб, уни қотиллиқда айблashi ҳам мумкин. Энди менга айт-чи, шу қилган иши тўғрими? Нима қиларди ўз бошини галвага тиқиб!

— Менга қаранг, сержант, — деди Чжао Сан, — бу ишнинг замираида нима борлигини сиз яхши билмайсиз. Бутун бу ерда биз қадрдан дўстлар мисоли бир дастурхон атрофига тўплантган эканмиз, билиб қўйганингиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Шуни яхши билиб қўйингки, менинг жанобим кўпдан бери Кунга тиш қайраб юрибди. Ҳар янги йилда Кун бизнинг хўжайнинг тиланчига бергандек уч-тўрт танга беради, жаноб Пан бўлса ҳар сафар ундан кўпроқ ундириб олиш пайидан бўлади. Ҳар сафар бу қари зиқна оёқ тираб, ошиқча берипдан бош торгади...

Мана, ўтган кечаси оқсоқол Пан жаноб Ли уйидаги қўнгилхушилик пайтида анчамунча ютқазиб қўйди. У эрталабгача қимор ўйнади, қотиллик ҳақидаги шовқинни эшитмагунча ўрнидан жилгани йўқ. Ўлдирилган кишилар Кун меҳмонхонасида тунаб қолганидан хабар топгач эса, кекса Кун билан ҳисоб-китоб қилиш учун яхши имконият тугилганини ва ундан анча пул ундириб олиш мумкинлитетини ўйлаб қолди. Шу тарзда, ўзингиз кўриб турибсиз, оқсоқол Паннинг қотилликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. У кекса Кунни алдашга уриниб кўрди. Бунинг эвазига бошлаб дарра еб олди. Бошқаларга панд бераман деб, ўзи панд еди.

Қотилликка келганда эса, айтиш керакки, бу жуда мураккаб масала. Шу нарса аниқки, қотиллик тонг отарда юз берган. Чунки мен эрталаб айланиб чиққанимда ҳеч гап йўқ эди. Ҳамма жой тинч-осойишта эди. Хотиржам бўлиб уйга қайтдим. Рости, кекса Кун андишли хасис, лекин у қотил эмас.

Унинг гапларини тингларкан, сержант Хун ўзича мингирилаб қўйди. Демак, оқсоқол Паннинг ҳам қотилликка алоқаси йўқ. У кекса Кундан пул ундиришга уринди-ю, ўзи қазиган чоҳга ўзи қулади. Ундей бўлса қотил ким? Шу ҳақда ўйларкан, сержант Хун иштаҳа билан овқат ейишга киришди ва уни бир пасда пақкос тушириб бўлди.

Оғзидаги сўнгти тишламни чайнаб бўлди-да, шаробни охиригача сицқорди. Кейин емакхона хўжайнинидан ҳисоб-китоб қилишни сўради, овқат ҳақини олиш учун эртага судхонага боришни тайинлади. Сўнгра дўстларини шу ерда қолдириб, ҳакам Ди хузурига йўл олди.

У эшитганларини гапириб бергач, ҳакам Ди деди:

— Бу, шубҳасиз, жуда мураккаб иш. Агар уларни Кун ўлдирмаган бўлса, демак, тужжорлар қаердадир эҳтиётсизлик қилиб пуллари кўплиги ҳақида оғизларидан гуллаб қўйишган, жиноятчилар улар кетидан пойлаб юриб, қулаг имконият тугилиши билан — савдогарлар меҳмонхонадан чиққанларидан кейин шум ниятларини

амалга оширишган. Ғақат иккала жасад ҳам бозор дарвозаси ёнида қандай пайдо бўлиб қолди, буни қандай изоҳлаш керак?

Шу музофотнинг ҳаками сифатида, ўзимни бу ердаги барча кишиларнинг отаси деб ҳисоблайман. Менга бундай ёвуз жиноят учун қасос олишдан бошқа йўл йўқ. Шундан кейингина мен одамлар кўзига тик қарай оламан. Аммо бугун ҳеч нарсага улгурмаймиз. Қани кўрайлик-чи, эртага тергов нима бераркан?

Ҳакам Ди шундай деди-да, сержант Хунга кетишга рухсат берди.

## УЧИНЧИ БОБ

**Кун жасадлар алмашиб қолганини исботлайди; Ҳакам Ди табиб либоси кийиб дори-дармон сотишига киришади.**

Эртаси кун ҳакам Ди жуда барвақт турди. Нонушта қилгач, ўз одамларига кеча жасадлар қолдирилган жойга тўпланишни буюрди. У ерда, Кун меҳмонхонасининг қаршисида кўпتاب миршаблар ва суд ижрочилари йигилган эди.

Ҳакам Дининг ўзи ҳам бу ерга келиб маҳсус ўриндиқقا ўтиради. Ўриндиқ муваққат суд учун атайлаб баланд қилиб курилган супа устига ўрнатилган эди. У биринчи бўлиб Кунни чақирилди ва унга қуидаги сўзлар билан мурожаат қилди:

— Гарчи сен содир этилган жиноятда ўзингни айбисиз деб ҳисоблаётган бўлсанг ҳам, бу ҳодиса сенинг меҳмонхонангдан бошланган. Бу бор далил ва ундан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун бу ишнинг менга алоқаси йўқ, деб кетолмайсан. Зоро, ҳалок бўлган кишилар исмини биз аввало сендан сўраймиз. Уларнинг исм-фамилиялари аниқ бўлмаса, терговни қонун-қоидаси билан олиб бориб бўлмайди.

— Кеча ўша икки киши, — бошлади Кун, — менинг меҳмонхонамга келганида мен исм-фамилияларини сўрадим. Биттаси жаноб Лю деб агади. Иккинчиси ўзини Шао деб танишитирди. Улар юкларини жойлаштириш билан банд бўлгани учун исмларини сўраганим йўқ.

Ҳакам Ди бошини лиқиллатиб, патни сиёҳдонга ботириб олди-да, алоҳида қофозга “Лю фамилияли эркак” деб ёзиб қўйди. Кейин қотилликлар бўйича терговчига жасадни кўздан кечиришни буюрди. Терговчи ҳакам ёзиб берган қофозни олиб судхонага кирди ва Чжао Сан ҳамда навбатчи миршаблар ёрдамида чап томонда ётган жасадни маҳсус ясалган кўтармага олиб қўйишиди.

— Муҳтарам Кун Вандэ, марҳамат қилиб жасаднинг ёнига келинг-да, унинг ҳақиқатан ҳам Лю деган одамнинг жасади эканини тасдиқланг.

Ҳакам Ди Кунга талабни бажаришни буюрди.

Кун истамайгина олдинга чиқиб, жасадга яқинлашди. У қотиб қолган қон билан қопланган эди. Бадани қалтираб турган Кун ўзини зўрга босиб олиб, жасадни дикқат билан кўздан кечирди. Кейин деди:

— Лю деган одам мана шу. Ўтган кеча менинг меҳмонхонамда ётиб қолган эди.

Шу замон терговчи ерга қамишдан тўшалган бўйра ёзиб, жасадни унга ётқизди. У жасадни иссиқ сув билан ювиб, дикқат билан кўздан кечирди. Ниҳоят ҳакамга ахборот берди.

— Эркак киши жасади, орқа елкасининг юқори қисмига пичноқ урилган, жароҳатнинг узунлиги 6,3 см, эни 1,3 см. Чап томонига етказилган жароҳат — 1,5 см чукурлиқда, диаметри 12,7 см. Яна бир пичноқ жароҳати томофида — узунлиги 7,6 см, кенглиги 1,3 см. Томогининг нафас олиши йўли чукур кесилган.

Бу ахборот терговчи ёрдамчиси томонидан қофозга қўчирилиб, ҳакам столига тақдим этилди.

Ҳакам Ди ёзувга чақонлик билан кўз югуртирди-да, ўрнидан туриб, жасадни обдон қараб чиқди. Ахборотнинг тўғрилигини тасдиқлаб, ўзининг қизил муҳрини босди ва жасадни тобутга жойлашни амр этди. Кейин шу одамни танувчиларнинг судга келишини расмий равишда эълон қилишни буюрди.

Сўнгра ҳакам ўз жойига ўтириб бошқа бир қоғоз олди ва унга “Шао исмли эркак” деб ёзиб қўйди. Шундан кейин терговчи Кундан иккинчи жасадни кўздан кечиришини сўради. Кун бошини экканича жасадга яқинлашди ва унга тикилиб қараши билан чинқириб юборди. Алланарсалар деди-да, гул этиб ерга қулади. У хушидан кетганди.

Ҳакам Ди нимадир юз берганини ҳис этиб сержант Хунга уни ҳушига келтиришни буюрди. Орага чуқур жимлик чўқди. Сержант ҳушсиз Кунни ерга ўтиргизиб, унинг хотинидан бир чойнак ширин чой олиб чиқишини сўради. Ҳар томондан тўпланган томошабинлар энди тарқала бошлишганди, бу аҳволни кўриб яна гавжумлашди ва воқеа нима билан тугашини кута бошлишди.

Бир оздан кейин Кун ҳушига келди. У нимадир демоқчи бўлар, лекин икки жумлани зўрга тақрорларди: “Бу, бу, бутунлай бошқа. Бу... хато”.

— Бу ёққа қара, қария, — деди унга сержант Хун, — Жаноби Олийлари жавобингни кутяпти. Гапир, ким хато қилди?

Ниҳоят Кун тилга кирди:

— Бу бошқа жасад. Кечаги жаноб Шао ёш эди, бу бўлса кекса, мўйлови бор. Бу иккинчи меҳмон эмас! Бирор хато юз берганга ўхшайди. Муҳтарам Зот, буни аниқлаш керак!

Терговчи ҳам, сержант ҳам воқеанинг бундай тус олишидан ҳанг манг бўлиб қолишишганди. Улар ҳакамга қарашибди.

— Бу қандай юз берди, — деди ҳакам. — Шу икки жасад кеча кун бўйи шу ерда ётди. Нега сен уларнинг биттаси бошқа одам эканлигини билолмадинг. Энди бўлса, фикрингдан қайтиб бошқача кўрсатма беряпсан? Демак, сен бизларни алдамоқчи бўляпсан!

У Кунни олдига олиб келишларини буюрди ва ғазаб билан тўғрисини гапиришини талаб қилди.

Кун довдираган бир алфозда, бошини ерга уриб, гапира кетди:

— Оқсоқол Пан бу ишни менга тўнкаб жасадларни менинг эшигимга келтириб ташлаганда, мен ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим ва шаҳарга жўнадим. Биринчи навбатда жасадларни яхшилаб текшириш кераклигини мен қаёқдан билай? Бунинг устига иккинчи жасадни биринчиси босиб турганди. Биринчиси Лю эканини танигач, иккинчиси Шао бўлишига шубҳа қилмовдим. Мен бундай бўлишини қайдан билай? Онт ичаман, менинг айбим йўқ ва ўз тақдиримни Муҳтарам Зот ихтиёрига топшираман.

Ҳакам Дининг эсига тушди, кеча жасадларни кўздан кечирганда унинг биттаси иккинчисини беркитиб турган эди. Шу тариқа Куннинг хатоси атайлаб қилинмагани кўриниб турибди. Бироқ бу нарса ишни осонлаштиргани йўқ. У оқсоқол Панни бошлаб келишни буюрди. Оқсоқол ўзини тартибга келтириб, Цяо Даи ва Ма Чжун кузатувида етиб келди. Ҳакам Ди деди:

— Ҳой, кучук мия, жасадларни ўрнидан жилдириб, яна бегуноҳ кишиларни айблашингга бало борми? Сен бу одамларни Кун ўлдириди деб, улар жасадини бозор майдонидан бу ёққа олдириб келтирдинг. Шундай экан, сенда бу жасадларни яхшилаб кўриш имкони бор эди. Энди жавоб бер, уларнинг кўриниши қанақа эди?

Оқсоқол Пан жасадлар алмашиб қолганини эшигига эди. Энди ҳакамнинг унга қўпол муносабатда бўлаётганини кўриб, баттар кўрқиб кетди. Ўзини қотиллиқда айблашларидан ҳадиксираб, оқсоқол бор гапни айта бошлиди?

— Ўлган одамлар Кун меҳмонхонасида ётиб қолишишни учун мен уни қотил деб айтгандим. Қотиллик ҳам унинг ҳовлисига яқин жойда юз берганди, ахир. Ўлдирилганлардан биттаси чиндан ҳам ёш йигит эди. Бошқаси мўйловли киши. Лекин Кун Вандэ жасадларни унинг эшигига элтиб қўйганимдан разабланиб, шикоят қилиш учун шаҳарга жўнаб кетгач, мен жасадларни обдон қараб чиқдим. Бу ерда бирор хатога йўл қўйилганини аниқ айтиб беролмайман, чунки бу тужжорларни мен олдин кўрмаган эдим.

Ҳакам Ди яна миршабларга Панни бамбук таёқчалари билан калтаклашни буюрди. Чунки оқсоқол ҳалол одамга туҳмат қилища айбланди. Кейин ҳакам меҳмонхонадаги уч кишини чакирирди ва уларни сўроқ қилди. Уларнинг ҳаммаси, ишакфурушларнинг иккаласи ҳам ёш эдилар, дейишди. Мана бу мўйловли кекса киши меҳмонхонада яшамаганди. Унинг жасади қандай қилиб бу ерга келиб қолганига ҳаммаси ҳайрон бўлишибди.

— Ундан бўлса, энди жиноятчини қаердан излашни ўзим яхши биламан, — деди ҳакам Ди.

У терговчига иккинчи жасадни текшириб кўришга амр этди. Терговчи маълум қилди:

— Эркак кишининг жасади, чап қўлида 7,6 см ҳажмда пичоқ жароҳати бор. Белининг чап томонига ҳам пичоқ урилган, жароҳат изи 7,6—12,7 см диаметрли ҳажмда. Қобирғаси тагига урилган пичоқ изининг кенглиги 3,2 см, узунлиги эса 14 см, Елкасига ҳам пичоқ урилган. Жароҳат 7 см узунлиқда.

Бу маълумотларнинг ҳаммаси терговчи ёрдамчиси томонидан далолатномага киритилди. Ҳакам Ди гап бошлади:

— Иккинчи жасад шу мавзеда яшовчи одамники бўлиши керак, уни вақтинчалик тобутта қўйиб, шу ерда қолдиралар. Балки қариндошлари шу яқин атрофда яшаётгандир. Ҳозир эълон ёзиб бераман, уни жойларга ёпиштириб чиқинглар. Бу одамни танийдиганлар менга учрашсин. Жиноятчи қўлга олингач, суд қилиниб, ҳукм чиқарилади.

Кун Вандэ озод қилинади, лекин суд мажлисларида гувоҳ сифатида қатнашиш мажбуриятини олади. Оқсоқол Пан ҳозирча ҳибсда бўлади.

Ҳакам Ди мазкур фармонларни эълон қўлгач, тахтировонига ўтириб Люли қишлогини тарқ этди.

Шаҳарда у аввало тангри ибодатхонасига кирди ва шаъм ёқди. Кейин судхонага бориб, Цзянсу вилояти маъмурларига маълумотнома ёзди. Ўлдирилган Люни таърифлаб, унинг қариндош-уруглари ва яқинларини топишда кўмаклапишишни сўради. Кейин кўпни музофотлар судларига расмий хат ёзиб ишакфуруушлик билан шуғулланувчи Шао деган одамни топишда ёрдам беришларини сўради. Сўнгра ҳужжатларни Мирзаларга кўчириш ва жўнатиш учун бериб, Цяо Дай билан Ма Чжунни чақирди.

— Бу иш энди ойдинлашди, — деди у. — Қотил — Шао эканлигига сира шубҳа йўқ. Бу одам қўлга тушгач, уни сўроқ қилишимиз ва ишни ёпишсимиз мумкин. Шунинг учун сизларга буораман, уни топиб, ҳибсга олиб, дарҳол бўёққа етказинглар.

Цяо Дай билан Ма Чжун чиқиб кетишигач, ҳакам Ди сержант Хунни чақирди ва шундай деди:

— Эҳтимол танилмаган ўлик шу ерликдир. Уни биладиган бирорта одамни топишинг керак. Менимча, қотил анча узоққа кетгандир; балки қаердадир хавфсизроқ шаҳар чеккасида яшириниб ётиб, қидиуввлар тўхтатилишини кутар. Ана шу Шао ҳақида бирор нарса билишига ҳаракат қил.

\* \* \*

Орадан анча вақт ўтди. Ёрдамчилар на ўzlари келишди, на бирор хабар юбошибди. Ҳакам Ди ташвишлана бошлади. “Мен ушбу музофотнинг ҳаками бўлганимдан бери анча-мунча чигал муаммоларни ечдим, — деб ўйларди у. — Қизиқ, бу иш на мунча чўзилиб кетди? Ўзим маҳфий қидиув олиб борсам, қотилни тузоққа илинтирам яхши бўлмасмикин?”

Шундай қилиб ҳакам Ди эртаси куни барвақт турди-да, юз қўлини юваб, дарвеш табиб либосини кийди. Барча илмли кишилар қатори у дори-дармонлардан, даволаш санъатидан хабардор эди. Бунинг устига одамлар бошқалардан кўра табибларга кўпроқ ишлонар, ёзилиб гапиравди. Бундан ташқари қотил олишув пайтида бирор жароҳат олган бўлиши мумкин, балки ёрдам сўраб келиб қолар.

Елкасига дори-дармон ва ўт-ўлан солинган қутини осиб олиб ҳакам Ди йўлга тушди. У шаҳарнинг жанубий дарвозасидан<sup>1</sup> чиқиб Люли қишлоғига элтувччи йўлга бурилди. У бозор майдонидан бир неча бор ўтди, бироқ ҳеч ким эътибор бермади. “Эҳтимол бозорга кираверишдаги дўконга ўрнашиб, харидорларни жалб қилиш учун молимни ёйиб ўтирганим маъқулдир” — деб ўйлади у.

У шундай қилди ҳам. Одамлар энг гавжум жойга қараб юрди. Бу ердан амалдорлар, тужжорлар, мол ташувчилар аримасди. Майдоннинг шимолий қисмида катта арк бўлиб, унга: “Император шуҳрати бозори” деб ёзилганди. Арк остидан ўтгач, уч қаватли бинога кўзи тушди. Унинг пештоқига “Ломбард” деб ёзиб қўйилибди. Табиблик дўкончаси учун бундан яхшироқ жойни топиш амри маҳол! Дарҳол кутиси-

<sup>1</sup> Хитой шаҳарлари анъанавий тарзда дунёнинг тўрт қисмига қараб бўлинади ва уларнинг дарвозалари жанубий, шимолий, шарқий ва гарбий дарвоза деб аталади.

дан нарсаларни олди, тош тўшама устига мато ёзиб, доривор ўсимликлар, дориларни териб қўйди. Кейин овозини баралла қўйиб, жар сола бошлади:

Ҳой одамлар, одамлар,  
Боғда битган бодомлар,  
Шимолдану жанубдан  
Келган кутлуғ қадамлар —  
Бир зум тўхтаб ўтиңгиз,  
Галга қулоқ тутингиз.

Соф экансиз — билмайсиз.  
Сира парво қилмайсиз.  
Унтиб касалликни  
Ҳеч назарга илмайсиз.  
Ҳолбуки, оғир дард бор,  
Пойлаб юради ғаддор.

Аммо яхши табибни,  
Жонга малҳам — ҳабибни  
Толиш қийин дунёда.  
Дарллар хуруж қилмасдан,  
Не қилишни билмасдан  
Қийналмайин дессангиз,  
Софлиқ ғамин есангиз,  
Чаққон-чаққон кепқолинг,  
Дори-дармон опқолинг!

Кейин сўзида давом этди:

— Менинг фамилиям Жэн, Исмим Цю. Ўзим Шанси вилоятиданман. Ёшлигимдан табобатга оид китобларни ўқиб, ўрганиб даволаш сирларини тўлиқ эгалладим. Мен гарчи ўзимни ўтмишининг Лукъмони ҳакимлари билан тенглаштиришга ботина олмасам-да, кейинги табибларнинг санъатини яхши эгаллаганман. Мен эркакларда ва аёлларда томир уришини ажратса оламан, муолажа ва жарроҳлик қиласман, номаълум хасталиклар ташхиси бўйича мутахассисман. Менинг хизматимдан баҳраманд бўлинглар — бу ўзларингга фойдаланан холи бўлмайди. Ҳар қандай оғир касалликни уч кун ичидаги тузатаман. Мен бу ерга эски бир мижозимнинг илтимоси билан келганиман. Имкон борида фойдаланиб қолинглар. Менинг бурчим — ёрдамга муҳтожларга мададкор бўлишдир. Марҳамат қилинглар, ким даволанишни истаса, келаверсин...

Ҳакам Ди жар солаётгандага унинг атрофига турли бекорчилар тўплана бошлашиди. “Табиб” гапириш асносига тўпланаётгандарга кўз қирини ташлаб қўярди. Уларнинг кўпига бир-бирини танирди шекилли, ўзаро сўрашиб сұхбатлашишарди. Оломон орасида буқчайганроқ бир аёлга кўзи тушди. У бошқаларни итариб-суреб олдинга ўтишга уринарди. Ҳакам Ди гапдан тўхташи билан аёл унга мурожаат қилди:

— Агар сиз, жаноб, даволаш усуулларини яхши билсангиз, менинг эски дардими ни ҳам даволай оларсиз.

— Албатта, — деди ҳакам Ди, — агар ўз касбимни яхши билмасам, бу ерга овора бўлиб келармидим. Фақат сиз дардингиз аломатларини яхшилаб таърифлаб берсангиз, бас.

— Касалимнинг илдизи — юракда, — деди аёл, шунаقا дардни ҳам даволай оласанми?

— Менинг учун қилишим мумкин бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ, — деди комил ишонч билан “табиб”. — Агар касалингиз юрак дарди бўлса, менда юрак учун ҳам дори топилади. Фақат юзингизни ёруғга қаратинг-чи, яхшилаб кўриб олай.

Аёл ўгирилди. Ҳакам унинг юзига бир нигоҳ ташлади. Бу ишни гарчи адолат юзасидан қилаётган бўлса ҳам ўзи юксак лавозимдаги шахс, аёл эса бор-йўғи бего-

на аёл эканини эсдан чиқармасди. Ўзига эрк бериш одоб қоидаларига мос келмаслигини яхши биларди.

— Сизни нима безовта қилаётганини яхши биламан, — деди у. — Терингиз куриб, сарғайиб қолибди, қон томирларингиз бўртиб, кўкариб турибди. Бу — жигарингиз безовта қилаётганидан далолат. Бунинг устига асабларингиз ниҳоятда бўшшибди. Бир муддат олдин оғир руҳий азобни бошдан кечирибсиз. Фам-андуҳдан жигарингиз яллигланибди, овқат ҳазм қилиш ёмонлашган. Юрагингизда мунтазам санчиқ сезасиз, шундаймасми?

Хайратланган аёл ларзага келди:

— Тақсир, сиз чиндан ўта қобилиятли одамга ўхшайсиз! Бу дард мени кўпдан бери қийнайди. Лекин бирорта ҳаким бунинг сабабини бунчалик аниқ таърифламаганди. Энди, шунчалик аниқ ташхис қўйган экансиз, айтинг-чи, бу дардни даволайдиган дори борми?

## ТЎРТИНЧИ БОБ

**Табиб либосидаги ҳакам Ди мижозлар ҳузурига ташриф буюради;  
соқов қизча билан учрашув унда шубҳа уйғотади.**

Ҳакам Ди ҳалиги аёл унинг тиббий истеъодидига қойил қолганига ишонч ҳосил қилгач, бу аёлнинг касали ҳақида яна бирор нарса билсак ёмон бўлмасди, деган хаёлга борди. Шунинг учун аста сўради:

— Сиз бу дардан анчадан бери азоб чекасиз. Ахир эрингиз, болаларингиз бўлса керак, улар ҳаким чақирса бўларди-ку? Улар нега бу дарднинг сурункали касалга айланишига йўл қўйишиди?

Аёл чукур хўрсинди.

— Афсуски, эримнинг ўлганига анча бўлди. Ундан яккаю ёлғиз ўғлим бор эди, у ҳам тирик бўлганида ҳозир 28 ёшга тўларди. Аввалиари мана шу бозорда мўъжазгина дўкони бор эди. Унда жун ва пахтадан тайёрланган буюмлар сотарди. Бундан саккиз йил бурун ўғлим уйланди. Ўтган йилнинг май ойида эса, Аждарҳо қайиқдари байрами<sup>1</sup> куни тўсатдан ўлиб қолди. Ўша куни у тушгача уйда бўлди, кейин мени, хотини ва қизасини эргаптириб байрам мусобақаларини томоша қўлдигани олиб борди. Ўша оқциом болам соппа-соғ эди. Овқатдан кейин қорнида қатиқ оғриқ сезаётганини айтди. Ҳали байрам томошасида офтоб урдимикин, деб ўйладим. Келинимга уни тўшакка ётқизигин деб айтдим. Тунги соқчилар учинчи бор айланиб ўтишганидан сўнг ўғлимнинг қатиқ чинқириб юборганини эшитиб қолдим. Кейин келиним югуриб кирди ва йиглаганича ўғлим ўлиб қолганини айтди.

Бу даҳшатли фожиа шундай тўсатдан рўй бердики, гўё бирдан осмон ерга қулаб тушгандай бўлди. Оилавий йўлиминиз тутади қолди.

Гарчи бизда мана бу кичкина дўкон қолган бўлса ҳам, ҳеч қандай жамғармамиз йўқ эди. Шу боис ундан-бундан қарз кўтариб дағн маросими учун зўрга етадиган пул тўпладик. Ўғлимнинг ўлигини кўрганда ҳайрон бўлдим: кўзлари косасидан чиқиб кетган эди. Бу нарса менинг қайғумни баттар кучайтирди. Ўғлим учун туну кун йиглаб мотам тутдим. Шу тариқа юрак касаллигини ортиридим.

Шу маҳзун қиссани тинглаб, ҳакам бир неча шубҳали ўринларига эътибор берди. “Албатта, у иссиқ уришидан ўлган бўлиши ҳам мумкин, — деб ўйлади у, — лекин ўлим олдидан чинқиригини ва кўзларининг косасидан чиқиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди... Мана, мен бу ерга қотил Шаони тошиш учун келган эдим, лекин, ўзимга бошқа иш топганга ўхшайман”.

— Мана энди, бу воқеани эшитганимдан кейин касалингиз мен ўйлаганимдан ҳам жиддий эканини тушундим, — деди у аёлга. — Агар бу касаллик дилгирлиқдан пайдо бўлган эрса, уни осонроқ тузатиш мумкин. Лекин чукур қайғу-алам юрак ва суюкларни емира бошласа, уни бирданнiga тузатиш амри маҳол. Мана, менда бунга яраша дори бор. У сизга ёрдам беради. Лекин уни ўзим қайнатишим керак. Қанча

<sup>1</sup> Аждарҳо қайиқлари байрами ой тақвими 5-ойининг 5-куни ўтказиларди. Минглаб кишилар қайиқда ким ўзарга мусобақа ўйнашарди. IV асрдан кейин бу байрам машҳур шоир ва сиёсий арбоб Цюй Юан шарафига ўтказиладиган бўлди.

сув қўшиш қераклигини адаштирмаслик керак. Шундагина бу дори яхши самара беради. Бу оғир вазифа, уни қўчада эплаш қийин. Агар сиз бу дарддан чинакамига фориг бўлишни истасангиз — уйингизга бориб, дориворни ўша ерда тайёрлаш керак.

Аёл бир оз иккилангач, жавоб берди:

— Агар сиз, тақсир, боришга рози бўлсангиз, мен албатта розиман. Зоро, бу дарддан фориг бўлиш — қатъий истагим. Лекин, битта қийин томони бор. Ўғлим ўлганидан кейин унинг хотини бевалик удумига қатъий амал қилаётир. У энг яқин қариндошлидан ташқари ҳеч ким билан кўришмайди ҳам, гаплашмайди ҳам. Ҳар куни тушдан кейин ўз хонасига кириб олади-да, ҳеч кимга юз кўрсатмайди. Уйингизга бирортаси келадиган бўлса ўз хонасидан туриб менг бақиради: “Ойи, нима учун бу кишиларга уйимизга келишга рухсат берасиз. Ёш аёл бўлган уйга келиш одобдан эмас, ахир!” Шунинг учун бизга қариндош бўлган эркак кишилар унинг қайтадан эрга тегишини қатъян ман этганини эшитиб, бизниги бутунлай келмай қўйишиди.

Яқиндан бошлаб аёл қариндошлиаримиз ҳам биз билан борди-келдини йигиптириб қўйишиди. Шу боис уйда келиним билан ёлғизмиз. Эрталабдан уй юмушларига киришамиз-да, тушдан кейин иккаламиз ўз хоналаримизда бўламиз. Агар бизниги борсангиз, дориворни ҳовлида тайёрлашингизга тўғри келади. Кейин тезда қайтиб кетишингиз керак. Бўлмаса келиним мен билан яна жанжаллашади.

Аёлнинг бу гаплари ҳакамнинг шубҳаларини баттар кучайтириди: “Бунда бир сир борга ўхшайди. Салтанатимизда садоқатли бевалар оз эмас, — ўйлади ҳакам, — лекин бошқалар бунинг олдида ип эшолмайди. Эркакларнинг уйга киришларига йўл қўймаслиги ва улар билан гапдашмаслиги, албатта, мақтовга лойиқ. Лекин бошқа аёллар билан ҳам кўришмаслиги, бунинг устига тушдан кейин хонасига беркиниб олиши жуда шубҳали. Бу аёлнинг уйига бориб, келиннинг қанақалигини кўриб қўйиши керак”. Кейин аёлга мурожаат қилди:

— Келинингиз шундай садоқатли экани мақтовга лойиқ. Мен уйингизда кўп турмайман. Дорини тайёрласам бўлди. Бир финжон қаҳва ичмайман, бошқа ҳеч қандай тадбирнинг ҳам кераги йўқ. Дори тайёрлаб бераман-у, чиқиб кетаман.

Табибнинг рози бўлганини кўриб, аёл жуда хурсанд бўлди.

— Мен олдин уйга бориб келинимга тушунтириб берай, — деди у. — Кейин келиб сизни олиб кетаман.

Ҳакам келин унинг боришини тақиқлашидан кўрқиб, эътиroz билдириди.

— Э, йўқ. Бунақаси кетмайди. Сизга дори тайёрлаб мен дарҳол орқага қайтишим керак. Шаҳарда иш имбондан ошиб ётиби. Сиз менга жуда кўп шарт қўяпсиз. Лекин менинг хизматларимга пулингиз етмаслигини ҳисобга олмаяпсиз. Шунга қарамай, мен уйингизга боришига розиман, чунки менинг ҳакимлик шаъним шуни тақозо этади. Юринг, кетдик. Кейин менинг вақтим бўлмайди. У шундай деди-да, ашқол-дашқолини йиғиштириб тўпланган бекорчиларни наридан-бери суриб, аёлнинг орқасидан эргаҳди.

Улар бир неча тор кўчалардан ўтиб, оддий бир ҳовлига яқинлашидилар. Эшик олдида турган етти ёшлар чамасидаги қизча югуриб келди-да, аёлнинг бўйнига осилиб олди. Бир қўли билан унинг бўйини қутоқлаб, иккинчи қўли билан имоишоралар қилиб, алланарсаларни тушунтира кетди. Қизча узуқ-юлуқ овозларгина чиқарар эди.

Ҳакам қизчанинг соқов эканини тушуниб, сўради:

— Бу қиз ким? Гапиришни билмайдими? Ё ўзи соқов туғилганми?

Лекин аёл эшигини очиб, ичкари шошиларди, афтидан келинини огоҳлантиримоқчи эди. Ҳакам ҳам унинг орқасидан шошилди, қандай бўлмасин келинни кўриб қолмоқчи эди. Ҳовли ўргасида бир қаватли уй бўлиб, унинг уч хонаси бирин-кетин жойлашган эди. Ўнг томондаги хонанинг эшиги очиқ эди. Табиий, унинг ичидаги уй соҳибаси ташқи эшикнинг очилганини эшитган бўлиши керак. У қия очиқ эшикдан ҳакамга қараб турарди.

Ҳакам аёлнинг келинини кўришга муваффақ бўлди. У 30 ёшларда, оддий уй кийимида, бўянемаган эди. Лекин хушрўйлиги шундоққина кўриниб турарди. Унинг бир қарашиёқ ҳар қандай эркакни довдиратиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Пенсионаси оппоқ, ёноқлари ёниб турарди.

Үйга кириб келаётган нотаниш эркакни кўриб, чинқириб юборди-да, ўзини орқага олиб, эшикни беркитди. Ҳакам ичкаридан туриб келиннинг қайнонасига таъналар қилаётганини эшилти:

— Қанақа беҳаёб аёлсиз ўзи. Дуч келган одамни эргаштириб келаверасизми? Бир неча кун тинчгина яшаган эдик. Мени яна жаврашга мажбур қиляпсиз. Ё тавба, ёзигим не эди? Не кунларга қолдим-а?

Унинг бу гапларини эшилтиб, бу ерда бир сир бор деб, бекорга шубҳаланмаган эканман, деб ўйлади ҳакам ва мумкин қадар кўпроқ маълумот олишига ошикди.

У шарт ҳовлига ўтириб олди-да, эҳтиром билан сўради:

— Бу итоаткор қулингиз ушбу тангри ёрлақаган уйингизга биринчи бор келиши, олижаноб исмингизни билмайман ҳам. Мана бу қизча набирангиз бўлса керак?

— Ҳа, у бизнинг фамилиямизда, — жавоб берди аёл. — Қизчанинг фамилияси

— Би. Раҳматли эримни Би Чаншанъ дейишарди. Ўғлим Би Сюн эди. Ундан ёдгорлик бўлиб мана шу етти ёшли қизча қолди.

Шундай деркан аёл қизчани бағрига босди-да, йиглаб юборди.

— Мұҳтарам хоним, — деди ҳакам, — кеч бўлиб қолди. Дориворни қайнатиб бера қолай. Айтмоқчи, мен табиб — бўлганим учун билгим келяпти — набирангиз нега соқов бўлиб қолди?

Би хоним жавоб берди:

— Уйимизга қанақадир қасофат дориди. Қизча ёшлигидан жуда қобилиятли эди. Жуда ақлли, зийрак эди. Тўрт ёшидаёқ бийрон-бийрон гапириб, ҳаммани лол қолдиради. Отаси ўлганидан кейин тўрт ой ўтгач, бирданига гапирмай қўйди. Ўша кундан бирорта гап айттолмайди. Лекин ўзи ҳамма нарсани яхши тушунади.

— Тили тутилиб қолган кечаси у қаерда ухлаганди, — сўради табиб. Бирор дори бериб, уни соқов қилиб қўйган бўлиши мумкинми? Кимнингдир золим иродаси — уни тилдан қолдирган экан, уни даволашга уринмадингизми?

Би хоним жавоб қайтариб улгурмаган ҳам эдики, ичкаридан келиннинг шанғиллагани эшитилди:

— Кўриб қўйинглар-а! Бу одам куппа-кундузи ҳам кишиларни алдаб, пулини қоқиширмоқчи бўляпти! Ўйлаб топган гапини қаранг. Мен қизимни ёнимдан бир қадам ҳам жилдирганим йўқ, унга ким нарса ичирган бўлиши мумкин. Дунёдан кўп табиблар ўтган. Лекин соқовга тил ато қилган ҳакимни эшигтаним йўқ. Ҳой, кампир! У сени даволайман дегани учун бошлаб келгансан. Ҳатто ўзи кимлигини ҳам билмайсан. Эримдан айрилиб, дарду аламдан қон йиглаётган ташвишларни шунақа шерик бўляяпсанми, ҳали??

Би хоним бундай айбловларга қарши лом-мим деяолмай қолди.

Ҳакам Ди ўйланиб қолди: “Унинг келини қандайдир бетамиз ишларга аралашиб қолганга ўхшайди. Қайнона уччалик ақли расо бўлмаганидан келиннинг хатти-ҳаракатларидан гумонсирамайди. У келиним бевалик амалини бажо келтирияпти, деб ўйлади. Лекин мен эрини келиннинг айнан ўзи ўлдирган деган гумондаман. Чинакам садоқатли бевалар одатда яхши келин бўлишади, ўз эрининг ҳурматини жойига қўйиб, қайнонасининг саломатлигини ҳам ўйлади. Шундай экан, бу ёш бева қайнонасининг касалини даволаш учун нега ҳеч қайғурмайди? Бунинг устига ўзининг соқов қизини нега даволатирмайди? Яна денг, кимдир уни даволамоқчи бўлганим эшитиб суюниш ўрнига, сўқиниб, тўполон қилаяпти. Мана шу икки номутаносиблик сирни очувчи калит бўлиши мумкин. Мен эса шубҳа уйғотмаслик учун гапни ковламай қўя қолай. Кейин яхшилаб текшириб қўраман”.

У ўрнидан турди-да, овозини баланд кўйиб гапириди:

— Мен бор-йўти сайёр табибман. Лекин барбири озми-кўпми, одамлардан ўзимга яраша ҳурматталабман. Акс ҳолда уларни даволамай қўяман. Келиннинг бўлса, ҳе йўқ, бе йўқ, менга таъна қилаяпти. Ҳолбуки, мен хизмат ҳаққимга ҳеч нарса талаб қилганим йўқ. Шундай экан, сизга ёрдам беришимнинг ҳожати йўққа ўхшайди. Яхлиси, ўзингизга бошқа табиб қидира қолинг.

У шартта бурилди-ю, жўнаб қолди. Би хоним унга ҳеч нарса дея олмади. Эшиккача кузатиб қўйди, холос.

Ҳакам Ди бозор майдонига қайтиб келганида қўёш бота бошлаганди. Шаҳарга қайтишга вақт кеч бўлиб қолганди, у бу кечани ҳам қишлоқда ўтказишга қарор қилди. Чанпинга эртага қайтса ҳам бўлади, ҳозир эса бу ерда бирор нарса аниқлаш керак.

У бозор қаршисидаги катта меҳмонхонага кирди.

— Алоҳида хона хоҳлайдиларми ёки... — сўради хизматкор.

— Мен бир ўзимман, бу ерда бир неча кун қолиш ниятим бор. Йўлга бир оз пул тўплашим керак. Алоҳида хона маъкүл.

Хизматкор табибининг бу ерда мижозларни қабул қилиши ва дори-дармон сотишини фаҳмлаб, анча-мунча чойчака ишлаб қолиши мумкинлигидан суюниб:

— Албатта, албатта, жаноб, — деди мулозамат билан. Кейин ҳакам Дини иккинчи ичкари ҳовлидаги меҳмонхонага бошлаб кирди.

Хизматкор хонага кўрпа, чойшаб олиб кирди.

— Тамадди қилдингизми? — деб сўради.

— Тўйимли овқатдан бўлса, бир финжон иссиқ чой, бир чойнакда шароб ҳам...

Ҳакам жаноблари овқатланиб бўлгач, ташқари чиқди, ҳовлини айланди. Майдонда наридан-бери шошаётган одамлар орасида унга ишора қилаётган кимсага кўзи тушди.

Ҳакам уни таниди, у оғиз очишга ултурмай, гапни илиб кетди:

— Муҳтарам Хун жаноблари, қаердан келиб қолдингиз? Сизни бу ерда учратганим жуда яхши бўлди-да! Марҳамат, менинг хонамга юрақолинг, ўша ерда бафуржга гаплашиб оламиз...

## БЕШИНЧИ БОБ

**Ҳаммомдаги сұхбат янги даилларни ойдинлаштиради;  
қабристондаги ибодат у дунёдан руҳни чақиради.**

Ҳакам Ди мурожаат қиласан одам сержант Хун эди. Ҳакамнинг амрини бажо келтириб, у бир неча кун давомида Люли қишлоғидан бўлган қотилни шаҳар атрофига қидириб, изгиб юрди. Бироқ қидибувлари бирор натижа бермади. Шу куни у бозор майдонида қидибувлар олиб борди-да, айни меҳмонхонада тунамоқчи бўлди. Ҳакам Дининг кимлигини фош қилиб қўйишдан чўчиган Хун унга эски оғайниси қабилида муомала қилди:

— Сизни бу ерда учратаман деб сира ўйламаган эдим! Сиз билан ҳамсуҳбат бўлишдан жуда қувонардим.

Ҳакамнинг иккинчи ички ҳовлидаги хонасига келгач, сержант Хун энг аввало эшикни маҳкам беркитди, кейин эҳтиром билан:

— Муҳтарам Зот бу ерга қачон келдилар? — деб сўради.

— Биз меҳмонхонадамиз, — деди ҳакам, — бу ерда эса деворнинг ҳам қулоги бор. Менга бундай муомала қилма, яхиси гапир, ишлар қандай кетяпти?

Сержант Хун заманга бош чайқади:

— Сизнинг кўрсатмаларингизга биноан, бир неча кун давомида мен анча жойни синчковлик билан кузатдим, лекин ҳеч нарса тополмадим. Ўша Шао бизнинг музофотни тарк этган деб ўйлайман. Эҳтимол Ма Чун ва Цяо Дайнинг кўпроқ омади келгандир.

— Ҳали икки қотиллик фош қилингани йўқ, мен бўлсан бу ерда бошқа жиноятга дуч келдим. Бугун кечқурун биз кўпроқ нарса аниқлалимиз керак, эрталаб эса қидиришларни давом эттирамиз.

Шундан кейин у Хун Лянга ўзининг Би хоним билан учрашгани ва кузатувлар нима билан тугагани ҳақида гапириб берди.

— Бу иш чиндан ҳам жуда шубҳали қўринади, — деди сержант, — лекин ҳеч ким шикоят қиласан йўқ-ку. Бизда ҳеч қанақа далил йўқ. Бу ишни текшириб бўлармикан?

— Шунинг учун ҳам бизга кўшимча аҳборот ва далиллар керак, — деди ҳакам. Бугун кечқурун сен Би хоним яшайдиган кўчага боришинг керак, атрофни кузат, сўраб-суриштир. Қўшнилар жаноб Бининг ўлими ҳақида қандай фикрда эканликларини бил. Сўра-чи, уни қаерга кўмишган экан.

Сўнгра ҳакам сержант учун нонушта чақириди. Улар биринчи тунги соқчилар айланишигача кутишиди, кейин сержант Хун қаролни чақирида-да, ҳакам учун иссиқ чой келтиришни ва кечки ибодатни ўтказишга ёрдамлашишни тайинлади. “Мен эса, — дея қўшимча қилди у, — ҳозир оғайниларим билан кўришгани бораман, лекин тез қайтаман”.

Бундай топшириқлардан кейин қарол буларнинг бири ҳакам, иккинчиси эса унинг фармонбардори эканини хаёлига ҳам келтирмаганди. У буюрилган ишни бажаришга киришди. Сержант Хун бўлса топшириқни бажаргани жўнаб қолди.

Ҳакам Дининг кўрсатмасига биноан у Жин кўчалардан ўтиб Би хоним уйига олиб борувчи йўлни топиб олди. Бир неча бор у ёққа, бу ёққа ўтиб кўрди. Лекин атроф жимжитлик эди. Бирон жон кўринмади. Сержант ҳали эрта бўлса керак, деб ўйлади-да, бозор майдонига қайтиб борди.

Бозор майдонидаги дўконлар ҳали бекилмаганди. Кўчаларни чироқлар ёритиб турарди. Бозор икки йўл чорраҳасида жойлашгани учун бу ерда ҳали одам гавжуд эди.

Сержант айланниб юриб каттагина жамоа ҳаммомига келиб қолди. “Кириб бир ювениб олсан, қандай бўларкан? — деб ўйлади у. — Бунақа жойларда хуш кайфият кишилар кўп бўлади ва маълумот тўплап анча осон кечади”.

У ҳаммомига кирди. Одам роса кўп экан. Ҳар иккала ҳовуз ҳам чўмилувчилар билан тирбанд, мириқиб иссиқ сувда ювенишмоқда. Сержантнинг омади чопиб, ҳовуз ёнидаги кан<sup>1</sup>дан жой топиб олди. У ҳаммомига мурожаат қилди:

— Айтинг-чи, бу ердан Чанпин шаҳрига узоқми?

Ҳаммомчи унинг узоқдан келганини билиб, жавоб қайтарди:

— Шаҳар бу ердан 5 чақирилмалар келади. Нима, сиз бутун кечаси ўша ёққа жўна-моқчимисиз?

— Ҳа, у ерда қариндошларим бор, бир кўриб келмоқчийдим. Бу қишлоқ Чанпин тасарруфидами? Ҳозир бош ҳакам ким экан? Қишлоқда тинчлик, осойишталикими?

Ҳаммомчи ҳам кимга ёрилишни билмай, ичи тўлиб турган экан, гапга тушиб кетди:

— Бизларда суд маҳкамасининг бошлиғи давлатимиздаги энг яхши ҳакамлардан бири, таниқли терговчи Ди жаноблари бўлади. Сўнгги янгиликларга келсак, сал олдинроқ келганингизда қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлардингиз...

У Люли қишлоғида икки киши ўлдирилгани ва бўлиб ўтган терговлар ҳақида қўшиб-чатиб анчагина гапларни айтди.

— Бу жойлар Аджарҳо қайиқлари байрами билан машҳур деб эшитаман... Бултур байрам пайтида ўлат тарқалганмис, шу ростми? Қайиқчилар мусобақасини кўргани келган одамлар тўсатдан касалга чалиниб, қирилиб кетган эканми-ей?

— Жуда ҳазилкаш экансиз, мусофири, — деди ҳаммомчи, — мен шу ерда туғи-либ, шу ерда ўсганман. Лекин бунақангি воқеани сира эшитганим йўқ. Кимдир сизни мазаҳ қўлмоқчи бўлганга ўхшайди.

— Ўзим ҳам аввал бошда ишонмадим, — деди сержант. — Лекин ҳалиги киши далиллар билан шундай гапларни айтдики, лол қолдим. Қандайдир Би деган одам ўша байрамдан қайтиши билан ўлиб қолибди-ку.

Ҳаммомчи гапириш учун энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, ёнма-ён ўтирган ёш ийит гапга аралашди.

— Ҳа, шундай бўлган эди. Бироқ ҳалиги одам қайиқчилар мусобақасини кўришга боргани учун ўлгани йўқ. Эшитишмича, кечаси меъда санчигидан ўлиби.

Шунда яна бошқа бир киши гапга аралашди:

— Умуман, у жуда ғалати ҳодиса бўлғанди. Шундай соппа-соғ одам тўсатдан ўлиб қолса-я! Ақлим бовар қиммайди, кундузи туппа-тузук юрган Би кечаси тўсатдан ўлса... Яна денг, бир мартагина бақиришга улгуребди, холос. Бунинг устига, эсингиздами, жасадни қайта кийинтираётганда қўзлари косасидан чиқиб кетганини кўриб ҳайрон қолдик. Тағин-чи, одамлар унинг қабри атрофида ғалати шарпларни кўришибди. Қўшнилар унинг ўлимидан шубҳаланишлари бежиз эмас. Унинг бевасини кўрдингларми ўзи?

— Э...э, у ҳақда бемаъни гапни қўйинглар, — деди ҳаммомчи. — Ҳалигача ўз хушрўйлигини йўқотгани йўқ. Ҳали ҳам ўлган эрига садоқат билан аза тутиб юрибди. Эри қазосидан бери уйидан чиққани йўқ. Бу унинг садоқатига далил эмасми? Номусу андишалик бўлса, шунча бўлар-да! Қабристондаги ғайри табиий ҳодисаларга келсак, у ерда, Гаоцзявада бошқа мозорлар ҳам тўлиб ётибди-ку. Ҳалиги арвоҳлар Бига алоқадор эканлигини қаёқдан биласиз?

<sup>1</sup> Кан — тагидан иссиқ сув билан иситиладиган супа.

Ёш йигит унга жавобан деди:

— Мен ўз мuloҳазамни айтдим, қўйдим-да. Бу дунёда биз ҳаммамиз учб юрган булут мисолимиз. Бугун шу ердамиз, эртага эса ким билади қаерда бўлишимизни. Ҳолбуки, Би Сюн ўлганидан кейин унинг қизаси ҳам соқов бўлиб қолди. Бунинг барни ғалати. — Йигит кийиниб чиқиб кетди. Сержант Хун бу йигит Би ўлимидан хабардор бўлса керак, деб ўйлади-да, ҳаммомчидан сўради:

— Бу жаноб ким бўладилар? Жуда хушфey ва ҳалол киши эканми?

— У бозордаги дўконлардан бирининг соҳиби, — деди ҳаммомчи. — Бининг жун ва пахта матолар сотадиган дўкони уники билан ёнма-ён эди. Исли Ван. Биз уни чақалоқлигидан яхши биламиз, шунинг учун Митти Ван деб чақирамиз. Оғзига келганини галираверадио бирорни хафа қиласидиган одати йўқ.

Сержант ҳаммомчини бир оз чойчақа билан сийлади-да, ҳаммомдан чиқди. У Би хоним уйига элтувчи кўчада бир оз айланниб юрди, фикр қилди. Қотиллик ҳақида ҳеч қандай далил топилмаяпти. Бу орада шубҳаланадиган ҳеч нарса кўринмади. У ҳакам Ди ҳузурига қайтиб келиб, эшигтанларини гапириб берди.

— Яхшиси, биз қабристонга бориб ўща мозорни ўз кўзимиз билан кўрайлик, — деди жаноб Ди.

Бу кунисига эрталаб ҳакам Ди билан сержант Хун барвақт туришди. Нонушта қилишиб меҳмонхонадан чиқиши. Ҳакам Ди елкасига табиблик доривор қутиси-ни осиб олганди.

Улар битта чолдан қабристонга борадиган йўлни сўрашди. Бегона ўтлар билан қопланган майдонга чиқиши. Ҳамма жойда суюклар сочилиб ётар, ўйдим-чукур қабрлар кўзга ташланарди.

— Етиб келдик, Мұхтарам Зот, — деди сержант, — лекин Би Сюннинг қабрини қандай топамиз?

Ҳакам Ди кескин жавоб берди:

— Мен бош ҳакамман, бу ерга ягона бир мақсад — Би Сюн ўлими учун келдим. Гарчи биз ўлим билан ҳаёт ўртасидаги чегаранинг икки томонида турган бўлсак-да, ниятларни пок ва олижаноб эканлигига ишониб, марҳумнинг руҳи бизга бирор белги берса керак деб ўйлайман. Агар Би Сюн табиий ўлим билан бу дунёни тарк этган бўлса, биз унинг қабрини тополмаслигимиз мумкин. Агар уни хоинларча ўлдиришган бўлса, унинг руҳи шу атрофда айланниб юрган бўлади. У бизни қандай бўлмасин огоҳлантиради.

У шундай деди-да, қабрлар орасида ўтириб дуо ўқий бошлиди.

Кун тушликка яқинлашиб қолган эди. Кутимаганда қуёш қорайди, қаттиқ шамол туриб, қум ва тошларни учира бошлади, қуон ҳосил бўлди. Кейин қуон орасида таниш қийин бўлган сиймо пайдо бўлди, у ҳавода учб юрганга ўхшарди. Уни кўриб сержантнинг ранги ўчди, соchlари диккайиб, ўзини ҳакам Дининг панасига олишга уринди.

Ҳакам бўлса ҳатто қимир ҳам этмади. У вазмин товушда гапира бошлади:

— Мен ҳакам Ди бўламан. Яхши биламан, сенга нисбатан ўта адолатсизлик қилишибди. Агар сенинг қабрингни тополмасам, адолатсизликни тўғрилай олмайман. Илтимос, менга йўл кўрсат.

Шу сўзлардан кейин тепага кўтарилиган қуон қабрлар бўйлаб юра бошлиди. Ҳакам Ди билан сержант Хун изидан юришибди. Соя ёлғиз қабр устига бориб тўхтади. Кейин соя бирданига йўқолди, шамол тинди, вазият яна аввалги ҳолига қайтди. Ҳакам билан сержант мозорни кўздан кечиришибди, унинг янгилиги билиниб турарди.

— Ўлим билан қилган сухбатимиз бизни бу ерга олиб келди, — деди ҳакам сержантга. — Энди бориб гўрковни ёки бошқа бирорни топиб келиш керак. Токи бу ҳодиса бирон-бир ёвуз руҳнинг ҳазили бўлмасин. Би Сюн шу ерга қўмилганини аниқ билайлик. Мен шу ерда кутиб тураман.

Сержант Хун бояги даҳшатдан ҳали ўзига келолмаган эди. Шу боисдан дарҳол рози бўлди. Кейин соқоли оқарган бир чолни бошлаб келди. Чол ҳакамни кўриши билан унга ўшқира кетди:

— Эй, доривор ўсимликлар сотмай кет. Жуда аҳмоқ одам экансан. Афтидан, бозорда бу ўтларингни пуллашга бирор харидор тоимаганга ўхшайсан. Энди бу ерда савдо қимлоқчимисан? Шу ташландиқ қабристонда-я?! Томорқамда бемалол ишлаб турсам денг, бу кишининг гап сўрагиси келиб қолибди. Бу қандай гап?

## ОЛТИНЧИ БОБ

**Чол ҳурматсизлик қилиб тилга эрк беради;  
Ҳакам Ди расмий терговни бошлаб юборади.**

— Ҳой бобой, сал оғзингизга қараб гапиринг, — деди ҳакам. — Одоб доирасидан чиқиб кетяпсиз. Мен гарчи сайёх табиб бўлсан ҳам, унчалик тентак эмасман. Бу ерга келишимнинг ҳам боиси бор. Ушбу қабристон геомантик нұқтаи назардан жуда кулай ерга жойлашган. Бу ерга кўмилган одамнинг болалари яна бир неча йилдан кейин анча бойиб кетишиди. Шунинг учун бу жойнинг эгаси ким ва у ерини сотмайдими? — шуни билмоқчиман холос.

Бу гапларни эшитган оқсоқол ҳакамни масхара қилгандай тиржайди-да, шартта орқасига бурилиб жўнаб қолди. Бироқ сержант Хун унинг орқасидан қувиб етди, енгидан ушлади ва дўқ ура кетди:

— Ёшим катта деб ҳоҳлаган одамни бехурмат қилиб кетаверасанми? Агар оппоқ соқолим шунга ҳуқуқ беради, деб ўйласанг ҳам янгишасан! Агар йигирма ёш кичикроқ бўлганингда ҳозир боллаб адабингни бериб қўядим, шунда одамларни ҳақорат қўлимайдиган бўлардинг. Сен унчалик аҳмоқ эмассан, шундай эмасми? Энди саволга жавоб бер, билдингми?

Ҳарқанча уринмасин сержантнинг темир чангалидан кутула олмаган чол бўйсуншига мажбур бўлди.

— Мен сенинг хўжайининг билан гаплашмоқчи эмасман, деб ўйламагин, — деди чол. — Лекин у ҳам гапираёттанини ўйлаши керак-ку, ахир. Мана у бу ерни жуда кулай жой деб айтди. Лекин менга тушунтириб беринг-чи, бу ерга кўмилгандарнинг бутун авлод-ажоддлари нега қирилиб кетди? Ахир қабрларнинг аҳволи қанчалик ночор аҳвoldа эканлигини кўрмаяпсизларми? Бултурдан бери на мен, на бошқа коровуллардан бирортаси мана шу сўнгги қабрни зиёрат қилгани келган ҳеч кимни кўргани йўқ. Бултур мана шу мозорга қўйилган одамнинг қизчаси унинг ўлимидан кейиноқ соқов бўлиб қолди! Яна бу жойни геомантик нұқтаи назардан жуда кулай ер деб қандай айтиши мумкин? Бу турган-биттани бемаънилик-ку.

— Сен янгишасан, шекилли, — деди сержант Хун. — Гарчи биз у ерлик бўлмасак-да, бу ерга тез-тез келиб турамиз. Қизи соқов бўлиб қолган одамнинг исми Би Сюн. Мана шу қабрда ётган ўша Сюннинг ўзгинаси, демоқчимисан?

— Худога шукур-ей, ниҳоят, ўзингизга келдингиз? — деди заҳархандалик билан чол.

— Агар унинг исми Би бўлмаса, унга бошқа ном ўйлаб топишингларга тўғри келади. Агар ишонмасанлар қишлоқда истаган одамингиздан сўрашингиз мумкин. Энди бўлса, мен томорқамга бориб ишлалим керак. Бемаъни гапларни тинглаб ўтиришга вақтим йўқ.

У шундай деди-да, сержантнинг қўлидан юлқиниб чиқиб, жўнаб қолди.

— Бининг қабиҳлик билан ўлдирилганига энди шубҳа қолмади, — деди ҳакам Ди, чол кеттач. — Унинг арвоҳининг қабр узра чарх уриши, чолнинг гаплари шундан далолат беради. Энди юр, шаҳарга қайтамиз.

Улар бозор майдонига йўл олишиди, тамадди қилиб олишгач, шаҳарга қараб йўлга чиқишиди. Улар шаҳарга етиб келишганида қўёш уфққа ёнбошлиганди. Суд залига орқа эшиқдан кирган ҳакам Ди ўз хонасига беркиниб олди.

Бу пайтга келиб суд миршаблари ва ҳакамнинг бошқа мулозимлари унинг икки кундан бери йўқлигидан ташвишлана бошладилар. У балки икки қотиллик юзасидан тергов ишларини шахсан олиб боришга кетгандир, деб эндиғина баҳсласиши моқчи бўлиб туришганда ҳакам пайдо бўлди ва ўз ўрнига бориб ўтириди.

Ҳакам Ди йўқловни ўтказиб бўлгач, Ма Чжун билан Цяо Даи келдими, йўқми, деб сўради. Улар ўтган кечак келишганди, дейишид миршаблар, лекин ҳакам келмаганини эшитиб, яна қидирувга жўнаб кетишиди. Ҳозирча улардан бирор хабар йўқ.

Ҳакам Ди навбатчи чопарни чакиришни амр этди. Чопар киргач, ҳакам буюорди:

— Мана бу чақирив қофозини ол. Уни эрталаб Хуанхуа қишлоғига етказиб борасан ва у ердан менга маҳаллий оқсоқолни олиб келасан. У ерга боргач, Гаоцзява деган жойга ҳам кир, қабристон қоровулига айт, сизларга қўшилиб судга етиб келсин. Мен уларни суднинг эрталабки мажлисида сўроқ қильмоқчиман.

Чопар қоровулхонага кириб, у ерда ўтирган соқчиларга юзланди:

— Сўнгти икки кун жуда тинч ва осойишта ўтди. Энди бўлса, қаерданdir шошилинч иш чиқиб қолди. Мени қисталанг қилиб Хуанхуа қишлоғига юборяпти, демак, ҳакам жаноблари ниманидир билиб қолган. У ерда оқсоқол ким экан?

— Нима, Хэ Кайни эсламайсанми, — деди соқчилардан бири. — Бултур оқсоқол бўлиб сайдлангач, бизларга ажойиб бир зиёфат қилиб берган. Эсингдан чиқибди-да дарров. Яхиси тезроқ бориб кел. Хўжайнинг ўзинг яхши биласан-ку.

Чопар уйга бориб дам олди-да, каллайи саҳарлаб Хуанхуа қишлоғи томон жўна-ди. Дастрлаб у оқсоқол Хэ Кайнинг уйига келди ва Гаоцзявадаги қабристон қўриқ-чисига одам юбортириди. Ўзи оқсоқол билан бирга мириқиб овқатланди (ўз ҳисоби-дан эмас, албатта). Ниҳоят кекса гўрков ҳам етиб келди ва учовлон шаҳарга отла-нишди.

Суднинг кундузги мажлиси бошланди. Ҳакам Ди ўзининг баландроқ ерга ўрна-тилган курсисидан жой олди. У энг аввало оқсоқол Хэ Кайга мурожаат қилди.

— Тайинланганингдан бери сенинг қишлоғингда баъзи ҳодисалар рўй берди. Нега ўз вазифангга бунча масъулиятсизлик билан қарайсан? Бу ҳақда мени хабардор қилишни ҳам лозим тоғмадинг-а?

Оқсоқол ҳакамнинг ўз қишлоғида қандайдир жиноятни фош қилганини фаҳм-лаб шоша-пиша жавоб қайтарди.

— Бу фақир қулингиз бултур мартда тайинланган эдим, апрелнинг бошларида вазифамни бажаришга киришдим. Ўшандан бери ўз мажбуриятими пухта бажариб келяпман. Сиз, Муҳтарам Зот, бу муассасага бошчилик қилаётганингиздан бери ходимлар ҳалол ишлайти, ҳалқ тинч-осойишта яшаяпти. Шунинг учун ҳам мен сизни безовта қилишни лозим тоғмадим.

— Апрелда ўз вазифангни бажаришга киришган бўлсанг, кейинги ойда қишло-гинда қотиллик юз берса-ю, сен эътиборсиз қолдирсанг, бу нима деган гап?

Бу гапларни эшиттиб, оқсоқол Хэнинг устидан муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди. У ўзини йўқотиб, дудукланди:

— М... мен кечаси-ю кундузи айланиб, мунтазам текшириб тураман. Лекин бу ҳақда эшитганим йўқ. Агар чиндан ҳам шундай даҳшатли жиноят юз берган бўлса, қандай қилиб уни яширган ва сизга етказмаган бўламан, Муҳтарам Зот?

— Хўш, айт-чи, сенинг қишлоғингда яшаган Би Сюн қандай ўлди? — сўради ҳакам. Сен оқсоқол, қишлоқ даргасисан. Сен бу ҳақда билишинг керак. Қани, ростини айт-чи!

— Мен ҳамиша ўз ишларда шундай нарсалар бўладики, бундан сизни албатта хабардор қилишим керак, деб ўйлайман, деди оқсоқол. — Лекин қундалик ҳодисалар ҳам бўладики, уларни сизга айтишнинг хожати йўқ, деб биламан. Ҳозир меннинг тасарруфимда бир неча юздан зиёд оила бор. Тўй, жаноза ёки фарзанд туғилганлиги ҳақида қарийб ҳар куни огоҳлантирилиб тураман. Би Сюннинг ўлимидаги файри табиий ҳеч нарса сезганим йўқ. Унинг қариндошлиари ҳам бу ҳақда ҳеч нарса дейишилмади, қўшиларидан ҳам бирор шикоят тушгани йўқ. Мен унинг Аждарҳо қайиқлар байрамида ўлганини яхши биламан. Бор гап шу.

Ҳакамнинг жаҳли чиқди:

— Хой хомкалла! Ўз вазифангга сал масъулиятлироқ бўлмайсанми? Бу ҳақиқатни ўзим ҳам яхши биламан, сен бўлсанг, гапни айлантирасан! Ўз вазифангни қандай тушунасан, бир айтиб бер-чи?

Оқсоқол Хэ Кайни шу тариқа мулзам қилган ҳакам Ди қабристон қоровулини чақиришни буюрди.

Қалтираб турган чол ҳакам қаршисида тиз чўқди:

— Мен қариб қолган чол. — Гаоцзявада гўрков бўлиб ишлайман, Муҳтарам Зот.

Ҳакам Ди чолнинг бутунги ахволини қўриб, кечаги қўполлигини эслади-да, кулиб юборишдан ўзини зўрга тийиб қолди.

— Исиминг нима, — деб сўради, — қачондан бери гўрков бўлиб ишлайсан?

— Мен қариб одамман, исмим Тао... — дея гап бошлаганди гўрков, ёнида турган миршаб бақириб берди:

— Сен, кекса кўпак, сурбет қишлоқи. Жаноби Олийларига гапираётгандага “мен қариб одам” деб эмас, “мен фақир” деб бошлаш кераклигини билмайсанми?

Гап эшитган қария баттар қўрқиб кетди-да, шошиб жавоб қайтарди:

— Мен фақир, бандай гуноҳкорман. Сўнгти ўттиз ийл мобайнида мен ўша қабристонда қоровул бўлиб ишлайман. Хизматингизга тайёрман, Жаноби Олийлари.

— Менга қара, — деди ҳакам Ди, — ўз ҳакамингни танийсанми, йўқми?

Гўрков бошини кўтариб ҳакам Дини таниб қолди-да, кўркувдан даҳшатта тушди. Бошини уч бора ерга уриб, чулдиради:

— О, гофил банда, нима қилиб кўйдинг! Мен кеча Муҳтарам зотни танимай қолибман. Лекин ишонинглар, энди қабристонга қадам ранжида қилган бирон кимсага кўтполлик қилмайман!

Бу сўзлардан миришаблар ва ҳакамлар жиноятни текширгани Дининг ўзи борганини билиб олдилар. Ҳакам бўлса гапида давом этди:

— Энди Би Сюннинг дағн маросими қандай ўтганини бир четдан гапириб бер.

— Одатда дағн маросимига мархумнинг оиласи келади, — дея гап бошлади гўрков. — Улар гўр ковлашим ва ўликни кўмиб, мозор устига тупроқ тортишим учун менга икки юз танга беришади. Бултур, Аждарҳо қайиқлар байрамидан кейин уч кун ўтгач, қабристонга бир тобут олиб келишди. Тобутни иккита аёл кузатиб келди. Улар мархумнинг номи Би Сюн эканини, унинг Хуанхуа қишлоғида яшаганини айтишди. Ҳалиги аёллар мархумнинг онаси билан беваси экан. Мен аввалига мозорни бошқа қаблар қаторидан қазимоқчи бўлдим. Аммо гўрни ковлаб бўлиб, тобутни унга тушираман десам, унинг ичидан менга қандайдир товуш эшитилгандай бўлди. Мен жуда ҳам қўрқиб кетдим ва аёллардан “тобутдаги чиндан ҳам ўликми?” деб сўрадим. Онаси ҳали гапиришга улгурмасдан, бева менга бақира кетди: “Қандай кунларга қолдик, ўликни ҳам тинчгина кўма олмасак, бу қандай гап?” Шунда кекса аёл ҳам менга ташланиб кетди. Шундан кейин мен аёллар билан жанжалласиб ўтираманми, дедим-да, бунинг устига агар бу мархум ўз ажали билан ўлмаган бўлса-ю, текшириб қўриш учун қайтадан ковлаб олишга тўғри келса, янглишиб кетмаслик учун қабрга бошқа жой танладим. Топиш осон бўлсин дедим-да. Лекин-чи, уни кўмганимдан кейин, ўша қабрдан анча вақтгача инграш эшитилиб турди. Мен Муҳтарам Зотга ҳурматсизлик қилдим. Чунки ўша қабр ёнига боришга юрагим бетламайди. Шу боис ўша жойдан узокроқ юришга ҳаракат қиласман. Менинг билганим ва кўрганим шу. Бироқ Би Сюн ўлимининг сабаби ҳақида ҳеч нарса дея олмайман. Муҳтарам зот, мени афв этгайсиз.

— Үндай бўлса, — деди ҳакам, — сен уйингга бор. Лекин керак пайтда қабр ёнида бўлишингга тўғри келади!

Шундан кейин ҳакам Ди судга чақириқ қофози ёзди ва сержант Хунга бериб, шу бутун кечасиёқ Хуанхуа қишлоғига бориб Би хоним ва унинг бева келинини олиб келишни буюрди. “Уларни эртага кундузги мажлисида сўроқ қиласмиш” — деди ҳакам.

Миршаблар ҳайрон қолиб бошларини сарак-сарак қилишди:

— Бизлар Хуанхуа қишлоғига ойига олти-етти марта бўламиш. Лекин бу ҳодиса ҳақида ҳеч эшитмагандик. Ҳакам Ди буни қандай илғаб олдийкин? Лекин сал шошмаяптимикин? Люли қишлоғидаги қотилликлар ҳали фош қилингани йўқ. У бўлса янги ишни бошлаб юборди... — улар шундай деганларича сержант Хунни Хуанхуа қишлоғига кузатиб боришга тайёрланишди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

**Би хоним унинг ўғли ўлдирилганлигини инкор қиласди;  
Ҳакам Дининг Би Сюн бевасига биринчи саволи**

Кечаси Хуанхуа қишлоғига етиб борган сержант Хун ва икки миришаб, эрталаб Би хонадонининг эшитигини тақилятди. Би хоним норози оҳангда ичкаридан сўради:

— Ким у каллаи саҳардан эшик тақилятатаётган?

Эшикни очиб, қаршисида уч барваста йигит турганини кўриб, Би хоним дарҳол уларник йўлини тўсди:

— Шуни яхши билингларки, — деди у, — бу уйда эркак йўқ, фақат иккита бебаҳт бева яшайди. Кимсизлар, нега эрталабдан эшитимизни тақилятасизлар?

— Биз бу ерга буйруқ билан келганимиз, — деди миришаблардан бири, — ўз ихтиёrimiz билинмас! Биз маза қилиб ўз уйимизда ётган бўлардик. Бу ерга эрмак учун келганимиз йўқ. Бош ҳакам Жаноби Олийларининг амри билан келганимиз. Сени ва келинингни Чанпин шаҳри судига сўроқ учун олиб боришимиз керак. Йўлимизни тўсма!

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Улар ўртадаги хонага киришди. Ўнг томондаги хонанинг эшиги маҳкам берк эди. Сержант Хун судлов қофозини кўрсатиб, огоҳлантириди:

— Бу давлат иши, кечиктириб бўлмайди. Келининг қани? Айт, чиқсин. Биз билан бирга судга боради. Ошиқча галта ҳожат йўқ.

Би хоним буларнинг музофот бош ҳаками номидан келишганини эшитиб қўрқиб кетди.

— Биз ҳеч қандай ёмон иш қилганимиз йўқ, нега бизни судга олиб борасизлар?! Балки, бизга қарз берганлар, пулларини ўз вақтида қайтара олмаганимиз учун ишимизни судга оширгандир. Ўғлим ўлганидан бери бошнимиз қарздан чиқмай қолди. Ўғлимни кўмишга пул қарз олган эдик. Бирданига узолмаяпмиз. Энди бизни судга ҳайдаб бориб баттар шарманда қилмоқчимисизлар?! Раҳмингиз келсин, судга бориб айтинглар, бор-будимизни сотиб, қарзимизни тўлаймиз. Шафқат қилинглар, бизни ҳибса ҳайдаб борманглар!

Би хоним йиглашга тулиди. Сержант Хун унинг соғдил аёл эканини кўриб бироз юмшоқ гапирди:

— Сиз ҳадеб қуйинаверманг. Гап қарзда эмас. Ҳакамимиз келинингизни кўриб бир неча савол бермоқчи. Сиз бормаслигингиз мумкин. Келинни чақирсангиз бўлди, биз уни олиб кетамиз.

Лекин Би хоним бирдан дод солиб қолди:

— Йўқ, мен иппонмайман. Сизлар чинакам миршаблар эмассизлар. Аввалига иккаламизни олиб кетмоқчи эдингизлар, энди бўлса келинни олиб кетамиз деяпсиз! Ҳа, сизлар ўгри бўлсангиз керак. Уйда ҳеч ким йўқ, деб, келинни ўғирламоқчи бўляпсизлар! Мен сизларни яхши биламан. Уни булғайсизлар-да, кейин фохиша-хонага сотиб юборасизлар. Уни олиб кетишдан олдин мени ўлдиришларинг керак бўлади!

У шундай деди-да, сержант Хунга ташланди. Миршаблар уни четга олиб бориб, ўтиргизб қўйиши.

— Хой кампир, нима бало, эсингни сб қўйдингми? Сержантнинг сенга раҳми келганидан шундай деяпти. Нима, чақирув қофозини кўрмаяпсанми? У ҳам ёлғондакамми? Уни Жаноби Олийларининг шахсан ўзлари ёзганлар. Шу қадар аҳмоқ экансанки, келининг сени алдаётганини ҳам сезмаскансан. Агар Жаноби Олийлари донолик қилмаганида, бу келин яқин орада ўзингни ҳам гумдон қилиб юборади.

Бундай шовқин-суронда қўшни хонанинг эшиги қия очилганини ҳеч ким сезмай қолди. Ёш Би хоним боядан бери уларнинг гапларини тинглаётганди.

— Ойи, — деди келин, — шошмасангиз-чи. Мен ўзим уларга бир-икки савол бериб қўрай-чи! Биринчидан, сизлар судга чақириқ қофози олиб келгансизлар, ҳибса олиш қофози эмас. Иккинчидан эса, сизларга ҳеч ким шикоят хат ёздими? На ойим, на мен қонунни бузганимиз йўқ. Қадимгилар айтмаганми, ахир: “Қилич ҳар қанча кескир бўлмасин, у бегуноҳ бошни кесмайди” деб. Гарчи ҳакам ушбу музофотнинг энг мўътабар жаноби бўлса ҳам бунақангি асоссиз даъволарни қилишга ҳаққи йўқ. Бундай бемаънилик салтанат судига маълум бўлиб қолса, ҳакамингиз ҳолига маймунлар йифламайдими? Бизни олиб бориш учун миршаб юборишнинг ҳожати йўқ эди. Бизга хабар қилиб қўйса шунинг ўзи бас. Бизлар ҳеч қанақа жиноят қилганимиз йўқ ва судга борилдан, ҳамманинг олдида буни ошкора айтишдан қўрқмаймиз. Лекин бизларни судга судраб боришга йўл қўймаймиз. Ахир биз жиноятчи эмасмиз. Агар шундай қилсангиз, биз айбимиз исботланмагунча суд залини тарқ этмаймиз. Шунда ҳакам буйруққа бўйсуннингмади, деб кўрсин-чи!

Бундай оташин нутқдан миршаблар ҳанг манг бўлиб қолиши. Улар энди нима қиласиз, дегандай сержантга қарашди. Сержант эса:

— Ана холос, ёш кўринсанг ҳам гапга роса чечан экансан, — деди. Чиндан ҳам пиҳини ёрганга ўҳшайсан. Шундай ёвуз жиноятни қилганинг бежиз эмаслигига қаттий ишондим. Сенга қўйилаётгандай айбга келсак, мен Чанпин шаҳри ҳаками эмасман. Мен ҳибса олиш тўғрисидаги буйруқни бажаряпман холос. Агар сен кўпроқ нарсани билишни хоҳласанг, судда сўраб оларсан. Баландпарвоз маърузанг билан бизларни қўрқитаман, деб ўйлама.

Сержант шундай деб, миршабларга “ушланглар уни” деган ишорани қилди. Улар эса ёш аёлни қўлларидан уплаб, эшикка судраши. Келинини ажратиб олишга кучи етмаган кекса Би юзтубан ерга ётганича додлай бошлади. Сержант унга парво

қилмасдан миршаблар кетидан ташқари чиқди. Ташқаридан эса қўни-қўшнилар тўпланишган эди. Улар бу ерда нима бўлаётгани билан қизиқишарди. Сержант уларга тушунтириди:

— Биз бу аёлни Чанпин шаҳри ҳаками Жаноби Олийларининг буйруги билан сўроқ қилиш учун судга олиб кетяпмиз. Агар бизга ҳалақит берсанглар, жиноятга сизлар ҳам шерик деб ҳисоблайман.

Тўда бир пасда тарқалди. Ҳеч ким судга тушган ишга араласиши хоҳдамасди.

Сержант миршаблар билан шаҳарга шошилиши ва эрталабки мажлисга етиб боришиди.

Уларнинг етиб келишганини ҳакамга маълум қилишгач, жаноб Ди суд залида кутиб туришларини тайинлади. Ўзи ҳакамлик либосларини кийди-да, маҳкамадан ўз ўрнини эгаллади. У маҳсус ажратилган жойда миrzалар ва миршаблар саф торғанини кўздан кечиргач, буюрди:

— Жиноятчани олиб киринглар!

— Хўп бўлади, Жаноби Олийлари, — дея миршаблар ёш Би хонимни олиб киришиди, уни ҳакамнинг қаршисида тиз чўктиришиди.

Лекин бу вазият ҳам Би хонимга таъсир қилмади. Ҳакам унга мурожаат қилмасдан туриб, гапира кетди:

— Мен ким бир фақир аёл Би Чжоуда туғилганман. Эҳтиром билан Сиз Мұхтарам Зотга маълум қиласманким, мени бу ерга сиз ёзган буйруққа биноан олиб келишиди. Менинг гуноҳим нима? Эълон қилишингизни сўрайман. Мен бахтсиз бир беваман, тиз чўккан ҳолда узоқ туролмайман.

Бундай сурбетлиқдан жаҳли чиқкан ҳакам Ди ғазаб билан:

— “Бахтсиз бева” деган сўзни ишлатишга қандай тилинг борди, эй нодон хотин! Сен эсини еган кекса қайнонангни алдалинг мумкин, — деди. — Мени эса алдай олмайсан. Менга яхшилаб қара-чи, таний оласанми, йўқми?

Чжоу хоним — энди биз уни шундай атаемиз — ўтирилиб қаради-ю қотиб қолди. “Бу яқинда бизнинг ўйимизга келган табиб-ку, — деган ўй кечди унинг хаёлидан. — Айтдим-а, нега уни қўришим билан талмовсираб қолдим деб. Ўшанда ўйловдим-а, бу табибда бир гап бор, деб”.

Унинг ичини ҳарқанча ит таламасин, юрагига фулгула тушмасин, сездирмасликка уриниб қатъий оҳангда деди:

— Ўша куни бизникига табиб ниқобида келганингизда Мұхтарам Зот, сизни танимай жуда қўпол гапирган эдим. Мен Сизни атайлаб ҳақорат қилганим йўқ, Мұхтарам Зот. Бунинг учун мендан хафа бўлмаслигинингизни сўрайман. Сиз, Мұхтарам Зот, ҳалол ва холис ҳакам сифатида машҳурсиз. Оддий бир нарса сизда шунчалик ғазаб қўзгатганига ҳайронман?

— Вой сен суюқ оёқ-еј, ҳали мени аҳмоқ қилмоқчи бўлдингми? — ўшқирди ҳакам. — Сен мени ҳали билмас экансан! Сен ўз эринг билан эришган баҳтдан яй-раб яшашинг, қўша қаришинг керак эди. Нега ноқонуний йўлга кирдинг, нопок ишларни қилдинг? Кейин нега ўз эрингни ўлдирдинг? Шуни яхши билиб қўй, эринг ўз қабрида тинч ётолмаяпти, руҳи мени огоҳлантириди, қотиллиқда сенин айблади. Хотиннинг ўз эрини ўлдириши бизнинг қонунларда энг оғир жиноят ҳисобланшини биласанми, ўзи? Энди иқрор бўл ва барчанинг олдида айт, ўйнашингнинг исми нима?

Чжоу хоним ўзини Би Сионни ўлдирганиликда айблашаётганини эшитиб, ич-ичидан зил кетди. Лекин у ўзини қўлга олиб, бамайлихотир жавоб қилди:

— Биз, оддий одамлар учун, Мұхтарам Зот, сиз ҳам ота, ҳам онасиз. Ишонинг, ўша куни мен сизни билмасдан ҳақорат қилиб қўйдим. Шунинг учун менга бунчалик оғир айб қўйишингиз инсофданми? Ахир бундай гуноҳ қилган кишиларга ўлим жазоси берилади. Бундай жиддий нарсаларга шунчалар юзаки қарашиб мумкин эмас!

Ҳакам Ди дарҳол тушунмади, Чжоу хоним ўзининг ташқи ёқимтой қўринишидан фойдаланиб, уни танг аҳволда қолдиришга уринарди. Гўё ҳакам уникига нопок ниятлар билан борган-у, хоним уни рад этгач, энди ўч олмоқчи бўляпти.

— Сенинг ақлинг балоларга етишини яхши биламан, — деди ҳакам. — Лекин ўтқир тилинг сенга ёрдам беролмайди. Мен сенга далиллар келтираман. Ўшанда қўрамиз айномадан қандай кутулар экансан. Марҳум эринтнинг ўзи айтди менга, уни сен ўлдиргансан, кейин ишқий алоқаларингни бирорвга айтиб қўймасин деб ёш қизингга дори ичириб соқов қилиб қўйгансан. Ўша куни қизингни ўзим кўрган-

ман. Ўз айбингта ҳали ҳам иқрор бўлмайсанми? Агар иқрор бўлмасанг, сени азобу қийноқларга солиб сўроқ қилиштга мажбур бўламан.

Бироқ Чжоу хоним пинагини ҳам бузмади.

— Бўлмаган нарсани қандай қилиб бўйнимга олишим керак, — деди у. — Мени ўлгунимча қийнашингиз мумкин, лекин қилмаган жиноятни бўйнимга олишга мажбур қишлоғмайсизлар.

Ҳакам Ди жеркиб берди:

— Ҳой ярамас хотин, судда туриб менинг оғзимга урмоқчи бўляпсанми? Сен мени газаб отига минишга мажбур қиляпсан. Қаттиқўл ҳакам номини қозонишигма тўғри келяпти. Кўрайлик-чи, қийноқ остида ҳолинг не кечаркин? Қани, бошланишига қирқ дарра уринглар-чи!

Миршаблар Чжоу хоним куйлагини йиртиб, елкасини яланғочладилар ва қирқ дарра урдилар.

## САККИЗИНЧИ БОБ

**Қотилликда айбланаётган Чжоу хоним ўзини оқилона ҳимоя қилмоқда;  
қайноаси эса ўз нодонлиги билан барчанинг раҳмини келтиради.**

Бу қийноқ Чжоу хонимни айбига иқрор қилдиролмади. Аксинча, у шундай деди:

— Сиз, Марҳаматли Зот, бу ердаги кишиларга ҳам ота, ҳам она ўрнидасиз. Қўлингизда ҳеч қандай далил бўлмай туриб ҳалол кишиларни бекорга хафа қиляпсиз? Сиз ўз ҳакамлик бурчингизни шундай тушунасизми? Лекин сиз бу қийноқлар мени жиноятни тан олишга мажбур қилади, деб ишонманг. Сиз мени қотилликда айбланингиз, ҳолбуки, қўлингизда арвоҳлар гувоҳлигидан бошқа ҳеч қандай далиллар йўқ. Лекин сиз менга арвоҳлар томонидан битилган ёзма айномани кўрсата оласизми? Ижозатингиз билан сизга айтмоқчиманки, гарчи сиз музофотнинг бош ҳаками бўлсангиз ҳам ҳамма нарсага қодир эмассиз. Агар сиз шахсий адовартингиз туфайли мени таҳқиrlаётган ва қийнаётган бўлсангиз, шуни эсингизда яхши тутингки, янада юқорироқ мартабали маъмурларнинг эшиги таъқиб қилинувчилар ва қувғинга учраганлар учун ҳамиша очиқдир. Бордию сизнинг бошлиғингиз сизга қарши иш қўзғамаса, бу ишни у дунёдаги ҳакамлар ихтиёрига ҳавола этаман. Эсингизда бўлсин, агар бош ҳакам бегуноҳ одамни соҳта жиноятда айбласа, ўзи ҳам жазосиз қолмайди. Мен бор-йўғи ёш, ҳимоясиз беваман. Лекин шундай қиласанки, ҳакамлик қалпогингиз бошингиздан учеб кетади. Сиз менга қандай жазо берсангиз, ўзингиз ҳам айнан шундай жазога дучор бўласиз...

Шунда ҳакам унинг қўлларини исканжага солдиришини амр этди. Исканжга мурватлари буралиб, беванинг қўлларини қисгани сайин у қаттироқ чинқирада менинг айбим йўқ, туҳмат қиляпсизлар, деб бақиради.

— Сенинг сурбет аёл эканингни яхши биламан, — деди ҳакам. — Лекин тананг темирдан эмас. Агар керак бўлса қийноқни кечгача давом эттирамиз. У мурватларни янада қаттироқ бурашни буюрди.

Миршаблар Чжоу хонимнинг шундай қийноқ остида ҳам айборлигини тан олмаётганини кўриб: “Бордию у чиндан ҳам айбор бўлмаса-чи?” деб ўшиб қолсалана бошладилар. Улар бошқаларга билдирамасдан, бир-бирига ишора қилиб, Чжоу хонимга “айбингта иқрор бўл” деб дўйи ура бошлашди, ўзлари эса исканжани “сал-пал” бўшатишиди. Кейин уларнинг бошлиғи сержант Хуннинг четроқда турганини кўриб, ўз одамларига ҳакам Дидан пана қилиб туришларини айтиб, сержантга яқинлашди ва шивирлади:

— Сержант, бунга қарши аниқ далиларинг борми, ўзи? Ҳакамга нима, исканжани қисинглар деб буйруқ бераверади. Бу ўлиб қолса-ю, айби исботланмаса-чи... Ҳакам ўз ўрнида қолаверади, биз эса ҳаётимиздан айриламиз. Эрининг арвоҳлари тўғрисидаги ҳикоя яхши ҳийла эди-ю, лекин ўтмай қолди. Менинча, сержант шундай сезгир ва зукко ҳакамимиз бутун негадир рагбатли кўринмайди. Агар унда бу аёл ростдан ҳам ўз эрини ўлдиргани ҳақда асос бўлса, нега аввал гўрни ковлатиб, текширув ўтказишга буйруқ бермайди. Далил исботланиб, жиноятчи тағин иқрор бўлмасагина қийноқни давом эттириш мумкин-ку, ахир. Илтимос, ҳакамга айтинг, бутун сўроқни тўхтатсинлар, уни эртага давом эттирса ҳам бўлади.

Сержант ўйланиб қолди, суд ижрочиларининг бошлиги кўп жиҳатдан ҳақ. Чунки воқеа бир йил бурун содир бўлган. Бирорта айблов баёноти ёки аниқ далил йўқ. Танасиз арвоҳни эса ҳеч ким гувоҳ сифатида судга олиб келолмайди. Шу боис сержант Хун ҳакам ўтирган супачага кўтарилиди ва Ди жаноблари қулогига алланарсаларни шивирлади.

Ҳакам Дининг жаҳли чиқди.

— Мен ўзим аниқлаган нарсалар, менинг ҳақлигимга ишонтиради, — деди у. — Била туриб қотилни қўйиб юборсам, унда менинг ҳакамлигим қаёқда қолади? Агар одамлар қийноқни давом эттиришдан ҳайиқаётган бўлишиса, унда эртага гўрни очдиришга тўғри келади. Бордю эрининг танасида зўрлаб ўлдирилганини исботловчи бирор далил топилмаса, мен шу аёлга қўлламоқчи бўлган жазони ўзим олишга тайёрман. Лекин бу ишни шундайлигича қолдирайман...

Кейин Чжоу хонимга мурожаат қилди:

— Шундай қилиб, сен айбдорлигинга иқрор бўлмаяпсан. Лекин билиб қўй, сени яна сўроққа чақирганимда шундай далиллар келтираманки, рад этиб бўпсан.

Ҳакам шундай деб, аёлнинг қўлларини исканжадан бўшатишни буюрди. Кейин: “Уни ҳибсонага олиб боринглар, кейинги терговгача кутиб турсин”, деди. Навбатчи миршабларга Хуанхуа қишлоғига бориб, кекса Би хонимни олиб келишларини амр этади. Бошқа миршабларга эса Гаоцзявага бориб гўрни очиб, текширув ўтказишига кўрсатма берди.

Суд иши вақтинча тўхтатилгач, миршаблар ва судлов ижрочилари бу ишни бирбири билан атрофлича муҳокама қиласлошлилар. Улар иккиланишар ва ҳакам Ди бу сафар ҳаддан ошириб юборди шекилли, деб хавфсирадилар. “Агар текширувда аёлнинг айбдорлиги исботланмаса ҳакамнинг боши кетади” — дер эди улар.

Би хонимга юборилган судлов ижрочилари унинг уйига кун ботарда етиб келишди. Судда юз берган воқеалар тўғрисидаги сўнгти хабарлар бу ерга аллақачон етиб келганди. Би хоним эшиги олдида роса одам тўпландган экан.

— Ҳей, йўл беринглар, биз давлат иши билан келяпмиз! Қочинглар йўлдан, писириб қўйибдими, бу ерда. Қизикроқ нарса кўраман десанглар, эратага Гаоцзявага боринглар.

Улар эшикни тақиллатиб, ичкари киришди.

Би хоним йиғлаб ўтиради.

— Ҳудо урди бизларни, бошимиз ташвишдан чиқмай қодди, — дерди у. — Ўша куни у табибман, деган эди, ўзиям табибга ўхшаб турувди. Келиним унга бир-икки оғиз қўполроқ гапиргани рост. Наҳотки, бу шунчалик катта жиноят бўлса, шунчалик шовқин кўтариш шартмиди? Мана, энди мен ҳам судга боришим керак. У ҳақда қандай фикрда эканимни шундок юзига айтаман, қўяман!

— Эҳ, тентак хотин, — деди унга миршаб, — нега тушунмайсан. Ҳакам ўлдирилган ўғлингнинг ўчини олмоқчи бўляпти. Эртага судга боришинг эса, айни муддао. Келинингиз қамоқхонада ёлғиз ўтирасин деб, мени сизга юборишид! Қани юринг-чи!

Лекин аёл бобиллаб берди:

— Вой кўпрак миршаб-ей, сен фақат бегуноҳ одамларни айбдор қилишнигина биласан! Менга энди уйимнинг кераги йўқ! Мен энди ҳеч нарсага зор эмасман.

У миршабнинг кўлидан чиқиб кетиб, уйидаги бор нарсаларни кўчага итқита бошлади.

— Мана шунақа-да, — деди миршаб бу ерга етиб келган оқсоқол Хэ Кайга: — Мен шунча йўлдан уни деб келсан-у, у бўлса бунақа қиликлар чиқаряпти: Шундай оддий қишиларни ҳам бошқариш қийин-а. Ашқол-дашқоли ҳеч нарсага азимайди-ю, кечаси билан уни қўриқлаб чиқишига тўғри келали. Бирор нарсани ўғирлаб кетишиса, биз жавоб беришимиз керак бўлади.

Хэ Кай рози бўлди, судлов ижрочилари Би хонимни олиб шаҳарга жўнашди. Улар Чанпин шаҳри дарвозасини қоқишиганда, вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Яхшиямки, дарвоза соқчилари судлов ижрочиларини яхши танишарди, оғир панжарани кўтаришиди.

Судга етиб келишгач, миршаблардан бири Би хонимни қоровулхона биносида ётишига жойлаштириди. Эртаси куни ҳакам Ди Би хонимни суднинг эрталабки мажлисига олиб келишни буюрди. Ҳакам аёлга мулойимлик билан мурожаат қилди:

— Мұхтарам хоним, эрингни Би деб аташарди, ўзингнинг қызлик фамилияңг қанақа эди? Ишон, сенинг уйиннега фақат ўлган ўғлинг учунгина борган әдім. У жуда шубҳали вазиятда ҳалок бўлган, мен уни хотини ўлдириган деб ўйлајпман. Мен ушбу музофотнинг бош ҳаками бўлганим учун нисбатан йўл қўйилган адолатсизликни тузиатишм керак. Ўғлингнинг арвоҳи ўз азобловчисидан ўч олишимни сўраб ёлворди. Сени бу ерга олиб келтирганимнинг боиси шундаки, келининг ўз айбини бўйнига олишдан бош тортяпти. Бунинг устига мени сабабсиз таҳқирлашда айланяти. Агар гўрни очиб текширув ўтказмасақ, бу сир очилмай қолади. Бу ҳақда сизни огоҳлантириш менинг бурчим, ахир сиз — онасиз.

Бироқ ҳакам гапларининг енгил оҳангига ҳам Би хонимни юмшата олмади.

— Ўғлим ўлганига бир йил бўляпти, — деди у.

Жасадин текшириб кўришдан нима фойда? Ўша ўлган кечаси уни кўтгичилек кўрган. Марҳаматли Зот адолатсизликни тикламоқчиман, деяптилар. Ахир менинг ўғлимга нисбатан адолатсизлик қилинмаган-ку. Нега бечора келинимни қийноқларга соялизис? Ахир, қўлингизда ҳеч қандай далилингиз йўқ-ку! Сиз бу ергагинарнинг отахони, онахонисиз. Биргина шубҳа билан бизни нега мунча қийнайсиз? Менинг қызлик фамилияэм эса — Тан. Менинг аждодларим кўпдан бери шу ерда яшашган. Атрофдагилар ҳаммаси яхши билишади — биз ҳалол одамлармиз. Тўғри бащарапнингизга қараб айтаман, ҳатто ўғлимга буюрсангиз ҳам, келинимни бўштмагувнингизча суд залидан кетмайман. Энди бўлса, тирикларга азоб бериш, ўликлар тинчини бузишдан лаззатланувчи киши билан гаплашишни асло хоҳламайман!

Аёл шундай деди-да кўз ёшларига эрк берди. Унинг ўта нодон ва ҳаддан ташқари ростгўйлигини, шу билан бирга келини нима деса ишонишини кўрган ҳакам Ди афсусланиб давом этди:

— Эй нодон аёл, ўғлингнинг ўлими сенда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаган. Мен сенга тушунтирмоқчи бўлган нарсани ҳам рад этяпсан. Шуни яхши билгинки, агар келининг ростдан ҳам гуноҳсиз бўлса, унга белгиланган жазони ўзим олишта тайёрман. Мен буни сенинг ўғлинг учунгина қиластирман. Сен бўлсанг, унинг онаси бўла туриб, текширишга розилик бермаяпсан. Унга қилинган ёвузлик учун ўч олиш керак, ахир! Лекин мен бу ерда ҳакамман, қотилнинг жазосиз қолишига йўл қўя олмайман. Ҳақиқат учун ўз лавозимимдан воз кечишига ҳам тайёрман. Шундай экан, розимисан ёки йўқми, текширувни ўтказишига қарор қилдим.

У аёлни олиб кетишини ва гўрни очиши тадбирини эртага белгилашга буюрди. Кейин ўз хонасига кирди-да, юқори ташкилотларга маълумотнома ёзи.

Энди кузатувчи миршаблар улар хавфсираган нарса бўлаётганини кўриб туришарди. Улар ўзаро ҳакамни ноҳақ деб қоралашса-да, гўрни очиши маросимидан воз кечишини ҳеч ким айта олмасди, зарур асбоб-ускуналарни ҳафсаласизлик билан ҳозирлай бошлишди.

Кейинги куни эрталаб судлов ижрочилари суд залига тўпланиши, уч марта бонг урди ва ҳакам ўз курсисига ўтириди. У аввало терговчига мурожаат қилди:

— Бу мутлақо гайритабиий иш. Агар ўлик танасида зўрлаб ўлдирилганлигига оид бирор жароҳат ё белги аниқданмаса, демак мен пок номим ва лавозимимдан маҳрум бўламан. Лекин бу мени унчалик ташвишларнингта ҳам қўнгилсизлик хавф солади. Шунинг учун сендан илтимос, текширувни жуда пухта ўтказ, токи бу иш якун топсин ва айбдор жазосини олсин. Энди Би хоним билан келинини олиб киринглар.

— Кеча сен айбингга иккор бўлишдан кўра қийноқни афзал кўрдинг, — деди ҳакам келинга қаратса. — Эҳтимол, бу билан сен кимларнидир алдаган бўлишинг мумкин, лекин мен бу найрангларнингта учмайман. Бугун сен ва қайнонанг гўрни очиши ва текширув ўтказишида қатнашасизлар, кўрамиз, шунда нима деркинсан.

Чою хоним ҳакам ўз ниятида қатъий турганини яхши тушунар, лекин текширувда жиноят изларини топишга ишонмасди. Шунинг учун ҳам ўзини қўрқитиши унчалик осон эмаслигини кўрсатиб қўйишга қарор қилди.

— Мени шафқатсиз қийнаганингиз ва дарра урдирганингиз ўликлар тинчини бузмаган бўлиши мумкин. Лекин, энди, ўлимидан бир йил ўтгандан сўнг мархум эрим тинчини бузмоқчи бўлаётганингиз чиндан ҳам жирканчлидир. Майли, бошланг ишингизни! Агар унинг танасида ўлдирилганидан далолат берувчи бирорта белги тоғсангиз, мен айбни қувонч билан ўз бўйнимга оламан. Бордию, бирор

аломат топилмаса, онт ичаман, сиз ҳарқандай юксак мартабали амалдор бўлманг, сиз учун ҳам қаттиқ жазо топилгусидир. Давлат қонунлари билан ўйнашиб бўлмайди. Улар айбисиз одамларни айблашга йўл кўймайди!

Ҳакам Ди унинг гапларига жавобан совуққина жилмайиб қўйди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

**Қоровул қабрни кўрсатади; Ҳакам Ди текшириш учун тобутни кавлаб олишга буюради.**

Миршаблар кекса Би билан Чжоу хонимни бошқа-бошқа замбилларга ўтиргиздиларда Гаоцзявага қараб йўл олдилар. Худди шу пайт ҳакам Ди ҳам шахсий таҳтиравонида доимий аъёнлари билан йўлга чиқди. Йўл бўйида яшовчи кишилар гўрни ковлаб ўликни текшириш ҳақидаги хабарни эшитиб, бу жуда жиддий иш бўлса керак деб ўйлашди. Гапковлар бекорчи кам дейсизми, бари ҳакам билан бораётган тўдага кўшилиб Хуанхуа қишлоғига, ундан кейин эса қабристонга боравердилар. Йўлда уларни қишлоқ оқсоқоли Хэ Кай ва кекса гўрков қаршиладилар. Улар ҳакамни текширув ўтказишга ҳамма нарса таҳтиравони маълум қилдилар.

Қабристонга борищдан олдин Ҳакам Ди серхант Хунни таҳтиравон ёнига чақириб секин шипшиди:

— Ўша куни ҳаммомчи айтган йигит бору, Би Сюн кўшниси. Сен яхшиси ўша ерга бориб суриштириб кўр. Ҳа, яна: бу ишлар анча вақтни оладиганга ўхшайди, мен кечаси шу ерда қолсан керак. Олдинги меҳмонхонада бўламан. Қайси хоналигини ўзинг биласан...

Ҳакам шундай деди-да, Гаоцзявага жўнади.

Қабристонда, шундоқ Би Сюн мозори ёнида қамиш бўйрадан чодир тутилган, унинг тагида ҳакамга жой тайёрланган эди. Зарур асбоб-ускуналар билан келган миршаблар шу ерда ҳозир нозир эдилар.

Ҳакам Ди таҳтиравондан тушиб, аввало Би Сюн қабрини кўздан кечирди. Мозорга ҳеч ким тегмаганиллигига ишонч ҳосил қилгач, ўзига тайёрланган жойга бориб, курсига ўтирди. Унинг олдига кекса гўрков билан Чжоу хонимни олиб келишди. У олдин гўрковга мурожаат қилди:

— Ўша куни мана шу қабрни Би Сюн мозори деган эдинг. Сени огоҳлантириб кўйиш менинг бурчим: гўрни очганда бу бошқа одамнинг қабри бўлиб чиқса, сен оғир жиноятда айбланасан. Унда афсусланиш бефойда.

— Қанақасига ёлғон гапиришим мумкин, — деди гўрков, — мархумнинг онаси ва беваси олдида-я?

— Мен жуда ишонувчан одамман, деб айта олмайман, — деди ҳакам Ди. — Лекин мана бу Чжоу хоним мени ҳар қандай йўллар билан алдашга, ҳатто сохта айбнома учун жазо билан қўрқитишига уриняпти. Агар бу бошқа одамнинг қабри бўлиб чиқса тергов ишларини қийинлаштириш билан бирга мени бегуноҳ одамнинг қабрини таҳқиrlаща айблашлари мумкин. Шунинг учун мана бу қофозга бош бармоғингни бос. Агар мозор янглиш чиқса, ўзинг жавобгар бўласан.

Сўнгра Чжоу хонимга бурилиб:

— Ганимни диққат билан эшит, — деди. — Мен ушбу текширувни адолат йўлида ўтказяпман. Мен доимо ҳақман, деган маънода эмас. Бундан ташқари ушбу маросим эринг маййити учун ўта шафқатсизликдир. Сен уни ўлдирдингми ёки йўқми, бундан қатъий назар, сен унинг жуфти ҳалоли бўлгансан, шунинг учун маросимдан олдин унинг қабри бошида ибодат қилиш сенинг бурчинг, унинг руҳига дуо қил, кейин миршабларга: “уни қабр ёнига олиб боринглар” деди.

Би хоним ҳозир ўғлиниң жасади чиндан ҳам гўрдан чиқарилишини тушунгач, дарду аламдан ўзини йўқотиб, йиглаганича келинининг енгидан ушбу шундай дерди:

— Оҳ, қизгинам, чиндан ҳам қисматимиз қора ёзилган экан. Шўрлик ўғлим айни навқирон ёшида ўлгани стмаганидай, энди сукканини ҳам тинч қўйишмаяти. Биз шўрликлар эса бу бешафқат тадбирни жимгина кузатишмиз керак.

Бироқ Чжоу хоним мутлақо сукут сақларди. У қайнонасини жеркиб берди:

— Энди йиглашнинг нима қераги бор. Сен менга уйда ҳам тинчлик бермасдинг. Қачон қарасанг, кимнидир бошлаб келардинг. Мана, оқибати. Энди кўз ёши билан

ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан. Лекин шошмай тур, текширувда Би Сюнни ҳеч ким ўлдирмагани исботлангач, мен бу ҳакамга кўрсатиб қўяман. Олижаноб императоримиз томонидан чиқарилган қонунлар унга кишиларни бошқариш ҳуқуқини беради. Лекин бирорни хафа қилиш ҳуқуқини бермайди. Ҳали бу менга қўлламоқчи бўлган жазони ўзи олади. У менга эрим ҳақига дуо қилишни буюрар экан, бажонидил бажо келтираман. Бу ишнинг тезроқ тутагани яхши!

У қайнонасини итариб юборди-да, қабр ёнига туриб уч марта таъзим бажо келтирди. Лекин у қайғудан эмас, балки қасидан гезарип кетгандай эди. У ҳатто кекса гўрковни ҳам қарғаб, қари кўпрак деб атади-да, дўқ қилиб қўйди. “Нимани кутяпсан, тентак, — деди қўшимча қилиб, — кекса хоним кетди. Ковла”.

Кекса гўрков бундай муомаладан жуда хафа бўлиб кетди, лекин ҳозирги шаротда аёл киши билан айтишиб ўтираманми, деб ўйлади. Ҳакамга ёндашиб: “Ишни бошлайверайми” деб сўради.

Ҳакам Ди юз бераётган воқеларни диққат билан кузатиб турарди. У Чжоу хонимни атайлаб ибодат қилишга унади. Ўзини қандай тутишини кўрмоқчи эди-да. Энди кўриб турибди, аёлда қайғудан асар ҳам йўқ. Бу ҳам етмаганидек, эрининг қабри олдидা сўкиниб, кўпол муомалада бўляяпти. Энди у қатъий ишонди — қотил айнан шу аёлнинг ўзи. Ҳакам гўрковга мозорни очишни буюрди.

Чол ва унинг ёрдамчилари ишга киришдилар.

Ярим соатлардан кейин мозорнинг олд қисмидан тобут кўринди. Уни оҳиста олишиб, тупроқдан тозалашди. Кейин ҳакамнинг олдига олиб боришиди.

Ўғлининг тобутини кўрган Би хоним ўзини ташлаб юборди. У ҳушидан кетганли. Миршаблардан икки киши унга ёрдам беришиб, курсига ўтқазишиди. Шундан кейин ҳакам Ди оқсоқол Хэ Кай вә унинг ёрдамчиларига тобутни очишни буюрди.

Тобутнинг оғир қопқоғи оҳиста кўтарилганда, боянд бери унинг атрофини борган сари зич ўраб олаётган қизиқувчилар тўдаси ўзларини орқага ташлашди. Жасадни ичидан аста кўтариб олишиб-да, айни шу мақсад учун ерга тўшалган бўйра устига қўйишиди. Тобутнинг маҳкам ва зич қилиб ёпилган ёғоч қопқоғи ҳамда қуруқ ҳаво майитнинг чиришини қийинлаштирган, лекин тананинг баъзи жойларида ириш бошланганди. Ўликнинг кўзлари очиқ, соққаси косасидан чиқиб кетган, қорачиғлари кул рангда эди. Ҳаммаси бирлашиб даҳшатли бир манзара ҳосил қиласди. Тўдадаги кишиларнинг бир нечаси бу Би Сюн зўрлаб ўлдирилганлигининг аломати эканлигини айтишиди.

Ҳакам Ди ўз курсисидан туриб, майитнинг ёнига келди. У ўликнинг маъносиз кўзларига узоқ тикилди. Кейин кескин деди:

— Би Сюн, Би Сюн. Мен бош ҳакамман, бутун топталган адолатни тиклаш учун бу ерга келдим. Агар сени зўрлаб ўлдиришган бўлса, ҳали жонинг тарқ этмаган сени, менга маълум қил, кўзларингни юм!

Шунда жасадни ўраб турганлар ҳайрат ва даҳшатдан лол қолишиди. Ўликнинг куриб қолган қовоқлари бекилди.

Одамлардаги ҳаяжон босилгач, ҳакам терговчига текширувни бошлашни буюрди.

— Мұҳтарам Зот, — деди терговчи, — бу майит ер остида узоқ вақт ётган. Бу ҳолда уни текшириб бўлмайди. Рухсат беринг, майитни ювайлик.

Рухсат олингач, терговчи ва унинг ёрдамчилари ўликнинг кафанини ечишга киришишиди. Тананинг анчагина қисмидан кафан осонгина ечилиди, лекин ирий бошлаган жойларда мато ёпишиб қолган экан, терига зарар етказмай ажратиб олиш анча қийин бўлди. Шунда терговчи ёрдамчиларига катта қозонда сув иситишни буюрди. Сув исигач, уни жасадга сепиб, кафанини ажратиб олди.

Кейин тоза шароб билан майитни бошдан оёғигача ювиб чиқди. “Мана, энди, текширса бўлади”, деди ҳакамга.

Атрофга юздан зиёд одам тўпланган бўлишига қарамай, ҳеч ким миқ этмасди, ҳамма терговчининг ҳаракатларини диққат билан, нафас ютиб кузатишарди.

Терговчи аввал майитнинг юзини ва томогини кўздан кечирди. Кейин бошқа жойларини текшира бошлади. Одамлар жимгина кузатиб туришарди. Навбат қорнига келганла, терговчи ҳакамга ҳеч нарса демади, одамлар орасида шивир-шивир бошланди. Ўликнинг оёқларини ҳам кўздан кечиргач, терговчи майитни ағдаришини буюрди. Сўнгра тананинг орқа томонларини, айниқса бўйни ва бошининг кўйи қисмини диққат билан текшириб чиқди. Лекин ҳакамга яна ҳеч нарса демади.

Ҳакам ҳаяжонлана бошлади. У ўтирган жойидан туриб, терговчига яқинроқ келди ва унинг ҳаракатларини синчковлик билан кузата бошлади. Терговчи ишини тутагиб, ҳакамга ўтирилди:

— Тананинг ташқи қисмини текшириб, унинг ўлдирилганидан далолат берувчи бирор белги тоғмадим, — деди. — Балки заҳарлангандир. Тананинг ички қисмини текширишга ижозат берсангиз...

Ҳакам унга жавоб бермасдан туриб Чжоу хоним жон-жаҳди билан қаршилик кўрсата бошлади. “Эримнинг майитини яна таҳқирилашга йўл қўймайман. Агар заҳарланган бўлса, ташқи кўринишдан ҳам маълум бўларди”, — деб бақириди.

## ЎНИНЧИ БОБ

**Чжоу хоним ўз эрини қайта кўмишга рухсат бермайди; ҳакам Ди юқоридан кўрсатма олиш учун ибодатхонага боради.**

— Агар ташқарида ҳеч қандай белгилар бўлmas, уларни ичкаридан қидириш кс-рак, — деди ҳакам Ди. — Бу барча текширишлар учун ўзгармас қоидадир.

У Чжоу хонимга бир оғиз ҳам ганиришга йўл қўймай, терговчига “давом эттинг” ишорасини қилди.

Терговчи майитнинг оғзидан иссиқ сув қуиди. Бармоқлари билан жасаднинг кўкраги ва қорнини қисиб туриб, сувнинг ичкарига киришишга, кейин ташқарига қайтиб чиқишишга имкон берди. Кейин ингичка кумуш таёқчани олиб, ўликнинг томогига тиқди. Таёқчани ўша ерда қолдириб, ҳакамга ўтирилди-да унинг қайтиб чиқишини кузатинг деб мурожаат қилди.

Ҳакам Ди ўрнидан туриб, жасадга яқинроқ келди. Майит томоғидан қайтариб олинган кумуш таёқча рангини сира ўзгартирмади. Бу ўлик жасадида заҳар йўқлигидан далолат берарди.

Терговчи ҳангум манг бўлиб қолганди.

— Бу жуда галати-ку, — деди у. — Муҳтарам Зот, мен тан олишишга мажбурман. Бу танада ҳеч қандай зўрлаб ўлдирилганлик аломати йўқ. Лекин, барибир, бу ишни бирор тажрибалироқ терговчи яна бир бор текшириб кўришини маслаҳат берардим. Балки менинг хулосам нотўридири.

Ҳакам Ди даҳшатга тушди. Шунга қарамай, аста ўз ўрнига қайтди ва Чжоу хонимга майнингина деди:

— Танада ҳеч қандай зўрлаб ўлдириш аломати бўлмагани боисидан мен юқори ташкилотларга маълум қилиб, содир эттан ишимиш учун бутун жавобгарликни тўла бўйнимга олишим керак. Ҳозирча эса биз майитни шу ҳолатда қолдира олмаймиз. Биз уни яна тобутга солиб, қайтадан кўмишимиш керак...

У ҳали сўзини тутагиб улгурмасидан Чжоу хоним бўш тобут ёнига югуриб борди-да, унинг остига қўйилган тиртакни тенгип юборди. Тобут гумбуrlаб ерга қулади ва майдаланиб кетди. Аёл аюҳаннос солди:

— Мен сенга айтмабмидим, ўз ажали билан ўлди деб. Сен бўлсанг, ярамас ҳакам, текшириш керак деб туриб олдинг. Энди бўлса, гўё ҳеч нарса бўлмаганидек, уни кўмиб ташламоқчисизлар. Қанақа ҳакамсан, ўзи! Мен оддий бир камбагал аёлман. Лекин сен мендек бир бегуноҳ аёлни қалтаклатишга ва қийноқларга солишишга ҳаққинг йўқ. Кеча мени соҳта гувоҳлик беришга кўндириш учун уриниб кўрдинг, бугун эса мозорни таҳқириладинг. Жасадни ковлаб олган экансан, энди уни шундайлигича кўмиб бўлмайди. Биз оддий кишилар бўлслак ҳам, ўзимизни оёқ ости қилдиргани йўл қўймаймиз. Ушбу майит то бу иш ёпилмагунча ва сен ўзингнинг қора қалпингдан маҳрум бўлмагунча кўмилмайди!

Аёл ҳакамни сўзишида давом этар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Энди унга қайнонаси ҳам қўшилди. Ҳакам Ди лом-мим дея олмай қолди.

Бироқ тўпланган одамлар шу тажрибали, танилган ҳакамни кўпчилик олдида ҳақорат қилишашётганини кўриб нокулай аҳволга тушиб қолишиди. Кексалардан бир неча киши Чжоу хонимга ва унинг қайнонасига мурожаат қилиб, майитни бу аҳволда қолдириб бўлмаслитини айтишди. Бошқалар ҳакамнинг хатога йўл қўйган бўлса ҳам, ҳалол одам эканлигини таъкидлашди. Ахир у бу ишни адолатни юзага чиқариш учун қилди-ку. Айримлар эса ўз қишлоғидан бўлган бир аёлнинг бунчалик

шовқин солиб, давлат одамини ҳақорат қилишига йўл қўймасликларини гапиришиди. “Атрофдаги одамлар қишлоғимиз устидан кулишмайдими, — дейищди улар. — Яхиси, ҳакамнинг гапига кириб, майдидни кўмишга рози бўлиш керак”.

Чжоу хоним кўпчилик унга қарши эканини кўриб, гапида қаттиқ туриб олмади. Лекин ўзича: “Яхшиям бақириб-чақирганим. Энг муҳими қўшимча текширув ўтказилмайдиган бўлди-ку”, деб ўйлади. Энди жасадни тобутга солиб, яна кўмиб қўйишади.

Ҳакам Ди тобут сочилиб кетганини кўриб миршабларни шаҳарга, янги тобут олишга жўнатди. Майитни янги тобутга солиб кўмишгандан кейин ҳакам Ди зарур ҳужжатларни тўлдириди-да, Хуанхуа қишлоғига қайтди. Кун кеч бўлиб қолгани учун у ҳалиги меҳмонхонада тунаб қолди. Ҳакам Би хонимни уйига қўйиб юборишини, Чжоу хонимни эса ҳибсонада олиб қолишни буюрди. Шундан кейин ўз хонасига кириб серташвиш ўйларга берилди.

Кўп ўтмай сержант Хун кириб келди ва маълум қилди:

— Сизнинг кўрсатмангизга биноан, муҳтарам Зот мен Би Сюнга қўшни ҳалиги кишини суриштиришга киришдим. Буни қарангки, улар яқин дўст бўлишган экан. Дўстининг бевақт ўлимидан жуда қайғуда. Биз билганимиздан ошиқча нарса айтганий ийўқ. Бироқ шуни қайд қилдики, Би Сюннинг тириклик пайтида унинг хотини ўзини кўча-кўйда кўз-кўз қилишни яхши кўраркан. Ҳамма билан ҳазиллашар, доим ҳушчачақ, кулиб юрар, ўзини турмуш кўрган аёлларга хос тутмас экан. Шунинг учун ҳам эри унга тез-тез дакки бераркан, натижада жанжал чиқаркан. Би Сюн тўсатдан ўлгач, бу аёл уйдан чиқмай қўйибди, ҳеч кимни кўришни хоҳламаскан, фақат қайнонаси билангина гаплашаркан. Бу нарса қўшниларни ҳам ҳайратга солибди.

— Текширув ҳеч қандай натижажа бермади, бу ишни энди нима қиласиз? — деди сержант. — Гарчи Би Сюннинг ўлдирилганига ишончимиз қатъий бўлса ҳам, қўлимида ҳеч қандай далил бўлмагач, Чжоу хонимни қийнаб, сўроқ қиломаймиз. Люли қишлоғида қотиллик ҳам ҳали номаълумлигича қолмоқда. Орадан икки ҳафтадан ошиқ вақт ўти, Ма Чжоун билан Цяо Дай эса ҳамон бедарак. Ҳар иккала жиноят ҳам жуда жиддий ва одамлар уларнинг адолатли ечимини кутишяпти. Муҳтарам Зот, сиз...

Шу пайт ҳовлидан қаттиқ қичқириқ эшитилди. Яна Би хоним ҳакам билан жанжаллашгани келдими, деб ўйлаган сержант ўрнидан сапчиб турди. Лекин ташқарида турган соқчининг овози эшитилди:

— Нима? Сенга ҳакам жаноби олийлари керакми? Демак сен ўша одамнинг хотинимисан? Нега мунча шопасан? Жаноби Олийлари қўлидан келган барча ишни қилинтилар. Сен шошмай тур, мен ҳозир у кишига айтаман. Ўша эркак сенинг эрининг эканига ишончинг комилми?

Шошилиб ташқари чиққан сержант Хун қайтиб кирди ва кимлиги аниқланмаган ўликнинг хотини келганинг айтди. Ҳакам уни ўз хонасига бошлаб киришларини тайинлади.

Аёл қирқ ёшлар чамасида эди, соchlари тўзиган, кўз ёшларидан юзи хўл эди. Ҳакам оддида тиз чўкиб, айборни жазоланглар деб ялинарди.

Ундан нима гаплигини суриштиргач, нотаниш аёл гапира кетди:

— Бечора эримнинг исми Ван эди. У ҳаммол бўлиб ишларди. Биз Люшуйкоу қишлоғида яшаймиз. Бу Люли қишлоғидан йигирма чақиримча келади. Қотиллик юз берган кун арафасида қўшнимизнинг хотини эримдан Люли қишлоғига бориб ўз эрини олиб келишни илтимос қилди. Унинг эри иш билан Люлига кетганди. Бирдан хотини касал бўлиб қолди. Шунинг учун менинг эримдан сўради-да. Чунки эрим ўша қишлоқка юқ олиб бормоқчи бўлиб турувди. Ўша куни кечқурун йўлга чиқди, эрталаб қайтиб келмоқчи эди. Эртасига кун бўйи уни бекорга кутиб ўтирган эканман. Тўгри, мен аввалига унча ташвишланмадим. Эрим бирон иш топган бўлса керак, деб ўйлардим. Лекин орадан уч кун ўтгач, қўшнимиз келди ва мен эрингни кўрганим ийўқ, деди. Юрагим “шиғ” этиб кетди. Яна бир неча кун кутдиму, қариндошларимдан “суриштилинглар” деб илтимос қилдим. Улар Люли қишлоғигача суриштириб боришибди. У ерда ҳалиги тобутларни кўргач, “ким?” деб сўрашибди. Ўлган одам таърифидан менинг эрим эканини билиб, хабар беришди. Уни қандай абллаҳ ўлдириди экан? Муҳтарам Зот, ёлвораман, унинг қотилини топинг, ўч олинг!

Аёлнинг қайғуси, ҳакам Ди қаттиқ таъсир қилди. У аёлни тинчлантиришга уринди, қотилни топмай кўймаймиз, деди, кейин аёлга пул бериб, жабрдийданинг иззат-икромини жойига қўйиб кўминглар, деди.

Ваннинг беваси кетгач, ҳакам Ди узоқ ўйланиб қолди. “Бош ҳакам вазифасини уддалашга қодир эмас бўлсан, давлат хизматида қолиб нима қиласман? — деб ўйларди ҳакам. — Ахир давлат олдиаги ўз бурчимни бажара олмадим-ку”.

Хизматкор унга нонушта олиб кирди. Лекин томоғидан ҳеч нарса ўтмади.

Эрталаб баравқат меҳмонхонани тарк этиб ўз мулозимлари кузатувида шаҳарга қайтди. Йўл-йўлакай Люли қишлоғига кириб ўтди. Ван хонимга эри тобутини ўз қишлоғига олиб кетишда ёрдам кўрсатишларини тайинлади.

Ўз хонасига кирган ҳакам Ди ўтириб бошлиғига маълумотнома ёзди. У қабрни очиб, майитни текширувдан ўтказганини атрофлича баён қилди. Бундай номақбул иши учун лойиқ жазо беришларини сўради. Шундан сўнг у ибодатхонага борди. Гиз чўкиб ибодат қилди. Руҳлардан ўзига тўғри йўл кўрсатишларини илтижо қилди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

**Фолбинлик китобидаги маслаҳат ишга яроқли бўлиб чиқди;  
у кўрган туш ўтган воқеаларга қалит бўлиб хизмат қилди.**

Бироқ тез орада ҳакам Ди фикрлари чувалашиб кетаётганини ҳис қилди. Гўрни очиш ва майитни текширишнинг натижага бермагани, Чжоу хонимнинг ҳақоратлари, Ван хонимнинг дарду алам тўла ҳасратлари унинг хаёлида чарх урар, тинчлик бермасди. У кўзини юмганича узоқ вақт жим қолди, онгининг сокин ҳолатига эришишга уринарди, лекин гумон ва шубҳалар миясини бурғилаб ташлагандай бўлаверади.

Тунги соқчиларнинг биринчи йўқловидан сўнг ҳакам Ди ташвишлана бошлади. Ахир у ибодатхонага тушида маслаҳатлар олиш учун келганди-да, агар ухлай олмаса, ҳамма уринишилари бехуда кетади.

У ўрнидан туриб ташқари чиқди, бу ерда сержант Хун ухлаб ётганди. Ҳакам уни ўйготгиси келмади ва оҳистагина асосий залга ўтди. Залда наридан-бери юра бошлади. У меҳроб ёнидаги улкан столгача йигирманчи марта бориб, орқага қайтмоқчи бўлганида, унинг устида ётган китобга кўзи тушди. “Китоб ўқисанг уйқунг келади, дейишади. Бир ўқиб кўрай-чи. Балки шу китоб ухлашимга ёрдам берар”, деб ўйлади. У китобни кўлига олиб таваккалига бир жойини очди.

Бу таёқчалар билан фол очишида қўлланиладиган жавоблар тўплами<sup>1</sup> экан. Ҳакам Ди ўйлади: “Мен бу ерга Олий Кучлардан маслаҳат сўрагани келганман. Тақдиримни мана шу таёқчаларда синаб кўрсам-чи? Эҳтимол руҳлар шу тариқа ўзларини намоён қилишар!?”

У эҳтиром билан китобни эхромга кўйди, шаъмлар ёқиб, уларга янги муаттар тутатқилардан сепди. Кейин меҳроб олдида чуқур таъзим бажо келтириб узоқ дуолар ўқиди. Сўнгра идишни кўлига олиб, айлантириб силкитди. Таёқчалардан бири ажралиб чиқди. У шошиб таёқчани олди-да, ёзувига қаради. Таёқчага 24 рақами битилган эди. Ҳакам китобни очиб 24 рақамини топди. Рақам қаршисидаги ёзувга “Ўрта” ва “Оқшом” деган иккита сўз билан сарлавҳа қўйилган эди. Ёзув тагига эса “Ли хоним” номи битилганди.

Ҳакамнинг эсига тушди, худди шу Ли хоним бундан минг йил бурун яшаган ва қадимги императорлардан бирининг жазмани бўлган эди. Хоним хоқонни ворисшаҳзодани ўлдиришга кўндиради. Шундан кейин кўп ўтмай подшоликка душман-

<sup>1</sup> Хитойда фол очишининг турлари жуда кўп. Бу ерда айтилган тури жуда машҳур бўлиб, кўпчилик ибодатхоналарда қўлланилади. Тахминан ярим метр келадиган 50 тага яқин бамбук таёқчаларни баландлиги 30 сантиметрча бўлган маҳсус идишга солиб қўйишади. Ўз тақдирини билмоқчи бўлган кимса, аввало шаъм ёқиб дуо ўқиркан, ўз саволини бериб, идишни кўлига олиб меҳроб олдида то бирор таёқча тушиб кетмагунча силкита бошларкан, кейин тушган таёқчадаги рақам билан белгилантан ёзувни ўқиши. Топишмок шеър-чистондан иборат бўлган бундай ёзувдан ҳар ким ўзини қизиқтирган саволни счишга калид қидиради. Хитой фол очишининг кўпчилигига бўлгани сингари бу усулда ҳам бор гап сўнгти сатрда ифодаланган бўлади.

лар бостириб кирган. Хоқон енгилиб, қочиб қолади. Бу Чжоу хонимга ишора эмас-микан, деб ўйлади ҳакам. Ахир у ҳам ўз эрини ўлдириб, хонадонини фам-кулфатга гирифттор қилди.

Ёзув куйидаги ашъордан иборат эди:

Тонгдан дарак берган хўроздир,  
макиён эмас.  
Нега шоҳнинг танлагани Ли,  
бошқани демас?  
Ахир аёл қалби тўла бўлар  
макру ҳийлага,  
Сирли алоқалар тўшакдан  
бошландими, бас!

Ҳакам Ди ушбу сатрлар Би Сюннинг ўлимига ишора сифатида қабул қилинса ҳам, ишни ойдинлаштиrmаяпти-ку, деб ўйлади. Биринчи сатр Чжоу хонимнинг сурбетларча хатти-ҳаракатларига мос, зеро у йида ўзини эркак фаҳмлаб ўз қайнона-сини ҳам, ҳакамни ҳам сўкиб, силтаб ташлаяпти. Иккинчи сатр Би Сюнга алоқадордир. Чунки у Чжоуга уйланиб баҳтсизликка учради. Учинчи сатр айнан Чжоу хоним ўз эрини ўлдиришни режалаштирганига ишора қиласпти. Лекин тўртинчи сатр саволга жавоб берса-да, аниқ маънога эга эмас. Би Сюн ва Чжоу хоним қонуний эр-хотин эдилар. Ахир уларнинг ёстиқдошлиги табиий-ку.

Шамъдонларнинг хира ёргуғида ҳакам Ди узоқ ўйга толди. Тўртинчи сатр устида роса бош қотирди. Лекин қониқарли бирор тўхтамга келолмади.

Ташқаридан иккинчи соқчиларнинг қўнғироқлари эшитилди. Энди ҳакам бир оз тинчланди, лекин жуда чарчагани сезилиб турарди. У ўз кийимига яхшилаб ўранниб олди-да, ухлаш учун тўшакка чўзилди.

Худди шу пайт қандайдир кекса бир жаноб кириб келди. У ҳакам билан тенг-курлардай саломлашди-да, мурожаат қилди:

— Мұхтарам Зот учун бугун жуда оғир кун бўлди, шундаймасми? Нима қиласиз бўй-бўй гўшада? Юринг, чойхонага борайлик, бир оз эшитиб кўрайлик-чи, қишлоқ аҳли қандай фикрда. Бунинг устига бир пиёладан хушбўй чой ичишга нима етсин!

Кекса жаноб ҳакамга жуда таниш кўринди, лекин унинг номини сира хотирлай олмади. Бу мұхтарам Зотнинг кимлигини эсдан чиқарганини билдириласлик учун ҳакам дарҳол ўридан туриб унга эргаши.

Кўчада сайр қилувчилар ҳали кўп эди. Ҳакам билан нотаниш киши бир неча гавжум кўчани орта қолдириб, катта чойхонага келишди. Ҳакам Ди бу жойни негадир сира эслай олмасди. Кекса киши уни ичкарига бошлади.

Ичкари кенггина ҳовли бўлиб, бир бурчакда олти буржли шийпон бор экан. Үнда одамлар гавжум, хонтахталар атрофида ўтириб чойхўрлик қилишарди. Улар зинапоядан кўтарилиб шийпонга кирдилар ва бўш хонтахта ёнига ўтиридилар. Ҳакам Ди шийпон пештоқларини кўздан кечириб, унинг жуда нафис ишланганини сезди. Деворлар тўқилган панжарани эслатар, шифтдаги тўсиналар ҳамда устунлар қора локлик тахталар билан безалган бўлиб, уларга мумтоз сатрлар битилган эди. Шеърларнинг бир неча сатри ҳакамни қизиқтириб қолди. Үнда шундай ёзилганди:

Қидириб йўқолган бола изини,  
У яна тўшакка урар ўзини.  
Жавоб топар ўтмиш жумбоқларига.  
Фол очиш сирини Яо Фудан сўраб  
Англайди, нақадар қийинлигини  
Топиш Сичуандай<sup>1</sup> одамни, ё раб!

Ҳакам чолдан сўради:

— Чойхонада қандайдир таниқли бирор шоирнинг хушбўй чой ҳақидаги сатрларини учратиш мумкинdir. Лекин мана бу сатрларнинг бу ерга нима дахли бор?

<sup>1</sup> Сичуан — Хитой вилоятларидан бири.

Уларда тарихий шахслар эсланади, лекин бу ерда ўтирганларнинг уларни билиши даргумон, бунинг устига мазкур сатрлар унчалик тушунарли эмас.

— Гапингиз мутлақо түгри, — деди енгил күлгі билан қария, — лекин эхтимол бу сатрлар оддий чойхұрлар учун эмасдир. Балки сизга ўшшаган закий кишилар учуңдир? Мазкур сатрларнинг нағи тегиб қолар бир куни сизга.

Хакам унинг гапларини унчалик тушунмади ва чолдан тушунтириброк гапиришни сүраб одобданмикан, деб ўйлаб турғанда бирдан ногора қоқиди, қаттық мусикадан қулоқлари қоматта келди. Мундок атрофига қараса, шийпон-чойхона йўқ, ўзи театрда, томошабинларнинг ола-ғовур тұдаси ичида ўтирганмиш.

Саҳнада дорбозлар, найзабоз раққослар, қилич ютувчилар, кўзбойлоғичу лўттибозлар томоша кўрсатишяпти. Ўх-хў, ким йўқ, дейсиз бу ерда! Ҳакам эътиборини ўттиз ёшлиардаги аёл жалб қолди. У курси устида чалқанча ётарди. Аёл баланд кўтарилилган оёқларида улкан сопол кўзани ушлаб турарди. У кўзани оёқларида чир айлантира бошлади. Бир маҳал унинг ёнига келишган бир йигит келди-да, илиқ жилмайди. Афтидан аёл йигитнинг келганидан хурсанд эди. У оёқлари билан кўзани силтаб, баланд иргитди-да, ўзи чаққонлик билан ўрнидан турди, кейин тушиб келаётган кўзани икки қўллаб илиб олди. Бу хунаридан аёл табассум билан йигитга ёндоғди:

— Сиз яна келдингиз, азиз ёстиқдоли! — деди қўзлари ёниб.

Кейин қўза ичидан озғин бир қизча чиқди ва эрқакнинг кийимидан тутди.

Учаласи қувноқ кулишди. Бирдан томошабинлар тұдаси ғойиб бўлди, саҳна бўшаб қолди. Ҳакам Ди мундоқ қараса, залда бир ўзи қолибди. Шунда рўбарўсида яна ҳалиги чол пайдо бўлди.

— Бу ҳали биринчи кўриниши, иккинчи эмас, — деди чол. — Қани, орқамдан етишиб юр-чи!

У ҳакамни оғиз очишга ҳам қўймай, қандайдир фақат бурғанлар ўсиб ётган яйдоқ ёбонга бошлаб борди. Бутун атроф мовий тутун пардаси билан қопланган эди. У ер -бу ерда мўъжизавий қушлар учуб юрарди. Улар бегона ўтлар орасида чўзилиб ётган майдиларга қўниб, чўқилай бошлашарди.

Ҳакам Ди тўсатдан яланғоч жасадга дуч келиб қолди. Жасад яшил рангда эди. Бир маҳал унинг бурнидан чиқиб келган каттакон қизил илон вишиллаганича ҳакамга қараб ўрмалай бошлади. Ҳакам жудаям кўрқиб кетди, баданини қора тер босди ва уйғониб кетди.

Қараса, ибодатхонанинг асосий залида, кечаги тўшакда ётибди. Шу маҳал шақилдоғини шақиллатиб учинчи тунги соқчилар ўтиб қолишиди.

У тўшкада ўтирганча узоқ ўйга толди, зўр бериб фикрларини тўплашга уринарди. Унинг оғзи куриб қолганди, сержант Хунни чақирди. Сержант чойдан қуйиб берди. Ҳакам томоғини ҳўллаб, ўзига келгач, сержант сўради:

— Муҳтарам Зот, туннинг анчагина қисмини шу ерда ўтказдилар, ҳеч ухлай олдингизми?

— Ҳа, бир оз кўзим илинди, — деди ҳакам. — Лекин ўзимни ғалати ҳис қиляпман. Сенинг тушингга ҳеч нарса кирмадими?

— Ростини айтсан, Муҳтарам Зот, — жавоб берди сержант, — сўнги кунларда шу қадар кўп югуриб юрибманки, тўнкадай қотиб ухлаб қоляпман. Бу Би Сюннинг иши жуда шошириб қўйди. Тушимга бирор нарса кирса ҳам, эрталабга бориб, худо ҳаққи, ҳеч нарсани эслаб қололмайман! Балки сизнинг омадингиз келгандир?

Ҳакам Ди бамбук таёқчалар билан фол очищдан бошлаб ғалати тушлар ҳақида гапириб берди. Фол кўриш китобини қўлига олиб, ундан кечаги шеърни ўқиди.

— Одатда бу китобдаги изоҳлар унчалик тушунарли эмас. Лекин, мен гарчи са-водсиз одам бўлсан ҳам, бу изоҳ менга тушунарлидек кўриняпти. Шеърда эслатилган эски тарих хусусида ҳеч нарса дея олмайман. Лекин уларни алоҳида-алоҳида олиб қарайлик-чи... Демак шеърнинг биринчи сатри туннинг сўнгги соати, тонготарни билдиради. Бу энт осойишта дам ҳисобланади. Ошиқ-маъшуқлар айни шундай пайтда ўз маҳфий маҳбубининг уйига қадам ранжида қиласди. Тўртингчи сатрда тасвирланган шаҳвоний муносабатлар алоқаларининг рамзи эмас, балки Чжоу хоним ва унинг хушторининг ноқонуний муносабатларидир. Сиз аввал бошданоқ шундай бўлиши мумкин, деган эдингиз. Мана, энди шеърнинг хабар қилишича, жиноят содир бўлган пайтда хуштори ҳам ўша жойда бўлган ва ҳатто уни ўлдиришга ёрдамлашган. Бу қотиллик содир бўлган пайтга мос келяпти. Ўзингиз бир чама-

лаб кўринг: бизга маълумки, Би хоним, унинг ўғли ва келини қайиқлар мусобақасидан қайтгач, байрамона тамадди қилишиди, шароб ичишади, сұхбатлашиб ўтиришади, Би Сюн қориғиётганидан шикоят қилганида вақт анча кеч бўлиб қолгани турган гап. Шунда Би хоним келинига эрини ўрнига ётқизишни тайинлаган. Ўзи ўёқ-бўёқни ийғишириб, ювениб, кейин ўрнига ётган. У ўғлининг қийқириғидан уйғонгандага тун алламаҳал бўлган бўлиши керак. Шубҳа йўқки, Чжоу хонимнинг хуштори учинчи тунги соққидан кейин келган... Воқеа шундай бўлганлиги аниқ.

Ҳакам бош ишораси билан унинг гапини маъқуллаб:

— Сен кўп жиҳатдан ҳақсан, — деди. — Мен ҳам бу қотилликда учинчи кимса бўлиши керак, деган хulosага келдим. Акс ҳолда Чжоу хонимга ўз эрининг ўлдиришнинг маъниси йўқ. Лекин мен бу аёл жиноятини тан олади, шунда биз унинг хуштори ким эканини билиб оламиз, деган ишончда эдим. Шунинг учун ҳам бу одамни тошишга уринмагандим. Бу бизнинг хатоимиз бўлди. Аммо, энди уни топиш ўта муҳим. Чунки қотиллик қандай содир бўлганини айнан ўша одам тушунтириб бера олади. Лекин уни қандай қилиб топамиш?

— Бу учнчалик қийин эмас, — деди сержант. — Судга қайтганингизда Би хоним билан келинини кўйиб юбориши амр этинг, кейин биз улар кетидан энг яхши пойлоқчимизни қўймиз. Пойлоқчи унинг уйини кузатади. Айниқса кечаси, тонг отар пайти кўз-кулоқ бўлади. Хуштор шу атрофда бўлиши керак. Чжоу хоним озод қилинганини эшигтгач, у билан учрашишга ҳаракат қиласди. Шунда биз уни кўлга туширамиз.

Бу режа ҳакам Ди жуда маъқул келди. Тонқирлиги учун мақтади. Кейин ўзи кўрган туш хусусида фикрини сўради.

— Сиз ухлапи олдидан Люли қишлоғидаги қотиллик ҳақида ўйладингизми? — сўради сержант. — Ёки фақат Би Сюн ўлимига далил қидириш билан банд эдингизми?

— Умуман, — деди ҳакам, — ухлапидан олдин мен ҳар иккала қотиллик ҳақида ҳам бош қотирган эдим. Лекин тушимнинг биринчи қотилликка нима дахли бор, тушуномлай турибман.

— Ростини айтсам, — тан олди сержант, — тушларингиз мен учун жумбок. Лекин, Мұхтарам Зот, чойхонада нималар кўрганингизни менга яна бир бор айтиб беролмайсизми? Ўша жойда бола ва тўшак ҳақида нимадир бор эди, шекилли!

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

**Ҳакам кўрган туш шубҳани жаноб Сюйга қаратади; Ма Чжун қишлоқ меҳмонхонаси ҳақида муҳим маълумотларни кўлга киритади.**

Ҳакам Ди сержантнинг адабий истиорадан хабари ўқулигини билиб, кулимсираб жавоб қилди:

— Бу ўринда “Бола” сўзи — исмни билдиради. Қадимги пайтларда Сюй исмли бир донишманд яшаган, унинг лақаби “Бола” бўлган экан. Унинг бир қўшниси донишмандни жуда эъзозлар ва ҳурмат қиласар экан. У қандай ишга кўл урмасин, албатта, донишманд билан маслаҳатлашаркан. Ҳалиги қўшни ўз уйининг асосий хонасида атайлаб жаноб Сюй учун катта ёнбошлама<sup>1</sup> тайёрлатган экан. У бу ёнбошламада “Бола”дан бўлак ҳеч кимнинг чўзилишига руҳсат бермас экан. Бу воқеа қадимда доно кишиларга ҳурмат сифатида доимо намуна қилиб кўрсатилган. Бироқ воқеанинг ҳозирги қотилликларга нима дахли бор, шунга ҳайронман...

Сержант унинг сўзини бўлди:

— Мұхтарам Зот, менимча, бу сатрларда Чжоу хонимнинг хушторини излазишим кераклигига ишора бор. Биринчи сатрдан англашиладики, хушторнинг фамилияси Сюйдир. Энди кейинги сатрларда эслатилган Яо Фу кимлигини айтиб беролмайсизми?

<sup>1</sup> Қадимги Хитойда аслзодалар, шоирлар, донишмандлар болишилар кўйилган махсус жойда ёнбошлаб сұхбат қуриши одат бўлган. Донишманд-маслаҳатчи учун алоҳида ёнбошлама қилиниши чуқур ҳурмат-эҳтиромдан далолатдири.

— Кейинги сатрларнинг сири йўқ, — деди ҳакам. — Яо Фу — машхур авлиё Шао Юннинг лақабидир. Бу Люли қишлоғидаги қотилликларни содир қилган савдогар Шао эканлиги ҳақидаги тахминимизни тўла тасдиқлаб турибди. У ҳозир Сичуан вилоятида яшириниб юрган бўлиши керак. Шу боисдан бу қотилни қидиришда Сичуан лаҳжасида гапиравччи кишиларга алоҳида эътибор бериш керак.

— Бу жуда тўғри фикр, — деди сержант Хун. — Энди оёғида кўза айлантирган акробат аёлнинг кимлигини ва ўликлар ётган ёбоннинг нималигини аниқлаш қолди, холос. Балки булар қидирувларимизнинг охирида ечилар.

Ҳакам Ди билан сержант Хун тушлар таъбири ва қотилликларнинг мумтоз шеърларга дахли ҳақида қизғин баҳс юритишаркан, тонг отганини ҳам сезмай қолиши. Ҳакамнинг бошқа ётгиси келмади, ўрнидан туриб кийиниб олди.

У уйғонишини кутиб турган ибодатхона бошлиги ичкари кириб ҳакам билан саломлашди. Мехроб олдида тоат-ибодат қилгач, ёшроҳибни чакириб ҳакамнинг юваниши учун сув иситишни ва бир пиёла иссиқ чой келтиришни буюрди. Бу орада сержант Хун ҳакамнинг буюмларини тўплаб боғлади-да, сақлаб қўйиш учун бош руҳонийга топширди. Кейин олиб кетиш учун одам юборамиз деб тайинлади. Бундан ташқари “бизнинг ибодатхонада бўлганимизни ҳеч кимга гапириб юрманглар” деб огоҳлантириди. Кейин ҳакам билан бирга чиқиб кетди.

Ҳакам Ди судга қайтиб келганда, уни Дао Ган кутиб турган экан. У сержант Хундан ибодатхонадаги кечаканда үтганини сўради. Сержант юз берган воқеани гапириб берди. Кейин ҳакам учун нонушта тайёрлашни буюрди.

Нонуштадан кейин ҳакам сержантта чолар билан бирга Хуанхуа қишлоғига бориб оқсоқол Ҳэ Кайни олиб келишни тайинлади. Сўнгра мирзалар унга шу бугун кўрилиши лозим бўлган ишларни олиб келиши. Ҳакам билан расмий равишда суд залида эмас, балки ўз хонасида учрашди.

Оқсоқол ҳакам билан эҳтиром-ла саломлашди-да, нима дейишини кутиб турди.

— Агар биз Би Сюн қандай ўлдирилганини билолмасак, — дея гап бошлади ҳакам, — бу иш фақат мен учун эмас, қишлоқ оқсоқоли сифатида сен учун ҳам шармандалик билан тугайди. Эҳтимол сен кейинги пайтларда бу жумбоқни ечишга жиддий киришгандирсан. Ҳўш, гапири-чи, нима иш қилдинг? Нега сенинг орқангдан одам юборишим керак эди? Нега ўзинг келиб, менга аҳборот бермадинг?

Оқсоқол Ҳэ Кай бу таъналарни эшитиб тиз чўқди, пешонасини ерга уриб, гапири кетди:

— Мен шу пайтгача тиниб-тинчиганим йўқ. Бироқ жумбоқни ечишга имкон берадиган бирор қалаванинг уни топилмади. Бу жиноятни қандай фош қилишга бошим қотиб қолди.— Майли, ҳозирча бу масалани қўйиб турайлик, — деди ҳакам Ди. — Мени сенинг лапашанглигинг унчалик қизиқтирамайди. Мени сенинг қишлоғингдаги вазиятни тўлиқроқ билиш қизиқтиради. Қишлоғингда нечта оила яшайди, улардан нечтасининг фамилияси Сюй?

— Бизнинг қишлоқда уч юзга яқин оила яшайди. Шулардан ўнга яқини Сюй фамилиясида. Қайси Сюй оиласи сизни кўпроқ қизиқтиради, Мұхтарам Зот? Ҳозироқ бориб билиб келаман.

— Агар мен буни аниқ билганимда, — деди ҳакам Ди, — сенга ўша одамни сўроқ учун олиб кел, деб аллақачон айтган бўлардим. Менга фақат шу нарса маълумки, бу ишга Сюй фамилияли одам аралашган ва Чжоу хонимга жиноят қилицида ёрдамлашган. Агар биз ўша одамни топсак, жиноят фош бўлади. Шунинг учун сендан сўраяпман, қишлоғингдаги Сюй фамилияли бирор одам Би Сюн ёки унинг оиласи билан алоқадорми?

Оқсоқол бир оз ўйланаб турди-да, кейин деди:

— Тан олишим керак. Би Сюн дўстлари ва танишлари ҳақида унчалик билмайман. Лекин қишлоғимизда бундай фамилияли одам унчалик кўп эмас. Агар рухсат берсангиз, қишлоқка бориб ҳаммасини билиб келардим.

— Бу жуда зўрғоя, деб ўйлаяпсанми? — деди ҳакам, — мен сенга айтсам, бу режа ўша шубҳали одам учун қочиб қолиш ёки одамларимизни тузоқча илинтириш учун энг яхши усулдир. Шунинг учун қишлоқка бориб, ҳаммадан сўрайвериш ярамайди. Аввало Би Сюнга қўшни бўлган одамлардан суриштириш керак. Қалаванинг салпал учни топилди дегунча бу ёқса кел. Қолганини менга қўйиб берасан.

У шундай деб оқсоқолни қишлоққа жўнатди. Сўнгра сержант Хун билан Дао Ганни чақириб, кеч кириши билан Хуанхуа қишлоғига отланишини буюрди. Улар оқсоқол изидан бориб, унинг ҳаракатини кузатишлари керак эди. Бундан ташқари, уларга Би хоним уйи яқинига ўрнашиб, кечаси билан кузатиш ҳам топширилганди.

Ҳакам Ди кундалик ишлари билан банд экан, кеч кирганини сезмай ҳам қолди. У шаъм ёкиб, йиғилиб қолган ишларини давом эттириди. Кейин кечки нонушта қилиб бир оз пинакка кетди. Ҳакам ташқаридаги шовқиндан уйғонди. Унинг қаршиисида Ма Чжун билан Цяо Дай турарди.

Саломлашгандан сўнг Ма Чжун хабар берди:

— Биз бир тахмин билан келдик. Жиддий ишга ўхшайди. Ўзбошимчалик қилмай, сиздан кўрсатма олгани келдик.

— Хўш, гапиринглар-чи, нимани аниқладинглар, менинг азаматларим, — деди ҳакам, — кейин биргаликда ўйлаб кўрамиз.

— Сиздан кўрсатма олганимиздан сўнг, — дея бошлади ҳикоясини Ма Чжун. — Мен мавземизнинг шарқий қисмига йўл олдим. Йўл-йўлакай сўраб-суринтириб, маълумотлар тўплаб бордим. Бир неча кун бурун кеч бўлиб қолгани учун меҳмонхонада тунамоқчи бўлдим. Ўша меҳмонхонада ётиб қолганлардан биттаси Люли қишлоғида икки кишини ўлдириб кетишганини гапириб қолди. Бошқалар ҳам “ҳа..а” деб қўйишиди. Мен уларни гапга солишига ҳарчанд уринмайин, барибир оғизларига талқон солиб олишгандай “финг” дейишимади. Меҳмонхона хизматкоридан билиб олдим, булар кўн сотиб юрган савдогарлар экан. Шунда мен ҳам ўзимни кўнфуруш қилиб кўрсатиб, уларга бир кўза шароб таклиф қилдим. “Ўша қотиллик мени жуда қизиқтириб қолди, — дедим мен. Чунки бизнинг тоифадаги кўнчилардан бири Люли қишлоғидаги меҳмонхонада тунаб қолганди”. Шундан кейин улар бемалол гаплашиб ўтиришиди. Шароб ичиб бошлари қизигач, қизик бир воқеани гапириб беришиди. Уларнинг гапларига қараганда, қотиллик юз берганидан кейинги кун улар арава билан Люли қишлоғига қараб боришаётган экан. Йўлда баланд бўйли бир кишини учратишибди. Ўттиз ёшлардаги бу одам кўн ортилган аравачани судраб Люли қишлоғидан келаётган экан. Буларнинг ёнидан индамай ўтиб кетаётганида аравалар бир-бири билан тўқнашиб ҳалиги киши аравачасининг филдираги ўқидан чиқиб кетибди. Устидаги юклари тупроққа қоришибди. Кўнфурушлар жанжал бўлади, деб ўйлашибди. Лекин баланд бўйли киши “финг” демабди. Шошилиб филдирагини тузатибида-да, юкларини ортабошлабди. Юк боғламларидан бири ечилиб, ундан ипак матолар сочилиб кетибди. Савдогар нимадир деб тўнгиллабди-да, матони боғламга тикиб, жўнаб қолибди. У тўнгиллагандаги Гансу лаҳжасида гапирганини сезишибди. Кейин Люли қишлоғидаги қотилликни эшитишгач, жиноятчи ўша киши деб ишонч ҳосил қилишибди.

— Нега маъмурларга хабар қилмадинглар, — деб сўрадим сухбатдошларимдан. — Ахир бундай маълумот учун бир неча кумуш танга ишласа бўларди...

Бу гапимга кўнчилар қулишиб: “Нима, бизни аҳмоқ деб ўйляяпсанми? — дейишиди. — Жиноятчи аллақачон кетиб бўлган, уни топиб бўлишибди. Бунинг устига бундай жиноят ишга аралашиш ташвишдан бошқа нарса келтирмайди. Биз ўз савдомиздан қолмайлик, жиноятчини эса, бу учун кимга пул тўлашаётган бўлишса ўша тутиб берсин”.

Мен Цяо Дайни излаб топдим ва биз меҳмонхонада яна бир кун тунаб қолдик. Лекин бошқа ҳеч нарса аниқлай олмадик. Шундан кейин биз ҳалиги баланд бўйли киши кетган йўл бўйлаб ҳаракат қилдик. Йўлда аравачали одам ўтолмайдиган жойда тоғни кесиб ўтдик. Шу тариқа йўлимиз анча қисқарди. Кўши мавзе сарҳадини кесиб ўтгач, йўлда маҳаллий дехқонлар тўдасига дуч келдик. Улар қичқиришиб, шовқин солишар ва бор овозда кимнидир сўкишарди. Бориб уларга қўшилдик. Қарасак, ўртада баланд бўйли бир йигит, аравачада ўтириб дехқонлар билан гап талашияти.

— Ҳой қора қўнғизлар, — дерди ҳалиги йигит, — мунча кекирдакларингни чўзасанлар. Мен мамлакатни у бурчидан бу бурчигача кезиб чиққанман, кўрмаган нарсам қолмаган, ҳеч кимдан қўрқадиган жойим ҳам йўқ. Эҳтимол ерларингизни салпал бузиб ўтгандирман, лекин экин майдонларинг бир пулга ҳам арзимайди-ку, — бақиради у. — Агар мени бу ердан тинчгина ўтиб кетишимга йўл берганингда, бир оз ипак газламадан бериб, етказган зараримни қоплардим. Лекин сизлар ях-

шилика кўнмайдиган одам экансизлар. Ўзларинг жанжал бошладинглар, энди ўзларингдан кўринглар!

У аравасидан сакраб тушди-да, ўзини тўда орасига урди. Савдогар дуч келганни кулочкашлаб уриб ағдара бошлади. Шунда дехқонлар кетмон, ўроқ ва белкураклар билан куролланиб унга ташланишиди. Лекин баланд бўйли йигит тўғри уларнинг олдига чиқди ва биттасининг қўлидан кетмонни тортиб олиб ҳужумга ўтди.

Дехқонларни тумтарақай қилиб, ҳайдаб юборгач, аравасини йўлакка олиб чиқди-да, жўнаб қолди. Биз ҳам унинг изидан тушдик. Корама-қора боравердик. Шу тариқа Шуантучай деган савдо марказига бориб қолдик. У ерда йигит бир меҳмонхонага жойлашди. Хизматчидан суриштириб, унинг бу ерда бир ҳафтача қолишини аниқладик. У ўз молини шу ерда сотмоқчи экан. Биз ўз мавземиздан ташқарида бўлганимиз учун уни хибса олмадик. Чунки маҳаллий маъмурлар билан низолашиб юрмайлик, дедик-да. Бунинг устига унинг қотиллиги ҳақида бизнинг қўлимизда ҳеч қандай далил йўқ эди. Шунинг учун шошилиб бу ёқقا қайтиб келдик. Сиз Мұхтарам Зотдан маслаҳат олиб, иш тутишни лозим топдик.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

**Ҳакам Дининг ўзи Шуантучайга йўл олади; Ипакфуруш дастлабки музокараларни бошлиди.**

Ҳакам уларнинг ҳикоясини диққат билан тинглади-да, бир зум ўйга толди. Кейин оҳиста гап бошлиди:

— Шубҳасиз, сиз изидан тушган йигит, биз қидираётган ўша қўлга тушмас Шао бўлса керак. Ипакфуруш йигит, Кун меҳмонхонасида тунаб қолган одам ҳам шу бўлади. Унинг кўнфурушлар билан учрашувдаги ўзини тутиши, боғламларида ипак тойлари бўлиши, ўзи ҳам Гансу вилоятидан эканлиги — ҳаммаси равшан айтиб турибди. Дехқонлар билан қўпол муомаласи эса, унинг хавфли каллакесарлигини кўрсатади. У ҳеч иккilanмай ҳамроҳини ўлдирган, бу қотилликнинг устидан чиқиб қолган бечора ҳаммол Ванни ҳам тинчитган шу.

Бироқ Ма Чжун айнан қотилни топишганига унча ишонмасди. Чунки ипакфурушларнинг кўпчилиги Гансудан чиқишиади ва кўпинча шу йўлдан юришади. Бу йигитнинг айнан шу пайтда бу ерга келиши оддий тасодиф ҳам бўлиши мумкин-ку, ахир.

Лекин ҳакам Ди бошини чайқади. — Бунинг оддий тасодиф эмаслигига менда далил бор, — деди у.

Кейин Ма Чжун билан Цяо Дайга ибодатхонада кўрган тушини гапириб берди. У чойхонада ўқиган шеърини такрорлади ва Шуантучайнинг ёзилиши иероглиф “гу”<sup>1</sup> — “фол очиш”ни билдиришини эслатди. “Бу, — деди ҳакам, — биз қотилни Шуантучай қишлоғида топамиз деган маънони билдиради”.

— Энди нима қиласиз, — деб сўрашди Ма Чжун билан Цяо Дай.

— Муаммо шундаки, — деди ҳакам, — бу одамни менинг музофотимдан ташқарида ҳибсга олиш анча мушкул. Албатта, мен у ердаги ҳамкасбимга мурожаат қилишим, ёрдам сўрашим мумкин. Лекин бу расмиятиклилар амалга ошгунча жиноятчи жуфтакни ростлаб қолиши мумкин.

Ҳакам узоқ ўйланди. Кейин шундай деди:

— Эртага Шуантучай қишлоғига боришимиздан бошқа иложимиз йўқ. Биз меҳмонхонага жойлашамиз-да, ўша ерда ипак сотадиган энг йирик савдогар кимлигини аниқлаймиз. Кейин сизлар унга бориб менинг Пекиндаги энг бой савдо уйининг вакили эканимни айтасизлар. Менинг Цзянсу вилоятига ипак толаси ҳарид қилиш учун кетаётганим эсларингдан чиқмасин. Бу тола Пекинда парча тўқиши учун олинади, дейсизлар. Унга айтингларки, мен йўлда касал бўлиб қолдим ва сафаримни икки ҳафтага кечкитирдим. Кейин менинг Цзянсуга ипак мавсумигача етиб боролмайман, деб ҳавфсираётганимни ҳам қўшиб қўйинглар. Шунинг учун

<sup>1</sup> “Гу а” — “фол очиш” иероглифи ер маъносини билдиради. Шуантучай қишлоғининг номи эса “шудгорланган ер” демакдир.

мен ўёққа бориб юрмай, илакни шу ернинг ўзида мақбул нархда сотиб олишим мумкин. Бу унинг учун жуда қизиқарли таклиф бўлиши ҳам мумкин. Шунда у бу атрофдаги бор илакни сотиб олишга киришпади. Қолганини менга қўйиб беринг.

Ҳакам Ди шундай режа тузиб, ўз ишига қайтди. Бир неча кун бўлмаслигини билгани учун барча ишларини битириб, бошлиқларга ҳисобот тайёрлади. Кейин қамоқхона бошлигини чақириб, суд ишиларини бошқариб туришни тайинлади. Бир неча сўз билан Шуантучай қишлоғига кетаётганини тушунтириди-да, икки ҳафта-лардан кейин қайтиб келаман, деб айтди. Кейин буни ҳеч кимга “гуллаб қўймаслик” кераклигини қўшиб қўйди.

Бу ишлар туфайли у судхонада ярим кечагача қолиб кетди. Шу боис ўз хонасида ухлаб қолди.

Эртаси куни барвақт турди-да, оддий кийимини кийди. Кейин ёзув столига ўтириб, қўлни музофот ҳакамига хат ёзди. Бир оз кумуш ақча билан бирга хатни кийимининг ичига маҳкам яширди. Улар шаҳардан чиқиб кетишганда ҳали тонг ёришмаганди. Шунинг учун ҳакам билан ёнидаги икки шеригини ҳеч ким кўрмай қолди. Уларнинг сафари тинчгина ўтди, шу боис уни тасвирлаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ. Орадай уч кун ўтгач, улар Шуантучай қишлоғига етиб боришиди. Ҳакам Ма Чжунни меҳмонхонадан жой олишга юборди.

— Уйда бирор киши борми, — деб сўради Ма Чжун меҳмонхона эшигини тақилатиб. — Биз Пекиндан келяпмиз. Хўжайним йирик илакфурушлардан. Бизлар учун бирор хона топилиб қолар...

Мўътабар меҳмонлар келганини билган хизматкор дарҳол эшикни очиб, уларни ичкари олди. У меҳмонлар хоҳлаган хонани танлашлари мумкинлигини айтди. Хизматкорнинг “юкларингиз йўқми?” деган саволига Ма Чжун:

— Юкларимиз қишлоққа киравериша кутиб турибди, — деб айтди. То ҳакам Ди стиб келгунча, ўёқ-буёқни қараб, тартибга солишиди. Ниҳоят ҳамоллар тахтира-вонда ҳакамни олиб келишиди. Цяо Дай билан қарол юкларни туширгунча, Ма Чжун ҳаммоллар ҳақини тўлаб, ҳакамни унга аталган хонага бошлаб кирди. Иссик чой келтиришини буюорди. Улар чойни ичиб бўлишгач, меҳмонхона бошқарувчиси кириб келди:

— Мен исмингизни билмоқчи эдим, Мұхтарам Зот, — деди бошқарувчи. — Эши-тишимча, Пекиндан келиб, бу ерда бир оз иш юритмоқчи экансиз. Мен воситачи-лик қилишим мумкин.

— Менинг фамилиям Лян, — деди ҳакам, — исмим эса Дигун. Мен Пекиндаги йирик илакчилик фирмасининг вакилиман. Биз Пекиндан чиққанимизга бир ойдан ошди. Ниятимиз Цзянсу вилояти орқали ўтиш эди. Чунки у ерда фирмамиз учун анчагина илак сотиб олмоқчи эдик. Лекин йўлда мен касал бўлиб қолганим учун энди стиб келдик. Энди илак мавсуми тутагунга қадар Цзянсу вилоятига етиб бороимасам керак, деган таптишдаман. Шимолдан ва жанубдан келувчи илак йўлла-ри шу ердан ўтгани учун мен илакни шу жойда сотиб олиш ниятидаман. Ҳозир бозорнинг аҳволи қандай?

— Бу ер Цзянсу вилоятидан анча олис, — деб жавоб берди бошқарувчи. — Лекин бозорда вазият қандайлигидан биз ҳамиша хабардор бўлиб турамиз. Айтишларича, баҳор бу йил жуда юмшоқ келибди, шунинг учун илак толаси мўл-қўл эмиш. У ерда шойининг юз метри 35 кумуш тангага сотилаётган экан. Маҳаллий бозорда-ги нарх эса тахминан 39 кумуш тангага тўғри келади. Агар у ўёққа бориб келиш, йўл харажатлари ҳисобга олинадиган бўлса, бу ердаги нарх анча арzon тушади.

Ҳакам Ди ўзини иккиланаётгандай қилиб кўрсатиб, илакнинг сифати ҳақида суриптира кетди. Бошқарувчи Чжан унинг саволларига жавоб қайтаргач, ҳакам ўз фирмасининг сайёр вакили сифатида илк бор иш кўраётганини айтди. “Аввалги вакил ўлии, — деди у, — хўжайнин мени ўзининг вакили қилиб тайинлади. Жуда нокулай пайтда касал бўлиб қолдим-да. Лекин ўз фирмам учун жон куйдирмасам бўлмайди. Бу ерда илакнинг нархи унча баланд бўлмагани учун, сиздан илтимос, мени сотувчи билан таништиринг. Буёғига келишиб олармиз. Мен бу ерда керакли нарсаларни сотиб олсан, Цзянсуга бориб юрмасдим”.

Бу нарса бошқарувчи Чжанни суюнтириди, албатта. Ахир бой вакил унга икки томонлама фойда келтиради-да. Бир томондан воситачилик қилиб чойчақа ишла-са, иккинчи томондан меҳмонхонада унинг хизматини қилиб мўмайгина даромад

топади. У “жаноб Лян”ни ишончли ипакфуруш билан таниширишга жон-жон деб рози бўлди.

Кечки овқатдан кейин ҳакам Ди Цяо Дайга юкларни қўриқлашни буюрди. Ўзи Ма Чжун билан бошқарувчи хонасига бориб, “бизларга ҳамроҳ бўла оласизми?” — деб сўради.

— Жоним билан, — деди бошқарувчи.

У қингир-қийшиқ кўчалар билан уларни савдо марказига бошлаб борди. Кўчанинг икки томонини катта-катта дўйконлар эгаллаган эди. Гузар гавжумлиги билан ажralиб турарди. Ниҳоят, бошқарувчи муҳташам бир бинонинг олдида тўхтади. Ичкаридан бир қарол чиқиб унга салом берди.

— Жаноб Чжан, дўстларингиз билан марҳамат қилинг, — деди меҳмонларга жилмайиб, — тақсирим чиқиб кетган эдилар, ҳозир қайтиб келадилар.

“Бу айни муддао, — дей ўйлади ҳакам. — Баъзи маълумотларни тўпласа бўлади”.

— Биз шошаётганимиз йўқ, — деди у Чжанга, — ўтириб бошқарувчини кутиб турамиз.

Улар ичкари кириб ўтириши, хизматкор чойга таклиф қилди. Сухбат орасида бошқарувчи Лу Чанпо эканини, унинг оиласи бу ерда бир неча авлоддан бери яшаб келаёттанини билиб олишди. Хизматкор меҳмонларнинг иши ва фирмаси ҳақида сўраб-суриштириди. Бахта қарши ҳакам Ди Пекинда талабалик даврини эслади. У пойтахтнинг Яоцзя кўчаси бўйлаб кўп юарди. Катта савдо уйи шу кўчада жойлашганди. Вайи деб аталган шойини шу марказда сотишарди. У хизматкорга ўз савдо уйининг Вайи деб аталишини айтди.

— Уҳў, бу савдо уйи жуда ҳам машхур-ку! — деди хизматкор оғзининг таноби қочиб. — Унда сизга алоҳида эҳтиром билан қарашимиз керак. Бизнинг собиқ бошқарувчимиз тириклигига фирманиз билан катта ишларни амалга оширади. Лекин фирманизниг ишлари яхши юришиб кетгач, тўғридан-тўғри Цзянсуга ўз вакилини юбориб, бизларга эътибор бермай қўйган эди. Нега энди сиз ипак тола харид қилиш учун биз томонларга келдингиз?

Ҳакам Ди бундан олдинроқ меҳмонхона бошқарувчиси Чжанга гапириб берган воқеани айтди. Шу пайт хонага қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Бошқарувчи Чжан ўрнидан иргиб турди:

— Бошқарувчи Ли келдилар.

Ҳакам Ди билан танишиб, унинг режасини тинглаган Ли:

— Жуда вақтида келдингиз, — деди. — Бир неча кун бурун Цзянсудан Цяо деган савдогар келди. У менинг фирмамнинг доимий мижозидир. Цяо ўзининг ипак тойларини менга қолдириб кетди. Агар хоҳласангиз, қўришингиз мумкин.

У ҳакам Дини бошқа хонага бошлаб кириб ипак тойларини қўрсатди.

Ҳакам Ди тойларни кўздан кечирди. Уларнинг кўпчилигига Цзянсудаги машхур фирманинг тамғаси босилганди. Лекин тойлардан иккитаси шу қадар лойга булгангандики, нима ёзилганини аниқлаш қийин эди. Ҳаммаси аён бўлди. У Ма Чжунни чақириди:

— Ипак толасини баҳолашда сен анча тажрибага эгасан. Буёққа келиб, кўр-чи. Менимча, унчалик яхшига ўхшамайди.

Ма Чжун ҳакам ниманидир аниқлаганини тушунди. Тойлар ёнига бориб, уларни кўздан кечирди. Ифлосланганларига алоҳида эътибор берди.

— Яхши ипак, — деди у, — лекин у йўлда намиқибди. Шунинг учун оҳорини йўқотибди. Лекин мана бу икки тойдаги ипак гарчи ифлосланган бўлса ҳам, оҳори яхши. Агар эгаси шу ерда бўлса, савдолашиб кўрардик.

Ҳакам Ди маъқуллади. Агар нархига келишсак, ипакнинг ҳаммасини олардик, деди. Ипакфуруш Цяо ҳали шаҳардамикин деб сўради.

— Жаноб Цяо ҳозир оқсоқолнинг уйида, — деди бошқарувчи Ли, кейин хизматкорига ўтирилди: — ирийлаб бориб айтиб кел. Ипакка яхши харидор чиқди, ҳаммасини сотиб оларкан, дегин...

Хизматкор чиқиб кетди, меҳмонхона бошқарувчиси ўз юмуши билан банд бўлди.

Яна бир пиёладан чой ичишиди. Кейин хизматкор баланд бўйли йигитни бошлаб кирди. Ма Чжун уни дарҳол таниди.

(Давоми келгуси сонда).

# Саудия Арабистонида маданий ҳаёт

## ҚУШИҚЛАР ТАНЛОВИ

**С**аудия Арабистони телевидениеси орқали ҳар ойда таниқли араб қўшиқчила-рининг танлови ўтказиб турилади. Бу галги қўшиқлар танловида Саудиянинг Мұхаммад Абду, Али Ал-Хажжор, Ҳайсал Аш-Шавлий каби энг истеъоддли хонандалари иштирок этдилар. Ҳайсал Аш-Шавлий “Севги” деб номланган қўшиқни ижро этиб, телетомо-шабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

## ШЕЪРИЯТ

Саудия Арабистонида чиқадиган қатор журнallарда кўпинча араб шоирларининг янги шеърлари эълон қилинади. Жумладан, “Ал-Ямама” журнали саҳифаларида шоир Абу Абдурахмоннинг “Ҳаёт йўллари” деган шеъри нашр этилди. Шоир бу шеърида инсон ҳаётининг турли-туман йўлларга бойлиги, ана шу йўллардан энг тўғрисини танлаб олиш на-қадар муҳимлиги ҳақида фикр юритади.

## НАСР

Саудия Арабистонида нашр этиладиган “Аддара” журналининг ҳар бир сонида ёш ва истеъоддли абиidlарнинг янги қиссалари чоп этилмоқда. Жумладан, “Аддара”нинг навбатдаги сонида Лайло Иброҳим ал-Аҳидаб қаламига мансуб “Солик” номли янги қиссаси эълон қилинди. Адиба бу аса-рила ҳаёт қийинчилкларига учраган ёш оила ҳақида ҳикоя қиласи.

## ЯНГИ КИТОБЛАР

Саудияла нашр этиладиган китобларнинг аксарияти диний масалаларга ҳамда Ислом тарихига оиддир. Шунингдек, нашриётлар-

да болалар адабиётига алоҳида ўрин ажратилган. Жидда шаҳри нашриётларида ҳар йили болалар учун ўнлаб китоблар чоп этилади. Шу кунларда сотувга “Ақлли қушча ва фил” деб номланган эртаклар тўплами чиқарилди. Шунингдек, “Намунали қизча”, “Хайрли сафар”, “Ислом йўлида” номли янги китоблар болалар тарбиясида катта аҳамиятта эга кичик қиссалардан иборатdir.

## МУҲАММАД АБДУ ҚУШИҚЛАРИ

Саудиялик хонандалар ўзларининг янги қўшиқлари билан араб қўшиқчилик санъатини бойитиб бормоқдалар. Жумладан, шу кунларда машҳур араб хонандаси Мұхаммад Абду ижодида янги қўшиқ пайдо бўлди. “Севгилимга мактуб” деб номланган бу ажойиб қўшиқ таниқли араб шоири Абдураҳмон бин Мусайдининг шеърий қиссаси асосида яратилган.

## “ЗАМОН ВА ТАҚДИРЛАР” ТЕЛЕСЕРИАЛИ

Саудия Арабистони телевидениеси орқали янги ишланган телесериаллар намойиш қилина бошланди. “Замон ва тақдирлар” деб номланган телесериал бадавийлар ҳаётига оид тарихий асар бўлиб, унда машҳур араб киноактери Ҳасан Абу Ҳасна бош роллардан бирини ижро этган. Шунингдек, Саудия телекранларига тўққиз қисмдан иборат “Хориган кипи” телесериали, “Мовий осмон остида” ҳамда “Раббим” бадиий фильмлари чиқди. Мазкур киноасарларда таниқли араб актерларидан Адил Қадури, Зиннати Қадсия, Наримон Қоватрий, Абдураҳмон Рақроқ бош ролларни ижро этганлар.

*Хайрулло НУРИДДИНОВ тўплади.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

207

## **ЖУРНАЛНИНГ 9-СОНИДА ЎҚИЙСИЗ:**

**РЕМАРК. Уч оғайни.** Роман. Охири.  
**ЭФРАИМ СЕВЕЛА.** Тұхтатинг самолётни, тушиб қоламан.  
**Кисса.** Давоми.  
**РАСУЛ ҲАМЗАТОВ.** Шеърлар.  
**Қилни қирқ ёриб.** Кисса. Охири.

Шунингдек, тарихий-фалсафий мақолалар, янги китобларга тақризлар, маданий ҳаёт янгиликлари билан танишасиз.

## **МУХТАРАМ ДҮСТЛАР!**

"Жаҳон адабиёти" журналига 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан баҳраманд бўлишни истасангиз, журналимизга келаси йил учун ёзишишни унуманг!

Журналга барча алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

Индекс: Якка тартибда — 828.  
Ташкилотлар учун — 829.

## **ЖАҲОН АДАБИЁТИ 8. 1998**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатта олинган.  
№172.

Таҳририят манзили:

700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60, 144-41-61, 144-41-62

Навбатчи муҳаррир Абдуҳамил ПАРДАЕВ  
Рассом М. КАРПУЗАС  
Техник муҳаррир В. БАРСУКОВА  
Мусаҳид Т. ОРИПОВА

Теришга берилди 03.07.1998 й. Босишига рухсат этилди 21.09.1998 й.  
Бичими 70x108<sup>1/16</sup>. Офсет қозози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2.  
Нашибийт босма табоғи 20,0. Жами 4000 нусха. К-6365 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг "Ўзбекистон"  
нашриётида компьютерда терилид, Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот  
қўмитасининг Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30.